Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Имом Бухорий номидаги
Тошкент Ислом институти

Сўфи Оллоҳёр

МАСЛАК УЛ-МУТТАҚИН

Таржимон:
Қўзихўжа Ҳафизхўжа ўғли

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2012

УДК: 297
КБК 86.38 - Ислом
О–49

Нашрга тайёрловчилар:

Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ,
Акрам ДЕҲҚОН

Илова қисмини тузувчи:

Ҳамидуллоҳ АМИН

Масъул муҳаррирлар:

Шайх Абдулазиз Мансур,
Одилхон қори Юнусхон ўғли

Таҳризчилар:

Абулҳасан Нуриймон,
Муҳаммад Айюбхон ҲОМИДОВ

О–49 **Оллоҳёр, Сўфи.**
Маслак ул-муттақин С. Оллоҳёр; таржимон Қ. Ҳафизхўжа ўғли; нашрга тайёрловчилар: С. Сайфуллоҳ, А. Деҳқон; Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом инсти. – Т.: «Sharq», 2012. – 496 б.

1. Ҳафизхўжа ўғли, Қўзихўжа (тарж.)
2. Сайфуллоҳ, Сайфиддин (нашрга тайёр.)
3. Деҳқон, Акрам (нашрга тайёр.)

Сўфи Оллоҳёрнинг форсча «Маслак ул-муттақин» асари қадимдан халқимиз орасида маълум ва машҳур. Мадрасаларда махсус дарслик сифатида ўқитилиб келинган бу китоб бугунги кунда ҳам толиби илмларимизга фиқҳ, ақида ва одоб-ахлоқ бўйича муҳим қўлланмадир. Юздан ортиқ фатво китобларидан фойдаланилган бу мўътабар манбада фиқҳий масалаларнинг тақво ва одоб жиҳатлари ҳам кўрсатиб берилган. Мазкур асарнинг қўлингиздаги туркий таржимаси ҳам сизларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

УДК: 297
КБК 86.38

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2395-рақамли тавсияси билан чоп этилди.

ISBN 978-9943-00-461-0

© Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ, Акрам ДЕҲҚОН.
© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2012.

2013/8
A 508
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
№ 31702
3

بسم الله الرحمن الرحيم

МЎЪТАБАР МАНБА

XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг бошларида яшаб ўтган Сўфи Оллоҳёр араб, форс ва ўзбек тилларида нодир китоблар ёзиб қолдирган, динимиз ва адабиётимиз тарихидан муносиб ўрин эгаллаган улкан ижодкордир. Унинг "Маслак ул-муттақин" китоби форс-тожик тилида шеърий услубда ёзилган бўлиб, ўзбек ва тожик халқлари орасида жуда машҳур. Бу асар устозлар томонидан қадимдан мадрасаларда дарслик сифатида ўқитиб келинган. Унда, асосан, исломнинг беш асосий шарти билан боғлиқ фиқҳий масалалар, ақида ва одоб-ахлоққа доир баъзи қарашлар баён этилган.

Сўфи Оллоҳёр нафақат шоир ёки тариқат шайхи, балки у зот йирик фақиҳ, шариат илмларининг билимдони ва тарғиботчисидир. Барча асарлари одамларга ҳақиқий исломни тушунтириш, дину диёнатга бошлаш, одоб-ахлоқни ўргатиш ва соф тасаввуф йўлини тутишга қаратилган.

Сўфи Оллоҳёрнинг китоблари ичида энг салмоқлиси "Маслак ул-муттақин" эканлиги уламоларимиз томонидан тан олинган. Чунки унда юздан ортиқ фатво китобларидан фойдаланилган. Кўп масалаларнинг фатво ва тақво жиҳати кўрсатиб берилган. Шунинг учун ҳам китобда фатво ва тақво баён этилганлиги таъкидланган.

Китобнинг бир қанча мусулмон давлатларида нашр этилганлиги ва бу асарга махсус луғатлар, ҳатто арабча шарҳлар битилганлиги ҳам юқоридаги фикрларимизга далилдир.

Сўфи Оллоҳёр фиқҳий масалаларни баён қилиш жараёнида оят ва ҳадислардан далил келтиради. Тўрт мазҳаб имомларининг қарашларидаги фарқларга ҳам тўхталади. Ҳар

бир масаланинг ҳанафий мазҳабидаги фатвосига тўхталар экан, тақво ҳамда одоб жиҳатларини ҳам эслатиб ўтади. Сир эмас, бугунги кунда кўпчилик ибодатнинг хос одоби ва махсус дуоларини яхши билишмайди. Мазкур китоб ана шу жиҳатлари билан ҳам аҳамиятлидир.

Сўфи Оллоҳёрнинг ўзига хос баён услубларидан бири шуки, у зот қайси бир масалага мурожаат қилмасин, албатта, инсонни охират ҳисоб-китобидан огоҳлантириб туради. Ҳалол яшашга, ахлоқни тузатишга, илмга амал қилишга, бидъат-хурофотдан йироқ бўлишга, хавфу ражо орасида яшашга даъват этади. Бир сўз билан айтганда, оят ва ҳадис маъноларини шеърга солиб китобхонга насиҳат қилади.

Диёримиздан етишиб чиққан алломалар исломий илмларнинг барча соҳаларига жуда катта ҳисса қўшганлар. Шу билан бирга араб ва форс тилларини яхши билган алломаларимиз илму фанни тарқатиш ва савоб олиш умидида ислом оламидаги кўп диний ва тасаввуфий китобларни ҳам таржима қилганлар.

Ўшалар қатори Қўзихўжа Ҳафизхўжа ўғли ҳам "Маслак ул-муттақин"ни "Ҳидоят ул-муттақин" номи остида туркийга таржима қилиб хайрли ва заҳматли бир ишни амалга оширган эканлар, Аллоҳ бу ишлари туфайли руҳларини савобидан баҳраманд айласин. Ушбу таржима ишнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида олимларимиз ўзларининг муносиб баҳоларини берадилар, деб ўйлайман.

Илмий ходимлар Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Акрам Деҳқонлар томонидан нашрга тайёрланган ушбу китоб, инша-Аллоҳ, халқимизга, хусусан, талабаларга фойдали бир қўлланма бўлади, деб умид қиламан.

Усмонхон АЛИМОВ
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси, муфтий

بسم الله الرحمن الرحيم

"МАСЛАК УЛ-МУТТАҚИН" АСАРИ ҲАҚИДА

Бизга ҳидоят йўлини кўрсатган Аллоҳу таолога беадад ҳамду санолар, умматларига шариат аҳкомларини етказган башариятнинг афзали Муҳаммад алайҳиссаломга салоту саломлар бўлсин!

Ўзбек адабиётининг забардаст сиймоларидан бири, зуллисонайн шоир, фақиҳ, нақшбандия тариқатининг йирик намоёндаси Сўфи Оллоҳёрнинг туғилган йили ҳақида турли фикрлар билдирилган. Илмий тадқиқотлар ва тазкираларда қайд этилишича, Сўфи Оллоҳёр тахминан 1630–1650 йиллар орасида, кейинги тадқиқотларда таъкидланишича 1663 йилда Самарқанддаги Каттақўрғон беклигига қарашли Минглар қишлоғида Аллоҳқули (Темирёр) хонадонида туғилган. Умрининг охирида Сурхондарё вилоятининг Денов туманида яшаган. Тахминан 1721–1724 йиллар орасида вафот этган ва ўша ерда дафн этилган[1].

---

[1] **Қаранг:** Иноятулло Сувонқулов. Сўфи Оллоҳёр. Тошкент, "Фан", 1995, 13–28-бетлар. Яна: Рашид Зоҳид. "Сўфи Оллоҳёр ҳақида нималар биламиз?". "Шарқ юлдузи" журнали, 1990, 12-сон; Рашид Зоҳид. "Тарозу борига иқроримиз бор". "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 1991, 8-сон. Яна: И. Бекмуродов. "Каттақўрғоннинг қисқача тарихи". Самарқанд, "Зарафшон", 1993, 9–10-саҳифалар. Яна: Пўлатжон домулла Қайюмов. "Тазкираи Қайюмий". 3 жилдлик, 1-жилд. Тошкент, 1968, 61–62-бетлар; Абдусаттор Жуманазаров. "Мозий мозаикаси". "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 2012 й., 12 март.

Демак, Сўфи Оллоҳёр XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг бошларида яшаб, ижод эттан. Шунингдек, у кишининг айнан шу даврларда яшаб ўттан оташнафас, мажзуб шоир Бобораҳим Машраб (1650–1711) билан мулоқот қилганлиги ҳам манбаларда келтирилган[2].

Манбаларда таъкидланишича, Сўфи Оллоҳёр "Маслак ул-муттақин", "Мурод ул-орифин", "Сабот ул-ожизин", "Махзан ул-мутиъийн" каби асарлар ёзган. Баъзи олимлар "Нажот ут-толибин" ва "Фавз ун-нажот" китобларини ҳам Сўфи Оллоҳёрга нисбат берадилар.

Октябр инқилобига қадар бу асарлар форсий ва туркий тилда сўзлашувчи ҳар бир мўъмин ва мусулмон томонидан эъзозланиб, ўқиб келинган. Уларга арабий, форсий ва туркий шарҳлар битилган, махсус луғатлар тузилган.

Аммо, афсуслар бўлсинки, шўро даврида Сўфи Оллоҳёр ижоди диний-мистик адабиёт тамғаси остида таъқиқланиб келинди. Қайта қуриш, ошкоралик, айниқса, руспубликамиз Мустақиллиги шарофати билан Сўфи Оллоҳёр ижоди ҳам кенг тарғиб этила бошланди. Асарларидан баъзилари нашр этилди. Ҳаёти ва ижодиёти илмий муомалага киритилди.

Улуғ шоирнинг энг салмоқли асари "Маслак ул-муттақин" ("Тақводорлар маслаги") деб номланган бўлиб, асар шеърий шаклда форс тилида битилган. У фиқҳ, яъни шариат қоидалари, эътиқод ва ахлоқ каби масалалардан баҳс этади.

"Маслак ул-муттақин" арузнинг хафиф баҳрига мансуб фоилотун-мафоилун-фаълон (-v--v-v--) вазнида ёзилган. Умумий ҳажми ўн икки минг байтдан ортиқ-

---

[2] **Қаранг:** Қиссаи Машраб. Тошкент, "Ёзувчи", 1992, 151–152-бетлар. Яна: Исҳоқ Боғистоний. "Тазкираи қаландарон", "Шарқ юлдузи" журнали. 1990, 8-сон, 156-бет.

роқ. Буни шоир "Сабот ул-ожизин"да қуйидагича қайд этган:

Битибмен форсий тилда китобе,
Тамом анда масоилнинг жавобе.
Ҳама тақвову фатвонинг баёни,
Ўн икки мингдан ортуқ байти они[3].

Шоир "Маслак ул-муттақин"да унинг ёзилган йилини қуйидаги сатрларда кўрсатиб ўтган:

Шукрҳо бо Худо зи баъди салот,
Фитр, қурбониву китоби закот.
Дар ҳазору саду дувоздаҳ ийн,
Шуд адо мучмалан алат-таъйин.
Бисту чор аз маҳи муҳаррам буд,
Шукрҳо бо Худойи поянда,
Бирасондӣ баматлуби банда.
Гар набошад иноят ёрӣ,
Ман кию кардани чунин корӣ[4].

(Аллоҳга шукрлар бўлсинки, намоз, фитр, қурбонлик, закот ҳақидаги китоблар хулоса қилиниб, 1112 ҳижрий қамарий (1700–1701 мелодий), йигирма тўртинчи муҳаррам ойи, душанба куни "Маслак ул-муттақин" китоби ҳам ёзиб тугалланди. Боқий Худога шукрлар бўлсинки, каминани мақсадига етказди. Агар унинг иноятн ёр бўлмаганда эди, мен кимманки, бундай ишни қилардим?!)

Шубҳасиз, Сўфи Оллоҳёр бу асарини илм ва тажриба орттириб, холис ният билан ёзгани унинг фикру мулоҳазаларидан билиниб туради.

Мадрасаларда махсус ўқитилган ушбу асарни толи-

---

[3] Сўфи Оллоҳёр. "Сабот ул-ожизин". Тошкент, "Меҳнат", 1991. 90-бет.

[4] Сўфи Оллоҳёр. "Маслак ул-муттақин". Конпур. "Навалкишвар", 1290 ҳ. 607–608-б.

би илмлар қисқача "Маслак" деб атаганлар ва бу асар туркий тилга ҳам таржима қилиниб, қўлёзма ҳолида тарқалган[5].

"Маслак ул-муттақин"нинг тошбосма ва қўлёзма нусхалари Ўрта Осиё, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга кенг ёйилган.

Муаллиф китобининг ёзилиш сабабларига тўхталар экан, камтарлик қилиб, асаримни улуғ олимлар учун эмас, балки араб тилини билмайдиган баъзи авом кишилар учун ёздим, дейди:

Пора мардум шикастапо ҳастанд,
Толиби шаръи Мустафо ҳастанд.
Фаҳмашон баёни ҳақталабӣ,
На нашинад ба нусхаи арабӣ.
Шояд он халқро муфид бувад,
Гуфтани ман ба ин умид бувад.
Шояд онро авом бархонанд,
Сурати эътиқоди худ дананд[6].

(Муҳаммад алайҳиссалом шариатини талаб қилиб юрган бир гуруҳ оёғи синган (илмлари саёзроқ бўлган) кишилар борки, ҳақталабликни баён қилишда уларнинг фаҳмлари арабий нусхаларга етмайди. Шояд, ўшаларга фойдаси тегса, деган умидда бу асарни ёздим. Токи, авом кимсалар уни ўқиб, эътиқодларининг қандай суратда эканлигини билиб олсалар.)

Асарнинг бошқа ерида шоир пирининг иноятн билан жиддий илм ўқиганлиги, бу китобни ёзиб, унга "Маслак ул-муттақин" деб ном қўйганлигини ҳам айтиб ўтади:

---

[5] Бу асар ҳақида кейинроқ тўхталамиз.

[6] "Маслак ул-муттақин". 28-б. Бундан кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олинганлиги учун "мазкур асар", деб саҳифасини кўрсатиш билан чекланамиз.

Қаряи назмро ниҳодам гом,
"Маслак ул-муттақин" ниҳодам ном[7].

(Назм қишлоғига қадам қўйдим, (бу асарни) "Маслак ул-муттақин" деб атадим.)

Бизнинг назаримизда, бу китобнинг ёзилиш сабабларидан яна бири Сўфи Оллоҳёр яшаган даврларга келиб ислом динининг бир қадар сусайиши, натижада ахлоқсизликнинг кучайиши (бемеҳрлик, шаробхўрлик, зинокорлик, фаҳш, зулм ва зўравонликнинг кенг авж олиши) бўлган. Бу тўғрида шоирнинг махсус таъкидлари борки, қуйидаги байт шулардан биридир:

Эй дариғо, ки андарин айём,
Рафта заъфи ақиб дар ислом[8].

(Ҳай дариғки, бу айёмларда ислом дини ажиб заифлашди.)

Шунингдек, шоир яшаган муҳитида дину эътиқоднинг сусайиб қолганлиги, ахлоқсизликнинг кучайиб кетганлигидан шикоят қилиб ёзади:

Ҳам дар ин балдаҳои мо донӣ,
Заъф рафтааст дари мусулмонӣ.
Зоҳидоне, ки шайх номиданд,
Хештанро бузурги Ҳақ диданд.
Суннати Мустафо гузоштаанд,
Рӯи дил бар ҳудус доштаанд.
Баъзи аз олимон чунон шудааند,
Фитнаомузи оламиён шудааند.
Қавли ӯро писанд месозанд,
Моли мардум било ибо тозанд.
З-ин сабаб золимон далер шуданд,
Аз барои гирифт-гир шуданд.

---

[7] Мазкур асар, 24-б.
[8] Мазкур асар, 413-б.

Хамри чиркин, рибои дӯн хӯрданд,
Маййита бардоштанд, хун хӯрданд.
Ном карда ба лўлиён "бонӯ",
Биншонанд бар сари зонӯ.
Бас, зиноро, ки ошкор кунанд,
Аз гуноҳи дигар чи ор кунанд?
Умароки, муравви ҷи динанд,
Худ онҳо кунандаи инанд.
Ҳукмдорон дигар чунин бошанд,
Фуқаро чун ривоҷи дин созанд?[9]

(Бу яқин шаҳарларда мусулмончилик эшиги заифлашди. Ўзларини шайх атаган зоҳидлар ўзларини Худонинг улуғ бандаси деб билдилар. Мустафонинг саллаллоҳу алайҳи васаллам суннатини тарк қилиб, қалб юзини бидъат ишларига қаратдилар. Баъзи бир олимлар оламларга фитна солувчи бўлганлар. Одамлар уларнинг сўзини писанд этсаларда, улар одамларнинг молини уялмасдан тортиб оладилар. Шу сабабдан золимлар жасур, улар "олҳа-ол"га мубтало бўлганлар. Ифлос хамр (ароқ)-ни ичиб, пасткашлик билан пора оладилар. Ердан ўлимтик топиб, қонини ичадилар. Лўли аёлларни "бону" атаб, тиззаларига олиб ўтирадилар. Очиқчасига зино қилганларидан кейин бошқа гуноҳдан қандай ор қилсинлар? Динга ривож берувчи амирларнинг ўзлари бу ишларни қиладилар. Ҳукмдорлар шундай бўлганларидан кейин фуқаро қандай қилиб динга ривож берсин?!)

Демак, шундай шароитда дин, имон ва эътиқодга доир асар ёзишни Сўфи Оллоҳёр зарурат ва бурч деб билганлиги ҳам шубҳасиздир.

Сўфи Оллоҳёр ижодининг моҳияти, тарғиб ва ташвиқоти шариатни ўрганиш, билиш, унга амал қилиб садоқат кўрсатишдан иборат. Шоир асарида кўтарилган

[9] Мазкур асар, 626-б.

ҳар бир ғояни шариат ҳукми, Қуръон ва ҳадис асосида шарҳлаб, тушунтириб беради. Орифликнинг ҳақиқатини шариат ҳақиқатида кўради.

Китобнинг 60 байтдан таркиб топган ҳамд қисми шундай сўзлар билан бошланади:

Ҳамди беҳад, санои беаъдод,
Ба Худойи, ки нури иймон дод.
Ғофирасту раҳиму раҳмон аст,
Пок аз айбу ширку нуқсон аст[10].

(Иймон нурини берган Худога ҳадсиз ҳамд ва ададсиз санолар бўлсин. (Гуноҳларни) кечирувчидир, раҳим ва раҳмондир. Айбдан, ширкдан, нуқсондан покдир.)

Бу қисмда Аллоҳ таолонинг қудрати, зоти ва сифатлари таърифланиб, аксар Қуръонда зикр этилган Пайғамбарларнинг номлари тилга олиниб, улар билан боғлиқ воқеа ва ҳодисалар баён этилади ва айни пайтда яратувчининг беқиёс қудратига ишоралар қилинади. Масалан:

Дид ақвоми Лутро дар қубҳ,
Забару зер кард дар як субҳ.
Ту чӣ сози ба мулки дунё фахр,
Шуд ба як сайҳа нест "Ҷобус-сахр".
Оташеро, ки подшоҳи Ҷалил,
Кард як лаҳза бўстони Халил[11].

(Аллоҳ) Лут пайғамбар қавмининг қабоҳат, ёмон ишлар қилганини кўриб, бир тонгда уларни остин-устун қилди. Сен қандай дунё мулкига фахр қиласанки, харсанг тошларни йўниб иморат қилган Солиҳ алайҳиссалом қавмини бир қаттиқ овоз келиб ҳалок қилди. Шону шавкатлик подшоҳ (яъни Аллоҳ) Иброҳим Халилуллоҳ-

[10] Мазкур асар. 2-бет.
[11] Мазкур асар, 4-бет.

ни куйдиришга мўлжалланган оловни бир лаҳзада бўстонга айлантирди.)

Муаллифнинг фалсафий мушоҳадалари, олам ва одам, ислом тарихига оид фикрлар, замон ва жамиятга муносабати ана шу ҳамд қисмида анча теран ифодаланган. Аксар мисра ва байтлар мустақил, рамзий маъноларга эга бўлиб, уларни тушуниш учун анбиё ва авлиёлар қиссаларидан огоҳ бўлиш керак.

Аллоҳнинг қаҳридан қўрқиб, бепоён раҳматига умид боғлаган шоир Муҳаммад алайҳиссаломга уммат, чорёрларни дўст тутувчи, аҳли суннат ва жамоа тоифасидан эканлигига шукр қилади, инсон ва мусулмон бўлиб яратилганини мамнуният билан эслаб ўтади:

Ба иноёти худ мусулмон кард,
Ҷинси дигар накард инсон кард.
Дод моро ба лутфи хеш мақом,
Дар миёни вилояти ислом[12].

(Ўз иноятн билан бизни мусулмон қилди. Бошқа жинсдан эмас, инсон жинсидан қилди. Ўз лутфи билан бизга ислом вилоятининг ичидан жой берди.)

Ҳамддан кейин Муҳаммад алайҳиссалом таърифларига бағишланган 15 байтли наът келади. Ундан кейин муножот, тавҳид ва Аллоҳ таолонинг сифати, Ҳақ таолонинг дийдорини кўриш, иймон келтириш, чорёрлар мадҳи, имомлик қилиш, хориқи одат ва унинг қисмлари, мусаннифнинг камчиликлари, ўз фарзандига насиҳати ва ўзининг ожизлиги баёни, мусулмончиликнинг беш шарти, намоздаги ўн икки иттифоқли фарз, мўъламанинг баёни каби мавзулар атрофида мулоҳаза юритилади. Таҳорат китобидан бошлаб, таҳорат, таяммум, намоз, рўза, закот, қурбонлик, ов қилиш, қироат, саждаи саҳв, саждаи тиловат, ўликни ювиш, кафанлаш, шаҳид-

[12] Мазкур асар, 4-бет.

лик ҳукми, сув ва қудуқ ҳукми, ҳайзу нифос каби фиқҳий масалалар алоҳида бобларга ажратилиб, ҳар бир масаланинг жузъий жиҳатлари ҳам инобатга олиниб, шарҳлаб, далиллаб берилади. Сарлавҳа ичидаги сарлавҳачалар бош ғояни чуқур англаш ва тушунишга хизмат қилади. Масалан, таҳорат китоби шундай бобларга бўлинган:

1. Таҳорат китоби ва унинг фарзлари.
2. Таҳоратнинг суннатлари.
3. Таҳоратнинг мустаҳаблари.
4. Таҳоратнинг наҳи ва макруҳлари.
5. Таҳоратни синдирувчи нарсалар.

Шунингдек, қазойи ҳожат ва унинг одоби, қазойи ҳожатнинг наҳи ва макруҳлари, тупроқ билан истинжо қилиш (тозаланиш), сув билан истинжо қилиш, оқар сув, қудуқ суви, ишлатилган сувлар ҳақидаги ҳукмлар, фатволар бевосита таҳорат илми билан боғлиқ бўлиб, таҳорат ҳақидаги билим ва тасаввуримизни янада бойитади.

Сўфи Оллоҳёр имоми Аъзам ва унинг мазҳабини улуғлаб, шу мазҳабга мансублигини таъкидлайди:

Шукри дигар базоти субҳонӣ,
Дод моро тариқи нуъмонӣ.
Мустафо гуфт дар шаби меъроҷ,
"Яъни Нуъмон ба уммат аст сироҷ"[13].

(Яна зоти пок Аллоҳга шукрки, бизга Нўъмон (Имом Аъзам) йўлини, мазҳабини берди. Меърож кечаси Муҳаммад алайҳиссалом имоми Аъзамни "умматимнинг чироғи", дедилар.)

Имоми Аъзам (ҳанафий) мазҳабида бўлган шоир бирор шаръий масалани аввало ана шу мазҳаб доирасида ҳал қилади. Лекин баъзи хилофий ва баҳсли масалалар

[13] Мазкур асар, 4-бет.

устидан ҳукм, фатво чиқаришдан олдин у имом Аъзам, имом Молик, имом Шофиъий, имом Абу Юсуф ва бошқа уламолар фикрларини келтириб, фатво кимга ва қайси ҳукмга тегишли эканлигини уқтиради. Масалан, намознинг фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, муфсид, ҳаром, макруҳ ва мубоҳлари бор. Муаллиф ана шулар ҳақида фикр билдирганда мазкур имомларнинг қарашларини, баъзи фақиҳларнинг нуқтаи назарларини қиёслайди, гоҳо ҳаммаларининг қарашларида жон борлигини, айрим фатволар эҳтиёт юзасидан айтилганлигини таъкидлаб, хулосавий фатво ва ҳукмлар чиқаради. Айрим шаръий ҳукмларни баён этаётиб, ўрни-ўрни билан китобхонга насиҳат этиб, уни тавба қилишга, илм ўрганишга, шариат амрини эътиқод билан бажаришга, руҳоний пир топишга, дунёнинг фонийлигини англашга, хос кишилар ва мўъминларга яхшилик қилишга, ёмонлардан йироқ юришга даъват қилади.

Сўфи Оллоҳёрнинг эътироф этишича, фиқҳ илмида унга икки киши устозлик қилган: бири Хожа Мўъмин, бири Муҳаммад Ғазний. Шоир "Ман ҳар қанча авом ва хом бўлсам ҳам устозларим марди тамом", яъни комил инсонлар, деб уларни улуғлайди ва уларга Аллоҳдан Жунайду Ғаззолийга насиб эттан мартаба ва раҳматларни тилайди.

Ё Илоҳӣ, ту лутф кун ҳолӣ,
Ҳар дуро чун Ҷунайду Ғаззолӣ[14].

(Ё Илоҳим, шу айёмларда уларнинг ҳар иккисига Жунайду Ғаззолийларга кўрсаттанингдек лутф айла.)

"Маслак ул-муттақин"ни ўқир экансиз, унда юздан ортиқ ислом оламидаги мўътабар китоб номларига дуч келасиз. Жумладан, "Ақоид", "Фусули имод", "Хулоса",

[14] Мазкур асар, 34-бет.

"Қозихон", "Муҳит", "Захира", "Канз ул-ибод", "Шуруҳи ҳавоший", "Жалолий", "Мултақит", "Хизонаи қиннийя", "Жавоҳир", "Музмарот", "Шарҳи аврод", "Мишкоти шариф", "Абулмакорим", "Ҳидоя", "Жомиъур румуз", "Шарҳи мухтасар", "Салоти Масъудий", "Фатовий", "Кофий", "Жомиъ ул-басотин", "Жомиъ ус-сағир", "Туҳфат ул-мулук", "Янобеъ", "Тоторхоний", "Заҳриддин", "Бўстон", "Танбеҳ уз-золлин", "Ниҳоя", "Кифояи Шаъбий", "Виқоя", "Шарҳи Биржандий", "Мабсут", "Тарғибус-салот", "Нисоб ул-эҳтисоб", "Шамсиддин". Бу китоблардан муаллиф нақл, ривоят ва фиқҳий масалаларнинг жавобини келтириб, даъволарини далиллайди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, "Маслак ул-муттақин"да исломнинг беш асосий шарти, ахлоқ меъёрлари, ва тасаввуф билан боғлиқ баъзи масалалар баён этилган бўлса-да, фиқҳнинг "муомалот" билан боғлиқ масалалари ёртилмаган. Бироқ "муомалот" билан боғлиқ айрим шаръий масалаларга ишора қилиб ўтилган жойлар ҳам йўқ эмас.

Сўфи Оллоҳёр ижоди билан қизиққан кишилар "Маслак ул-муттақин"ни ўқиб, унинг дил дардлари, айниқса, руҳий таржимаи ҳолидан ҳам воқиф бўладилар. "Муножот", "Мусанниф камчиликларнинг баёни", "Фарзанди аржумандга насиҳат" каби боблар шу жиҳатдан эътиборли. Шунингдек, бу бобларда муаллиф Аллоҳга тавба-тазарру қилади, гуноҳларини авф этишини сўрайди. Ўзининг ожиз банда эканлигини изҳор этади, оқибат инсон ўзини яратган Тангри олдида яхши-ёмон ишларидан ҳисоб беришини эслатади. Мўъминни ҳақ ва эзгулик томонга ундайди. Сўфи Оллоҳёрнинг ўзига ё ўғлига хитоб қилиб биттан ибратли байтлари аслида бутун мўъмин-мусулмонларга тааллуқлидир.

Сўфи Оллоҳёр саййид, хожалардан эмаслигини асар-

нинг бир неча жойида таъкидлаш билан бирга, камтарлик қилиб ўзини ўзи койийди, "ёмон инсонларданман", дейди:

Саййиду хоҷа нестӣ, эй турк,
Балки ҳасти миёни туркон гург[15]

(Эй турк, сен саййиду хожа эмассан, балки турклар орасидаги бўрисан.)

Ёки:

Пас, ту эй туркзоди кӯтаҳ ақл,
Ончи суннат, адаб, ки карди нақл.

(Сен, эй турк авлодидан бўлган ақли калта, суннат ва адаб бўлган нарсалар ҳақида нақл қилдинг.)

Юқоридаги сатрлар Сўфи Оллоҳёрнинг қандайдир жоҳил, ёмон инсонлигини эмас, аксинча, улуғлигини ва камтарлигини билдириб туради.

Бошқа бир жойда "хожа, мир, шайхзода эмасман", деса, яна бир ўринда "манки ҳастам зи ўзбакон", яъни "менки ўзбеклардaнман..." дейди. У беҳуда ўтган умридан, амалдор бўлган кунларидан, ёмон қилмишларидан пушаймон бўлади, ачиниб, ҳатто надомат билан ўтган кунларини эслайди:

Сўфи Оллоҳёр гумроҳликда, амалдор бўлиб юрган кезлари ногаҳон Аллоҳ иноятн билан бахти чопиб, дарвешларга, яъни сулук аҳли сафига қўшилиб қолади. Ҳақиқат йўлига киргач, қалбини зулмат тарк этиб, илоҳий нур чулғайди. Шоир Аллоҳнинг бу тавфиқ ва ҳидоятини мамнуният билан қайд этади:

Ногаҳон аз иноятн Борӣ,
Дод султони бахти ман ёрӣ.
Токи гаштам муҳибби дарвешон,
Ёфтам суҳбати хуши эшон.

---

[15] Мазкур асар, 35-бет.

(Ногаҳон Аллоҳ иноятн билан бахтим султони ёр бўлди. Дарвешларга муҳаббатим тушиб, уларнинг хуш суҳбатини топдим.)

Сўфи Оллоҳёр нақшбандия тариқатига мансуб эканлигини асарнинг ҳамд қисмидаёқ айтиб ўтади. Ўзининг эътироф этишича, тариқатга йўллаган, тасаввуфнинг сир-асрори, роҳу равишидан таълим берган аввалги пири муршиди Хожа Наврўздир. Сўнгра бухоролик машҳур нақшбандий шайхи Ҳабибуллоҳ эшонга қўл бериб, у кишига хизмат қилиб, ўзи ҳам шайхлик даражасига эришади.

Шоир руҳиятига, ботиний дунёсига таъсир қилган пирларини васф қилар экан, ҳатто ижод қилишида ҳам улардан маънавий мадад етиб турганлигини фахр билан эслаб ўтади.

Қуйидаги байтларга диққат қилсангиз, шоир яратган Эгам даргоҳига сидқидилдан тавба-тазарру қилиб, ундан маърифат ва ҳақиқат йўлини кўрсатишни ёлвориб сўрайди:

Гарчи ҳастам ба ҷурми исён ғарқ,
Ту макун рӯзи фарқ-муҷиби ҳарқ.
Ё илоҳӣ, кушой дийдаи мо,
Бадурусти ту бар ақидаи мо.
Аҳли Ҳақро ба лутф ёрам кун,
Лавҳи таҳқиқ дар канорам кун.
Пайрави ҳазрати Набӣ гардон,
Дӯр кун аз сулӯки номардон.
Дили мо кун зи аҳли бидъат сард,
Гарчи даъвии қутбӣ, ғавсӣ кард.
Косаамро манеҳ шароби тамаъ,
Заҳр кун дар даҳонам оби тамаъ.
Аз таоми қаноатам кун сер,
Раъси миннат, ба пои ҳиммат зер.

2013/8
A 508
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

Дӯр гардон зи худфурушӣ, кибр,
Баманоҳӣ қариб макун як шибр.
Аз умури шариати акрам,
Кори моро макун зиёдаву кам.
Қоматамро либоси тақво неҳ,
Ҳарчи талбам аз онам ақво неҳ[16].

(Гарчи мен журму исёнга ғарқ бўлсам ҳам, Сен қиёмат куни оловга (дўзахга) сазовор қилма. Ё илоҳим, бизнинг эътиқодларимизни дуруст қилиб, кўзларимизни оч. Лутфинг билан Ҳақ кишиларини менга ёр қил, ҳақиқат лавҳини доимо мен томон эт. Ҳазрати Пайғамбарга пайрав қилиб, номардлар йўлидан йироқ қил. Бидъат аҳли, қутб ва ғавслик даъвосини қилса ҳам, бизнинг юрагимизни улардан совит. Косамга тамаъ шаробидан қуйма, оғзимга тамаъ сувини заҳар қил. Қаноат таомидан мени тўйдир, миннат бошини ҳиммат оёғи остида янч. Ўзни кўз-кўз қилишдан, кибрдан йироқ тут. Ман этилган нарсаларга бизни бир қарич ҳам яқинлаштирма. Расулуллоҳ шариатларининг буйруқларидан бизнинг ишимизни зиёдаю кам қилма. Қоматимга тақво либосини бер, ҳар нарсаки, Сендан талаб қилсам, ундан ортиқроқ қилиб бер.)

Шарқ адабиётида шоирларнинг ўз фарзандига асар бағишлаши ёки бирор асарида фарзандига насиҳатлар қистириб ўтиши анъана тусини олиб келган. "Маслак ул-муттақин"да ҳам ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, меҳрибон, диёнатли фақиҳ отанинг ўғлига қилган насиҳатларини тўлқинланиб ўқиймиз. Ота ўз ўғлига икки дунёнинг бахтиёрлигини тилаб, нима қилса у дунё-ю бу дунё саодатига эришажагани кўрсатиб, уни тўғри йўлга бошлайди. Жумладан, шоир ўғлига шундай панд-насиҳатлар қилади:

[16] Мазкур асар, 7-бет.

Гар ту панди падар ба ҷон гирӣ,
Ҳалқаи боби осмон гирӣ.
Мақсадатро Худо кунад ҳосил,
Би иноёти худ кунад восил.
Падарат шуд ба нокасӣ шоеъ,
Ту макун умри хешро зоеъ.
Падарат бигзаронд умр ба ҷаҳл,
Ту макун зинҳор пешаи саҳл.
Ман бу дунёи дӯн шудам хурсанд,
Ту сарбанди хешро барбанд.
Мисли ман омӣ, нотамом мабош,
Пухтагӣ пеш гиру хом мабош.
Хизмати аҳли шаръро шав ёр,
Зинҳор, эй азизи ман, зинҳор,
Аз Худованди хеш агар тарсӣ,
Соз аз ҳарду илми ӯ дарсӣ.

(Эй ўғлим, агар сен отанг пандини олсанг, осмон эшигининг ҳалқасини қўлингга оласан. Худо мақсадингни ҳосил қилиб, ўз иноятига етказади. Отанг нокаслик билан машҳур бўлди. Сен ўз умрингни зое қилма. Отанг умрини жоҳилликда ўтказди. Сен эса енгил-елпи яшаш ва ишлашга ўрганма. Мен пасткаш дунёга мағрур бўлдим. Сен эса (унга қўл силташ учун) пухталикка ўргану хом бўлма. Эй азизим, зинҳор ва зинҳор шариат аҳлининг хизматини қилгин. Агар ўз Худойингдан қўрқсанг, унинг ҳар иккала дарсидан илм ўқи.)

Шунингдек, шоир насиҳатида давом этиб, яна қуйидагиларни таъкидлайди:

Илмни эгалла, унга амал қил, ҳамиша Худодан қўрқувчи комил бўл. Сен қўрқмасанг, Худо қўрқитади, банда унинг қўрқитишини яхши билсин. Сидқ аҳли билан суҳбат қуриш Худонинг амридир, амрдан бош тортган бошидан жудо бўлади. Ягона Холиқнинг амри билан фо-

сиқлар суҳбатидан йироқ бўлиш вожибдир. Ҳиммат отини фақр кўчасига чоптир, кучинг етганча (Аллоҳга) ҳожатмандлик қил.

Ёки:

Хоби ғабройи сахт бо дили ғарм,
Беҳтар аз сад ҳазор бистари нарм.
Хўшачинӣ кунӣ ба огоҳӣ,
Беҳтар аз сад амирию шоҳӣ.
Ҷомаи кӯҳна ба сад дарбеҳ,
Аз ҳазарон либоси ба зар беҳ.
Кафбирён ҷав ба ҳар ҳафта,
Беҳтар аз шаккари риё рафта[17].

(Қайноқ қалб билан қаттиқ ерда ётиш юз минг юмшоқ кўрпага ётгандан кўра яхшироқдир. Огоҳлик, ҳушёрлик билан бошоқ териш (яъни деҳқончилик қилиш) юз амирлик ва шоҳликдан яхшироқдир. Юз ямоқ эски тўн минглаб зарли либослардан яхши. Ҳар ҳафта бир ҳовуч қовурилган арпа (насибинг бўлса), миннатлик шакардан яхшироқдир.)

Ёки:

Ба ҷавонии худ машав ғарра,
Аз шариат бурун машам зарра[18].

(Ўз ёшлигинг билан мағрурланма, шариатдан зарра ҳам ташқари чиқма.)

Ёки:

Хештанро ба фисқ ёр макун,
Ҷони ширин сазои нор макун[19].

(Ўзингни гуноҳга яқинлаштириб, ширин жонингни дўзахга дучор қилма.)

---

[17] Мазкур асар, 32-бет.
[18] Мазкур асар, 33-бет.
[19] Мазкур асар, 33-бет.

Шоирнинг ўғлига насиҳатларидан яна бири ҳалол меҳнат қилиб, ризқ топиш, бола-чақани пешана тери билан боқишга даъват қилишдир:

Анбиёки гузаштаанд фаҳасб,
Ҳама буданд фоили як касб.
Бандагонеки, Ҳақ шинохтаанд,
Ҳаргиз аз кас тамаъ насохтаанд.

(Ўтган пайғамбарларнинг ҳаммалари кифоя қилувчи бирор касб билан шуғулланганлар. Ҳақни таниган бандалар асло бировдан тама қилмаганлар.)

Хуллас, шоир асарида ўғлини молпараст, ҳатто баъзи қариндошларига ўхшаб мансабпараст ва дунёпараст бўлмасликка чақиради. Ўзининг ҳаётини ўғлига ибрат қилиб кўрсатади. Шунингдек, яна ширин сўзли ва қаноатли бўлишни, кўп кулиб қалбни ўлдирмасликни, дарду ишқ соҳиби бўлишни, лоқайд ва танбаллардан йироқ юришни, қиёматни ўйлашни эслатади. Фарзандига насиҳатлар қилар экан, уни охират саодатидан воқиф этади:

Худ нигаҳ дор зи афъоли зишт,
Рӯзи маҳшар кунад сазои беҳишт[20].

(Ёмон феълу атвордан ўзингни сақла, қиёмат куни (Аллоҳ сени) беҳиштга сазовор қилади.)

Кўриб ўтганимиздек, Сўфи Оллоҳёрнинг асарида лирик чекинишлар қилиши ва китобхон билан ҳаёт тажрибасини ўртоқлашиши бежиз бўлмаган. Зотан, унинг ҳар бир насиҳати, дил нидолари китобхонни тақво ва солиҳ амалга ундаб, дунё ва охират саодатига даъват қилиб туради.

---

[20] Мазкур асар, 33-бет.

"МАСЛАК УЛ-МУТТАҚИН" АСАРИНИНГ ТАРЖИМАСИ

"Маслак ул-муттақин" асари туркий тилга "Ҳидоят ул-муттақин" деган ном остида насрий таржима қилинган, унинг қўлёзма нусхалари баъзи жойларга, айниқса, Сайрам ва Тошкент атрофига тарқалган. Бироқ қандайдир сабабларга кўра чоп қилинмаган.

Биз "Ҳидоят ул-муттақин"нинг икки нусхасини кўздан кечирдик. Бири Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида №12180 рақам остида сақланаётган қўлёзма бўлса, иккинчиси шу Институтда илмий ходим бўлиб ишлаган таржимон – Қўзи Хўжанинг эвараси Акрам Ҳабибуллаевнинг шахсий кутубхонасида сақланаёттан нусхадир. Айнан мана шу нусха тўлиқ ва мукаммал бўлгани учун уни нашрга тайёрладик.

Китоб 305 варақ, ўлчови 15,5х26, сатри 15 қатор, хати настаълиқ, матн қора ва қизил сиёҳларда ёзилган бўлиб, котиби номаълум. Китоб шундай сатрлар билан:

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

"Раббано ло туохизно ин насино ав ахтаъно"[21] – оятидан кейин "Сипос ва шукри беқиёс ул Худойғаким..." деб бошланади. Мутаржим меҳрибон қодир Аллоҳга ҳамду санолар йўллаб, ҳабиби расул алайҳиссаломга дурудлар айтади. Сўнгра китобнинг ёзилиш сабабларига тўхталади: "Ҳамд ва дуруддин сўнгра бу бандаи гуноҳкор Худонинг раҳматидан умидвор оси ва жофи қулдин маъруз шулким, шайх ул-машойих, зотлари баракотлик, хужаста сифотлик, мутаолий даражотлик, нусрат ободлик, фаришта сиёдлик, хуршид кулоҳлик, авлиё-

[21] Бақара сураси, 286-оят.

лар далили, уламолар далери, боргоҳи илоҳининг маҳрами, ҳасаби саййидийнинг ҳамдами, йўл кўрсатувчилар пешвоси, тақводор ва парҳезкорлар муқтадоси, масалаи румуз (рамз)ларин очқучи, орифлар сарвари ва машойихлар раҳбари, расул алайҳиссалом шариатларин барпо қилғучи, жону дил бирла ҳақиқат ва тариқатни тутқучи, илми ҳол ва илми қолнинг комили ва оёт-ҳадис ва амри маъруфнинг олими, диннинг ривожи, авлиёлар тожи, ҳар бир сўзи мамлакатлар хирожи" "соҳиб ул-каромати вал кушуфоти жоми ул-фуруъи вал-усули ва ҳодиил-манқули вал-маъқул" фақоҳат паноҳ ва диёнат дастгоҳ, ҳазрати эшон Сўфи Оллоҳёри Мингалий қуддиса сирруҳу "Маслак ул-муттақин"ни тасниф қилиб, "Сабот ул-ожизин"да меҳрибон бўлган эканлар.

Байт:

Битибмен форсий тилда китобе,
Тамом анда масоилни жавобе.
Ҳама тақвову фатвонинг баёни,
Ўн икки мингдин ортуқ байти они, –

деган меҳрибонликларин бир неча камқувват ва форсийдин бехабар толиблар кўруб, бу зарраи бемиқдор ва камбизоат зоҳир ва ботинда нобино ва лангпо (чўлоқ) фақири ҳақир Ҳафиз Хўжанинг ўғли Қўзи Хўжаи бефаросат ва кам каёсат нолойиқни бу амри шарифга лойиқ кўруб, илтимос қилдиларким: "Ҳазрати Эшон Сўфининг бу китоби табаррукларидан бизлар бехабармиз. Керакким, туркий бўлса, бизлар ҳам фаҳм қилиб, баҳра олсоқ ва ҳол-қувватимиз боринча амал қилсоқ ва бизлардин сўнгиларга ҳам нусха бўлур ва тақи неча толиблар йўл топиб, Худойи азза ва жалла тавфиқи бирла йўлга кирсалар", – деб илтижо қилғондин кейин бу фақири бебаҳра заруратдин "**Аз зарурату юбиҳул маҳ-**

зуроти" (зарурат ман қилинганларни мубоҳ (раво) қилади)ни ёдга олиб, ҳазрати қутби авлиёнинг руҳи поклaридин мадад талаб қилиб, "Маслак ул-муттақин"ни туркий қилмоққа шуруъ қилдим", — дейди.

Мутаржим камтарлик юзасидан ўзини камсавод ожиз билиб, Худодин мадад ва истионат тилаб яна ёзадики: "Китобни ибтидо қилдим. Бу китобга "Ҳидоят ул-муттақин" от қўйдим. Ҳар бандаи мусулмон ўқуб, дуода ёд қилгай. Валлоҳул ҳодий".

"Маслак ул-муттақин" таржимасини ўқир экансиз, таржимоннинг мадраса кўрган ва фиқҳ илмидан яхши хабардор эканлигига амин бўласиз. Мутаржим "Маслак ул-муттақин"ни бироз эркин таржима қилган. Айрим ўринларда шоирнинг лирик чекиниш қилган жойларини ёки панд-ахлоқ билан боғлиқ байтларини қисқартирган. Асосан, фиқҳий масалаларнинг таржимасини халққа етказиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Аммо фиқҳий масалаларни таржима қилишда мутаржим ўзига хос йўл тутган ва айрим масалаларда ижтиҳод қилган. Масалан, Саждаи саҳв ҳақида асл матндан қуйидагиларни таржима қилган: «Ҳидоя»да айтур: «Бўзни йигирурда ё дарахт устида шохдан шохга ўтуб такрор қилса, асаҳ ривоятда макони бузулур». Шу ўринда таржимон: «Бир шохда ё бўзни бир бошида эшитса, ё такрор қилса бир сажда лозим бўлур», деган жумлани илова қилади. Муаллифнинг ушбу китобда ижтиҳод қилиб, қўшган масалалари алоҳида тадқиқот мавзуидир.

* * *

Сўфи Оллоҳёрнинг "Маслак ул-муттақин" асари таржимасини нашрга тайёрлашда бир неча масъулият талаб жиҳатлар кўзга ташланди. Биринчидан, бу асар ўзбек тилида "Сабот ул-ожизин"дек шоҳ асарни ёзган буюк шоирнинг фиқҳга оид форсий манзумасидир. Иккин-

чидан, мазкур асар илмий-фиқҳий асар бўлганлиги учун таржимондан айрича эътиборни талаб қилган. Учинчидан, бу асарнинг таржимаси XIX асрнинг охирги чорагидаги ўзбек адабий тилининг намунасидир. Шунинг учун таржиманинг тил хусусиятларини, луғат таркибини ўз ҳолида сақлаб қолиш, айни вақтда бугунги замонавий китобхонни ҳам ҳисобга олиш, унга китобни ўқиб тушуниши учун қулайлик туғдириш зарур эди. Шунинг учун асарни нашрга тайёрлаш жараёнида иложи борича таржимон матнини сақлашга ҳаракат қилинди ва қуйидаги ишлар бажарилди:

1. Ўз тарафимиздан илова этилган сўзлар қавс ичига олинди.

2. Ҳозирги адабий тилимизда муомаладан бутунлай чиқиб кетган сўзлар бошқа сўзга алмаштирилди ёки маъноси берилди. Агар оммага тушунарсизроқ бўлган бир сўзнинг бошқа ўринда тушунарли шакли қўлланган бўлса, ўша сўзни истеъмолга киритдик. Масалан, қўлёзмада шундай келади: "Норасидага савол йўқдур". Ва яна Саййид Шужоъ неча нусхаларда битибдурлар: "Гўдакдин савол сўрар". Аммо "Хулоса"да айтур: "Баччадин савол сўрар, лекин анга фариштa луқма солур" жумласидаги "бачча" сўзини "гўдак" сўзига алмаштирдик, чунки бундан аввал мутаржимнинг ўзи шу сўзни ишлатган.

3. Баъзи ўринларда котибнинг хатоси билан гапнинг кесими тушиб қолган. Масалан, қўлёзмада: "Аммо қазоси кўп бўлса, масалан, олти вақт намози қазо бўлса, бу вақтда хоҳ қазони ўқусун, хоҳ адони ўқусун" (466-бет) шаклида берилган матнга биз "ўқусун" сўзидан кейин "ихтиёрлидир" сўзини қавс ичига қўйдик.

4. Биз бир қанча иштибоҳли масалаларни асл — форсий манбага қиёслаб тўғриладик.

5. Таржима матнда келтирилган форсча сарлавҳалар-

ни ўзбекчага таржима қилдик ва матн мазмунидан келиб чиқиб айрим сарлавҳаларни ихчамлаштириб бердик.

6. Мутаржимнинг таъкидлашича, "Маслак ул-муттақин"нинг ҳамд қисми "Сабот ул-ожизин"даги ҳамд қисми билан мувофиқ ва ўхшаш бўлганлиги учун таржима қилмасдан "Сабот ул-ожизин"даги ҳамд қисмини келтириш билан кифояланган. Биз ҳам мутаржим услубини сақлаш учун ҳамд қисмини ўз ҳолича қолдирдик.

7. Кўп такрорланишини ҳисобга олиб, ракаат ёки ракаъат ёзиладиган сўзни ўзбек тилининг талаффуз хусусиятидан келиб чиқиб, ракат деб ёздик.

8. Ушбу таржима асар "Ҳидоят ул-муттақин" деб номланган бўлса ҳам, биз асл манбанинг машҳурлигини инобатга олиб, "Маслак ул-муттақин" номини сақлаб қолдик.

Китобнинг охирги саҳифаси шундай тугайди: "Илоҳи, жамии уммати Муҳаммад (с.а.в.)га, хусусан, бу камина фақири ҳақир котибга охир дамда иймон рўзи қилғайсан. Омин ва раббул-оламин. Бираҳматика ё арҳамар роҳимин. Аллоҳуммағфирли вали волидайя вали-жамиъил мўъминина вал мўъминот вал муслимина вал муслимот. Ал аҳёу минҳум ва амвот. Иннака мужибуддаъвот ва мунзилул-баракот ва қозиюл-ҳожот" (Эй бор Худоё, мени мағфират (гуноҳлардан пок ва озод) қил ва барча мўъмин, мўъминот ва муслим, муслимотларнинг тирикларини ва ўлганларини ҳам мағфират қил. Албатта, Сен дуоларни ижобат қилувчи, баракот берувчи ва ҳожатларни чиқарувчисан). Сана 1293". (Бу сана милодий 1876 йилга тўғри келади.)

Охирги саҳифада котиб томонидан бир қанча форсий ҳикматли байтлар ёзиб қолдирилган. Жумладан:

Шуд батавфиқи Худойи ло яном,
Ин китобат рўзи ҷумъа шуд тамом.

(Ухламайдиган (ҳар доим огоҳ) Худонинг тавфиқи билан бу китоб жумъа куни тамом бўлди.)

Эй карамат беҳаду ман бенаво,
Даст тиҳӣ, боз магардон маро.

(Эй карами беҳад (Аллоҳ), мен – бенавоман (фақирман), Караминг умидида чўзилган қўлимни қуруқ қайтарма).

1293 (1876).

Албатта, бундай салмоқли китобнинг таржимасига, унинг ютуқ ва камчиликларига баҳо бериш олимларимиз ҳукмига ҳавола. Эҳтимол, бу асарни бугунги кун тили ва нуқтаи назари билан қайта таржима қилиш керакдир. Лекин нима бўлганда ҳам Қўзихўжа Ҳафизхўжа ўғли томонидан амалга оширилган иш ўзининг тили, услуби ва илк бор таржима бўлганлиги жиҳатидан ҳар бир даврда тарихий аҳамиятга молик бўлиб қолаверади.

Китоб охирида «Маслак ул-муттақин»да келтирилган асарлар ва уларнинг муаллифлари ҳақидаги маълумотларни илова қилдик.

Ушбу китобда биз тарафдан йўл қўйилган хато ва камчиликлар бўлса, китобхонларимиздан олдиндан узр сўраймиз. Китоб юзасидан билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазаларни кейинги нашрларда тузаттаймиз, иншаАллоҳ.

Шубҳасиз, бугунги кунда форсий ва туркий халқларнинг мўътабар китоби бўлган "Маслак ул-муттақин" ва унинг таржимасини илмий асосда таҳлил ва тадқиқ этиш ҳамда қиёсий ўрганиш навбатдаги муҳим вазифаларимиздан биридир.

Яқин келажакда бундай хайрли ишларнинг амалга ошишидан умид қилиб қоламиз. Аллоҳ илму ирфон ва эзгу ишларга муваффақ айласин! Омин. Валҳамду лиллаҳи раббил оламийн.

Сайфиддин Сайфуллоҳ,
Акрам Деҳқон

مسلك المتقين

МАСЛАК УЛ-МУТТАҚИН

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

(МУТАРЖИМ МУҚАДДИМАСИ)

رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِن نَّسِينَا

«Парвардигоро, агар унутган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама!» («Бақара» сураси, 286-оят). Ҳамду сипос ва шукри беқиёс ул Худойи таологаким, орифларнинг тилини لا أُحْصِي ثَنَاءً عَلَيْكَ **(«Мен сенга лойиқ сано айтолмайман...»)** саноси бирла ясади ва ҳақиқатга етганларнинг сийнасини илҳом нури бирла мунаввар қилди. Азалдин аларнинг вужудларини хилофат тожи ва давлат либоси бирла жилва берди, шариатни тутқанларни:

الَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ

«Ва илм ато этилган кишилар...» («Ҳаж» сураси, 54-оят) даражотига еткурди ва тариқатга кирганларни:

اَلسَّعِيدُ مَنْ سَعِدَ فِي بَطْنِ أُمِّهِ

(«Саодатли одам онасининг қорнидаёқ саодатли эди...») дарёсидин сероб қилди. Мақбули даргоҳларни моул-ҳаёт (ҳаёт суви)дин «моломол» (мўл-кўл) ичурди. Маншури саодат (саодатта элтувчи ёрлиқ)ни воситасиз ва хизматсиз пайғамбарларнинг қўлларига берди. Маърифат тожини васийлатсиз муқарраби даргоҳ бошига қўйди. Йўқни бор қилмоқ ва борни йўқ қилмоқ Анинг қудратига осон, бору йўқ Анинг эҳсонидин умид-

вор ва қаҳридин паришон. Бир ҳовуч тупроқни малакут хайлинда хилофат тахтига ўлтурғузмоқ Анга яратшур, неча йиллар фаришгаи муқарраблaрга пешволиқ қилғоннинг бўйнига тавқи лаънатни Ул солур.

Байт:

Қодиреким қудратидинму неча минг амри ғариб,
Бўлса бир соатда мавжуд ҳеч эрмастур ажиб.

Ва салавоти бепоён ва дуруди фаровон ва таҳийёти бениҳоят ул Расул алайҳиссаломғаким, жамиъи мавжудотлар афзали ва акмалидурлар, камо қола табарока ва таоло:

إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ

آمَنُوا صَلُّوا عَلَيْهِ وَسَلِّمُوا تَسْلِيمًا

«Албатта Аллоҳ ҳам, Унинг фаришталари ҳам пайғамбарга дуою салавот айтурлар. Эй мўминлар, сизлар ҳам у зотга салавот ва салом айтинглар!» («Аҳзоб» сураси, 56-оят) анинг шаънидадур. Пайғамбарларики, пайғамбарлик тожин ва расуллиқ ривожин олами улвий ва сифлийда топибдурлар:

لَوْ لَاكَ لَمَّا خَلَقْتُ الْأَفْلَاكَ

(«Агар Сен бўлмаганингда фалакларни яратмас эдим...») муқтазоси бирла анинг туфайли ва азамати вужудин топибдурлар. Муқарраб авлиёлар ҳам:

فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ

(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), **айтинг: «Агар сизлар Оллоҳни севсангиз, менга эргашинглар.** (Шунда) **Оллоҳ сизларни севади...»** («Оли-Имрон»

сураси, 31-оят) ҳидояти бирла йўл топибдурлар. Ажиб маҳбуби азалдурким, умматларининг омонномаси ул зоти шариф ва унсури латиф муборак вужудлари бирла ҳамроҳдур. Мундоғ ота-онадин ҳам меҳрибонроқ раҳбарнинг шариатин тутмаган гумроҳдир. Ҳазрати зулжалол ва қодири баркамол анинг ўзига ва сўзига ошиқ, юриши ва туриши Худойи таолонинг буйруғига мувофиқ, боргоҳига хўб лойиқ. Тойири сидранишин Буроқи барқгоми ва соири Руҳул Амийн пайки улви хироми афлок шабистони юзи баҳоридин гулшан ва фаришталар кўзлари рахши ғуборидин равшан. Каломи шаънида:

وَمَا يَنطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ

«Ва у (сизларга келтираёттан Қуръонни) **ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас»** («Ванн-нажм» сураси, 3-оят) ва нутқи баёнида:

إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ

«**У** (Қуръон) **фақат** (Аллоҳ томонидан пайғамбарга) **ваҳий қилинаётган** (туширилаётган) **бир ваҳийдир** («Ванн-нажм» сураси, 4-оят) ва хулқи аёнида:

وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ

«**Албатта сиз улуғ Хулқ устидадирсиз»** («Қалам» сураси, 4-оят) ва умматлари ихлосида:

وَلَقَدْ آتَيْنَاكَ سَبْعًا مِّنَ الْمَثَانِي وَالْقُرْآنَ الْعَظِيمَ

«**Дарҳақиқат, Биз сизга етти такрорланувчини** (яъни етти оятдан иборат бўлган, ҳар бир ракат намозда такрорланадиган «Фотиҳа» сурасини) **ва Улуғ Қуръонни ато этдик»** («Ҳижр» сураси, 87-оят) асрори илоҳийга зоти ойини иноятн номутаноҳийдин:

وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ

«(Эй Муҳаммад), **дарҳақиқат, Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат** (яъни Аллоҳнинг раҳмати – жаннатига етаклагувчи) **қилиб юбордик»** («Анбиё» сураси, 107-оят) пайғамбарлиқ шаҳрида қуёш эркони маълум. Саҳобалари шаънида:

اَصْحَا بِى كَا لنُّجُوم

(Саҳобаларим юлдузлар кабидир...) саловотуллоҳи алайҳи ва ала олиҳи ва асҳобиҳи ила явмиддийн. Хусусан, дуо ва дуруд ва таҳийёт ул чаҳорёри киромларга бўлсунким, ҳар бирлари диннинг рукни ва шариатнинг устунидур ва ҳазрат Расул алайҳиссаломнинг сувор (баланд даражали) дўстларидурлар.

Ҳамд ва дуруддин сўнг бу бандаи гуноҳкор, Худо даргоҳидан умидвор, осий ва жофий қулдин маъруз шулдурким, тавсифи ҳазрати Эшони Сўфи, зотлари баракотлик, хужаста сифатлик, мутаолий даражотлик, фаришта сиёҳлик ва хуршид кулоҳлик, авлиёлар далери, уламолар далили, боргоҳи Илоҳнинг маҳрами, Ҳабибуллоҳнинг ҳамдами, йўл кўрсатувчиларнинг пешвоси ва парҳезкорларнинг муқтадоси, рамузларни очқучи, толибларга дурру марварид сочқучи, орифларнинг сарвари ва машойихларнинг раҳбари, Расул алайҳиссаломнинг шариатларини барпо қилувчи, жону дил бирла тариқат ва ҳақиқатни тутқувчи, илми қолнинг комили, ҳадис ва амри маъруфнинг омили, диннинг раввожи, авлиёларнинг тожи ва сўзлари мамлакатнинг хирожи, соҳиби каромот ва мақомот, жомиъи фуруъ ва усул ва ҳодийи манқул ва маъқул, фақоҳатпаноҳ ва диёнатдастгоҳ Ҳазрати Эшони Сўфи Оллоҳёр Миёнколий қуддиса сирруҳу

«Маслак ул-муттақин»ни тамом қилиб, «Сабот ул-ожизийн»ни меҳрибон бўлғон эконлар:

Битибмен форсий тилда китобе,
Тамом анда масоилни жавоби,
Ҳама тақвою фатвонинг баёни,
Ўн икки мингдин ортуқ байти они, –

дегонларин бир неча беқувват, форсийдан бехабар толиблар кўруб ва зарраи бемиқдор ва камбизоат, зоҳиру ботини нобино ва фақиру ҳақир Ҳафизхўжанинг ўғли Қўзихўжаи бефаросатни бу амри шарифга лойиқ кўруб, илтимос қилдилар: Айдилар: «Ҳазрат Эшони Сўфининг бу китобларидин бизлар бехабардурмиз. Агар туркий бўлса, бизлар ҳам фаҳм қилиб, баҳра топсақ, қўлимиздин келганча амал қилсак ва бизлардин сўнгғиларға ҳам нусха бўлса ва тақий неча толиблар йўл топиб, Худо йўлиға кирсалар», деб илтижо қилдилар, эрса бу фақийри бебаҳра заруратдин:

اَلضَّرُورَتُ تُبِيحُ ا لْمَحْظُورا تِ

(Зарурат ман этилган нарсаларни мубоҳ (мумкин) қилади)ни ёд қилиб, жаноби ҳазрати қутбул ақтобни руҳи пурфутуҳларидин мадад ва истионат тилаб, «Маслак ул-муттақийн»ни туркий қилмоққа шуруъ қилдим. Агарчи усулдин бехабар ва наҳвдин беасар ҳам бўлсам, аларни хотирларин паришон қилмай деб:

قَلْبُ ا لْمؤمِنِ عَرْشُ اللهِ

(Мўминнинг қалби – Аллоҳнинг Арши) деб, аларнинг кўнгилларини бузмоқни ихтиёр қилмадим, токи дилозорларнинг қаторидин бўлмай деб:

إِدْخَالُ السُّرُورِ فِي قَلْبِ الْمُؤْمِنِ خَيْرٌ مِنْ عِبَادَةِ الثَّقَلَيْنِ

(Мўминнинг қалбини шодлантириш - инсу жиннинг ибодатидан яхшироқдир) дин умидвор бўлуб, саҳву хатоларимни Худойи якто ва фарди беҳамтодин тилаб, қавлуҳу таоло:

وَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ فِيمَا أَخْطَأْتُم

«Қилган хатоларингиз сабабли сизлар учун гуноҳ йўқдир...» («Аҳзоб» сураси, 5-оят)ни тасдиқ қилиб, қавлуҳу алайҳиссалом:

رُفِعَ عَنْ أُمَّتِي الْخَطَأُ وَالنِّسيانُ

(Умматимдан хатолар ва унутишлар кўтарилади (кечирилади)га иноний бу қоғозни савод қилмоққа ирода қилдим, неча толиб амал қилсалар:

الدَّالُّ على الْخَيْرِ كَفَاعِلِهِ

(Яхшиликка далолат эттувчи уни қилгувчи кабидир)ни қаторида бўлсақ деб рожий (умидвор) бўлуб, ҳамроҳларнинг раҳнамолиғи ва парҳезкорлар муқтадолиғи бирла бу турк шарофат ва латофат китобни ўз иборатини туркий қилмоққа қалам олдим. Чунончи, «Нур ул-мавъиза»да Анас ибни Молик розияллоҳу анҳу онҳазрат Муҳаммад алайҳиссаломдин ривоят қилурлар: «**Жаннат ул-Фирдавсда бир тоғ бордур. Ул тоғни отини «Кўҳи Наъийм» дерлар. Ул тоғда бир кўшк бор. Ани «Шодий» дерлар. Анинг юз эшиги бор. Ҳар бирини ораси беш юз йиллик йўл турур. Ул кўшк ичиндаги неъмат ва айш-ишратларнинг ҳисоби йўқтур. Ул эшик асло очилмайдур, магар китобат қилғувчиларни қаламининг овози бирла очилғай ва яна ғозийларнинг**

табли (ноғораси)нинг овози бирла очилғай», деган ҳадисларидин:

لَا تَقْنَطُوا مِن رَّحْمَةِ اللَّهِ

(«...Аллоҳнинг раҳмат – марҳаматидан ноумид бўлмангиз!..») («Зумар» сураси, 53-оят) маъносиға умид тутуб ва:

اَلْيأْسُ مِن ا لله كُفْرٌ

(Аллоҳдан умидсиз бўлиш куфрдир) деганларидин қўрқуб ўз нуқсон ва хатоларимға иқрор бўлуб ва айбларимни ҳозир кўруб Худойи бениёзни нозир билиб, бу китобни ибтидо қилдим ва яна мунга «Ҳидоят ул-муттақийн» от қўйдим токи ҳар бандаи мўмин ўқуб, дуода ёд қилғай. Валлоҳул-ҳодий илассабийлир-рашод.

ВА БУ НУСХАНИ АВВАЛИ БУ ҲАМД ТУРУР:

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Ҳамди беҳад, санойи беаъдод
Ба Худойи, ки нури иймон дод.

Ҳамди беҳад ва санойи беадад ул Худойи таологаким, иймон нурин берди. Ва мағфират қилғувчидур ва неъмат бергувчидур бу дунёда мўминга ва кофирга ва охиратда (фақат) мўминларга раҳм қилгувчидур. Аммо айбдин ва нуқсондин ва ширкдин пок андоғ подшоҳдурки, бир офтоб бирла машриқ ва мағриб ва етти қат осмон ва ерни мунаввар қилди. Ва етти қат осмонни мутаббақ ва етти қат ерни муаллақ яратди. Ул зоти покедурким, ўз ҳикмати бирла бир қисм туфроқдин инсон яратибдур ва тақи бир қатра сувдин топилмас гавҳарларни бино қилиб-

дур. Ва яна ул Худойиким, ўлмас ва ани ҳукми ўлукдин тирик пайдо қилур ва тирикни ўлук қилур. Масалан: тирик жониворлардин жонсиз тухум чиқарур ва яна бежон тухумдин жондор қуш чиқорур ва яна ажалнинг жаллодини шоҳу гадоға баробар қилибдур. Ва яна, эй биродарлар, билинглар ва огоҳ бўлинглар ҳазрат Эшони Сўфини «Сабот ул-ожизийн»дағи ҳамдлари бу «Маслак ул-муттақийн»ни ҳамдиға мувофиқ экан. Бинобарин, ўз лафзлари бирла бу китобни ибтидо қилдим. Ва ул ҳамд бу турур:

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Сано лил-Холиқи ғаброву афлок,
Яратти қатрайидин гавҳари пок.
Самовот уйини тутти муаллақ,
Жаҳона ҳукмини кўрсатти мутлақ.
Қилиб ғабро мадорин зиммаи ҳут,
Бани Одамға андин қисм этар қут.
Падид этти жаҳон ичра фавосил,
Қилур ҳар фасл турлук нашъа ҳосил.
Ажаб сунъу, ажаб аҳкоми тақдир,
Қилур бир қурсдин олам кўзин сер.
Ирода айлагач Ҳаййу тавоно,
Қилур бир лаҳзада билмасни доно.
Сафий тупроғин этгач жон ила жисм,
Нечукким айлади донойи ҳар исм.
Халос этса бировни Роббул-афлок,
Қолур тоғ остида, андин чиқар пок.
Нечукким тутти тўфон дашту тоғи,
Ва лекин бўлмади ҳўл Нуҳ аёғи.
Халиллуллоҳ учун ёндирдилар нор,
Қадам қўймай ўшал ўт бўлди гулзор.

Ғазаб ел қилди одийларни нобуд,
Эди ул ел насийми тобеи Ҳуд.
Балиғ қорнида бир соҳиб каромат
Чила ўлтурдию, чиқти саломат.
Агар амр этса кимни фориқул-фарқ,
Келур ғарб устидин бир лаҳзада шарқ.
Нечукким дўстини султони кавнайн,
Етурди соатеда қоба қавсайн.
Агар ҳар кимга берса иззу имдод,
Келур хизматга жинну одамизод.
Сулаймонким, эгурди инсу жиндин,
Анинг фармони эрди бир нигиндин.
Ғараз қудратнамолиғ айлади фош,
Вагарна қадри эрди бир дирам тош.
Калим илгидаги қутлуғ асойе,
Гаҳи кўфрук эди, гаҳ аждаҳое.
Ғараз қудратнамолиғ эрди, эй дўст,
Вагарна эрди қадри чўби бепўст.
Агар амр айласа кавнайн барпой
Бўлур бир пистанинг пўчоғина жой.
Дедилар ҳазрати Руҳул Аминни:
«Қанот ёзса тутар рўйи заминни».
Анингдек Жабраили Сидрапарвоз.
Муҳаммад енгида айтур эди роз.
Агар қилса бировни ҳақлиғин фош,
Шаҳодат бергуси гаҳворада ёш.
Азиз этса қаю қулни ўшал шоҳ,
Агар чоҳ остиға тушса топар жоҳ.
Сулаймон хизматида қилди парвоз,
Ҳисобин билмаган шоҳину шоҳбоз.
Вале бир муштипар Ҳудҳуд эди пайк,
Деди султониға «оре»-ю «лаббайк».

Мадад қилса Худойи оламорой,
Ҳабиб этса ишорат - айрилур ой.
Кишини рўзини гар қилмаса кам,
Етар ҳар ерда меҳнат қилмаса ҳам.
Калимин чеҳрасин қилмас учун зард,
Чиқорди лаҳзада Нил остидин гард.
Нечукким ҳазрати Солиҳ учун фош,
Балолиғ тева туғди ҳукмидин тош.
Юборди Маряма рўзий малакдин,
Масийҳа моида тушти фалакдин.
Азалда ҳар кишини айласа саъд,
Халил ўғлидек этса содиқ ул-ваъд.
Агар забҳ этсалар қайтармағай қош,
Кўрунмас бош ани олдида бир мош.
Кима берса жаҳолат хамридин жом,
Беҳишт олдиға келса, босмагай гом.
Етар раҳмат суйи кўк кавкабина,
Етушмас қатрае гумроҳ лабина.
Кўрунг Бу Толиб ила Бу Лаҳабни,
Улуғ дарё лабида хушклабни.
Агарчи ўт била сувда бўлур фарқ,
Чиқорди сув маконидин нечук барқ?
Агарчандики шам ўтдин бўлур жам,
Қаро сувдин қилур кўз нуридек шам.
Қаю бир қудратин қилмоқ керак ёд,
Эрур қосир уқули одамизод.

Ва яна Худойи таолонинг меҳрибонлиғи андоқки, итни Асҳоби Каҳфга ёр қилди. Бас, ўзунгни Худони раҳматидан тортмагил. Анинг раҳматининг ҳадди ва поёни йўқтур. Донолар билурлар. Шукри бисёр ул подшоҳи оламгаки, ўз иноятн бирла бизларни адам ниҳонхонасидан вужуд саҳросиға келтуруб Ҳаз-

рат Муҳаммад алайҳиссаломга уммат қилиб, чаҳорёри бокарамга дўст қилди. Ва яна саҳобаи ризвонуллоҳи таоло алайҳим ажмаъинни дўст тутармиз. Шукр Худойи бениёзгаким, Имоми Аъзамни мазҳабларига йўл берди. Меҳтари олам алайҳиссалом меърож туни айдиларки: «Нўъмон чироғи уммат-дур». Ва яна бизларни аҳли бидъатдин йироқ этиб, аҳли суннат ва жамоат қилди ва ноз-неъмат берди. Усул ва фуруъдин бохабар қилди. Аъзоларимизни тамом мукаммал қилди. Ўзини танимоққа ақл берди. Яна шукри бисёр ва сипоси бешуморким, бизларни золимлар фирқасидан чиқариб фуқаро қилибдур. Меҳрибонлиғини мукаммал қилиб, комил ва мукаммилга ҳамроҳ қилиб, марзийя мақомин ато қилиб, яъни нақшбандийя сулукиға дохил қилди.

НАЪТИ ОНҲАЗРАТ АЛАЙҲИССАЛОМ

Худони раҳмати бўлсун дамодам ани авлодию асҳобиға ҳам. Худойи таолонинг раҳмати нозил бўлсун ул Расули оламиёнгаки, муборак исми шарифлари ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам бўлуб, жамиъи халойиқға йўл кўрсатувчи раҳнамодурлар. Жамиъи башар афзали ва ота-онамиздан ҳам меҳрибонроқдурлар. Мартабалари:

فَكَانَ قَابَ قَوْسَيْنِ أَوْ أَدْنَى

«Бас, (Муҳаммад алайҳиссаломга) **икки камон оралиғида ё** (ундан-да) **яқинроқ бўлиб...»** («Ванн-нажм» сураси, 9-оят)дур.

Жаддлари (ота-боболари) ўз аҳдида (замонида) сарвари ҳама, тожи ҳама олам, афсари ҳама. Ва

тақи Худойи таоло икки дунёни аларни туфайлидин халқ қилғондур. Бу сўзни далили:

لَوْ لَاكَ لَمَّا خَلَقْتُ الْأَفْلَاكَ

(Агар сен бўлмасайдинг, фалакларни яратмас эдим). Ҳама яхшилар ва сифат қилғувчилар сифатларини баён қилсалар, қачон мингдин бирин адо қилғайлар. Ани сифатини Худо билур. Зероки, бири зоҳир ва нечаси махфийдур.

Раҳмати Худо жамиъи пайғамбарларга нозил бўлсунким, ул анбиёлар ҳамалари илми ҳикмат ва нурни конидурлар. Аларни этаклари гуноҳдин йироқдур. Ва яна раҳмати Худо Расули Худони чаҳорёри босафолари ва тобеъинларига бўлсунким, мартабаларини ақидани баёнида, Худо хоҳласа, баён қилурмиз. ИншаАллоҳу таоло.

МУНОЖОТ БА ДАРГОҲИ ҚОЗИЯЛ-ҲОЖОТ

Эй Худойи кариму самад! Осмонни ва ерни яратибдурсен. Эй ўн саккиз минг оламни ризқ-рўзисиға мутакаффил! Мени иймонимни нуқсондин омон қилғайсан ва саҳву хатоларимни ўтгувчи ва гуноҳ дардиға шифо бергувчи ва яна бандаларга раҳм қилгувчи Сендурсен. Сенинг раҳматингни ҳадди ва ниҳояти йўқдур. Эй фуруъ-усулни кўрсатувчи! Эй Қиёмат куни хатоларни бағишловчи! Малак ул-мавт қасди жон қилса ва Шайтон қасди иймон қилса, Ўзунг марҳамат бирла омон тутқайсан. Агар бандага Сени алтофинг (лутфинг) бўлса, ул бадбахтга не ҳад бўлғай ва яна дунёи фонийдан гузар қилсам, қоронғу гўр манзил бўлуб, жон қайтадан баданга кирганда

Мункар ва Накир саволига тилимни гўё қилғайсан. Қиёмат куни офтоб найза бўйи келса, ани ҳароратидин тоғу тузлар пора бўлса, осмон ва ер қаҳру ғазабидин юнгдек бўлса, вой бар ҳоли одамизодгаким, бир мушт туфроқдин халқ бўлубтур, бу нечук тоқат қилур. Ва яна халойиқлар жам бўлғонда бу ҳама ҳайбатларни кўруб ҳаманинг ақли кетиб, тиллари лол бўлгайлар дафъи жарҳ этмоқға (гуноҳларни яширмоққа ва улардан қутулмоққа) мажол бўлмағай. Бир зарра (амалларни) бекитмоқға маҳол йўқ. Хасмлар (даъвогарлар) қаридин ва йигитлардин келгай. Ул дам «Тутунглар!» деб нидо қилғай. Азоб фаришталари тайёр бўлғай, бандани ҳолига во ҳасратодур. Ҳар вақтеки дўзах ўкурса, айбларингни пардаси йиртилғай. Ул дўзах қаро тундин қоронғу турур. Анинг устида қилдин нозик, қиличдин тез кўфрук бордур. Муаккиллар анинг сори ҳайдагайлар. Ул ҳолда ўз лутфингни ҳамроҳ қилғайсан, агарчандики ғарқи гуноҳ бўлсам ҳам. Худовандо! Мени кўзумни очғил. Аҳли ҳақларни меҳрибонлиғинг бирла менга ёр қилғил ва менга тавфиқ бергил. Яна Расул алайҳиссаломни пайравларида устувор қилғайсан ва аҳли бидъат ва номардлардин йироқ эттайсан. Агарчандики аҳли бидъатлар қутблик даъвоси қилсалар ҳам.

Мени комимга тама шаробин қуйма ва қаноат шарбатидин сероб қил. Миннат бошини ҳиммат устиға қил. Ўзин ясатқон ва такаббурлик одамлардин йироқ қил. Наҳйига яқин қилма, шариати Мустафода устувор қил. Бўйнумга тақво либосини кийдиргил. Ва яна ҳар нимарсаки талаб қилсам, андин зиёдароғини еткургил. Омин ё Роббал оламийн!

АҚИДА КИТОБИ

ХУДОЙИ ТАОЛОНИНГ БИРЛИГИ БАЁНИДА

Шукр ул яратқон Вожиб таологаки, бизларни диёри мусулмонға халқ қилибдур ва шариат илмини кўнглимизга жорий қилибдур. Ҳаммасиға иқроримиз бордур, анга хилоф йўқтур. Андоғ подшоҳики, ҳеч кишига ҳожати йўқдур, балки ҳама ҳожатманддур, бемисл ва бемонанд. Кишидин туққон эмас ва киши андин туғмайдур. Анинг аввалиға ибтидо ва охириға интиҳо йўқдур. Ҳамиша ҳозир ва нозирдур. Доимо (бор) эрди ва доимо бўладур. Иймонни тухмини сенга ул солур. Худони бирлигини билмакка илм ва далиллар басдур. Вагарна ҳақиқатиға ҳеч ким етмас. Бу сабабдин Расул алайҳиссалом айтибдурлар: **«Худони қудратиға фикр қилинглар, аммо зотиға фикр қилманглар».** Худони саккиз сифоти бордурки, муни субутий дерлар, ўзида пайдодур. Икки сифатни салбий дерларки, бул иккидин покдур: бири айб ва бири ширк.

Ул саккиз сифати будурки, аввали **Илм**. Маъниси улким, Худойи таоло қадим илми бирла донодур. Аввалу охир ва ботину зоҳир, ўн саккиз минг олам анинг билмагидан ташқари эмастур. Аммо фикр ва хаёл бирла эмастур. Ҳар киши: «Илми ғайбни бир зарра билурман», деса, кофир бўлур. Илми ғайб хоссаи Худодур.

Иккинчи сифати **Қудрат**, яъни еру осмон ва ўн саккиз минг оламни қудрати бирла яратти.

Учинчи сифати **Ҳаётдур**. Яъни тирикдир. Аммо тириклиги тан ва жон бирла эмастур ва ҳар нимаики халқ (махлуқ)да бор, анда йўқдур. Ҳамма жондорни ўлдирур ва яна тиргузур. Аммо ўзи боқийдур.

Тўртинчи сифати **Самъдур**.

Бешинчи сифати **Басардур**, яъни Худойи таоло ҳар нимарсани қулоқсиз эшитур ва кўзсиз кўрур. Қулоқ, кўз бандага ҳожат эрур. Худо ҳеч қайсига муҳтож эмас.

Олтинчи сифати **Каломдур**. Худойи таоло белаб ва бедандон сўзлар ва беовоз ва беҳуруф. Ва тақи Қуръон – Каломуллоҳ махлуқ эмастур ва ўз зоти билан қадимдур. Ҳар ким Каломуллоҳни қадим демаса, кофир бўлур. Лекин лафзи ва ёд олмоғи ва битмоғи ҳодисдур. Биздек омиларға бу каломни маъносин мунча билсак кифоя қилур.

Еттинчи сифатини **Ирода** дерлар.

Байт:

Қадалса бир тикан ё тушса бир қил,
Иродасиз эмас ҳеч иш яқийн бил.

Ошкор ва ниҳон нимарсаларнинг бирортаси унинг иродасидан ташқари эмасдур.

Саккизинчи сифати **Таквин** дерлар. Яъни халқ қилмоқ ва ризқ бермоқ Анинг амри биландур. Ва яна бандага ихтиёр берибдур. Агар яхшилиқ қилса, савоб топар ва ямонлик қилса, азоб топар.

Лекин банданинг гуноҳ қилмоғига Худойи таолонинг ризоси йўқдур. Агар ҳар ким ризолиғи бордур, деса куфрдур. Ва яна ризқ хоҳ ҳалол бўлсун ва хоҳ ҳаром, ул Худодиндур. Аммо емақда ва олмақда ихтиёрни бандага берибдур. Ҳаромга азоб, ҳалолга савоб топар. Аммо ҳар ким ҳалолни ҳаром деса ё аксини деса, кофир бўлур. Аммо билгилким, ҳар киши динни дўст тутса ва Расули Худони пайғамбар билса, бу айтган масалаларни билгай, токи иймони дуруст бўлғай.

ИЙМОННИНГ БАЁНИ

Эй биродарлар, билинглар, **иймон** деб нимани айтур? Жавоб улдурки, Худони бир ва Расулни барҳақ билмакни иймон дерлар. Бу сўзларни «Фусули имодий»да баён қилурлар. Ва таҳи «Ақоид»да айтур: «Ҳар киши бу тариқа сифатларни билмаса, мўмин эмастур, жоҳиллиқ била кетар». Ва яна иймон улким, ҳар нимарсаики Худодин Расули Худога келса, анга тасдиқ қилиб ва лафз бирла иқрор бўлмоқ, (иймон калимасини) бир мартаба айтмоқ фарздур. Такрори суннатдур. Ва ҳамма вақт кўнгулда сидқ қилмоқ ҳам фарздур. Асл иймонни Худойи таоло баҳосиз берур. Ва яна тавфиқи ҳидоят Худодиндур, махлуқдин эрмас. Ул нимаки бандадиндур, яъни кўнгулда ва тилда айтмоқ — булар махлуқдур. Таҳи иймон зиёда ва кам бўлмайдур. Аммо банда ибодатни кўп қилса, нури иймон зиёда бўлур. Ғафлатда ётса, иймон қоронғу бўлур. Агар ҳар ким мундоғ билмаса, ани одам қаторида деманглар. Аммо улуғ гуноҳ қилса, (лекин) Худо ва Расулни кўнглида тасдиқ қилса, ҳаромни ҳалол қаторида билмаса, иймони кетмагай. Ва мундоғ гуноҳни доим қилса, ҳаромни ҳалол дегандек бўлур.

Назм:

Эрур бир маънида иймону ислом,
Муни билмак керак ҳар хосу ҳар ом.

Агарчандики бу икковни лафзи бўлак бўлса ҳам. Ва яна шукр ул Худогаким, иймонни кўнглимизга жо қилибдур, бу эътиқод бирла гўрга киргузгай. Ажални Худодин билурмиз ва ҳар нафсики бордур, ўлумни шарбатин ичар. Ҳамма (жондор) беажал ўл-

мас. Аммо ажал келса бир соат кейин қўймас. Муни оятда хабар берур. Қавлуҳу таоло:

فَإِذَا جَاءَ أَجَلُهُمْ لاَ يَسْتَأْخِرُونَ سَاعَةً وَلاَ يَسْتَقْدِمُونَ

«...Бас, қачон уларнинг ажаллари етиб келганида эса уни бирон соат кетга ҳам сура олмайдилар, муқаддам ҳам қила олмайдилар» («Наҳл» сураси, 61-оят).

ФАРИШТАЛАРГА ВА КИТОБЛАРГА ВА АНБИЁЛАРГА ИЙМОН КЕЛТИРМАКНИНГ БАЁНИ

آمَنْتُ بِاللهِ وَ مَلاَئِكَتِهِ وَ كُتُبِهِ وَ رُسُلِهِ وَا لْيَوْمِ ا لآ خِرِ وَا لْقَدَرِ

خَيْرِهِ وَشَرِّهِ مِنَ اللهِ تَعَا لَي وَ ا لْبَعْثِ بَعْدَ ا لْمَوت

(Аллоҳ таолога ва Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига ва барча ишлар — яхшиликлар ҳам, ёмонликлар ҳам Аллоҳ таолодан эканига ҳамда ўлгандан сўнг қайта тирилишга ишондим.)

Ва яна шукр ул Худоғаким, иймон келтирдук фаришталарга, алар бешак Худони бандасидурлар, ҳаммалари Худойи таолога ибодат қилғувчидурлар, алар ичмак ва емак, завж ва зан ва фарзанддин фориғдурлар.

Назм:

Нисо эрмас аларни васфи, эр ҳам,
Било шаҳват яратти Шоҳи олам.

Ва тақи фаришталар бир лаҳза зикрдин фориғ эмаслар. Агарчандики ҳар бирлари бир ишга мувак-

кал бўлсалар ҳам. Ва яна баъзилари муқаррабдурлар. Ва яна иймон келтурубдурмиз китобларга, ҳаммаси каломуллоҳдур ва пайғамбарларга юборибдур, амр ва наҳйидин хабар берибдур. Токи пайғамбарлар ул китобни ҳукми бирла умматлариға йўл кўрсатурлар. Ва яна иймон келтурдук анбиёларғаким, аларни ҳаммалари пок Одам наслидиндурлар. Ҳаммаларига раҳмати Худо нозил бўлсун. Алар гуноҳлардин покдурлар. Ва хатойики алардин пайдо бўлубдур, ҳаммаси дин учундур. Алар бахилликдин ва гуноҳдин покдурлар, Худони амридин зарра тажовуз қилмағондурлар. Ҳаммалари Худони талабида эрдилар. Аммо набий бирла расулда фарқ бордур. Китоб келғонини расул дерлар. Алар келғон китобға жону дил бирла амал қилдилар. Ҳар расулни набий деса бўлур, ҳар набийни расул деб бўлмас. Ва ҳеч авлиё пайғамбарни мартабасига етмас, балки босғон изларига етолмас. Ва тақи пайғамбарлар фаришталардин афзалдурлар. Ва инсонни оммасидин фаришталарни оммаси камдур. «Кофий»да айтур: «Омма деб бу ерда тақводорларни айтурлар». Ва яна баъзи одамлар ҳайвонға ўхшар. Алардин фаришталар афзалдур. Ва яна пайғамбарларнинг афзали Ҳазрат Муҳаммад алайҳиссаломдур. Аларнинг меърожлари ҳақдур. Маккадин Масжиди Ақсоғача борғонлари оят бирла собит бўлубтур. Масжиди Ақсодан осмонға борғонлари машҳур (хабарлар) бирла собитдур. Андин ҳар неча жойға борсалар (у ердан қаерга борган бўлсалар, барчасига) иқрормиз. Ва гумон йўқдур, етти қат осмон, беҳишт, дўзах ва Аршу Курсини бир соатда кўрсатса, Худони қудратиға ажаб эрмас.

ЧОРЁРЛАРНИНГ СИФАТЛАРИ ҲАҚИДА

Ва тақи Расули Худони чаҳор ёрлари ҳақдур. Аввали Абу Бакр Сиддиқ ибн Абу Қаҳофа – Расули Худодин сўнг жамиъи халқни беҳтари улардур. Иккинчи Умар ибн Хаттоб. Учинчи Усмон ибн Аффон. Тўртинчи Али ибн Абу Толиб ризвонуллоҳи таоло анҳум. Буларни ҳаммалари Расул алайҳиссаломни халифалари турурлар. Алардин сўнг ҳеч ким алардек одил бўлмадилар. Ва жамиъи муҳожир ва ансор саҳобалар пок динлик эрдилар, умматларга йўл кўрсатгувчидурлар. **Расул алайҳиссалом айдилар: «Саҳобаларимни ҳар қайсилари бир ёруғ юлдуздурлар. Ҳар қайсигаки иқтидо қилсанглар, алар роҳи ростқа (тўғри йўлга) бошларлар»**. Аммо Ҳазрат Али билан Ҳазрат Муовиянинг ораларида ихтилоф бўлди. Икковларини жаҳдлари бир маънода эди. Аммо ҳазрат Алини жаҳдлари ҳақ эрди. Муовиянинг жаҳдлари хато эрди:

Хато қилғон билан ёзди, демасмиз,
Жамоат аҳлидин озди, демасмиз.

Одамзод хато қилғучидур. Мужтаҳидлар гоҳо хато қилурлар. Аммо бир хатосиға бир савоб топар. Агар ижтиҳоди хато бўлмаса, ўн савоб топар. Ва яна шукр Худоғаки, аларни жумласига иқроримиз бордур. Ҳар ким бу чаҳорёрларни дашном берса, анинг бирла урушмак вожибдур. Хусусан, Абу Бакр ва Умарни сўкса, кофир бўлур.

Назм:

Беҳиштидур алардин қатъи ўн ёр,
Башорат берди ул султони аброр.

Абу Бакру Умардур, сўнгра Усмон,
Алидур, Талҳадур ҳам Абдураҳмон.
Зубайру Бу Убайда бўлди ахбор,
Саъиду Саъддур айғон бу ўн ёр.

Аммо бу ўндин бошқа одамлар хавф бирла умид орасидадурлар. Ва чаҳорёрлар олти ойи кам ўттиз йил халифалик қилдилар. Имом Ҳасан олти ой халифа бўлдилар.

Ҳар вилоятга подшоҳ шартдур, шариат ҳукмини юритгувчи ва амру наҳйини жудо қилгувчи (фарқ қилувчи, ажратувчи) бўлса, агар мувофиқи шаръ ҳукм қилса ва ўзи оқил ва болиғ бўлса, агарчандики одил бўлмаса ҳам бизлар аларга итоат қилурмиз.

АВЛИЁЛАРНИНГ КАРОМАТЛАРИ БАЁНИ

Авлиёларни кароматлари ҳақдур. Пайғамбарлардин кўрулгон хориқи одатни «мўъжиза» дерлар. Аммо ваҳий келмасдин олдинги кароматни «ирҳос» дерлар. Мўминлардин пайдо бўлса «каромат» дерлар. Авомун-носдин пайдо бўлса, «маунат» дерлар. Агар кофирдин содир бўлса «истидрож» дерлар, на учунким Фиръавн алайҳил-лаъна қуруғ ариғга сув келтирди ва сувни юқориға оқузди. Бу каромат эрмас. Каромат улдурки, Худони Китоб йўли бирла таниса, амрига устувор бўлса ва наҳйидин йироқ бўлса, шубҳадин парҳез қилса ва шаҳватдин қочса. Андоғ мард каромат кўрсатса ҳам, кўрсатмаса ҳам авлиёдур. Агар буларни қилмайин ҳавога учса, ўтни ютса ва дарёда юрса, ул одамни авлиё деса, кофир бўлур. Ва яна бул замонда бир пора гумроҳлар пайдо бўлубтур, ўз нафсларига шайдодурлар, ўзларини шайх

олурлар, амаллари ҳийла ва тазвир. Амри маъруфни қилмаслар, доим дунёни излаб ҳалок бўлғайлар. Ва тақи бир неча жоҳиллар анга ҳамроҳ бўлуб ҳалол ва ҳаромни фарқ қилмагайлар. Ҳар ким андоғ гумроҳни этагин ушласа, Расули Худонинг динидан ташқаридадур. Неча авлиёлар ўтубдурлар, ҳаммалари шариатда ораста ва тариқатда пироста эрдилар. Ҳар ким шариатсиз қадам қўйса саръий (телба) ва девонадур. Яна бир тоифалар лавандлик бирла ишлар қилурлар, отларин **девона** қўюб, ўзларини мастлардек қилурлар. Шариат бирла парволари бўлмас. Ва яна айтурларки: «Бизлар ошиқдурмиз. Бизларга намоз ва рўза даркор эмас». Аларни улфати Шайтондур. Бу сўзларга бовар қилиб, андоғ гумроҳга эътиқод қилса, ул Худони душманидур. На учунким, улар Худони оятига мункирдур. Ҳар киши оятга мункир бўлса, бешак кофир бўлур. Аммо билгилки, Худони даргоҳига ҳеч ким пайғамбарлардек яқин эмастур, хусусан, Расули Худо икки оламни офтобидур. Худойи таоло бандаликни, намоз ва рўзани алардин кўтармади, эмди кимдин кўтарур?! Ва яна вафот қилур вақтларида қулоқларига азон овози келди. **Ҳазрат Алига айдилар: «Ё Али, мени кўтариб жамоатта олиб боринг».** Ҳазрат Али орқаларига кўтариб, муборак оёқлари ерга судралиб, масжидга бориб, намозни жамоат билан адо қилдилар. Ва яна ҳар киши Худога яқин бўлса, тоати кундин кунга зиёда бўлур. Онҳазрат меърождин ёниб (қайтиб) келдилар. Тоатлари кўпроқ бўлди. Ҳар киши Худога яқин бўлса хавфи зиёда бўлур. Азизларики, тоат қилдилар, ул ибодатларини риё фаҳм қилиб, Худодин қўрқтилар. Хусусан, бу замонада бир тоифа **шайх-**

лар пайдо бўлубтур, кирдорлари бошдин оёқ залолатдур. Кеча ва кундуз фикрлари тамадур. Ва яна хотунларни ҳалқага солуб, ўзларини маст, девона, деб оёқларини ерга уруб рақс қилғайлар. Ҳофизлари шеър ўқурлар ва мажлисларида нағма қилғайлар ва бу бидъатларини «бурунғи машойихлардин қолғон йўл», деб аларга нисбат бергайлар. Ваҳоланки, алар шариатни пос (маҳкам) тутуб, Имоми Аъзамни мазҳабларида ўттандурлар. Мундоғ маккорлардин безордур.

ҲАЗРАТ ЭШОНИ СЎФИНИНГ ПИРЛАРИ ТАЪРИФИДА

Ва яна шукр ул Худойи таологаким, бу фақирни пешвоси ва пири раҳнамоси доим Расули Худони пайравлиғидин асло чиқмадилар ва доим ишлари китоб ўқумоқ эрдилар. Илми қол ва ҳол кўнгулларида тўла эрди ва раҳнамо эрдилар. Яхшиларни яхшиси Ҳабибуллоҳ эрдилар. Ва мени ҳар мўйим бир тил бўлса, ул зоти шарифни сифатларини қиёматғача айтиб адо қилолмасмен. Ва яна суннатни тиргузувчи ва бидъатни ўлтурувчи (ўлдирувчи) ва шариатни чироғи эрдилар. Мен бечора бир ўзбек эрдим. Кўнглумни субҳдек равшан қилдилар. Ул одамларики, ўзлари фозилдурлар, андоғ валиюллоҳдин ғофил бўлмоқ ҳайфдур. Ва яна аввал мартаба мен бечорага қилғон насиҳатлари будурки, **«Эй фарзандим, эътиқодни дуруст қилғил ва сўфийлиқ ва кашфу каромотга мағрур бўлмағил. Амал қил, на учунким, Шайтони малъун сени озғурмоққа пойлаб турубдур. Ва Ҳаққа етган бандаларни каромот бирла иши бўлмас. Доим қўрқунчи зиёда бўлур. Агар**

андин каромотни кўрсанг, тарозуга тортиб кўргил, агар Китобга мувофиқ бўлса хўб (яхши), бўлмаса ани рад қилғил, ул каромот эмас, балки феъли шайтондур. Анга амал қилмоқ камоли нодонлиғдур. Агарчи мақоми ғавсни топсанг, анинг шарридин омон топмайсан. Ул малъунни шарридин пайғамбарлар паноҳ тиладилар. Сен гарчи муқарраби даргоҳ бўлсанг ҳам, Ҳазрати Одам Атони ва Ҳаввони қиссаларини ёдингга ол!»

Ҳикоят. Бир куни меҳтари олам намозда қироат қилиб туруб эрдилар, баногоҳ Шайтони бадбахт бир иборатни Расули Худони овозларидек қилиб қўшуб айтди. Ул иборатни мазмуни буки, «Бут ҳам шафоат қилғай». Бу иборатни англаб, саҳобалар ҳайрон бўлдилар. Ул савтни Онҳазратдин деб фаҳм қилдилар ва намоздин фориғ бўлуб савол қилдиларки: «Ё Расулаллоҳ (с.а.в.), бизлар сизнинг оғзингиздан бу тариқа такаллумни англадик. Бўлмаса бизларда на ҳад бўлғайки, сизга шак қилсак», дедилар. Меҳтари олам айдилар: «Ул овоз Иблис алайҳил-лаънанинг овозидур». Бу сўзни эшитиб саҳобалар титрадилар, шундоғ икки оламни офтоби Расули Худога шундоғ макр қилса, авлиёлар аларни олдиларида нимадур?!

Бу ҳолда Жаброил алайҳиссалом келиб айдилар: «Ё Муҳаммад (с.а.в.), дилтанг бўлманг, пайғамбарларнинг ҳамалари анга ғалаба қилғон эмаслар». Андин сўнг саҳобалар ҳамалари хотиржам бўлдилар. Бас, шундоғ бўлса, ҳеч авлиёлар Шайтоннинг макридин халос топмагайлар, агарчи ғавс бўлса ҳам. Ва баъзилар наҳий ишларни қилурлар. Аммо Шайтон пайғамбарлар суратларида бўлолмас. Аммо муддаосича (бошқа одамларни) йўлдан озғурур. Эй биро-

дарлар, Расули Худодин шариатлари бизларга ёдгор қолди. Шул сабабдин мужтаҳидлар шариатни тарозу қилдилар ва агар ўз кароматиға кўнгул боғласа, нафси шайтонға гирифтор бўлғай. Агар шариатга рост бўлса, гумонсиз Худонинг даргоҳига маҳрам бўлғай.

ҚАБР АЗОБИ ВА ҚАЙТА ТИРИЛМОҚ ВА МУНКАРУ НАКИР САВОЛИ ВА ҲАВЗ ВА ШАФОАТ ВА БЕҲИШТ ВА ДЎЗАХ БАЁНИ

Ҳамду сипос ул Худойгаким, сидқимиз бордур қиёматта.

Назм:

Азоби қабр кофирларгадур чин,
Кўрар гўрни азобин баъзи мўъмин.

Аҳли бидъат айтурлар: «Азоб бўлса ҳам, ҳаёти комил йўқ. Азоб ҳам (доимий) бўлмас». Бу сўз муомала (тўғри) эмас. Гўрда савоб ва жавоб, лаззату азобни билгай. **Расули Худо айдилар: «Мункар, Накир икки фаришстадурлар. Қабрга келур. Худо ва Расули Худо ва диндин савол қилурлар»**.

«Ақойид»да Саъдуддин битибдур: «Норасидага савол йўқдур». Ва яна Саййид Шужоъ айтибдурларки: «Гўдакдин савол сўрар». Аммо «Хулоса»да айтур: «Норасидадин сўрар, лекин анга фаришталар луқма солурлар. Ҳазрати Худованд илҳом бирла огоҳ қилур». «Шарҳи «Аврод»да фатво шунга дебдур. «Муҳиммот ул-муслимин»да айтибдур: «Гўдак норасида бўлмасдин илгари Худонинг бирлигини билмаги фарздур. Ва яна ато-аноларига болани ўқутмак фарздур ва агар ўзлари билмаса, муллога берсун». Ва яна имом-

лар китобларда айтурлар: «Мўминларнинг болалари беҳиштга борғай, аммо кофирни болаларига ихтилофдур ва баъзилар атосиға тобе бўлуб, дўзахга борур», дебдурлар. Ато-аносининг бири мусулмон бўлса, анга тобе бўлур». Ва баъзи уламолар: «Беҳиштга хизматкор бўлур», дебдурлар. Аммо Имоми Аъзам бу масалада таваққуф қилдилар. Худони ўзи билур. Аммо пайғамбарларга савол йўқдур, бул саҳиҳ ривоятдур. «Канз ул-ибод»да айтур: «Қиёмат ҳақдур ва зинда бўлмоқ (қайта тирилмоқ) ҳам ҳақдур. Сурни аввалғи урғонда ҳама жондор нобуд бўлур ва сўнгти урғонда ҳаманинг жони баданига киргай, аввалгидек бўлғай. Ва яна ҳашрда савол ҳақдур. Ҳар кимнинг амалига (лойиқ) нома келгай. Нома ўнгдин келур бўлса, Худони меҳрибонлиғидур». Жамиъи халойиқнинг олдида қизил юзлуқ бўлуб айтғай.

Назм:

Ўқунг номамни, эй турғон халойиқ,
Келибдур нома ихлосимга лойиқ.

Худонинг раҳмати бирла беҳиштга дохил бўлғай. Ва агар нома сўлдин ва ё орқадин келса, Худонинг ғазабидур. Нидо келғайки: «Тутғил ва гарданиға ғул (занжир) солғил», деб. Анда ул банда шармисор бўлғай. Фаришталар етмиш газ занжир бирла дўзахга равона қилғай.

Нақлдур: Шайх Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ айтибдурлар: «Агар ул занжирнинг (бир) ҳалқасини тоғларга ташласа, тоғ дарҳол куйгай ва ул азобга тоғ тоқат қилолмаса, вой бар ҳоли банданинг аҳволига, начук бўлғай?!». Худовандо! Номанинг сўл ёндин ва орқадин келмагидин паноҳ бергайсан! Ва тақи маҳ-

шар куни тарозу ҳақдур. Ҳар киши мункир бўлса, кофир бўлур. Ул тарозуга амалларни тортарлар ва яна ҳар бандага ани билдургай. Ва яна Ҳавз ҳақдур, деб Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам бир-бир баён қилдилар. Ҳар киши мункир бўлса, кофир бўлур. Ани ҳақлигига сураи «Кавсар» далилдур. Лекин мулло Хаёлий келтирибдурлар: «Асаҳ ривоят буким, Кавсар беҳиштдадур ва ҳам Ҳавз маҳшаргоҳдадур. Халойиқ жам бўлур ерда бўлгай. Ва тақи Сирот кўфруги ҳақдур».

Назм:

Қиличдин тез эрур, қилдин йингичка,
Пушаймонлар ўшал кун тушгай ичга.
Ажаб ҳайрон бўлур фарзанди Одам,
Қадам қўйса, анинг ости жаҳаннам.
Иноят қилса, баъзи одамизод
Ўтар андин яшиндек, баъзи чун бод.
Ўтар баъзи мусулмон тоя-тоя,
Етар охир деган ишратли жоя.

Ва тақи қиёмат куни анбиё ва авлиёлар шафоати ҳақдур. Алар мўминларга Худонинг изни бирла шафоат қилурлар, аммо беизни Худо ҳеч ҳад йўқдур.

Назм:

Агар амр айласа, кавнайн барпой
Бўлур бир пистани пўчоғина жой.

Беҳишт ва дўзах Худони амри бирла боқий бўлгай ва яна «Шарҳи «Аврод»да айтибдур: «Арш, Курси ва Лавҳу Қалам фоний бўлмас». Ва яна баъзи мўминлар амалига яраша дўзахда жазо топар. Аммо иймонли банда дўзахда (абадий) қолмас, иймон қўл-

лаб олғай. Аммо кофир ва мунофиқлар абадулабад дўзахда қолғай. Ҳар киши беҳиштга кирса, Худонинг меҳрибонлиғи ҳаддин зиёда бўлғай. Ани мулкига ва умрига завол йўқдур. Аммо беҳишт ва дўзахнинг сифатини Худонинг ўзи билур.

ЭЪТИҚОДНИНГ МУХТАСАР БАЁНИ

Эй азиз! Бу (саҳиҳ) эътиқодни баҳси ва мунозараси учун айланма (тортишма). Мабодо (баҳсларинг) йиқилмоққа (ҳақ йўлидан тойрилмоқға) сабаб бўлур. Эътиқодга далил бир жузъини (мисолни) эшиттил:

Ҳикоят. Бир кун Ҳазрат Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ бир деҳқонни олдиға бордилар. Айдилар: «Эй биродар, Худони нечук билурсен?» Деҳқон айди: «Бечун ва бечугуна билурмен». Имом айдилар: «Агар биров Худони икки деса, анга на дерсан?» Деҳқон айтдики: «Бу кетмоним билан уруб икки пора қилурмен, агарчи ўзумни фарзандим бўлса ҳам». Имом бу сўзни андин эшитиб: «Боракаллоҳ, сени эътиқодинг дуруст экан. Сазовори раҳмат бўлғил», дедилар. Ва яна уламолар неча шарҳларда қийин масалаларни ҳал қилибдурлар. Бир пора (гуруҳ) арабийга кучи етмаган (кишилар) учун форсий қилдилар. Ва яна бир неча толиблар фақирга илтижо қилдиларки: «Бизлар форсийга ҳам қувватимиз етмайдур. Бу масала туркийга мубаддал бўлса, бизлар ало қадри ҳол амал қилиб, андин баҳра олсак», дедилар. Бинобарин, ҳазрат Эшони Сўфини имдодлари бирлан туркийга мубаддал бўлди. То ўқуғувчилар бу каминани дуода ёд қилғайлар. Шоядки, мунга (бу китобга) омийлар ҳам амал қилсалар.

Ва яна бир ривоятда бир нимарсани ҳаром деса, ани юз ривоятда ҳалол деса, тақводорлар анга амал қилиб, ул нимарсадин парҳез қилурлар. Бу масалани далиллари кўпдур. Мени қувватим етгани шулдур. Ва яна мени далилим аввал ўттан имомлардурлар.

ҲАЗРАТ ЭШОНИ СЎФИНИНГ ШИКАСТАЛИКЛАРИ БАЁНИ

Эй азиз! Бу нусхада хато ва нисён содир бўлғон бўлса, ани тузатингларки, мени бошимдин оёғимгача нуқсондур. Мен фақир, шаҳзода эмасман. Мен агар аввалғи аҳволимни баён қилсам, бир лаҳза турмай қочарсизлар. Подшоҳларга хизмат қилиб, тамалик нонлар едим. Ва яна маърака-мажлисда юқори ўлтурмоқ фикрида эрдим. Ҳар ким мендин баланд бўлса, ичганим ва еганим заҳар бўлур эрди. Баногоҳ Ҳазрат Вожиб таоло ато қилди, дурустларға дўст бўлдум. Ва аларнинг суҳбатига кириб раҳнамоларни топдим. Алар Расул алайҳиссаломни пайравларида эрдилар. Муборак исми Наврўз, сар то по (бош-оёқ) суханлари ва овозлари дилсўз эрдилар. Ул азизнинг сифатини баён қилиб адо қилолмасмен. Ул муттақийнинг жазбалари менинг томиримга жо бўлди. Дарҳол оёқларига тушуб, аларга қул бўлдум ва кўнглум кўзин аларга тикдим. Ўз ҳолимни андак билдим. Илгари бир хар (эшак), балки хардан баттар эканман. Мени кўнглумни ул зоти бобаракот мумга мубаддал қилди. Андак подшоҳликлари бирла неча мендек гумроҳларни тарбият қилдилар. Биз аларни қадру қийматларини билмадик. Агарчи баҳра топмасак ҳам аларни меҳрибонликлари бўлмаса, бошдин оёқ ҳама айб ва нуқсон-

дурмиз. Лекин агар инояти пир бўлмаса, мунча назм гавҳарини тизмак маҳолдур.

ЭШОНИ СЎФИНИНГ НУРИ ЧАШМИ – ФАРЗАНДИ АРЖУМАНДЛАРИҒА ҚИЛҒОН НАСИҲАТЛАРИ ТУРУР

Эй кўзумни чироғи ва дилимни хўшаси (меваси)! Икки дунёда Худойи таоло ёринг бўлсун, тавфиқни тахтаси қўйнунгда бўлсун. Икки дунёни обрўйин топқайсен, мақсуди аслингга Худо еткурсун, эй нури дийдам! Бир неча пандни сенга айтармен. Ани ёд қил. Отанг нокаслар бирла юруб умрини зое қилди. Сен умри азизни зое қилма. Отанг умрини жоҳилликда ўткарди. Бу дунёни иззатига мағрур бўлма. Сен албатта шаръи Мустафога ёр бўл. Агар Худодан қўрқсанг, илми ҳол ва қолни дарбар қил (эгалла). Яхши амални қўлга олиб йўлга киргил. Дилингга Худойи таоло хавфи охиратни солур. Ва яна содиқлар бирла суҳбат қилмоқ Худони амридир. Ҳар киши Худони амридин бўйун тобласа Худодин жудо бўлур. Фосиқларни суҳбатидан узоқ бўлмоқ вожибдур. Ҳиммат отини фақирлик кўчасига чопқил (чоптиргил). Ўтган пайғамбарлар Худони таниб ҳаргиз кишидан тама қилмадилар. Ва яна сени ақрабонг (қариндош-уруғинг) ҳар қайсиси бир подшони хизматидадур. Ҳар қайсиси бир аждарҳодекдурлар. Аларнинг олдида отанг бир оқсоқ мўрча (чумоли)дур. Мени юришимга алар ор қилурлар ва мени либосимдан номус қилурлар. Алар сени чақириб, мансаб берсалар, сен ҳам аларни амалларидин ор қилгайсен. Агар қадрини билсанг бечоралик сенга подшоҳликдан зиё-

дадур. Ямоқлик жоманг атлас жомадин зиёдадур. Худони қисматига қаноат қилғил. Агар аларни амалини ихтиёр қилсанг, мен (сендан) безордурман. Ва яна дардмандларға улфат бўлғилки, баҳравар бўлурсен. Худони ризолиғига жустужў қилғил (ризолигини истагил). Ҳар ким дарди ишқдан бехабар бўлса, отанг бўлса ҳам анга ҳамроҳ бўлма.

Сени ёмонлиғингга ризолиғим йўқтур. Мени бу пандларим сенга гавҳардур, ани қулоғингга олғил, тақвони либосини кийгил. Ва ҳимматни асосини қўлға олғил. Шариатдин тажовуз қилма, (шариатдан чиқсанг) роҳи шайтонға кетгайсан. Йигитликка мағрур бўлма. Ҳар ким шариатдин йироқдур – Худодин йироқдур. Ўзунгни фосиқларга қўшуб ширин жонингни ўтға солма. Тавозени пеша қилғилки, манфаатлар кўрарсен. Динни йўлига ғайрат қилғил, бу ғайрат сени улуғ мақомга еткурур. Ғайратликни Худо дўст тутар. Эй кўзумни тўтиёси! Дуойим будурки, қиёматгача гуноҳдан пок бўлғайсен!

ҲАЗРАТ ЭШОНИ СЎФИ НОРАСОЛИҒЛАРИНИ БАЁН ҚИЛҒОНЛАР

Эй ўз пандига ўзи гирифтор бўлғон Оллоёр! Бу пандларингга мағрур бўлма зинҳор. Оёғинг оқсоқ, қудуқни ичиндадурсен. Қўлунг синуқ, нечук йўлға кирарсен. Ҳоло такаббурлиқдин фориғ бўлмай кўзунг аъмо, қулоғинг кар, қаро рўзгорликсен. Яна камолга етмоқни даъво қилурсен. Буларни рост қилмай нечук раҳнамолик қилурсен? Дилингни ғубори бирла ўзунгга жабр қилиб, халққа йўл кўрсатурсен. Ва кўнглунгни мусаффо қилиб тоат эшигин очмай, зикр қилиб,

зикри (қалбу) руҳни нечук қилурсен ва кўнглунгни мосиводин совутуб ва назарни ғайридин кўтариб андин сўнгра бу гулшанга қадам қўйсанг, ишинг ривож топсун. Иззат ва ҳурматдан кечмай нечук сирру ахфони сайр қилурсен ва Худога етарсен. Шайхлиғ жон бермакдин қоттиғдур. Анинг осони улки, тегирмон (тоши) бошингда турса шайхликдин осондур. Бузрукларики луқмаи ҳалол еб ўзларини пок тутубдурлар, аларни қилғон пандлари халойиқға таъсир қилди. Поклик улдурки, бир неча кун кўнгулни шариат бирла сақласа. Масалан, қушлар неча кун тухмини сақлар, андин лочин ва шунқор пайдо бўлур. Кўнгулни бу тариқа пур ва равшан қилсанг, Худони топарсен. Ва бир неча аъмо орқангда билмасдин юрубдурлар. Ва тақи сен эътиқодни дуруст қилиб юрмасанг, улар қайда борурлар ва муни билиб нима учун ўз жонингга зўр қилурсен?! Бир соатлик дунё учун абадулабад уқбодин ғофил бўлурсен.

ФИҚҲИЙ МАСАЛАЛАР

ИСЛОМ БИНОСИ БЕШ ҚИСМДУР. АНИНГ БАЁНИ

Эй биродарлар, бинои мусулмоний (мусулмонлик биноси) беш қисмдур. Аввали «Ла илаҳа иллаллоҳ»ни айтмоқ ва маънисини билмак. Иккинчи, беш вақт намозни ўқимак. Учинчи, моли нисобга етса, анга закот бермак. Тўртинчи, рўзаи рамазонни тутмак. Бешинчи, хонаи Каъбани зиёрат қилмоқ агар қуввати етса. Бу беш қисм мусулмонлиғда фарзи

айндур. Агар ҳар ким мунга мункир бўлса, кофир бўлур. Ва яна ҳар фарзи муттафақун алайҳга мункир бўлса, кофир бўлур. Худо бирлигининг илмин баён қилдим. Эмди Худо хоҳласа намозни баён қилурмен. **Расули Худо айтдилар: «Икки нарса гуноҳи кабирадур: бири Худога ширк келтирмоқ ва бири бир намозни яна (бошқа) бир намозга қўшиб ўқимоқ».** Яъни андоғ қилмоқ бирла мундоғ гуноҳ ҳосил бўлса, воҳасратоки, намоз ўқумағон одамни ҳолига! Ва яна Расули Худо намоз ўқуғонларнинг ҳаққига кўп ваъдалар қилғондурлар. Ани айтиб адо қилиб бўлмас. Ва яна нафси бадкаш учун машаққат тортиб намозни тарк қилурлар. Ва яна чандон меҳнат тортса роҳатга етар, қоронғу гўрда ва дашти қиёматда ҳамроҳ намоздур. Шайтонни сўзига кириб, Худога душман бўлурсен. Бандаликни жон дил бирла қилғилки, Қиёмат кунида жами касирни (кўпчиликни) олдида шармисор бўлмағайсен. Эй биродарлар! Намоз ибодатларнинг афзалидур. Эмди масалалардин баён қилурмен, анга тақводорлар (амал) қилғайлар. Агарчи мен омий бўлсам ҳам устодим илм бобида дарё эрдилар. Муборак исмлари Хожа Мўмин ва Муҳаммад Ғазлий эрди.

НАМОЗДА ЎН ИККИ ФАРЗИ МУТТАФАҚУН АЛАЙҲ БОРДУР, АНИНГ БАЁНИ

Ҳар киши буни билса, йўлға кирган эранлардин бўлғай. Имом Абу Ҳафси Кабир Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ айтдилар: «Бу фарзларнинг отин билмаса, намози дуруст эмас. Агарчандики фарзларни бажо келтурса ҳам». Агарчи бу ривоят зоҳир бўлмаса ҳам,

макруҳдин (ҳам) холи эрмас. Эй биродарлар! Бу фарзларни отини аҳли байт ва хизматкорларингга ёд бергайсизлар: **Аввали оби пок, иккинчи жойи пок, учинчи жомаи пок, тўртинчи вақт, бешинчи қибла, олтинчи ният, еттинчи такбири таҳрима, саккизинчи қиём, тўққизинчи қироат, ўнинчи рукуъ, ўн биринчи сужуд, ўн иккинчи қаъдаи охир (яъни) миқдори аттаҳийёт ўқуғунча ўлтурмак.** Ва яна фарзи хилофийяни (ихтилофли фарзларни) ўз жойинда баён қилурман. Аввалғи фарз оби пок, яъни таҳорат шартдур. Таҳоратсиз намоз дуруст эмас. Шу боис «муълама»нинг баёнидан сўнг таҳоратни баён қилурмен.

МУЪЛАМА (ФАТВО ЛАФЗЛАРИ)НИНГ БАЁНИ

Билгил ва огоҳ бўлғил, ҳар ерда «муълама»лар бирла амал қилғонни баён қилибдурлар. Аввали «алайҳи фатво» ва «биҳи юфто» ва «биҳи наъхузу» ва «биҳи юътамаду» ва «алайҳи эътимодун» ва «амал ул-аимма» ва «амал ул-явм», «саҳиҳун», «асаҳҳу», «ҳуваз зоҳиру», «ҳувал мухтору фий замонина», «фатвоу машойихина» ва «ҳувал ашбаҳу». Буларни ҳаммаси фатво дегани. Аммо «маъхуз» ва «биҳи йуфто» ва «алайҳил фатво» деган лафзлар ҳаммасидан афзалдур. Бир ерда қиёс бирла истеҳсон келса, истеҳсон баланддур. Бўлмаса китоблар юзидин амал қилсунлар. Бу ерда улуғ китобларни отини айтур: Аввали «Хулосат ул-фатво», иккинчи «Қозихон» ва «Муҳит» ва «Захийра» ва «Мултақит» ва «Хизона» ва «Қиннийя». Агар бу китоблардан нақл қилсалар, буларга амал қилсунлар.

Эй азиз! Агар қўлингдан келса уламоларни мазҳабин жам қилғил. Масалан, таҳоратда «Бисмиллоҳ...»-ни тарк қилса, бизни мазҳабда дурустдур. Аммо Имом Шофеъийни мазҳабларида дуруст эмас. Ул таҳоратни иода (қайта) қилмоғи фарздур. Аммо Ҳанафий мазҳабида таҳорат устиға таҳорат қилса, нур устиға нур бўлғай. Ва таҳи Имом Молик мазҳабида аъзоларни ювғондан сўнг силамоқ фарздур. Ҳанафий мазҳабида бусиз ҳам раво бўлур. Имом Моликни мазҳабида тарки фарз бўлур, иода қилса мазҳабни жам қилғон бўлур. Ва яна «Шайхайн» деб Имом Аъзамни ва Имом Абу Юсуфни айтурлар. Ва яна «Тарафайн» деб мазкур бўлса Имом Аъзам бирла Имом Муҳаммадни айтурлар. Ва агар «Имомайн» ё «Соҳибайн» деса, Имом Муҳаммад ва Имом Абу Юсуфни айтурлар. Валлоҳу аъалам биссавоб, бироҳматика ё арҳамар-роҳимийн.

ТАҲОРАТ КИТОБИ

Бу китобда таҳоратнинг фарзларини баён қилурлар. Имомлар айтурларки: «Агар киши намоз ўқумоққа турса, ул одамни хоҳ таҳорати бўлсин, хоҳ бўлмасин таҳорат қилмоғи лозим бўлур». Зоҳири оятни мазмуни учунким, Қуръонда хабар берурки қавлуҳу таоло:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُواْ إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلاةِ فاغْسِلُواْ وُجُوهَكُمْ

وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ وَامْسَحُواْ بِرُؤُوسِكُم وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى الْكَعْبَينْ

Яъни: **«Эй мўминлар, ҳар вақтики қоим бўлсангизлар намоз учун, юзларингизни ювинглар ва икки қўлларингни тирсаклари билан ювинглар ва бошларингга масҳ тортинглар ва яна оёқларингни ошиқлари бирла ювинглар»** («Моида» сураси, 6-оят).

Аммо жумҳур ва улуғ олимлар олдида, яъни тўрт мазҳабда «ҳар вақтеки таҳоратсиз бўлсанглар», деган маъно чиқар. Аввалги ривоятга амал қилсалар қийин бўлур. Жумҳур уламоларнинг далили будур: «Расули Худо Маккани фатҳ қилғон куни беш вақт намозни бир таҳорат бирла ўқудилар. Ҳазрат Умар сўрдилар: «Бугун мундоғ қилдингиз?» **Расули Худо айтдилар: «Ё Умар, қасддан қилдим, токи уммат-ларимга мушкул бўлмасин деб».**

Яна бошқа далиллар ҳам кўбдур.

«Ниҳоя»да ва бўлак китобларда (айтур): «(Таҳоратда) фарз юз ювмоқ бу тариқадурким, (юзни) соч чиққон еридин энгаги остиғача ва икки қулоғининг мулойим ериғача (солинчоғигача) ювсун». «Абулмакорим»да айтур: «Агар соқоли оз бўлса унинг тубига сув еткурсун». Бу ривоят «Шарҳи «Аврод»дадур. Садр уш-шариа (Убайдуллоҳ ибн Масъуд) ҳам айтур: «Агар

соқоли кўб бўлса, масҳ тортсун(ки), (бу) фарздур». Бир ривоятда соқолнинг тўртдан бирига масҳ тортсун, дейилган. Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ наздида соқолга масҳ вожибдур. Ҳаммасига масҳ тортмоққа уламолар иттифоқ қилгандурлар. Иттифоқ масалага комил амал қилмоқ яхшидур, агарчи машаққат бўлса ҳам.

Ва яна бир фарзи икки қўлини тирсаги билан ювмоқдур. Шамсуддин айтур: «Таҳоратда аввал қўлини бандигача ювмоқ суннатдур. Ва яна тирсаги бирла ювмоқ фарздур». Имом Ҳалвойи айтур: «Бу ривоят (тўғрироқ)дур».

Ва яна бир фарз — бошнинг тўртдан бирига масҳ тортмоқ(дур) Имоми Аъзам қавлларида. Имом Шофеъий наздида (эса) уч тора (дона) сочга масҳ тортса раво бўлур. Имом Молик қавлларида ҳаммасига масҳ тортмоқ фарздур. Алҳол, ҳаммасига масҳ тортса, уч мазҳаб жам бўлур ва яна суннат бажо бўлур.

Ва яна бир фарз икки оёғини ошуғигача ювмоқ-(дур). Имом Зуфар айтурлар: «Ошуғини ювмаса ҳам раво бўлур». «Ҳидоя» ва тақи ўзга китобларда айтур: «Агар оёғи кесилган бўлса, ҳар неча қолғонини ювсин».

Агар икки аёқ ва қўл кесилса, Имоми Аъзам ва Имом Муҳаммадни наздида намоз соқит бўлур. Имом Яъқубни олдида имо бирла (намозини) ўқусун. Агар кишини қўли шол бўлса, таяммум нияти бирла ерга қўйсун ва юзини деворга сурсун, Худони хизматидин қолмасун. Агар бу аъзоларда жароҳати бўлса, масҳни (бобида) баён бўлур, иншоАллоҳ. «Шарҳи «Аврод»да «Салоти Масъудий»дан нақл қилур: «Агар қўл, оёқнинг бармоқлари қўшилган бўлса, орасига

сув еткурмоқ фарздур, бармоқларни хилол қилмоқ (бир-бирини орасига киритиб ишқалаш) суннатдур». «Хулоса»да айтур: «Агар қўлида узук бўлса, ани қўзғатмоқ таҳоратда ва ғуслда фарздур». «Хулоса»нинг «Китоби кароҳият»ида айтур: «Мўйлабни дукарт (қайчи) билан олмоқ суннатдур, устара билан тарошламоқ бидъатдур». «Салоти Масъудий»да айтур: «Расули Худо айдилар: «Мўйлабни узун қилиб юрувчи андоғ умматлар ҳолига войким, қиёмат куни жамиъи одамлар йиғилғонда: «Сажда қилинглар!» деб (нидо келгай). Анда мўйлаби дароз (узунлар)нинг мўйлаби найзадек бўлуб сажда қилолмағай, юзлари қаро бўлуб, шармисор бўлғайлар».

Агар киши тоғдек гуноҳ қилур бўлса, вой, Қиёмат куни бир қилча нимарсани қўймай сўрар. Бир мўйлабни гуноҳи учун шарманда бўлса, вой бар ҳоли одамики, андин неча гуноҳи кабиралар содир бўлур. Эй азиз, гуноҳингни кечар деб кўп мағрур бўлмағил. Худони тутиши қаттиғдур. Бу дунёда уялмай гуноҳ қилсанг, Қиёматда дўзахга сазовор бўлурсан. Валлоҳу аълам биссавоб.

ТАҲОРАТ СУННАТЛАРИНИНГ БАЁНИ

«Шарҳи «Аврод»да айтурки, ният қилмоқ, «Бисмиллоҳ...»ни айтмоқ ва яна тартиб таҳоратда суннатдур. Тартиб будурки, аввал юзни ва яна икки қўлини тарсаги бирлан ювмоқ ва бошиға (тўлиқ) масҳ тортмоқ, андин (сўнг) аёғини ошуқи бирлан ювмоқ суннатдур. Аммо Имом Шофеъий наздида «Бисмиллоҳ...» демак фарздур. «Бисмиллоҳ...»ни баъзи(лар) истинжодин бурун, баъзи(лар) сўнг (айтила-

ди), дебдурлар. Аммо саҳиҳ ривоят шулким, ҳам аввалда, ҳам охирда айтсун. «Ҳидоя»да, «Қозихон»да ва «Биржандий»да айтур: «Таҳоратни бошларда «Аъузу...» ва «Бисмиллоҳ...»ни айтсун. Ҳар вақтеки, таҳорат қилмоқчи бўлса, икки қўлини бандигача ювсун». Асаҳ ривоят шулдур. «Садр уш-шариа» (шундай) хабар берур: «Мундоғ ювмоқ керак: «Аввал обдастани чап (қўли)га олиб ўнг қўлини ювсин, сўнг ўнг (қўли)га олиб сўл қўлини ювсин. Ва қўлда зоҳиран нажас бўлмаса ва обдаста ҳам бўлмаса, бармоқларини жам қилиб идишга суқуб олиб ўнг қўлға қуюб ва сўл қўлға қўшмай ва кафтини идишга солмай (ювсун). Ва яна сўл қўлини шундоғ қилса раво бўлур. (Агар қўлида нажас бўлса) рўмолдек бир нимарсани идишға солиб, андин оқғон сув бирла (қўлини) ювсун. Бўлмаса оғзи бирла сув олиб ювсун. Ани ҳам қилолмаса, таяммум қилсун, (сўнг) ҳаром қўлин ювсун, андин сўнг таҳорат қилсун. Аммо ариғ лабида бўлса, ўз билганини қилсун.

Ва яна бир суннати, оғзи ва бурнига сув олмоқдур. «Ниҳоя»да ва «Салоти Масъудий»да айтур: «Оғзи ва бурниға сув олмоқни Имом Молик фарз дебдурлар». Аммо суннатлиғи маълумдур. «Шарҳи «Виқоя»да айтур: «Имоми Аъзам наздида оғиз-бурнини ҳар бирига алоҳида-алоҳида уч мартабадан сув олсун. Аммо Имом Шофеъий қавлида бир олғон сув бирла уч марта ювар». «Хулоса» ва «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Оғзини ҳалқумигача ва бурнини димоғигача ювар».

Ва яна бир суннати — ҳар аъзони уч мартадан ювсун. Мундин кам ё зиёда бўлса, ўз жониға зулм қилғон бўлур. «Ҳидоя»да айтур: «Қўлини тирсакдан

ва оёғини ошиғидан юқори ювса ва ё юзини бўйни билан ювса, мунда ҳам зулм бўлур. Лекин сув етмаган ерни ювмоқ учун (учдан) зиёда қилса бўлур. Аммо ҳар бир аъзони ҳар бор ювганда (сув) тегсун. Аммо икки (марта)сида тегиб, бир мартада (сув) тегмаса, суннат бажо бўлмас».

Ва яна бир суннати сақол ва бармоқларин хилол қилмоқдур. Баъзилар вожиб дебдур. Асаҳҳи шулким суннатдур. Бармоқларни хилол қилмоқда бир-бирини ичига киргузмак (суннатдур). (Буни) «Шаҳ Ҳусайн»да (ва) «Абулмакорим»да ҳам айтур. (Қўл) бармоғини қўлини орқасидан киргизсун. Оёқни бармоғини (хилол қилишни ўнг) оёғини жимжилоғидин юқори қараб бошласун, сўл оёғини жимжилоғида тамом қилсун.

Баъзилар аёқни (бармоғини) хилолини фарз дебдурлар.

Ва яна сақолни қўлини орқасидан ҳалқумига қўйиб, қуйидин учига қараб ҳилол қилсун, дебдурлар. Аммо аёқини ва қўлини (ювиб) бўлғондин сўнг алоҳида сув олиб хилол қилсун.

Ва яна бир суннати бошининг ҳаммасига масҳ тортмоқдур. Аммо Имом Молик фарз дебдурлар.

Ва яна бир суннат — оғзига сув олғонда мисвок қилсун. Алоҳида сув бирла мисвок қилсун, деган ривоят ҳам бордур. Аммо зоҳир ривоят «Қозихон»да Имом Абдуллоҳдин нақл қилур: «Ҳар шаҳарда бир мисвок қилғучи бўлмаса ва (мисвокка) мункир бўлсалар, муртад бўлурлар, ўлум (аларга) лозимдур». «Фусули Имодий»да ҳам шундоғдур. «Жомиъул басотин»да айтур: «Мисвок борида қўл билан мисвок қилмоқ раво эрмас». Мисвок бўлмаса саббоба (кўр-

саткич бармоғи) билан пок қилсун. Мисвокни ўнг қўлиға олиб, ўрта бармоқ бирла жимжилоғини (мисвокнинг) сиртиға (устига) олсун, ул (қолган) уч бармоқни (мисвокнинг) ичига олсун. Устунги (тепа) тишнинг ўнг тарафиға уч мартаба масҳ қилсун ва яна уч мартаба сўл тарафини устиға шундоғ масҳ қилсун. Баъзи имомлар мисвокни остидан қилсун (остки тишдан бошласун), дебдурлар. Ва яна бир мартаба тилни устиға масҳ қилсун. Ва яна уч (мартаба мисвок) қилмоқ шарт эмастур, тоқ бўлса раво бўлур. Тутамлаб (ушлаб) мисвок қилмоқ ямондур. Ва яна мисвок аччиғ яғочдан бўлсин. Қадди (узунлиги) бир қарич бўлсун. «Шамсуддин»да айтур: «Бир қаричдан кам бўлса ҳам раводур». Аммо бир қаричдан узун бўлса, Шайтонни маркаби бўлур. «Шарҳи «Аврод» ва яна неча нусхаларда айтур: «Уйқудан бедор бўлса (уйғонса, дарҳол) мисвок қилсун. Мисвокни азиз тутсун, асло ўзидан ажратмасун». Расули Худо ётар вақтларида бошларини остиға қўйуб ётар эрдилар. Аммо «Хотунларға сақич ҳам мисвокдек бўлур», дебдур. «Шаҳ Ҳусайн»да айтур: «Мисвок қилгандан кейин мисвокни бошини ювсун, бўлмаса Шайтон мисвок қилур».

Расули Худо мисвок қилган халойиқга кўп ваъдалар қилғондурлар, агар битсам бу нусхага сиғмас.

«Салоти Масъудий»да айтур: «Юз юварда юқоридан пастга қараб ювсун. Ва яна ҳар аъзони (қўлоёқни) юварда бармоқларидин бошласун. Мундоғ қилмаса бидъатдур. Агарчандики тамом бўлмаса ҳам, бидъатни ўзингга раво кўрма».

Абдулҳасан **«Танбиҳ уз-золлийн»да айтур: «Бидъат қилғувчи дўзахнинг итидур». Бу ҳадис Пайғамбари**

Худони сўзларидур. Во дариғо, уммати Муҳаммад (с.а.в.) шайхлиқ даъво қилиб, бидъатга ҳарис бўлурлар, суннатга амал қилмаслар.

Эй азиз! Расули Худони буйруғин қилмай, чандон тоат ва ибодат қилсанг, санга фойда қилмас. Асло йўл топмайсан. Балки офат бўлур. Агар осмон устиға бориб ибодат қилсанг, Аршу Курси олдингда ҳозир бўлса, неча турлук таом олдингда ёзилса, буларнинг ҳаммаси макри Шайтондур.

Ваъз ва насиҳат

Авлиёларики, муқарраби даргоҳ бўлубдурлар, алар фарз, вожиб ва суннатларни асло тарк қилмадилар. Агар киши минг китобни ўқуса ва барча илмни тамом эгалласа, аммо бидъат қилур бўлса, меҳнати беҳудадур, агарчандики ўз асриға доно бўлса ҳам.

Ҳикоят

Эшитмадингму, Азозил фаришталарни устоди эрди. Бир ишни ўз раъйича, Китобдин ташқари қилди ва доимо (абадий) лаънатга гирифтор бўлуб, Шайтони лаъийн бўлди. Ҳар киши китобдин ташқари иш қилса, Шайтонға ҳамроҳ бўлур.

Расули Худони бизга юборибдур. Алар амру наҳйидин хабар берибдурлар. Алардин айтилмаган сўз қолмади. Бизни динимизни камолга етказиб, дунёдин бордилар. Ҳар нимани меҳтари олам пайғамбаримиз айтибдурлар ва қилибдурлар, ани мужтаҳидлар китоб қилибдурлар. Ҳар ким бу китобларга хилоф қилса, ани қайси динда эканини билмасмиз.

ТАҲОРАТ МУСТАҲАБЛАРИНИНГ БАЁНИ

«Фахруддин»да айтур: «Гардан (бўйун)ға масҳ тортмоқ мустаҳабдур. Тоза сув олмоқ одобдур, ўнг тарафин аввал қилмоқ ҳам одобдур». Мулла Шамсуддин «Ниҳоя»дин нақл қилур, Абдул Али «Заҳируддин»да айтур: «Гарданға масҳ тортса, (қўлининг) орқасини (бўйнининг ёнидаги) икки томирига еткузсин. Агар кекирдаккача еткузса, бидъатдур». «Нажмуддин»да айтур: «Ҳар бир аъзони ювганда «Калимаи шаҳодат»ни ва яна неча дуоларни ўқуса яхшидур». «Фатовойи ширъа»да айтур: «Таҳорат қилғувчи рўза бўлмаса, боқий (қолғон) сувни тик туруб ичсун, ўлтуруб ичса ҳам бўлур. Аммо туруб ичган даводур». **Ҳадисда айтур: «Оби Замзам»ни ва таҳоратни (ортган) сувини туриб ичса раводур. Аммо мундин ўзга сувни туриб ичмак манъдур».** «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Идишни сўл (чап) қўлға тутмоқ мустаҳабдур. Лекин истинжо қилурда идишни ўнг қўлға олсун. Баланд ерда туруб истинжо қилсун, токи сув сачрамасун(ки), адабдур».

Шайх ул-фақиҳ Абул Лайс айтурлар: «Таҳорат қилғондин (аввал ҳам, кейин ҳам) калимаи шаҳодатни ва салавотни ўқусин, **Пайғамбар алайҳиссалом Ибн Масъудга шундай дедилар: «Ва яна ҳар вақтеки, таҳоратдин сўнг қиблага рўбарў бўлиб, икки оёғини устига назар қилсун. Тик туруб «Сураи Фотиҳа» ва «Сураи Қадр»ни уч мартаба ўқусун»**.

«Кифояи Шаъбий»да айтур: «Одобларни зинҳор тарк қилмаки, суннат қўлдин кетар, суннатни тарк қилмаки, вожиб қўлдин кетар, вожибни тарк қилмаки, токи фарз қўлдин кетмасун. Фарзни эътиқод ила тутки, иймонға нуқсон етмасун».

Одобни тарк қилмоқ гуноҳ бўлмас, аммо савобдин маҳрум қолур. Ҳар одобеки, Муҳаммад алайҳиссаломдин бўлса, анга риоя қилмоқ хўбдур. Қилмамоғинг (қилмаслигинг) ҳаром бўлмаса ҳам, Расул алайҳиссалом ҳурматларин сақлағил. Масалан, бир одам бир танга берса, ани ҳурмат қилурсен. Қиёмат куни ҳар ким ўз ҳолига бўлғонда ёрий берсалар, нечук иззатларини бажо келтурмассан. Ҳар ким беодоблик қилса, аввал ани халқ беодоб дерлар. Сенга муносиб йўқдурки юзунгга ва ўзунгга беодоблик ном кўтармак. Боодоб бўлғилки, улуғ даражага етарсан. Одоб Расули Худони афъолларидур, жоҳил шайхлардин эмастур. Ҳар ким банда бўлса, Расулни буйруғларин ушласа, яхши бўлур. Нодонлар сўз аслини фаҳм қилмай, наҳйини одоб дерлар. Масалан, салом (бермак)да махлуқ учун хам бўлмоқ жамиъ китобларда ямондур. Бу хилофи шариат ишга беодоблар бузрукларни далил қилурлар. Агар киши хилофи шарърга урфни далил қилса, ани бовар қилмасун. Агар бу сўзга эътиқод қилса, улуғ гуноҳ бўлур. Урфда бор деб ани қилурлар. Худойи таоло ҳаром қилган нарса урф билан нечук ҳалол бўлур. Киши ҳаромни ҳалол деса қандоғ бўлур? Мундоғ нимарсалар кўпдур, айтсам гап узалур. Валлоҳу аълам.

ТАҲОРАТНИНГ НАҲЙИ ВА МАКРУҲЛАРИ БАЁНИ

Таҳоратда(ги) наҳйи ва макруҳларини баён қилурмиз: «Юзини ювғонда кўзини юммасун, дунёдан сўзламасун ва сувни юзига қаттиғ урмасун. Агарчи оби равон бўлса ҳам исроф қилмасун. Ва яна миқдори

бир ярим ботмон сув бирла таҳорат қилсун. Оёқға масҳ тортғунча бир ботмон сув кифоя қилур. Агар истинжо қилмаса, ярим ботмон сув кифоя қилур. Шариат (бир) ботмони юз саксон мисқол бўлур (бир ботмон, яъни бир юз саксон мисқол 842 граммга тенг). Ҳар мисқоли юз ўрта арфани вазниға баробар бўлур». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Обдастани ўзига хос қилмоқ макруҳдур ва ҳам мис идишда таҳорат қилмоқ макруҳдир. На учунким, бу иккисидин фаришталар қочарлар».

Оғзини ва бурнини сувини бошқа сувға ташламасунки, макруҳдур. Ва яна сувни офтобда иситиб таҳорат қилмоқ макруҳдир ва наҳйидур. Сувни тезак бирла иситиб таҳорат қилса Имом Аъзамни наздида макруҳ эмастур. Имом Молик макруҳ дебдурлар. Ҳар киши заруратсиз бу сувларга таҳорат қилмасун. Ва яна таҳорат ушатқон (истинжо қилган) ерда таҳорат қилмасун. Бул феъл жоҳиллар феъли-дур. Кўп қабоҳат бўлур. Наҳйи дегони (яна) нажас ерда таҳорат қилмоқ, истинжо қилғон жойни латта бирла артмоқ ва авратни очмоқдур. Аммо бу наҳйиларни(ки) баён қилдук, ҳаммасидан авратни очмоқ улуғ гуноҳдур. Зероки, сатри аврат фарздур, ани очқучи (эса) золимдур, хоҳ таҳоратда ва хоҳ ғайри таҳоратда бўлсун.

Ваъз. Эй биродар! Бу фоний дунёға мағрур бўлуб, Худонинг амрини тарк қилурсан. Дунё иши деб этагингни кўтариб, авратни зоҳир қилурсан. Буни гуноҳ билмаганлардин паноҳ тилармиз! Вой бар ҳоли динни барбод бериб, амри маъруфни қилурлар, ўз жонининг қадру қимматин билолмаслар. Алалхусус, бу замонда бир неча нодон ва жоҳилларни авлиё

дерлар. Буларни бориға (барчасиға) ихлос қилмоқ номусулмонлиқдур. Одамики Худони амридан бўюн тобласа, васвасаи шайтон била ҳалок бўлур. Агар киши шариатсиз ҳавоға учса, Жайҳун дарёни устидан бир назарда ўтса, Машриқдан Мағрибга бир нафасда борса, ўтға тушуб куймаса, ул одамни юзини кўрмак муборак эрмас. Худони ризолиғи йўқтур. Балки у шайтоннинг шогирдидур ва анинг тобелари фитнагардур, ўзи жиннидур.

ТАҲОРАТНИ СИНДИРУР НИМАРСАЛАРНИНГ БАЁНИ

Билғил ва огоҳ бўлғилки, «Ҳидоя»да ва ўзга китобларда айтур: «Ҳар нима одамни олдидан ва орқасидан чиқса таҳоратни синдирур, агарчандики сайлон бўлмаса (оқмаса) ҳам». Ва яна йиринг ва қон жароҳатни оғзига чиқса ва ёйилмаса, таҳорати синмас. «Қозихон»да шундоғдур. Агар ул қонни пахтага артса, ул пахта бир нимарсага тушса, ҳаром қилмас. Фатво мунгадур. Аммо Имом Шайбоний мундоғ қонга таҳорат синар, дебдурлар. Агар қон бошидин бурунни ичига келса, ташқари чиқмаса ҳам таҳорат синар. «Ҳидоя»да ва «Виқоя»да айтур: «Имом Шофеъий наздида қай қилса (қусса), таҳорати синмас, агарчандики оғзи тўла бўлса ҳам. Бизни имомни наздида оғзи тўлиб қайт қилса, таҳорати синар. Имом Зуфарни наздида хоҳ тўла бўлса ва хоҳ кам бўлса, (таҳорати) синар. Тақводорлар бу масалаларни қўлдин бермасун. Ҳар ким Худодин қўрқса, эҳтиёт қилур. Ва яна оғзи тўлғонни меъёри буки, кўнгул беҳузур бўлуб, оз-оз қай қилса, они жам қилғонда оғзи тўл-

са. Ва баъзилар айтурларки, сўзлаганда оғзидан чиқ-қудек бўлса ва ё зўр келиб, ўзини сақлаёлмаса ва ё оғзини нисфи (ярми)дин кўпроғи тўла келса, бу суратларда оғиз тўла ҳукмида, дебдурлар. Ва яна «Хулоса»да, «Қозихон»да ва «Абулмакорим»да мундоғдур. Аммо қон қусса, андак бўлса ҳам таҳорати синар. «Мухтасари «Виқоя»да: «Агар киши қон қусса, ул қон билан оғзини суви қизил бўлса, (таҳорати) синар, агар сариғ бўлса, синмас», дебдур. «Ниҳоя»да айтур: «Агар кишини олдидан ел келса, (таҳорат) синмас. Имом Қозихон айтур: «Улуғ нусхаларда айтур: «Муфаззотни олдидан ел келса, Абу Ҳафс Кабир «синар», дебдурлар, Имом Кархий «синмас», дебдурлар». Аммо таҳорат қилмоғи мустаҳабдур. «Ҳидоя»да фатвони Имом Кархийга берибдурлар. Имом Абу Ҳафсни қавли эҳтиётдур. Ҳазрат Саййидни наздида «муфаззот» деб олди бирла орқаси қўшулғон (хотун)ни айтурлар. Мундоғ хотунлар ҳам бордурлар. «Ниҳоя»да, «Салоти Масъудий»да айтур: «Андоғ хотунни эри уч талоқ қилса, ҳалола учун бировга берса, хотун ул одамдин бўғоз бўлмаса, аввалғи эрига ҳалол бўлмас, зероки, сўнгги эрни закари хотунни олди ва ё орқасига киргани маълум эмас». «Шамсуддин»да айтур: «Мундоғ хотунни ватий қилиш ҳалол эмас, зероки, закари қайси тарафга равон бўлғони маълум эмас. Мабодо орқасига борса, гуноҳи кабира бўлур». Имомлардин айтилмаган сўз қолғон йўқтур. Биз гумроҳлар учун жонларини узиб кеттилар, бизлар аларнинг қадрларин билмадик.

Агар олдинги андомлардин қурт тушса, ел ҳукмида бўлур, яъни таҳорати синмас. «Қозихон»да айтур: «Эркакни ё хотунни орқа андомидан қурт туш-

са, синар. Агар кишини закарини бошиға пахта қўйса, ул закарини тешигига кириб кетса, яна чиқса, таҳорати синар. Эркак ё хотунни орқа андомига бир нимарса кириб, яна чиқса, ул нимарса ҳўл бўлса, синар, қуруқ бўлса, синмас. Агар киши закарини бошиға ёғ томузса, ёғи қайта чиқса, синар». «Абулмакорим»да айтур: «Одамнинг кесилмаган закарини бошиға сийдик чиқса, аммо пўстидан ташқари чиқмаса, синар». «Қозихон»да айтур: «Хотинни ичкари андомидин сийдик чиқиб, ташқари андомиға чиқмаса, синар. Ичкаридин чиққани кифоя бўлур». «Хулоса»да айтур: «Истинжо қилур вақтда бармоғи ортқи андомига кирса, рўза очилур, таҳорат синар. Бу амални жоҳиллар қилур». Агар андомиға чибин кирса, синмас. Ва агар кишини аъзосин кана чақса ва ё бурга чақса, булар одамни қонидин тўйса, синмас. Аммо катта кана бўлса, синар. Агар кишини қулоғидан оғримай сариқ сув келса, синмас. Аммо дард бирла келса, синар. Агар ришта чиқса, синмас. Агар қулоғидан ва ё бурнидан қурт тушса, синмас. «Хулоса»да айтур: «Закарни бошидан қурт тушса, синар. Аммо балғам хоҳ бошидан, хоҳ сийнасидан келса, оғзи тўла бўлса ҳам синмас. Аммо Имом Абу Юсуф қавлида ичидан келса, синар, башартики оғзи тўла бўлса». Бу эҳтиётдур. Фатво аввалғигадур. «Қозихон»да айтур: «Қулоғга ёғ томизса, ул ёғ қайта чиқса, синмас. Ва агар киши сув ичса, (сўнг) шул замон сув қусса, синар».

«Ҳидоя»да айтур: «Агар девона бўлса ва ё ҳушидан кетса, таҳорати синар. Агар рукуъ, сужудли намозда расида бўлғон (балоғатга етган) одам қаҳқаҳа бирла кулса, синар. Аммо намози жаноза ва саждаи

тиловатда кулса, синмас. Норасида ҳар намозда кулса, синмас». «Ниҳоя»да айтур: «Агар киши намозда ухласа, у уйқуда қаҳқаҳа бирла кулса, Имом Фахр ул-ислом «Авориз»дин нақл қилур: «Намози ҳам бузулмас ва таҳорати ҳам синмас». Ибн Увайс Имоми Аъзамдин нақл қилур: «Таҳорати боқий (бузулмас), намози бузулур». Имом Муҳаммад наздида таҳорати синар, намози ҳам бузулур. Бу эҳтиётдур. «Салоти Масъудий»да айтур: «Намоздин ташқари қаҳқаҳа бирла кулса, таҳорати синмас». «Жомеъ ус-сағирхоний»да айтур: «(Намоздан ташқарида) қаҳқаҳа бирла кулмак мубоҳдур». Фатво мунгадур. Агарчи мубоҳ бўлса ҳам, қаҳқаҳа яхши эмастур. Қаҳқаҳадин сўнг таҳорат қилмоқ мустаҳабдур. Гавҳари маънони уламолар тузубдурлар: «Кўп емак, кўп ухламак ва кўп сўзламакда хосият йўқдур».

Подшоҳ ва пирим Ҳабибуллоҳ айтурлар: «Одамзодни ёдида ўлум бўлмаса, иши доим кулмак бўлур».

«Шарҳи «Аврод»да «Кашфи Мактум»дин нақл қилур: «Кулмак уч қисмдур: «Бири қаҳқаҳа, ул қаттиғ кулмакдур. Яна бири зиҳк, ани ўзи эшитур, ўзга киши эшитмас. Бул намозни бузар, таҳоратни синдурмас. Яна бири табассум. Ани овози бўлмас. Бунда намоз ҳам, таҳорат ҳам бузулмас». **Худойи таоло «Қуръон»-да хабар берур:**

جَزَاء بِمَا كَانُواْ يَكْسِبُونَ فَلْيَضْحَكُواْ قَلِيلاً وَلْيَبْكُواْ كَثِيرًا

«Бас, ўзларининг касб қилган нарсалари (яъни, кофирликни танлаганлари) **жазосига улар** (бу дунёда) **озгина кулсинлар,** (сўнгра охиратда) **кўп — абадий йиғласинлар»** («Тавба» сураси, 82-оят).

Мунга амал қилинглар. Аммо мўминни юзига

кулиб боқмоқни «Ширъат ул-ислом»да садақа дебдурлар. «Салоти Масъудий»да айтур: «Муҳаммад алайҳиссалом доим табассум бирла эдилар».

«Абулмакорим»да айтур: «Агар киши маст бўлса, таҳорати синар. (Мастликни) миқдори буки, юрганда ўзини ҳар тарафга урса». «Шамс ул-аимма»да айтур: «Асаҳ ривоят улдурки, эркак ва хотунни танимаса», «Хулоса»да ва «Қозихон»да (ҳам) мундоғдур».

«Виқоя»да айтур: «Эркак хотунни андомини ушласа ва ё акс (хотин эркакни андомини ушласа), ҳўл чиқмаса, таҳорати синмас. Ва лекин ул икки андом бараҳна бўлуб бир-бирига тегса, сув чиқмаса ҳам синар».

Агар кишини кўзидан оғримай ёш оқса, таҳорати синмас, аммо дард бирла оқса, синар. Ҳар намозда бир таҳорат қилсун. Бу масаладин кўп одам бехабардур. «Ҳидоя»да айтур: «Мустажиъ ва муттакий (ҳолатда) ухласа, синар. Мустажиъ деб ёни бирла ётқонни айтур. Муттакий улдурки, бир думбасига ўлтуруб ухласа, у ён, бу ёнга мойил бўлса, ортқи андоми ердин ковак бўлса (узилса) ё бир нимарсага суяниб ухласа, ани олғонда йиқилур бўлса». Ва яна «Қозихон»да айтур: «Рукуъ ва сужудда ухласа таҳорати синмас, аммо қасддан ухласа, синар. Агар киши қоим туролмаса, ўлтуруб ўқумоққа қуввати етмаса, ётиб имо бирла ўқуғонда ухласа синар. Агар рукуъ қилиб ё сажда сувратида бўлуб, намознинг ташида ухласа, ул сужуд ва рукуъни мувофиқи суннат қилса, синмас. Мувофиқи суннат булдурки, шиками (қорни) сонидан узоқ бўлса, икки қўлтиғини орасини очуқ қилса ва яна билагини ердин йироқ қилса таҳорати синмас. Агар бидъат бирла ухласа, синар. Ва яна хоҳ

намоз ичинда, хоҳ ташқарида барважҳи суннат бўлса, синмас». Фатво мунгадур. «Ниҳоя»да айтур: «Имом Шофеъий мазҳабида хоҳ суннат ва хоҳ бидъат бирла ухласа, синар, зероки ортқи андоми ердин очуқдур». Анга бизни имомларни далиллари кўпдур. Бул нусханинг таҳаммули йўқдур. «Хулоса»да айтур: «Агар киши тиззига бошини қўюб ухласа, баъзиларни наздида синар. Ибни Муборак наздида синмас». Хўби шулки, қайтадан таҳорат қилсун. Ва яна чаҳор зону (чордона) ўлтуруб ухласа, синмас. Икки қадамни икки тарафга юбориб, думбани ерга қўюб ухласа, синмас. Ва агар қаъдада ухласа, бу ҳолда уйқуни ғалабаси бирла йиқилса, Имоми Аъзамнинг қавлида ёнбоши ерга тегмай турса, синмас ва ерга тегиб турса, синар. Бу масалага Имом Яъқуб хилоф қилибдур. Фатво Имоми Аъзамни қавлариғадур. «Хулоса»да айтур: «Ўлтуруб ухласа ҳар тарафга мойил бўлса, синмас, аммо ул ҳолатда қўли ерга тушса, хоҳ кафти, хоҳ орқаси тушсин, синар». «Салоти Масъудий»да айтур: «Агар от ва тева устида ўлтуруб ухласа, синмас. Аммо хоҳ қирда юрсун ва хоҳ паст ерда юрсун, хоҳ паст ердин баландга чиқсун ё акси бўлса, бу сувратларда ухласа, синар, зероки ортқи андоми эгардин жудо бўлур». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Намоздин ташқари уйқу бир неча қисмдур: «Орқасин ерга қўюб осмонга қараб ётмоқ пайғамбарларнинг уйқуларидур. Юзин қиблага қилиб рост (ўнг) тарафни босиб ётмоқ яхшилар ва машойихлар ва авлиёлар уйқуларидур. Чап тарафни босиб ётмоқ ҳакимлар уйқуларидур, зероки таом тез ҳазм бўлур эрмиш. Агар киши сўл ёни бирлан ётмоқ бўлса, аввал ўнг тарафини босиб, андин сўнг сўл ёнга айлангай. Ва

тапон (юз тубан) ётмоқ жуҳудлар ва ўғрилар ётишидур». Ётар вақтида зикри Худо бирлан ва таҳорат бирла ётқай. Расул алайҳиссалом айдилар: «Таҳорат билан ётса кундуз рўза, кеча намоз ўқуғонни савобини топар». **Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи васаллам Анас ибн Молик розияллоҳу анҳуга айдилар: «Ухламағил, магар таҳорат бирла ётқил. Ҳазрат Азроил (жонингни) қабз қилса, шаҳодат топарсен»**. Ва яна ёдиға олғайки, «тез кунда гўрга борурмен ва ул гўр қоронғудур ва тангдур. Ва ёлғузлуқда мундаги амалдин бўлак йўлдош йўқдур», деб. Ҳар вақтеки уйғонса, боз ухламоқчи бўлса, таҳорат қилсунки, мустаҳабдур. Қуввати етмаса таяммум қилсун. Ва яна танҳо (ёлғиз ўзи) бир уйда ётмасун ва остонага такя қилиб ётмасун ва икки қўлин бир-бирига қўюб ётмасун, деворсиз томда ётмасун. Чироғни, кўзани оғзини беркитиб ётсун. Субҳи содиқдан илгари турсун, зероки баъд аз субҳ уйқу қабоҳатдур. **Ва яна ер уч тоифадан безор бўлур, нидо қилғай: Аввал субҳда ухлағондин, иккинчи, зино қилиб ғусл қилғондин, учинчи хуни ноҳақ тўкғондин.** Ва яна намози бомдоддин сўнг ухламасун, намози хуфтонни ўқумай ётмасун — уламолар макруҳ дебдурлар. Ва кечаси уйғониб сув ичмасун, магар зарур бўлса, раво бўлғай. Ва яна оёғини Қиблага ва машғъалага узатмоқ хоҳ уйқуда, хоҳ бедорликда макруҳдур, яъни хатодур. Ва яна намози хуфтондин сўнг мубоҳ сўз ҳам ҳалол эмастур. Баъд аз хуфтон тасбеҳ ва таҳлил айтсун ва дунёдин такаллум қилмасун. Шоҳ Умар ибн Абдулазизни бир кеча миршаблар ушлади. Шоҳ Умар аларга сўзламадилар то вақти тонг оттунча. Тонг отқондин бомдод ўқуғонча сўзламак номашруъдур. Ғараз бул вақтда ҳа-

лол сўз мубоҳ эрди, аммо ҳаром сўз ҳамма вақт ҳаромдур. Дини исломдин сўзласа савобдур. Шоҳ Умарни кўрдунгму, миршабни сиёсатини кўруб, зарар бўлса ҳам сўзламади?! Бизлар хилофи шаръ қилурмиз. Во ҳасратоки, наҳйи ишларни тарк қилмай кишига йўл кўрсатурмиз. Ва номус учун сўзимизга ранг берурмиз. Бу шайхлиқ эмас, балки паришонлиқдур.

ЭШОНИ СЎФИНИНГ МУРИДЛАРИҒА ШИКАСТАНАФСЛИК ҚИЛҒОНЛАРИ БУ ТУРУР

Эй Худони талаб қилғон дўстлар ва биродарлар! Бизга биродар бўлуб аҳд – ваъда қилиб эрдингизлар. Умрларинг бебаҳра ўтар. Мени суҳбатим кундин-кунга баттар бўлур. Вой бар ҳоли менинг аҳволимга! Сизларнинг ваболларингизга қолурмен. Сизларга илми қол ва илми ҳол таълим бера олмадим. Эмди бу номасиёҳдин юз ўгуруб бир комил ва мукаммилни хизматига боринглар. Ул муршид шариатдин тажовуз қилмаса ва кишидин тама қилмаса. Бу бечоранинг пири Ҳабибуллоҳ менга кўп жонлар чекти. Мен аларнинг қадр-қимматин билмадим. Яна сизлар ҳам бу рўсиёҳга дуо қилинглар, шоядки, сизларнинг дуоларингиз мустажоб бўлуб, пардаларни йиртса. Мен ҳам бу балолардин халос бўлуб, Расули Худонинг хос умматларидин бўлсам.

ҚАЗОЙИ ҲОЖАТ (ҲОЖАТ УШАТИШ) ОДОБЛАРИНИНГ БАЁНИ

«Шаъбий»да айтур: «Хало жойға борур вақтда айтсунки: «Эй менга ҳамроҳ фаришталар, мен хало

жойга борурмен. Сизлар то мен келгунча шу ерда турингглар», дегай. Баъд азон сўзламагай. Ва яна ўз мулкингдан кесак олгил, бировни деворидан олма. **Ва яна бу дуони ўқусун: «Аллоҳумма аузу бика минар рижсин нажаси минаш-шайтонир рожийм».** «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Хало жойга чап оёқ бирла кирсун. Оёгини ерга бир-икки урсун, токи газандалар бўлса қочсун». Бу масалаларни билгай. Ва яна изорини сўл қўл бирла ечгайки, одобдур. Ва қиблага чап қўлини (ёнини) қилсун, бу ҳам одобдур. Ўнг ёнини тикка қилиб, сўл ёнига мойил бўлуб, чопонини бурканиб, оғзи-бурнини ўраб, бошини қуйи қилиб жаҳд қилсунки, тезроқ нажосатдан халос бўлгай. Аммо чиқарда ўнг оёгини босиб чиқсун. Расулни амрлари шундоғдур.

ҚАЗОЙИ ҲОЖАТДАГИ НАҲЙИЛАРНИНГ БАЁНИ

Хало жойга Худо ва Расулни номи битилган нимарсалар бирла бормасун, наҳйидур. Қиблага юзини қилмасун ва сўзламасун. Офтоб ва ойга қарши ўлтурмасун ва яна оби равон (оқар сув)га ҳожат қилмасун. Ва яна бошу оёги яланг бўлмасун. Ҳожатдин зиёда этагини кўтармасун. Ва яна қаттиғ ерга ва илон, чаённи устига ўлтурмасун. Ва яна мевалик дарахтни остиға ва соясида одам ўлтурадурғон дарахтни остиға ўлтурмасун, наҳйидур. Ва яна ариғлар ва ҳовузлар ёқасиға ва гўристонга ҳожат қилмасун. Тик туриб сиймасун, магар узри бўлса дурустдур. (Бирор) масалани бу ҳолда мулоҳаза қилмасун. Дунё ишини ўйласа, охират ишини фикр қилмасун. Ва яна

нажосатта безарурат қарамасун. Бу ҳолда хат тортуб ўйнамасун. «Салоти Масъудий»да айтур: «Кулни устига бавл қилмасун, нетонгким, зиён етар».

КЕСАК БИРЛА ИСТИНЖО ҚИЛМОҚНИНГ БАЁНИ

Билгилким, кесак бирла истинжо қилмоқ суннатдур. Имом Шофеъий наздида фарздур. Агар нажосат миқдори тангадан кам бўлса бизларни имомларни наздида ани бирла намоз ўқуса раводур. Аммо Имом Шофеъий наздида раво эрмас. Агар нажосат тангадин зиёда бўлса, ани ювмоқ вожибдур, агар кам бўлса суннатдур. Ва яна истинжони кесак, қум, туфроқ, эски пахта ва намад бирла қилсун. Аммо устухон (суяк), тезак, янги либос, коғаз[1], кўмур, софол ва қўл бирла истинжо қилмасун, макруҳдур. Ва яна истинжо қилғон кесак бирла (яна) истинжо қилмоқ жоиз эрмас, магар уч қирралик бўлса, бир тарафи тоза бўлса раводур. Имом Шофеъий қавлида уч кесак ё уч қирралик бўлсун. Бизни имомлар ҳам мундоғ бўлса яхши, дебдурлар. Баҳар ҳол ортқи андомиға бир кесак зиёда бўлсун. «Салоти Масъудий»да айтур: «Истинжодин сўнг кесакни ташларда ерга суруб, тозалаб ташласун, токи бировга ғубори хотир бўлмасун». «Хулоса»да айтур: «Кесак бирла аввал кетини, иккинчи олдини тоза қилсун». «Шарҳи «Виқоя»да айтур: «Бир пора (бир гуруҳ) имомлар айтурлар: «Тобистонда (ёзда) кесакни аввал кейин (орқа) тарафга қараб сурсун,

---

[1] Қазойи ҳожат учун чиқарилган махсус қоғозлар мустаснодир. (Нашрга тайёрловчилар.)

сўнгра олдин тарафга сурсун. Аммо зимистонда (қишда) ани аксини қилсун, на учунким одамни икки юмуртқаси (мояги) зимистонда қаттиқ, тобистонда (ёзда) мулойим бўлур эрмиш. Хотунлар қиш ва ёзда аввал орқасига сурсун. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Турғонда банди изорни (иштон боғини) ўнг қўлға ва закарини бошини чап қўлига олиб ҳаракат қилсун».

ИСТИБРОНИНГ БАЁНИ

Эй биродарлар! Истинжодин кейин истиброни бажо қилинглар. Истибро деб закарида қолғон сувини барий қилмоқ (тозаламоқ)ни айтур. Мундоғ қилмоқ керакким, закарини тубидин то хатна қилғон ерғача уч мартаба соғсун, яна уч мартаба ерни тепсун, уч мартаба йўталсун. Баъзилар тўрт юз қадам ва баъзилар уч юз қадам ва баъзилар ўн қадам ва баъзилар ўзини ёшича юрсун, дебдурлар. Баъзилар оёғини чирмаштириб, баланд ердин паст ерга тушсун, дебдурлар. Баҳар ҳол, эҳтиёт қилсун. Аммо саҳиҳ ривоят Бишрийда айтур: «Кўнгли гувоҳлик берса пок бўлди, деб». **Расули Худо айдилар: «Ўзингизни бавлдин асранглар, зероки гўр азобини аксари шул сабабдин бўлур».**

Аммо хотунлар истибро қилурда кўнгли гувоҳлик бергунча ўлтурсун. Оёғин бир-бирига сурсун. Ва яна «Тоторхоний»да айтур: «Хотунлар уч бармоғи бирла истинжо қилсун. Мабодо бирор бармоғи фаржига кириб лаззат топса, ғусл лозим». Эй азизлар, зинҳор истинжода эҳтиёт бўлинглар!

ИСТИНЖО СУВИНИНГ БАЁНИ

Шайх Ҳасан Басрий «Ниҳоя»да айтурлар: «Истинжои хокий (кесак билан истинжо қилгандан) сўнг сув бирла ювмоқ бизни замонада суннатдур, аммо Расули Худони замонларида ювмоқ одоб эрди. Фарқи будурки, меҳтари оламнинг саҳобалари хўрокни кам ер эрдилар, шул сабабдин қўйни қумалоғидек (қаттиқ) таҳорат ушатур эрдилар. Аммо бу замонда кўп емакдин шилталари оқиб турадур». Ҳасан Басрийни замонларида андоғ бўлса, бул замонани баён қилмоқ ҳожат эрмас. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Истинжо қилур одам икки пошнасиға ўлтурсун, бошини қуйи солмасун, хотунлар бошини қуйи солсун. Обдастани ўнг қўлға олиб, сувни оз-оз солиб ювсун. Чап қўли бирла махражин бўш ушласун. Агар махражига сув кирса, рўзаси бузилур. Аввал бинсири (сўфи бармоғи) бирла ювсун, андин сўнг кўпроқ сув қуюб хинсири (жимжилоғи)ни қўшуб ва яна кўпроқ сув қуюб вустони (ўрта бармоғини) қўшуб, бу уч бармоқни қорни била ювсун, кафтини қўшмасун, балки кафтини сақламоқ вожибдур». «Хулоса»да айтур: «Истинжода бармоғи андомиға кирса, таҳорати синар, рўзаси бузулур. Бу амални жоҳиллар қилурлар. Хотунлар истинжода бармоғи андомиға кирса, шундоғ бўлур».

Кўп китобларда ювмоқни ададин қилмабдурлар. Кўнгли покликка гувоҳлик бергунча ювсун. «Салоти Масъудий»да: «Етти марта ювсун», дебдур. Баъзилар уч мартаба ювсун, дебдурлар. Баъзилар юмшоғи қаттиқ бўлғунча ювсун, дебдурлар. Яна «Салоти Масъудий»да айтур: «Ўн беш мартаба ювсун», деб-

дурлар. Ҳар ювғонда бир дуо ўқусун. Дуо бу турур: Яъни дилида айтсунки: «Эй бори Худоё, Сени бир билибман, мени шул эътиқод бирла элт». Иккинчи: «Фикр қилсунки; «Худоё, Сени икки демакдин сақла». Учинчи: Айтсун: «Худоё, Сени уч демакдин асра». Тўртинчи: «Менга чаҳорёрларни ёр қил». Бешинчи: «Беш вақт намоз ўқимоқни менга осон қил». Олтинчи: «Ўлар вақтда олти тарафдин раҳмат қил». Еттинчи: «Етти дўзах эшигини юзимга банд қил». Саккизинчи: «Саккиз беҳиштни юзимга очғил». Тўққизинчи: «Азвожи мутаҳҳаротни менга шафоатчи қилғил». Ўнинчи: «Даҳ ёри беҳиштни (ўнта жаннатий саҳобани) отамга шофеъ қил». Ўн биринчи: «Яъқуб алайҳиссаломнинг ўн бир ўғилларини менга шафеъ қил». Ўн иккинчи: «Ўн икки ойда қилғон гуноҳларимни афв қил». Ўн учинчи: «Мени кофир ўлмакдин халос қил». Ўн тўртинчи: «Беиймон кетмакдин сақла». Ўн бешинчи: «Етти беҳиштта еткур, саккиз дўзахдин омон тут», десун. Ва яна изорни киюб, бу дуони ўқусун: **«Аллоҳуммажъални минат-таввобийна важъални минал-мутатоҳҳирийна важъални мин ибодика ас-солиҳийна важъални миналлазийна ла хавфун алайҳим ва ла ҳум яҳзанун»**, яъни: «Эй Аллоҳ! Мени тавба қилувчилардан ва покиза — таҳоратли кишилардан қилгин, мени шундай солиҳ бандаларингдан қилгинки, у бандаларингга ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар».

Ва яна зимистонда (қишда) ўзини бўшроқ ушласун. «Хулоса» ва «Салоти Масъудий»да айтур: «Таҳорати бор одам истинжо қилса яна таҳорат қилмоқ вожиб бўлур, башартики ул истинжони мувофиқи суннат қилғон бўлса. Агар бидъат бирла қилғон бўл-

са, лозим бўлмас. Бидъат будурки, махражини қисиб турса». Валлоҳу аълам биссавоб. «Шарҳи Аврод»да айтур: «Ювғондин сўнг латта бирла артсун, агар латта бўлмаса, чап қўли бирла пок қилсун». Ва яна «Аврод»да «Аворифи тарғиб»дин нақл қилур: «Латта бирла пок қилғондин сўнг қўлини ерга сурсун. Бу амални «истинқо» дерлар, токи ёмон бўйи (ҳиди) кетсун». Ва «Захийра»да айтур: «Сўл қўли шол бўлса, ўнг қўли бирла ювсун. Ва агар икки қўли шол бўлса, қўлини ерга сурсун, юзини деворга сурсун, намозни адо қилсун». Агар киши касал бўлса, таҳоратга қуввати етмаса, ани ўғли ё қизи, ё биродари бўлса, таҳорат қилдирсун, агарчандики авратини ювса ҳам. «Шарҳи «Аврод»да айтур, «Кифояи Шаъбий»дан нақл қилур: «Агар киши истинжо қилмоққа мажоли етмаса ё холи жой топмаса, (истинжони) тарк қилсун». Аммо «Хулоса»да айтур: «Тахтани устига истинжо қилса, махражи пок бўлгунча тахта ҳам пок бўлур». Агар истинжони суви этакка ё муза (махсига) тегса — иккинчи ё учинчиси тегса — ҳаром қилур, андин сўнгтилари оби мустаъмалдек бўлур. Музани ювмак нажосатни бобида келур. «Шарҳи «Аврод»да келур: «Тўрт кишига истинжо фарздур: аввал жунуб (кишига), иккинчи ҳайздин пок бўлса, учинчи нифосдин пок бўлғондин сўнг, тўртинчи нажосатики, тангадин зиёда бўлса. Тангадин кам бўлса, суннатдур. Бавл қилса закарини бошини ювмоқ мустаҳабдур. Агар таҳорати уйқуда, ўзга аъзодин қон чиқиб синса, ювмоқ бидъатдур. «Ширъат ул-ислом»да улуғ имомлар айтибдур: «Бидъат андоғ нимарсадурки, Муҳаммад алайҳиссалом, саҳоба ва тобеинлар асло қилмабдурлар, авлиёлар ани яқинига бормағондур. Исроф қилғувчи

Худодин узоқдур, Худо ани дўст тутмас». Абул Ҳасан «Танбеҳ уз-золлийн»да айтур: **«Бидъат қилғувчини Расули Худо «дўзахнинг ити» дебдурлар».**

Ваъз ва насиҳат

Эй дариғо, бу замонада бир неча одамлар ўзини бузрук ва шайх от қўюб, яхши ва ямонни фарқ қилмайдур. Суннатни далил қилмайдурлар, аларни далили буки, «Бизни ота-бобомиз мундоғ дебдур ва мундоғ қилибдур», деб боболариға нисбат берурлар. Мундоғ дегани боболарини ғийбат қилғонидур. Ўз жоҳилликларин билмай. «Пиримиз мундоғ дейдурлар», деб айтурлар. Агарчи пирлари бидъат қилса ҳам, яхшидур деб фаҳм қилурлар. Агар сен пирингни авлиёи замон билсанг ва андин баҳра олсанг, чандон кароматлар кўрсанг, ул пиринг тарки суннат қилса, андин безор бўлғилки, ани пир билма. Анга мулойимлиқ бирла: «Бу ишларингиз Китобда йўқ эрмиш», деб айғил. Агарчи пири комил бўлса ҳам одам ўғлидур. Ҳазрати Одам Атони бошларидин нималар ўтти. Мундоғ деганда ўзини кимлигига иқрор бўлса хоссул-хосдур. Бу Худонинг сўзидур. Агар оғир келса, ул пирликка ярамас, ул пир ҳавойи нафснинг гирифторидур. Ҳар кимнинг ҳужжати Китоб бўлса, ҳамма иши савоб бўлур, Китобга мувофиқ иш қилса, ани далил ва санад қилса бўлур. Бу ширин жонни унга фидо қилмоқ керак. Агарчандики каромат зоҳир қилмаса ҳам андоғ бўлса Худони меҳрибонлиғидур. Ва бизларни санадимиз оят, ҳадис ва масаладур, бу учдин ўзга санад йўқдур. Во дариғо! Бидъат ишни боболаримиздан қолғон, деб даъво қилурлар ва боболаримизнинг айбларини очурлар. Ваҳоланки, алар

баркамол эрдилар. Сизлар камоли нодонлиғдин шайтоннинг васвасасиға кириб, боболарингга гуноҳни қўярсизлар. Ва сизлардин аларни арвоҳлари озор топар. Бу феъли бадга тавба қилиб, шариатга амал қилинглар. Агар боболаринг мундоғ қилғон бўлсалар, сизлар зинҳор мундоғ қилманглар.

Нақлдурки, Пайғамбар алайҳиссалом жон аччиғини кўрдилар. Айдилар: «Худовандо, жон аччиғи мундоғ бўлса, умматларим нечук тоқат қиладур? Аларни жон аччиғин менга бергил, токи аларға жон бермак осон бўлсун». Андоғ меҳрибон пайғамбарни буйруғларин нечук тарк қилурсан!

ДУРУСТ ВА НОДУРУСТ СУВЛАРНИНГ БАЁНИ

«Ҳидоя»да айтур: «Осмон, қудуқ, булоқ ва дарёнинг сувиға таҳорат қилса бўлур». Ҳар қайсини ўз жойида баён қилурмиз. ИншаАллоҳ. Аммо дарахтдан ва мевадан сиқиб олғон сувға таҳорат қилиб бўлмас. Аммо узумни токини кесганда сув чиқса, анга таҳорат қилса бўлур. Ва яна гул ва зардак қайнатғон сувға таҳорат қилиб бўлмас. Ва яна буржоқни ибитғон сувға таҳорат қилса бўлур. Ва яна сел келиб сувнинг ранги тағйир топғон бўлса ва яна ишқор ва собун ва заъфарон қўшулса, таҳорат қилса бўлур, Имом Шофеъий наздида бўлмас. Заъфар бирла тағйир топса иттифоқий масалага амал қилса яхши бўлур. Агар сувга сут қўшулса, ранги сутдек оқ бўлса, таъми ҳам сутдек бўлса, таҳорат қилиб бўлмас. Аммо ранги ва мазаси тағйир топмаса, (таҳорат қилса) бўлур.

ОҚАР СУВНИНГ БАЁНИ

«Ҳидоя»да айтур: «Оби жорий (оқар сув)ға нажосат тушмаги билан нажас бўлмас. Аммо нажосат туфайли оби равондин нажосатни ранги ва ё таъми ё бўйи зоҳир бўлса нажосат бўлур». «Шарҳи «Виқоя»да айтур: «Сувни кўпи ё ярми нажосат устидан оқса, нажас қилур». Аммо ариқни тоза тарафидан оқса, зарар қилмас. Агар сув секин оқса, таҳорат қилғувчи ҳам секин таҳорат қилсунки, истеъмол бўлғон сув оқғондин сўнг ўзга аъзони ювсун.

Ва яна оқар сув деб андоқ сувни айтурким, самонни оқузғай ва ё оқғони маълум бўлса. «Хулоса»да айтур: «Бир одам сувни бошидан боғласа, сувни ости оқса, таҳорат қилса раво бўлур». Ва яна «Хулоса»да айтур: «Оқар сувни гирдоб ерида таҳорат қилиб бўлмас, зероки аъзодан жудо бўлғон сувни оқизиб чиқмас». Валлоҳу аълам.

ҲОВУЗНИНГ ҲУКМИ ВА АНИНГ МЕЪЁРИНИНГ БАЁНИ

«Хулоса»да айтур: «Имомлардин нақл қилур, ҳовуз катта бўлса, ул оби жорий ҳукмида бўлур, нажосат тушган бирла ҳаром бўлмас. Аммо нажосатни сабабидан ранги, таъми ё бўйи бузилса, нажас бўлур, таҳорат раво бўлмас. Агар ҳовузга одамни нажаси ё шунга ўхшаш нарса тушса, олти газ нарига бориб таҳорат қилсун, нажас тушган ери ҳаромдур. Аммо анга бавл тушса, Ироқ уламолари муни ҳам ани ҳукмидадур, дебдурлар. Ва лекин Балх уламолари ва Бухоро уламолари (бавл тушса) зарари йўқдур, дейди ва туш-

ган еридан таҳорат қилса бўлур, деб айтишади. Аммо оқар сув бўлса нажосат тушган еридан таҳорат қилса ҳам бўлади. Лекин «Мунийя»да баъзи Бухоро уламолари наздида катта ҳовуз оби равонни ҳукмида, дебдурлар, яъни нажосат тушган ердан таҳорат қилса бўлур. «Салоти Масъудий»да Имоми Аъзамдан Абу Ҳафс Кабир ривоят қилурлар: «Катта ҳовуз шулки, бир тарафида ўлтириб таҳорат қилса, яна бир тарафи қўзғалмаса ва ё сувни сочқонда яна бир тарафига асар қилмаса, ани катта ҳовуз дерлар». Бу масалани баъзилар машаққат кўрдилар ва баъзилар фаҳмламадилар, сўнг Ҳазрат Имом Муҳаммаддин савол қилдилар. Имом Муҳаммад фатво бердиларки: «Ҳовузнинг миқдори менинг масжидимча бўлса, катта ҳовуздур», деб. Анда ул масжидни ўлчадилар. Ичи саккиз газ ва сирти ўн икки газ келди. Уламолар «Хойрул умури авсатуҳо»га амал қилдилар. Яъни ҳар ишни миёнаси (ўртачаси) яхшидур, деб ўн газга иттифоқ қилдилар. Яъни ҳар тарафи ўн газдан қирқ газ бўлсун, дедилар. Юзи юз газ бўлур. Қирқ газ дегани чаҳор бурж (тўртбурчак) бўлса, аммо давра (юмалоқ) бўлса, ўттиз олти газ ҳам бўлса бўлур. Фатво бул ривояттадур. «Салоти Масъудий»да айтур: «Ани чуқурлиғи андоқ бўлсаки ғарф урганда (қўлини суққанда ёки идишни ботирганда) қўли ерга етмаса». Имом Жаъфар айтур: «Зарф (идиш)ни бемашаққат тўлдириб олса». «Шамсуддин»да айтур: «Сув бор ери тўрт очиқ бармоқча бўлса». Баъзиларни олдида бир қарич ва баъзиларни наздида бир газ. «Хулоса»да фатво мунгадурки, ғарф урганда ери кўрунмаса. Газларни уламолар хилоф қилибдурлар. Баъзиларнинг наздида бўзни гази(ни ўлчам) дерлар. Фатво шунгадур. Аммо

бўзнинг гази етти қабза бир ангуштни юқори қилсун. «Салоти Масъудий»да айтур: «Ўн газга ўн газ ҳовуз бўлса, зиёдаси бўлмаса, анга ғиштдин зина қилса ё устунга монанд нимарса сувни остиға қоим қилиб қўймоқ раво эмастур, на учунки ҳовузни гази кам бўлур, таҳорат зое бўлур». Агар ҳовуз ўн газга ўн газдан зиёда бўлса, ҳар нимарса қилса бўлур. Агар ул устун бул сувга тегмай турса зарар қилмас. Ҳар вақтеки ҳовуз бўлак-бўлак музласа, ул сув қўзғолса, таҳорат қилса бўлур. Агар қўзғолмаса таҳорат қилиб бўлмас. «Хулоса»да айтур: «Катта ҳовузни юзи юпқа муз бўлса, ул ҳам қўзғолса таҳорат раво бўлур. Ва агар ҳовуз ё кўл қалин музласа, сув олмоққа бир тешик қўйса, суви музидан паст бўлса, ул тешикдан ит ичса ё таҳорат қилса, ул ҳовуз покдур. Агар суви музга тегиб турса, таҳорат қилиб бўлмас». Бу шариат сўзидур. «Хулоса»да фатво шунгадур. Ул тешикдан ит ичса, баъзилар ҳовузни куллиси ҳаром дерлар, баъзилар ул тешикнинг ўзини ҳаром дерлар. Ўзга ердин тешиб сув ичса бўлур. Ҳаром дегани тақводур, сўнгтиси фатводур. Ва яна мазкур бўлғон тешикдин сув олмоқчи бўлса, чайқаб ва тўлғаб сув олсун. «Фатово»да айтур: «Бир катта кўл бўлса, ёз куни тезак ва ё одамни нажосати бўлса, алар қуруса ва зимистонда сув тўлса, андин ичмак ва музин олмоқ раво эрмас, агар анга сувнинг кириш ери нажосат бўлса. Аммо кириш ери нажосат бўлмаса ва чиққон жойи пок бўлса, ҳалол турур». «Қозихон»да ва «Салоти Масъудий»да айтур: «Ўн газга ўн газ ҳовузга ҳар қанча ҳаром аралашса, ҳаром бўлмас». Ва яна ҳовузда озроқ ҳаром бўлса, устига сув келса, қадимғидек бўлса, баъзи уламоларни наздида ул ҳаром сувдекдур. Уч ҳисса

чиқса, раво бўлур. Баъзиларни наздида бир ҳисса сув чиқса, раво бўлур. Баъзиларни наздида озроқ оқиб чиқса ҳам ҳалол бўлур. «Мунийя»да айтур: «Оқиб чиқмаса ҳам раво бўлур». Фатво оқиб чиққонғадур. «Хулоса»да айтур: «Ҳовузга бир ариқ муттасил бўлса, ҳовуз тўлғондин кейин ариққа сув чиқса, ул ариқ ҳовузга икки ярим газ миқдорида яқин бўлса, ариққа таҳорат қилмасун, андин кам бўлса қилсун». «Салоти Масъудий»да айтур: «Бир кичик ҳовуз бўлса, бир тарафидан кириб, яна бир тарафидан чиқса, ул ҳовуздан таҳорат қилса бўлур». Баъзилар раво эрмас, дебдурлар. Ул ҳовузни ҳар тарафи тўрт газдин бўлса, таҳорат қилса бўлур. Аммо ҳар тарафи беш газдин бўлса, бўлмас, магар сувни кириб чиққан еридин қилса, бўлур. Фатво тўрт газгадур. «Хулоса»да айтур: «Бир булоқдин сув чиқса, чиққон еридин таҳорат қилса бўлур». «Хулоса»да айтур: «Бир ариғда сув бўлса, аммо ани эни бўлмаса, аммо ариғни икки тарафин газлаганда (узунлиги) қирқ газ чиқса, Имом Журжоний айтур: «Таҳорат қилса бўлур, агарчандики нажосат тушса ҳам». Фатво шунгадур. Аммо имом Тарҳоний, яъни Абу Бакр айтурлар: «Андоғ ариққа таҳорат қилиб бўлмас, агарчандики то Самарқандғача бўлса ҳам». «Хулоса»да айтур: «Ҳовузни оғзи давралик (бўлса) ҳовуз тўла вақтида таҳорат қилса бўлур ва кам бўлса бўлмас, лекин ҳовузни тубида давра бўлса, кам бўлса, нажосат тушса тубига борғонда баъзилар ҳалол дерлар, баъзилар ҳаром дерлар».

Ҳар ким Худодан қўрқса, тақво қилса, иттифоқий масалага амал қилсун, агарчандики илмларни тамом билса ҳам. Қўрқарманки, илмига мағрур бўлиб, Шайтонға ҳамроҳ бўлмағай. Ҳар вақтда эҳтиёт зарур.

ҚУДУҚНИНГ БАЁНИ

«Ҳидоя»да ва неча шарҳларда айтур: «Қудуққа туянинг ва қўйнинг бир-икки қумалоғи тушса, ҳалолдур. Ривояти истеҳсонда афв дебдур, зероки мундоғга ҳаром бўлур бўлса, машаққат бўлур. Ва яна саҳролардаги қудуқларни оғзи очиқ бўлур, ҳайвонлар атрофида юрар, анга қумалоғи тушар, шул сабабдин қалил (озгинаси) маъфу (афв этилган)дур. Аммо қиёсда ҳаромдур, зероки бир тарафидаги сувга нажас тушса, ҳаромдур. Аммо қудуққа кўп нажас тушса, ҳаром бўлур». «Ҳидоя»да кўп деб ани айтур: «Қараганда кўп кўрунса, баъзиларни наздида учдан (қудуқ юзининг учдан биридан) кўпни айтур, баъзиларни наздида (қудуқ) юзининг ҳаммасини олса, баъзиларнинг наздида (қудуқ юзининг) тўртдан бирини олса ва баъзилар ярмидан кўпини олса, кўп дерлар ва ё ҳар тортғонда бир-икки чиқса «Ғунийя»да «Мабсут»дин муни ривоят қилибдур. Саҳиҳ ривоят шулдур: хоҳ ҳўл, хоҳ қуруқ бўлсун, фарқи йўқдур. «Ниҳоя»да айтур: «Агар сигирни тезаги тушса, ҳаром қилур — хоҳ шаҳарда ва хоҳ саҳрода бўлсун». «Ниҳоя»да ва ўзга китобларда айтур: «Кабутар, чумчуқ ва буларга ўхшаш жониворларни тезаги тушса, ҳаром қилмас». Аммо Имом Шофеъий наздида ҳаром бўлур. Агар қўй бавл қилса, Имоми Аъзамни наздида ҳаром бўлур, Имом Муҳаммад қавлида зарар қилмас, зероки гўшти ҳалол жониворларни сийдиги ҳаром қилмас. Эмди огоҳ бўл, маъкулул-лаҳм (гўшти ейиладиган)нинг сийдиги Имом Аъзамни наздида нажосати ғализадур, Абу Юсуф (нажосати) хафифа дерлар; Имом Муҳаммад ҳалол дерлар. Фатво қай-

сидур? Жавоб улки, сувға тушса Имом Аъзамни қавлиға, яъни ҳаром қилур, либосга тегса Имом Абу Юсуфни қавлариға, яъни либосни тўртдан бири булғонса, монеъи салот бўлмас. Агар хирмонға тегса, фатво Имом Муҳаммадни қавлариға бўлур. «Мунийя»да ва яна «Шарҳи «Аврод»да гўштини ейдургон молнинг сийдигини нажосати хафифа дерлар. Фатво шунгадур. Аммо Имом Муҳаммадни ҳалол деганини далиллари будурки, бир пора ураналик халойиқ Расули Худога иймон келтурмоққа келдилар. Ҳазратни кўриб мусулмон бўлдилар. Бир неча муддатдин сўнг алар бемор бўлдилар. Ҳазрат амр қилдилар: «Байт ул-молдаги уштур (туя)ларнинг сутини ва сийдигини ичинглар», деб. Алар андоғ қилдилар эрса, сиҳҳат топдилар. Имом Муҳаммад муни далил қилурлар. Имоми Аъзам ва Имом Абу Юсуфнинг далиллари Қатодадин нақл қилур: «Онҳазрат сутни амр қилибдурлар, сийдикни эмас, агар бўлмаса, Расули Худога маълум бўлуб эрди, алар мунофиқ эрдилар. Алар диндин қайтиб эрди — ҳаромга ҳаромни амр қилдилар. Алар тевачиларни ўлдуруб, теваларни олиб қочқондурлар. Аларни орқаларидан бориб, қулоқ-бурунларин кесдилар. Расули Худога бу воқеа ваҳий бирла маълум бўлуб эрди».

Ва яна ҳадис бордурки: **«Бавлдин парҳез қилинглар»,** деб. «Салоти Масъудий»да айтур: «Бизларни имомларни яна бир далили бордурким, Онҳазратни замонларида Саъд деган саҳоба ўлди. Онҳазрат оёқларини учини босиб ани жанозасиға бордилар. Саҳобалар айдилар: «Ё Расулуллоҳ, на учун бундай юрурсиз?» **Онҳазрат айдилар: «Саъдни жанозасиға шундоғ фаришталар келмишдурки, оёқ қўйғони холи**

ер йўқдур», деб. Бу ҳолда туфроқ қўзғолиб, Ҳазратни юзлари мутағаййир бўлди. Айдилар: «Худони ёд қилинглар!» Алар айдилар: «Юзингиз нечун мутағаййир бўлди?» Алар айдилар: «Саъд тевалар бавлидан парҳез қилмас эрди, бул сабабдин ер қисиб, (ўнг) аъзосини сўлға келтурди».

Эй биродарлар! Мушоҳада қилинглар, андоғ Саъднинг жанозасида икки олам офтоби жаноза ўқусалар, бир гуноҳ учун ул бундоғ бўлса, вой, юз вой бизларнинг ҳолимизга!

Ва яна мақсадга келдик. Маълум бўлдики, гўштини ейдургон ҳайвоннинг сийдиги Имом Аъзамнинг наздида ҳаромдур. Аммо Имом Абу Юсуф қавлида дору учун ичса бўлур. Аммо ҳайвонеки, еб бўлмас, аларни бавли билиттифоқ ҳаромдур. Қудуққа тушса, ҳаром қилур. Ва агар қон ё ароқ қудуққа томса, сувнинг ҳаммасини тортмоқ керак. Агар сичқон тушуб ўлса, ўртача челак билан йигирма челак тортиб олиб ташлаш вожиб бўлур. Анинг устига яна ўн челак олиб ташласа мустаҳабдур. «Ниҳоя»да Ибн Аббосдан нақл қилур: «Сичқонга қирқ (челак)ни тортгай». Баъзилар йигирма, баъзилар ўттиз челак дебдур. Фатво аввалғи ривоятғадур. Агар мурғ ё кабутар ё мушук тушиб ўлса, қирқ челак олиб ташлаш вожибдур, йигирмани қўшиб олтмиш қилмоқ мустаҳабдур. Фатво мунгадур. «Жомеъ ус-сағирхон»да айтур: «Эллик челак тортсун», деб. Ва агар одам ё ит тушуб ўлса, сувнинг ҳаммасини тортсун, хоҳ шишган бўлсун ва хоҳ пора бўлсун. Агар тортғон бирла адо бўлмаса, ул қудуқни турғон еридин ўлчаб, ташқаридин бир жойни ул миқдор қазиб, ани тўлдурсун. Ва ё бир ёғочни сувға солиб, сув борғон ерини ни-

шона қилғай ва яна ўн челак тортғай. Анда ул қудуқ қанча кам бўлса, анга ҳисоб қилғай ва ул нишона ери адо бўлгунча тортғай. Бу икки ривоят Абу Юсуф қавлидур. Аммо Имом Аъзам қавлида икки соҳиб басорат одам айтганича тортсун. «Ҳидоя»да айтур: «Бу ривоятнинг ҳам шубҳаси бордур. Имом Муҳаммад айтур: «Юз челакдин уч юзгача тортсун». «Абулмакорим»да неча китоблардин нақл қилурки, фатво Имом Муҳаммадни қавлиғадур. Имом Аъзам ривоятлариға бу тўғридур. Масалан, бир қудуқ ҳаром бўлса, тоза бўлмай суви қуриса, баъзилар ҳалол дебдурлар ва баъзилар ҳаром дерлар. «Салоти Масъудий»да «Хулоса»дин нақл қилурларки, агар бир қудуқда икки сичқон ўлса, бир сичқон ҳукмида бўлур. Агар тўққиз сичқон ўлса, ҳамма сувни тортғай. Иттифоқ мунгадур. Беш сичқон бир мушук ҳукмида бўлур. У ит ҳукмидадур. Агар икки мушук ўлса, ҳамма сувини тортғай. «Ҳидоя»да айтур: «Қудуқдан бир ҳаром нимарса чиқса, шишмаса, чириб пора бўлмаса, (ўша сув билан таҳорат қилиб намоз ўқиган бўлса) бир кеча кундузги (беш вақт) намозини қазо қилсун. Агар шишган ва пора бўлган бўлса, уч кечакундузги намозини ва рўзасини қазо қилсун». Бу эҳтиётдур. Аммо соҳибайн чиққан вақтидан ҳисоб қилурлар. Илгариги намоз ва рўзани қазо қилмагай. Фатво шунгадур. Агар болалар ўйнағон ошиқ сувға тушса, зарар қилмас. Агар ҳаром бўлса, ҳаммасини тортғай. Ошиқни ўзи чиқмаса ҳам ҳалол бўлур. Валекин чумчуқ ва сичқон тушганини кўрса, то аларни олмагунча ҳалол бўлмас, зероки нажосати ичидадур. Агар олмоқни иложи бўлмаса, олти ой ул қудуқнинг сувидан ичмасун. Андин сўнг ҳамма сувини тортса,

пок бўлур. Олти ойда ул нимарса пок бўлур. «Жавоҳир ул-фатово» ва «Хулоса»да айтур: «Ҳаром устухон қудуққа тушса, ҳамма сувни тортсун, агарчандики ул устухон қудуқ ичинда қолса ҳам». Зероки ани нобуд бўлмоғи Абдулали айтурлар: «Ҳамма сувни тортғони (шуки), қудуқда лойидин ўзга нимарса қолмаса». Нажм ул-аимма, Шайх Бухорий айтур: «Адо бўлғони улдурки, челак тўлмай, оз-оздан сув чиқса». Ва яна «Хулоса»да айтур: «Ҳаром сомондин бир-икки пари тушса зарар қилмас». «Салоти Масъудий»да Ҳасан ибн Зиёд ва Зоҳид Фахрий айтур: «Ўн қовға (челак) тортса ҳалол бўлур». «Хулоса»да айтур: «Машкук (шубҳали) сув қудуққа тушса, ҳаммасини тортсун». Ва яна «Ҳидоя»да айтур: «Ўртача челак билан тортсун. Ўрта челак улдурки, ҳар қудуқнинг челагидур». Бир пора уламолар айтур: «Ўрта челак бир соъ. Шариат тўрт ботмони бир соъдур». Агар бир челакка ўрта челакдин йигирма челак сув элтса (сиғса), қудуққа йигирма челак вожиб бўлғон бўлса, бир тортғонда ҳалол бўлур. Фатво шунгадур. Ҳасан ибн Зиёд айтурки: «То йигирмани тортмаса раво эрмас, зероки ададди оят бирла собит бўлубдур». Бу эҳтиётдур.

Агар қудуққа ит ёки тўнғиз кириб чиқса, агарчи оғзи тегмаса ҳам, ҳаром бўлур, зеро аларнинг териси нажосатдур. Агар итнинг териси тангадин зиёда ери либосға тегса, ҳаром қилур. «Қозихон»да «Муҳит»дин нақл қилур: «Агар итнинг оғзи тегса, қудуқни жамиъ сувини тортсун». Ва яна бир ривоятда Имоми Аъзамдин: «Оғзи тегмаса, ўзга аъзоси зиён қилмас», дебдурлар. Хўброғи аввалғи ривоятдур. Булардин қолғон масалалар «Фасли дибоғат» (Терини ошлаш фасли)да келур. Ва яна «Ниҳоя»да айтур:

«Ит билан тўнғуздин ўзга нимарсанинг қудуққа оғзи тегса ҳаром қилмас, лекин пасхурдаси (сарқити) ҳаром ҳайвонлар ҳаром қилур. Агар пасхурдаси ҳалол бўлса, зарари йўқ». Фатво шунгадур. Аммо «Қозихон»да «Муҳит»дин нақл қилур: «Чаҳорпой дарранда (тўрт оёқли ваҳший ҳайвон) қудуққа тушса, оғзи тегмаса ҳам мурдор қилур». Бу эҳтиётдур. «Ниҳоя»да айтур: «Қудуқни ҳалол қилмоқ учун сув тортқонда ичига томғони зарар қилмас, зероки ман қилмоқнинг иложи йўқдур». «Салоти Масъудий»да айтур: «Бир қудуққа йигирма челак лозим бўлса, ани ёнида бир пок қудуқ бўлса, ҳаром қудуқдин бир челак сув олиб ташласа, иккинчи тортқони пок қудуққа тўкилса, сўнгғидин тўққуз челакни тортмоқ керак. Агар аввалғи қудуқдин тўққуз челак тортиб ташласа, ўнинчи челак тоза қудуққа тушса, у қудуққа ҳам ўн челак олиб ташлаш лозим бўлур. Агар аввалғи қудуқдин ўн тўққиз челак олса, йигирманчи челакдин пок қудуққа тушса, бир челак олиб ташлаш лозим». «Қозихон»да саҳиҳ ривоят будур: «Агар аввалғи челак пок қудуққа тушса, йигирма челак лозим бўлур». Валлоҳу аълам. «Ҳидоя»да айтур: «Жунуб одам қудуққа тушса, Имом Абу Юсуф қавлида сувға зарар қилмас, жунублиғи бирла турар. Имом Муҳаммад наздида сувға зарар қилмас, жанобатдин пок бўлур. Имом Аъзамнинг наздида жанобатдин пок бўлмас ва сувни ҳам нажас қилур. Асаҳ ривоят будур».

«Хулоса»да айтур: «Ҳайз кўрган хотин ғусл қилмай қудуққа тушса, ҳаром қилур. Аммо тоҳир киши қудуққа тушса, аъзосини ювиб чиқмаса, зарар қилмас». Жамиъ уламоларнинг наздида агар жунуб кирса, баданида нажас бўлса, зарар қилур. Ҳамма сувни

тортсун. Агар кесак бирла ўзини пок қилғон бўлса, қирқ челак тортсун». Яна «Салоти Масъудий»да айтур: «Бир пок қудуқ ёнида бир ҳаром қудуқ бўлса, ўртаси беш газ бўлса, ер қаттиғ бўлса, зарар қилмас. Агар бўш ер бўлса, зарар қилур. Агар саккиз газ бўлса, зарар қилмас. Агар қаттиғ ер бўлса, олти газ зарар қилмас». Ва агар мустаъмал сув тушса, ул сув бирла бир нарсани ювган бўлса, юз челак тортсун». Агар таҳоратдин оқиб тушса, қирқ челак лозим бўлур. Агар бир зарф (идиш)га таҳорат қилса, андин сачраб қудуқға тушса, йигирма челакдин зиёдароқ олиб ташлаш лозим бўлур, (бу) Имом Муҳаммад олдида. Имом Аъзам ва Имом Абу Юсуф наздида ҳаммасини тортсун». Бу эҳтиётдур.

МУСТАЪМАЛ[2] СУВНИНГ БАЁНИ

«Салоти Масъудий»да айтур: «Агар тоза кетмон ё бел ва мунга ўхшаш нимарсалар бўлса, андин оқғон сув ва яна меваларни ювғон сув ва яна пок жоманинг чирки (кири)га тегиб тушган сув саҳиҳ ривоятда мустаъмал бўлмас — жамиъ уламолар наздида. Аммо истинжо қилғон ва ё (унда) ҳаром нимарсани (ювганда) андин тушган сувни имомлар билиттифоқ нажосат дебдурлар. Аммо тўрт аъзони ювғонда оқғон сувни Ҳасан ибн Зиёд Имом Аъзамдин нақл қилур, нажосат деб. Ва Абу Юсуф ҳам нақл қилурлар, ха-

[2] Мустаъмал сув — истеъмол қилинган, ишлатилган сув. Шариатда таҳорат ёки ғусл учун ишлатилган сувни айтурлар. Аъзоларида нажосат бўлмаган ҳолда, таҳорат ёки ғусл қилинган сув мустаъмал сув дейилади. (Нашрга тайёрловчилар.)

фифа деб. Имом Муҳаммад наздида ўзи тоҳир (пок)-дур ва ғайри мутаҳҳир (покловчи эмас). Ва яна устодлардин фатво Имом Муҳаммад қавлигадур».

«Абулмакорим» ва «Хулоса»да нақл қилурлар Имом Аъзамни асаҳ ривоятлари Имом Муҳаммад биландур. «Кофий»да Имом Муҳаммаднинг қавлларига фатво берибдурлар. «Ниҳоя»да айтур: «Аъзони ўзида турғон сув мустаъмал бўлмас». Баъзилар айдилар: «Жудо бўлуб бир жойға қарор олса, анда мустаъмал бўлур». «Ҳидоя»да ва «Хулоса»да ва яна неча нусхаларда айтур: «Бир аъзонинг сувини ўзига еткурса бўлур. Аммо бир аъзонинг сувини яна бир аъзога еткурса, бўлмас. Ва лекин ғуслда тамоми баданни бир аъзо дерлар». «Ҳидоя»да айтур: «Сувда таваллуд топғон ҳайвон яна сувда ўлса, зарар қилмас». Фатво шунгадур. Аммо Имом Шофеъий қавлида балиғдин ўзга нарса ўлса, зарар қилур. Бу эҳтиётдур. Баъзи ривоятда сув бақаси ва чўл бақаси баробардур. Баъзилар айтур: «Чўл бақаси оз сувда ўлса, ҳаром қилур». Асаҳҳи ҳаром қилмас. «Мунийя»да айтур: «Чўл илони оз сувда ўлса, ҳаром қилур. Ва яна калтакесакнинг каттаси ҳам шу ҳукмидадур». «Қозихон»да айтур: «Катта бақа ҳам оз сувда ўлса, ҳаром қилур».

«Хулоса»да айтур: «Ўрдак ва унга ўхшаш қушлар оз сувда ўлса, ҳаром қилур. Имоми Аъзамдин саҳиҳ ривоят шулдур». Оқар қони йўқ нимарса мисли занбур (ари), пашша, каждум (чаён) ва мунга монанд нимарсалар оз сувда ўлса, зарар қилмас. Фатво шунгадур. Имом Шофеъий хилоф қилибдурлар, буларнинг ҳаммаси нажосат бўлгани учун ҳаром дебдурлар. Каромат ва шарофат учун ҳаром

эмас, дебдурлар «Ниҳоя» ва ўзга китобларда. Бизни важҳимиз буки, Салмон Форсий Расули Худодин нақл қилурлар: «Расули Худодин савол қилдики: «Қони йўқ нимарса таомга ёки сувга тушуб ўлса нечук бўлур?» **Расули Худо айдилар: «Ул таомни емак ва ул сувни ичмак раводур»**. Агар сўрсалар: «Буларни ўзи ҳаромку?» – деб, «Фатовий»да айтур: «Масалан, туфроқни ўзи ҳаромдур, аммо ошқа тушса ҳаром қилмас, ҳалолдур». «Салоти Масъудий»да айтур: **«Расул алайҳиссалом айдилар: «Вақтеки таомга чибин тушса, ани бир ботириб, сўнг олиб ташласун, зероки анинг бир қанотида дард ва бир қанотида шифо бордур»**. Бизни имомларни далили будур: «Агар ул чибин ботурғонда ўлса ҳам ҳалолдур. Агар ҳаром бўлса, Ҳазрат мундоғ амр қилмас эрдилар». «Кифояи Шаъбий»да айтур: «Чибин аввал дардлик қанотин суқар, агар ботурса дору қаноти дардни даф қилур». Уламолар ул дардни ва доруни андоғ мутолаа қилибдурларки, нафснинг такаббурлиги улуғ дарддур, агар ботириб ташласа, нафсга ғазаб қилғондек бўлур. Давоси шулдур. Бу ерда муддао ҳам будур.

Эшони Сўфининг ваъз ва насиҳати

Эй биродарлар, бир неча панду насиҳат қилдим, ўзим омил бўлмасам ҳам айтайин. Такаббурликдин нифоқ пайдо бўлур. Эшитмадингму, Шайтон алайҳил-лаъна: «Худоё! Мени ўтдин яратдинг ва Одамни туфроқдин халқ қилдинг. Мен анга нечук сажда қилурмен?» – деди. Эрса, Худойи таоло ани дўзахга солди. Худога ширк келтургон улуғ гуноҳдур. Зинҳор такаббурликдин йироқ бўлингларки, ул феъли Шайтондур.

ҲАЙВОНОТ САРҚИТИНИНГ БАЁНИ

Китоби «Хулоса»да ва ўзга китобларда ҳам айтур: «Одамни сарқити (ичганидан ортган суви ёки еганидан ортган овқати) агарчандики жунуб ва ё ҳайз ва нифосли бўлса ҳам ҳалолдур. Кофирни сарқити ҳам зиён қилмас. Аммо (унинг сарқитини) ичмаган авлодур». «Ниҳоя»да ва «Салоти Масъудий»да айтур: «Жунуб одам оғзига сув олиб бир либосга сочса, оғзи-бурнини ювган бўлса ҳалолдур, бўлмаса ул сув мустаъмалдур. Оғзига сувни олиб, оғзини ювиш нияти бўлса, ул сувни либосга сочса, «Қозихон»да мустаъмал дебдур, Саййид Шужоъ: «Мустаъмал эмастур», дебдур. Арақ ичганни сарқити бир соатдан сўнг ҳалол бўлур. Агар анинг мўйлаби узун бўлса, бир соатда (ҳам) ҳалол бўлмас. «Зоҳидий»да айтур: «Арақ ичгувчининг сарқити ҳамма вақт макруҳдур». Ва яна ажнабий хотиннинг сури (сарқити) эркакка ва ё билъакс макруҳдур. Бу масалани фақиҳлардин сўрдум, жавоб бердиларки: «Эркак ва хотун бегона бўлса макруҳдур. Аммо ўз хотунининг сарқити эрга ва қариндошларига ҳалолдур». «Ниҳоя»да ва «Салоти Масъудий»да Ҳазрати Биби Оиша розияллоҳу анҳодин нақл қилурларки, алар айдилар: «Мен ҳайзлик ҳолатимда сув ичтим. Сарқитимни Онҳазратта бердим. Онҳазрат мен ичган еримдин ичтилар». Агар маҳрамларга макруҳ бўлса, Оиша мундоғ буюрмас эрдилар. Ва яна «Хулоса»да айтур: «Ухлаган одамнинг оғзидан сув оқса тоҳирдур». Асаҳ ривоятда Имом Абу Юсуфни қавлида кўп оқса, макруҳдур. Бу эҳтиётдур. Отни сарқити соҳибайни олдиларида ҳалолдур. Фатво шунгадур. «Шамсуддин»да айтур: «Имо-

ми Аъзамдин тўрт ривоят бордур. Бир ривоятда ҳалолдур ва бирида агар киши бўлак обни топса, анга таҳорат қилса, дуруст тутармен, дебдурлар. Бирида макруҳдур ва бирида машкукдур. Аввалғи асаҳдур. Ҳар ҳайвонеки, гўштини ейдургон бўлса, сарқити ҳалолдур, магар мурғи хонаки (товуқ)нинг сарқити ҳаромдур. Аммо мурғи хонаки (уй товуғи)ни ерни ковлаб, икки оёғини анга боғласа, анинг оғзи тегмаса, анинг сарқити ҳалолдур[3]. Агар ҳайвон нажасни еса ва ё қон қусса ва ё дору учун ҳаром нимарсани солса, анинг баданидин макруҳ зойил бўлғунича боғласун. «Хизона»да ва «Китоби кароҳият»да айтур: «Тевани бир ой, от ва сигирни йигирма кун, қўйни ўн кун ва товуқни уч кун боғласун». Теванинг сарқити ҳалолдур, агар оғзида нишхўрди бўлмаса. Агар оғзида нишхўрди бўлса, ҳаромдур. «Салоти Масъудий»да ва «Хизона»да нишхўрдини тезакдек, дебдурлар. Ва яна дебдурлар: «Гўштини ейдургон жондорни сарқити шундоғдур». «Ҳидоя»да ва ўзга китобларда ҳам машҳурдур: «Эшакни ва хачирнинг сарқити машкукдур». Аммо оғзини суви Имоми Аъзам наздида ҳаромдур, Имом Муҳаммад наздида покдур. Бу важҳдин сарқити машкукдур. Парранда ва дарандаларнинг сарқитини «Хулоса»да макруҳ дебдур. Бу эҳтиётдур. Яна бир ривоятда ҳаромдур. Истеҳсонда макруҳдур ва қиёсда ҳаромдур. Агар ўзга сув топмаса, таҳорат қилсун. Ани устидин таяммум қилсун. Таяммумни муқаддам ё охир қилса ҳам бўлур.

[3] Аслиятда келтирилишича, товуқ махсус жойга қамалади, унга ташқаридан дон-сув берилади. Товуқ дон еяётганда оёқлари ичкарида, тумшуғи ташқарида бўлади. (Нашрга тайёрловчилар.)

Аммо аввал таҳорат қилғони афзалдур. Ва «Ҳидоя»-да ва «Фатовий»да айтур: «Имом Зуфарнинг наздида аввал таҳорат қилмоқ вожибдур». Ва «Хулоса»да машкук сувға таҳорат қилмоқ жоиз эмас. Агар хурмони суви ва макруҳ сув мавжуд бўлса, макруҳ сувға таҳорат қилсун. Ва яна хурмони суви бирла машкук сув бўлса, Имоми Аъзамнинг наздида хурмонинг сувиға таҳорат қилсун. Имом Абу Юсуфнинг наздида машкук сувға таҳорат қилсун. Имом Муҳаммаднинг наздида иккисиға ҳам қилсун, ани устига таяммум ҳам қилсун. Бу эҳтиётдур. «Шамсуддин»да айтур: «Имом Муҳаммаднинг олдида гурба (мушук)нинг сарқити макруҳи танзиҳийдур. Имом Абу Юсуф олдида макруҳ эмастур. Имом бу важҳдин макруҳ дедилар. Агар гўдак қўлин сувға солса, макруҳдур. Ўзга сув топилса, ани ичмасун. Ва агар гурба (мушук) сичқон еган замон бир нимарсага тегса, нажас қилур. Бир соатдин кейин тегса, нажас бўлмас. Аммо шаҳардаги гурбанинг ҳаққига шундайдир. Аммо саҳродаги сусмор ва молин ва тулки ва қарсоқларнинг сарқити ҳаромдур, зероки булар дарранда (ваҳший)дурлар, Имом Муҳаммад ва Имоми Аъзам қавлида ҳаромдур. Имом Шофеъий қавлида ит бирла тўнғиздин ўзга даррандалар сарқитининг зарари йўқдур. Ҳар ким арақ ичиб терласа, Имом Зоҳидий қавлида нажас дебдурлар. Яна ҳаромхўрнинг (терлагандаги) тери, эшак ва хачирнинг тери имом Зоҳидий қавлида ҳаромдур. «Қозихон»да айтур: «Эшак ва хачирнинг тери ҳалолдур». Бу зоҳир ривоятдурки, «Муҳит»дин Имом Ҳалвоий айтур: «Бу икковининг тери ҳалолдур. Либос ё баданга тегса, афвдур. Аммо таомға тушса, ҳаром қилур». «Темуртош»да айтур: «Агар қўй арақ ичса, ул

соат бўғузласа макруҳ эмас. Аммо бир соат ўтуб сўйса, макруҳ бўлур, зероки бир соатда таъсир қилур».

Панд

Марде бўлсаки, макруҳни ва ҳалолни фарқ қилса ва шубҳадин парҳез қилса. Одамлареки нажосат бирла парвариш топқон бўлса, макруҳни қачон фарқ қилур?!

Эшони Сўфининг шикасталиклари баёни

Эй ҳаромни талаб қилғувчи нафси бадкирдорни домиға тушган Оллоҳёр! Агарчи амру наҳйини баён қилурсен, ўзунгни ичингда тамом фитна ва фасоддур. Тоатинг риёдур ва ўзунгга офатдур. Зоҳирда Сўфийи хўбсен, ботинда Шайтон васвасаси бирла оворасен ва нафасинг халойиққа таъсир қилмас.

ҒУСЛНИНГ ФАРЗЛАРИ БАЁНИ

Ғуслда оғзига ва бурниға сув олмоқ фарздур. «Ниҳоя»да айтур: «Имом Шофеъий қавлида бу иккиси суннатдур. Таҳоратда ҳам, мунда ҳам суннатдур». Бизнинг имомларнинг наздида таҳоратда суннат, ғуслда фарздур». Ва яна жамиъи баданга сув еткурмоқ фарздур — жамиъи уламоларни наздида. «Хулоса»да айтур: «Сувни оғзига олғонда то ҳалқумиғача олиб борсун ва бурнини димоғигача олиб борсун». «Хизона»да ва «Мултақит»да айтур: «Тишини орасида таом бўлса, анга сув кирмаса, жанобатдин пок бўлмас ва ул таомни чиқариб, ўрнига сув еткургай». «Хулоса»да айтур: «Ғуслдин сўнг сувни суннат важҳи бирла ичса,

жанобатдин бидъат важҳи бирла ичса пок бўлур. Яъни агар оғзига сув олмоқ ёдидан чиқса, суннат важҳи шуки, кам-кам ичсун. Оғзини тўлдуруб ичса, бидъат важҳидур». «Салоти Масъудий»да айтур: «Оғзига ва бурнига сувни олганда андоқ эҳтиёт қилсунки, ҳалқи ва димоғига борсун, башартики рўзадор бўлмаса». «Мунийя»да айтур: «Агар рўзадор бўлса кўп юқори тортмасун, бармоғи бирла бурнини ичини тоза қилсун. «Салоти Масъудий»да ва «Умда»да «Ғарғара фарз эмастур, лекин ғуслда суннатдур, рўзадор бўлса тарк қилсун, мободо халқумига кетиб қолур», дебдур. Рўзадор қасддан ғарғара қилса ва сув ичса, рўза фосид бўлур, қазо лозим бўлур. Аммо офтоб ботғунча хўрок қилмасун ва каффорот лозим эмас. «Садр ушшариъа»да айтур: «Аъзоға сув қуймоқда бирор тора мўйига сув етмаса, пок бўлмас. Шул важҳдин баъзи уламолар баданға сув қуйғонда қўл билан силамоқни фарз дебдурлар». Агар тирноқнинг орасида хамир бўлса, сув етмаса, раво бўлмас. Агар хотунларнинг қулоғида зираги бўлса, ани қўзғотсун. Ва агар зираги бўлмаса, (қулоқ тешигига) бир нимарсани суқмасун. Қўлида узуги бўлса, ани ҳам қўзғотсун. Ва агар хатна қилинмағон бўлса, закарининг пўстиға сув еткурсун. «Нисоб ул-иҳтисоб»да айтур: «Хотунлар ва қиз болалар қулоғини тешмак зарар қилмас. Аммо эркак болалар қулоғини тешмак макруҳдур». «Шарҳи «Виқоя»да айтур: «Мўйи (сочи) ўрилган бўлса, тубига сув еткурсун, ани эшиб тарамоқ ҳожат эрмас. Аммо ўрилмаган бўлса, тарасун. Ва соқолини ҳам хилол қилсун. Эркакнинг сочи бўлса, хоҳласа тарасун, хоҳламаса йўқ. Хотуннинг сочи қалин бўлса, албатта, эшиб тарасун».

ҒУСЛНИНГ СУННАТЛАРИ БАЁНИ

«Жомеъ ул-басотин»да айтур: «Ғуслнинг суннати улдурки, аввали қўл ювмоқдур, иккинчи, авратин ювмоқ «Ҳидоя»дадур. Учинчи, аъзосиға нажосат тегса, ани ювмоқ. Сўнг вузу (таҳорат) қилмоқ. «Абулмакорим»да айтур: «Аввал ўнг кифтига уч мартаба, сўнг чап кифтига уч мартаба, сўнг бошиға уч мартаба сув қуйсун». Ва яна «Шарҳи «Аврод»да машойихлар сўзи улдурки, Ҳазрати Оиша меҳтари оламнинг ғусллари-дан хабар берурларки, Ҳазрати Расули Худо андоғ ғусл қилур эрдиларки, сувни аввал бошлариға қуяр эрдилар, сўнг жамиъи аъзоларига қуяр эрдилар. «Мишкот»да ҳам шундоғ дебдурлар. Агар ариғда ё бир тахтанинг устида ғусл қилса, ғуслдан илгари оёғини ювгай. «Ниҳоя»да айтур: «Ғуслдан илгари таҳорат вожибдур. Аммо суннат дегани авлодур». «Мунийя»да ва ўзга китобларда айтур: «Ғусл қилур вақтида қўли бирла аъзосини силасун, дунёдин такаллум қилмасун, қиблага қарамасун, Каломи Шарифни жаҳран ўқуғон ерда ғусл қилмасун. Ва яна яланғоч бўлмасун. Аммо уй танҳо бўлса, лозимини ечиб қилсун».

ҒУСЛНИ ВОЖИБ ҚИЛУР НИМАРСАЛАРНИ БАЁНИ

«Ҳидоя»да ва ўзга китобларда айтур: «Агар кишидан оби маний лаззат билан сачраб чиқса, агарчандики хотунга яқин бормаса ҳам ғусл вожиб бўлур». «Ниҳоя»да айтур: «Имом Шофеъий наздида лаззатсиз сачрамай чиқса ҳам ғусл вожиб бўлур». Агар баланддин пастта тушганда ё бир нимарса кў-

таруви сабабли оби маний чиқса, Имом Шофеъий наздида ғусл вожиб. Аммо Имоми Аъзам ва Имом Муҳаммаднинг қавлинда закаридан суст чиқса, вожиб бўлмас, лаззат бирла жудо бўлуб чиқса, ғусл вожиб бўлур. Имом Абу Юсуф қавлинда вожиб бўлмас. Имоми Аъзам ва Имом Муҳаммадни қавлига фатводур. Агар эрнинг закари хотиннинг андомиға (кириб) ҳашафа (закарнинг бош қисми) ғойиб бўлса, иккисиға ҳам ғусл вожиб бўлур, агарчи оби маний чиқмаса ҳам. Яъқуб Чархий тафсирларида айтурлар: «Ҳар киши бировнинг ортқи андомиға қараса, Худонинг ғазабига гирифтор бўлур. Ва яна анга авратин кўрсатмакка ўзи рози бўлса, Худонинг лаънатига сазовор бўлур, мундоғ ишни ҳеч малъун қилмас».

«Хулоса»да айтур: «Ҳар киши ўз хотунини ҳолати ҳайзда ҳалол билиб ватий қилса, кофир бўлғай». Ва яна хотун ҳайздин ва нифосдин пок бўлса, ғусл вожиб бўлур. Жамиъи китобларда мазий ва вадийға ғусл вожиб бўлмас. Вадий бавлдин кейин келур, бавлдин қуюқроқ бўлур. Мазий хотун бирла ўйнашқонда келур, ранги оқ ва суюқ бўлур. «Хулоса»да айтур: «Агар тушида эҳтилом бўлса, андин сўнг ҳеч нарса кўрмаса, жамиъи уламоларни наздида ғусл вожиб бўлмас, агар уйғонгач маний ё мазий кўрса, ғусл вожиб бўлур». «Қозихон»да айтур: «Агар эҳтилом бўлғони ёдидан чиқса ё мазий кўрса, ғусл вожиб бўлур». Фатво шунгадур. Агар сўрсаларки: «Мазийға на учун (ғусл) вожиб бўлур?» деб. Жавоб берурмизким, аввал чиққонда маний бўлса, баданини ҳаратидин мазий кўрунса ажаб эрмас. Агар эҳтилом бўлғонини билмаса ва мазий кўрса, ғусл вожиб бўлмас. Имом Абу Юсуф «Қозихон»да айтур: «Сияр (вақ-

ти)да маний чиқса, закари қоим бўлса, ғусл вожиб бўлур, қоим бўлмаса, зарари йўқдур». Агар эр-хотин бир ерда ётса, ўрталарида маний кўрсалар, қайсини ёдида эҳтилом бўлғони бўлса, ўшанга ғусл лозим. Агар иккисининг ҳам ёдида бўлмаса, Абу Бакр Фазлий айтурлар: «Иккиси ҳам аз рўйи эҳтиёт ғусл қилурлар». Баъзиларнинг наздида қуюқ ва оқ бўлса эркакникидур, суюқ ва сариғ бўлса хотунникидур. Баъзилар айтур: «Агар узун бўлса эрдин ва мудаввар (айлана) бўлса хотундиндур. Хўби шулки, қайси эҳтиёт бўлса, шуни қилсун. «Муния»да айтур: «Эркак ўз хотунини ушлаб ўйнаса, хотун ўз андомида ҳўл кўрса, ғусл вожиб бўлур».

Шайх Абул Ҳасан «Танбеҳ уз-золлин»да айтур: «Киши шаҳват бирла ҳайвоннинг андомиға назар қилса, лаънатга гирифтор бўлур. Вой бар ҳоли ани бирла жимоъ қилғонларга». Ҳайвонни жимоъ қилса, агар инзоли маний бўлмаса, ғусл вожиб бўлмас. Имом Шофеъийнинг наздида ҳошафа ғойиб бўлса, ғусл вожиб бўлур. «Абдулали»да ҳам шундоғдур. Агар киши ҳайвонни жимоъ қилса, анга саксон дарра урмоқ керак. Баъзилар ўтға куйдурсун, дебдурлар. Баъзилар деворнинг устига йиқитиб ўлдурмоқ керак, дебдур.

Агар киши ўз либосида маний кўрса, қачон текканини билмаса, қайси куни суҳбат қилибдур, шундан бериги намозларини қазо қилсун. Агар суҳбат қилғони маълум бўлмаса, охирги ухлаганидин кейинги намозларини қазо қилсун. Бу масала «Салоти Масъудий»дадур. Ва яна «Тарғиб ус-салот»да айтур: «Жунуб (киши)ни нажас деб бўлмас. Расули Худо Хадича онамизнинг олдиларига келдилар, қўлларини Хадича онамизнинг қўлларига қўйдилар. У зот айтди-

лар: «Ё Расулаллоҳ, қўлингизни қўйманг, мен жунубдурман». **Расули Худо айдиларким: «Мўмин жунуб бўлғон билан нажас бўлмас», деб.**

Ғусл вожиб бўлмоғининг баёни. «Ниҳоя»да айтур: «Ғусл ўн бир қисм бўлур, унинг бештаси фарздур:

1. *Оби маний келса.*
2. *Эҳтилом бўлса.*
3. *Ҳошафа ғойиб бўлса.*
4. *Хотун ҳайздин пок бўлса.*
5. *Хотун нифосдин пок бўлса.*

Тўрти суннатдур:

1. *Жума учун.*
2. *Икки ҳайитга.*
3. *Эҳром боғлаганда.*
4. *Арафотга борганда.*

Биттаси вожибдур: *Мурдани ювгандан сўнг ювган кишига (лекин саҳиҳ қавлга кўра мустаҳабдур.)*

Биттаси мустаҳабдур: *Кофир киши мусулмон бўлса».*

Ва агар кофирлик ҳолида жунуб бўлса, андин сўнг мусулмон бўлса, асаҳ қавлда буки, ғусл вожиб бўлур. «Ниҳоя» ва «Мунийя»да асаҳ ва саҳиҳ қавл буки, тўрт ғуслни суннат деб эрдик, мустаҳабдур. Лекин Имом Моликнинг қавлида жуманинг ғуслини вожиб дебдурлар. Бизни имомларни олдида жума учун ғусл суннатдур, ийдга ҳам шундоғдур. Ғуслни холи ерда қилмоқ керак. Авратини беҳожат очмоқ жоиз эмас, агарчандики жой холи бўлса ҳам.

Панд:

Эй Оллоҳёр, сўфилиққа мағрур бўлиб, амру наҳйини қўлдин берма.

Назм:

Амал қилмай сафо бўлмас кўнгулда,
Аёқсиз ҳеч киши юрмоди йўлда.

Бу номи қуруқ бирла тавҳид мевасини нечук узарсен? Банда учун амал қилмоқ керак бўлса, илм даркор. Зероки, манзил узоқ ва хатар бисёрдур. Бу йўллар сирот сифатликдур. Худони топқонлар амру наҳйидин ташқари қадам қўйса, йиқилур. Кишики дин йўлида дунёда рост турса, Қиёмат кўпригидан шодмон ўтадур.

Хожаи Олам алайҳиссалом айдилар: «Умматим етмиш уч фирқадурлар, ҳаммаси дўзахда, бири жаннатда. Ул фирқаки жаннатга кирар, менинг саҳобаларим буйруғин қилғонлардур». Яна бир фирқа бесаодатлар бидъат бирла машғулдур. Худовандо! Ул тоифадин паноҳингда асраб, бизни аҳли шариат қилғайсан.

МУНОЖОТ БАДАРГОҲИ ҚОЗИЯЛ-ҲОЖОТ

Эй мени адам зиндонидан вужуд бўстониға келтургон Подшоҳим! Сен мени мақсадимға еткургил, агарчи муносабатим бўлмаса ҳам. Зероки, пойланг (чўлоқ) ва паст, кўтаҳзабону лол, баданим маъсият бирла оғишта ва илмдин бехабар, амалдин беасарман. Бовужуди боргоҳингдин умид тутарменки, бу маъсиятларни дарёи раҳматинг бирла ювуб, гарду ғуборимни йўқ қилиб, сазовори раҳмат қилғайсен.

ИЛМИ ҲАЙЗ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Илми ҳайзни билмак ҳам фарздур. Яна хотунларға таълим берсунки, айб эмастур. Бу сўзда хилоф йўқдур. Бу илмда Худойи таолонинг кўп ҳикмати бордур. Бири буки, фарзанд кўрмак ва ани маълум қилмак. Бир неча ҳикматни китобларга битибдур, анга ақл етмас. Ул ҳайздин зарар йўқдур, балки фойдалар бўлур. Баъзи жоҳиллар айб кўрар, ҳаттоки ҳайз кўрмаган айбдур. Онҳазрат бир чўриларин ўзларига ҳаром қилдилар — ул ҳайз кўрмас эрди. Яна «Салоти Масъудий»да айтур: «Ҳайз кўрмак суннатдур. Уч кун ҳайз кўрса, бир йил бемор бўлганнинг савобини топар. Агар ҳомиладор хотун бир кун бемор бўлса, бир йилғи беморнинг савобини топар. Ва яна қирқ кун нифос кўрса, қирқ ғазотнинг савобини топар. Ва яна фарзанд эмса, бир қул озод қилғоннинг савобини топар ва ҳам ҳаж ва умранинг савобини топар». Ҳайз — каффорати гуноҳдур. Бола бўлса, Худонинг меҳрибонлиғидур. Холисан лиллоҳ бўлса ҳар вақт бўлар. Ношукурлик қилса зиён қилур.

Ҳикоят

Ҳайзни аввал сабаб бўлмоғи Одам отамиз Ҳавво онамизга буғдойни наҳйи қилди. Ҳавво онамиз буғдойни едилар. Андин ҳайз кўрдилар. Ҳавво онамиздан қизларга ҳайз кўрмоқ суннат бўлиб қолди. Абул Қосим раҳматуллоҳ айтурлар: «Вақтики менга бир муҳим пеш келса ё бир масалани фаҳм қилмасам, ихлос бирла ушбу дуони ўқир эрдим, дарҳол ул муҳим кифоят бўлур эрди: **«Аллоҳумма саҳҳил алайна бижудика ва яссир алайна бикарамика, ё акромал-акрамийн ва ё арҳамар-роҳимийн».**

ҲАЙЗ ВОҚЕАЛАРИНИНГ БАЁНИ

«Садр уш-шариъа»да айтур: «Ҳайз дегани қондурки, расида бўлғонда (балоғатга етганда) келур. Балоғатни аввали тўққиз яшар бўлса, ҳайз бўлур, тўққуздин камда кўрса, ул ҳайз бўлмас. Ва яна дард билан бўлмаса ва яна бачадондин келса. Аммо ҳомиладор хотун қон кўрса, ул ҳайз эмастур. Ва яна бола туғишдан қолган қари (хотин) эллик ё олтмишга етган бўлса, ул ҳам қон кўрса, ҳайз эмас. Фатво эллик бешгадур». Ҳайзнинг ози уч кундур. Агар андин кам бўлса, ул ҳайз бўлмас. Ва ҳайзнинг кўпи ўн кун. Андин зиёдаси ҳам ҳайз бўлмас. Аммо Имом Шофеъий қавлида ози бир кун, кўпи ўн беш кундур. Ва яна ақалли туҳр (хотиннинг ҳайздан пок бўлиб турадиган энг оз вақти) ўн беш кун ва аксари (хотиннинг ҳайздан пок бўлиб турадиган энг кўп муддати)нинг ниҳояси йўқ. Агар хотин ҳайздан пок бўлса, ўн беш кундан кейин яна кўрса, ҳайз бўлур. Аммо ўн беш кундан камда кўрса, ҳайз бўлмас.

ТУҲР (ҲАЙЗДАН ПОК КУНЛАР)НИНГ БАЁНИ

«Фахруддин»да айтур: «Агар хотин бир кун ҳайз кўрса, икки кун пок юрса, яна бир кун ҳайз кўрса, тўрт кун ҳайз кўрган бўлади. Агар бир кун ҳайз кўрса, уч кун пок юрса, сўнг яна бир кун қон кўрса, ҳайз бўлмас, зероки, тоҳир (пок) кунлари кўпдур. Ва яна бир кун ҳайз кўрса, уч кун пок юрса, сўнг яна икки кун кўрса, ҳайз бўлур, зероки баробардур. Агар уч кун кўрса, беш кун пок юрса, сўнг яна бир кун

кўрса, аввалги уч куни ҳайз, сўнгги кунлари истиҳозадур. Агар бир кун кўрса, беш кун пок юрса, яна уч кун кўрса, сўнгги уч куни ҳайз бўлур. Ва агар уч кун кўрса, олти кун пок юрса, яна уч кун кўрса, аввалги уч куни ҳайз бўлур». «Хулоса»да айтур: «Бола туққондан кейин бир кун қон кўрса, ўттиз саккиз кун пок юрса, сўнг яна бир кун қон кўрса, бу қирқ кун нифосдан ҳисобланур». Бу бобда осон масалалар баён қилинди.

ҲАЙЗ РАНГЛАРИНИНГ БАЁНИ

Ҳайз олти ранг бўлур: Сабз (яшил), сариғ, малларанг, қора, қизил ва оқ. Аммо оқдан ўзгаси муддат ичинда келса, ҳайз бўлур.

ҲАЙЗ ҲУКМИНИНГ БАЁНИ

Ҳайз намозни ва рўзани ман қилур. Фориғ бўлғонда рўзани қазо қилур, намозни қазоси лозим эмас. Далили буки, Ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳо айдилар: «Ул вақтеки менга ҳайз воқеъ бўлди, мен намоз ва рўзани тарк қилдим. Ҳайздин фориғ бўлуб, рўзани қазо қилдим, намозни қазо қилмадим. Бу амалим Расули Худога хуш келди». «Шарҳи «Виқоя»да айтур: «Бир хотин бир намозни ўқимай туриб, шу намознинг охир вақтида ҳайздан пок бўлса, бу намоз ундан соқит бўлур. Аммо намознинг охир вақтида пок бўлиб, ғусл қилгунча намоз вақти чиқса, қазосини ўқийди. Агар рўзадор хотун офтоб ботар ҳолда ҳайз кўрса, ул рўзаси фарз бўлса, сўнгра қазосини тутсун. Аммо нафл бўлса, тутмаса ҳам зарар қилмас.

Агар намоз ичида ҳайз кўрса, ул намоз хоҳ фарз ва хоҳ нафл бўлса, қазосини ўқусун. Агар рўзада (рамазонда) офтоб ботмай пок бўлса, то офтоб ботгунча ҳеч нимарса емасун. Ва яна ҳайз келган хотин масжидга кирмасун. Ул жунубдек бўлур. Шавҳари (эри) андин наф этмасун (ватий қилмасун). Аммо мисос (силаш) ва бўса ҳалолдур. Қуръон тиловат қилмагай, агарчандики бир оятдин кам бўлса ҳам. Нифос ҳам шу ҳукмдадур. «Таҳовий»да бир оятдин кам бўлса зарари йўқ, дебдур. «Шарҳи «Виқоя»да айтур: «Алҳамдулиллоҳ», деса раво бўлур ва Қуръонни ҳижжа билан ўқуса бўлур». «Муҳит»да айтур: «Дуойи қунут ва ё ўзга дуоларни ўқуса зарар қилмас. Таврот, Инжил ва Забурни ҳам ўқуб бўлмас, зероки алар ҳам Каломуллоҳдур. «Муҳаммад», демак макруҳдур». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Таҳоратсиз киши ҳам Қуръонни ушламасун». «Фатовойи Қозихон»да айтур: «Агар уйда бир Қуръон бўлса, ани ёд ўқуса бўлур ва жилди бирла ушласа бўлур». «Қозихон»да айтур: «Бир уйда Қуръон бўлса, ўша уйда хотуни бирла жимоъ қилса бўлур, зероки мўминнинг уйида бир Қуръон бўлур». «Шарҳи «Аврод»да ва «Салоти Масъудий»да айтур: «Қуръон бор уйда ухламоқ раво эрмас».

Ҳикоят. Бир подшоҳ шикор қилиб, шикоридан адашиб, бир қишлоққа кирди. Анда бир уйга тушди. Ул уйда тонг отгунча роҳат қилиб ухламади. Субҳда уй соҳиби айтди: «На учун ухламадингиз?» Подшоҳ айди: «Мен нечук роҳат қилайки, бу уйда Каломуллоҳ бордур». Уй соҳиби айтди: «Агар менга билдирсангиз, ўзга уйга олар эрдим». Подшоҳ айди: «Хоби ғафлат қилмоқ учун «Каломуллоҳни олғил», демакка

шарм қилдим. Агар андоғ десам, жонимга жафо бўлур эрди».

Эй азизлар! Подшоҳ мундоқ тақво қилса, фуқаролари қачон хилоф қилур! Имом Абу Ҳафс Кабир айдилар: «Таҳоратим йўқ ҳолида коғаз бозоридан ўтмадим». Фақиҳ Абул Лайс айдилар: «Юз тевани кейнидаги тевада Қуръон бўлса, аввалғи теванинг маҳорини (жиловини) бетаҳорат ушламадим». «Хулоса»да айтур: «Тахтага бир оятни битган бўлса ва ё ҳадис, ё масала бўлса, ани бетаҳорат ушламасун». «Жомеъ ус-сағир»да масала китобни енги бирла (бетаҳорат ҳолда) ушласа бўлур, дебдур. «Шарҳи «Виқоя»да айтур: «Агар хотун ҳайз ва нифосни аксарида қатъ бўлса (ўн ва қирқ кунда пок бўлгач), ғуслдин бурун ватий қилса бўлур».

Агар ҳайзни ақаллида мунқатеъ (яъни уч кун ҳайз кўргач, пок) бўлса, (покланиши биланоқ) одати еттунча (яъни одатда неча кун ҳайз кўрадиган бўлса, ўша муддат еттунча) ғусл қилиб, намоз ўқисин, рўза тутсин, лекин ватий қилмасун, то одатланган муддати ўтмагунча. «Шарҳи «Виқоя»да айтур: «Бир кун пок бўлса (яна бир кун ҳайз кўрса), бу сувратда одати ўн кун бўлса, ўн кун одати тамом бўлса, ҳаммаси ҳайз бўлмас, беш куни пок ва беш куни ҳайз бўлур. Ва яна одати ойни аввали уч кун ва ўртаси уч кун ва охири уч кун бўлса, андин тажовуз қилиб тинмаса, ул мазкур бўлғон кунлар намоз, рўза ва жимоъни тарк қилсин ва қолғон ҳар ўнидаги етти куни покликдур ва ўзга сувратлар ҳам кўпдур. Мухтасар қилдик. Мунга амал қилса ҳам басдур».

НИФОСНИНГ БАЁНИ

«Абулмакорим»да айтур: «Нифоснинг ақалли (энг оз муддати)ни ҳадди (чегараси) йўқдур». Мунга фатводур. Аммо Имом Яъқуб: «Ози беш кун», дебдурлар. Мунга фатво йўқдур. Аммо нифосдин ўн бир кун ё йигирма кунда соф бўлса, намоз ва рўза ва ватий қилса бўлур. «Ҳидоя»да айтур: «Агар хотун бир гўштпора ташласа ва ани аъзоси зоҳир бўлса, анга ҳам нифос ҳукми жорийдур». Фатво шунгадур. Агар бир одам хотунига: «Сен бола туғсанг талоқ бўлурсан!» – деб айтса, хотуни бола ташласа, ул боланинг аъзоси маълум бўлса, хотун талоқ бўлур. Агар қулиға шундай деб айтса, озод бўлур ва агар эри ўлган хотун бўлса, иддаси тугар. Агар икки эгизак бола туғса, Имом Аъзамнинг наздида аввалғи боладин нифос ҳисобланур. Масалан, бирини бир кун, иккинчисини қирқ кундан кейин туғса, Имом Муҳаммад сўнггисидан дебдур. Жамиъи уламолар наздида сўнггисидан идда битар, агарчандики аввалғи бола билан кейингисининг ораси икки ой бўлса ҳам. Лекин икковининг ораси беш ой бўлса ҳам эгиздирлар. Аммо олти ой бўлса, эгиз бўлмас. Бир ривоятда Ҳасан ва Ҳусайннинг орасини беш ой, дебдур. Аларни эгиз дерлар.

ИСТИҲОЗАНИНГ БАЁНИ

«Садр уш-шариа»да айтур: «Агар қон уч кундан оз келса, истиҳоза дерлар ва ё ўн кундин ортиқ бўлса ҳам истиҳозадур». Агар одати ҳайзда етти кун бўлса, сўнг беш кун зиёда бўлса, жами ўн икки кун

бўлур. Унинг аввалғи етти куни ҳайз, беш куни истиҳозадир. Агар нифос одати ўттиз кун бўлса, андин ўтуб эллик кунга борса, ўттиз куни нифос, йигирма куни истиҳозадир. Ва ё ҳомиладор хотин қон кўрса ҳам истиҳозадир. Ани ҳукми шуки, намоз ва рўзани ман қилмас, тавофни, масжидга кирмакни, Қуръон ўқумоқни ҳам ман қилмас. Ва яна бурунинг қони, жароҳатнинг қони, йиринги ё орқасидан ел чиқиб тинмаса, ул одам бир намозга бир таҳорат қилсин. Ул таҳорат билан хоҳ фарз, хоҳ нафлни ўқисин, унинг таҳоратини намоз вақтининг чиқмоғи синдирур. Масалан, бундай узрлик одамлар бомдодга таҳорат қилса, офтобни чиқмоғи бирла таҳорати синар, намоз вақтининг кирмаги синдирмас. Масалан, тушда таҳорат қилса, пешинни вақти кирса синмас, агарчи ани қони оқиб турса ҳам. Аммо намозни таъхир қилиб ўқусин. Агар (намозни) охир вақтида пок бўлса, қайтадин ўқисин. Ва яна бу нимарсалар либосга тегса, ани ювса, яна тегса, буларни ювмоқ лозим эмасдур. Ибни Муқотил айтур: «Бир мартаба ювсун». Баъзи ривоятда ҳар намозга ювсун, дебдур. Фатво аввалғи ривоятғадур, зероки узрдурким, ҳар қачон либосни ювса, яна тегаберса, ахир, на қилсун? Зарур бўлғонидин Худо ҳам афв қилур. Агар киши бу айтилгандек узри бўлмаса, бу айтилғон ердин бошқа аъзосидин таҳорати синадурғон нарса пайдо бўлса, таҳорати синар.

ҲАЙЗИ МУТАФАРРАҚАНИНГ БАЁНИ

«Хулоса»да айтур: «Ҳайз кўрган хотин агар намоз вақти бўлса, таҳорат қилиб, тасбеҳ ва таҳлил айтмаги мустаҳабдур». Агар киши ҳайз кўрган хоти-

нини билмасдан ватий қилса, тавба ва истиғфор қилсин. Агар қодир бўлса бир тилло, бўлмаса ярим тилло, ул ҳам бўлмаса бир танга Худо ризолиғида садақа қилсин. Аммо хотинлар (пок вақтларида) ҳеч вақт намозни қўймасинлар. Агарчандики болани ярми чиқиб, ярми чиқмай турса ҳам ўзига лойиқ чуқур ковлаб, болани чиққон ерин ул чуқурға солиб, намозни ўқисин, токи болага зарар бўлмасин. Агар мундоғ қилмаса, гуноҳкор бўлур». Ва яна «Хулоса»да айтур: «Янги ҳайз кўрган одам бир кун ва ё икки кун қон кўрса, учинчи куни кўрмаса, ул икки кунги намозин ўқисин».

Билар-билмас ҳайз масалаларини баён қилдик, хато ва нуқсони бўлса афв қилғайлар, токи тавба қилсақ Худойи таоло ҳам кечар. ИншаАллоҳ.

Танбеҳ: Нажосатдин ўзингни пок қилмай, воқеан ҳайзни баён қилурсен. Зоҳирий ҳайз тўрт ботмон сув бирла пок бўлур, аммо дунёни дўст тутуб, динни паст тутмоқ мардон (эркак)ларнинг ҳайзидур. Динни маҳкам қилиб, шариатга устувор бўлмоқ Худонинг берган файзидур. Одамларики, бу файзи илоҳийдин холидур, агарчандики мард (яъни эр) бўлса ҳам ҳайздадур. Аммо хотунларнинг ҳайзини сув пок қилур, бу ҳайзни эса агар амру наҳйини бажо келтирса, Худонинг ўзи пок қилур. Кўнгил – назаргоҳи Ҳақдур, қилча ўзганинг муҳаббати орага кирса, парда бўлур. Худойи таоло ўзининг файз ва раҳматини ул ердан қайтарур. Агар огоҳ бўлсанг ани (ўша пардани) йиртасен ва кўзинг очилиб, ажойибларни кўрарсен. Худони файзидин (файзини) зоҳир кўрарсен ва риёзат қилсанг, андоғ дард кўнгулга етса, жамиъи дарду аламлардин фориғ бўлурсен. Валлоҳу аълам биссавоб.

ТАЯММУМНИНГ БАЁНИ

Худойи таоло Қиёматнинг азобидин нажот бермоқ учун беш вақт намозни буюрди. Худо бандасиға андоғ меҳрибондурки, агар таҳоратға сув топмаса, таяммум қилмоқни буюрди. «Ҳидоя»да айтур: «Ҳар киши шаҳардин чиқса, яъни мусофир бўлса, сувдин бир мил узоқ бўлса, таяммум анга раво бўлур. Тўрт минг қадамни бир мил дерлар». Фатво шунгадур. Баъзи уламолар наздида муқимга асло таяммум раво эрмасдур. Мунга фатво йўқдур. Муқимга ҳам раводур. Имом Муҳаммад олдида сув икки мил бўлса, таяммум қилмоқ раводур. «Захийра»да андоғдур. Имом Кархий олдида овоз етса сув яқиндур, овоз етмаса, узоқдур. Сув одамларни олдида икки мил бўлса, орқада ва икки ёнида бир мил бўлса, таяммум раводур. Бу муттафақдур. Имом Зуфар айтурлар: «Намознинг вақти чиқмай сувға етарин билса, таяммум раво эрмас». «Ниҳоя»да бу масаланинг далилин баён қилур. Бизни имомлар қавлида агарчандики намоз қазо бўлса ҳам, сув бир мил бўлса, таяммум раво эрмас. «Салоти Масъудий»да айтур: «Агар киши сувга етолмасмен», деб таяммум қилиб, намозни ўқиса ва намоз вақти чиқмай сувға етса, ул намозни қайта ўқиса, эҳтиётдур. Токи мазҳабин жамъи бўлур. «Хулоса»да айтур: «Далага борса, сувни излаб топмаса, узоқ-яқинлигини билмаса, намозни вақти чиққудек бўлса, таяммум раводур. Аммо эҳтиёт қилсун». Ва яна «Ниҳоя»да айтур: «Сув бир миллик ерда борйўқлигини гумон қилса, таяммум раво эрмас». «Абулмакорим»да айтур: «Фарсахнинг учдан бири бир мил-

дур. Тўрт минг қадам бўлур, ҳар қадами бир ярим газ, ҳар газ йигирма тўрт ангушт (бармоқ)ча бўлур».

Агар бемор киши таҳорат қилғонда дарди зиёда бўлур бўлса, таяммум қилсун. Фатво шунгадур. Имом Шофеъий мазҳабида ўладиган даражада бўлмаса, таяммум раво эрмас. Оят бирла Имом Шофеъий мазҳаби, яъни қавли бузулур. Агар шаҳардин ташқари чиқиб ғусл қилса, совуқдин ўлгудек бўлса ва ё қўл-оёғини совуқ олса ва ё касали кучайса, ночор таяммум раво бўлур. «Абулмакорим»да Имом Аъзам қавлида мундоғ ҳодиса шаҳарда бўлса ҳам раво бўлур. Соҳибайн олдида раво эрмас. Шайх ул-ислом айтур: «Совуқдин хавфи бўлса, шаҳарда ҳам раводур». Имом Ҳалвоий айтур: «Шаҳарда таяммум раво эрмас». Асаҳҳи будурки, агар душмандин хавфи бўлса, таяммум раво бўлур. Ва агар ташналикдан хавфи бўлса, аҳли аёл ва ё маркаблари ташна бўлур бўлса, ўзида сув бўлса ҳам таяммум раводур. Ва агар қудуқ бошида туруб, сув олмоққа асбоби бўлмаса ҳам таяммум раво бўлур. Ва агар намози ийддин қолур бўлса, таяммум раводур. Аммо намози жума ва намози беш вақтга раво эрмас, зероки буларнинг қазосини ўқуса бўлур, аммо ийд билан намози жанозага қазо йўқдур. Жанозага валийдин ўзгаларга таяммум раво бўлур, аммо валийга раво бўлмас, зероки буларга жамоат қарарлар. «Ҳидоя»да, «Абулмакорим»да ва «Фахруддин»да айтур: «Мурдани ерга қўйганда таяммум қилсун. Агар бир киши таяммум бирла бир жанозани ўқуса, яна бир жаноза пайдо бўлса, орада таҳорат қилғудек вақт бўлса, янгидан таяммум қилсун. Агар фурсат ўтмаса, шу таяммум бўлур. Фатво шунгадур. Имом Зуфар ва

Имом Муҳаммад наздида хоҳ ва нохоҳ янги таяммум қилсун». Агар намози ийдни ўқиб туриб таҳорати синса, таяммум бирла қолғонини ўқисин. Имом Аъзам наздида фатво шунгадур, агарчандики шул намози ийдни таҳорат бирла бошлағон бўлса ҳам. Имомайн олдида таҳорат бирла бошласа, орасида таҳорати синса, таяммум раво бўлур. Ва агар таяммум бирла бошлағон бўлса, жамиъи уламолар наздида таяммум бирла бино қилса раводур. Имом Шофеъий наздида сув бор ерда таяммум бирла жаноза ўқиб бўлмас, зероки аларнинг наздида жанозадин қолса, анинг қазосини ўқир. «Шарҳи «Аврод»да «Мусаффий»дин нақл қилур: «Шаҳарда муқим жунуб бўлса, тоза сув бўлмаса ҳам таяммум раво эрмас, агарчандийки намози қазо бўлса ҳам».

ТАЯММУМ ҚИЛМОҚНИНГ БАЁНИ

Муҳаммад алайҳиссаломни ҳадислари бирла таяммум икки зарбдур. Бир зарбни юзга сурсин — соч чиққон ердин энгагини остиғача, икки қулоғини юмшоқ ериғача. Яна бир зарб уруб икки қўлиға масҳ тортсун — тирсагигача. «Абулмакорим»да айтур: «Юзида ё қўлида масҳ тегмаган ери қолса, таяммуми раво эрмас». «Фахруддин»да айтур: «Бармоқларининг орасиға ғубор кирмаса, бир зарб бирла хилол қилсун, уч зарб бўлур. Бармоқни хилол қилмаса, орасиға ғубор кирмаса, раво эрмас».

Ҳикоят. Нақлдурки, бир кун Ҳазрати Имом Аъзам таяммум воқеасида ҳадис айтиб ўлтуруб эдилар. Имом Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳ ҳозир эрдилар. Имом Абу Юсуф айдилар: «Ё Имом, бизга таяммумни таълим

беринг!» Анда Имоми Аъзам қўлларини ерга бир зарб уриб юзларига сурдилар. Ва яна бир зарб уруб, сўл қўлларининг уч бармоғини ўнг қўлларининг уч бармоғи сиртига қўюб тирсакларигача масҳ тортдилар ва боз қўлини ич тарафига шундоқ қилдилар. Яна айдилар: «Таяммумни мундоқ қилмоқ суннатдур». «Шарҳи «Виқоя»да муни афзал дебдурлар. Ва яна «Фахруддин»да айтур: «Сўл қўлини тўрт бармоғи бирла ўнг қўлини тўрт бармоғини сиртидин тирсагигача тортсун ва кафти бирла ўнг қўлини қорнига тортсун. Ва чап қўлини ҳам шундоғ қилсун. Ва яна жунуб ва бетаҳорат ва хотин ҳайздин ва нифосдин пок бўлса, бир таяммум кифоя».

Нақлдурки, бир кун Ҳазрат Пайғамбар алайҳиссалом саҳобалар бирла ўлтуруб эрдилар. Аммор ибн Ёсир тупроққа ағнаб ўлтуруб эрдилар. **Расули Худо айдилар: «Ё Аммор, на учун мундоғ қилурсан?» Аммор айдилар: «Ё Расулаллоҳ, менга жанобат воқеъ бўлди». Расули Худо айдилар: «Таяммум икки зарбдур – хоҳ муҳдас ва хоҳ жунуб бўлсун»**. «Ҳидоя»да бу ривоят саҳиҳдур. «Салоти Масъудий» ва ўзга китобларда фатво шунгадур. Ва яна сув йўқ ерда жимоъ ва истимтоъ қилмасун. Имом Аъзамнинг наздида жимоъ қилиб, таяммум бирла намоз ўқиса бўлур.

ТАЯММУМ НЕЧА НАРСА БИЛАН ДУРУСТ БЎЛУРИНИНГ БАЁНИ

«Ҳидоя»да айтур: «Ҳар нима ерни жинсидин бўлса, (анга) таяммум раво бўлур, мисли туфроғ, қум, тош, гач ва сурма». Мундоғ нарсаларга таяммум қилса

бўлур. Ерни жинсидин ўзга нарсага раво эрмас, мисли япроғ ва анбар ва кофур ва ҳино — буларга монанд (ўхшаш)лар ер жинсидин эрмас. Ва яна ун, толқон, танга, темир ва марваридга ҳам таяммум раво эрмас. Булар ўтга куяр». «Қозихон»да айтур: «Тоғ тузига таяммум қилса бўлур». Саҳиҳ ривоят бирла сув тузига таяммум қилиб бўлмас. Агар бир ерда сув бўлмаса ва либосини ҳўл ерлари бўлса, Абдул Али «Хулоса»дин нақл қилурлар, ул либосга таяммум қилиб бўлмас. Либоси қуруғунча сабр қилсун. Қуруғондин кейин анга таяммум қилсин. Имом Кархийни наздида лойга таяммум қилса бўлур. Имом Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳ наздида туфроғ бирла қумдин ўзга нарсага таяммум қилиб бўлмас. Имом Шофеъий олдида туфроғдин ўзгага таяммум раво эрмас. «Хулоса», «Хизона» ва «Жомеъ ул-басотин»да айтур: «Бир одам таяммум қилғон ердин яна бир одам таяммум қилса бўлур, агарчандики аввалғи таяммум қилғон одам жанобатлик бўлса ҳам». Ҳар тоҳир нарсаки ер жинсидин бўлса, ғубори бўлмаса ҳам анга (таяммум) раводур. Тошқа таяммум қилса ҳам раводур. «Абулмакорим»да айтур: «Ҳар тарафдин келган ғуборга таяммум қилса бўлур, агарчандики туфроқ мавжуд бўлмаса ҳам». «Ҳидоя»да ва ўзга китобларда айтур: «Таяммумнинг нияти фарздур». Омиларга муни ёд беринглар. Мундоқ қилмоқ керакки: «Ният қилдим ўзимни пок қилмоққа» ёки «Ният қилдим таяммум қилмоқни намоз ўқиш учун», десин. Аммо «Бу нияти таҳорат» ё «Бу нияти ғусл учун», демак шарт эмасдур. «Ҳидоя»да бу саҳиҳдур. Яна баъзилар шарт дебдурлар. «Хулоса»да айтур: «Агар таяммум қилмоққа икки қўлини ерга урса, истеъмолдин аввал ул

тупроғда ҳадас (нажас) кўрса, ул зарби ярамас». Асаҳ ривоят будур. Агар ул ерга нажас тегса ва офтоб тушиб қуруса ва нажосатни асари зойил бўлса, анга намоз ўқиса бўлур, аммо таяммум қилиб бўлмас, зероки Худойи таоло ўз оятида пок туфроқни тайин қилибдур. Имом Шофеъий наздида ул ерда намоз ҳам раво эрмас. Ва яна бир таяммум бирла хоҳлагонча намоз ўқуса бўлур. Ва яна таяммумни намозни вақтидан илгари ҳам қилса бўлур. Ва агар кофир таяммум қилса, сўнг мусулмон бўлса, Имом Аъзам ва Имом Муҳаммаднинг наздида таяммуми бузилмас, Имом Яъқубнинг наздида бузулур. Агар кофир таҳорат қилса, андин сўнг мусулмон бўлса, Имом Аъзамнинг наздида таҳорати бузилмас, Имом Шофеъий наздида бузулур. Агар таяммумлик мусулмон муртад бўлса, сўнг яна мусулмон бўлса, таяммуми синмас. Фатво шунгадур. Имом Зуфар наздида синар. Бу эҳтиётдур. «Абулмакорим»да айтур: «Агар Қуръон ўқимоқ учун ё масжидга кирмак учун таяммум қилса, намозни ўша таяммуми бирла ўқимасун». Агар салоти жаноза ва саждаи тиловат учун таяммум қилса, ани бирла беш вақт намозни ўқиса бўлур. Бир ривоятда аввалги сувратда ҳам намоз ўқиса бўлур. Лекин асаҳ эмас. «Хулоса»да ҳам раво эрмас, дебдур. Эй биродарлар, иттифоққа амал қилсанглар, тақводорларнинг қаторида бўлурсизлар. Аларнинг Худони наздида иззат ва ҳурматлари зиёдадур. Агар таяммумни бир одамга таълим берса, намоз учун деб ният қилмаса, ул таяммум бирла намоз ўқуса, раво эрмас — уч имомнинг наздида.

ТАЯММУМ НОҚИЗОТЛАРИ (СИНДИРУВЧИЛАРИ)НИНГ БАЁНИ

Ул нимарсаики таҳоратни синдирур, таяммумни ҳам синдирур. Ва яна таяммум қилғон одамга таҳоратга еттудек сув топилса ҳам таяммум синур. Агар намознинг ичида ва ё сиртида сув топса ҳам таяммуми синур. «Шарҳи «Виқоя»да айтур: «Агар киши сув топса, таҳорат қилмаса, ул ҳолда таяммуми синар. Агар жунуб киши ғусл қилса, орқасига сув етмай қолса, ул ҳолда таҳорати синса ва таяммум қилса, андин сўнг сув топса, таяммуми синар». «Лумъа» деб ғуслда сув етмай қолғон ерни айтур. Агар ул сув лумъага етмаса, аввалғи таяммум бўлур. Агар таҳоратга етса, таҳорат қилсин. Таяммум лумъа ҳақида (яъни лумъа учун) бўлур. Агар бирор аъзоға сув етса, ўша аъзога еттанича ювсин. Агар бир жамоа таяммум бирла намоз ўқисалар, бир одам овоз берсаки: «Мунда сув бор», деб, агар ул сув таҳоратга еттудек бўлса, ҳаммасининг таҳорати синар, бирови (бир киши) таҳорат қилур, ўзгаси таяммумни қайтадин қилур. Аммо: «Бул сув сизларга», деб айтса, ул жамоа ул сувни олса, бу сувратда ул жамоанинг ҳаммасининг таҳорати синмас, зероки ҳибаи мушоъ, яъни бир нарсани икки-уч одамга бағишламоқ раво эрмас. Бу ҳолда ўша нарса бағишловчининг ўз мулкида қолур, бинобарин ул жамоанинг таяммумлари синмас, Имом Аъзамнинг наздида. Аммо Имомайн наздида ҳибаи мушоъ дурустдур ва аларнинг таяммуми синар. «Фатовойи Қозихон»да айтур: «Мусофир саҳрода бир хум сув топса, таяммуми синмас, агар ул сувни ичмак учун қўйғон бўлса, таҳорат қилмасун, агар таҳорат

учун қўйғон бўлса, ичмай таҳорат қилсун. Магар ул сув кўп бўлса, таҳорат ҳам қилсун ва ҳам ичсин».

Қози Абу Али Насафий айтур: «Агар ул сувни ичмак учун қўйса, таҳорат қилсин, аммо таҳорат учун қўйса, ичмасун», деб. Бир китобда бунинг акси бор. «Масъудий»да айтур: «Маркабни устида ухласа, бир одам ўша ухлаган одамга: «Сувдан ўтдинг», деса, Имом Абу Юсуф наздида таяммуми синмас. Имом Аъзам ва Имом Муҳаммад наздида синар. Агар сафарда сув топса, у сув аъзоларини бир мартадан ювишга етса, таяммуми синар». «Хулоса»да шунга фатводур. Агар кишини зиндонга солсалар, турғон ери пок бўлса, сув топмаса, ул зиндон шаҳардин ташқарида бўлса, Имом Аъзамнинг наздида таяммум қилса дуруст бўлур. Шаҳар ичида бўлса, намозни қўйсин. Яна Имом Аъзамдин бир ривоят бордурки, ўқисин, сўнг қазосини ҳам ўқисин. Фатво шунгадур. Ва яна шаҳарда банди бўлса, ҳалол ер ва туфроқ бўлмаса, Имом Аъзамнинг олдида намозини қўйсин то сув ё туфроқ мавжуд бўлгунча. Имом Абу Юсуф наздида эса ишорат бирла ўқисин, сўнгра қазосини ўқисин. «Қозихон»да ҳам шундоқдур. Бир мўмин намозда турганда бир кофир: «Сув олғил, таҳорат қилгин», деса, кофирнинг бу сўзи бирла намозини бузмасин, зероки у душмани Худодур, истеҳзо қилғон бўлмасин. Аммо фориғ бўлғандин сўнг сувни талаб қилсин, агар берса, қайтадин ўқисин, бермаса, намози дурустдир. «Қозихон»да айтур: «Сафарда сув бўлмай, қор бўлса, совуқ бўлса, таяммум раво бўлур. Агар қор қўлда эриса, таҳорат қилса бўлур». «Салоти Масъудий»да айтур: «Намозни охир вақтида бир жамоа қудуқ бошиға келсалар, баъзиларида челак бўлса, баъзиларида бўлмаса, челаги

борлар йўқларга: «Сизлар сабр қилинглар», деса, ун-гача намознинг вақти чиқиб кетса, Имоми Аъзамнинг олдида таяммум қилсин, Имомайн наздида таъхир бўлса ҳам таҳорат бирла ўқисин».

Ва яна бир одамда бир идиш бўлса ва (у) суви йўқ одамга: «Мен аввал таҳорат қилай, сўнг сенга берай», деса, агарчандики қазо бўлса ҳам қарасин (кутсин). Ва агар бир жамоа саҳрода бараҳна (ялан-ғоч) қолсалар, жамоадаги баъзиларнинг либоси бўл-са, либоси борлар десаки: «Бизлар аввал либос бир-ла намозни ўқийлик, сўнг сизларга берайлик», деса ва вақти чиққудек бўлса, Имом Аъзамнинг наздида бараҳна (яланғоч) ўқисин, Имомайн наздида таъхир қилсин. Агар намозда саробни кўрса, анинг сув де-ган ўйи ғолиб келса, сўнг сув эмаслигини билса, намози бузулур, таяммуми бузилмас. «Қозихон»да айтур: «Бу гумон бирла мунсариф бўлса, (йўл олса) анда ўқиғон жойидин хоҳ ўтсин, хоҳ ўтмасин намози бузулур. Аммо саробни кўрса, гумони ғолиб келма-са, намози бузилмас. Агар у сув бўлса, намозини қайта ўқур». Агар таҳорат қилғон таяммум қилғонга иқтидо қилса, муқтадий сув кўрса, намози бузулур. Агар имом кўрмаса (имомнинг намози) бузулмас. Ҳар вақт таҳоратли одам таяммум қилғонга иқтидо қилса дуруст бўлур. Лекин Имом Муҳаммад наздида раво эрмас. «Хулоса» ва «Қозихон»да айтур: «Агар киши таҳорат қилай деса, либосида тангадан зиёда нажосат бўлса, суви нажосатни юварга етса, сув билан ани ювуб, ўзи таяммум бирла намозини ўқисин. Агар таҳорат қилиб, нажосат бирла намоз ўқиса, раво бўлмағай». «Салоти Масъудий»да айтур: «Бир жамоа сафарда сув топса, баъзилар ул сувни ҳалол

деб таҳорат қилса ва баъзилар ҳаром деб таяммум қилса, бу икки жамоа бир-бирига иқтидо қилса раво бўлғай». Агар сувлари бўлса ва ташналикдан хавфлари бўлса, таяммум қилғай. Имом Муҳаммад наздида фарз аъзоларин бир идишга таҳорат қилиб, отига берсин. «Хулоса»да мундоғдур. Мустаъмал сувни лой қилмоқ ва ҳайвонга бермак раводур, аммо ичмак макруҳдур. Агар мусофир намозни таяммум бирла ўқиса, сўнг юклари ичида сув борлиги ёдига келса, ул намози дурустдур. Имом Абу Юсуфнинг наздида ани ўзи қўйғон бўлса, намозини қайтадин ўқур. «Абдул Али»да айтур: «Сув адо бўлғандур, деб гумон бирла таяммум қилиб, намоз ўқиса, сўнг сув бор экани ёдиға келса, намози раво бўлмас». «Ҳидоя»да айтур: «Агар ҳамроҳларида сув бўлса, Худо учун талаб қилсин, бермаса, таяммум қилсин». Имом Аъзам наздида раво бўлғай. Мунга фатводур. Имомайн олдида раво эрмас, зероки мўмин таҳоратга (сув) берур. «Садр уш-шариа» «Мабсут»дин нақл қилур: «Ҳамроҳдин асло тама қилмасинки, хорлик бўлур».

МУНОЖОТ БАДАРГОҲИ ҚОЗИЯЛ-ҲОЖОТ

Эй биродарлар! Вой бар ҳоли тамагин (тамагир)лар ҳолиғаки, эшикларда юруб тама қилмоқни ўзларига мартаба билурлар!

Худовандо! Қаноат таоми бирла тўйдирғил. Миннатнинг бошини ҳиммат оёғи остиға қўйғайсен ва ўз муҳаббатинг бирла шайдо ва зикрингга вола қилғайсан. Худовандо! Дунё тилагувчи қилмағайсан, зероки Имом Муҳаммад: «Таҳоратта сув тиламак — хорлик», дебдурлар.

Агар сув пулға топилса, ул одамнинг пули бўлса, қадим баҳосиға берса, олиб таҳорат қилсин. Агар пули бўлмаса, таяммум қилғони хўбдур. Ва агар ул сувни қиммат айтса, олмасин. «Ҳидоя»да айтур: «Бир жой-(нинг) суви аслий қиймат бўлса, (кўп қиммат бўлмаса) баҳои аслийга олсин. Агар зиёда бўлса, олмасин. Қиймат деб ани айтурки, бир тангалик сувни икки танга деса, таҳоратга қимматдур, ичмакка қиммат эмасдур». Баъзи ривоятда таҳорат учун ярим танга зиёд олса бўлур ва ғусл учун бир танга, икки танга зиёд олса бўлур. Шайх Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ айтурлар: «Жамиъи молини берса ҳам, олсин, таҳорат қилсин». Фатво бўлмаса ҳам тақводир.

«Қозихон»да айтур: «Ота бирла ўғил ўртасида шериклик сув бўлса, ота сарф қилсин». Ва яна сафарда бир ўлик, бир ҳайздин пок бўлғон хотин ва бир жунуб бўлуб, бир кишига еттудек сув бўлса, ул сув қайси бирининг мулки бўлса, анга сарф қилсин. Агар учовига бирдек бўлса, жунубга сарф қилмоқ авлодур. Жунубга ғусл қилмоқ фарзи айндур. Бир важҳ шулки, хотинга эркак имом бўлса бўлур. Ўликка таяммум қилдириб, жунуб ғусл қилиб, жаноза ўқисин. «Шайбоний»да айтур: «Ҳожиларда Замзам суви бор бўлса, ул сув туруб таяммум қилса раво бўлмас. «Агар сувсиз қолурман», деб қўрқса, ул Замзам сувини бировга бағишлаб ё омонат бериб таяммум қилса раво бўлур». «Қозихон»да айтур: «Бу ҳийла мени наздимда раво эрмас». «Абулмакорим»да айтур: «Сафарда ўнгу сўлдин бир ўқ отим ерда сув бор деб гумон қилса, ани изламак вожибдур. «Ўқ отим», деб уч юз-тўрт юз қадам ерни айтурлар». Имом Шофеъий айтур: «Сув бор деб гумон қилмаса ҳам вожибдур». Ва яна бир

жойда сув йўқлиги машҳур бўлса, изламай, намозни таяммум билан ўқиса, иттифоқан жоиздур. «Шарҳи «Биржандий»да айтур: «Иморатсиз жойда сув изламай, таяммум қилса раводур, аммо иморатлик ерда сув бор, деб даракламоқ мустаҳабдур». Бир ривоятда вожибдур. Агар сув топилур, деб умид қилса, андоғ кишига намозни таъхир қилиб ўқимоқ мустаҳабдур». «Мухтасари «Виқоя»да ва «Абулмакорим»да айтур: «Таъхир қилмоқ вожибдур». «Мунийя»да айтур: «Намозни шунчалик таъхир қилмоқ керакки, то макруҳ вақти кириб қолмасин».

ТАЯММУМ ҲУКМЛАРИНИНГ БАЁНИ

«Салоти Масъудий»да айтур: «Беморга совуқ сув зиён қилса, иссиғ сувга таҳорат қилсин. Агар сув зиён қилмаса, аъзосини қўзғамоқ зиён қилса, бу сувратда қули хўжасини таҳорат қилдирсин, чўри бекасини таҳорат қилдирсин». «Фусули имодий»да айтур; Имоми Аъзамдин нақл қилур: «Агар қули, чўриси бўлмаса, бир мўмин Худо учун таҳорат қилдирсин, ҳақ олмасдан. Агар ҳақ олиш учун таҳорат қилдирса, ул беморга таяммум раводур. Эрини таҳорат қилдирмоқ хотинга вожиб эмастур ва хотинини таҳорат қилдирмоқ эрга вожиб эмастур. Аммо оят мазмуни бирла бир-бирига ёрий (ёрдам) бермоқ вожибдур». «Хулоса»да айтур: «Таҳорат қила олмайдиган одамни ўз маҳрамлари таҳорат қилдурсун». «Фусули имодий»да айтур: «Қул ёки чўри касал бўлса, хўжаси ёки бекаси таҳорат қилдурсун». Имом Муҳаммад наздида агар қули касал ва шол бўлса, таҳорат қилдирур одами бўлмаса, қўлини ерга урсун

ва юзини деворга сурсун, намозни қўймасин». Агар касалга таяммум қилдирур киши бўлмаса, Имомайн наздида намози соқитдир. Имом Яъқуб наздида имо бирла ўқисин, ҳар қачон сиҳҳат топса, қазосини ўқисин. «Фусули имодий»да ва «Хулоса»да айтур: «Агар киши икки қўли тирсагигача кесилса, бизни имомларни наздида кесилган ерига масҳ қилсин». «Салоти Масъудий»да айтур: «Агар киши беморға таяммум қилдирса: «Таяммум қилдирурман токи намоз беморға дуруст бўлсун», деб ният қилсин». «Фатовойи Қозихон»да айтур: «Таҳорат қилмоққа узри бўлмаса, қийнатиб (қийналиб) таҳорат қилса (ҳам), таяммум раво эрмас. Агар жунуб (киши) ғусл қилай деса, аъзосида кўпроқ жароҳат бўлса, таяммум қилсун ва соғ аъзоси кўпроқ бўлса, соғ аъзони ювганда жароҳатга тегса, зиён қилса, таяммум раво бўлур. Агар зиён қилмаса, соғ ерини эҳтиёт бирла ювсин ва жароҳатга масҳ тортсин. Агар жароҳатга яланғоч масҳ қилганда зиён қилса, жароҳатни боғлаб, устидан масҳ қилсин». «Қозихон»да айтур: «Аъзони кўпи соғ бўлса, масалан, бошида жароҳат бўлса, ўзга аъзолари саломат бўлса, аларни ювуб, бошиға масҳ тортсин». «Салоти Масъудий»да айтур: «Кўп аъзо саломат бўлмай дардли бўлса, оз ери соғ бўлса, дардли ерига масҳ қилсин, соғ ерни ювсун». Имоми Аъзам, Имом Муҳаммад ва Абу Юсуф наздида соғ ери кўп бўлса, ювсун, дард ерига масҳ қилолмаса, оз жароҳати учун таяммум қилсин. Бу ривоят эҳтиётдур. «Фатовойи Кофий»да айтур: «Агар кишининг кўпроқ аъзоси жароҳат бўлса, таяммум бирла намоз ўқусун. Аммо соғ аъзоси кўп бўлса, ювсун. Оз жароҳат ерига масҳ қилсун». Имом Шофеъий олдида яна таяммум қил-

син. Агар киши жунуб бўлса, жароҳатли аъзосини ювғонда зарар қилса, таяммум раво бўлур. Жароҳатга ўраб қўйилғон латтани «жабийра» дерлар. Муни баёни ўз мартабаси (жойи)да айтилур. Агар икки қўли ва ё боши, юзи жароҳатли бўлса, ўзга аъзоси ҳам жароҳатли бўлса, аммо икки оёғи соғ бўлса, таяммум қилсин. Ва агар оёғи дардли бўлиб, ўзга аъзолари соғ бўлса, таҳорат қилсин. Агар соғ аъзоси билан жароҳатлик аъзоси баробар бўлса, «Қозихон»да айтур: «Соғ ерин ювсин, жароҳатига масҳ тортсин». Эҳтиёт бул масаладур. «Фусули имодий»да айтур: «Агар кўп ери жароҳат ва оз ери соғ бўлса, таяммум қилсин. Ва агар жароҳатига яланғоч масҳ қилғонда зарар қилса, жабийрага масҳ қилсун». «Хизона»да масҳнинг баёнида айтур: «Жароҳатнинг ўзига масҳ қилғонда зарар қилмаса, латтанинг устидан масҳ қилиш раво эрмас». «Шарҳи «Виқоя»да айтур: «Агар кишини яраси бўлса, анга сув зарар қилса, масҳ тортсун, яранинг атрофини ювсун. Агар ул ерда яра қўлида бўлса, таҳорат қилмоққа ожиз бўлса ё биров ёрий (ёрдам) берса, яъни таҳорат қилдирса, ўзга аъзони ювуб, таҳорат қилсун. Агар таҳорат қилдурур одам бўлмаса таяммум бирла намоз қилур».

Агар жабийрага масҳ тортса, андин сўнг ул жабийра тушса, ул яра тузалган бўлса, ювсун. Тузалмаган бўлса, латтани ўраб қўйсин, аввалғи масҳи масҳ бўлур. Ҳосили калом, жароҳатга сув етмоғи зарар қилса, латтанинг устидан масҳ қилсин, зарар қилмаса, жароҳатнинг ўзига масҳ қилсин. Агар қон олдирса, анга латта ўраса, анга ҳам масҳ раво бўлур. Агар ярани боғлағонда озроқ соғ ерини бирга қўшиб боғласа, зиён қилмас. Аммо масҳ тортқонда тамом ери-

га сув еткурсун. Баъзи ривоятда ярани кўпроғиға масҳ қилсун. Аввалғи ривоят саҳиҳдур. Агар тақво қилса эҳтиётни қўлдан бермасун. Агар ярадин латтани чиқарса, қайта масҳ қилмоқ лозим эмас, аммо тақво қилса, қайта масҳ тортсун. Масҳни уч мартаба тортмоқ лозим эрмас, ҳаммасиға сув еткурмоқ лозимдур. Аммо жабийра музани масҳига хилофдур, яъни муза (маҳси)га масҳ қилмоқ учун туҳри том (мукаммал таҳоратли бўлишлик) шартдур, жабийраға туҳри том шарт эмас, яъни таҳоратсиз киши яраға латта ўраса, ҳар қачон масҳ қилса, раводур, ярани ювиб латта боғламоқ шарт эмас. Ва яна муддати йўқдур, яъни яхши бўлмаса, бир боғлағон жабийрага неча кун масҳ қилса бўлур, тушмаги ҳам зиён қилмас ва масҳни бузмас. Агар кишининг таҳорати бўлса, жабийраси сиҳҳат бўлиб тушса, ўрнини ювсин. Аммо музаға масҳ қилғон бир музасини ечса, иккала оёғини ювмоқ вожибдур. Буларға хилоф йўқдур. «Абулмакорим»да айтур: «Жабийрани ярми ва ё озроғиға масҳ қилмоқ раво йўқдур». Фатво шунгадур. Бу масалаларни неча ваҳм бирла айтдим. Валлоҳу аълам.

МАҲСИГА МАСҲ ТОРТМОҚ ВА УНИНГ ҲУКМИ

«Ҳидоя»да ва яна нусхаларда айтур: «Аҳли сунна ва жамоат мазҳаби бирла маҳсиға масҳ қилмоқ жоиздур. Ҳар киши маҳсиға масҳ тортмоқни раво билмаса, аҳли гумроҳдур». Ул киши гумроҳ ва бидъат қилғувчи бўлса шийъага ўхшар. Бир ривоятда масҳ

тортқондин ювмоқни афзал дебдурлар. «Шамсуддин»да айтур: «Баъзи уламолар олдида масҳ қилмоқ оёғини ювғондин хўброқдур», лекин асаҳ ривоятда ювмоқ афзалдур, зероки амалнинг хўброғи машаққатлироғидир. Шайх ул-ислом «Қозихон»да айтур: «Ҳар киши маҳсига масҳ тортмоқни инкор қилса, Имом Кархий айтур, кофир бўлур. «Хизона»да ат-Тобийдин нақл қилурки, масҳни ният қилмоқ шартдур. Лекин «Ҳидоя» ва яна ўзга китобларда айтур: «Маҳсига таҳоратсиз киши ниятсиз ҳам масҳ қилса бўлур». «Садр уш-шариа»да айтур: «Масҳни ният қилмоқ шарт эмас, аммо ғусл вожиб бўлғон кишига масҳ тортса бўлмас». Масҳ дуруст бўлмоғининг шарти маҳсини туҳри том (тўлиқ таҳорат) бирла киймагидур. Масалан, бир одам оёғини ювиб маҳси кийса, сўнг таҳорат синдурмай ўзга аъзоға таҳорат олса, бизни имомлар олдида масҳ тортса раво бўлур. Ва яна «Кофий»да айтур: «Имом Шофеъий қавлида раво эрмас. Лекин оёғини ювиб маҳси кийса, қолган аъзоларифа таҳорат олмаса, таҳорат синдириб, ўзга таҳорат қилса жамиъи уламолар олдида масҳ анга раво эрмас». Ва яна китобларда айтур: «Таҳоратда бир оёғини ювиб маҳси кийса, яна бир оёғини ювса, бизни имомлар олдида масҳ раво бўлур». Фатво шунгадур. Имом Шофеъий қавлида раво эрмас. Бу тақводур. «Абдул Али»да айтур: «Масҳнинг дуруст бўлмоғи улки, ҳар нимарсаки икки оёғини ошиғигача ёпса ва яна шарти шуки, уч бармоқ сиғар тешиги бўлмаса. Икки бармоқ сиғарлик тешиги зарар қилмас». Имом Шофеъий қавлида бир бармоқ сиғар тешиги бўлса, масҳ раво бўлмас. «Абдул Али»да айтур: «Яна бир шарти ул ошиқни ёпқон нарса сафар-

га ярасин ва яна боғламайдиган бўлсин». «Мухтасари виқоя»да айтур: «Жўқайға масҳ раводур». «Абдул Али»да айтур: «Жўқай» дегани маҳси устига маҳси кийса ва ё бир терини маҳси устиға тортиб қўйса, анга масҳ раво бўлур». «Хулоса»да ҳам мундоғдур. Агар киши маҳси кийса, масҳ қилмай устига яна бир маҳси кийса, сўнггиси устиға масҳ раво бўлур. Аммо аввалғисиға масҳ тортса, иккинчисиға масҳ раво эрмас. Ва агар маҳси кийса, андин сўнг таҳорати синса, андин сўнг устиға жўқай кийса, ани устига масҳ раво эрмас. Ва ё жўқайнинг ичига қўл суқса, (сиғса) анга масҳ раво бўлмас. Агар маҳси устига икки жўқай кийса, масҳ тортса, андин сўнг бирини чиқарса, иккинчиға масҳ раво бўлур. Баъзи ривоятда иккаласини ҳам чиқариб, маҳсиға масҳ тортсин, дебдур. Бу ривоятлар «Хулоса»да ва «Абдул Али»дадур. Улуғ уламолар андоғ дебдурларки: «Жўқай ва маҳси кўн (тери)дин бўлсин ва агар бир оёғиға маҳси кийиб, бирови яланғоч бўлса, маҳсилик оёғиға масҳ раво бўлмас. Ва агар оёғи ошиғидин қуйиси йўқ бўлса, анда бутун оёғидаги маҳсига масҳ раводур». «Хулоса»да айтур: «Агар оёғини озроғи йўқ бўлса, соғ оёғига масҳ раво бўлмас. Аммо ул кесик оёғиға ҳам маҳси кийса, икковига ҳам раво бўлмас. Ва ё кесилгандин уч бармоқча ери бўлса, қолғон ерини ювсун ва масҳ раво бўлур. Аммо уч бармоқдин оз бўлса, масҳ раво эрмас». «Биржандий»да айтур: «Ҳар қачон бир оёқни ювмоқ фарз бўлса, яна бирини ҳам ювмоқ фарздур». Ва яна ўзга китобларда айтур: «Масҳни андоқ тортсинки, музани бошидин то соқиғача уч бармоқ бирла тортсин». Аммо соқидин оёғи бошиға қараб тортса (ҳам) раво бўлур.

Масҳни такрор қилмоқ бидъатдур. «Қозихон»да айтур: «Бармоқни қорни тегмаса раво бўлмас, аммо кафтни еткурмоқ лозим эмастур». Маҳсини масҳини миқдори уч бармоғининг ери (ўрни) ҳўл бўлса кифоя қилур. «Шарҳи «Виқоя»да айтур: «Захийра»дин нақл қилур: «Бармоқни учи бирла сувни кўп қилиб тортса раво бўлур». «Қозихон»да «Муҳит»дин нақл қилур ва яна «Хулоса»да айтур: «Агар бармоқни маҳсини устиға қўйса то тортмағунча раво бўлмас. Имом Муҳаммадни қавлида дуруст бўлур». Агар тақво қилса мунга амал қилмас, зероки хилофиядур. «Қозихон»да айтур: «Бир бармоқ, икки бармоқ бирла тортса раво бўлур. Ибҳом (бош бармоқ) бирла тортса раво бўлур. «Шарҳи «Виқоя»да айтур: «Агар (бир) бармоғи бирла масҳни ҳар оёғиға уч мартаба тортар, ҳар мартаба ҳўл қилиб ҳар оёғиға уч мартаба тортса бўлур. Ва ё беш бармоғи бирла тортса ҳам бўлур, балки афзалдур». Бу масалалар «Хулоса»дадур. Ва яна бармоқларининг ораси очиқ бўлсин ва яна «Абдул Али»да айтур: «Бармоқни қорни бирла тортсин». «Ҳидоя»да айтур: «Маҳсини устига масҳ қилмоқ вожибдур. Маҳсини орқасиға тортмоқ раво эрмас». Ва агар масҳ тортмоқни унутса, маҳсининг усти шабнам ва ёмғир бирла нам бўлса, масҳдин ҳисоб бўлур. «Шарҳи «Виқоя»да айтур: «Агар бошқа (алоҳида) масҳ қилмоқни унутса, ёмғир тегса ҳам ҳисоб бўлур». Бу асаҳ ривоятдир. Зероки, «Хизона»да айтур: «Масҳни қилмоқда ният шарт эмастур, аммо эҳтиёт яхшидур».

Муддати масҳ муқимга бир кеча-кундуз ва мусофирга уч кеча-кундуз таҳорат синғон вақтғача, яъни эрта билан маҳси кийса, пешинда таҳорати синса, эртаси пешинда масҳ тортса бўлур. Ва яна

ҳар нимарсаки, таҳоратни синдирса, масҳни ҳам синдирур. «Садр уш-шариа»да айтур: «Бир маҳсини ечса, икки оёғини ювмоқ вожиб бўлур». Ва агар бир оёғини кўпроғи ҳўл бўлса ҳам масҳ синар. Ва агар бир оёғиға сув кирса ва ул оёғининг ҳаммаси нам бўлса, масҳ бузилур. «Хулоса»да айтур: «Агар бир оёғини ювмоқдан ожиз келса, жароҳат бўлса, ул оёғиға масҳ тортиб, латта боғласа, андин сўнг соғ оёғини ювуб, маҳсини кийса, андин сўнг таҳорати синса, масҳ тортмоқ раво эрмас. Аммо латта ўраған жароҳатлиғ оёғиға ҳам маҳси кийса, масҳ тортса раво бўлур». «Салоти Масъудий»да айтур: «Жамиъи уламолар наздида оёғин ювмоқ фарздур». «Фатовойи кофий»да нақл қилур: «Имоми Аъзам қавлида агар пошнасининг кўпроғи маҳсидан чиқса, масҳ бузулур». Имом Муҳаммаднинг наздида оёқни ўрни жойида туриб, товони чиқиб-кириб юрса «Кофий»да айтур, бузулмас. «Шамсуддин»да айтур: «Жамиъи масҳ тортар еридин қадами тажовуз қилса, хилофсиз бузилур». «Ҳидоя»да айтур: «Қадамни кўпроғи чиқса ҳам бузилур». Бу асаҳ ривоятдур. Ва яна «Шамсуддин»да айтур: «Қадамнинг ярми чиқса ва ё уч бармоқча чиқса, буларға хилофдур, яъни бузулмас». Хилофни ёд қилдиқ. Агар маҳси ечмоқни ният қилмаған бўлса, ва агар ечмоқ кўнглида бўлмай, маҳси кенглиги сабабли чиқса, синмас. Ва яна масҳни синдиргучи буки, муддати ўтса. Ва яна «Садр уш-шариа»да айтур: «Агар кишининг таҳорати бўлса, масҳнинг муддати ўтса, (фақат) икки оёғини ювмоқ фарздур, аммо ўзга аъзоларин ювмоқ фарз эмастур». Имом Молик наздида таҳоратни қайтадин қилсин. Ҳар вақтеки имомлар орасида ихтилоф бўлған масалани қайта-

дин қилмоқ бизни имомларни олдида яхшидур. «Қозихон»да айтур: «Киши оёғиға масҳ тортса ва намоз ўқиб турғонда масҳнинг муддати ўтса, оёғ ювғани сув бўлмаса, ул намозини бузмасин. Агар намозни бузиб таяммум қилса, ул оёғиға фойда бўлмағай. Баъзилар: «Бузсин», дебдурлар. Аммо асаҳ қавл аввалғисидир. Ва лекин тақво шулки, аввал намозни тамом қилиб, сўнг таяммум бирла қайта ўқусун. «Салоти Масъудий»да айтур: «Муқим таҳорат бирла маҳсини кийса, муддати масҳи битмай мусофир бўлса, ани муддати уч кеча-кундуз бўлур, мусофирона масҳ тортар». «Фатовойи Кофий»да Имом Шофеъий наздида муқим мусофир бўлса, бир кеча-кундузин битирур, сўнг таҳорат қилиб мусофирона масҳ тортар». Фатво аввалғи ривоятғадур. Агар мусофир муддати масҳи битмай уйига келса, бир кеча-кундузни битириб, оёғини ювар. «Ҳидоя»да айтур: «Масҳни синдирғувчи нарсалардин бири маҳсининг йиртиғидур, агар оёғининг уч кичик бармоғи кўринса». Баъзилар айтурлар: «Қўлники мўътабардур». Имом Шофеъий наздида андак йиртиғи бўлса ҳам масҳ раво бўлмас. «Салоти Масъудий»да айтур: «Маҳсининг юзи йиртилса, астари бутун бўлиб теридин бўлса, анга масҳ раво бўлур ва агар бўздин бўлса, масҳ раво бўлмас. Ва агар маҳсини соқида (тепасида) йиртиғи бўлиб, ошиқдан қуйиси бутун бўлса ва ё икки қабат бўлиб, ички маҳси бутун бўлса, масҳ раво бўлур». «Шарҳи «Виқоя»да ва таҳи неча нусхаларда айтур: «Маҳсининг кўп жойида йиртиғи бўлса, ҳаммасини жам қилғонда уч бармоқ миқдори бўлса, масҳ раво бўлмас». Аммо икки маҳсининг йиртиғини бирга жам қилмайдурлар». Ва яна туҳри томни воқеасида зикр

бўлиб эрди, «Абдул Али»да айтур: «Агар киши маҳсини таҳорат бирла ёки ғусл бирла кийса, ани «туҳри том» дерлар. Аммо таяммум бирла кийса, анга масҳ раво бўлмас. «Фатовойи «Салоти Масъудий»да айтур: «Агар киши машкук (шубҳали) ё макруҳ сувға таҳорат қилиб, маҳси кийса, анга масҳ раво бўлмас». Агар жунуб ғусл қилиб маҳси кийса, сўнг хотириға келсаки оғзиға ва бурниға сув олмабдур, ул таҳорати синмасдин дарҳол оғзи-бурниға сув олса, масҳ раво бўлур. Агар таҳорати синса, сўнг оғзи-бурнига сув олса, масҳ раво бўлмас. Ва агар тўлуғ ғусл қилиб маҳси кийса, сўнг билсаки аъзосида қуруқ жойи қолибдур, ўшал жойни таҳорати синмасдин бурун ювса, масҳ раво бўлур. Аммо Имом Шофеъий наздида раво эрмас. Бу ривоят тақводур. Ўшал қуруқ жойини таҳорати сингандан сўнг ювса, иттифоқ бирла масҳ раво эрмасдур.

Эй азиз! Воқиф бўлки, аввалғи фаслда айтиб эрдим, ғусл вожиб бўлғонға масҳ раво бўлмас. Агар мусофирнинг таҳоратига етар суви бўлса, таҳорат қилиб, сўнг жунуб бўлса, таяммум қилғон бўлса ва яна таяммумининг вақти ўтса, яна таҳоратга етарли сув топса, анга таҳорат қилса, бу суратда масҳ раво бўлмагани «Хулоса»да ва «Кофий»да имомлардин нақл қилинур.

Агар истиҳоза кўрган хотин таҳорат қилиб маҳси кийса ва ул вақтда истиҳоза қони келиб турғон бўлса, масҳ қилса бўлур. Аммо таҳоратдин кейин бир намозни вақтини чиқариб маҳси кийса, масҳ жойиз эмас. Ва агар истиҳозанинг қони тийилғонда маҳси кийса ва таҳорати бўлса, буни туҳри том дерлар.

Эй азиз! Бу уммати танпарварларга маҳсига масҳни раво қилдилар. Ул олий жаноб фоний дунёдин дорул бақоға риҳлат қилур вақтларида **«Умматим»,**

деб кетдилар. Ва яна бош кўтарур вақтларида ҳам **«Умматим»,** деб бош кўтарурлар.

Назмий ҳикоят:

Бир ҳикоят айтайин сомеъ бўлинг,
Ҳар на берса ул Худо қонеъ бўлинг.
Қиёмат бўлса қолмас ҳеч зинда,
Худодин ўзга халқ бўлғуси мурда.
Худони амри бирла тўрт фаришта,
Тирик бўлғай самоу арз саришта.
Худо амр айлагай ул хосларға:
«Боринглар ул дўсти ихлосларга,
Хусусан ул Расулуллоҳга борғил,
Мени раҳматларимни анга айғил».
Фаришталар борур ул дам расулға,
Нидо қилғай расули жузви куллға!
«Аё Аҳмад – Муҳаммад! Тез турғил,
Бошингни равзадин боло кўтарғил.
Жамолингга бўлубтур жумла воло,
Аё Аҳмад, бошингни айла боло».
Муни эштиб Муҳаммад тез турғай,
Ки Жибрийли Амийн қўлини олғай,
Дегай: «Эй меҳрибоним, ёри жоним,
Бу умматларға бирён юрогим.
Мени умматларим ҳоли нечукдур?
Мени жоним алар бирла сучукдур.
Мени бағрим кабобу тўла қондур,
Ки уммат бўлмаса ҳолим ёмондур.
Яна билмасман, эй Жибрийли ҳодий,
Ки хурсанд бирла қилғайму мунодий».
Дегай Жибрил анда: «Ё Муҳаммад,
Ҳануз умматларингиз таҳти лаҳад».

Ёронлар бирла Жибрил Муҳаммадга йиғлар жумласи бисёру беҳад, кўзининг ёшиға дарёлар оқғай, ки ҳарён бир ариғдек сел оқғай. Аларнинг ўртасида ул Муҳаммад бошин ерга қўюб, айғайки:

«Кўтармасман бошимни ердин, эй Пок,
Эшитмағунча сўзни марҳаматнок,
Ки «Раҳмат айладим умматни», дерсан,
Ки андин сўнг бошимни кўтарурман».
Худойимдин нидо келғай ўшал ҳол:
«Раҳм қилдим, Муҳаммад, умматинг ол!»
Ки бу лутфу карамни эшитиб ул,
Бошини саждадин кўтаргай ул гул.

Эй азиз, билинглар ва огоҳ бўлинглар, анингдек икки дунёнинг офтоби ва осийларнинг пуштипаноҳи биз гумроҳлар учун мундоғ машаққатлар чексалар. Бизлар кеча-кундуз хоби ғафлат, гуноҳ ва залолат бирла анингдек раҳнамонинг қадру қийматларини билмасмиз. Қиёмат куни юзларини ўгурсалар нечук қилғаймиз! Илоҳо! Рўзи жазода ул Ҳабибингни аламидин (Ливоул ҳамд байроғидин) йироқ қилмағайсен. Ё Раббал-оламийн!

ПОК СУВ ВА ЛИБОС ПОКЛИГИНИНГ БАЁНИ

Эй биродар! Воқиф бўлинглар, намозда сувни ва либосни ва баданни пок қилмоқ фарздур. Жомага нажосат тегса, ул нажосат агар ғализа бўлса, миқдори тангадин зиёда бўлса, намози раво эрмас. «Ниҳоя»да айтур: «Нажосати ғализадин тангадин кам бўлса намозни фосид қилмас». Аммо Имом Шофеъий назди-

да тангадин кам бўлса ҳам намозни вайрон қилур. Масалан, чибин нажосатта қўниб, сўнг одамга қўнса зарар қилмас. Ё битнинг қони ҳам зарар қилмас. Имом Нахаъий наздида тангача бўлса ҳам намозни ман қилур. Оз бўлса раводур. Аммо «Кифояи шаъбий»да айтур: «Тангадин зиёди ман қилур. Миқдори танга бўлса раводур». Аммо тақво шулки, оз текса ҳам ювсин. «Шарҳи «Аврод»да ва «Виқоя»да айтур: «Тангани миқдори андоғдур — тангани вазнидек бўлса. Аммо суюқ нажосат (миқдори) одам кафтини ёзғонда сув турар ерини айтурлар». «Абулмакорим»да, «Абдул Али»да ва «Биржандий»да айтур: «Имом Сарахсий айтибдурлар, яъни танга деб ўз замонидаги подшоҳни сикка (зарб) урғон тангасин айтур». «Хизона»да улуғ шаҳарда юрадурғон тангани айтур. Фатво аввалгигадур. Аммо нажосати хафифадин касири фоҳиш бўлмаса, намозга зарар қилмас. «Касири фоҳиш» деб ҳар тарафи бир қаричдан бўлғонни айтурлар. Баъзилар ҳар тарафи бир газдан деб айтибдурлар. Аммо асаҳ ривоят шулки, либоснинг тўртдан бириға тегса намозни ман қилмас. Ва яна имомлар либосни хилоф қилибдурлар. Баъзилар либоснинг ҳаммаси бирдур, дебдурлар. Баъзилар иштонни бир либос дебдурлар ва баъзилар икки енгини икки либос, қолган ерини бир либос дерлар. «Жомеъ ул-басотин»да ва «Шамс ул-аимма»да саҳиҳ ривоят будур: «Этакнинг тўртдан бири ва жоманинг ўн олтидан бирига нажосати хафифа тегса, намозни ман қилмас, мундин зиёда бўлса, ман қилур». «Хулоса»да мухтор ривоят буки, маҳсининг тўртдан бирига нажосати хафифа тегса намозни ман қилур. Ва агар бир қўл ва ё бир оёғи ва ё юзига нажосати хафифа тегса, намозни ман қилур. Аммо камроқ тегса, зарари йўқдир.

НАЖОСАТИ ҒАЛИЗА ВА ХАФИФАНИНГ БАЁНИ

Эй азиз! Билгилки, одамнинг икки андомидин чиққон нимарсани нажосати ғализа дерлар. Лекин «Виқоя»да айтур: «Агар сийдиги игнани бошидек бўлса ва либосга сачраса, афв (маъзур) дебдурлар». Агар қудуққа тушса, Имом Жаъфарнинг наздида нажас қилур, ўзгаларнинг наздида нажас қилмас. Аммо эҳтиёт яхшидур. Имом Абу Юсуф айтур: «Агар сачраган сийдиги кўзга кўринса, ювсун». «Ниҳоя»да айтур: «Агар жам қилғонда миқдори тангача бўлса, ювсун». Агар истинжо қилғанда латта бирлан артса, андоми қуримай яна сийдик чиқса, баъзи имомларнинг наздида нажас бўлур, баъзиларнинг наздида нажас бўлмас, дебдурлар. Фатво кейингисигадур. Агар киши кетини кесак бирла пок қилғон бўлса, андин сўнг терласа, ул либосиға тегса, анга хилоф қилибдурлар. «Хулоса»да мухтор ривоятда нажас қилмас. «Абдул Али»да айтур: «Қон нажосати ғализадур, магар пашша ва балиғ қони нажас эмастур». «Хулоса»да айтур: «Ҳар жониворки сувда зиндалик қилса (яшаса), қони нажас эмастур. Аммо булар оз сувда ўлса, ул сув нажас бўлур, масалан, ўрдак ва ғоз. Яна «Абдул Али» ва «Биржандий»да айтур: «Забҳ қилғондин сўнг томирларидаги (қолган) қони ҳалолдур. Агар жароҳатдин сайлон қилмаса (оқмаса) нажас эмастур». Имом нажас дебдурлар. Ва яна шаҳиднинг қони нажас эмастур, ўз либосида турса, аммо жудо бўлса, нажасдур. Гўштнинг қони ҳалолдур. Ҳазрат Оиша розияллоҳу анҳо айтурлар: «Гоҳо гўштни қони бирла пиширур эрдим, Онҳазрат ман қилмас эрди-

лар». Бу масала «Салоти Масъудий»дадур. «Хизона»да айтур: «Юракнинг қони нажасдур, аммо жигарнинг қони ҳалолдур». Ва яна кананинг қони тангадин зиёда бўлса, нажасдур. «Хизона»да айтур: «Йифор (мушк) ҳалолдур». «Хулоса»да айтур: «Ароқ нажосати ғализадур». Баъзилар хафифа дебдурлар. «Шамсуддин»да фатво ғализағадур. Мухтордур. Масалан, буғдойнинг шираси маст қилса жамъи уламоларнинг наздида ҳаромдур, хоҳ қайнасин, хоҳ қайнамасин, хоҳ оз, хоҳ кўп бўлсин. Фатво шунгадур. Ва яна ҳар бир маст қилғувчи нарса хоҳ оз, хоҳ кўп бўлсин, иттифоқ бирла ҳаромдур. Ва яна агар ўйин бирла ичса, ҳаромдур». «Салоти Масъудий»да айтур: «Бир хумда арақ бўлса, бир нимарса тушиб сирка бўлса, фақиҳ Абул Лайс айтур: «Ул хумнинг оғзи маҳкам бўлса, бир ривоятда сирка ҳалолдур. Агар оғзи очиқ бўлса, ҳаромдур. Аввалғи сувратда сиркани олмоқчи бўлса, оғзидан олмасун, токи арақ вақтида теккан ерга тегса, ул сирка ҳаромдур. Аммо ул хумнинг тубини тешиб, бир нимарса қўйиб, андин тушириб олсун».

Баъзиларнинг қавлида қийматбаҳо тўнга арақ тегса, ювғонда кам баҳо бўлса, арақ теккан ерга сиркани сочсун, агар аччиқ таъм келса, ҳалол(пок)дур. Агар хумдаги нимарсага сирка тушиб сирка бўлса, ҳалолдур. Фатво шунгадур. «Қозихон»да айтур: «Агар (май хумида) арақ ўзи қайнаб кўпикланса, яна ўзи (тиниб, камайиб) сирка бўлса, ҳалолдир. Башарти хумнинг оғзи маҳкам бўлиб, (сирка) бир неча кун турса». «Салоти Масъудий»да айтур: «Ароқнинг ичиға сичқон тушиб ўлса, шишмай олиб ташласа, сўнг арақ сирка бўлса, баъзиларнинг наздида ҳалолдур ва баъзиларнинг наздида ҳаромдур. Агар шишган бўлса,

билиттифоқ ҳаромдур». Агар ҳаром сув узумнинг ширасига аралашган бўлса, сўнг (у арақ) сирка бўлса, ул сув арақ жинсидин бўлса, ҳалолдур. Агар арақ жинсидан бўлмаса, ҳаромдир. Агар бир қатра арақ сиркага томса, Хожа Абул Ҳасан айтур: «Олти ой ўтгунча ул сиркани ичмасун, зероки ул арақ олти ойда сирка бўлур». Имом Абу Юсуф наздида ул сиркадин арақнинг мазаси ё бўйи келмаса, ичса бўлур. Агар узумнинг уруғи чиқса, зарар қилмас. Агар сиркадин (арақнинг) мазаси ё бўйи келса, ҳаромдир. «Абдул Али»да айтур: «Хонаки парранданинг тезаги нажосати ғализадир. Ва агар ғоз ва ўрдак уйда парвариш топса, хонаки парранданинг ҳукмидадир».

Оби маний, мазий ва вадий нажосати ғализадир. Ва яна гўшти ейиладиган ҳайвонотнинг тезаги нажосати ғализа, гўшти ейилмайдиган ҳайвоннинг тезаги ва сийдиги (ҳам) нажосати ғализадир. Одамнинг икки андомидан қурт тушса, ғализадир. Абу Жаъфар заиф ривоятлардин нақл қилиб пок дебдурлар. «Хулоса»да дарранда ва паррандаларнинг тезаги хафифадир. «Шамсуддин»да айтур: «Асаҳ ривоятда нажасдир». Имом Муҳаммаднинг наздида ҳалолдир. Имом Аъзамнинг наздида ғализадир. Имом Абу Юсуфнинг наздида хафифадир. «Абдул Али»да «Музмарот»дин нақл қилур: «Фатво сувда Имом Аъзамнинг қавлларига, либосда Имом Абу Юсуфнинг қавлларига, хирмонда Имом Муҳаммад қавлларигадир. «Воқеот»да айтур: «Гўшти ейиладиган ҳайвоннинг сийдиги нажосати хафифадир». «Абдул Али»да айтур: «Агарчи хафифа ҳам бўлса, оз сувни нажас қилур». «Ҳидоя»да айтур: «Бухоронинг лойи нажас эрмас». «Хулоса»да қиёс бирла ҳалолдир, агарчандики нажас аралашса ҳам.

Лекин «Шамс ул-аимма»да бу масалани қилмабдур. Китоби «Биржандий»да айтур: «Мушукнинг сийдиги ҳаромдир». Аммо шоз (заиф) ривоятда ҳалолдир. Агар урғочи бўлса, билиттифоқ ҳаромдир. Сичқоннинг сийдигини баъзилар ҳалол дебдур ва баъзилар ҳаром дебдур. Зоҳир ривоятда ғализадир. «Хулоса»да ва «Қозихон»да айтур: «Сичқоннинг тезаги нажасдир». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Сийдиги саҳиҳ ривоятда нажасдир». Бу масалаларни «Салоти Масъудий»да таъйин қилибдур. «Хулоса»да айтур: «Бақанинг сийдиги ва тезаги нажас эмас». Аммо «Шамсуддин»да айтур: «Чўл бақасининг сийдиги ва тезаги сичқоннинг ҳукмидадир». «Абулмакорим»да айтур: «Одамнинг мўйи, пайи ва устихони ҳалолдир. Лекин буларни сотмоқ ва олмоқ мандур, аз баройи шарофат (шарифлиги, азизлиги учун)». Имом Муҳаммаднинг наздида мўйдин сотиб наф олса бўлур. Аммо аввалги ривоят саҳиҳдир. «Заҳирийя»да айтур: «Одамнинг устухони (суяги) ҳалол эмасдир». Фатво шунгадир. Қуруғон бўлса, Имом Шофеъийнинг наздида одамнинг сочи нажасдур. Ва яна «Шамсуддин»да Имом Муҳаммаддин ривоят қилурлар: «Одамнинг сочи танга қадаридан зиёда бўлса, намозни ман қилур». Аммо фатво ҳалоллиққадур. «Салоти Масъудий»да айтур: «Агар кишининг қулоғи кесилса, ул тушган қулоқ бирла намоз раво бўлғай». Имом Абу Юсуф Айюнийдин нақл қилибдурлар: «Агар одамнинг тиши бирла намоз ўқиса, Имом айтур: «Вазни тангадин зиёда бўлса, намозни вайрон қилур». Имом Абу Юсуф наздида кўп бўлса ҳам раводур. Ва агар ягона тишни ҳам Имом Муҳаммаднинг қавлидек дебдур. Ва яна (одамнинг) сарқити ва терисини ўзининг бобинда

баён қилиб эрдим. Ва яна хачирнинг ва эшакнинг сарқити машкукдир, агар либосиға тегса афвдур. «Ниҳоя»да дибоғат (терини ошлаш) бобинда айтур: «Аммо ўзи ўлган (ҳайвон)нинг устухони ва юнги ҳалолдир». Имом Шофеъий наздида, нажасдир. Имом Молик наздида, устухони нажасдир. Фатво ҳалоллиққадир. «Хулоса»да айтур: «Мурғ (қуш)нинг гўшти ва тухуми сувга тушса, ҳаром қилур». Баъзи мурғ чала тухум ташлар. Аммо қаттиғ бўлса, гўшти ҳалол, қушни тухуми ҳалолдур, гўшти ҳаром қушни, тухуми ҳаромдур. Агар сигир ва қўй ҳаром ўлса, эмчагидаги сути ҳалолдур. Имом Шофеъий наздида, ҳаромдур. Фатво ҳалоллиққадур. Ўзи ўлган мурғ (товуқ)нинг (ичидаги қаттиқ) тухуми ҳалолдур. «Салоти Масъудий»да айтур: «Агар тухум ичидаги жўжа ўлган бўлса, анинг бирла намоз ўқиб бўлмас, агар тирик бўлса, раво бўлур». Ва лекин одамнинг сути ҳалолдур, лекин, ичмаги раво эрмас. Эшакнинг сути бизни имомларнинг наздида либосға тегса, намозни ман қилмас, ичмак раво эрмас. «Тоторхоний»да айтур: «Эшакнинг сути ҳаромдур». «Салоти Масъудий»да ғализа дебдур. Итнинг арақи (тери), кўз ёши ва сути ҳаромдир. Ва агар сигир ё тева нажосатни кўп еса, анинг гўшти ва сути макруҳдир. Имом Муҳаммад наздида тери ҳам макруҳ бўлур. Аммо «Қозихон»да зоҳир ривоят, эшак ва хачирнинг териси ҳалолдир. Имом Ҳалвоий наздида сувға томса ҳаромдир, аммо либосида афвдур. Ва агар том устида нажосат бўлса, ул томдин чакка ўтса ва ё қаро уй намати ҳаром бўлса, андин чакка ўтса ва либосға тегса, ёмғир ёғиб турганда зарар қилмас, тинғондин сўнг томғони ҳаромдир. Бу ривоят «Хулоса»дадур. Ва агар шамол кўп

нажосат устидан ўтса, ул ерда бир ҳўл либос ёзиғлиғ бўлса, ул ел нажосатдин ўтиб анга тегса, Имом Ҳалвоий наздида либос нажас бўлур. «Ихтисори Хизона»да ҳам шулдур. Баъзи уламолар наздида нажас қилмас. Бу ривоят саҳиҳдур. Агар ит либосни ғазаб билан олса, нажас бўлмас, зероки аччиғ билан олғонда оғзида сув бўлмас. Либоси ҳўл бўлғонининг нишони булки, ушлаганда қўли ҳўл бўлса. Ва агар ит оғзининг дами билан либос ҳўл бўлса, нажас бўлур ва илло (оғзидан бошқа жойи либосға тегса) нажас бўлмас. Бу масала «Тоторхоний»дадур. «Фатовойи зийда»да айтур: «Агар киши оёғини ювса, яланг оёқ нажосат ерда юрса, асари (оёққа) тушмаса, нажас бўлмас. Босқонда ер лой бўлса, нажас бўлур. Ва агар оёқ қуруқ бўлса ва ул нажосатли ер ҳўл бўлса, ҳаром бўлур». «Фатовойи «Қозихон»да айтур: «Лойға ҳаром сомон қўшса, қуруса, намоз ўқиса бўлур».

ЖОЙ ПОКЛИГИНИНГ БАЁНИ

Билгилки, жамиъи уламолар иттифоқи бирлан жойни пок қилмоқ фарзи айндур. «Фатовойи «Қозихон»да айтур: «Нажосат қадамининг остида бўлса, шариат тангасидин зиёда бўлса, намози раво эрмас». «Салоти Масъудий»да айтур: «Ўлтурғон ва сажда қилғон ери пок бўлса, анинг атрофи нажас бўлса, намози дуруст бўлур, аммо макруҳдур». «Китоби кофий»да муфсидотнинг баёнида айтур: «Агар бошини саждага қўйса, ул ҳолда саждагоҳда нажосат кўрса, қайтадин ул саждани қазо қилсун». Имом Аъзам, Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммаднинг наздида қазо қилмасун. Ва агар нажосат қўлининг устида

бўлса, бу уч имомлар олдида раво бўлур. Имом Зуфарнинг олдида раво эрмас. Агар тиззанинг остида бўлса, Имом Зуфарнинг олдида мутлақан раво эрмас, бу имомлар олдида раводур. Имом Зуфар: «Икки тиззини ва қўлини қўймоқ намознинг рукнидур», дебдур ва ўзга имомлар: «Рукни эмас», дебдурлар. «Мунийя»да айтур: «Агар тиззасининг тагида нажас бўлса, Шамс ул-аимма қавлида дурустдур». Асаҳ қавл шулки, дуруст эрмас. Ва агар киши юпқа жойнамозни нажосатнинг устиға солиб ўқиса, раводур, агар ҳаддин зиёда юпқа бўлса, дуруст эрмас. Бу масала «Хулоса»дадур. Хўби шулки, жойнамози қалин бўлсин. Агар кавуш ва ё муза бирла нажосат устида намоз ўқиса, раво эрмас, лекин уларни ечиб, оёқ остига қўйиб ўқиса, дуруст бўлур. Аммо саждагоҳда нажас бўлса, енгини тўшаб, анга сажда қилса раво бўлмас. Ва агар киши одамнинг хавфидин кавушини намознинг бир рукни ўтгунча қўлиға олиб турса, намози раво эрмас. Аммо бир лаҳзада бузулмас. Бу масала «Хулоса»дадур. Агар пок жойда намоз ўқуса, андин нажосатлик ерга турса, агар ул нажосатли ерда бир рукнча турса, намози вайрон бўлур. Аммо нажосат тушган ҳамон ўзини пок ерга олса, «Қозихон»да айтур: «Намози бузилмас». «Абдул Али»да айтур: «Агар жоманинг астари ҳаром бўлса ва аврасининг устида намоз қилса, Имом Муҳаммад наздида раво бўлур, зероки иккови икки жомадур. Имом Абу Юсуф наздида раво эрмас, унингча бу иккови бир жомадур». Фатво шунгадурким, агар ул жомани бир-бирига тиккан бўлса ва қоплаган бўлса Имом Абу Юсуф қавлларига фатводур. Агар қопламаган бўлса, фатво Имом Муҳаммаднинг қавлларигадур,

икки жоманинг ҳукмидадир, бир қавати ҳалол ва бир қавати ҳаром. Ҳалол томонида ўқиса бўлур. Агар наматнинг бир тарафида нажас бўлса, бир тарафида ўқиса бўлур, ул намат ҳарчанд кичик бўлса ҳам. Баъзи имомларнинг қавлида бир тарафини ҳаракатга келтирса, яна бир тарафи ҳаракатга келмаса, андоқ наматнинг ҳалол тарафида ўқиса бўлур, агар кичик бўлса, раво бўлмас. Аммо фатво аввалги ривоятгадур. «Салоти Масъудий»да айтур: «Бир шишада ҳаром сув бўлса, анинг оғзи маҳкам бўлса, шишанинг оғзидаги нажосат ери тангадин оз бўлса, Имом Муҳаммад қавлида ул шиша билан намоз ўқиса бўлур». «Хулоса»да айтур: «Юрадурғон боланинг устида (кийимида) тангадин зиёда нажосат бўлса, ул нажосат била бола намоз ўтагувчининг тиззасига ўлтурса, раво бўлур. Ва агар сут эмувчи боланинг устида нажосат бўлса ва у намоз ўтагувчининг тиззасида бир рукн тамом бўлғунча ўлтурса, намози бузилур. Имом Муҳаммаднинг наздида бузилмас. Ва агар кабутарнинг устида нажосат бўлса, ул кабутар намоз ўқиғувчининг кифти (елкаси)га қўнса, анинг бирла намознинг бир рукни адо бўлса, раво бўлмас. Агар жома пок бўлиб, анда тангадек нажосат бўлса, турғонда бирбирига тегса, намознинг бир рукни ўтса, раво бўлмас. Агар (бир) киши(га) издиҳомда нажосат тушса ва ё бир одамнинг устиға тўнни солса, намознинг бир рукни тамом бўлғунча турса, намози раво эрмас. Агар кишининг жомасидан ўлик сичқон чиқса, миқдори тангадин зиёда бўлса, ул тўнини қайси куни кийган бўлса, ўша кундин бери ўқиган намозларини қазо қилсун. Агар тешиги сичқон киргудек бўлса, уч кеча-кундузги намозини қазо қилсин. Соҳибайн наз-

дида қачон кириб ўлганини билмаса, асло қазо қилмайдур. Агар кишини устида тирик кирпи ё илон, ё сичқон бўлса, анинг бирла намоз ўқиса, раво бўлур, аммо гуноҳкор бўлур. Ва яна ҳалол сарқит билан ўқиса, ул ҳам шул ҳукмдадур. Агар кучукни кўтариб намоз ўқиса, намози раво эмас. Агар илоннинг териси тангадин зиёда бўлса, ҳаром бўлур. Агар лойнинг суви пок, тупроғи нопок ё акси бўлса, ҳаром бўлур. «Шайбоний»да айтур: «Агар уйни ҳаром нимарса бирла ёпса, терласа, жомага тегса, ҳаром қилур». «Хулоса»да айтур: «Таннурни қиздирса, ҳаром латтани ҳўл қилиб тандирга сурса, таннур ҳўл бўлиб ўтнинг ҳарорати бирла қуриса, анга нон ёпса, ҳалол бўлур. Аммо қурумай ёпса, ҳаромдур». Агар тезак кул бўлса, Имом Абу Юсуфнинг наздида ул ҳаромдур. Имом Муҳаммаднинг наздида ҳалолдур. Фатво шунгадур. Агар туз конига эшак ё чўчқа тушиб, ўлиб, тузга айланса, ҳалолдур. Аммо тезаги ё кули ошга ё бир оз сувга тушса, ҳаром қилур. «Мунийя»да саҳиҳ ривоят будурки, ҳаром бўлғон ёғочни ўтқа ёқса, кули оз сувга тушса, мурдор қилур. «Салоти Масъудий»да итнинг устухони ва мўйи Имом Муҳаммад наздида ҳаромдур. Ва даги филнинг устухони ҳаромдур. Фатво будурки, филнинг устухони нажас эмас.

НАЖОСАТНИ ЮВМОҚНИНГ БАЁНИ

Эй азизлар! Билингларки, Имом Абу Юсуфнинг наздида нажосатни сув билан ва сувга ўхшаш нимарсалар билан ювса, пок бўлур. Имом Муҳаммад қавлида сувдин ўзга нимарса билан ювса, пок бўл-

мас. Имом Зуфарнинг наздида ва Имом Шофеъийнинг наздида ҳам шундоғдир. «Хулоса»да айтур: «Нажас икки қисмдур. Бири зоҳирий, мисли қон ва тезак. Бири махфий, мисли сийдик ва арақ. Аммо зоҳирий нажаснинг ўзини зойил қилса, ҳалол бўлур. Ва лекин асари кетмаги машаққат бўлса, зарар қилмас. Аммо Имом Абу Жаъфар айтур: «Асари зоҳир бўлса, яна икки (бор) ювсун». Фатво аввалғигадур. «Ниҳоя»да айтур: «Яна уч мартаба ювсун». Бу тақводорларнинг равишидур. Махфий нажосатни кўнгли гувоҳлик бергунча ювсун. Бу сўзлар «Хулоса»дадур. Аммо ўз қуввати етгунча сиқсин. «Қозихон»да ва «Абдул Али»да айтур: «Йиртилур деб қаттиқ сиқмаса, ҳалол бўлмас». Агар уч ювиб бир сиқса, раво бўлмас. Ҳар қачон жома пок бўлса, қўл ҳам пок бўлур. Агар ҳаром жомани сиққанда ҳалол жомага томса, ҳаром қилур. «Муҳит»да айтур: «Агар кишининг жомасиға арақ тегса, уч ювиб уч сиқса, иси келса ҳам баъзи уламоларнинг наздида ҳалолдур. Агар таъми бўлса, яна ювиб таъмини кеткузсун, зероки ул нопокнинг таъми ўзига далолат қилур». Агар жомага маний тегса, ҳўл бўлса, ани ювсун, агар қуруқ бўлса, ишқалаб кеткизсин — пок бўлур. Имом Аъзам айдилар: «Баданда бўлса (ишқалаш билан) пок бўлмас, то ювмагунча». «Хулоса»да айтур: «Манийни ишқалаб пок қилса, сўнг ул жомага ё жойга тоза сув тегса, нажас бўлмас». Лекин асаҳ ривоятда «Қозихон»да ва «Шамсуддин»да шулки, тоза сув тегса, авд қилур (яна нажас қилур). Бу ривоят ҳуваз зоҳирдур. Имоми Аъзамдин авд қилмоққа (яна нажас бўлишига) мухтор ривоят бордур. Аммо қуруқ маний ишқалаш била пок бўлур, дедик, шу шарт биланки, ис-

тинжои обий бирла (сув билан истинжо қилиб) ётса, ётмасидан бурун сийдик ё мазий чиқмаса. Аммо сийиб, истинжо қилмай хотунга ётса ё эҳтилом бўлса, бу сувратларда ишқалаш билан пок бўлмайди. Ва яна хотин кишининг манийси ишқалаш билан пок бўлмас, зероки ул суюқ бўлур. «Абдул Али»да айтур: «Агар жомага нажас тегса, анинг қайси ерига текканини билмаса, бир ерини қасд қилиб ювса, пок бўлур». «Хулоса»да фатво шунгадур. «Заҳирийя»да айтур: «Андоғ жоманинг ҳаммасини ювсун — эҳтиёт будур». Баъзилар айтур: «Шул ердур деб қасд қилсун». «Хулоса»да айтур: «Қасд қилмоқ шарт эрмас». Яна «Абдул Али»да айтур: «Сиқилмайдурғон нимарса идиш, қозон ва тоғорага ўхшаш нимарса ҳаром бўлса, уч мартаба қатрон қилсин, ҳар мартабада томғонини соф қилсун (қуритсин), пок бўлур». Абу Исҳоқ айтур: «Баданга нажосат тегса, қатрон қилмай уч мартаба ювса бўлур». «Заҳирийя»да айтур: «Янги сопол идишга арақ тегса, ани уч ювиб уч қурутса, пок бўлур. Аммо кўҳна сополни уч ювиб қатрон қилса бўлур. Янги сополга арақ тегса, уч ювиб уч қурутқондин сўнг анинг ичига сув тўлдуруб қўйсун. Ҳар қачон сув тағйир бўлмаса (ўзгармаса) пок бўлур ва агар тағйир топса, пок бўлмас». Фатво шунгадур. «Хулоса»да айтур: «Ғиштга нажас тегса, ул ғишт эски бўлса уч ювмоқ бирла пок бўлур. Янги бўлса, уч ювиб, уч қурутсин. Агар тошга нажосат тегса, тош ул нажосатни ўзига олса ва қуруса, «Қозихон»да айтур: «Ул ювғон ҳукмида бўлур. Ва агар ўзига олмаса, уч мартаба ювсун». «Ҳидоя»да ва улуғ нусхаларда айтур: «Ойна, шамшир ва корд (пичоқ)га нажас тегса, масҳ қилмоқ (тупроқ билан ишқамоқ) бирла

пок бўлур». Аммо «Муҳит»да айтур: «Буларга сийдик, қон ва ҳўл тезак тегса, Имоми Аъзам олдида ювмагунча пок бўлмас. Буларга қуруқ нажас тегса, Имоми Аъзам олдида масҳ қилмоқ бирла пок бўлур. Имом Муҳаммад наздида масҳ қилмоқ бирла пок бўлмас». Имом Кархий айтур: «Буларга хоҳ ҳўл ва хоҳ қуруқ нажосат тегса, масҳ билан пок бўлур». Фатво мунгадур. «Ҳидоя»да айтур: «Ҳар вақтки ерга нажас тегса, қуриб асари кетса, ул ерда намоз ўқиса бўлур, аммо таяммум қилиб бўлмас». Фатво шунгадур.

Имом Зуфар ва Имом Шофеъий наздида андоғ ерда намоз раво эрмас. «Ниҳоя»да бу масалани жудо қилиб: «Агар ердин нажосатнинг асари кетса, намоз раво бўлур», дебдур. Асари кеттани шулки, ул нажосат қурумоқ бирла бўйи ва ранги кетур. «Абдул Али»да айтур: «Нажосат тегса, қурумоқ бирла пок бўлур». Агар ул ерга яна сув тегса «Хулоса»да мухтор ривоят бирла ул ер яна нажас бўлур. «Кабирий»да асаҳ ривоят шулки, ҳаром бўлмас. Эҳтиёти ривоят «Хулоса»нинг қавлидур.

Ва агар ерга нажас тегса, қурумоғи кечроқ (қийинроқ) бўлса, уч мартаба сув солиб латта бирла сурса ва ё бир пора намад бирлан сурса, пок бўлур. Ва ё кўп сувни солиб сингдирса, пок бўлур, агар ул ер юмшоқ бўлса. Аммо қаттиғ бўлса, нажас теккан ерни ковлаб олиб тоза туфроқ солса, пок бўлур. Бу масала «Хулоса»дадур. «Биржандий»да айтур: «Нажосатли ерга сув солиб, (ерни) устидан бир газ (сув) узоққа оқузса, ҳалол бўлур». «Фатовойи «Қозихон»да айтур: «Ер нажосатли бўлса, ани, устиға туфроқ солса, ул туфроқдин нажосатнинг бўйи келмаса, устида намоз ўқуса бўлур, аммо бўйи келса,

намози дуруст эмастур». Ва агар хом ғиштга нажас тегса, ул ғиштни томға ишлатилмағон бўлса, қурумоқ бирла пок бўлмас. Аммо ерга тўшаган ва ё томға ишлатғон бўлса, қуруса пок бўлур. «Ниҳоя»да айтур: «Пишиқ ғиштни ерга тўшаган бўлса, анга нажосат тегиб қуруса, имомлар сўзи буки, ер ҳукмида бўлур. Агарчи ул ғиштни олиб ўзга ерга ўрнатса ҳам зарар қилмас. Ва агар бир тарафига нажас тегса, ул тарафи ерга қўйилса, намоз дуруст бўлур. Аммо нажосат тарафида ўқиб бўлмас». Агар дарахтга нажосат тегса, ул дарахтга ёмғир ёғса, пок бўлур. Ва агар ул дарахт ёки гиёҳ жойида турганда нажосат тегса, булар қуруса, ҳалол бўлур. «Хулоса»да фатво шунгадур. Агар кесилса, нажосат тегса, ювмоқ бирла пок бўлур. Ва агар бўрё (бўйра)ға нажосат тегса, ул нажосат қуруқ бўлса, ишқаласун. Агар ҳўл бўлса, ул бўрё устидин кўнгул гувоҳлик бергунча бир замон сув оқса, пок бўлур. Агар янги бўрёға нажосат тегса, уч ювиб уч қуруса пок бўлур. Агар бардий (бир турли дарахт)га нажосат тегса, Имом Муҳаммаднинг наздида асло пок бўлмас. Агар ул бардийни музага пошна қилса, ул пошна ҳаром бўлур. Имом Абу Юсуфнинг наздида ани уч марта ювса, ҳар мартабасида сиқса, пок бўлур. «Абдул Али»да ва неча китобларда айтур: «Агар намад нажосат бўлса, оқар сувға солиб бир кеча-кундуз анинг устидан сувни оқузса, пок бўлур». «Хулоса»да бу ривоят машҳурдир. Лекин «Кофий»да айтур: «Ул намаднинг устидин бир кун ё бир тун оқса, пок бўлур». «Шамс ул-аимма»да «Қозихон»дин нақл қилур: «Кофий»да бир тун деса ҳам бир куни бордир». Яна «Хулоса»да айтур: «Агар музаға қуюқ на-

жосат тегса, масалан, қон, маний ё тезак тегса, ани ерга суруб қурутса, нажосатнинг асари кетса, Шайхайн олдида пок бўлур. Имом Муҳаммад ҳам ани қабул қилибдурларки, манийдин ўзгани ишқалаб бўлмас». Ва яна бир ривоятда мақбулдур.

Агар муза (этик, маҳси ва ҳ.к.)га қуюқ нажосат тегса, ерга суриб пок қилса, яна ул музага сув тегса, «Абдул Али»да Қудурийдан нақл қилурки, яна нажас бўлур. Бу зоҳир ривоятдур. Анда ул музани уч ювиб, уч қатрон қилса, пок бўлур. «Заҳирийя»да айтур: «Музага суюқ нажосат тегса, ани уч ювиб уч қурутса, пок бўлур. Қуруғони шулки, музанинг ўзи қуриса ва ё ҳар ювғонда бир тоза латта билан сурса, пок бўлур». Садр ул-ислом олдида кўҳна музага қурумоқ шартдур, янги музага шарт эмас. Фатво шунгаким, музага қуюқ нажосат тегса, ерга суруб ранги ва бўйини кетказиб қурутса пок бўлур. Суюқ бўлса уч мартаба ювса, пок бўлур. Бу ривоят «Хулоса»дадур. «Ҳидоя» ва «Виқоя»да айтибдур: «Агар сийдик тегса, ювмоқ бирла пок бўлур». «Ҳидоя»да айтур: «Агар сийдикка туфроқни сочса ул сийдик қуюқ нажосат ҳукмида бўлур». «Шамс ул-аимма»да бу ривоят саҳиҳдур. Абу Жаъфар Ибн Фазлдин ва яна неча шайхдин зикр қилур: «Мундоғ нимарсаларни қурутмоқ ҳам шарт эрмас, аммо эҳтиёт қурутмоқдур». Худойи таоло Қуръонда хабар берур:

إِنَّ لِلْمُتَّقِينَ مَفَازًا

«**Албатта тақводор зотлар учун (жаннатда) нажот манзили бордур**» («Набаъ» сураси, 31-оят). Яъни: «**Ул дунёда қутулмоқ ва улуғ даража топмоқ тақводорларғадур**».

«Хулоса»да айтур: «Музанинг астари ҳаром бўлса — анинг ичига нажас тегса, ул музани ювса, андин сўнг ичига уч мартаба сув тўлдириб қатрон қилса, пок бўлур. Ё ул музани бир кеча-кундуз сувга боғлаб қўйса, пок бўлур. Агар Хуросон музасиға нажас тегса, ул муза андоғ бўлур эрмишки, анинг сирти ип бўлур. Агар андоғ музага нажас тегса уч ювуб, уч қурутса пок бўлур. Баъзилар айтур: «Қатрон қилсун». Бу ривоят асаҳдур. Аввалғи эҳтиётдур, тақво йўлида. «Қозихон»да айтур: «Агар темирни нажас сув бирла суғорса, Имом Муҳаммад олдида пок бўлмас. Имом Абу Юсуф олдида тоза сувга уч йўли суғорса пок бўлур, ҳар борасида темирни, совитуб, қайтадин қиздирса пок бўлур. Ва яна қайнаб турғон қозонга паррандалар тушиб ўлса, жами уламолар наздида шўрбосин ичиб бўлмас. Аммо қайнамай туруб тушуб ўлса, ул гўштни асло еб бўлмас. Аммо Имом Абу Юсуф уч мартаба тоза сувга қайнатиб еса бўлур, дебдур. Аммо мунга фатво йўқдур. «Қозихон»да андоғ тайин қилибдур: «Агар буғдой нажас ё арақ тушиб бирга қайнаса, асло ҳалол бўлмас. Арақ тегса, ул буғдойни уч ювиб уч қурутса, ҳалол бўлур». «Хулосаи фатово»да айтур: «Агар буғдой нажосатга тушуб тағйир топса (ўзгарса), (асло) пок бўлмас». Имом Абу Юсуф наздида уч ювиб уч қурутса, пок бўлур. «Салоти Масъудий»да айтур: «Қуюқ қатиққа (сузмага) нажосат тегса, теккан ерини олиб ташласа бўлур. Бузулмаган (суюқ) қатиққа тушган замон олмаса, ҳаром бўлур». «Хулоса»да айтур: «Тўниб турғон ёгга ит тегса ва ё нажосат тушса, теккан ерини ўйиб олиб ташласа пок бўлур. Тўнғани шулки, олинғон ери йиғилиб

текис бўлмағай. Шир (сут) ҳам бул ҳукмдадур. «Салоти Масъудий»да айтур: «Кўнни ҳаром ёғ билан ёғласа, ул кўн ул ёғни ўзига олса, ани ювмоқ била пок бўлмас. Аммо ани сувға солиб хўб тепса, андин сўнг уч ювуб, уч сиқса, пок бўлур, иншаАллоҳ».

ДИБОҒОТ (ТЕРИНИ ОШЛАШ)НИНГ БАЁНИ

Эй азиз! Огоҳ бўлғилки, ҳар тери ошланса, бизларни имомларни наздида пок бўлур, магар одамнинг ва тўнғузнинг териси пок бўлмас. Одамнинг териси шарофатликдин ва тўнғузнинг териси касофатликдин. Ва яна тўнғуз нажас ул-айндур (мутлақо нажасдур). «Ниҳоя»да айтур: «Имом Моликнинг наздида ўзи ўлган ҳайвоннинг териси ошлов бирла пок бўлмас ва яна андин фойда олиб бўлмас ва яна гўштини еб бўлмас».

Ҳайвонлар териси бизни имомларни наздида ошлов бирлан пок бўлур. Имом Шофеъий наздида итнинг териси ошлов бирла ҳалол бўлур. Бир ривоятда «Хулоса»да келибдур: «Тиши йиртадурғон ҳайвонлар териси ошлов бирлан пок бўлмас».

Аммо фатво шунгадурки, пок бўлур. Тақводор киймас. «Ҳидоя»да итни нажас ул-айн дебдур. Зоҳир ривоятда пок бўлмас. «Музмарот»да ва «Мабсут»да Шайх ул-ислом «Ниҳоя»дин нақл қилур: «Асаҳ ривоят буки, итни пўсти ошлов бирлан пок бўлмас. Аммо мўйи пок бўлур», дебдурлар. Имом Муҳаммад мўйи ҳам ҳаром, дедилар. «Шамсуддин»да «Ниҳоя»да айтур: «Ит сувға тушса, андин жомаға шариат тангасидин зиёда ҳўл тегса, ул жома билан намоз раво бўлмас».

Йилонни териси ҳаромдур, агарчи бўғузласа ҳам. Тангадин зиёда ёнида бўлса, намоз раво бўлмас. Лекин пардаси (ташлаган пўсти) ҳалолдур. Бу «Хулоса»да саҳиҳ ривоятдур. «Хизона»да айтур: «Ҳар йиртқучи ҳайвоннинг ё қушнинг териси ошлов бирла ҳалол бўлур». «Ҳидоя»да ва «Виқоя»да айтур: «Ўзи ўлган (йиртқич) ҳайвонлар териси ошлов бирла пок бўлур. Забҳ қилса териси ва гўшти пок бўлур, яъни емакка ҳаром бўлса ҳам, намозни анинг бирла ўқиса бўлур». «Шамсуддин»да «Туҳфа»дин саҳиҳ ривоят бирла нақл қилурки: «Агарчи ул ҳайвонотларни забҳ қилса ҳам гўшти оз сувға тушса ҳаром қилур». Аммо фатво аввалғи ривоятгадур. Ва яна гўшти ейилмайдурғон ҳайвонларнинг териси ошланмак била пок бўлур. Сўнг яна сув тегса, нажосатга айланмас. Аммо терини туфроқ ё офтоб билан қурутса, бизларни имомларни наздида ул тери пок бўлур. Андин наф олса бўлур. Аммо сув тегса яна нажосатга айланур.

Агар тулкини бўғузламай отса, терисини қурутмай сотса, раво эрмас, зероки қурутқони ошлов бергандек бўлур. Валлоҳу аълам биссавоб.

ЗАБОЙИҲ
(ҳайвонларни бўғизламоқ)
КИТОБИ

ҲАЙВОНОТНИ БЎҒУЗЛАМОҚ (СЎЙМОҚ) БАЁНИ

Биродарлар! Воқиф бўлингларки, ҳар киши мусулмон бўлса ё китобий бўлса, анинг забҳи (сўйган ҳайвони) ҳалолдур, агар «Бисмиллоҳ» деса. Аммо «Бисмиллоҳ»ни қасддан тарк қилса, мусулмон бўлса ҳам ҳаром бўлур. «Шарҳи «Виқоя»да ва ўзга китобларда айтур: «Агар мушрик ё мажусий сўйса, ҳаром бўлур». Ва яна «Бисмиллоҳ» ёдидан чиқиб айтмаса, бизни имомларни наздида ҳалолдур. Имом Шофеъий қавлида хоҳ қасддан, хоҳ саҳван «Бисмиллоҳ»ни тарк қилса ҳаром бўлур. Имом Молик қавлида бу сувратда ҳалол бўлур. Ва яна итни сайдга (овга) юборурда, сайдга ўқ отар вақтда «Бисмиллоҳ» демак фарздур, агар қасддан тарк қилса, ҳаром бўлур. «Шарҳи «Аврод»да «Янобеъ»дан нақл қилур: «Агар қўйни ётқизиб «Бисмиллоҳ» деса, андин сўнг бир ишга машғул бўлиб, сўнг келиб забҳ қилса, ҳаром бўлур. Агар сув ичса ё сўзласа, яъни кори саҳл (енгил иш) қилса, ҳаром бўлмас». «Кабирий»да айтур: «Агар қўйни ётқизиб «Бисмиллоҳ» деса, сўнг «Бисмиллоҳ»ни айтган кишидан ўзга одам сўйса, ҳаром бўлур». Ва яна «Шарҳи «Аврод»да «Таҳзиб»дин нақл қилур: «Забҳ қилғувчиға лозим будурки «Бисмиллоҳ»ни бўғузламоқда бевосита айтсун. «Бисмиллоҳ» билан забҳ орасида ўзга ишга машғул бўлмасун». «Абулмакорим»да «Қозихон»дин нақл қилур: «Агар киши «Бисмиллоҳ»ни айтса, андин сўнг сув ичса ва ё сўзласа ва ё қўлиға пичоқни олиб забҳ қилса ҳалолдур».

Киши бўлак ишга «Бисмиллоҳ» деб анинг бирла забҳ қилса, ҳаром бўлур, зероки муддаоси ўзга эрди.

Ва агар Худонинг исмига яна бир исмни атф қилиб айтса (қўшса), масалан «Муҳаммад» ё «Иброҳим» деса, забҳи ҳалол бўлмас. «Қозихон»да ва ўзга китобларда саҳиҳ ривоят будур. Аммо атф қилмай «Бисмиллоҳи Муҳаммад», деса ҳаром бўлмас, лекин макруҳ бўлур.

Забҳ қилмоқ икки қисмдур. Бирини ихтиёрий ва яна бирини изтирорий дерлар. Забҳи ихтиёрий буки, гарданидин бўғузласа, тўрт томири кесилса — аларнинг исми ҳалқумдур ва маръий ва вадажон. «Абулмакорим»да айтур: «Ҳалқум деб нафас олур томирни, маръий деб таом ва сув борур томурни, вадажон деб гарданнинг икки тарафидаги (икки) шоҳ томурни айтурлар». Агар бу томурнинг учи кесилиб, бири қолса ҳам ҳалолдур, зероки Имоми Аъзамга кўра аксар ҳукми куллдур. Аммо шарти булки, ҳалқум ва маръий ва вадажондан бири кесилса бўлур. Аммо гумонсиз булки, тўрти кесилса (яхшидур). «Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Агар (ҳалқумдаги) тугуннинг устидан забҳ қилса жоиз эмас». «Абулмакорим»да жоиз деган ривоят ҳам бордур. **Расули Худо айдилар: «Лийя бирла ҳалқни орасидан забҳ қилинглар, яъни энгакнинг остидан то ҳалқгача».** Ва яна ҳар нимарса ёки тез (ўткир) бўлса анинг билан забҳ қилсун ва ул нимарса мазкур бўлғон томурни қирқса ва қонини тўкса, раводур. Аммо тиш ва тирноқ бирла раво эрмас. Ва лекин тиш ва тирноқ тушган бўлса, анинг билан бўғузласа ҳам макруҳдур. Аммо Имом Шофеъий наздида ҳаром бўлур. «Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Хатна қилинмаган одам ва хотунлар ҳайвонни забҳ қилиб, томирларини қирқса, ҳалол бўлур. Ёш болалар забҳ қилса, «Бисмиллоҳ...»

деб томирларини қирқса, ҳалол». Ва яна гунгнинг забҳи ҳалолдур. Ва яна сигирни, қўйни забҳ қилмоқ ва уштур (туя)ни наҳр қилмоқ (кўкрагидан сўймоқ) керак. Уштурни аввал сийнадин (кўкрагидан) бўғузламоқ «Мухтасари «Виқоя»да мустаҳабдур, «Қозихон»да сунатдур, дейилган. Яна уштурни қўйдек бўғизласа, макруҳдур. Ва яна сигирни ва қўйни сийнасидин бўғузласа, макруҳдур, балки Имом Молик наздида ҳаромдур.

«Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Бўйинга яқин забҳ қилса, макруҳдур». Ва яна қўйни ётқузмасдан бурун пичоқни тез қилмоқ одобдур. Аммо ётқузиб қайраса, макруҳдур. Аммо қўйнинг жони чиқмасдан бурун терисини сўйса (шилса), макруҳдур. Ва яна фойдасиз нимарсалар қилиб ўлдурса, макруҳдур, яъни орқасидан бўғузласа ва ё жони чиқмай бошини кесмак ва ё жони борида пўстини олмоқ макруҳдур. «Шарҳи «Аврод»да «Сирожийя»дин нақл қилур: «Забҳ қилур ҳолда қўйнинг юзини қибла тарафга қилмоқ афзалдур. Агар андоғ қилмаса, макруҳдур». «Салоти Масъудий»да айтур: «Агар ҳайвонни бўғузласа, ул ҳайвон ҳаракат қилса ва қон чиқмаса, Имом Аъзам наздида ҳалолдур, зероки бир (турли) гиёҳ бор, ани еса қони чиқмас. Бу тажриба бўлғондур. Агар қўйни бўри ярадор қилса, ани бўғузлағонда қони чиқса, аммо қимирламаса, ани еб бўлмас, зероки ўлукдин ҳам қон чиқар. Баъзи ривоятда бўғузлағонда оёғин узатса, еб бўлмас ва агар кўзини юммаса, еб бўлур. Ва ё мўйларини тикка қилса, еб бўлур ва агар ётқузса, еб бўлмас ва қорни шишса, еб бўлмас, қорни паст бўлса, еб бўлур».

Бу масалалар уламонинг қавлидур.

«Ҳидоя»да айтур: «Қўйни забҳ қилса ва ё тевани наҳр қилса, анинг ичидан тамом етилган ўлук бола

чиқса, Имом Аъзам ва Имом Зуфар наздида (бола) ҳаром бўлур. Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад наздида онасининг забҳи билан боласи ҳалол бўлур. Имом Шофеъий наздида ҳам (боласини) еб бўлур. Аввалги эҳтиёт ва хўбдур. Агар боласи тирик чиқса, забҳ қилса, бегумон ҳалолдур. «Фусули имодий»да айтур: «Ҳар нимарсани Худо ризолиги учун, деб забҳ қилмоқ керак. Ва агар «фалон учун», деб сўйса, андоғ кишидан паноҳ тилармен, ани сўйгани ҳаромдур».

Ғариб ривоятда битибдурларки, агар кишига меҳмон келса, соҳиби хона молни «Худо учун», деб сўйса, кўп савоб топар. Қиёмат куни саргардон бўлғонда ул маркаб бўлғай, офтобга соя бўлур. Охирул амр ул сазовори раҳмат бўлғай.

Аммо баройи меҳмон (меҳмон учун) деб забҳ қилса, сўйгани ҳаром бўлғай. Эй азизлар! Огоҳ бўлингларки, бир неча нодонлар авлиё ва машойихлар учун деб қўйни сўярлар. Агарчи «Бисмиллоҳ» деса ҳам ҳаромдур. Забҳ қилғонлар кофир бўлур. Зинҳор бу афъолдин ўзларингни сақланглар, китобга мувофиқ амал қилинглар, бу сувратда забҳ қилиб ҳаром қилманглар. Азбаройи Худо (Худо учун) деб забҳ қилинглар, савоб ҳосил бўлур ва авлиё ва машойихлар хушнуд бўлғайлар. Зероки, авлиёнинг хурсандлиги шариат бирла бўлур.

«Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Ҳар вақтеки ҳайвонлар бўш бўлса, (қочиб кетса) ушлай билмаса, жароҳат билан ўлдириб еса бўлур». «Абулмакорим»да агар қўй бўш бўлса, шаҳарда бўлса, жароҳат била еб бўлмас, зероки ани шаҳарда тутуб бўлур. Аммо тева ва сигир бўш бўлса, тутолмаса, шаҳарда ҳам жароҳат қилиб еса бўлур. Бу масала «Китоби сайд»да

келур. Агар киши овға ўқ отса ва овини тирик ҳолда топса, забҳ қилсун. Лекин забҳ қилурға кучи етиб, забҳ қилмаса, ҳаром бўлур. Агар уйда кабутар асраса, ул кабутарни билсаки қайтиб келмайдур, ани жароҳат бирла еса бўлур. Агар қайтиб келар бўлса ва ё товуқ ва хўрозни ўқ билан отиб еса, ҳаром бўлур. Агар уйда оҳуни ё олқорни ўргатса, ани отиб еса бўлур. «Хулоса»да ва «Хизона»да ва «Салоти Масъудий»да айтур: «Агар қўйни ҳалқин (ҳалқумини) бўри ё йўлбарс чайнаса ва уч томурин қирқса ва шоҳ томурин бири узилса ва ё иккиси узилса, ўзга еридин жароҳат қилса, ҳаром бўлур, агарчи ул ҳайвон юрса ҳам». Фатво шунгадур. «Шарҳи «Аврод»да айтур, балки кўп китобларда нақл қилур ҳайвонотни бўғуз қони ҳаромлиғи оят бирла собитдур ва таҳи ҳайвонотларда олти нимарса макруҳдур, еб бўлмас. Улар: закари, унсаяйни (икки тухуми), олдинғи андоми ва ортқи андоми, бези, қовуғи ва заҳраси (ўти) макруҳдур. Агар қозонға бир қатра қон томса ҳаром бўлур. Агар ўти ё қовуғи қозонға тушуб қайнаса, ёрилмаса, зарар қилмас. Баъзи уламолар йўлунни[4] еб бўлмас, дебдурлар, зероки оби манийнинг чиқар жойидур. Андоқки, сийдик чиқар деб закари, олди андоми, ортқи андоми ва қовуғини еб бўлмас. «Хизона»да айтур: «Ҳар нимарсани заҳраси сийдигидекдур». Валлоҳу аълам биссавоб.

---

[4] Форсча «пуштмоза» дейилади (нашрга тайёрловчилар).

САЙД
(ов)
КИТОБИ

БУ КИТОБДА ЗАБҲ (БЎҒИЗЛАШ)НИ АЙТУР

Ул закоти ихтиёрийда (ихтиёрий сўйишда) «Бисмиллоҳ»ни забҳ қилурда айтмак фарз эрди. Аммо овға итни юборурда ё ўқни отар маҳалда «Бисмиллоҳ» демак фарздур. «Шарҳи «Виқоя»да айтур: «Тирноқ бирлан йиртқувчи ва тишлар билан йиртқувчи ҳайвонлар, яъни бургут, қарчиғай ва ит бирла ов қилсалар, муаллам (ўргатилган) бўлса, буларни (қўйиб) юборгувчи мусулмон бўлса ё китобий бўлса, алар «Бисмиллоҳ»ни айтса, ҳалол бўлур. Ва яна ҳалол бўлмоқнигш бир шарти буки, муаллам бўлғон итга муаллам бўлмаган ит қўшиб олмағон бўлса ва ё ул итга «Бисмиллоҳ» демаган одамнинг ити қўшилмаса ё юборган одам мушрик бўлмаса ва ё мажусий кофирнинг ити бўлмаса, яъни қўшилмаса ва ё ўзи якка юрган ит қўшулмаса, бу сувратда ҳалол бўлур. Аммо бу тариқа бўлмаса, ҳаромдур. Ва яна итни юборгандин сўнг кейинидан қолмаса. Ва яна бир жойда кўп хаёл қилиб (қолиб) овни ўлик топса, ҳаромдур. Муаллам қуш ва муаллам ит билан ов қилса бўлур. Аммо хонаки жониворларни итга ва қушга ов қилдириб ўлдирса, еб бўлмас. Ва агар жониворлар қудуққа тушса ва ё югура олмаса, ани жароҳат қилиб бўлмас. «Абулмакорим»да «Қозихон»дан нақл қилур: «Агар ҳайвонотға бир нимарса тегиб ичи пора бўлса ва сирти саломат бўлса ва шу сабабдан ўлса, ҳаром бўлур. Ва агар киши овға ўқ отса, анинг билан хаста бўлиб қолса, яна бир ўқ билан ўлдирса, еб бўлмас». «Шарҳи «Виқоя»да айтур: «Итнинг муаллам бўлғони улки, уч мартаба олғон овини емай келтириб эгасиға берса ва яна қуш чақирғонда келса, овни еса зарари

йўқдур. Агар ит тўртинчиси (яъни тўртинчи марта овлаган ов)ни еса, унинг ови ҳаромдир (яъни ит муаллам деб ҳисобланмас). Шу итнинг аввалғи овлаганлари уйда бўлса, ташласун, зероки итнинг жоҳиллиғи маълум бўлди. Ва яна то уч мартағача емай олиб бормагунча ҳалол бўлмас. Ва агар киши овға ўқ отса, ул сайд кўздин ғойиб бўлса, кейнидан қолмай ани ўлук топса, ҳалолдур. Ва агар ани талаб қилурда бир жойда кўп турса ва ё бир ишга машғул бўлса, сўнг ул овни ўлик топса, ҳаром бўлур. «Абулмакорим»да айтур: «У сайдни истеҳсонда кейнидин қолмай ўлук топса, еса бўлур. Қиёс бирла еб бўлмас, зероки эҳтимоли бордурки, ўзга важҳ билан ўлган бўлса». Агар сайдни тирик топса, забҳ қилсун. Кучи етиб забҳ қилмаса, ҳаром бўлур. Агар овни камалак бирла урса, ул сайд бежароҳат ўлса, ҳаром бўлур. Агар сайдға ўқ отганда ул сайд сувға тушса ва ё тоғдан йиқилса ва ё бир тез (ўткир учли) қамишдек нимарсанинг устига тушса ва ё найзадек нимарсага тушса, йиқилса, ҳаром бўлур. Зероки эҳтимоли бордурки, ўқдан ўлмай, аларнинг зарби бирлан ўлғон бўлса. Аммо ўқ тегиб, анинг сабаби бирлан ўлса, ҳалолдур. «Қозихон»да айтур: «Агар киши «Бисмиллоҳ» деб итни овға қўйса, ул ит ул овни олмай ўзга овни олса, ҳалол бўлур. Ва агар киши ўқ отса, ул бўлак овға тегса, андин ўтиб яна бир неча овға тегса, ҳаммаси ҳалолдур». Имом Молик наздида сўнгги ов ҳалол эрмас. Ва агар овни ўқ билан уриб хаста қилса, яна ўзга киши ўқ билан ўлдирса, ҳаром бўлур. Ва сўнгги мерган аввалги мерганга ул сайднинг баҳосини берур. Аммо аввалги ўқ тегиб, югуришдан қолмаса, сонийнинг (иккинчи кишининг) ҳаққи бўлур, ов

ҳалолдур. «Тоторхоний»да айтур: «Бир жониворни пари (пати) учун ё пўсти (териси) учун ов қилса, ҳаром бўлмас». «Канзул ибод»да айтур: «Итни юбориб ва ё ўқни отиб, сўнг «Бисмиллоҳ» деса, ҳалол бўлмас». Ва агар ўқни отса, ўқ ул сайднинг бир аъзосини узуб тушса, ул аъзони еб бўлмас. Қолғон аъзоси ҳалол бўлур. Агар балиқни ўзи бир сабаб билан ўлса, ҳалолдур. Бу масала «Туҳфат ул-мулук»да бордур. Валлоҳу аълам биссавоб.

МУТАФАРРАҚОТ

(турли хил масалалар)

КИТОБИ

БУ КИТОБДА ЖОНИВОРНИНГ ҲАЛОЛ ВА ҲАРОМЛИҒИНИ АЙТУР

Эй дарвиш(лар), билингларки, тиши бирлан йиртқувчи, масалан, тулки, бўри, шер ва мунга ўхшаш жониворлар ҳаромдур. Ва яна тирноқ бирлан йиртқувчи, масалан, лочин, бургут, миққий ва мунга ўхшаш жониворларнинг гўшти ҳаромдур. Ва яна уйдаги жониворлар, масалан, сичқон, кирпи, чаён ва мунга ўхшаш нимарсалар ҳаромдур. Эшакни ва хачирни ҳам ҳаром дерлар. Ва от Имом Аъзамнинг наздида ҳаромдур. Олақарға ва сувни ичидаги нимарсалар (балиқдан ўзгаси) ҳаромдур. Аммо балиқни ва човуртка (чигиртка)ни забҳ қилмаса ҳам (ҳалол) бўлур. Ва яна зиратгоҳда юриб дона ер (ейдиган) қарға ҳалолдур. Қуён ҳам ҳалолдур. Ва яна калхат ҳаромдур. Ва ҳар нимарсаики оқар қони бўлмаса, мисли занбур (ари), пашша ва мунга ўхшаш нимарсалар ҳаромдур. «Абулмакорим»да айтур: «Отни Имом Аъзамнинг наздида макруҳи таҳримий дебдурлар». «Ҳидоя»да саҳиҳ ривоятда Байҳақий «Кифоя»дан нақл қилур: «Имоми Аъзам дунёдан ўтарида уч кун бурун (отни) ҳаром деган қавлларидан қайтиб эдилар». Фатво шунгадур. Яна «Темуртоший»да айтур: «От Имом Аъзамнинг наздида макруҳи таҳримийдур». Имом Шофеъий ва Имом Абу Юсуф наздида макруҳ эмасдур, зероки бу икки имом Анас ибн Моликдан нақл қилурлар, айтибдурлар: «Муҳаммад алайҳиссаломнинг замонларида от гўштини ер эдик». Ва яна китобларда айтур: «Ул вақтда есалар ҳам соний (кейинчалик) ман бўлди» «Туҳфат ул-мулук»да айтур: «Қора қарға ҳаромдур. Магар дон еса ҳалолдур ва акка (ҳакка) макруҳдур. Имом Абу Юсуф ва баъзи имомлар олдида

қора қарға дон еса ҳам, нажас еса ҳам ҳаромдур. Ва баъзиларнинг наздида ҳалол дерлар.

Ҳикоят. Хожа Абу Ҳафси Кабир раҳматуллоҳи алайҳнинг пирлари ижозат бериб: «Бухороға бориб йўл кўрсатинг ва панду насиҳат қилинг», — дедилар. Хожа Абу Ҳафси Кабир хотинларига маслаҳат қилдилар. Заифалари айдиларки: «Ё Имом, аввал ҳеч нимарса эгасидан беижозат едингизму?» Хожа айди: «Норасидалик вақтимда бир куни оташпарастларнинг кўчасидан борур эрдим. Бир гандано (пиёзга ўхшаш кўкат) баргини олиб едим. Сени сўзинг билан ул гуноҳим ёдимга тушти». Хотини айди: «Эй Хожа, кишининг ҳаққи сизда бордур, сўзингиз халойиққа таъсир қилмас. Бу гуноҳингиз бирла шарм қилмасмусиз Бухорога бориб ваъз айтаман дегани?» Хожа бу сўзни эшитиб оташпарастнинг кўчасига югурди. Ёши кўзидин равона бўлди. Ул гандонинг эгасини топиб, онмиқдор ёлинди, ёлбордики, рози бўлгин деб, рози бўлмади. Хожа айди: «Эй биродар, ўша гандано барги учун бир танга берайин». Ул қабул қилмади. Охири Хожа: «Юз танга берай», деди. Анда ул кофир айди: «Эй Хожа, бу сўзни сенга ким айди?» Хожа: «Заифам айтди», деди. Кофир айди: «Мен ҳам бу кеча хотиним бирла машварат қилиб жавоб бераман», деди. Тарсо уйига бориб, хотинига бу сўзларни баён қилди. Хотуни «Бир барги гандано учун сендек кофирга мундоғ тавалло қилса, ани дини барҳақ экан. Ул Хожа яна эртага келса, ани динига кирайлик», — деди. Тарсонинг ҳам кўнгли мойил бўлди. Эртаси Хожа борди. Иковлари Хожанинг олдида иймон келтурди. Аларни кўруб хеш-таборлари ҳаммаси мусулмон бўлдилар.

Ҳикояти Ибни Мукаддар. Нақл қилурларки, бир куни намоз вақтида Ибни Мукаддар беҳуш бўлдилар.

Сўнг ўзларига келдилар. Муридлар савол қилдилар: «Эй раҳнамо, нима учун бу ҳолга тушдингиз?» Хожа айдилар: «Эй ёронлар, ёшлик ҳолимда бир боғнинг ёнидан ўтуб борар эрдим. Баногоҳ ул боғнинг гулидан исладим. Қиёмат куни Парвардигорим хитоб қилиб: «Эй, бандалик лофини урдинг, кишининг гулини берухсат ҳидладинг», — деса, нечук жавоб берурман», — дедилар.

Худонинг азоби бениҳоят шадиддур. Эй азизлар, огоҳ бўлинглар, алар бу феълдин шундоғ қўрқсалар, во ҳасратоки, бизлардек рўсиёҳлар ҳолига, дунёда амру наҳйини бажо қилмадик. Кеча ва кундуз кишининг молини едик. Қиёмат қойим бўлиб, анинг уқубатлари барпо бўлса, ул азобга тоғлар юнгдек бўлса, осмонлар пора-пора бўлса, дўзахни қиздирса, Худойи таоло қози бўлса, бизлардин савол сўраса, на жавоб берурмиз.

Ҳикояти Боязид Бистомий

Қариғон палласида шайхи Бистом,
Ўзидин соате кетти бир оқшом.
Ўзига келди эрса, айди асҳоб:
«Нағу бўлдунг мунингдек, эй дури ноб?»
Деди: «Болиғ бўлур ҳолатда бир роҳ,
Кўзумга бир жамила тушти ногоҳ.
Ёниб бориб дигар солдим нигоҳим,
Чиқиб эрди эсимдин ул гуноҳим.
Эсимга тушти ҳоло ул назора,
Юрогим бўлди қўрқуб пора-пора».
Муборак оғзидин кўп томди қони,
Ўшал хавф ила охир чиқти жони.
Мунингдек йиғласа андоғ неку рой,
Бизингдек рўсияҳнинг ҳолиға вой!

САЛОТ
(намоз)
КИТОБИ

Ҳамди беҳад ва санойи беадад ул Аҳади қадим вожибут таъзийм Худойи беҳамтоғаким, адам хористонидин вужуд гулистониға инсон гулин келтурди. Ва дуруди бешумор ул хотами расул Муҳаммад алайҳиссаломғаким, гуноҳкор умматлар учун бисёр машаққат кўрдилар, ота-онадин ва фарзанддин кечдилар.

Эй азизлар! Воқиф ва огоҳ бўлингларки, таҳоратга тааллуқли масалалар баён қилинди. Эмди намознинг масалаларини баён қилурмиз. ИншаАллоҳу таоло.

Намозни бир фарзи вақтида ўқимоқдур. «Ҳидоя»да ва «Ниҳоя»да айтур: «Бомдоднинг вақти субҳи содиқдан то офтоб чиққунча. Аммо субҳ икки қисмдур. Аввали субҳи козиб деган. Кун чиқишдан бир оқ нимарса чиқар. Саратон деган жониворнинг думиға ўхшар. Ул йўқ бўлиб кетур. Сўнг субҳи содиқ пайдо бўлур. Субҳи содиқ чиқиб, осмоннинг атрофиға ёзилур. Аввалғида (субҳи козибда) бомдоднинг вақти эрмас. Аммо бомдоднинг дохил бўлғони ва чиққониға имомлардин ихтилоф йўқдур. Ва пешин намозининг аввалғи вақтиға ҳам ихтилоф йўқтур. Анинг вақти офтоб қиёмдин қайтиб, ҳар нимарсанинг сояси сояи аслийдан бўлак, икки чандон бўлғунча, соҳибайн олдида. Ва яна Имоми Аъзамдин бир ривоятдурки, сояи аслийдин ўзга ҳар кимнинг сояси бир чандон бўлғунча. Имоми Аъзамнинг наздида бир чандон бўлғондин сўнг намози асрнинг вақти кирмас, аммо пешин қазо бўлур. То икки чандон бўлғунча бекор турар. Андин сўнг намози асрнинг вақти кирар. Аммо эҳтиёти тақво аввалғи бир чандонда ўқумоқ, иттифоқ ҳам шулдур ва фатво икки чандонғадур. Ҳар киши динни дўст тутса, бу масалаларни фаҳм қилсун.

Сояи аслий саратонда бир ярим қадамдур. Асадда икки ярим қадам, сунбулада уч ярим қадам, мезонда беш ярим қадам, ақрабда етти ярим қадам, қавсда тўққиз ярим, жадийда ўн ярим, далвда саккиз ярим, ҳутда олти ярим, ҳамалда тўрт ярим, саврда уч ярим, жавзода икки ярим қадамдур. «Фиқҳи Кайдоний»нинг шарҳларида бу тариқадур.

Бу сояи аслийки, мазкур бўлди, андин ўзга етти қадам бўлгунча мустаҳаб вақтидур ва яна етти қадамгача ўқуса бўлур, аммо макруҳдур. Ва яна сояи аслий тамом бўлуб, андин ўтса, пешиннинг вақти кирар. Ва яна ҳар одамнинг қадди етти қадам бўлур, икки чандон дегани сояи аслийдин ўзга икки мартаба етти қадам бўлур. Ул сояи аслийнинг нишони китобларда кўпдур. Яна сояи аслий икки чандон бўлгондин сўнг намози асрнинг вақти кирар, то офтоб ботгунча. Агар офтоб тағйир топқонда ўқиса, макруҳ бўлур. Имом Муҳаммад ва Имом Абу Юсуфнинг наздларида тушдаги соядин ўзга бир чандон бўлса, намози асрни вақти кирар. Лекин мунга фатво йўқдур, зероки «Ниҳоя»да икки чандонга фатво берибдур. «Салоти Масъудий»да саҳиҳ ривоят будур. Ҳар вақтики, офтоб ботса, бехилоф намози шомнинг вақти кирар. То шафақ ботгунча ўқуса бўлур. Бу ривоят Имоми Аъзам, Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммаддиндур. Ва Имом Шофеъий офтоб ботгондин (сўнг) уч ракат намоз ўқуғунча таъхир қилса, намози шом қазо бўлур, дебдур.

Муҳаммад алайҳиссаломга Жаброил алайҳиссалом икки мартаба намози шомга имом бўлдилар, кун ботқон ҳамон ўқур эрди. Агар таъхир қилмоқ раво бўлса, бирин илгари ва бирин кейин ўқур эрдилар. **Расул алайҳиссалом айдилар: «Намози шом-**

ни шафақ ботғунча ўқунглар, раво бўлур». Аммо кун ботқон ҳамон ўқуса, макруҳ бўлур. Ул сабабдин Жаброил алайҳиссалом таъхир қилмадилар».

«Ҳидоя»да ва «Ниҳоя»да ҳам шундоғдур. Ва яна Расул алайҳиссалом намози асрни кун ботурға яқин ўқимадилар.

Намози хуфтонни вақти шафақ ғойиб бўлса, беихтилоф хуфтон бўлур. Расул алайҳиссалом хуфтонни туннинг учдан биригача таъхир қилдилар. Аммо қизил шафақ ғойиб бўлса, яна бир оқ шафақ пайдо бўлур. Имоми Аъзам оқ шафақни айтур. Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад наздида бу қизил шафақдур. Бу икки имомлар Саййиди олам саллаллоҳу алайҳи васалламдин нақл қилурлар, Имоми Аъзам ҳам Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи васалламдин ривоят қилурлар. «Ҳидоя»да бу тариқадур. «Кофий»да айтур: «Имом Муҳаммад ва Имом Абу Юсуф Ҳазрати Умар ва Ибни Масъуддан ривоят қилурлар, Имоми Аъзам Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқдан ва Ҳазрати Оишадан ва Ҳазрати Аббосдан ривоят қилурлар». Аммо «Мухтасар ул-виқоя»да фатво Имом Муҳаммад ва Имом Абу Юсуфнинг қавлларига — қизил шафаққадур. Имоми Аъзамнинг оқ шафақ деганлари эҳтиёт ва тақводир. «Қиннийя»да айтур: «Агар маҳалланинг имоми хуфтонни қизил шафақ ботқон замони ўқиса, афзали улдурки, танҳо ўзи оқ шафақни ғойиб қилиб ўқисин». «Абулмакорим»да ҳам Имоми Аъзамдин ушбуни ривоят қилур. Лекин Имоми Аъзамнинг зоҳир ривоятлари оқ шафақдур. «Ниҳоя»да айтур: «Шафақ ғойиб бўлғондин то субҳи содиққача хуфтоннинг вақтидур». Бизни имомларни наздида мунга фатводур, Имом Шофеъий қавлида эса тун-

нинг учдан бири ўтса, қазо бўлур. Яна бир қавлда туннинг ярми ўтса, қазо бўлур. Агар мусофир бўлса, беихтилоф субҳи содиққадур. Имоми Шофеъийнинг далиллари буки, Жаброил алайҳиссалом бир неча мартаба Расули Худоға туннинг аввалғи учдан бирида имом бўлдилар. Бизни имомларни далиллари буки, **Саййиди олам: «Хуфтонни то бомдодғача ўқиса бўлур», – дедилар**. Ва яна Имоми Аъзамдин бир ривоят шулки, Жаброил алайҳиссалом туннинг охирғи учдан бирида имом бўлдилар. То бомдодғача ўқуса бўлур. Жамиъи китобларда шундоғдур.

Ва яна витрнинг вақти хуфтондин сўнг то бомдодғачадур беихтилоф. Валлоҳу аълам биссавоб.

НАМОЗНИНГ МУСТАҲАБ (ВАҚТ)ЛАРИ БАЁНИ

«Ҳидоя»да ва ўзга нусхаларда айтур: «Бомдоднинг мустаҳаб вақти шулки, осмоннинг атрофи ёруқ бўлғонда ўқумоқ ва лекин офтоб чиққунча қолмасин, балки шул миқдор таъхир қилсинки, тонг ёруғонда намози бомдодни фарзиға қирқ оятни тартил қилиб ўқуса, андин сўнг агар таҳорати бўлмаса, яна таҳорат қилиб қайтадин ўқуса, кун чиқмаса андоқ вақт мустаҳабдур». Аммо баъзи китобларда айтур: «Таҳорат синғони зоҳир бўлғондин кейин қайтадин хоҳ беш оят, хоҳ ўн оят ўқуб тамом қилғунча кун чиқмас бўлса, аввалғи бошлағон вақти мустаҳабдур». «Таҳовий»да айтур: «Агар бомдодни қоронғуда ўқиса, ҳазрат Имом Шофеъий наздида авлодур».

Пешинни қиш куни таъхир қилиб ўқуса, мустаҳабдур. «Ниҳоя»да ва «Хизона»да айтур: «Ихтилоф-

ли вақтда намоз ўқимоқ баъзи имомлар наздида дуруст бўлмас, баъзиларнинг наздида макруҳдир».

Эй азизлар, ҳар нечук бўлса ҳам намозни ихтилофли вақтда ўқиманглар.

Намози асрни аввалги вақтидин таъхир қилиб ўқиса мустаҳабдур. Аммо офтоб тағйир топса, макруҳ бўлур. Тағйир топгони шулки, кунни илитмаса. «Ҳидоя»да айтур: «Тағйир топгани – ерга бир найза ё икки найза яқин келганидур».

Шомни жамиъи уламолар наздида офтоб ботқон замон ўқуса, мустаҳабдур. «Ҳидоя»да: «Таъхир қилмоқ макруҳ», дебдур. Ва яна «Ҳидоя»да бир ривоятда намози шомни таъхир қилса бу сабабдин макруҳдурки, жуҳудларга мушобаҳа бўлур. «Ниҳоя»да бир далили шулки, бир куни Ҳазрати Умарнинг ўғиллари намози шомни ўқуб бўлуб эрди. Юлдуз чиқиб кўринди. Ул сабабдин бир қул озод қилдилар. Ҳазрати Умар шомни ўқимасдан илгари икки юлдуз кўринди. Икки қул озод қилдилар, тавба ва истиғфор қилдилар. Алар андоғ қилсалар, бизларнинг ҳолимизга во ҳасрато!

Ва яна хуфтонни мустаҳаб вақти оқ шафақни ботқонидан тунни учдан бири ўттунчадур. «Қозихон»да айтур: **«Хуфтонни қиш куни кечроқ ва ёз куни эртароқ ўқимоқ мустаҳабдир. Расул алайҳиссалом Маоз ибн Жабалга шундоғ дедилар».**

«Ниҳоя»да айтур: «Хуфтонни ёз куни эртароқ ўқимоқ бизларни имомларни наздида мустаҳабдур. Аммо тун ярмида ўқимоқ макруҳдир». «Ҳидоя»да айтур: «Тун ўртасиғача хуфтонни таъхир қилса мубоҳдур. Андоғ кишига макруҳ бўлурки, туннинг ярмида тура олмаслик хавфи бўлса».

Ҳикоят. «Салоти Масъудий»да айтур: «Меҳта-

ри олам айтибдурлар: «Дўзахда бир дарё бордур, бисёр ёмон жойдур. Агар киши хуфтонни ўқимай ётса, анда азобланур».

Агар киши тун ярмигача ўлтириб, сўнг ўқиса, жамоатдин қолса, гуноҳкор бўлур. Витрни мустаҳаб вақти, (агар) бедор бўлмоғига эътимоди бўлса, туннинг охирида ўқимоқдир. Эътимоди бўлмаса, хуфтондин сўнг ўқусун. Уламолар айтибдурлар: «Булут куни бомдод, шом ва пешинни кечроқ ўқимоқ авлодур, зероки вақтидан илгари ўқиса, намози раво эрмас. Намози асрни ва хуфтонни эртароқ ўқумоқ мустаҳабдур». Асрни эртароқ ўқишнинг важҳи буки, мабодо кун ботиб қолмасин. Хуфтонни эртароқ ўқишнинг важҳи буки, жамоатта халал етмасин. Ва яна «Ҳидоя»да Имоми Аъзамдин бир ривоят борки, булут куни ҳамма намозни таъхир қилса яхшидур, зероки вақти ўтган бўлса, қазодин ҳисоб топар. Ва агар вақти бўлмай ўқиса на қазо ва на адо бўлғай.

БАЪЗИ ВАҚТЛАРДА НАМОЗ РАВО БЎЛМАСЛИГИНИНГ БАЁНИ

«Шарҳи «Виқоя»да ва ўзга китобларда айтур: «Уч вақтда намозни, жаноза намозини ва саждаи тиловатни қилса, раво бўлмас. Аввали офтоб чиқар вақтида, бир найза-икки найза бўйи чиққунча. Яна бир ривоятда офтоб кўзни хира қилмағунча жаноза ўқимоқ раво эрмас. «Шарҳи «Виқоя»да айтур: «Агар кун ботардан илгари намози асрга шуруъ қилса, икки ракат ва ё бир ракат ўқуғонда кун ботса, намози раво бўлур, зероки ўзи нуқсон вақтида шуруъ қилиб эрди, адоси ҳам шундоғ бўлди. Агар бомдодни кун

чиқардан илгари бошласа, бир ракат ўқиғонда кун чиқса, намози вайрон бўлур, зероки комил вақтда бошлаб, ноқисда адо қилди». Мунга кўп далиллар бордур. Хўброғи буки, Имоми Аъзам ва жамиъи уламолар бирла шариатнинг йўлин андоғ ижтиҳод қилғондурлар. Раҳмати Худо аларга нозил бўлсун.

«Канзул ибод»да «Муҳит»дан нақл қилур: «Агар намози асрни кун ботардин илгари бошласа, бир ракат ё икки ракат ўқиғонда кун ботса, шул замон икки ракатни қазо қилиб ния́т қилса раво бўлур». Бул масалани кўрдум, шул замон уламоларидин сўрдум. Алар: «Ниятни кўнгул бирла қилсун, тил бирла айтмасун» дедилар. «Шарҳи «Аврод»да ва «Хулоса»да айтур: «Агар киши намози асрни бошласа, соҳиби тартиб бўлса, агар намози асрга узун қироат қилса, кунни ботурса, ёдида қазо бўлғани турса, намози асри раво бўлмас. Агар қисқа сура ўқимоқ бирла кун ботса, раво бўлур». «Нисоб ул-иҳтисоб»да имомат бобида айтур: «Намози асрни бошласа, бир ракат ё икки ракат ўқиғонда кун ботса ва қолғон ракатига яна биров иқтидо қилса, раво бўлмас». «Салоти Масъудий»да ва «Шарҳи «Аврод»да «Сирожийя»дин нақл қилур: «Соҳиби тартиб киши намози асрни ўқий деб турғонда пешиннинг қазоси ёдиға тушса, ул одам пешиннинг қазосини ўқиса, намози аср кун талашга қолғудек бўлса, аввал қазони ўқусун». «Кофий»да айтур: «Андоғ киши намози асрға шуруъ қилса ҳам, бузуб қазони ўқусун, сўнг макруҳ вақтида бўлса ҳам намози асрни ўқусун». «Ҳидоя»да машҳурдурки, жанозани ва саждаи тиловатни кун чиқар вақтида, тушда ва кун ботар вақтида тайёр бўлса, макруҳ эмас. Аммо уни ўша вақтғача асраса,

макруҳдур. «Ниҳоя»да айтур: «Агар киши кун ботарда нафлга шуруъ қилса, ани бузмоқ вожибдур, ўзга вақтда қазосини ўқусун». Ва яна ўзга китобларда айтур: «Бу уч вақтда аслан намоз макруҳдур, ўқуб бўлмас, магар шул куннинг намози асри раводур». Ва яна бомдоддин то кун чиққунча, намози асрдан шомгача, жумада имом хутбани ўқиб турганда, намози ийднинг хутбасида, намоз такбирини айттан вақтда нафл ўқумоқ макруҳдур. Соҳиби «Кофий» ва «Ҳидоя»да айтур: «Ийд куни ийд намозидин илгари нафл ўқиса, макруҳдур». Ва яна имомлардин нақл қилурки, Расул алайҳиссалом шунча намозга рағбатлари бор бўлуб туриб бу вақтларда намоз ўқимадилар. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар киши намози асрни беш ракат қилиб ўқиса, қаъдаи охирга ўтирса, яна бир ракатни қўшиб олти ракат қилсин, зероки намози асрдин сўнг нафл ўқимоқ макруҳдур. Саждаи саҳв ҳам қилмасун». Имом Муҳаммад айтурлар: «Яна бир ракат қўшсун». Фатво мунгадур, зероки бу ўз ихтиёри бирла эмастур, макруҳ бўлмас. Агар киши саҳар вақтида нафлга шуруъ қилса, бир ракат ўқиғонда тонг отса, яна бир ракат ўқисин. «Шарҳи «Аврод»да «Хонийя» дин нақл қилур: «Агар киши тун деб ўйлаб нафлга шуруъ қилса, кейин билсаки, бомдоднинг вақтидур, ул нафл бомдоднинг суннатидан ҳисоб бўлур». Аммо эҳтиёт бирла андин ҳисоб бўлмас.

Эй азиз! Намознинг ўз вақтларини баён қилдим, лекин гуноҳга тавба қилмоқ ҳамма вақтда жоиздур. **Меҳтари олам саллаллоҳу алайҳи васаллам айдилар: «Шитоб қилинглар намозга қазо бўлмасидан илгари ва шитоб қилинглар тавбага ўлим келмасидан илгари».**

Тавбани эрта қилмоқ аҳлуллоҳнинг ишидур. Ва тавбани қўймоқ жоҳиллар равишидур.

Эй азизлар! Билингларки ўлум доимо пешана устидадур. Аммо билиб бўлмас, қайси куни бошга тушадур. Бас, нечун дунёи бевафоға мағрур бўлуб, нафси бадкирдорнинг фармонини қилурсизлар!

Назм

Онамиз Оиша, Сиддиқи Акбар
Қизидир, ҳам эрур жуфти паямбар,
Алар айди: «Расули оламинни,
Дами охирларида Шоҳи динни
Муборак бошлари қўйнумда эрди,
Тазарру ҳалқаси бўйнумда эрди.
Кўрармен лабларини қилди жунбон,
Қилур деб на васият шоҳи инсон,
Юракда бовужуди дарди доғи
Ду олам халқининг кўрку яроғи.
Кўзум ёшини мен ул дам қуруттум,
Қулоғимни ул эр оғзиға туттум.
Эшитойин дедим менга на сўз дер,
Ки ул шоҳ: «Умматий, ё умматий», дер.
Ки деди «Умматий», бўлди мадҳуш,
Кўзини юмдиким, бўлди хомуш.
Емай тўйғунча дунё неъматини,
Тилаб доим гуноҳи умматини.
Ажаб сендин аё номард уммат!
Ётарсан туну кун бохоби ғафлат.
Тутуб жонинг била шаръини они,
Нега қилмассан ул эр буйруғини.
Намозу рўза қилмай, эй биродар,
Нечук шафқат тиларсен рўзи Маҳшар!

АЗОН ҲУКМИНИНГ БАЁНИ

Китобларда баён қилурки, фарз намозларга азон айтмак Расули Худони ҳадислари бирла суннатдур, ихтилоф йўқдур. «Фатовойи Қозихон»да айтур: «Азон айтмак Саййиди оламнинг суннатларидур ва яна ижмои умматдур. Агар шаҳарда азонни тарк қилса ва ё маҳаллада ва ё кентда тарк қилса, ҳоким таъзир берсун. Мунга бўлмаса бешафқат жазоласун».

«Ниҳоя»да Имом Муҳаммаддин нақл қилур, Имом Абу Юсуфдин ривоят: «Урсин, ўлдурсин», деб. «Виқоя»да айтур: «Фарз намозга вақтида азон айтмак суннатдур. Агар фарзни вақтидан илгари айтса, раво бўлмас. Ани қайта айтсун». Имом Абу Юсуф айтур: «Бомдод азонини тун ярмидан сўнг айтса, раводур». Азонни лаҳн ва таржеъ бирла айтмасун. Лаҳн бирла айтмак макруҳдур. «Лаҳн» деб ани айтурки, овозин нағма бирла чиқарса ва маддсиз ерга мадд қўйса. «Фатовойи Кофий»да айтур: «Бир киши Ҳазрати Умарни ўғилларига айди: «Эй Расули Худонинг ҳамнишини, жону дилим бирла сизни дўст тутарман». Алар айдилар: «Сен мени душманимдурсан». Ул айди: «Мени нима учун душман тутарсиз?» Алар айдилар: «Сен азонни лаҳн бирла айтурсан».

Қуръонни ҳам лаҳн бирла қироат қилмоқ қабоҳатдур. «Садр уш-шариъа»да айтур: «Лаҳн овозини нағмадин олғондур».

Эй биродарлар, нағма, бозий (ўйин), ханда ва қаҳқаҳа фосиқлар ишидур. Азони Муҳаммадий ва қироати Каломуллоҳда лаҳн ва нағма қилмоқ қабоҳатдур. «Шамсуддин»да айтур: «Нағма бехилоф ҳаромдур ва яна гуноҳи кабирадур ва ҳар ўйин-кулгу ҳаромдур».

Улуғ нусхаларда айтур: «Мусулмонларнинг муаззини мард, оқил, болиғ тақводор ва олим бўлмоғи суннатдур. Яна вақтни билгувчи, росттўй бўлса ва яна азонни ғалат қилмаса, зероки неча ерда мадд қилмоқ кўп хатодир. Масалан, «Аллоҳу Акбар»нинг алифига ва «бе» сига мадд тортса, кофир бўлур». «Кофий»да айтур: «Намозда, азонда ва ҳар жойда буларга (мадд қўйуб) айтса, қабоҳат бўлур». «Шарҳи «Виқоя»да айтур: «Азонни шу тариқа айтсунки, бир ҳарфи зиёда ё кам бўлмасун. Масалан «зер» «забар», «ташдид» ва «сокин»ларни зиёда ё кам қилмасин. Аммо буларни расо қилиб, сўнг овозини яхши қилса, савоб бўлур». Ва яна бомдоднинг азонида «Ҳаййа алал фалоҳ...»дан кейин икки марта «Ассолату хойрун минан навм» демак суннатдур. Такбир ҳам азондекдур, лекин азонни тартил билан, такбирни тез-тез айтур. Такбирни азондан пастроқ айтсин. Агар ярмин бир ерда ва ярмин бир ерда ёки ярмин бир нафас туриб айтса, раво бўлмас. Иода қилсун (қайтадан айтсин). Калималарни муқаддам охир қилса (такбир сўзларининг ўрнини алмаштирса) ҳам қайтадан айтсун. Қиблага қараб айтсун, бўлмаса макруҳ бўлур. Вақтики азон айтса «Ҳаййа алас-солат» деса, юзини ўнг тарафга ўгирсун ва «Ҳаййа алал-фалаҳ» деганда чапга ўгирсун. Ва яна «Шамсуддин»да айтур: «Сийнасини (кўкрагини) ўгурсун». «Садр уш-шариа»да айтур: «Агар киши мезана (азон айтадиган махсус жой)да азон айтса, ўнг-сўлдагилар эшитмаса, мезанада айланиб айтсун, яъни «Ҳаййа алассолат»ни бир тешикка қараб айтсун ва «Ҳаййа алалфалаҳ»ни бир тешикка қараб айтсун. «Шарҳи «Аврод»да «Муҳит»дан нақл қилур: «Баъзи имомларнинг наздида муаззин ўзи танҳо бўлса ва қавми бўлмаса,

мундоқ қилмасун». Лекин саҳиҳ ривоятда буки, танҳо бўлса ҳам ўгурсин, ҳаттоки янги таваллуд бўлғон боланинг қулоғига азон бўлса ҳам юзини (ўнг ва чапга) ўгурсин. Агар ўтириб азон айтса, макруҳдир. Ва яна тарки суннат бўлур. «Ниҳоя»да айтур: «Азонни минорада ё баланд жойда айтса яхшидур. Яна азон айттанда икки бармоғини икки қулоғига қўйсун». «Ҳидоя»да айтур: «Тасвиб ҳусндир». «Тасвиб» улки, бомдодда «Ассолату хойрун минан навм» демак яхшидур, аммо ўзга вақтда ани айтмак бидъатдур. Далили буки, Ҳазрати Али бир муаззинни кўрдилар — хуфтонда тасвиб айтур. Ҳазрат Али амр қилдилар: «Бу бидъатчини масжиддан ҳайдаб чиқаринглар», деб. Яна бир далили буки, бир саҳоба айтур: «Бир куни Ҳазрати Умарнинг ўғуллари бирла масжидга борур эрдим. Бир муаззин пешин азонига тасвиб айтур. Ҳазратнинг ўғуллари ғазабкор бўлиб айдилар: «Туринг, бу бидъатчининг олдида турмайлик». Ва яна меҳрибон бўлдилар: «Тасвибни Расули Худо бомдод азонига буюриб эдилар, ўзга намоздин ман қилиб эдилар». «Ниҳоя»да айтур: «Ҳар шаҳарда қавмни огоҳ қилмоқ учун муаззин йўталса ва ё «Ассолату, ассолату» деса ва «Қомат, қомат» деса, мунинг бирла қавм йиғилиб келур бўлса, уламои мутааххирин олдида жамиъи намозда тасвиб дурустдур». Ва тақи азон билан такбирнинг орасида тўрт ракат намоз ўқуғунча ўлтурсун. Аммо намози шомда уч тасбеҳ ва ё уч қисқа оят ўқуғунча турсун ё уч қадам босқунча турсун. Имоми Аъзам ва Имом Абу Юсуфнинг наздида озроқ ўлтуруб, такбир айтсин, масалан, икки хутба орасида ўлтурғунча (муддат) ўлтурсун. Ва яна муаззин такбир айтурда қавм ўлтурсун, «Ҳаййа алас-солат» деганда қавм турсун, «Қод қоматис-со-

лат» деганда намозга шуруъ қилсун. Бу масала «Виқоя»-дадур. Фатво (ҳам) шунгадур. Ва яна Шарҳи «Аврод»да «Таҳовий»дин нақл қилур: «Муаззин «Ҳаййа алал-фалаҳ» деганда қўпсун (турсин), «Қод қоматис солат» деганда шуруъ қилсун». (Бу) Имоми Аъзамнинг наздида(дур). Имом Абу Юсуфнинг наздида такбир тамом бўлғонда шуруъ қилсун. «Хулоса»да айтур: «Ҳаййа алас-солат»да турсун, «Қад қоматис-солат»да шуруъ қилсун. Асаҳ ривоят буки, «Абулмакорим» «Муҳит»дан нақл қилур: «Такбир тамом бўлғонда шуруъ қилса ҳам зарар қилмас. Агар имомнинг ўзи такбир айтса, имом бир сафдан ўтмаса, бузмасун. Қавм имоми муаззин «Ҳаййа алал-фалаҳ» деб такбир айтиб тургонда турмасун, магар «Қод қоматис-солат» деганда (турсун), хоҳ турғон жойда ва хоҳ бошқа жойда ўқусун. Агар муаззин имом ҳам бўлса, мундоғ қилур». «Қозихон»да айтур: «Азон айтиб турғонда ва такбирда юруб бўлмас». «Шарҳи «Аврод»да «Захийра»дин нақл қилур: «Агар биров азон айтса, ўзга киши такбир айтса бўлмас. Аммо азон айтган киши ул ерда ҳозир бўлмаса ё азон айттаннинг ўзи рухсат берса, дурустдур». «Фатовий»да айтур: «Агар такбир айтиб турганда келса, мунтазир бўлуб қоим (тик) турмасун, макруҳдир. Балки ўтуруб турсун. Ва агар бетаҳорат азон айтса, дуруст бўлур, аммо одобдан эрмас. Аммо такбирни бетаҳорат айтса, макруҳ бўлур. Лекин иккисини (ҳам) иода қилмагай (қайтариб айтмагай)лар». «Ҳидоя»да ва «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар девона ё маст киши азон айтса, қайтадин айтсун». «Ниҳоя»да айтур: «Хотунлар азон ва такбирни айтмасун, зероки аларнинг овози авратдур». Намозни (хотунлар) жамоатсиз ўқурлар. Агар норасида азон айтса, иода қилсун. Аммо

такбир ҳар ким айтса (ҳам) иода қилмасун. Такрори азон дуруст ва такрори такбир дуруст эрмас. Ва «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Қазо намоз учун азон ва такбир айтсун. Агар кўп намози қазо бўлган бўлса, аввалига азон ва такбир айтиб, қолғониға такбир айтса ҳам бўлур. Агар мусофир бўлса, азон ва такбир айтсун, аммо (фақат) такбир айтса ҳам бўлур. Ва лекин иккисини айтса яхшидур». Ва яна мусофир маркабнинг устида ҳар тарафга қараб азон айтса бўлур, аммо такбирни тушуб айтмак керак. Ва агар тушгани хавф қилса, маркабнинг устида ҳам айтса бўлур. Ва яна мусофир пиёда юриб азон айтса ҳам бўлур, лекин такбирни бир жойда (туруб) айтсун.

Эй азизлар! Мусофир ҳам азон ва такбирни бир жойда туруб айтса хўбдур. Баҳар ҳол (ҳарҳолда) мусофир азон ва такбирни тарк қилмағай.

«Ниҳоя»да «Мабсут»дин нақл қилур: **«Расули Худо айдилар: «Ҳар киши биёбонда азон ва такбирни айтса, машриқ ва мағрибдаги фаришталар жам бўлғайлар ва ул киши бирла намоз қилғайлар»**. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар кишининг уйи шаҳар ичида бўлса, азон ва такбирни айтмай ўқуса бўлур, маҳалланинг азон ва такбири кифоя бўлур. Ва лекин айттани хўбдур». «Ниҳоя»да айтур: «Шаҳарда, маҳаллада азон айтса, ўзга уйда беш-ўн одам жамоат бўлуб айтмай ўқуса бўлур. Фатво (шунга)дур, лекин Имом Абу Юсуф олдида гуноҳкор бўлур». «Фатовий»да Имом Кархий бир ривоятда айтибдурлар: «Агар жамоат бўлуб намоз ўқуса, азон ва такбир айтсун». «Садр уш-шариъа»да айтур: «Ҳар қишлоқда масжид бўлса, шаҳар ҳукмида бўлур. Аммо маҳаллада масжид бўлмаса, мусофир ҳукмида бў-

лур, азон ва такбирни тарк қилмасун». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар ҳар вақтики муаззин азон айтса сомеъ (эшитувчи) жавоб айтса, яъни муаззин нима айтса эшитгувчи (ҳам) ани айтсун, агарчандики жанобатдор (жунуб) бўлса ҳам. Агар киши бавлу ғойит (кичик ва катта ҳожат) қилиб ўлтургонда азон эшитилса, жавобин кўнгулда айтсун. Аммо нажосатдин фориғ бўлуб (чиққач) тил билан айтсун». Ва яна уламолар қавли: «Ҳаййа алас-солат» деганда сомеъ «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллоҳил азим» десун, «Ҳаййа алал-фалаҳ» деганда «Ма ша Аллоҳу кана ва ма лам яшаъ лам якун» десун ва яна «Ассолату хойрун миннан навм» деганда «Содақта ва барирта» десун, иккинчида (иккинчи марта «ассолату хойрун минан навм» деганда) «Аллоҳумма наббиҳна ан навматил ғофилийн» (Парвардигоро, бизларни ғофиллар уйқусидан уйғотгин) десун. Азон айтиб турғонда сўзламасун ва такбирда ҳам сўзламасун, жавобдин ўзгага машғул бўлмасун. **Расул алайҳиссалом айдилар: «Азоннинг жавобин тарк қилса, ўзига жафо қилур. Агар муаззиннинг айтганини айтса, сазовори раҳмат бўлур». Ва агар киши жавоб айтмаса, ўлар вақтида калима айтолмай, тили боғланғай. Ва агар такбир айтганда жавоб айтмаса Қиёмат куни маҳшаргоҳда сажда қилолмай шарманда бўлғай.** «Салоти Масъудий»да айтур: **«Расул алайҳиссалом айдилар: «Ҳар киши азон айтган (пайтда) сўзласа, иймони куяр деб қўрқармен».**

Ва агар Қуръон ўқуғонда азон эшитса агар уйда бўлса, Қуръонни қўюб, азонга жавоб берсун ва агар масжидда бўлса ўқий берсун. Бу «Шарҳи «Аврод» сўзидур. «Ниҳоя»да айтур: «Қуръонхон (Қуръон ўқиёт-

ган киши), азон айтилғонда хўби шулки, таваққуф қилсун. Агар ўз масжидининг азони бўлмаса, ўқий берсун. Агар ўзга масжидда азон айтса, ул қуръонхон уйида бўлса ҳам ўқий берсун. Аммо ўзга сўз айтмасун». «Салоти Масъудий»да айтур: «Бир киши ўзга масжид азонини эшитиб жавоб бериб турғонда ўз масжидида азон айтилса, аввалғи жавобни қўюб сўнггисига жавоб берсун, зероки сўнггиси вожибдур». «Шарҳи «Аврод»да ва неча нусхаларда айтур: «Агар киши масжидда бўлса, ул масжидда азон айтса, ул азоннинг жавоби вожиб эрмас». «Ниҳоя»да ва яна ўзга китобларда айтур: «Муаззин солиҳ ва муттақий одам бўлсун, зероки масалани билса азонни ҳам билур. Ва қавмлар муаззинни иззат қилсун, зероки азон улуғ зикрдур».

Расул алайҳиссалом айдилар: «Яхшиларингиз муаззинларингиздур». «Шайбоний» «Муҳит»дан нақл қилур: «Фосиқнинг азони макруҳдур». «Қозихон»да айтур: «Муаззин олим бўлмаса фитнага сабаб бўлур».

Илоҳо! Бу бечораларга инсофу тавфиқни рафиқ қилиб, дунёдин иймони бирла элтгайсан. Мен бечора котибга ҳам охирда иймон рўзи қилғайсан. Омийн ё Роббал оламийн!

АВРАТНИ ЁПМОҚ БАЁНИ

«Ҳидоя»да айтур: «Авратин ёпмоқ зану мардга (аёлу эркакка) фарзи айндур». Эркакнинг аврати Имоми Аъзам, Имом Муҳаммад ва Имом Абу Юсуфнинг наздида киндикдан тиззанинг остиғачадур. Имом Шофеъийнинг наздида икки тизза аврат эмасдур. Ва

яна ҳар хотуннинг бошидин оёғи авратдур. «Ҳидоя»-да айтур: «Хотуннинг икки қадами, кафти ва юзи аврат эмасдур». Асаҳ ривоят будур. Ва яна «Қозихон»да айтур: «Агар хотуннинг қадамидан тўртдан бири очилса, намози раво эрмас». Бу ривоят эҳтиётдур. Ва яна «Мунийя»да шундоғ айтур: «Ниҳоя»да икки қўлнинг ва кафтининг орқаси авратдур, дебдур. Аммо баъзи нусхаларда (қўлининг) орқаси кафтига тобе, дебдурлар». Ул хотунларики, бандаликка саъй қилса, хўби шулки, қўл-оёғини беркитиб намоз ўқусун, агарчандики аврат бўлмаса ҳам ёпмоқ суннатдур.

Чўрининг аврати ҳам эркакники кабидур. Аммо чўрининг орқаси ва қорни авратдур. Ва агар хотун ё эркак бир аъзосининг тўртдан бири намозда очилса, намози раво эрмас. Бу тариқадурки, хотуннинг сочи бир аъзодур ва ё қорни, ё сонининг тўртдан бири очилса, намози бузилур. «Ҳидоя»да айтур: «Сочининг ҳар ўрулғони бир авратдур». Саҳиҳ ривоятда «Хулоса»да ҳам асаҳдур. «Канз ул-ибод»да «Жомеъ ус-сағирхон»дин нақл қилур: «Икки андоми икки авратдур, закар бир авратдур, унсаяйни (икки тухум) бир авратдур». «Ҳидоя»да асаҳ ривоят шулдур. «Ниҳоя»да айтур: «Баъзи имомлар олдида тизза сонға тобедур, яъни тизза ва сони бир авратдур». Асаҳ ривоят аввалғидур, сўнгги эҳтиётдур. «Мунийя»да асаҳ ривоят шулки, хотунни бир қулоғининг тўртдан бири очилса, намози бузилур. «Шарҳи «Аврод»да «Бурҳонийя»дан нақл қилур ва «Китоби ҳаср»да айтур: «Агар аврати намозда очилса, ул замон ёпса, иттифоқ бирла дурустдур. Аммо бир рукнни аврати очуқ ўтаса, намози бузилур». Имом Абу Юсуф олдида ва Имом Муҳаммад олдида бузилмас. «Хулоса»да ва «Салоти

Масъудий»да айтур: «Хотунни эмчаги катта бўлса, ҳар бири бир авратдур, лекин ёпушуб турса (кичкина бўлса) сийнаси бирлан бир авратдур». «Шарҳи «Аврод»да «Сирожийя»дин нақл қилур: «Бир либослик одамнинг олдида бир бараҳна (яланғоч) одам бўлса, бараҳна одам намоз қилса бўлур. Агар андин тиласа, берса, кийиб ўқусун. Бараҳна киши намоз ичинда либос топса, намозини иода қилсун (қайтиб ўқусун). Асло либос топмаса, бараҳна ўқумоқ раво бўлур». «Ҳидоя»да айтур: «Бараҳна одам намозни ўлтуруб, рукуъ, сужудни имо бирла қилуб ўқусун, зероки **Расул алайҳиссалом айдилар: «Бараҳна одам туруб ўқуса ҳам бўлур, аммо хўброғи ўлтуруб ўқусун»**. «Ниҳоя»да айтур: «Бараҳна одам намозни ўлтуруб ўқур. Агар жомаси нажас бўлса, юварға сув топмаса, тўртдан бирининг озроғи тоҳир бўлса, ул жома бирла ўқуса бўлур». «Шарҳи «Аврод»да «Мафотиҳ»дан нақл қилур: «Бараҳна одам бирор нимарса топса, авратин ёпиб ўқусун, агарчи қовуннинг ва узумнинг япроғи ва ё ҳар гиёҳики авратин ёпса, албатта ёпиб ўқусун». «Сирожийя»да айтур: «Хотуннинг бир жомаси бўлса, турғонда соқи (болдири) кўрунса, ўлтуруб намоз ўқусун». Агар сочидан бир оз очилса ва соқидан бир оз очилса, жам бўлғонда бир аъзонинг тўртдан бирича бўлса, намози раво бўлмас. Агар хотуннинг кўйлаги юпқа бўлса, андин аъзолари кўрунса ё лунгисидан сони кўрунса, агарчандики қоронғу жойда ўқуса ҳам раво бўлмас. «Фатовойи ширъа»да айтур: «Агар хотуннинг жомаси танг бўлса, андин бадани кўрунса, Худонинг лаънатига гирифтор бўлур». Ва яна хотуннинг овози ҳам авратдур, махфий ўқусун. «Хизона»да ва «Ҳайрат

ул-фуқаҳо»да айтур: «Агар хотуннинг бегона эрга сўзи бўлса, дурушт (қўпол) сўзласун». «Хулоса»да айтур: «Бегона эркак салом берса, агар ажуза (кампир) бўлса, жаҳр (баланд овозда) жавоб берсун, агар жувон (ёш аёл) бўлса, махфий жавоб берсун». Ва яна ёш хотунга салом бермак макруҳдур. Салом ман бўлса, дунёнинг сўзи қачон раво бўлур. Ва яна «Хулоса»да ва «Шарҳи «Аврод»да **Расули Худодин нақл қилурлар: «Агар бегона хотун эркак бирла ҳазил қилса, ҳар сўзига минг йил дўзахда банд бўлгай. Агар ҳаром иш қилса, Шайтон бирла занжирлаб, дўзахга юборгайлар»**. Эй мўмин, жамиъи махлуқотдин Худони душман тутқони Шайтондур. Дўзахда қаттиқ азоб ангадур. Ани бирла бўлмоқ Қиёматда нима расволиғдур. «Шамс ул-аимма»да айтур: «Ёш хотуннинг юзига бешаҳват қараса бўлур». Ва яна айтурлар: «Бу масала илгариги замонда дуруст (эрди), аммо бу замонада фитна ва фасодга оид бўлур, шаҳватсиз юзига қараб бўлмас». Зероки, «Ниҳоя»да айтур: «Бизнинг замонда ёш хотуннинг эркаклар орасида юзини очмоғи мандур». Балки бир ривоятда юзни ҳам аврат дебдур. Фақиҳ Абул Лайс муни маъқул дебдур. Аммо шаҳват бирла бир бегона хотунни юзини кўрмоқ бешубҳа ҳаромдур. «Нисоб ул-иҳтисоб»да айтур: «Агар бола расида (ёш) бўлса, соқоли чиқмаса, хотундек бошдин аёғи авратдур, шаҳват бирла юзига қарамоқ ҳаромдур». «Кифояи Шаъбий»да айтур: «Бир уламо ўлди. Бир одам тушида ани кўрди: Анинг икки кўзи қаро, ҳоли харобдур. Сўрди: «Бул нечук ҳолдур?» Олим айди: «Тирикликда бир жувонни кўрдум, анинг юзига қарадим, бу сабабдин мундоғ азобга гирифтор бўлдум». Ва яна бир нақл бордурки, бир

кун Ҳазрати Умарнинг олдиға бир хушрўй бола келди. Алар туруб ичкари кириб кетдилар. Ул бола кетгандин сўнг чиқтилар. Ёронлар айдилар: «Бу ишни ўзингиз қилдингизму ё Ҳазрат айдиларму?» Айдилар: «Расули Акрамдин эшитдим, аларга назар қилмоқ ҳаромдур, зероки бир хотунда бир шайтон бордур, аммо амрад (ёш бола)да ўн саккиз шайтон бордур». Агар ёш бола толиби илм бўлса, ўзга вилоятга бориб ўқийман, деса отаси ман қилса бўлур.

Ҳикоят. Муҳаммад ибн Ҳасан кўп соҳибжамол эрдилар. Ўқурга келдилар. Ул сирожи уммат, яъни Имоми Аъзам ани олдиларига келтурмадилар. Устунни орқасида ўлтуруб, орқаларин аларга қилиб дарс айттилар, токим анга назарим тушуб гуноҳкор бўлмай деб.

Эй азиз! Ул диннинг чироғи мундоғ шарофат бирла кўздин мундоғ қўрқсалар, вой бар ҳоли сиз ва бизни ҳолимизгаки, бу гуноҳларни андак (арзимас) билурмиз.

Ва яна «Шамсуддин»да айтур: «Жувон (ёш) болага салом бермак ва назар қилмак бешаҳват бўлса, зарар қилмас, аммо кўрмагани хўбдур, зероки ул сирожи уммат ўз шогирдларига қарамадилар». «Хулоса»да айтур: «Эркак бегона хотун бирла мусофаҳа қилмоқ (қўл бериб кўришмоқ) ҳаромдур, агар кафтини кафтига қўйса ҳам ва ажуза (кампир) бўлса ҳам. Ва яна бегона хотун бирла холи ерда ўлтурмоқ ҳаромдур». «Шамсуддин»да айтур: «Андоғ қари бўлса, кўнгли эр тиламаса, дуруст дебдур». Ва яна бир ривоятда эркакнинг кўнгли ҳам хотун тиламаса, дурустдур. «Қиннийя»да айтур: «Хотун қари бўлса ҳам бемаҳрам сафар қилмасун». Ва яна қари хотун

ва қари эркак холи ерда ўлтурмасун. «Нисоб ул-иҳтисоб»да айтур: «Ҳур хотун ҳез одам ва ё ўз қули бирла сафар қилмасун». Ва яна қулни хотунининг олдиға киргизмоқ жоиз эмас, зероки андин фитналар пайдо бўлғай. «Шамсуддин»да айтур: «Ҳез қулни ичкарига хизмат қилдурмоқ ҳаромдур». «Тарғиб ус-солат»да **Расули Худодин нақл қилурлар: «Даюс асло беҳиштга кирмас».** Ва даюс андоғ кишидурки, хотуни ҳар ерга борурман, деса ва ё яхши либос кийиб юрарман, деса ва ё уйга кўча тарафдан дарича қўюб бер, деса, аларни эри қабул қилса, даюс ўшал эрдур. «Шарҳи Аврод»да айтур: «Эркакларга бузрукларни зиёрат қилмоқ мустаҳабдур». «Дурар ул-буҳур»да нақл қилур: «Хотунларга зиёрат ҳаромдур». «Кифояи шаъбий»да айтур: «Агар хотунлар мазорга чиқса етти қат осмон ва ердаги фаришталар лаънат қилурлар, ул лаънатга ғарқ бўлур». Ва яна «Нисоб ул-иҳтисоб»да айтур: «Бир хотун ўлукка бормаса ҳаж ва умранинг савобини топар».

Андоғдурки, Ҳазрати Ўмар бир одамга дучор бўлдилар, бир хотун бирла йўлда сўзлашур. Ани дарра урдилар. Ул айди: «Бул ўз хотунумдур». Ҳазрати Умар айдилар: «Эй хилофи шаръ қиладурғон! Агар ўз хотунунг бўлса уйингда қўйғил, муттаҳам бўлурсан!»

Вой биздек ҳамиятсиз ва пастларға, маҳраму номаҳрамни фарқ қилмасмиз!

«Тарғиб ус-солат»да айтур: «Агар киши хотунини тўй ва маъракаға юборса ва ё олиб борса, иккиси ҳам Худонинг лаънатига гирифтор бўлғай, Шайтоннинг бандига тушгай, андин ҳайвон яхшидур». Хотунлар азага боролмас. Буларга эри рухсат берса, иккиси гуноҳкор бўлур. Баъзи уламолар айтибдур:

«Хотун эри ё маҳрами бирла зиёратга борса бўлур». «Мухтасар»да айтур: «Ота-онасининг уйиға ҳар ҳафтада борса бўлур. Ва ўзга оға-инига ҳар йилда (бир марта) борса ман қилмасун». «Тарғиб ус-солат»да айтур: «Хотунининг ота-онаси бемор бўлса, аларнинг боқар кишиси бўлмаса, эри рухсат бермаса ҳам борса бўлур». Ё хотуннинг бировда пули бўлса, ё қарздор бўлса, ани берур-олур кишиси бўлмаса, зарурдин чиқса бўлур. Лекин аларга жаҳли келгандек сўзласун ва бир-бирига назар қилмасун. Ва яна хотунлар киндигидан тиззини остиғача бир-биридан беркитсин, агарчи қизи бўлса ҳам. Ва яна эр-хотун бир-бирининг авратини кўрса бўлур. Яна «Салоти Масъудий»да айтур: «Эр ва хотун бир-бирининг (авратини) кўрса бўлур, лекин одобдин эрмас». Ҳазрати Умарнинг ўғуллари айтур: «Эркак хотунин авратини кўрса бўлур». Ва яна хотуннинг зийнат ерини маҳрамлари кўрса бўлур. Зийнат ери бошидан то сийнагача ва тиззанинг қуйисидур. Бўлак ерин кўруб бўлмас. Ва тақи хотунлар кўрар ерни қўли бирла ушласа бўлур. Ёт хотуннинг қўлини, юзини ушламак раво эрмас. «Шамсуддин»да айтур: «Чўрини сотиб олурда ушламак раво эрмас». Ва яна эркаклар бир-бирини ушласа бўлур. Аммо кўрмас ерини бир қабат юпқа нимарсанинг устидин баъзининг наздида ушласа бўлур. Эҳтиёт буки, тарк қилсун. Ҳаммомдаги ходимлар ҳам қўлиға бир нимарса ўрамай ходими қилса ҳаромдур. «Салоти Масъудий»да айтур: «Тўрт яшар болани яланғоч кўруб бўлмас». Қози ҳукм қилурда ё гувоҳлик берурда кўрмак заруратдур, агарчи хатари шаҳват бўлса ҳам. Агар киши бир хотун олмоқчи бўлса ва ё бир чўри олмоқчи бўлса, мунда

қараса бўлур. Агар хотуннинг аврат ери жудо бўлса, бир оёғи ё бир қўли тушса баъзиларнинг наздида кўруб бўлур, баъзиларнинг наздида кўруб бўлмас. Агар эркакнинг закари ё унсаяйнлари (мояклари) жудо бўлса, анга қарамасун. Саҳиҳ ривоятда бу масала «Ниҳоя»дадур. Агар киши зери ноф (киндик ости туки)ни олса, анга ихтилофдур. Хотуннинг мурдасиға ҳам қараб бўлмас. «Қиннийя»да айтур: «Агар киши авратларида жароҳат бўлса, анинг иложини хотун билур бўлса, бир эркакка ўргатсун, агар ул билмаса ул хотуннинг эри бўлмаса, ани никоҳига киргизсун. Сўнг муолажа қилғай. Аммо никоҳ мумкин бўлмаса, ҳожатига яраша очсун. Агар хотунларнинг аврат ери жароҳат бўлса, ани эркак илож қилур бўлса, бир хотунга ўргатсун. Қари хотундек бўлуб кириб илож қилдирсун, ёш хотунга ўхшамасун». «Танбеҳ уз-золлин»да айтур: «Агар бир золим бир шаҳарга қилич яланғочлаб, бир дарвозадин кириб ҳар ким учраса ўлдуруб, яна бир дарвозадин чиқиб кетса ва яна бир хотун ўзига оро бериб, бир дарвозадин кириб, яна бир дарвозадин чиқиб кетса ул золимнинг гуноҳидин бу хотуннинг гуноҳи баланд (оғир)дур».

Хотун улдурки, бошдин оёғини номаҳрамга кўрсатмаса ва овозини эшиттурмаса, балки кафшининг овозини ҳам эшиттурмаса, ҳамсоялари гумон қилсаки, бу хотун тирикму ё ўлук». Ва яна эркак ҳам ғайратли бўлса, бирор одамга хотунининг жомасини (либосини) кўрсатмагай. Ўлганига рози бўлур, мунга рози бўлмас. Ғайратлик эрни бошиға осмонни қўйса ва косаи заҳар берса, тирноғиға ғаров (қамишнинг бир тури) югуртирса хотунини бировга кўрсаттандан кўра осонроқ ва яхшироқдур.

Назм:

Агар зангий бачадур, кўзлари кўр,
У ким мастура бўлса, бил ани ҳур.

Уйда ўлтирган қаро кўр хотун беҳтардур юзи офтоб кўчада юргандин. Агар номаҳрамдин парҳез қилса, чўри ҳам бўлса яхшидур, ул бежиҳат (бесабаб) кўчага чиқадурғон шайхзоданинг қизидин. Агар боодоб ва ширин сўзлук бўлса, анга жонни фидо қилса бўлур.

Назм:

Агар занни мунидек бўлса хишти,
Ани билгил бу дунёни биҳишти.
Диёнат истагудекни талаб қил,
Агар топилмаса, кунжида хаб қил.
Ёмон хотун шаётин қамчисидур,
Қўлинг боғлағучи арғамчисидур.

Эй биродарлар, бу замона кўб фитна ва фасодга айланибдур. Бир фирқа гумроҳлар пайдо бўлубтур, ҳийла-тазвир тухмини экиб, ўзлариға шайх ном қўюбдурлар. Неча авомлар: «Шайхимиз дам солсун», деб қиз, хотунларини олиб келурлар. Ул ноқис буларни ман қилмай ҳалқа олур.

Назм:

Йиғарлар пораи бўйни йўғонни,
Солурлар ўртаға қизу жувонни.

Бу ҳийла бирла мани авлиё десун, деб расво бўлурлар. Шайх Абул Ҳасан ўз рисолаларинда айтурлар: «Буларнинг бу феъллари Дажжолнинг фитнасидин зиёдадур. Оз вақтда Ҳазрати Исо чиқиб Даж-

жолни йўқ қилур. Буларни ҳеч ким йўқ қилолмас. Агар уламолар айтса ул беақлларнинг важҳи булки, мулло бирла авлиё зиддур, деган сабабни ул ишларига важҳ қилиб кўрсатадурлар. Бу важҳлари беҳудадур. Зероки (мулла ва авлиё) Худо ва расулнинг, саҳобаларнинг ва авлиёларнинг сўзин айтурлар. Балки, авлиёнинг равиши (йўл-йўриғи) қийиндур. Бир ривоятда ҳаром, юз ривоятда ҳалол деган нимарсани тақводорлар қилолмас. Валлоҳу аълам биссавоб.

ЛИБОС КИЙМАКНИНГ БАЁНИ

Аммо огоҳ бўлғилки, жоманинг фарзлиғи эркагу аёлга ҳалолдин бўлса ва яна миқдори буки, авратин ёпса ва яна совуқ ва иссиқни қайтарғудек бўлсун. «Кифояи шаъбий»да айтур: «Агар юз танга бериб бир жома олса, анинг тўқсон тўққузи ҳалол, бир тангаси ҳаром бўлса, анинг бирла намоз ўқуса, раво эрмас».

Либосинда ҳаром оғишта бўлса,
Ки ул оғиштаси бир ришта бўлса,
Ки ул тўн бирла ўткарган намози
Қабул эрмас, – деди ул Фахри Рози.

Ва яна «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Тоза (янги) либос киймак мубоҳдур, башарти такаббурлик бўлмаса, зероки кибр жамиъи уламолар наздида ҳаромдур». Ва яна ипак жома эркакларга ҳаромдур. Агар ўруши ип бўлса зарар қилмас, зероки ўруши кўриниб турар. «Шамсуддин»да айтур: «Ипак жомани яланғоч баданга киймак (эркакларга) макруҳдур». Саҳиҳ ривоятда буки, ипак тўнни киймагани хўбдур. «Нисоб улиҳтисоб»да айтур: «Ҳазрати Умар айдилар: «Ҳар ким

ипак жома кийса гўёки дўзах либосини кийибдур». Ипак тўн кийганга дарра урар эрдилар.

Ҳар киши ипак тўн кийса, анга кулуб қарамасун, балки иъроз қилғондек (юз ўгургандек) қилиб қарасун. «Қиннийя»да айтур: «Жомага ипакдан нишона қилса тўрт бармоқ миқдорича бўлса, дуруст». Баъзиларнинг наздида Ҳазрати Умарнинг бармоқларидур. Мундин қиёс қилурлар бир қаричча бўлса, рухсатдур. Баъзиларнинг наздида ҳар кишининг ўз бармоғичадур. Баъзиларнинг наздида ипакдан нишонанинг ўзи макруҳдур. Ва лекин фатво шунгадурки, тўрт бармоқча бўлса (жойиздур).

Макруҳнинг важҳи будурки, Ҳазрати Умарнинг ўғуллари дастор сотиб олдилар, анинг нишонаси ипак экан. Кўрган замон анинг кесдилар ва яна айдилар: «Агар либосга ипак аралаштирса парҳез қилинглар». **Расули Худо айдилар: «Ипак либос эркакка мандур, агарчи оз бўлса ҳам»**.

Аммо мубоҳ деган важҳи будурки, Умома Албоҳилий деган саҳоба Расули Худодин сўрди: «Бизларга ипак киймакни ман қилибсиз, на миқдори бизга ҳалолдур?» **Расули Худо айдилар: «Уч бармоқча ё тўрт бармоқча бўлса зарар қилмас»**. Тўрт бармоқ агарчи рухсат бўлса ҳам киймагани авлодур. Агар киши Ҳазрати Умар ўғулларининг айтганини қилса, оз бўлса ҳам парҳез қилсун, яъни ҳар ишда Худодин қўрқсун. Худодин қўрқмоқ ибодатларнинг бошидур. Агар киши ипакдин ёстиқ қилса, анинг устида ётмоқ Имомайни қошида макруҳдур, Имоми Аъзам наздида макруҳ эмасдур. «Садр уш-шариа» айтур: «Ич тўннинг (иштоннинг) боғичини ипакдан қилмоқ саҳиҳ ривоятда макруҳдур». Яна дўппи ипакдан бўлса макруҳдур.

Агарчанди салланинг остида турса ҳам. Ва яна кисса (чўнтак)ни ипакдан қилманг. Ипакдан тўшак (ҳам) макруҳдур. «Туҳфат ул-ахёр»да айтур: «Тилло тугмалик тўн ва тилло узук эркакка ҳаромдур». Лекин ипак жома хотунларга мубоҳдур, аммо ани киймагани хўбдур, зероки бир ривоятда наҳйи қилибдурлар. Ва яна «Садр уш-шариа»да айтур: «Норасида боланинг бошиға тиллодан дўппи кийгизмасун, макруҳдур». Ва аларга арақ ичурса ҳам макруҳдур. «Туҳфат ул-ахёр»да нақл қилур: «Олтун-кумуш коса ва олтун сурмадон эркак-аёлга ҳаромдур. Ва яна темурдан, биринж (бронза)дан ва мисдан эркак ва хотунлар асбоб қилмоғи ҳаромдур, масалан, узук, (билагузук)дек нимарса». «Абулмакорим»да айтур: «Эркаклар кумуш узук қилса бўлур». Муни ҳам қилмагани авлодур, зероки бу ҳам бир нав зийнатдур, ани тарк қилғони хўбдур. Аммо қози, ҳокимлар ва муфтийларга ҳожатдур.

Агар киши мис ва темирдан муҳр қилса ямондур. Муҳр қилғонни аҳли дўзах дебдурлар. Биринждан ҳам қилмасун. Агар узукнинг ҳалқаси кумуш, кўзи ақиқ бўлса, дурустдур. «Қиннийя»да айтур: «Шамширнинг балдоғи (ҳалқаси) темур бўлса, макруҳдур». Ва яна Расули Худо қизил жома киймакни ман қилдилар. Яна айдилар: «Қизил жома шайтоннинг зийнатидур». Ва яна сариғ жома ҳам макруҳ, дедилар. «Шамсуддин»да айтур: «Ҳар жома хилофи суннат бўлса, ани киймак макруҳдур». Мувофиқи суннат шулки, пахтадан ё юнгдан бўлса. Ва яна эркак жомасининг узунлиғи болдирининг ярмиға етсин. Ва яна енги бармоқларининг учига баробар бўлсун. Ва енгининг оғзи бир қарич бўлсун. Бўлмаса хилофи суннатдур.

«Туҳфат ул-ахёр»да айтур: «Расули Худонинг енг-

лари банди дастиғача эрди». Ва яна бир ривоятда бармоқларнинг боши бирла баробар эрди.

Ҳикоят. Бир куни Ҳазрати Али бир жома олдилар, анинг енглари узун. Ани қўл бандига қадар кесдилар. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Жоманинг қисқаси исрофдин йироқдур ва нажосатдин покдур». Ва яна эркаклар ич тўнни (иштонини) болдирининг ярмига баробар қилсун. Аммо хотунлар узун қилмоғи керак, яъни икки оёғини ёпсин. «Ширъа»да айтур: «Нақшлик жома киймак макруҳдур, хусусан, анда суврат бўлса». «Кофий»да айтур: «Ҳар киши сувратлиғ жома кийса, гўёки бутни кўтариб юргандек бўлур». «Ширъат ул-ислом»да айтур: «Тақводорлар ипак (ип) бирла жомани тикиб киймаслар». «Салоти Масъудий»да айтур: «Кўйлакнинг олдидан ёқа қилиб киймак эркакка айбдур, зероки Расули Худо ёмон дебдурлар».

Ва яна эркак киши хотун либосини кийса, ўзини хотинга ўхшатса ва ё аксини қилса, лаънатта гирифтор бўлур. Бу масала ҳам «Салоти Масъудий»дадур. Ва яна эркаклар узун жома киймасун. Ва яна «Ширъат ул-ислом»да айтур: «Ҳамма рангдан оқ ранг хўбдур». Ва яшил киймоқ Расули Худонинг суннатларидур ва қора мустаҳабдур. Ва яна кўйлак ва ич тўн киймак Расули Худонинг суннатидур ва хотунларга ҳам суннатдур, зероки жамиъи либосдин ул яхшироқдур. Аввал тариқа ич тўнни Иброҳим Халиллуллоҳ кийибдурлар. Ва яна жоманинг йиртиғини тикиб киймак ҳам суннатдур. «Туҳфат ул-ахёр»да айтур: «Ҳазрати Умар хилофотда ўлтурғонларида ямоқлиқ жома кийдилар, баъзи ямоқларига кун тегар эрди». Ва яна либосни ювмоқ суннатдур. Жомани ювуб кийса, ғамдан фориғ

бўлур. Ва яна либосни ҳам ўнг тарафдин кийсун, муза (этик, маҳси) ва ковушни ҳам ўнг тарафдин кийсун. Ва ҳаммасини чап тарафдан чиқарсун.

Ҳикоят. Ривоят қилурлар: «Бир кун Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳи баногоҳ чап оёқларин аввал кийдилар. Анинг каффоратиға бир курра буғдой садақа қилдилар. Курра – Самарқанд тошиға ўттиз беш ботмондур.

Бу ҳикоят сизу бизга панддур.

Ва яна бир пойин кийиб, бир пойин киймай юрмасун. Ва яна бир оёғига маҳси кийиб, бир оёғига киймай юрмасун. Ва яна елкасига рўмол ва ё ридо солиб юрмасун. Аммо ялангоёқ юрмак суннатдур – Худоға тавозуъ қилмоқ учун. Ва яна муза киймоқ ҳам суннатдур. Қаро бўлса, қизил муза киймасун, Фиръавннинг музаси қизил эрди ва Ҳомоннинг музаси оқ эрди. Муза ва жомани киярда аввал қоқуб, сўнг кийсун. **Расули Худо янги либос кийсалар кўҳна либосларини фақирларға берар эрдилар**. Ва яна жомани чиқариб (ечиб) қўйса ўраб қўйсун, бўлмаса жинлар баҳра олур. Ва яна либосини киярда «Бисмиллоҳ» деб кийсун ва яна ҳамду сано айтсун, яъни:

اَلْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي كَسَانِي هَذَا الثَّوبَ وَرَزَقَنِيهِ مِنْ غَيْرِ

حَوْلٍ مِنِّي وَلَاقُوَّةٍ

(Мана шу либосни кийгизган ва уни менга ўз тарафимдан ҳеч бир куч-қувватсиз насиб қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин), десун. Хабарда андоқ келибдурки, ҳар киши жома кийса ва бу ҳамдни охириғача ўқуса, гуноҳларини афв қилғай. Ва яна таом еб бўлғондин сўнг ушбу ҳамдни ўқуса:

ا لْحَمدُ لِلّٰهِ ا لَّذِي أَطْعَمَنِي هَذَا وَرَزَقَنِيهِ مِنْ غَيْرِ

حَوْلٍ مِنِّي وَلاَقُوَّةٍ

(Мен томондан ҳеч қандай куч-қувватсиз менга бу таомни едирган ва шу билан ризқлантирган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин), аввалги ва сўнгги гуноҳини ярлақар.

Нақлдурки, «Туҳфат ул-ахёр»да айтур: «Расул алайҳиссалом тўшаклари кўндин эрди ва пахта ўрниға хурмонинг пўстини солғон эрдилар, узунлиги икки газ, эни бир газ эрди. Бир гиламчалари бор эрди, ҳар ерга борсалар ани олиб борур, гоҳо бўрёнинг устиға ўлтурур эрдилар. Умматларининг арзин Худога ихтиёр қилиб айтар эрдилар. Ва яна дастор ўрамоқ суннат ва ани боғламоқда ўн суннат бордур:

Аввали, ул оқ бўлсун. «Ширъат ул-ислом»да айтур: «Расули Худо қаро салла ўрадилар. Ҳаммадан оқи хўброқдур, (оқ матони) кафан қилинглар. Тириклар (ҳам) оқдан либос кийсунлар. Бул сабабдан оқи афзалдур». Ва яна Расул алайҳиссалом оқ жомаға кўпроқ савоб (бор деб) айдилар.

Иккинчиси, салла узун бўлсун, токи ҳар ўрағонда (бир) неча савоб ҳосил бўлур.

Учинчиси, катта бўлсун, токи кафанға кифоя қилсун.

Ва яна иссиқ ва совуқни даф қилғудек бўлсун. Ва яна Расули Худо ҳафта(нинг бошқа) кунлари етти газ боғлар эрдилар ва жума ва ийд кунлари ўн икки газ боғлар эрдилар. Ва лекин етти газдин кам бўлса, суннат бажо бўлмас. Ва яна йигирма тўрт бармоқни бир газ дерлар. Магар уламолар жомасин кенг, дароз ва узун қилса хўбдур.

Тўртинчи, таҳорат бирла ўрасун.

Бешинчи, Қиблага қарасун.

Олтинчи, ҳар ўрағонда бир салавот айтсун.

Еттинчи, туруб ўрасун, ўлтуруб ўрамоқ фақирлик келтирур. Хабарда айтур: «Ич тўнни (иштонни) туруб кийса фақирлик келтирур».

Саккизинчи, ечарда аввалғи ўрағон ердин ечсун, ерга бир қўюб олсун.

Тўққизинчи, саллани ўрағондан сўнг ойнага ё сувға қарасун, кам ва косини рост қилсун.

Ўнинчи, салла остидан фаш қўйсун. «Туҳфа»да айтур: «Фаш қўймоқ суннати муаккададур, кўп савоб топар, қўймаса азобга гирифтор бўлур». **Расули Худо айтурлар: «Салла билан ўқулган икки ракат намоз бесалла ўқулгон етмиш ракат намоздан афзалдур».** Ва яна ҳадисда айтурлар: «**Фаш қўюнглар, Шайтонға ўхшаманглар».**

Нақлдурки, Расули Худо Бадрнинг урушида ҳоллари қаттиғ бўлди. Худойи табарока ва таоло ҳабибининг мададиға минг фаришта юборди, ҳаммалари салла ўрағон, икки кифт (елкалари) ўртасидан фаш қўйғондурлар. **Сўнг саҳобаларга Ҳазрат Расулуллоҳ фармон қилдилар: «Ҳар ким салла ўраб фаш қўйса, фаришталар ва пайғамбарларга ўхшар»**.

Эй азизлар, Шайтони бадбахт душмандур. Киши ўзининг душманига мадад қилса қабоҳат бўлур. Баъзи нусхаларда айтур: «Фашни икки кифт (елка)ни орасидан қўймоқ мустаҳабдур». Ўз вақтида Мирзо Алижон кўп уламо эрдилар ва тақволари баланд эрди, масалада Бухороға бош эрдилар: «Фаш қўймоқ суннати муаккададур, икки кифт орасиға қўймоқ мустаҳабдур», дедилар. Баъзилар айтурлар: «Мустафо

саллаллоҳу алайҳи васаллам қулоқларининг орқасидан қўяр эрдилар». Бу суннат ҳам феълий ва ҳам қавлийдур. Расул алайҳиссалом салла ўрағонга кўп ваъдалар қилдилар. «Туҳфат ул-ахёр»да «Мишкоти шариф»дан нақл қилур: «Иймони заиф омилар бир қабза (қарич) қўйсун ва муттақийлар икки қабза қўйсунлар. Ва комил бўлса уч қабзадан то беш қабзағача қўйсун». «Хизонат ул-фатовий»да айтур: «Фашнинг ози бир ярим қаричдур, ўртаси белгача ва аълоси ўлтурғонда ерга тегса. Баҳарҳол бир қаричдан кам бўлмасун». «Жомеъ ус-сағирхон»да айтур: «Омий бир қарич қўйсун, толиби илм белигача, муфтий ўлтурғонда ерга тегса, андоғ қўйсун». Валлоҳу аълам биссавоб.

НИЯТ БАЁНИ

«Ҳидоя»да айтур: «Намознинг нияти фарз турур кўнгул бирла, аммо лафз (тил билан айтмоқ) суннатдур ва ҳам адо бўлур. Аммо тили бирла айтмак фарз эмастур». Ниятнинг маъноси ҳар амални ирода қилмоқ. Аммо такбири таҳрима бирла ният орасида ҳеч нимарсага машғул бўлмасун. «Ниҳоя»да айтур: «Кўнгул ниятда бўлсун, тилда айтмоқ қўл кўтармакда бўлсун». Имом Шофеъий олдида лозимдурки, ният қилғонда тили бирла айтмоқ. Агар киши такбир айтиб сўнг ният қилса, раво бўлмас. Ва яна шарт қилибдурки, вожибни вожиб, фарзни фарз деб таъйин қилмоқ лозим. «Салоти Масъудий»да айтур: «Бомдод, намози пешин, намози аср, намози шом, намози хуфтон, жума ва ийд деб таъйин қилсун. Адони адо, қазони қазо деб ният қилсун». Шайх Журжоний,

яъни Имом Абдуллоҳ айтур: «Юзин қиблаға қилмоқ фарздур ва яна қиблани ният қилмоқ фарздур». Абу Бакр Фазл мундоғ дебдурлар, «Ниҳоя»да таъйин қилибдур, лекин «Хулоса»да буюрубдур: «Қиблани ният қилмоқ саҳиҳ ривоятда фарз эмастур». «Сирожийя»да ва «Ниҳоя»да ва «Ҳидоя»да саҳиҳ ва асаҳ ривоятда шулдур: «Ҳар киши юзин қиблаға қилса нияти қибла ва қибланинг фарзлиғи ҳам бажо келур. Лекин аз рўйи эҳтиёт (эҳтиётдан) қиблани ният қилсун». Имом Шофеъий олдида «Рўйи овардам ба Қибла, Қиблаи ман ба жиҳати Каъба» (юзимни Қиблага қаратдим, менинг Қиблам Каъба тарафдур) демаги шартдур. «Салоти Масъудий»да қиблани ният қилмоқда Имом Шофеъий лафзини айтмоқ мустаҳабдур, дедилар. Ва яна ниятни холисан лиллоҳ қилмоқ керак. «Ниҳоя»да айтур: «Бу тариқа ният қилсунки: **«Ният кардам бигузорам ду ракат намози бомдод фаризаи ин вақт»** ё **«фаризаи имрўз рўй овардам бажиҳати Каъба холисан лиллаҳи таъла, Аллоҳу Акбар»**. (Ният қилдим бомдоднинг икки ракат фарз намозини (ёки бугунги фарз намозини) ўқимоққа. Юзимни Каъба томонга бурдим, холис Аллоҳ учун. Аллоҳу Акбар). Ва бу ният икки лафз бирла айтилади, ҳар вақтни (шу тарзда) айтса бўлур.

Ҳар намознинг нияти шул тариқадур. Агар «фаризаи ин вақт» деса, мабодо ул намознинг вақти ўтган бўлса, баъзи имомлар олдида раво бўлмас. Ҳар мардумга, яъни эр ва хотунга фарздурки, иккисини ният қилсун, лекин адади шарт эмастур. Ва агар намознинг вақтига шак бўлса, «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Имрўз» (бугунги) деб ният қилғай». Ва яна «Ниҳоя»да айтур: «Агарчи ул намознинг вақти чиқ-

қон бўлса ҳам бу ният бирла раво бўлур». «Хулоса»-да ва яна неча китобда айтур: «Агар фаризаи ин вақт» (вақти кирган фарзни) деб ният қилса, намознинг вақти чиққон бўлса, раво бўлмас». Аттобийда ҳам саҳиҳ ривоят шулдур. Аммо «Фаризаи имрўз» (бугунги фарзни) деса, раво бўлур. Ва агар жумани «фаризаи ин вақт» деб ният қилса, раво бўлмасдур. «Хулоса»да ҳам шундоғдур. «Тарғиб ус-солат»да нияти жума бу тариқадур:

نَوَيْتُ اَنْ اَسْقُطَ فَرْضَ هَذَا الْوَقْتِ بِأَدَاءِ رَكْعَتَى

الصَّلَوَاةِ الْجُمْعَةِ مُتَوَجِّهاً اِلَى جِهَتِ الْكَعْبَةِ

اِقْتَدَيْتُ بِهَذَا الْاِمَامِ خَالِصاً لِلَّهِ تَعَالَى اَللَّهُ اَكْبَرُ

«Икки ракат жума намозини адо этиш билан бу вақтнинг фарз намозини (ўзимдан) соқит қилишни ният қилдим. Қиблага юзландим, мана шу имомга иқтидо қилдим. Холис Аллоҳ учун, Аллоҳу Акбар».

Бу фақир устоддин эшитгани будурки, намози жума ва намози ийдга ва беш вақт намозга ҳар кишига иқтидо қилса, «Кирдим имомнинг намозиға» деса ҳам ҳамма намозларга бу ният дуруст бўлур, балки яхшидур, дедилар. Ва яна улуғ китобларда шул тариқадур. «Ниҳоя»да айтур:

نَوَيْتُ اَنْ اُصَلِّيَ مَعَ الْاِمَامِ مَا يُصَلِّيهِ الْاِمَامُ

Бу арабий ният маъноси аввалги «Кирдим имом намозиға» деганга мувофиқдур. Агар имом бўлса, кўнглида ният қилсунки: «Буларга имом бўлдум», деб. Бўлмаса ҳам намози раво бўлур ва жамоат савобин топар. «Ният кардам бигузорам ду ракат ийди фитр»

ё «Намози ийди Қурбон бо жамиъи такбироташки, вожиби ҳамин вақт аст, рўй овардам ба қибла, қиблаи ман бажиҳати Каъба, иқтидо кардам баимоми ҳозир истода. Холисан лиллаҳи таъало. Аллоҳу Акбар».

«Қиннийя»да айтур: «Сўнгги пешиннинг нияти будур: «Ния кардам бигузорам чаҳор ракат намози охийри пешин дарёфтам вақташро ва нагузоридам ман ҳануз» (Ния қилдим пешиндан кейинги тўрт ракат (суннат)ни ўқимоқни) десун. Қолганлари жумага тобедур. Ани ўз фаслида баён қилинур. Ва агар намози бомдод қазо бўлса «Фарзи қазойи намози бомдоди имрўз» (бугунги бомдод намозининг қазосини) деб ния қилсун. «Қозихон»да айтур: «Агар киши қазоси кўп бўлса, ани ўқуса мундоғ (деб умумий) ния қилсунки, «Ния кардам бигузорам чаҳор ракат фарзи қазойи намози пешин» (пешиннинг тўрт ракат фарзининг қазосини) ё «намози бомдод», ҳар намозни айтса бўлур. Аммо осони будурки, «Фарзи аввалийни пешин» ва ё «Охирийни пешин» деса ҳар намознинг қазосиға кифоя» қилур. «Ҳидоя»да айтур: «Агар киши имомга иқтидо қилса, намозни тайин қилмаса, баъзиларнинг наздида раво бўлмас». «Қозихон»да айтур: «Агар киши иқтидо қилса, яъни «Имом қайси намозни ўқуса, ани ўқурман» деса ва ё «Кирдим имом намозиға» деса, муқтадий имомнинг қайси намозни ўқуғонин билмаса, иқтидоси дурустдур. Аммо иқтидо қилса, иқтидони ния қилса, имомнинг намозин ния қилмаса, масалан, «Пешин», деб ния қилса, имомнинг ўқуғони намози жума бўлса, иқтидоси дуруст эмас». Уламолар ниятни хўби будур дебдурлар:

نَوَيْتُ اَنْ اُصَلِّىَ مَعَ الْاِمَامِ مَا يُصَلِّيهِ الْاِمَامُ

Таржимаси будур: «Ния қилдим намоз ўқумоққа имом бирла, имомнинг ўқуғонини». Бу ниятни ҳар намозга қилса хўбдур. «Қиннийя»да ва ўзга китобларда айтур: «Ҳар киши хотунга имом бўлса, ул «хотунга имом бўлдум», деб ния қилсун. Агар мундоғ ния қилмаса хотуннинг иқтидоси раво эрмас». Агар намози дигар (аср)ни айтиб, тили пешинга кетса, зарар қилмас. Жами намознинг ҳукми улдур агар тилида адо (ўз вақтидаги намоз)ни ния қилса, дилида қазони ўқумоқ бўлса ва ё акси бўлса, кўнгул эътибордур. Аммо нафл намозга ҳар қандоғ ния қилса бўлур ва суннатларга (ҳам) ҳукм шулдур. Фатво шунгадур. «Қозихон»да айтур: «Таровеҳ ва намоз суннатларини тайин қилмаса ҳам саҳиҳ ривоятда дуруст эрмас. Суннатни суннат деб тайин қилмоқ басдур». Бу эҳтиёт ривоятдур.

Жамиъи ишда холисан лиллоҳ ния қилсун. Аммо дил ўзга ва тил ўзга бўлса, тоатдин қачон лаззат топар. Жисм хонақоҳда бўлса, дил бозорда бўлса, бул бандаликдин нима ҳузур кўрар. Тасбеҳ қўлда, кўнгул дунёда бўлса, андин нима умиддур. Фарёдки, зоҳири шайхлиқ хирқа тўнин киймак ва ё ботинда ўзин сотмоқ бўлса, бу нима расволиғ! Кишининг ёду фикри Худо томонга мойил бўлмаса, бу тириклик-дан ўлум аълодур.

ҚИБЛАНИНГ БАЁНИ ВА ҲУКМЛАРИ

«Шарҳи «Аврод»да айтур: «Юзин қиблага мойил қилмоқ фарзи айндур». Аммо қиблани ния қилмоқни баъзилар фарз ва баъзилар фарз эмас, дебдурлар. Агар қасддан қиблага қарамай намоз ўқуса, раво

эрмас Қиблаи аввал Арши Аълодур, ҳомили Аршнинг қибласи улдур. Иккинчи қиблаи Курси ул ҳомили Курси (Курсини кўтариб турувчи фаришталар)нинг қибласидур. Учинчи қиблаи Байт ул-Маъмур етти осмондаги фаришталарнинг қибласидур. Тўртинчи – Каъба бу Қиблаи фарздур. Ул ердагиларнинг қибласидур ва биз анга юз ўгурурмиз ва анинг муборак жамолига зормиз. Аҳли Маккага фарздурки, Каъбанинг ўзига қарамоқ. Магар кўрунмас ерларга (Макка кўринмайдиган ерлардаги одамларга ҳам) Макка тарафига қарамоқ фарздур. «Ҳидоя»да шулдур. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Бизнинг юртимизда қибла икки мағрибнинг орасидадур. Мундин ташқари ўқуса намози раво бўлмас». Аммо мустаҳаб булки, икки мағриб орасини уч бўлса, икки ҳиссасини ўнг тарафга, бир ҳиссасини чап тарафга қўйсун. «Салоти Масъудий»да айтур: «Қутр юлдузини ўнг қулоғига олиб боқса – асл қибла будур». Ҳар вақт қибла қайси тараф эканини билмаса, ул ерни одамларидан сўрасун. Агар одам бўлмаса, кўнгли қайси тарафга мойил бўлса, ул тарафни қибла деб қасд қилиб ўқусун. «Қозихон»да айтур: «Агар қиблани билмаса, ул ерни икки одами «Қибла бу тараф», деса, муни кўнгли ўзга тарафга мойил бўлса, аларнинг айттанини қабул қилмаса, намози раво бўлмас. Аммо ул одамлар ул ерлик бўлмаса, ўзи хоҳлаган тарафи қибладур». «Ҳидоя»да ва «Кофий»да айтур: «Агар бир тарафни қибла деб қасд қилиб намоз ўқуса, андин сўнг билсаки, қибла эмасдур, ул намозни иода қилмасун, Имоми Аъзам ва пайравларининг наздида. Имом Шофеъийнинг наздида эса иода қилсун. Аммо намоз ичинда маълум бўлса, ул тарафга айлансун. Ва агар (ҳар кимки) қиблани

қасд қилиб намозға шуруъ қилса, намоз ичинда кўнгли ўзга тарафга мойил бўлса, ул тарафга мутаважжиҳ бўлсун». Агар киши қоронғу кечада жамоатта имом бўлуб намоз қилса, имом юзи машриқ тарафига ва қавмдаги ҳар қайсининг юзи ҳар тарафга мойил бўлса, қавмлар имомнинг орқасида бўлса, имомнинг машриқ тарафда эканин билмаса, ҳаммасининг намози дуруст бўлур. Аммо имомнинг аҳволини ҳар ким билса, анинг намози бузилур. Ва яна (ҳар кимки) имомдин илгари турган бўлса, намози бузилур. Ва яна неча китобларда айтур: «Агар Каъба ичинда намоз қилса, биров-бировга иқтидо қилса, муқтадийнинг орқаси имомнинг орқасиға бўлса, намози раво бўлур, зероки ҳамманинг юзи қиблагадур, имоми ҳам хато қилмабдур. Агар муқтадийнинг орқаси имомнинг юзига бўлса, намози дуруст бўлмас, зероки муқаддами имом бўлубдур». «Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Қибла гумон бўлғонда қасд қилмай ўқуса раво эрмас, зероки Қибла қасди бўлғай». «Шарҳи Аврод»да «Хонийя»дин нақл қилур: «Агар бир одам масжидга кирса, меҳроби бўлмаса, қасд бирла шул тараф қибла деб ўқуса, сўнг маълум бўлса қибла эмастур, анда иода қилсун (қайта ўқисин), зероки масжид бўлғон ерда албатта одам бўлғай, сўрамоқ керакдур. Сўнг ул тарафнинг ўзи қибла бўлса, намози дурустдур. Агар душман ва ё бир зараркурандадин қўрқса, агар ўзини қўзғаса (ҳаракатланса) ул нимарса егудек бўлса, ўлтуруб ё имо билан ўқуса бўлур ва ё ётиб ўқуса бўлур. Ва агар бемор қиблаға қараёлмаса, ани қаратғудек одам бўлмаса, ҳар тарафига қараб ўқуса раво бўлур. Ва агар кема синиб, бир тахтанинг устида қолса, Қиблаға юзин қилғонда ғарқ бўлғудек бўлса,

қодир бўлғон тарафга қараб ўқиса бўлур. «Кофий»-да айтур: «Агар кемада туруб ўқуса боши айланса, жамиъи уламолар олдида ўлтуруб, Қиблага қараб ўқусун. Боши айланмай ўлтурса баъзилар наздида раво бўлғай ва баъзилар наздида нораводур. Лекин боғлағон (турғон) кемада ўлтуруб намоз ўқуса, жамиъи уламолар наздида раво бўлмас. Нафл намозни боғлағон кемада ўлтуруб имо бирла ўқуса раво бўлур. Агар кемадан чиқмоққа кучи етса, чиқиб ўқуғони авлодур. «Шарҳи «Аврод»да «Янобеъ»дан нақл қилур: «Агар киши шаҳардан ташқари мусофир бўлмаса ҳам нафлни маркаб устида ҳар тарафга қараб ўқуса бўлур». Баъзилар айтур: «Қиблага қараб намозга шуруъ қилсун, сўнг қайси тарафга юрса юраверсин». Бу масалалар фарзнинг бобида ҳам келур.

Эшони Сўфининг муножоти

Эй Худоё! Бу жаҳонда борни,
Халқ этибсан ҳам азизу хорни.
Қибла қилдинг аҳли арза бу тавоф,
Ким зиёрат айласа ҳар кўнгли соф.
Ўшал Байтул Ҳаромни ҳурматида,
Тавоф этган эранларни ҳақида,
Насиб эт қулунгга Каъба жамолин,
Қабул этгил бу қулни нотамомин.
Кўзум кўру қўлум кўтоҳдурмен,
Оёғим шол юрарга зордурмен.
Жазийра бирла саҳро ўртасида
Ётибман юз туман расвоу ғамда.
Ўзинг раҳм этмасанг менга, Илоҳи,
Қаёнда бизга ул Каъба висоли.
Агарчи менда йўқдур зоди роҳи,

Адашиб йўлда қолдим, ё Илоҳи.
Мунингдек йўлда қолғонға, Илоҳим,
Карам бирла етургай зоди роҳим.
Ул ойни файзини кўнглумга солғил,
Ҳақиқат ишларин огоҳ қилғил.
Менидек осию шармандаларга
Тузук йўл кўрсатиб солғил у йўлга.

НАМОЗ ИЧИДАГИ ФАРЗЛАР БАЁНИ

Ва ул олти фарздур. Билгилки, бу фарзлар муттафақун алайҳдур. Аввали **такбири таҳримадур**, иккинчи **қиём**, учинчи **рукуъ**, тўртинчи **қироат**, бешинчи **сужуд**, олтинчи **қаъдаи охир**. Ва яна бири **намоздин ўз феъллари билан чиқмоқ** – Имоми Аъзам олдида. Аммо Имомайн олдида вожибдур. Буларнинг ҳар бири ўз фаслида баён қилинур.

ТАКБИРИ ТАҲРИМА ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ БАЁНИ

«Ниҳоя»да ва яна ўзга китобларда айтур: «Ҳадис ва ижмои уммат бирла такбири таҳрима фарзи айндур». Бизнинг уламоларни наздида шартдур ва Имом Шофеъийнинг наздларида рукндур». Ва яна «Салоти Масъудий»да айтур: «Шарт бирла рукннинг орасида ихтилоф бўлди. Аммо фарзлиғиға хилоф йўқдур». Бу сўзнинг маъноси будурки, бир одам икки ракат намози нафл ўқуса, бизни имомлар олдида яна икки ракатнинг такбири таҳримасиз ўқуса ҳам раводур. Имом Шофеъий олдида сўнгги ракатга яна такбири таҳрима айтмаса раво эрмасдур. «Ҳидоя»да ва «Ко-

фий»да айтур: «Такбирнинг лафзи будур: «Аллоҳу Акбар». Ва агар «Аллоҳу Аъзам» ва ё «Аллоҳу Ажаллу» деса ва ё Худонинг бир исмини қўшуб айтса раво бўлур, фарз тамом бўлур, аммо тарки вожиб бўлур, зероки лафзи такбир вожибдур. Имоми Аъзам ва Имом Молик олдида «Аллоҳу Акбар»дан ўзга лафз бирла раво бўлмас. «Фиқҳи Кайдоний»да айтур: «Аввалги такбир фарздур, лафзи вожибдур», яъни «Аллоҳу Акбар» демай, «Аллоҳу Аъзам» ё «Аллоҳу Ажаллу» деса фарз бажо бўлур, тарки вожиб бўлур, «Аллоҳу Акбар» деса фарз ҳам, вожиб ҳам бажо келур. «Шарҳи «Аврод»да: «Агар киши «Аллоҳу Акбар»ни айтмаса, Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Имоми Аъзамдин нақл қилур, намозга шуруъ қилгони раво бўлгай». Лекин зоҳир ривоятда муқтадийнинг (намози) ё имом бўлса (имомнинг намози) раво бўлмас. Агар муқтадий имомдин бурун такбир айтса, Имом Жаъфар айтур: «Асаҳ ривоятда муқтадийнинг намози дуруст эрмас». Агар муқтадий имомни рукуъда топса, ул муқтадий такбирни айтиб тамом қилмай, такбир айтиб рукуъга борса, «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Раво бўлмас, магар турарга яқин бўлуб такбир айтса, раво бўлур, зероки аввалги такбирнинг маҳалли қиёмдан ўзга жойда айтса бўлмас». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар дурустлигни изласанг «алиф»ни ва «бо»ни маддсиз айтгил. Агар «алиф»га мадд қилса намози бузилур, қасддан айтса кофир бўлур. Агар «Аллоҳ»нинг «лом»и бирла «ҳо»ни орасига мадд қилса зарари йўқдур, аммо муни ҳам қилмагани яхшидур. Масалан агар «Акбаар» деса намози бузилур, зероки (маъно) вайрон бўлур, Худони улуғлигига шак келтургандек бўлур. Баъзиларнинг олдида кофир бўлмас, аммо намози бузилур».

Эй азизлар! Бир мадди бажо келмаганига намози вайрон бўлуб, ўзи кофир бўлур бўлса, бу йўллар андоғ нозикдурки, ҳар қадамда неча хатар бордур. Хусусан, Шайтони малъун роҳи ростдин озғурур, бинобарин, Худойи таолодин паноҳ тилаб, диёнат ўрганмоққа машғул бўлмоқ яхши.

ҚИЁМ ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ БАЁНИ

«Жомеъ ул-басотин»да айтур: «Жамиъи имомлар олдида ҳар ракатни туруб ўқумоқ фарз. Қиём шариатда рукндур, уч қисқа оят ўқуғонча қилса фарз адо бўлур». Аммо қироат учун қиём қилмоқ вожибдур, зероки агар муқтадий имомни қиёмда топмай рукуъда топса, такбирни қиёмда айтиб, рукуъға борса раво бўлур, ул ракати ҳисоб бўлур, қироат соқит бўлғонидан сўнг қиём ҳам соқит бўлур. Аммо гунг ва уммий қиёмда уч қисқа оят ўқуғонча турса, қиёмдан ҳисоб бўлур. Агар намозда қўлини(нг) бармоқларини ерга еткузмай ва оёқнинг бармоқларини еткузуб, икки пошнасини ерга еткурмаса раво бўлур. Аммо бир ривоятда раво бўлмас.

ҚИРОАТ ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ БАЁНИ

Огоҳ ва доно бўлғилки, бомдод, пешин, намози аср, шом ва хуфтоннинг аввалғи икки ракатига қироат қилмоқ фарздур. Агар намоз икки ракат бўлса, иккисиға қироат қилмоқ фарздур. Имом Шофеъий олдида намоз тўрт ракатлик бўлса, ҳаммасиға қироат фарз ва яна Имом Шофеъий олдида «Фотиҳа» ўқумоқ ҳам фарздур. Бизни имомларни наздида икки

ракатга қироат қилмоқ, сўнгги ракатига тасбеҳ айтса ё босукут (жим) турса раво бўлур. Имоми Аъзамдин Имом Муҳаммад нақл қилур: «Сураи Фотиҳани фарз намознинг ҳаммасиға ўқумоқ вожибдур». Ва агар ҳар ракатига бир узун оят ва ё уч қисқа оят ўқуса фарз бажо келур. «Абулмакорим»да фатво шунгадур. Имоми Аъзамнинг наздида бир оятни хоҳ узун, хоҳ қисқа қироат қилса, фарз бажо келур. Лекин витрга ва жамиъи суннатларга жамиъи ракатга қироат қилмоқ фарздур, зероки анинг ҳар икки ракати бир намоздур, эҳтиёт шулдур. «Жомеъ ул-басотин»да айтур: «Агар киши намозда ухлаб қироат қилса, баъзиларнинг наздида ҳисоб бўлур, баъзиларнинг наздида ҳисоб бўлмас». Мухтор ривоятда қайтадин ўқусун. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Қуръон етти қироат бирла нозил бўлди, етти қироат ҳадиси мутавотир билан воқеъ бўлди. (Бунга) гумон йўқдур. Бирига мункир бўлса кофир бўлур. Бу етти қоридин ўзга қориларга нақл қилса ҳам мутавотир бўлмас. Анга (яъни етти қоридан бошқасига) мункир бўлса, кофир бўлмас. Бу етти қоридин ўзга машҳур бўлса, анга мункир бўлса фосиқ бўлур ва ани қироати билан намозни ўқуса раво бўлмас».

(Бу) етти қорини «қуррои сабъа» дерлар. Аларни бири Нофеъ Мадиналикдур, бирлари Ибни Касир Маккаликдур, бирлари Ибни Омир Шомликдур, бирлари Абу Умар Басраликдур, бири Осим, бири Ҳамза ва бири Кисоий раҳимаҳуллоҳ – булар учов Кўфаликдурлар. Буларнинг ҳар бирлари пешвойи дин эрдилар. Ҳар бирининг икки ровийлари бордур. Алар жаҳлни дардиға даводурлар. Нофеънинг ровийси Қолун бирла Варашдур, Ибни Ка-

сирнинг ровийси Баззо ва Қунбулдур, Абу Умарнинг ровийси Дурий ва Сусийдур, Ибни Омирнинг ровийси Ҳишом бирла Заквон эрди, Осимнинг ровийси Абу Бакр бирла Ҳафс эрди, Ҳамзанинг ровийси Халаф бирла Халлод эрди, Кисоийнинг ровийси Абул Ҳорис бирла Дурий эрди, Шотибий тафсири қавоиди Қуръондур, ҳар қайсисиға бир рамз таъйин қилғондур. Бу рамзлар «Кашф ул-маоний»да бордур. Яна котиблар ани қироатини ҳошиясиға битар. Андин қироатни рамз олурлар. «Алиф» Нофеънинг рамзидур. «Вов» ва «жим» шогирдларининг рамзидур. «Дол» Ибни Касирнинг рамзидур, «ҳавваз» Баззо ва Қунбулнинг рамзидур, «ҳо» Абу Умарнинг рамзидур, «то» Дурийнинг рамзидур, «ё» Сусийнинг рамзидур, «коф» Ибни Омирнинг рамзидур, «айн» ва «сод» икки шогирдининг рамзидур, «фе» Ҳамзанинг рамзидур, «сод» ва «қоф» икки шогирдининг рамзидур. «Ро» Кисоийнинг рамзидур, «син» ва «се» икки шогирдининг рамзидур. Ўзга рамз ҳам кўпдур. Бу ерда айтмоқ маҳол бўлур, Шотибий шарҳларида баён қилурлар. Хожа Порсо улуғ валий эрдилар, «Тафсир»ни аввалида бул сўзни битибдур ва яна неча нусхалар ҳам бордур.

Расули Худо айдилар: «Қориларни гўрга қўйсалар Худодин ваҳий келур: «Эй замин! Бу бандамнинг гўштини емагил!» Ер айтур: «Эй Худоё! Сени Каломинг ул бандани ичинда бўлса, мен ани қандоқ ерман!» Бул ҳадисдин маълум бўлурки, қориларнинг гўштини ер емас, башарти бериё ўқусалар. Агар қорилар лаҳн бирла ўқусалар, Қуръон анга лаънат қилур. Қуръон илми фарздур. Икки дунёда Қуръон обрўдир. Нима учун ани хусусларин билмассизлар?!

РУКУЪ ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ БАЁНИ

«Жомеъ ул-басотин»да «Шаҳ Ҳусайн» таъйин қилибдурлар: «Намозда рукуъ фарздур». Рукуъни маъноси улдурки, орқасини хам қилса, бир пора олимларнинг наздида ҳар нечук эгилса рукуъ баржо бўлур. Баъзиларнинг наздида рукуъга яқин бўлса бўлур, бўлмаса бўлмас. Рукуъда орқасини баробар қилмоқ сунна-тдур. «Шарҳи «Аврод»да «Тажнис»дин нақл қилур: «Агар киши рукуъда орқасин баробар қилмаса жоиз эмас, деб ривоят ҳам бордур». «Шаҳ Ҳусайн»да айтур: «Ўлтуруб намоз қилғон одам андоғ рукуъ қилмоқ керакким, пешанаси бирла икки тиззини илгариси баробар бўлсун». «Абдул Али»да ҳам шундоғдур.

САЖДА ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ БАЁНИ

«Жомеъ ул-басотин»да айтур: «Сажда фарздур, сўнгги сажда ҳам фарздур». Саждани пешана ва бурун бирла қилмоқни «Мухтасари «Виқоя»да айтур. Фатво мунгадур. Муни шарҳларин «Шаҳ Ҳусайн» айтибдур. Пешана ва бурни бирла сажда қилмоқ фарздур. «Ҳидоя»да айтур: «Расул алайҳиссалом саждани пешана ва бурунлари бирла қилур эрдилар». Ва агар саждани бурни бирла қилур бўлса, пешанаси тегса дурустдур. Ва агар саждани бурни бирла қилса, пешанаси тегмаса ва пешана бирла қилса, бурни тегмаса, Имоми Аъзам олдида раво бўлур. Ва агар пешана тегмаса Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад олдида раво бўлмас. Бир ривоят Имоми Аъзамдин (ҳам) бордур, дуруст бўлмас, деб. «Жомеъ ул-басотин»да фатво мунгадур. Пешанада узри бўлса,

раво бўлғай. «Хулоса»да айтур: «Пешана бирла сажда қилса, бурни тегмаса, макруҳ бўлғай. Аммо бурнида узри бўлса, раво бўлур». «Биржандий»да айтур: «Юзи ва энгаги бирла қилса, узри бўлса ҳам раво бўлмас». «Салоти Масъудий»да айтур: «Юзи бирла сажда жуҳудга монанд бўлур».

Банда узри бўлса, сажда қилолмаса, намозни имо бирла ўқусун ва имо бирла сажда қилсун. Аммо бизни имомларни наздида намозни аввалдин имо бирла ўқусун. Узри бўлса қиём, рукуъ ва сажда соқит бўлур. «Фусули имодий»да айтур: «Сажда қилолмаса, қиёмга қуввати етса, рукуъини туриб имо қилсун, сажда ҳам имо бирла қилсун». «Қозихон»да ҳам шундоғдур. Бу масаланинг қолғонини фарзнинг бобида айтурмиз, агар Худо хоҳласа.

Саждани ер юзига қилмоқ хўбдур. Худони фармони учун пешанани туфроққа қўймоқ яхши саодатдур. Агар киши бир нимарсага сажда қилса, ул нимарса қаттиқ бўлса, анинг қаттиқлиғи пешанага асар қилса ва қарор олса, дуруст бўлғай, агар қарор олмаса, раво бўлмас. Ва агар пок кўрпа ва ё ёстуққа сажда қилса, ерни қаттиқлиғи зоҳир бўлса дуруст бўлғай. Бу масала «Салоти Масъудий»дадур. Агар қорга ё қумга сажда қилса, пешана қарор олса раво бўлур, бўлмаса раво бўлмас. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар саждагоҳда пахтадек нимарса бўлса, анинг устиға сажда қилғонда пешанасига ерни қаттиқлиғи асар қилса, раво бўлур. Ва яна тариқ ва қўноққа раво бўлмас, зероки пешана қарор топмас. Аммо буғдой ва арпага раво бўлур, зероки аларда пешана қарор олур. «Салоти Масъудий»да айтур: «Буғдой ва арпа бир идишда бўлса, анга сажда қилса, раво бў-

лур». Икки қадамидан сажда жойи икки ғишт баланд бўлса, раво бўлур, андин зиёда бўлса, раво бўлмас. «Салоти Масъудий»да ва яна «Жомеъ ул-басотин»да айтур: «Агар сажда қилур жойи қадам жойидан ярим газ юқори бўлса, одамлар кўп бўлса раво бўлур, аммо баҳузури тамом (бемалол) бўлса, раво бўлмас». Ул икки ғишт ғишти Бухородур. Ул бир газнинг тўртдан биридур. «Садр уш-шариа»да айтур: «Одамлар сиғмасалар биров-бировнинг орқасиға сажда қилса бўлур, башартики ул ҳам намоз гузор (намоз ўқиёттан) бўлса. Аммо икковининг намози бўлак бўлса ва ё бирови намоз ўқимай қиблаға қараб ўлтурғон бўлса, сажда қилиб бўлмас». «Хулоса»да шундоғ дебдур. «Жомеъ ул-басотин»да Ибн Муқотилдан нақл қилур: «Одамлар кўплиғида бировни орқасиға сажда қилса раводур, башартики икки тиззи ерда бўлса, аммо икки тиззи ерга тегмаса саждаси раво бўлмас». «Абулмакорим»да айтур: «Бир одам бир одамнинг орқасиға сажда қилса бўлур». «Хулоса»да саҳиҳ ривоятда шулдур.

Бу масала андоғ жойда бўлсаки, сажда қилурға жой топмаса, ул ҳолдадур. Аммо сажда қилурға жой бўлуб, бировнинг орқасиға сажда қилса, раво бўлмас. «Абдул Али»да, «Шамсуддин»да ва «Қозихон»да айтур: «Жумада ва ийдда биров бировнинг орқасиға сажда қилса раво бўлур. Аммо хўброғи улдурки, иложи бўлса олдинғи сафдаги одам турғонда сажда қилғудек жой бўлса ўша жойга сажда қилса ҳам бўлур. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Саллани ўрағониға (ўралган қисмига) ё этакнинг учига сажда қилса макруҳдур, (шунга) фатводур». Агар енгиға сажда қилса Имом Абу Юсуф ва Имом Шофеъий олдида раво. Агар енгиға сажда қилса, анинг остида тикан ё

майда тош бўлса, анинг дафъи учун қилса бўлур, магар (бўлмаса) макруҳ бўлур. «Хулоса»да айтур: «Сажда қилур ери нажас бўлса, анинг устига этагин ва ё енгин тўшаб ўқуса раво бўлмас». Икки тиззин ва икки қўлин саждада ерга қўймоқ суннатдур ва икки қадамин ерга қўймоқ фарздур. «Шарҳи «Аврод»да «Муҳит»дан нақл қилур, «Ҳидоя»да ҳам шулдур. Ва яна саждада икки оёғининг бармоқлари ерга тегмаса, намози раво бўлмас. «Абулмакорим»да айтур: «Саҳиҳ ривоят будур: Икки қадам дегандан мурод — бармоқларин ерга қўймоқдур». «Хулоса»да айтур: «Агар киши қадамининг орқасини ерга қўйса, бармоқлари ерга тегмаса, агар ер тор бўлса, раво бўлур». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Бир қадами тегиб ва бири тегмаса, раво бўлур». «Салоти Масъудий»да раво бўлмас. Имом Зуфар ва Имом Шофеъий олдида икки тиззини ва икки қўлини саждада ерга қўймоқ вожибдур. Ва яна бизни имомлардин Абу Наср Тақводор айтур: «Икки тиззин ерга қўймай сажда қилса, раво бўлмас». Фақиҳ Абул Лайс ҳам муни ихтиёр қилибдурлар. Аммо неча нусхада бизни имомлар наздида раво бўлур.

Эй азизлар! Буларни эҳтиёт этмак керак.

ҚАЪДАИ ОХИР ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ БАЁНИ

«Ниҳоя»да айтур: «Қаъдаи охир фарздур». **Расул алайҳиссалом айдилар: «Қаъдаи охирнинг миқдори «Аттаҳийёт» ўқуғунча фарздур. Аммо «Аттаҳийёт» ни ўқумоқ вожибдур».** Ва яна ўз ихтиёри бирла намоздан чиқмоқ Имоми Аъзамнинг наздида фарздур, Имомайн олдида вожибдур. Ҳар ишда эҳ-

тиёт яхши. «Фиқҳи Кайдоний» шарҳларида айтур: «Фарз деб далили қатъий бирла собит бўлғонни айтур». Масалан намоз ва рўза. Мундоғ фарзга мункир бўлса, кофир бўлур. Вожиб деб гумони бор далил бирла собит бўлса, ани айтур. Қилса савоб, қилмаса азоб. Қилмоқда фарздек, зътиқодда андоғ эрмас, яъни анга мункир бўлса, кофир бўлмас. Ва яна суннат будурки, Пайғамбар алайҳиссалом доим қилғон бўлсалар, қилса савоб, қилмаса азоб — башарти суннати муаккада бўлса. Аммо суннати завоидни қилса савоб, қилмаса азоби йўқдур. Мустаҳаб деб ани айтурларки, Расул алайҳиссалом бир мартаба ё икки мартаба қилиб, сўнг қилмаганни айтурлар ва яна салафлар муни дўст тутуб доим қилибдурлар».

Суннати завоидни қилса савоб топар. Марди Худолар қачон савобдин юз ўгургандурлар. «Салоти Масъудий»да айтур: «Агар саҳобаларнинг аввали ва охири иттифоқ қилган суннатта мункир бўлса, кофир бўлур. Аммо ихтилоф қилғон суннатга мункир бўлса, кофир бўлмас, лекин бидъаткунанда (бидъат чиқарувчи) бўлур». «Фусули имодий»да айтур: «Агар киши бировга айтса: «Тирноғингни олғил, бул Расули Худонинг суннатларидур». Ул айтсаки: «Агарчандики суннат бўлса ҳам қилмагайман», деса, кофир бўлур, қабоҳатдур. Ва яна ўзга суннатлар ҳукми шундоғдур, хусусан, ҳадиси мутавотир бирла собит бўлғон суннатта инкор бўлса, масалан, мисвок. Ва яна бир жойда бордур ҳар ким суннатга таъна қилса, кофир бўлур. «Канз ул-ибодий»да айтур: «Агар беш вақт намознинг суннатларин ҳақ билмаса, мутлақ кофир бўлур. Лекин (ҳақ) билса ва қилмаса, гуноҳкор бўлур». Фақиҳ Абул Лайс ва ўзга китобларда

айтур: «Ҳар ким намоз фарзларин хоҳ қасддан, хоҳ саҳван тарк қилса, намози бузилур. Вожибни қасддан тарк қилса, ҳаром бўлур, нуқсон бирла адо бўлур, бидъаткунанда бўлур. Агар саҳван тарк қилса, саждаи саҳв лозим бўлур. Агар суннатни тарк қилса, бузилмас, саждаи саҳв лозим бўлмас. Қасддан тарк қилса, гуноҳкор бўлур. Аммо нафлни ва мустаҳабни тарк қилса, гуноҳкор бўлмас, лекин савобдан маҳрум бўлур». Жамиъи китобларда шулдур. Ва яна «Салоти Масъудий»да айтур: «Агар киши вожибни тарк қилса, саждаи саҳв қилса ҳам намози камлик бирла адо бўлур ва улуғ гуноҳ бўлур». «Фиқҳи Кайдоний»да ва яна шарҳларида айтур: «Вожибни тарк қилса, ҳаромдур».

НАМОЗ ВОЖИБЛАРИНИНГ БАЁНИ

Эй биродарлар! Билингларки, сураи Фотиҳани ўқумоқ намозда вожибдур. Имом Шофеъий олдида жамиъи ракатга Фотиҳани ўқумоқ фарздур. Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Имоми Аъзамдан нақл қилур: «Алҳамду»ни фарз намозларининг жамиъи ракатига қироат қилмоқ вожибдур, Имом Молик олдида фарздур. «Шарҳи «Аврод»да «Захийра»дин нақл қилур: «Алҳамду»ға сура қўшмоқ ё бир узун оят ва ё уч қисқа оят иттифоқ бирла вожибдур. «Шамсуддин»да айтур: «Тартибни риоя қилмоқ вожибдур». Риояи тартиб булки, икки фарз бир ракатта келса ани тартиб қилмоқ, масалан, аввалғи саждани қилса яна бир ракатига турғонда бир сажда қилғони ёдига тушса, ул ракатда уч сажда қилғай, ани охиринда саждаи саҳв қилғай, зероки ҳар икки сажданинг биридан кейин бирини қилмоқ вожиб эрди, ул тарк бўлди.

Аммо ҳар ракатда бир-бир келадурғон фарзни «Фиқ-ҳи Кайдоний»да фарз дебдур. Масалан, аввал қиём, иккинчи қироат, учинчи рукуъ, тўртинчи сажда. Аввал қироат қилиб, андин сўнг қиём қилса, намози бузилур. «Мабсут»да «Жомеъ ул-басотин»дин нақл қилур ва яна «Садр уш-шариа»да айтур: «Намозда такбиринг таҳримани қаъдаи охирдан илгари айтса, тартибни фарзлиғи битар. Ўзга фарзлар тартиби иттифоқ бирла фарздур. Қаъдаи аввал вожибдур. Ва яна аввалғи ва охирғи қаъдада «Аттаҳийёт»ни ўқумоқ вожибдур. Ва яна жаҳрни жаҳр ўқумоқ, масалан, бомдод, намози шом ва намози хуфтонни, икки ийд ва намози жумани. Ва яна махфий намозни махфий ўқумоқ вожибдур, масалан намози пешинни, намози асрни. Ҳар вақтки, намоз ўқувчи танҳо бўлса хоҳ жаҳр, хоҳ махфий ўқуса, ихтиёр ўзигадур. «Салоти Масъудий»да айтур: «Агар танҳо бўлса, махфий намозни махфий ўқусун ва жаҳрий намозни хоҳ жаҳр ва хоҳ махфий ўқуса бўлур». «Жомеъ ул-басотин»-да айтур: «Ёлғуз намоз ўқувчи махфий намозни жаҳр ўқуса, гуноҳкор бўлур». «Муҳит»да ҳам шулдур. «Абулмакорим»да айтур: «Жаҳрни ози буки, ўзга ҳам эшитса, махфийнинг ози буки, ўз нафси эшитса». Бу саҳиҳ ва асаҳ ривоятдур. «Шарҳи «Аврод»да «Захийра»дин нақл қилур: «Махфий намозда ўқуғонин ўзи эшитмаса асаҳ ривоятда намози раво эрмас». Бу ривоят ҳувал мухтордур. Ва яна рукнларни бажо келтирмаклик вожибдур тарафайн олдида. Аммо Имом Абу Юсуф ва Имом Шофеъий олдида фарздур. Рукнни бажо қилмоқ буки, рукуъ, сужудда ором олмоқ. Ва яна қавма ва жалса улдурки, рукуъдан қайтғонда рост турмоқ, саждаларнинг орасида рост ўлтурмакдур. Бу-

ларда тасбеҳ айтгунча ором олмоқ вожибдур. «Ҳидоя»-да айтур: «Агар киши бир саждa қилиб, жалсани бажо қилмай, яна бир саждага борса, боши саждага яқин бўлса, намози раво бўлмас». Асаҳ ривоятда боши қаъдаға яқин бўлса икки сажда бўлур, намози раво бўлур. Имом Аъзам ва Имом Муҳаммад олдида рукуъ ва сужудда уч мартаба тасбеҳ айтмоқ Расули Худодин суннатдур. Агар рукуъ ва сужудни дуруст қилмаса, «Фиқҳи Кайдоний»нинг шарҳларида ва ўзга китобларда айтур: «Агар андоғ бўлса, ул кишини Расули Худо «Намознинг ўғриси», дебдурлар». Ва яна **ҳадисда бордур: «Одамнинг ямони рукуъ ва сужудни бажо қилмаган одамдур»**. Бу ҳадисни «Мишкоти Шариф»да кўрдум. Бу одамлар бир лаҳза сабр қилмай ўзлариға неча минг жафоларни кўрарлар. «Қиннийя»да айтур: «Агар рукуъ, сужудда ором олмаса Имом Аъзам ва Имом Муҳаммаднинг олдида саждаи саҳв лозим бўлур». Аммо «Фиқҳи Кайдоний»да саждаи саҳв вожиб бўлмас, дебдур, зероки бу рукуъ, сужуднинг фарзлиғини бажо қилмоқ учун вожибдур. Бу яқин далилдур. Аммо ўзга вожибни тарк қилса, саждаи саҳв вожиб бўлур. Икки ракатта қироат қилмоқни қироат баёнида айтиб эрдим. Аммо аввалғи икки ракатта қироат қилмоқ вожибдур. Сўнгғи икки ракатта қироат қилмоқ била фарз бажо келур, аммо тарки вожиб бўлур, саждаи саҳв лозимдур. Яна табъияти имом (имомга эргашиш) ҳам вожибдур. Бу масалалар имомат бобида айтилур. Дуои қунут ўқимоқ ҳам вожибдур. Бу витрнинг бобида айтилур. Ва яна икки ийднинг такбирлари вожибдур. Бу масала ийднинг бобида келур. «Шарҳи «Виқоя»да келур: «Фарзни ва вожибни таъхир қилмай жойига келтурмоқ вожибдур».

Мунинг сувратлари саждаи саҳв бобида келур. Ва яна намоздин лафзи салом бирла чиқмоқ жамиъи намозхонга вожибдур. «Шарҳи «Виқоя»да Имом Шофеъий наздида фарздур.

НАМОЗНИНГ СУННАТ ВА МУСТАҲАБЛАРИ БАЁНИ

Эй намозхонлар! Фарз ва вожиб айтилди. Эмди қолгониким, суннат ва ё мустаҳабдур. Ҳар вақт намозга шуруъ қилсанглар, такбир бирла бошланглар. Такбирнинг ўзи фарз, лафзи вожиб деб айтилиб эрди. Расул алайҳиссаломнинг суннатлари икки қўлин кўтариб, такбир айтсун. «Абдул Али»да, «Жомеъ ул-басотин»да ва «Қозихон»да айтур: «Қўлини кўтариб, бош бармоғини қулоғининг юмшоғига еткурсун». «Ҳидоя»да ва «Хулоса»да икки бош бармоғини икки қулоғининг юмшоғига баробар қилсун. Имом Абу Юсуф олдида такбирга яқин қўлини кўтарсун. Имоми Аъзамнинг наздида қўлини кўтариб, такбир айтсун. Бу масала «Салоти Масъудий»дадур. «Ҳидоя»да асаҳ булдурки, аввал кўтарсун, сўнг такбир айтсун. «Шарҳи «Аврод»да ва ўзга китобларда шулдур. Имом Сарахсий айтур: «Фатво шунгадур». Ва яна такбир айтурда бармоқларини юмуб турсун ва кафтини қиблага қаратсун. Муштини тугиб турмасин. «Салоти Масъудий»да айтур: «Кафтига қўли тегмасун ва яна қўлини енгидан чиқарсун». Бир китобда суннат дебдурлар, зероки Расули Худо қўлларини енгларида сақладилар. Ва яна «Кофий»да айтур: «Онҳазрат енглари узр вақтида, яъни совуқда эрди. Қўлларини енгларида қўюб намозга шуруъ қилдилар». «Абулмако-

рим»да «Музмарот»дан нақл қилурлар: «Ривояти саҳиҳ буки, «Инний важжаҳту...»ни такбирдан илгари ўқусун. Аммо «Ҳидоя»да айтур: «Муни такбирдин аввал ва охир айтмасун, токи ният бирла такбир мушкул бўлур (аралашиб кетур). Саҳиҳ ривоят шулдур». «Салоти Масъудий»да айтур: «Такбир вақтида қўлини бошиға элтсун, бошини қўлиға келтурмасун, баъзи нодонлар бошини эгар». «Зоҳид Фахрий»да айтур: «Агар бошини елкасига баробар қилса рукуъға имо қилғондек бўлур, намози бузилур». Шайх ул-ислом айдилар: «Агар қиёмға яқин бўлса, шуруъи дуруст дур, агар рукуъға яқин бўлса, раво эрмас». Ҳар киши мухлис бўлса, намозни хилоф бирла ўқумасун. Аммо хотунлар такбири таҳримада икки қўлини енгининг ичида тутмоғи суннатдур. «Шамсуддин»да айтур: «Эркаклар қўлини енгининг ичида тутмоғи бидъатдур». Хотунлар шуруъ қилғонда икки қўлини елкасига баробар қилсун. «Ҳидоя»да бу ривоят саҳиҳдур. «Хулоса»да айтур: «Такбирдан кейин эркаклар қўлини киндигининг остиға ушламоғи суннатдур». «Салоти Масъудий»да айтур: «Мундоғ қилмоқ жамиъи Пайғамбарлар суннатидур». Ва яна ўнг қўлини сўл қўлининг устиға қўйсун. «Хулоса»да айтур: «Қўйғондан ушлаган авлодур». Аммо кўп бузруклар айтур: «Қўймоқ бирла ушламоқни жам қилсун». Аммо ўнг қўлнинг бош бармоғи бирла жимжилоғини ҳалқа қилиб сўл қўлининг бандини ушлаб, бармоқларини билаги устига қўйса, қўймоқ ҳам ушламоқ ҳам жам бўлур. «Абулмакорим»да шуни саҳиҳ дебдур. «Ҳидоя»да айтур: «Қиёмда зикри маснун бўлса, қўлини мундоғ қўйсун, яъни намозда қироат қилғон вақтда, «Субҳонака Аллоҳумма...»ни ўқуғонда ва дуои Қунут

ўқуғонда». «Шарҳи «Аврод»да нақл қилур: «Имом Молик наздида қиёмда қўя берсун (яъни қиёмда қўлини ёнига ташлаб турсин)». Баъзи имомлар наздида такбирдан кейин (қўлини) қўя берсин, андин сўнг икки қўлини боғласун.

Жамиъи имомлар наздида хотунлар қўлини сийнасига тутсун. Ва яна қиёмда кўзини саждагоҳга қилсун. Икки қадамининг орасини тўрт бармоқ йироқ тутсун. Агар муқтадий бўлса, такбирни имомга муттасил қилсун (кетма-кет айтсин), «Фатовойи ҳужжа»да фатво шунгадур, тақво ҳам шулдур. «Кифояи Шаъбий»да айтур: «Аввалғи такбирнинг фазилати кўпдур». Асаҳҳи шулдурки, имом сано ўқуғонда муқтадий такбир айтса, савобин топар. «Хулоса»да айтур: «Савобин топмас». Мухтор ривоят буки, имом «Алҳамду»ни ўқуб турғонда ҳам муқтадий такбир айтса, савобин топар. Баҳарҳол, эҳтиёт яхшидур. Баъзи уламолар айтур: «Имомни аввалғи ракатда топса, савобин топар». «Қозихон»да айтур: «Муқтадий такбирни имом бирла баробар айтса, бир ривоятда шулки, анинг шуруъи дуруст эрмас». Аммо асаҳҳи шулки, дурустдур. «Фатовойи ҳужжа»да айттан хилофсиздур. Ҳар киши намозда қўлин боғласа «Субҳонака Аллоҳуммма»ни ўқусун. «Ҳидоя»да айтур: «Агар имом қироат қилиб турғонда келса, агар қироат махфий бўлса, сано ўқусун, бўлмаса (қироат жаҳрий бўлса) ўқумасун, зероки муқтадийга қироат эшитмак лозимдур». «Нисоб ул-иҳтисоб»да фатво шунгадур. Агар имом рукуъда бўлса, ул вақтда иқтидо қилса, такбирни қиёмда туруб айтса, сано ўқумай, тасбеҳ айтсун. Бул саҳиҳ ривоятдур. Агар имом бўлса ё ёлғуз намоз ўқувчи бўлса, санодан сўнг «Аузу биллаҳ...»ни ўқумоқ сун-

натдур, зероки бу тобеъи қироатдур, сано (қироатнинг) тобеъи эмастур. Имоми Аъзам ва Имом Муҳаммаднинг олдида «Ҳидоя»да ва «Ниҳоя»да ҳам муқтадийга «Аузу биллаҳ...» суннат эрмас, зероки анга қироат лозим эмас. Масбуқға «Аузу биллаҳ...» суннатдур, зероки анга қироат лозимдур. Имом Абу Юсуф олдида бу «Аузу биллаҳ...» тобеъи санодур. «Хулоса»да айтур: «Аузу биллаҳ...»ни паст айтмак керак». Баъзилар наздида вожибдур, аммо санодин сўнг айтсун, ҳар ракатта айтмасун. Агар унутса, «Алҳамду...»дин кейин айтмасун. «Алҳамду...»дин илгари «Бисмиллоҳ-...»ни айтсун. Фатво шунгадур. Имом Шофеъий айтурлар: «Бисмиллоҳ...» «Алҳамду»нинг бир жузвидур, балки алар шундоғ дебдурки: «Алҳамду...»ни ўқумаса намоз бўлмас». Имоми Аъзамдин бир ривоят бордурки, намознинг аввалида «Бисмиллоҳ...»ни бир мартаба айтса, сўнгги ракатларга лозим эмас. «Қиннийя»да айтур: «Жамиъи имомлар наздида ҳар ракатта «Бисмиллоҳ...» суннатдур. Имоми Аъзам саҳиҳ ривоятда вожиб, дебдурлар. «Ҳидоя»да айтур: «Алҳамду» бирла суранинг ўртасида «Бисмиллоҳ...»ни айтмасун». Имоми Муҳаммаднинг наздида махфий намозда айтсун. Ва яна Имом Муҳаммаддин мухтор ривоятдур, «Муҳит»да фатво шулки, махфий намозда ҳам («Алҳамду» ва зам сура ўртасида «Бисмиллоҳ...»ни) айтмасун, балки «Сайф»да айтур: «Айтмоқ макруҳдур». Жамиъи уламолар наздида паст айтсун. Ҳадисда ҳам шундоғдур. Ҳар вақтеки, «Аузу биллаҳ...» деса «Алҳамду»ни ўқуб, сура зам қилсун, (бу) вожибдур. Бу қироатни баланд (ёки) паст ўқумоқ ўз бобида келур. Имом қироат қилса, муқтадий сукут қилиб турсун. Агар ул дам муқтадий имом ўқуғонин бирга ўқуса, бизни имом-

лар наздида гуноҳкор бўлур, балки намози бузилурга ҳам ривоят бордур. Яна имом «Алҳамду»ни тамом қилса, муқтадий «Омийн» дегай. «Салоти Масъудий»да жаҳр намози бўлса «Омийн» дер, махфий намозда имом «Валаз золлийн...» деганин эшитса ҳам «Омийн» демасун. Имом Абу Жаъфар айтибдурлар: «Намозхон «Омийн»ни паст айтсун, зероки «Омийн» дуонинг яхшисидур, ани махфий қилмоқ дурустдур». «Ҳидоя»да айтур: «Омийн»ни хоҳ маддлик ва хоҳ маддсиз айтса раво бўлур, аммо ташдид ҳосил бўлмасун». «Хулоса»да айтур: «Омийн»ни беташдид айтсун, агар ташдидли айтса, намози бузилурга ривоят бордур». Имом Абу Юсуфнинг наздида бузилмас. Фатво шунгадур. Лекин беташдид айтгани хўбдур, зероки «Шарҳи «Аврод»да намози бузилур, дебдур. Ва яна ҳар вақтеки қироат тамом бўлса, дам олиб (нафас олиб, сўнг) «Аллоҳу Акбар» десун. «Аллоҳ»нинг алифини қиёмда бошласун, рукуъда тамом қилсун. «Шамсуддин»да «Музмарот»дин нақл қилур: «Рукуъда икки қўли билан тиззини ушласун, бармоқларини кушода (орасини очиқ) қилиб турсун, ёйдек эгри бўлсун, қўлиға такя қилиб (суяниб) турсун. «Хулоса»да ва «Салоти Масъудий»да айтур: «Орқасин рукуъда андоғ баробар қилсунки, (орқасига) бир коса сув қўйса тўкулмасун, бошини юқори-қуйи қилмасун». «Шарҳи «Аврод»да Насафийдин нақл қилур: «Хотун ҳам шундоғ рукуъ қилсун ва лекин «Зоҳидий»да айтур: «Хотунлар бармоқларин очуқ қилмасун ва қўлиға такя қилмасун, бармоқларини тиззининг устига қўйсун, қорнини сонига ёпуштурсун, эркакдек ковак қилмасун, рукуъда кўзини икки қадамининг устига қилсун».

Худойи таоло амр қилди: «Намозни хушуъ бир-

ла ўқунг». Абу Талҳа Расули Худодин сўрдилар: «Ё Расулуллоҳ! Хушуъ нимадур?» Расули Худо айдилар: «Хушуъ улки, намозхон қиёмда назарин саждагоҳга қўйсун, рукуъда қадамининг устиға, саждада бурниға, қаъдада сониға қарасун, аввалги саломда ўнг елкасига, сўнгти саломда сўл елкасига қарасун. Намозни хушуъ бирла ўқумоқ будур».

«Салоти Масъудий»да **Саййиди олам айдиларким: «Бу суннатни бажо келтурса иймонининг нури зиёда бўлур».** «Жомеъ ул-басотин»да айтур: «Агар рукуъ қилса икки қадамини қўшуб турсун». «Шамсуддин»да айтур: «Рукуъда уч мартаба тасбеҳ айтмак Расул алайҳиссаломнинг суннатларидур». Тасбеҳнинг ози уч мартабадур. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар беш мартаба айтса, афзалдур, лекин имом тасбеҳни узун қилмасун, токи қавмға малол келмагай». Баъзилар айтур: «Рукуъ, сужудда тасбеҳ айтмак вожибдур, балки Имом Молик фарз дебдурлар». Абу Мутиъ ҳам фарз дебдурлар. Абу Мутиъ Имоми Аъзамнинг шогирдларидур. Баъзилар наздида учдан кам айтса, намози дуруст бўлмас. Бу эҳтиётдур. «Шамсуддин»да айтур: «Тасбеҳни бу лафз бирла айтсун: «Субҳона роббиял азийм». Сўнг «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ» десун. Муқтадий «Роббана лакал ҳамд»ни десун». «Ҳидоя»да айтур: «Имом «Роббана лакал ҳамд»ни айтмасун». Имоми Аъзамнинг наздида намозхон ёлғуз бўлса, икковини ҳам айтсун. «Салоти Масъудий»да «Самиъаллоҳ...»нинг «син»ини рукуъда бошлаб қавмада тамом қилсун». «Қиннийя»да айтур: «Ёлғуз ўқувчи «Самиъаллоҳ...»ни бошин кўтарурда айтсун, «Роббана лакал ҳамд»ни қавмада айтсун». Бу саҳиҳ ривоятдур. «Ҳе»ни маъ-

лум қилсун. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Ҳе»ни айтмаса намози бузилур». «Шамсуддин»да айтур: «Аввал «ҳе»ни сокин қилсун, зероки бу вақфдур, вақф сокин бўлур. «Абулмакорим»да (ҳам) шундоғдур». «Фиқҳи Кайдоний» шарҳида ҳам сокин, дебдур. «Шамсуддин»дин нақл қилур: «Рукуъдан қайтғонда рост турғонни «қавма» дерлар. Аммо қавмада қўлин қўяберсун. Ва яна «Аллоҳу Акбар»нинг «алиф»ини қавмада бошлаб, саждада тамом қилсун». «Салоти Масъудий»да ҳам шундоғ дебдурлар. «Хулоса»да айтур: «Қавмадан саждага тез борсун, тевадек чўкмасун, бидъатдур». Сажда қилурда аввал икки тиззасин, сўнг икки қўлин, андин кейин бурнин қўйсун, андин сўнг пешонасини қўйсун. Бу «Салоти Масъудий»да ва «Шарҳи «Аврод»да тайин қилинибдур. Ва яна саждада бармоқларини қўшуб икки қўлининг орасиға сажда қилғай, токи қулоғидан бир нимарса оқса икки қўлининг устига тушгай. Бармоқларини қиблага қилсун, кўзини очиб, бурниға қарасун. Қорнини сонидан, сонини соқидан (болдиридан) узоқ тутсун. Тирсагини ердин жудо тутсун. Билагини қорнидан йироқ қилсун. «Ҳидоя»да айтур: «Муқтадий сафда билагини ерга тўшамасун. Аммо хотунлар бу айтилганларнинг аксини қилсун»[5]. «Ҳидоя»да Имоми Аъзамнинг мазҳабларида кўп нусхаларда айтилур: «Саждада «Субҳона роббиял аъло» деб уч мартаба айтсун. Бу суннатдур. Мундин зиёда тоқ қилиб айтса мустаҳабдур». Имом мундин узун қилмасун. «Фиқҳи Кайдоний»нинг

[5] Яъни хотинлар қорнини сонига, сонини соқига (болдирига) ёпиштириб, тирсагини ерга тўшасин. Билагини қорнига яқин тутиб сажда қилсин. (Нашрга тайёрловчилар.)

шарҳларида айтур: «Имом тўрт мартаба айтсун, зеро муқтадий уч марта айтмакка қодир бўлур». Саждадин қайтарда «Аллоҳу Акбар»ни айтиб бош кўтаргай. «Салоти Масъудий»да айтур: «Аллоҳу Акбар»нинг «алиф»ини саждада бошлаб, жалсада тамом қилғай. Сўнг «Аллоҳу Акбар» деб саждага борсун. «Алиф»ни жалсада бошлаб, саждада тамом қилсун. Иккинчи сажда ҳам шундоғдур. «Аллоҳу Акбар» деб қиёмга турсун. «Салоти Масъудий»да айтур: **«Расули Худо айдилар: «Қиёмға турарда андоғ тез турсунки, қизиғон тошқа қўл урғонда қандоғ кўтарур бўлса, андоғ тез турсун»**.

(Намоз ичидаги) такбирларнинг отини «такбири интиқолот» дерлар. Имом ҳаммасини жаҳр қилиб айтсун». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Намозхон сўнгти саждадан қиёмға борурда қўлини ерга суянмай турсун. Аввал пешанани, охир тиззани кўтаргай. Сўнгғи ракатда ҳам аввалғидек, аммо тўрт нимарса йўқдур:

1. **Аввалғи такбир.**
2. **Қўл кўтармак.**
3. **«Аузу биллаҳ...».**
4. **Сано.**

Аввалғи ракатдан кейингиларда бу тўрти йўқдур. Сўнгғи ракатни ўқуғондин сўнг «Аллоҳу Акбар» деб қаъдага ўлтурсун. Ўнг оёғини турғузуб, бармоқларини қибла сориға қилсун, икки қўлини икки сониға қўюб, тиззасин ушласун. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Бармоқларини ёзсун, орасини ковак (очиқ) қилмасун, қўлини ўз жойиға қўйсун, назарини анинг канорасина солсун». «Кофий»да: «Назарин сониға қилсун» (дебдур). «Ҳидоя»да, «Виқоя»да айтур: «Хотун сўл думбасини босиб, (икки оёғини) ўнг тарафидан

чиқариб ўлтурсун». Намозхон қаъдада бу ташаҳҳудни ўқусун:

ا لتَّحِيَّا تُ للَّه وَ ا لصَّلَوَ ا تُ وَ ا لطَّيِّبَاتُ ا لسَّلاَمُ عَلَيْكَ

أَيُّهَا ا لنَّبِيُّ وَ رَحْمَةُ ا للَّهِ وَبَرَكَا تُهُ السَّلاَ مُ عَلَيْنَا وَ

عَلَي عِبَا دِ ا للَّهِ ا لصَّا لِحِينَ أَ شْهَدُ أَنْ لاَ إِلَهَ إِلاَّ ا للَّهُ وَ

أَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُو لُهُ

Саломлар, намозлар ва (ҳамду санода ишлатиладиган) таййиба - покиза сўзлар (амаллар) Аллоҳ учундир. Эй Набий! Сизга Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракотлари бўлсин. Бизга ҳамда Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин. Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг қули ҳамда расулидир. Бу Имоми Аъзам ташаҳҳудидур. Ва агар намози икки ракат бўлса, ташаҳҳуддин сўнг салавот ўқуб, ўнгу сўлға салом бергай. Ва агар уч ё тўрт ракат бўлса, аввалғи қаъдада ташаҳҳудга бир нимарса қўшмасун, «Аллоҳу Акбар» деб қиёмға борсун. Аммо фарзнинг сўнгғи ракатларига тасбеҳ айтса ва ё сукут қилиб турса ҳам раво бўлур. Лекин «Алҳамду»ни ўқумоқ авлодур. Суннат ва нафлға жамиъи ракатларига «Алҳамду»ни сура бирла ўқусун, зероки ҳар ракати алоҳида бир намоздур. «Жомеъ ул-басотин»да «Биржандий»дан нақл қилур: «Ҳасан ибн Зиёд Имоми Аъзамдин нақл қилур: «Алҳамду»ни фарз намозларини жамиъи ракатига ўқумоқ вожибдур». Имом Шофеъий олдида фарздур. Ҳар вақт мусалли (намозхон) ракатларни тамом

қилса, қаъдаи охирға ўлтурсун. Расул алайҳиссаломға ташаҳҳуддин кейин дуруд юборсун. Бизни имомларнинг наздида (салавот) суннатдур. Имом Шофеъий олдида салавот фарздур. Бу сўзлар «Ҳидоя»да ва «Кофий»да тайиндур. Имом Шофеъий олдида «Аттаҳийёт» фарздур. Салавот будур:

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَ عَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا صَلَّيْتَ

عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ

اللَّهُمَّ بَارِكْ عَلَي مُحَمَّدٍ وَ عَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا بَارَكْتَ

عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ

Эй Аллоҳ! Иброҳим оиласи – умматига раҳмат қилганинг каби Муҳаммадга ва унинг оиласи – умматига ҳам раҳмат ёғдиргин. Иброҳим оиласи – умматига хайр-баракат ато этганингдек Муҳаммадга ва унинг оиласи – умматига ҳам хайр-баракат ато этгин. Албатта Сен мақтовли ва Улуғ Зотдирсан.

Салавотдин сўнг ўз нафси ва жамиъи мўминлар учун дуо қилсун. «Саҳифа»да айтур: «Бу дуони ўқусун:

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي وَ لِوَالِدَيَّ وَ لِجَمِيعِ الْمُؤْمِنِينَ وَ الْمُؤْمِنَاتِ

Парвардигоро, мени, ота-онамни ва барча мўмин ва мўминаларни мағфират қилгил! Кўп нусхаларда будур. Яна бир дуони Расули Худодин нақл қилурлар, «Мишкоти Шариф»да ҳам айтур: «Абу Бакр Сиддиқ айдилар: «Бир кун Расули Худога айдим: «Ё Расулуллоҳ, бир дуони менга ўргатинг, намозда ани ўқуғойман». Меҳтари олам айдилар:

ا للَّهُمَّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي ظُلْماً كَثِيراً وَ لاَ يَغْفِرُ ا لذُّنُو بَ

إِلاَّ أَ نْتَ فَاغْفِرْ لِي مَغْفِرَةً مِنْ عِنْدِكَ وَ ا رْحَمْنِي إِنَّكَ أَنْتَ

ا لْغَفُورُ ا لرَّحِيمُ

Парвардигоро! Албатта мен ўз нафсимга кўп зулмлар қилдим. Гуноҳларни ёлғиз Сенгина кечиргувчисан. Мени ўз марҳаматинг – Ўз томонингдан бўладиган мағфират билан кечиргин, раҳм этгин! Албатта Сен кечиргувчи ва раҳмли Зотдирсан. Муттафақун алайҳи.

Ва яна Ибн Аббосдин ҳам нақл қилурлар: **«Расул алайҳиссалом айдилар:**

ا للَّهُمَّ إِنِّى أَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَ ا بِ جَهَنَّمَ وَ أَ عُوذُ بِكَ مِنْ

عَذَ ا بِ ا لْقَبْرِ وَ أَ عُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ فِتْنَةِ ا لْمَحْيَاءِ

وَ ا لْمَمَا تِ وَ مِنْ شَرِّ فِتْنَةِ ا لْمَسِيحِ الدَّجَّال

Эй Аллоҳ! Мен Сендан жаҳаннам азобидан, қабр азобидан, тириклик ва ўлим фитнасидан ва Масиҳи Дажжол фитнасидан паноҳ беришингни сўрайман!» Бу дуо «Мишкот»дадур. Ва «Хулоса»да бу дуони айтур:

رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ

«Парвардигоро, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато қилгин, Охиратда ҳам яхшилик ато этгин ва бизни дўзах азобидан асрагин» («Бақара» сураси, 201-оят). Шарҳларда бу дуони тайин қилибдурлар:

رَبَّنَا لَا تُزِغْ قُلُوبَنَا بَعْدَ إِذْ هَدَيْتَنَا وَهَبْ لَنَا مِن لَّدُنكَ رَحْمَةً

«Парвардигоро, Ўзинг бизни ҳидоят қилганингдан кейин — энди дилларимизни Ҳақ Йўлдан оғдирмагин ва бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат ҳадя этгин!» («Оли-Имрон» сураси, 8-оят). Сўнг салом бергай. Ва яна «Шамсуддин»да айтур: «Аввал юзин ўгуруб, сўнг салом бергай, кўнглида малак бирла башарни ният қилсун, одам бор бўлса. Аммо фариштa ҳамма вақт бордур». «Кофий»да айтур: «Саломда аввал фариштани ният қилсун, зероки улар одамга нигоҳбондур. Бир мўминда неча фаришталар бордур, анинг ададиға ихтилоф қилибдурлар. Баъзи ривоятда беш фариштa бордур, бири гуноҳини ва бири савобини битар ва бири хайротни талқин қилур ва бири балони қайтарур ва бири салавот айтиб, ул бандани тилар. Баъзи ривоятда икки фариштa бордур. Баъзи ривоятда олтмиш фариштa бордур. Баъзи ривоятда юз олтмиш фариштa бордур ва бир ривоятда адади тайин эмас. «Хулоса»да саҳиҳ ривоятда муқтадий ёнидаги одамни, фаришталарни ва имомни ният қилсун, агар (муқтадий имомнинг) ўнг тарафида бўлса, аммо чап тарафда бўлса имомни сўнгги саломда ният қилсун. Агар имомға баробар бўлса, Имом Абу Юсуф наздида имомни ният қилсун, Имом Муҳаммаднинг наздида икки жонибда (ҳам) имомни ният қилсун. «Ҳидоя»да айтур: «Имоми Аъзам ҳам Имом Муҳаммад бирла биргадурлар». Агар киши намозда бирга бўлмаса саломни бир-бирин ният қилмас (бошқа-бошқа намозни ўқиётганлар бир-бирига салом беришни ният қилмайди). «Ҳидоя»да саҳиҳ ривоят шудур. Ёлғуз намоз ўқувчи фариштадин ўз-

гани ният қилмасун. «Шамсуддин»да Абулқосимдин нақл қилур, ул саломда жамиъи аҳли намозни ният қилур эрдилар. «Фатовойи Мухтор»да айтур: «Аввалғи саломдин сўнгги саломни пастроқ айтсун». Имомайн олдида муқтадий имомдин сўнг салом берсун. Имоми Аъзамдин икки ривоят бордур, бири Имомайннинг қавлларифа ўхшар, бири баробар салом бергай. Имом Абу Жаъфар ривоят қилурлар: «Имом ўнг тарафга салом бергандин сўнг муқтадий салом берсун. Имом форифа бўлғондин сўнг чапга салом бергай». Абул Лайсда айтур: **«Расули Худо айдилар: «Ҳамма бандаи Худо беш вақт намозни жамоат билан ўқуса Худойи таоло анга минг шаҳиднинг савобини бергай, андоғ шаҳидки, Худо йўлида ғазот қилған бўлсалар»**.

Эй азиз! «Фатовий»да айтур: «Ҳар ким суннатни беузр тарк қилса, фарз намози қабул бўлмас. Тарки суннат қилмоқ кўп ямондур».

ҚИРОАТ БАЁНИ

«Ҳидоя»да ва ўзга китобларда битибдурлар: «Намози бомдод, намози шом, намози хуфтон, жума намози ва икки ийдни жаҳр қилиб ўқумоқ вожибдур. Аммо намози шомнинг сўнгги бир ракатига ва хуфтоннинг ҳам сўнгги икки ракатига махфий ўқусун». Агар танҳо ўқуса ихтиёрлидур — хоҳ жаҳрий ва хоҳ махфий ўқусун. Лекин танҳо ўқувчи ҳам жаҳр намозни жаҳр ўқумоғи афзалдур. Бу масалалар вожибнинг бобида келур. Аммо намози аср ва намози пешинни махфий ўқусун. Агар жаҳр намозлар қазо бўлса, имом бўлса, жаҳр ўқусун ва агар танҳо бўлса,

паст ўқусун. «Ҳидоя»да саҳиҳ ривоят шулдур. «Хулоса»да фатво будурки, танҳо ўқувчи жаҳр намозни қазо қилса, махфий ўқумоғи вожибдур. Яна кундузги нафл намозларни махфий ўқусун. «Ҳидоя»да айтилурки, тундаги нафл намозларга ихтиёрлидур. «Хулоса»да айтур: «Махфий намозни ўқурда ёнида бир ё икки одам эшитса, жаҳр ҳукмида бўлмас». Баъзи нусхаларда айтур: «Махфий намозни биров эшитсун», деб эшитгудек ўқуса жаҳр ҳукмида бўлур. «Шаҳ Ҳусайн»да айтур: «Имом бўлғон одам муқтадий эшитгудек қироат қилсун, аммо муқтадийлар овози чиқмасун. Агар мундоғ қироат қилса, гуноҳкор бўлур». «Шамсуддин»да ҳам мундоғдур. Агар танҳо ўқувчи жаҳр намозни махфий ўқуғонда биров иқтидо қилса, «Хулоса»да айтур: «Алҳамду»ни қайтадин жаҳр қилсун». «Қиннийя»да айтур: «Икки одам иқтидо қилса, еттан еридан жаҳр қилсун. Ва агар хуфтоннинг аввалғи икки ракатига «Алҳамду»ни тарк қилса, сўнгги икки ракатига «Алҳамду»ни қазо қилмасун. Аммо аввалғи ракатда сурани тарк қилғон бўлса, сўнгги ракатда қазо қилсун. Имом бўлса, жаҳр қилсун». Бу масалалар «Ҳидоя»да тайиндур. Саҳиҳ ривоятда сурани ракатиға «Алҳамду» бирла қазо қилсун.

Имом Аъзам ва Имом Муҳаммад роҳимаҳумоллоҳу олдида фарзнинг ва вожибнинг ҳар қайсиси ўз жойида илгари айтилди. «Фотиҳа»ға зам сура қилмоқ ҳам айтилди. **Эмди намознинг мустаҳабини айтмак керак.**

«Ҳидоя»да айтур: «Сафардаги одамлар бомдодға ва яна ҳар намозга «Алҳамду»га хоҳлаган сурани зам қилиб ўқуса бўлур. Расули Худо сафарда «Алҳамду» билан «Муаввизатайн» (Фалақ ва Ан-нос

суралари)ни ўқуб эдилар». Бу ҳадисдан маълум бўлурки, сафарда қисқа суралар авлодур. Аммо бу айтилганлар йўл юргандадур. Аммо омонлиқ бўлса ва ё бир ерда турсалар «Вассамаи зотил буруж...»ни ва бунинг монандини ўқусун. Агар муқим бўлса савоби будурки, бомдодга қирқ-эллик оятни ўқусун. Яна бир ривоятда олтмиш оятни ўқусун. «Ҳидоя»да айтур: «Тавфиқлик муттақий бўлса юз оят ўқусун, коҳил (ялқов)лар қирқ оят ўқусун. Намозга рағбати борлар эллик оят ўқусун. Баъзилар: «Оятнинг узун ва калтасиға қарасун», дебдурлар. «Хулоса»да шулдур. «Салоти Масъудий»да айтур: «Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу бомдодга сураи «Бақара»ни қироат қилур эрдилар. «Захийра»да айтур: «Ҳазрати Умар бомдодға сураи «Юсуф»ни ўқур эрдилар. «**Ва қола ё Юсуф»** деган оятда кўп йиғлар эдилар. Охир йиғиларин қайтаролмай рукуъ қилур эрдилар».

Бас, маълум бўлдики, узун сура ўқумоқ хўбдур, башартики имомнинг қавми узун сураларға рози бўлса. Ва лекин қавмға малол бўлса, аларнинг ҳолиға қараб қироат қилсун. Нақлдурки, бир кун Хожа алайҳиссолату вассалом бомдодни ўқуб туруб эрдилар. Ногоҳ бир гўдакнинг йиғлаған овози келди. Саййиди олам билдиларки, ул гўдакнинг волидаси намози жамоатга келибдур. Бу сабабдин икки «Қул аузу...»ни қироат қилдилар. Бу далилдурки, имом қавм ҳолиға яраша қироат қилсун. «Ҳидоя»да айтур: «Пешинда ҳам бомдоддоғи қироатни қилсун, зероки иккининг вақти кенгликда баробардур». Аммо «Асл»да айтур: «Пешинда бомдоддин камроқ ўқусун, зероки пешин баъзи ишларнинг вақтидур». «Мухтасар»да айтур: «Муқим намози бомдод ва пешинга «Ҳафти-

як»нинг узоқ (узун) сурасини ўқусун. Узоғи будурки, сураи «Ҳужурот»дин сураи «Буруж»ғачадур. Ва намози аср ва хуфтонда ўрта суралардин ўқусун. Ўрта суралар «Буруж»дан то «Лам якун»гачадур. Намози шомга қисқа сураларни ўқисин. «Лам якун»дан то охириғача қисқа суралардур». Булар мустаҳабдур.

«Ҳидоя»да айтур: «Бомдоднинг аввалғи ракатини узоқ қилсун, аммо пешиннинг ва намози аср-нинг икки ракатини баробар қилсун. Бу Шайхайн олдида. Имом Муҳаммад наздида жамиъи намоз-нинг аввалғи ракатини узун қилсун». «Жомеъ ул-басотин»да айтур: «Фатво Имом Муҳаммаднинг қавлиғадур». «Тоторхоний»да айтур: «Фатво булдурки, агар сўнгги ракатни аввалғи ракатдин уч оят зиёда ўқуса, бехилоф макруҳдур, аммо уч оятдин камроқ бўлса, зарари йўқдур».

Ҳар вақтеки имом қироат қилса, муқтадий сукут қилиб турғай ва яна «Фиқҳи Кайдоний»да айтур: «Имом қироат қилғонда муқтадий сукут қилиб турмоғи вожибдур». «Ҳидоя»да ва «Ниҳоя»да айтур: «Агар имом ояти ваъда ё ваъийд ўқуса, муқтадий сомеъ бўлуб турғай ва яна жумада хатиб хутбада:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا صَلُّوا عَلَيْهِ وَسَلِّمُوا تَسْلِيمًا

«...Эй мўминлар, сизлар ҳам у зотга салавот ва салом айтинглар!» («Аҳзоб» сураси, 56-оят) деса, сомеълар Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи васалламга салавот юборсун. «Виқоя»да айтур: «Салавотни оҳиста айтсун». Аммо «Кофий»да ва «Қозихон»да асаҳҳи буки, хутбанинг аввалидан охириғача сомеълар сукут қилсун, зероки хутба эшитмак фарздур. Сабаби будурки, хутба тамом бўлғонда салавот айтмакка

қодир бўлур. Ва яна бир сурани намозга таъйин қилмоқ макруҳдур, магар бир сурадин ўзгани билмаса, раво бўлур. «Жомеъ ул-басотин»да айтур: «Ҳар ракатга бир сурани икки ўқумоқ макруҳдур, аммо икки ракатта бир сура ўқумоқ макруҳ эмасдур. Баъзилар макруҳ эмасдур, дебдурлар. Асаҳҳи будурки, макруҳ эмасдур. Ва яна икки ракатга икки сурани ўқуса, анинг орасида бир сура қолса, баъзилар макруҳ дебдурлар. Ва яна бир ривоятда айтур: «Ўртада қолғон сура узун бўлса, макруҳ бўлмас». Аммо бир ракатда икки сура ўқуб, бир сура ўртада қолса, бехилоф макруҳдур. «Хулоса»да ва «Шамсуддин»да айтур: «Аввалғи ракатда бир сура ўқуса, сўнгги ракатга андин бурунғи сурани ўқуса, макруҳ бўлур». Бу масалалар фарз намозиғадур, суннатларда макруҳ эмас. Аммо ўз ихтиёри бирла қилс,а макруҳ, унутиб қилса, зарар қилмас. Агар «Қул аузу бироббиннас»-ни аввалғи ракатга ўқуса, сўнгғига ҳам ани ўқусун, (бу) «Хулоса»да машҳурдур. Икки ракатга бир сура ўқуса, сўнгғига имомлар ихтилоф қилибдурлар. Асаҳ қавл буки, макруҳ бўлмас. Аммо буни ўз ихтиёри бирла қилмасун. «Салоти Масъудий»да айтур: «Расули Худо суранинг аввалин ташлаб, охирин қироат қилмадилар ва яна бир сурани икки бўлуб ўқумадилар, балки бир сурани бошласалар, узун бўлса ҳам тамом қилур эрдилар ва яна икки сурани бир ракатга ўқумадилар». Аммо таровеҳда зам суранинг ўртасидан бошласа ва ё бир сурани икки бўлса раво бўлур. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар бир сурани қўюб, яна бир сурани ўқуса, макруҳ бўлур. Агарчи ул қасд қилғон сурани бошламаган бўлса ҳам». Агар бир киши намозда бир сурани ўқуса, сўнгги ракатга

яна сурани бошлагандин сўнг ёдиға келсаки, ўртада бир сура қолибдур, мухтор ривоятда булдурки, шул сурани ўқусун. Агар аввалғи ракатта бир сурани ўқуса, иккинчи ракатта ҳам яна бир сурани ўқуса, кейингида ўқуғон сураси аввалғидан юқори бўлса ҳам ул сурани ўқий берсун. Яна бир оятни фарз намозиға қайта-қайта ўқумоқ макруҳдур, аммо нафлда макруҳ бўлмас.

ҚИРОАТДА БИР ҲАРФНИНГ БОШҚА ҲАРФГА ЎЗГАРИШИ

Уламолар айтурлар: «Бир ҳарфнинг ўрниға (бошқа) бир ҳарфни ўқуса, ул кишига бул ҳарфларни тафриқа қилмоғи (ажратмоғи) машаққатсиз мумкин бўлса, раво бўлмас. Яъни ط ни ва ص ни машаққатсиз жудо қилса бўлур, масалан, «солиҳот»ни ط билан ўқуса, намози бузилур. Лекин ажратмоғи машаққатсиз мумкин бўлмаса, масалан, ظ ни ض бирла, ط ни ت бирла, س ни ص бирла, «Хулоса»да айтур: «Буларни ажратмаса баъзи ривоятда намози раво бўлмас, баъзи ривоятда раво бўлур. Аммо مَا اضْطُرِرْتُمْ да ض ни ўрниға ذ ё ظ ўқуса, намози раво бўлмас. «Садр уш-шаҳид»да айтур: ض ни ўрниға ظ ва ё ظ ни ўрниға ض ни ўқуса ва ё س ни ص билан ўқуса омма машойихларнинг олдида намози бузулур, баъзи имомлар олдида бузулмас, аммо эҳтиёт вожибдур. Фосидни ва фосид эмасни «Хулоса»да бир-бир баён қилур. Ва агар غِيظَةٌ ни ض

бирла ва ё ذ бирла айтса, намози фосид бўлур. Агар مَغضُوبِ ни ظ ё ذ бирла ё ز бирла деса, намози бузилур. «Хулоса»да وَلاَ الضَّـالِّينَ ни ذ ва ё ظ бирла ўқуса, намози бузилмас (дебдур). Аммо «Қозихон»да айтур: «ذ бирла айтса, бузулур». «Сирожийя»да айтур: «وَلاَ الضَّـالِّينَ ни ذ ва ظ бирла айтса омма машойихларнинг олдида намози фосид бўлур. Агар نَاضِرَةٌ ни ظ бирла айтса ё نَاظِرَةٌ ни ض бирла айтса, бузулмас». «Қозихон»да айтур: «ذ бирла айтса бузулур». وَالْعَادِيَـاتِ ضَـبْحًا ни ظ бирла айтса бузулур ва ذُلِّلَتْ ни ض бирла айтса бузулур, аммо ظ бирла айтса, бузилмас. فِـي تَضْـلِيل ни ذ бирла айтса бузулмас, аммо ظ бирла айтса бузулур. Агар تَظُنُّ ни ض ё ذ бирла айтса, намози бузулур. أَزْكَى لَكُمْ ни ظ бирла айтса, фосид эрмас, аммо ض бирла айтса, бузулур. Бу масалалар «Хулоса»дадур. Агар غَيْرُ كَ لاَ إِلَـهَ ни خَيْرُ كَ деса бузулмас. فَرَضَ ни ذ бирла ё ظ бирла айтса бузулур. ظَاهِرَ الإِثْمِ ни ض ё ذ бирла айтса бузулур. مِمَّا ذر ни ض ва ё ظ бирла айтса, намози бузулур. نَصْرٌ مِنَ اللهِ ни س бирла ё صَمَدٌ ни س бирла ўқуса, намози бузулур, ё خَاسِأً ни ва نَسْرًا ни ص бирла ўқуса, ё عَسِيرٌ ни ص бирла, ё لَهَا لاَ انفِصَامَ ни س бирла, ё لاَ اِنْفِصَامَ ни لاَ اِنْفِصا لَ деса, مُصْطَفَى ни س бирла, ё اَصَرٌّ ни ё تَصْطَلُونَ ни س билан ўқуса, ё مُسَيْطِرٌ ни ص ўқуса, فَهَلْ عَسَيْتُمْ ни ص ўқуса, ё فَإِنْ عَصَوْكَ ни س бирла, ё صَدَدْنَاكُمْ ни س бирла, ё صَلِّ عَلَى ни س бирла, سُورَةٌ ни ص ўқуса, ё رَسُولَهُ ни ص

бирла, يُصِرُّونَ ни س бирла, ё حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ ни ص бирла, ё سَا ئِغاً ни ص бирла ўқуса, буларнинг ҳаммасиға «Хулоса»да бузулмас, дебдурлар.

«Хизона»да айтур: نَصْرُ الله ни س бирла ўқуса, бузулур». «Тоторхоний»да айтур: صَلِّ عَلَى ни س бирла айтса бузулур». «Заҳирий»да айтур: الصَّمَدُ ни س бирла айтса, намози бузулур». سَرَ با ни ё نَسَبا ни ص бирла ўқуса ё تَنسَوْنَ ни ص бирла айтса, تَفْصِيلَ ни س бирла айтса, إِلَى الصَّخْرَةِ ни س ўқуса ё قَوْلاً سَدِيدًا ни ص бирла айтса, ё فَالْمُغِيرَاتِ صُبْحًا ни س бирла айтса, ё وَتَوَاصَوْا بِالصَّبْرِ ни س бирла айтса, ё مُتَرَبِّصٌ ни ё تَرَبَّصُوا ё فِي الصُّدُورِ ни س бирла айтса, буларнинг ҳаммасида «Хулоса»да намози бузулур, дебдур.

Агар يَخْصِفُ ни س бирла айтса, حَسُوماً ни ص бирла айтса, намози фосид бўлур. صِرَاطُ ва طَلْعَهَا ни ت бирла ўқуса, намози бузулур. Агар فَطَرَ ни ت бирла айтса, قَانِتِين ни ط бирла айтса, فطا بَ ни ت бирла айтса, намози бузилур. Ва яна رِحْلَةَ الشِّتَاء ни ва وَ ا لتِّين ни ط бирла айтса, يَقْنَطُونَ ни ва حَمَّا لَـةَ ا لْحَطَـبِ ни ت бирла айтса, намози бузулур. فَطَاقَ ё يَبْطِش ни ت айтса, «Хулосат ул-фатово»да намози бузулур (дебдур).

«Хулоса»да شَيْطَانُ ва ё مَسْطُورًا ё لُوطًا ва ё وَمَا يَنطِقُ ни ت бирла айтса, كَصَاحِبِ الْحُوتِ ни ط бирла айтса, ё مَطْلَعِ الْفَجْرِ ни ت бирла айтса, намози бузулмас (дебдур).

Ва яна سَوْطَ عَذَابٍ ни ص ё ظ ё ض бирла айтса бузул-

мас ва أَحَدٌ ни ت айтса бузулур. اعْدَلُهُمْ ни عَدْلٌ ا ўқуса бузулмас. لِمَنْ حَمِدَهُ ни لِمَلْ حَمِدَهُ деса, يَوْمَ تُبْلَى السَّرَائِرُ ни تُبْلَى السَّرَائِلُ деса бузулур. Муаннасни музаккар деса ё аксини деса, бузулмас. Мухотабни ғойиб, ғойибни мухотаб ўқуса «Хулоса»да бузулмас, дебдур. اتَّقَى ўрнига وُتُقَى ёки شَقِيٌّ ўрнига سَقِيٌّ ўқуса, буларни хато бирла ўқуса, зарари йўқдур. Агар тили келмай, ح ни ه ўқуса, мисли الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَحْمٰنِ الرَّحِيمِ деса, سُبْحَانَ رَبِّيَ ا لْعَظِيمُ ни ض ё ذ бирла айтса, ё المَغضُوبِ ни ذ ё أَعُوذُ ни د бирла айтса, ё صَمَدٌ ни س билан ёки ا لتَّحِيَّا تُ ни ه бирла айтса, кеча ва кундуз буларни дуруст қилмоққа саъй-тараддуд қилса, айтолмаса, андоғ одам ҳар нечук ўқуса раво бўлур. Ва яна ул одам умрини сарф қилса, билолмаса намози дуруст, аммо жидду жаҳдни тарк қилиб, хато ўқуса, намози дуруст эмас. Ва яна киши أَسَاطِيرُ ни ص ё ت айтса, غَيرِ المَغضُوبِ ни مَغضُوبِ ўқуса, намози бузулур. سِنَةٌ ни ث бирла айтса, намози бузулур. Агар وَأَمْطَرْنَا ни ت айтса ва яна فَتَرْضَى ни ظ айтса, هَضِيمٌ ва طَلْعُهَا ни ذ ва ظ ўқуса, يَصْدُرُ النَّاسُ ни س бирла айтса, أَشْتَاتًا ни ط бирла айтса, أَعْظَمُ ни ض ва ё ذ бирла айтса, وَالطُّور ни ت бирла айтса, قَسْوَرَةٍ ни ص бирла айтса, مَكظُومٌ ни ض ё ذ бирла айтса, намози бузулур. يُهُمْ أَقْرَبُ ا ни أَغْرَبُ деса, وَمَا قَلَى ни عَلَى деб айтса, وَالصَّيْفِ ни س бирла, حَسُوماً ни ص бирла айтса, صَفْحاً ни س бирла айтса, буларнинг ҳаммасиға намоз бузулур.

تَبَارَكَ اسْمُكَ ни تَبَارَكَ اسْمُكَ ўқуса ва яна وَا نْهَرْ ни وَا نْحَرْ деса, جَدُّكَ ни долини ت ўқуса, «Шарҳи «Аврод»да намози бузулур (дебдур). Ва яна أَنعَمتَ ни أَلعَمتَ деса, намози бузулур.

قُلْ هُوَ اللّٰهُ أَحَدٌ да قُلْ нинг ل ини ر қилиб айтса, бузулур. «Тарғиб ус-солат»да айтур:

مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ ни ت бирла айтса, намози бузулур. Ва яна ҳар ерда مَنْ ни بِمَنْ деса, намози бузулур. Ва яна تَبَّتْ ни د бирла айтса, حَطَبٍ ни ت бирла, مِّن مَّسَدٍ ни ص бирла айтса, طَيِّبَاتِ ни ت бирла айтса, صَّالِحِينَ ва وَا لصَّلَوَاتُ ни س бирла айтса, намози бузулур. Ва яна бир калимани икки бўлса, намози бузулур, қурролар олдида, аммо фуқаҳолар наздида намози бузулмас. Аммо эҳтиёт қилсун. Суврати будурки, яъни «Ал» деб дам олса, сўнг «ҳамду лиллаҳи» деб бошласа ва ё «Атта» деб дам олса, сўнг «ҳийяту» деб бошласа, бир калимани икки бўлган мундоғдур. Ва яна дуои Қунутда نُصَلِّ ни س бирла айтса, نَسْتَعِينُكَ ни ва نَسْعَى ни ص бирла айтса, نَسْجُدُ ни ص бирла айтса, نُثْنِى ни س билан айтса, намози бузулур.

ҚИРОАТДА ҲАРФНИ ЗИЁДА ҚИЛИШ ВА УНИНГ ҲУКМИ

«Хулоса»да айтур: «Агар киши бир ҳарфни зиёда қилса, бу зиёда бўлмоғидан маъно тағйир бўлмаса,

намоз бузулмас». Имом Абу Юсуф олдида икки ривоят бордур. Машойихи омма олдида бузулмас, мисли يُدْخِلُهُ ни يُدْخِلُهُمْ ўқуса, намози бузулмас. Агар маъно тағйир топса, намози бузулур, эҳтиёт қилмоқ керак. Ва агар إِنَّ سَعْيَكُمْ ни وَإِنَّ سَعْيَكُمْ ўқуса ва яна «Ёсин»да إِنَّكَ ни وَ إِنَّكَ ўқуса, «Хулоса»да ва «Қозихон»да намози бузулур, дебдур.

ҚИРОАТДА ҲАРФНИ КАМ ҚИЛИШ ВА УНИНГ ҲУКМИ

Агар киши ҳарфни кам қилса, ул сабабдин маъно тағйир бўлса, намози бузулур ва агар тағйир топмаса бузулмас. Масалан: جَاءَ تْهُمْ ни جَاءَ هُمْ деса, намози бузулмас. وَالنَّهَارِ إِذَا تَجَلَّى деб сўнгидан وَ مَا خَلَقَ ни айтганда و ни туширib қолдирса (айтмаса) намози бузилур.

ҚИРОАТДА ВАСЛ, ТАШДИД ВА МАДДЛАРДА ХАТО ҚИЛИШ ВА УЛАРНИНГ ҲУКМИ

Масалан إِيَّاكَ نَعْبُدُ ни إِيَّا كَنَعْبُدُ ўқуса ё كَنَسْتَعِينُ деса, «Хулоса»да айтур: «Мундоғларда ҳар жойда бўлса, намоз вайрон бўлмас. Лекин бузулур, деган ривоят ҳам бордур». Агар ташдидлини ташдидсиз ва ё аксинча ўқуса, бу важҳдин маъно тағйир топмаса, намози бузулмас. Мисли عَنِ السَّاعَةِ ни ташдидсиз айтса

бузулмас. Лекин بِرَبِّ النَّاسِ га ўхшаш сўзлар ташдидсиз ўқилганда маъно тағйир топадиган бўлса, уламолар ихтилоф қилибдурлар. Оммаи машойих намоз бузулур, дебдурлар. Илми Қуръон фарзи айндур. Илми Қуръонсиз намоз дуруст эрмас. Аввал Қуръон илмини ўрганинглар.

Ва яна لَعَادُونَ ا هُم ни ташдидли айтса, намози бузулур. إِيَّاكَ ни ташдидсиз айтса, мухтор ривоятда намози бузулмас, оммалар наздида бузулур. Агар маддни тарк қилса, маъно тағйир бўлмаса, намози бузулмас, яъни إِنَّا أَعْطَيْنَا нинг إِنَّا сиға мадд қилмаса ё أُولَـٰئِكَ ни маддсиз айтса, бузулмас. Маддсиз айттандин маъно тағйир топмаса бузулмас, агар тағйир топса, бузулур. دُعَاءً نِدَاءً ва سَوَاءٌ عَلَيْهِم ларни маддсиз ўқуса мухтор ривоятда фосид бўлмас. Лекин аслда хилоф бордур.

ЭЪРОБ (ЗЕР ВА ЗАБАР)ДА ХАТО ҚИЛИШ ВА УНИНГ ҲУКМИ

Агар киши зер ва забарни хато қилса, маъно тағйир бўлмаса, бузулмас. Масалан, أَصْوَاتَكُمْ ни أَصْوَاتِكُمْ айтса, намози бузулмас. Аммо хато қилмоқ бирла маъноси бузулса, омма уламоларнинг наздида намози бузулур. Масалан: وَعَصَى آدَمُ رَبَّـهُ ни وَ عَصَى آدَمَ رَبُّهُ деб ўқуса ё رَبَّ ни رُبَّ деса намози бузулур[6]. «Хулоса»да

[6] Агар қасддан шундай қилган киши кофир бўлур.

ва яна «Қозихон»да айтур: «Буларни ҳар киши қасддан айтса, намози бузулур. Бу йўлларда эҳтиёт бўлунг, ани хатари кўпдур. Ва яна «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар киши أنعمتَ ни أنْعَمْتِ деса ё إيَّاكَ ни إيَّاكِ ўқуса, намози бузулур. Аёлу эрга эҳтиёт лозимдур.

ҚИРОАТДА СЎЗНИНГ (БОШҚА) СЎЗГА АЛМАШИБ ҚОЛИШИ ВА УНИНГ ҲУКМИ

«Хулоса»да айтур: «Агар калима бир калимага табдил бўлса, бир-бирига маъноси яқин бўлса, намози бузулмас, яъни عَلِيمٌ ни ўрнига حَكِيمٌ деса, ё خَبِيرٌ ни ўрнига سَمِيعٌ ё بَصِيرٌ деса, ё آثِيمٌ ни ўрнига فَاجِرٌ деса, намози бузулмас. Агар киши نُصِبَتْ ва خُلِقَتْ нинг ўрнига رُفِعَتْ ни ўқуса ё سُطِحَتْ ни ўрнига نُصِبَتْ, ё نُصِبَتْ ни ўрнига سُطِحَتْ ни ўқуса, ё خُلِقَتْ ни ўрнига رُفِعَتْ ни ўқуса Имом Абу Юсуфнинг наздида намози бузулмас. Агар бир калимани табдил қилса, ул калима Қуръонда бўлмаса, аммо маъноси яқин бўлса, масалан, التَّوَّابِينَ ни ўрнига تَيَّابِينَ деса, Имом Абу Юсуфни наздида намози бузулур, Имоми Аъзам бирла Имом Муҳаммад олдида бузулмас. Агар маъноси яқин бўлмаса, агарчандики ул калима Қуръонда бўлса ҳам, намози бузулур, масалан: إِنَّا كُنَّا فَاعِلِينَ ни غَافِلِينَ ўқуса, намози бузулур.

ҚИРОАТДА СЎЗ ЎРНИНИНГ АЛМАШИБ ҚОЛИШИ ВА УНИНГ ҲУКМИ

Агар киши илгариги калимани сўнг ўқуса, агар маъноси тағйир топмаса, намози бузулмас, яъни عِنَبًا ни حَبًّا дин илгари ўқуса намози дурустдур. Лекин илгариги калимани кейин ўқумоқ бирла маъно тағйир топса, намози бузулур. Омма бузруклар саҳиҳ лафз бирла тайин қилибдурларки, агар إِنَّ الْأَبْرَارَ деб сўнг لَفِي جَحِيمٍ деса, ё إِنَّ الْفُجَّارَ деб, сўнг لَفِي نَعِيمٍ деса, намози бузулур. Мундоғ ғалатни ҳар ерда қилса, намози бузулур. «Хулоса»да фатво шунгадур.

БАЪЗИ ЖОЙДА ВАҚФНИНГ НОДУРУСТ БЎЛИШИ ВА УНИНГ ҲУКМИ

«Хулоса»да айтур: «Вақф жойиз бўлмас ерга вақф қилса, намози бузулур». Агар киши шартда вақф қилса, андин сўнг жазони ўқуса, намози бузулмас, аммо ёмон бўлур.

Масалан: إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ деб вақф қилса, أُولَئِكَ هُمْ خَيْرُ الْبَرِيَّةِ, деб бошласа ва ё агар сифат бирла мавсуфнинг орасида вақф қилса, масалан, إِنَّهُ كَانَ عَبْدًا деб вақф қилиб, شَكُورًا деб бошласа, намози бузулмас, аммо ёмон бўлур. Ва яна «Хулоса»да айтур: أَنَّهُمْ أَصْحَابُ النَّارِда вақф қилмай الَّذِينَ يَحْمِلُونَ الْعَرْشَ ни ўқуса, намози бузулмас, лекин қабоҳат бўлур.

Агар тағйир фоҳиш бўлур бўлса, вақф, масалан, لَا إِلٰـهَ деб вақф қилса, إِلَّا هُـوَ деб бошласа, намози бузулмас, бизни имомларни наздида. «Хулоса»да айтур: وَقَالَـتِ الْيَهُودُ деб вақф қилса, عُزَيْرٌ ابْنُ اللّٰهِ деб бошласа намози бузулмас, лекин «Қозихон»да бузулур, дебдурлар. «Абулмакорим»да айтур: بِمُصْرِخِيَّ да вақф қилса, إِنِّي كَفَـرْتُ деб бошласа, баъзи имомлар наздида бузулур. Қасддан айтса, қабоҳат бўлур. «Қозихон»да айтур: «Буларда вақф қилмоқ ёмондур».

ҚУРЪОННИ ЛАҲН БИЛАН ЎҚИШ ВА УНИНГ ҲУКМИ

Агар Қуръонни лаҳн бирла ўқуса, агар калима тағйир бўлса, намози бузулур. Лаҳн буки, овозин тузатиб, нағмага солиб ё эса куйга солиб, маддсизга мадд тортиб ўқуса, хорижи намозда ҳам лаҳн бирла ўқумоқ машруъ эрмастур. Ўқуғувчи ва эшитгувчи гуноҳкор бўлур. «Фасиҳуддин»да айтур: «Лаҳн бирла ўқумоқ қабоҳатдур. Баъзи нодонлар овозини тузатиб, лаҳн қилур, ўзига «ҳофиз» от қўярлар. Қурроларни айттанига амал қилмай, ўзгача ўқурлар. Мундоғ ямонларнинг ҳаққига **Расули Худо: «Қуръон лаънат қилур»**, дедилар. Ва лаҳн кўп ёмондур. Овозин тузамак учун Худонинг Каломин бузуб лаҳн қилса, кўп қабоҳатдур. Лаҳн бирла Қуръон ўқуб, андин савоб тама қилса зиҳи (ажаб) аҳмоқдур. Вой бар ҳоли Қуръонни лаҳн бирла ўқуғувчиларға!

НАМОЗНИ БУЗАДИГАН НИМАРСАЛАРНИНГ БАЁНИ

«Мухтасари «Виқоя»да, «Жомеъ ул-басотин»да айтур: «Ҳар турлук сўзласа, хоҳ уйқуда, хоҳ бедор, хоҳ оз, хоҳ кўп, хоҳ арабий, хоҳ форсий, хоҳ туркий сўзласа, намози бузулур. Ва яна намозда «ах» ва «уф» деса ва ё «оҳ» деса, намози бузулур. «Ҳидоя»-да «Ноқизоти вузу» («Таҳоратни бузувчи амаллар» боби)да айтур: «Агар зиҳк бирла кулса, намози бузулур. «Зиҳк» улдурки, ўзи эшитса, ёнидаги эшитмаса». Ва яна «Виқоя»да айтур: «Уф» ё «пуф», ё «оҳ», ё «уҳ» деса, намози бузулур. Лекин эшитмаса, ҳарфлари бажо келса, намози бузулмас, магар Имом Кархийнинг наздида бузулур». Агар дард-алам учун йиғласа ва ё мусибат учун йиғласа, овози чиқса, намози бузулур. «Ҳидоя»да ва «Шарҳи «Виқоя»да айтур: «Агар охират учун йиғласа ва ё Худодин мағфират тилаб ва ё жаннат, дўзахни ёдиға олиб йиғласа, намози бузулмас, агарчи кўп йиғласа ҳам». Ва агар намозда беузр йўталса, йўталдин икки ҳарф пайдо бўлса, бизни имомлар наздида намози бузулур, яъни овоз ясамоқ зарар эрмас. Бу ривоят «Шарҳи «Аврод»дадур. Ва яна «Фиқҳи Кайдоний»да айтур: «Агар намозхон сажда қилур жойни пуфласа, ани ёнидаги эшитмаса, намози бузулмас. Аммо макруҳдур. Агар эшитса, бузулур». Ва агар қасд бирла салом қилса, бузулур, жавоб берса (ҳам) бузулур. Лекин (намозда) саҳван салом берса бузулмас. Аммо муроди саломга жавоб бермак бўлса, намози бузилур. «Фатовойи кофий»да айтур: «Агар киши намозим тамом бўлди, деб салом берса, бузулмас. Саждаи саҳв қилур».

Ва агар пешинни икки ракат ўқуб салом берса, сўнг намози тамом бўлмаганини билса, қолган икки ракатни ўқуб, саждаи саҳв қилсун. Ва агар пешиннинг икки ракатин ўқуб: «Мен сафарда қаср ўқурман», — деб салом берса, сўнг муқим эркани ёдига келса, намози бузулур, зероки ўз намозидин бехабардур».

«Канз ул-ибодий»да айтур: «Агар масбуқ «Мен мутимман (намозни тамом қилгувчиман), деб гумон қилиб имом бирла салом берса, сўнг масбуқ эканини билса, намози бузулур. Лекин саҳван салом берса, саждаи саҳв қилсун». «Жомеъ ул-басотин»да айтур: «Агар киши намозда «Ассалому» деса ва «алайкум» демаса, намози бузулур. Имом саломнинг (жавобини) намозда қайтарса хоҳ лафз бирла, хоҳ боши бирла ишорат қилса, намози бузулур». Аммо бир ривоят бордурки, қўли ёки боши бирла ишорат қилса, бузулмас. «Шамсуддин»да айтур: «Жамиъи ҳолда эҳтиёт вожибдур». «Хулоса»да айтур: «Агар ожизликдан йўталса ва ё хамёза қилса (эснаса) ва ё акса урса, буларда агарчанди ҳарф пайдо бўлса ҳам намози бузулмас». Агар бир одам намозда акса урса, яна биров «Ярҳамука роббука» деб намозда жавоб берса, жавоб берганнинг намози бузулур. «Жомеъ ул-басотин»да айтур: «Киши акса урса ва яна ўзи «Алҳамду лиллоҳ» деса, намози бузулмас». Аммо хўби шулки, ҳар ким намозда акса урса сукут қилса авлодур, зероки намозда акса уруб «Алҳамду лиллоҳ» деса Имоми Аъзам олдида намози бузулур. Балки намозда акса урғон одам фориғ бўлғондан сўнг «Алҳамду лиллаҳи роббил оламийн» десун».

Агар киши намозда бўлса, яна бир одам айтсаки: «Фалончи ўлубдур», намозда турғон одам «Инна лил-

лаҳи ва инна илайҳи рожиун» деса, намози бузулур. «Хулоса»да айтур: «Қуръон ўқуб ўлтурғон бўлса, анга биров намозда туруб луқма солса, луқма солғон одам таълим бермакни ирода қилса, намози бузулур. Таълимни ирода қилмаса, жамиъи уламолар наздида бузулмас». «Ҳидоя»да айтур: «Ўз имомидин бўлакка луқма солса, нечук бўлса ҳам намози бузилур». «Хулоса»да ва «Қозихон»да тайиндур: «Агар ма яжузу биҳис солату (намоз учун кифоя қиладиган оятни) ўқумай туруб бир оятдин бир оятга ўтса, андин сўнг муқтадий луқма солса ва таълим бермакни ирода қилса луқма солғувчини ва яна ул луқмани олғувчини намози бузулур. Агар мо яжузу биҳис солатуни ўқуғондин сўнг унутса, ҳайрон бўлуб турғонда муқтадий луқма солса, баъзилар наздида намози бузулур. Аммо асаҳ ривоятда иккисининг намози ҳам бузулмас». «Жомеъ ус-сағирхон»да айтур: «Мо яжузу биҳис солату ўқуғондин сўнг луқма солса, олмай рукуъга борсун ва ё яна бир оятта ўтсун, ёдиға келса ўқусун. Ва яна «Кофий»да айтур: «Ҳар нечук бўлса (ҳам) луқма солғоннинг намози бузулмас». Саҳиҳ ривоят будур. Аммо эҳтиёт жамиъи ҳолда хўбдур, зероки бу мавридки, луқма солғоннинг намози бузулур, деб ривоят қилди. «Шамсуддин»да айтур: «Муқтадий имомға луқма солса гуноҳкор бўлур, имом ани олса, макруҳ бўлур. Ва агар намозда хушхабар эшитиб «Алҳамду...» деса ва ёмон хабар эшитиб «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиун» деса ё бир таажжуб хабар эшитиб «Субҳоналлоҳ» ё «Ла илаҳа иллаллоҳ» деса, ё «Аллоҳу Акбар» деса, ул хабарга жавобни ирода қилмаса, «Хулоса»да жамиъи имомлар намози бузулмас, дебдур. Агар ул хабарнинг жавобини ирода қилиб

айтса, жамиъи имомлар олдида намози бузулур». Агар киши намозда Расули Худонинг муборак номларини эшитиб дуруд айтса, анга жавобни ирода қилса, намози бузулур. Ва агар киши намозда турса, олдида бир Яҳё отлиғ одам бўлса, бул намоз ўқуғувчи

يَا يَحْيَى خُذِ الْكِتَابَ

«(Биз унга): **«Эй Яҳё, Китобни** (яъни Тавротни) **маҳкам ушлагин,** (дедик)...» («Марям» сураси, 12-оят) деса, ул намоз ўқуғувчи ул Яҳёга сўзламакни ирода қилса, намози бузулур, бўлмаса намози бузулмас. «Хулоса»да буки, намозда сўзламак ва жавоб бермак намозни бузар. «Мухтасари «Виқоя»да ва «Жомеъ ул-басотин»да айтур: «Агар киши Қуръонға қараб қироат қилса, намози бузилур, хоҳ оз ва хоҳ кўп бўлсун». «Шамсуддин»да зоҳир ривоятда будур. «Абулмакорим»-да «Хулоса»дин нақл қилур: «Намозда (туриб) битилган (ёзилган) хатта қараса, фаҳмламаса, назар қилғувчини намози бузулмас ва лекин сажда қилур ерга (назари) ҳозир бўлсун. Аммо фаҳмласа, Имом Муҳаммад олдида бузулур ва Имом Абу Юсуф олдида бузулмас. Абул Лайс Имом Муҳаммаднинг қавлларин дуруст дебдурлар. Бизни имомларни наздида Абу Юсуфнинг қавлин дуруст дебдурлар, «Ҳидоя»да билижмоъ саҳиҳдур, намози бузулмас. Аммо намозда бир нимарса ичса ва еса намози бузулур, хоҳ қасддан ва хоҳ саҳван ва хоҳ оз ва хоҳ кўп бўлсун, бузулур. «Хулоса»да, «Шамсуддин»да айтур: «Тишининг орасида нўхатдин кам нарса бўлса, ани еса, намози бузулмас. Аммо нўхатча бўлса, намози бузулур». «Хулоса»да айтур: «Барфу борон (қор ва ёмғир) ва жола (дўл)нинг бир қатраси томоғига кирса, намози бузулур, рўза ҳам синар». «Салоти Масъу-

дий»да айтур: «Саждагоҳда кунжуд бўлса, оғзиға кетса хоҳ чайнаб ютсун, хоҳ бутун ютсун, ичига борса, намози бузулур. Кунжудни рўзадор одам чайнаса, рўзаси бузулмас, зероки чайнаб еса нобуд бўлуб кетар, ҳалқи (ҳалқуми)га етмас.

Ва агар намозда амали касир қилса, намози бузулур, яъни бир ишни икки қўли бирла қилса ва ё ўзга ҳолда икки қўли бирла қилур ишни бир қўли бирла қилса ё намоз ўқувчи бир ишни қилса, хорижи намоз (намоздан ташқаридаги) одамлар ул кишини намозда эмас, деб гумон қилса, намози бузулур». Китоби «Хулоса»да айтур: «Агар киши намознинг бир ракатида уч мартаба қашласа, ҳар мартаба қўлин кўтариб қашласа, намози бузулур. Аммо бир мартабада беш-олти қашласа, намози бузулмас. Ва агар намозда мўйни уч мартаба узса, намози бузулур. Ва ё битни уч мартаба ўлдурса ҳам намози бузулур». Имоми Аъзам олдида асло битни ўлдурмак мандур. Имом Абу Юсуф олдида битни ўлдурмак ва кўммак макруҳдур. Агар киши намозда илон ва чаённи ўлдурса, намози бузулмас, хоҳ қўли ва хоҳ кафти бирла ва хоҳи таёқ бирла ўлдурсун, бу ривоят зоҳирдур. Агар намоз ўқуғувчининг олдидан илон ва чаён ўтса, андин қўрқса ва агар ул газанда йироқроқ ўтса, намоз ўқуғувчиға зарар етмагудек бўлса, ани ўлдурса макруҳдур. Бу сўзлар «Хулоса»дадур ва «Жомеъ ул-басотин»да тайиндур. Лекин «Қозихон»да айтур: «Илон ва чаённи намозда юруб бориб ўлдурса, фосиддур. Ва агар намозда бир нимарсани уч мартаба урса, намози бузулур. Ва яна одамни қамчин ва ё қўли бирла урса, намози бузулур». Ва яна киши намозни маркабнинг устида ўқуса, маркабга илги (қўли) бирла озроқ таянса, намози бу-

зулур, бир оёғи бирла таянса, бузулмас. Бу масала «Жомеъ ул-басотин»дадур. «Шамсуддин»да айтур, «Хулоса»да (ҳам) бордур, агар намозда юрса, миқдори бир саф юрса, намози бузулмас. Аммо бир дафъада икки-уч сафча юрса, бузулур». Хотун намоз ўқуб турғонда агар (эри) бўса қилур бўлса, хоҳ шаҳват бирла ва хоҳ бешаҳват, хотуннинг намози бузулур. Ва яна сақични кўп чайнаса, намози бузулур. «Хулоса»да айтур: «Хотун намозда боласиға сут берса, намози бузулур. Ва агар намозда боласининг ўзи келиб эмчагига оғиз солса, онаси қарамаса, бу ҳолатда сути чиқса, намози бузулур. Аммо бир ёки икки мартаба эмса, сути чиқмаса, намози бузулмас. Агар уч мартаба эмса, сути чиқмаса ҳам бузулур».

Агар хотун сафни орасида турса, имом имомликни анга ният қилса, жамиъи уламолар олдида хотуннинг намози бузулмас, аммо уч эркакнинг намози бузулур. Бири хотуннинг ўнг ёнидаги ва бири сўл ёнидаги ва бири орқасида қарши турғон эркакнинг намози бузулур, зероки хотун бирла баробар туруб намоз қилмоқ раво эрмас. Ул хотунга намозни адо қилмоққа шерик бўлса ва яна иккисининг сифати аҳли шаҳват бўлса ва яна ҳоил (тўсиқ, парда) бўлмаса ва яна бир маконда баробар турса, намози бузулур. «Хулоса»да айтур: «Эркак хотундан бир газ баланд ерда турса, (эркакнинг) намози раво бўлур». Лекин баъзи нусхаларда хоҳ хотун аҳли шаҳват бўлсун, хоҳ аҳли шаҳват бўлмасун, баробар турса (эркакнинг) намози бузулур. Ва яна икковининг ўртасиға бир одам сиғар ер бўлса «Жомеъ ул-басотин»да бузулмас, дебдурлар. Аммо Имом Муҳаммад наздида бузулур. «Биржандий»да ҳам шулдур.

«Нисоб ул-иҳтисоб»да айтур: «Расида бўлғон бола ҳусни бўлмаса, эркакнинг ҳукмида бўлур, аммо хушрўй бўлса, хотуннинг ҳукмида бўлур, яъни ҳамма бадани авратдур».

«Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Имом хотунга имом бўлмоқни ният қилмаса, хотуннинг намози бузулур, имомнинг намози бузулмас». Аммо хотун бирла эркак намозга шерик бўлмай баробар турса (яъни ҳар бири битта сафда бошқа-бошқа намозларни ўқиса), намози бузулмас, лекин макруҳдур. Бу «Жомеъ ул-басотин»да бордур. Агар муқтадий имомдин бурун турса, (муқтадийнинг) намози бузулур. Агар нажосатли ерга сажда қилса, намози раво бўлмас. «Хулоса»да айтур: «Агар намозий (тоза) либосни нажосатли ерга тўшаса, намози бузулур». Бу масала покийи макон (макон поклиги) фаслида айтилади. Агар беузр қибладан бошқа тарафга қараб намоз ўқуса, раво бўлмас.

Ҳосили калом, фарз тарки намозда раво бўлмас. Намознинг фарзи жойида баён қилинди.

Эй намоз ўқуғувчилар! Ибодатнинг хўб афзали намоздур. Намоз диннинг устунидур. Намоз Худонинг ганжидур. Иймоннинг ўрдуси (қалъаси, қароргоҳи)дур. Мундоғ нимарсани саҳл иш (арзимаган амал) вайрон қилур. Ани кўп эҳтиёт қилмоқ керак.

Яна «Салоти Масъудий»да айтур: «Одамзоднинг дили мусаффодур. Ҳар вақтеки гуноҳ қилур бўлса, ани кўнглиға бир нуқтаи сиёҳий (қора нуқта) пайдо бўлур. Анга тавба қилмай яна гуноҳ қилур бўлса, ул қаро зиёда бўлур. Ала ҳазал қиёс (шунга қиёсан) кўнгул қаро бўлса, савоб ишлари бузулур, юзи ҳам Қиёмат куни қаро бўлғай. Маҳшаргоҳда юзи қаро-

ларни Худонинг ўзи билгай. Бандаи мўминга лозим будурки, тавбани жадал бирла (тез) қилиб, Худонинг амрини бажону дил қилур бўлса, шоядки Худога тавбаси қабул бўлуб, кўнгулдаги қароларни раҳмат суви бирла ювуб, оқ юзлук қилгай. Омийн! Ва яна беҳиштнинг калити тавбадур.

Байт:

Эй номи ту ороми дилу жони ҳама,
Жамъияти хотири паришони ҳама.
Як қатра зи баҳри карамат бас бошад,
Дар шустани номаҳои исёни ҳама.

(Эй, сенинг номинг ҳамманинг ороми дилу жони, паришон хотирларни хотиржам қилгувчи. Караминг денгизидан бир қатраси номаи аъмолларимиздаги гуноҳларни ювишга басдир).

НАМОЗНИНГ ҲАРОМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲУКМИ

«Фатовойи «Фиқҳи Кайдоний»да айтур: «Бисмиллоҳ»ни намозда баланд айтмоқ ҳаромдур». Имом Шофеъий наздида (эса) «Бисмиллоҳ» ва «Аузу биллаҳ»ни жаҳр айтурлар. Яна юзун ўгуруб ўнг-сўлга қарамоқ ҳам ҳаромдур. Аммо юзун ўгурмай, кўз учи бирла қараса мубоҳдур, зероки Расул алайҳиссалом саҳобаларга кўз учи бирла қарар эрдилар. Ва яна намозда осмонга қарамоқ ҳам ҳаромдур. Ва яна беузр қўлига ва ё деворга такя қилса (суянса) ҳаромдур. Фарз ва вожиб намозда такбири таҳрима, дуойи қунут ва икки ҳайит такбиридан ўзга жойда қўлини кўтарса ҳаромдур. Ва агар саждада оёғин бармоқларини

ердин кўтарса ҳаром, икки оёғин бармоқларин кўтарса, намози бузулур. Икки пошнасига ўлтурса, ҳаром бўлур. Ва агар жома (кийими) ё бадани бирла бир-икки ўйнаса ҳаромдур, агар уч ўйнаса намози бузулур. Агар «Аттаҳийёт»да Имом Шофеъийнинг мазҳабларидек «Ашҳаду ан ла илаҳа...»да саббоба (кўрсаткич бармоғи)ни кўтарса (ишорат қилса), ҳаром бўлур[7]. Дуойи қунутни витрдан ўзга ерда ўқуса, ҳаромдур. Имом Шофеъий наздида (эса) бомдодга ўқур. Агар ҳанафий мазҳаб шофеъий мазҳабга иқтидо қилса, дуойи қунутга табъият қилмасун (эргашмасин). Ва яна бир тарафга салом бериб, бир тарафга салом бермаса, ҳаромдур. Ва яна такбир, сано ва «Аттаҳийёт»ни зиёда қилса ҳаром бўлур, зиёда қилғони будурки, «Аллоҳу Акбар»га «Ажаллу»ни қўшса ё «Аъзаму»ни зиёда қилса. Ва яна тасбеҳда «Субҳона роббиял азиймил карим» деса ва санода «Ла илаҳа ғойрука»дан сўнг «Инний важжаҳту...»ни ўқуса, ва яна «Аттаҳийёт»да «...ва росулуҳу»дан сўнг «Ла илаҳа иллоллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳу» деса, яна намознинг ичидаги вожиблардин бирини тарк қилса, агар қасддан қилса, намози бузулур, деган ривоят бордур.

НАМОЗ МАКРУҲЛАРИНИНГ БАЁНИ

«Фиқҳи Кайдоний»да айтур: «Макруҳни қилса азоб хавфи бордур. Андин қўрқмоқ керак». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Макруҳни қилса азобга гирифтор

[7] Баъзи уламоларимиз «ишорати саббоба»нинг ҳукмларини баён этишган ва жоизлигига рухсат беришган (нашрга тайёрловчилар).

бўлғай». «Шамсуддин»да айтур: «Гуноҳкор бўлур. Ўт бирла азоб қилмас». Ва яна қироат бобида қироатнинг макруҳлари айтилди. «Саҳифа»да айтур: «Агар киши дўппи киймай, салла ўраса, бошининг ўртаси очуқ турса, макруҳ бўлур». Агар салла ё дўппи намозда тушса, ани бир қўли бирла олуб кийса, бошяланг ўқуғондин ул афзалдур. Ва агар салла бузулса, ўрамай бошяланг ўқусун. Бузулмаган саллани оз амал бирла киймаги афзалдур. Бошяланг ўқумоқ макруҳдур. Аммо ўзин хор тутуб, тазарру ва зорий учун бошяланг ўқуса, макруҳ эмасдур. Аммо Носируддин айтур: «Ҳар нечук бўлса ҳам макруҳдир, тазарруъ кўнгулда эътибордур». Яна «Аттобийя»да ҳам шуни мухтор ривоят дебдур. Ва яна кўп нусхаларда хорлиқ бирла (бошяланг) ўқуса, макруҳ эмас, дебдурлар. Ва яна икки билагини бараҳна (яланғоч) қилиб ўқуса, макруҳдур. «Шарҳи «Аврод»да «Захийра»дин ёд қилур: «Агар киши яланг яктак ва яланг жома бирла намоз ўқуса, енгидан қор-ёмғир кирар бўлса, белин боғлаб ўқусун». Фақиҳ Абу Жаъфар нақл қилурлар: «Яланг яктак била белин боғламай намоз ўқуса, гуноҳкор бўлур». «Аттобийя»да айтур: «Яланг яктак билан белин боғлаб ўқуса, макруҳ бўлур». Бу масалани уламолардин сўрдум, айдилар: «Мурод андин куртаву кўйлак». Абу Жаъфар қавлидин мурод яктак ва жомадур. Агар жомани кифти (елкаси)га солиб ва енгларин киймай намоз ўқуса, макруҳдур. Ва яна беузр иш савби (иш кийими) бирла намоз ўқумасун. Мурод андин авратин ёпар бўлса. Агар авратин ёпмаса, намози раво бўлмас. Намозни тўн бирла ўқумоқ яхшидур. Ва яна жомани бошиға буркаб ўқумоқ макруҳдур. «Қиннийя»да айтур: «(Тўн-

нинг) боғичин боғлаб намоз ўқусун. Боғичин боғлаб икки ракат намоз ўқуса бебоғичсиз (ўқилган) етмиш ракатдин афзалдур». Агар мусаллий (намоз ўқувчи)-нинг ўнг, сўл ва қаршисида суврат бўлса, макруҳдур. Бу сўз «Ҳидоя»дадур. Ва яна саждагоҳда суврат бўлса, макруҳ бўлур. «Абулмакорим»да айтур: «Суврат ҳар тарафда бўлса, макруҳдур». Аммо саҳиҳ ривоятда оёғин остида бўлса, макруҳ бўлмас. Агар суврат кичик бўлуб, кўрунар-кўрунмас бўлса, зарар қилмас. Ё ул сувратни бошини йўқ қилғон бўлса, зарари йўқдур. Ва яна ул уйда суврат ё ит бор бўлса ул уйга фаришта кирмас. «Ҳидоя»да айтур: «Саллани томоқ остидан олиб ўрамоқ мандур». «Фусул ул-имодий»-да айтур: «Агар томоқ остидан олиб ўраса, ани мардум таън қилса, қабоҳат бўлур». «Салоти Масъудий»да айтур: «Агар кишининг икки жомаси бўлса, бири бирла ўқуса, агарчи намози дуруст бўлса ҳам, ўзига жафо қилибдур, Имом Аъзамни наздида. Имом Муҳаммад наздида андин одиллик соқит бўлур. Агар уч жома бирла ўқуса, ул бузрукларнинг феълидур». «Шамсуддин»да айтур: «Ҳар либосики, хилофи суннат бўлса, анинг бирла намоз ўқумоқ макруҳ». (Либоснинг) суннатлари сатри аврат бобида айтилиб эрди. Ва яна итни қўли бирла силамоқ макруҳ. Тасбеҳни ҳам қўли бирла санамоқ макруҳдур. «Фатовойи кофий»да айтур: «Соҳибайн наздида зарар қилмас. Баъзи имомлар наздида фарзда макруҳдур, нафлда макруҳ эмастур». Фақиҳ Абу Жаъфар айтур: «Агар фарзда ё нафлда қўли бирла тасбеҳни санаса, бизни имомларни наздида икки ривоят бордур, бирида макруҳдур ва бирида макруҳ эмастур». Агар намозни сиртида «Субҳоналлоҳ»ни ё «Астағфируллоҳ»ни қўли

бирла санаса макруҳдур. «Хулоса»да имоми комиллар айтурлар: «Агар қўлин юмуб очмасалар макруҳ бўлмас». Ва яна хамёза (эсноқ) келганда қўлини оғзига қўйсун. Баъзилар айтур: «Кафтининг юзун қўйсунлар». Баъзилар айтур: «Орқасин қўйсун». «Салоти Масъудий»да Ҳусайн Имоми Аъзамдин нақл қилурлар: «Хамёза келганда икки лаби бирла оғзини ёпсун. Агар қуввати етмаса, анда қўли бирла ёпсун. Мундоғ қилмаса оғзиға Шайтон кирар». «Фиқҳи Кайдоний»да айтур: «Хамёза зўр келмай оғзин ёпмасун, макруҳ бўлур». Ва яна «Шамсуддин»да айтур: «Агар қиёмда бўлса, ўнг қўли бирла ёпсун, қиёмдан ўзга ерда чап қўли бирла ёпсун». «Салоти Масъудий»да: «Агар сочин йиғиб, бошининг ўртасиға қўйса ё ўруб бошининг атрофига қўйса, намози макруҳдур. Агар сочининг атрофини олдуруб, ўртасин олдурмаса ва ё аксини қилса, макруҳ бўлур», дебдур.

Ҳикоят. Нақл қилурларки, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Ҳазрат Маозни бир шаҳарга подшоҳ қилдилар. Айдиларки: «Фалон шаҳарга боринг. Анда рофизийлар кўпдурлар. Урушинг, савоб топарсиз», дедилар. Маоз айдилар: «Мен аларни нечук танурмен?» Сиддиқи Акбар: «Сочининг атрофин олдуруб, ўртасини олдурмаслар ё анинг акси бўлса, алар рофизийдурлар», дедилар.

Ва яна агар намозда бир тарафга мойил бўлуб, бир оёғига такя қилиб (суяниб) турса, макруҳ бўлур, зероки бул малъун (Шайтон)нинг одатидур. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Тор ўтук бирла намоз ўқумоқ макруҳдур, зероки кўнгул анга машғул бўлур». «Фатовойи «Хоний»да айтур: «Таҳорати қистаб туруб намоз ўқуса, макруҳдур». «Шарҳи «Аврод»да «Ат-

тобийя»дин нақл қилур: «Намоз ўқуғувчи агар сийдиги қаттиқ тутса, намозин қўйсун. Агар мундоғ ҳолда намоз ўқуса, гуноҳкор бўлур, магар қазо бўлур, деб хавф қилса, анда ўқусун». Ва яна «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Намозда кўзун юммоқ макруҳдур, зероки ул жуҳудларнинг одатидур». Ва яна қўлини биқинига қўйса, хоҳ намозда ва хоҳ хорижи намозда макруҳдур.

Нақлдурки, ул замонки Шайтони малъунни лаънат қилиб беҳиштдан чиқордилар, анда ул икки қўлини биқинига қўюб чиқиб эрди.

Ва яна «Фиқҳи Кайдоний»да айтур: «Агар киши беузр сурфа қилса (йўталса) икки ҳарф пайдо бўлмаса, макруҳ бўлур. Агар икки ҳарф пайдо бўлса, намози бузулур». Ва яна бурунни намозда қоқмоқ макруҳдур. Ва керишмак ҳам макруҳдур ва яна сажда қилур ерин пуфласа, ёнидаги эшитмаса, макруҳ, агар эшитса, намози бузулур. Агар намозда оғзиға тилло ва ё танга солиб қироат қилса, агар қироатни ман қилмаса макруҳдур, агар ман қилса, намози дуруст эрмас. Агар тишининг орасидаги нимарсани ютса, агар нўхатдин кам бўлса, макруҳдур, агар нўхатча бўлса, намози бузулур. Ва яна қироатни рукуъда тамом қилса, макруҳдур. Ва яна зикрларни интиқолотда тамом қилса, макруҳдур. Яъни «Аллоҳу Акбар»нинг «алиф»ини қиёмда, «ро»ни рукуъда тамом қилмоқ макруҳ эмасдур, бўлмаса макруҳдур. «Салоти Масъудий»да айтур: «Бурнидин сув зоҳир бўлса, ани олмоқ суннат ва кўрмак вожибдур. Баъзилар кўрмакни суннат дебдурлар, баногоҳ қон бўлмаса дуруст, агар қон бўлса, намози бузулур. Ва яна оғиз-бурнини сувин артсун. Ва яна намозда оғзин қаттиқ юмуб турмоқ макруҳ, зероки ул оташпарастлар феълидур». Фақиҳ

Абул Лайс «Бўстон уш-шариат»да айтур: «Агар кишини уйқу элтиб намоз ўқуса, жамиъи арконларин бажо қилса намози дуруст бўлур, аммо макруҳ бўлур». Агар уйқуси келса, юзига сув сочсун, сўнг намозга кирсун, макруҳсиз дуруст бўлғай. Аммо намозда ухласа, ўзун қўзғотсун, токи уйқуси кеттай. Ва яна уйқуси келган одам намоз ўқуса ўзига дашном берсун, уйқуси кеттай. «Хулоса»да айтур: «Агар киши уйқу бирла қироат қилса, рукуъ, сужудни уйқу бирла қилса, намози бузулур, лекин сужудда қасдсиз ухласа, намози дуруст бўлур. Қасд бирла ухласа, намози бузулур». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар киши намозда хушбўй нимарсани бўй қилса ё чивинни уч мартадан кам елписа, макруҳ бўлур, амма уч мартабага етса, намози бузулур». «Ва яна «Захийра»дин нақл қилур: «Пешанасининг туфроғин ва ё терин сурса (артса) макруҳдур. Агар сажда қилур ерда ушоқ (майда) тош ётган бўлса, ани сидирмак макруҳдур. Агар сажда қилмоқда алардин озор еттудек бўлса, (сидирмак) дурустдур. Агар узрсиз бўлса, ўюн ҳукмидадур».

Агар намозда такаббурлар феълини қилса, макруҳ бўлур. «Фиқҳи Кайдоний»да айтур: «Намозда ул ён, бул ёнга мойил бўлса, макруҳдур. Ва яна суннатларики, намозда баён қилинди, аларнинг бирини тарк қилса, макруҳдур». «Салоти Масъудий»да айтур: «Агар қаъдада оёғи очилса, баъзи уламолар наздида бир қўли бирла ани ёпсун. Оёғини одамларнинг юзига қилмоқ одобдан эрмас». Шайх айтурлар: «Оёғи очуқ бўлса қўяберсун, зероки икки қўлини тиззига қўймоқ қаъдада суннатдур». Суннатни одоб учун тарк қилмасун. Одамлар орқада бўлсалар алар ўз канорасиға (ўз олдига) қарарлар, муни оёғига қарамаслар». «Са-

лоти Масъудий»да айтур: «Сажда қилур одамнинг олдида гулхан ё таҳорат жойи бўлса, макруҳдур. Аммо намоз ўқиғувчининг ўртасида икки девор бўлса, макруҳ бўлмас, агар бир девор бўлса, ихтилоф бордур». Агар уйда ёниб турғон ўт бўлса, иттифоқ бирла макруҳдур. Чўғ ё кўмур ўти бўлса, ихтилоф бордур. Агар олдида чироғ ё қандил бўлса, макруҳ бўлмас. Агар Қуръон ё қилични ёнига осиб намоз ўқуса, зарар қилмас. **«Тарғиб ус-солат»да Расули Худодин нақл қилурлар: «Ўн ерда намоз ўқумоқ макруҳ**:

1. Қассобнинг гўштхонасида.

2. Оғилхонада (от, туя ва қўйлар ётадиган жойда).

3. Остонада.

4. Нажасхона (ҳожатхона)да.

5. Ҳаммомда, зероки Шайтоннинг жойидур.

6. Гўристонда, зероки жуҳудларга мушобиҳ бўлур.

7. Макка (Каъба)нинг устида, зероки тарки таъзим бўлур.

8. Йўлда, зероки гузаргоҳ (ўтар жой)дур. «Нисоб ул-иҳтисоб»да айтур: «Макка (Каъба)нинг устида намоз қилса макруҳ бўлур»

9. Масжиднинг усти (томи)да, магар масжидға сиғмаса, дуруст бўлур. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Имомни ўзи ёлғуз бир баланд жойда ўқуса, қавми пастда бўлса, макруҳдур, зероки аҳли Китобга ўхшар. Агар қавмни баъзиси имом бирла (баробар баландликда) бўлса, макруҳ эмас».

Агар қавм баландда, имом пастда бўлса, «Жомеъ»да макруҳ дебдур. Имом Таҳовий наздида макруҳ эмасдур. Лекин макруҳ бўлур, дедик. Имом Таҳовий наздида одам бўйи бўлса, баъзилар наздида

бир газ баланд бўлса. Бу ривоятга эътимод қилмоқ керак.

10. Ва яна меҳроб чуқур ва катта бўлса, имом танҳо (ёлғиз) турса, макруҳдур. Лекин оёғи масжидда бўлса, меҳробга сажда қилса макруҳ бўлмас.

«Китоби унс»да айтур: «Фарз намозни қоронғуда ўқуса, макруҳдур, агарчандики ой ёруғи бўлса ҳам, чироғ бўлмаса, макруҳдур. Аммо суннат ва нафлни қоронғуда ўқуса макруҳ бўлмас». «Шарҳи «Аврод»-да айтур: «Агар мусулмон одамнинг уйида сўрамай намоз ўқуса, зарар қилмас, аммо сўрамоғи яхшидур». Тўшагон тўшакда ва наматда сажда қилса боки (зарари) йўқ. Аммо ердин унган нимарсага сажда қилса афзалдур. Агар бир одам қиблага қараб сўзлаб турғон бўлса, ўлтурғон бўлса орқасида намозни қилса, анинг боки йўқдур, зероки Пайғамбари Худо Икримани қибла томонга ўлтурғузуб намоз қилдилар. Агар ани (ўтиргувчининг) юзи намоз ўқиғувчининг юзига бўлса макруҳдур.

«Жомеъ ус-сағирхон»да айтур: «Бир кун Ҳазрати Умар бир одамни кўрдилар, бошқа бир одамга рўбарў намоз ўқуб турур. Ҳазрати Умар икковига ҳам дарра урдилар. Бирига айдилар: «Сен қиблага қараб ўлтур» ва бирига айдилар: «Сен сувратга қараб намоз ўқурсанму?»

Мундин маълум бўлдики, намозни одамга рўбарў бўлуб ўқуса, макруҳдур. Баъзиларнинг наздида ухлаб ётқон ё сўзлашуб турғон одамнинг ёнида намоз қилмоқ макруҳдур. Расули Худо наҳий қилдилар. Ани сабаби улдурки, одамлар баланд сўзласа, намоз ўқуғувчи ғалат қилур. Уйқудаги одамдин бир овоз эшитса, намоз ўқуғувчи кулар. Бу сабабдин аларнинг наз-

дида намоз наҳийдур. Аммо хавф бўлмаса, зарар қилмас. Бу масалалар «Шарҳи «Аврод»дадур. Ва яна кишининг сажда қилғон жойи пок, атрофи нажосат бўлса, намози макруҳ бўлур. «Салоти Масъудий»да айтур: «Агар бировнинг мулкида намоз ўқуса, ул кофирнинг мулки бўлса, намози раво бўлмас, зероки ул (кофир) рози эрмас. Ва мусулмоннинг экинзорида ҳам намоз ўқумасун, анга ҳам эгаси рози эрмас. Аммо ул ерда экин бўлмаса, намози дурустдур, зероки рози бўлур. Масалан, бир одам бир кишининг ери бирла йўл орасида бўлса, қайсида ўқурун билмаса, йўлда ўқусун, зероки йўлда ҳеч кимнинг ҳақи йўқдур». Бу масала «Қозихон»да ва «Салоти Масъудий»дадур.

Расул алайҳиссалом нақл қилурлар: «Ҳар киши дашти саҳрода намоз қилса, сутра қўймаса, ўзига жафо қилибдур». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Сутра бир яғочдур, узунлиги бир газ, андин кам бўлмасун. Ва яна йўғонлиги бир бармоқ бўлсун, андин ингичка бўлмасун, андин йўғон бўлса, раво бўлур. Сутрани олдиға яқин қилиб икки қошидин бирига рўбарў қилиб қадасун. Агар яғочни олдиға ташлаб ўқуса, эътибор эмастур. Агар сутрани ерга суқмоқ мумкин бўлмаса, олдиға узунасига ташласун, кўндаланг қўймасун. Ва агар яғоч топмаса, олдиға хат (чизиқ) тортсун. Баъзи уламоларнинг наздида хат тортмасун. Баъзилар айдилар: «Агар хат тортса, меҳробдек қилсун». Баъзилар: «Хатни қиблага узун тортсун», дедилар. Ва яна баъзилар айдилар: «Олдидан киши ўтмаса (чизиқ чизмай, сутра қилмай) тарк қилса зарари йўқдур». Агар масжиднинг суфаси устида намоз қилса, сутрани тарк қилса макруҳдур. Агар намоз ўқуғувчининг олдидан киши ўтса, гуноҳкор бўлур. Агар сажда қилур жойи-

дан ўтса, «Шарҳи «Аврод»да «Кофий»дин нақл қилур ва яна «Абулмакорим»да асаҳ қавл шулки, макруҳ бўлур. Бир ривоятда бир саф ердин ўтса мунга фатво дебдурлар. Баъзи ривоятда уч газ, баъзида беш газ, баъзида қирқ газдин ўтса ҳам гуноҳкор бўлур. Агар дўконда намоз ўқуса, ул дўконнинг баландлиғи бир одам бўйи бўлса, анинг олдидан ўтса, гуноҳкор бўлмас. Андин кам бўлса, гуноҳкор бўлур. Агар масжидда намоз ўқуса, устундек нимарса ҳоил (тўсуқ) бўлмаса, ул масжид кичик бўлса, қайси ердин ўтса ҳам гуноҳкор бўлур. Катта масжид улдурки, ҳар тарафи ўн беш газ бўлса. Яна бир ривоятда ҳар тарафи ўн газдин бўлса. «Шамсуддин»да айтур: **«Расул алайҳиссалом айдилар: «Ҳар киши билсаки, бир одам бир ерда намоз ўқуб турубдур, ани олдидан ўтса гуноҳкор бўлур бўлса, то қирқғача шул ерда турсун»**. Аммо қирқни (нима эканини очиқ) баён қилмадилар. Абу Ҳурайра айдилар: «Қирқдан муродлари қирқ йил бўлармукин?». Агар намоз ўқуғувчининг олдидан ўтар бўлса, тасбеҳ бирла ё ишорат бирла билдирсун. Аммо икковини бирдан қилмасун. «Умда»да айтур: «Намоз ўқиғувчи билдирмаса, намози бузулмас. Бировга сабаби гуноҳ бўлмағони яхшидур. Агар имом олдиға сутра қўйса, қавмиға ҳам кифоя қилур».

Қолғон макруҳлар имомат бобида баён қилинур. Агар намоз макруҳ бирла бўлса, иода қилғони (қайтиб ўқуғони) хўбдур.

«Шамсуддин»да айтур: «Суннати муаккадани тарк қилса макруҳи таҳримий бўлур. Ани тарк қилмаса, савоб топар. Ва яна бир жойда битибдур, макруҳ бўлғонни қайта ўқуса яхшидур, балки «Кашф»дин нақлдурки, вожибдур.

ЖАМОАТ НАМОЗИНИНГ БАЁНИ

Билингларки, беш вақт намозни ўқиш фарзи айндур, ва диннинг устунидур ва ани жамоат бирла ўқумоқ суннати муаккададур. **Зероки Расули Худо «суннати муаккада», деб айдилар**. Ҳар ким мунга хилоф қилса, мунофиқ бўлур. Ва яна «Ҳидоя»да айтур: «Бир пора уламоларни раъйи фарз демакка кетгандур, зинҳор жамоатни қўлларингдан берманглар». **«Шарҳи «Аврод»да айтур: «Ибн Аббос айдилар: «Расули Худодин сўрдум: «Агар киши тўрт вақт намозни жамоат бирла ўқуса ва хуфтонни бежамоат ўқуса нечук бўлур?» Ҳазрат: «Ул дўзахийдур», деб уч мартаба айдилар». Абдуллоҳ айдилар: «То бир ойғача сўрдум, шул жавобни бердилар»**[8]. «Қиннийя»да айтур: «Агар киши жамоатни беузр тарк қилса, анга таъзир лозимдур. Ва яна ҳамсоялари хабар қилмаса, гуноҳкор бўлур. Ҳар ким қасддан тарк қилса, ани силоҳ бирла уриб жазоласун. Ва яна жамоат машаққатлардин халос қилғувчидур». Яна «Қиннийя»да айтур: «Киши илмни ва масалаларни кеча ва кундуз такрор қилса, жамоатга бормаса, гувоҳлиғи ярамас». Ва яна уйда бола-чақаси бирла жамоа бўлуб намоз ўқуса, савоби жамоатни топарму? Шамс ул-аимма айдилар: «Топмас». Яна «Кифояи Шаъбий»да айтур: «Ибн Масъуд Расули Худодин сўрдилар: «Мендин бир жамоат (намози) тарк бўлди, бир қул озод қилдим». Расули Худо айдилар: «Ани савоби жамоатга етмас». Яна айдилар: «Икки қул озод қилдим». **Расули Худо айдилар: «Агар ер юзидаги**

---

[8] Узр билан жамоат намозини тарк қилишда зарар йўқдир (нашрга тайёрловчилар).

(барча) одамлар сизни қулингиз бўлсалар, аларни борини озод қилсангиз ҳам бир жамоат (намози)-ни савобини топмассиз».

Вой, юз войки, намозни тарк қилғонларнинг аҳволи нечук бўлғай!

«Салоти Масъудий»да айтур: «Имом Нахаъий қавлида агар ўз қавмлари намозни жамоат бирла ўқуғон бўлса, бошқа жамоатга, бошқа масжидга борса бўлмас. Аммо зоҳир қавлда борса бўлур».

Ҳикоят. Ҳасан Басрий айдилар: «Расули Худони саҳобалари баногоҳ жамоатдин қолсалар, кафшларин қўлларига олиб, югуруб ўзга масжидга борур эрдилар».

Аввал таҳийяти масжид ўқуб, сўнг ўзга масжидга борсун. «Шарҳи «Аврод»да агар масжиддан жамоат ўтса, уйига бориб, аҳли байтлари бирла ўқусун, дебдур. Агар икки одам бўлса, жамоат бўлур. «Равза»да айтур: «Маҳалланинг масжидидан жамоат фавт бўлса (жамоат намозига етишмаса), хоҳ шул масжид, хоҳ ўзга масжидда жамоат бирла ўқуса, баробардур». «Сирожийя» да шулдур. Хўби шулки, масжидга кирган бўлса, анда ўқусун, бўлмаса ўзга масжидга борсун. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Масжиднинг имоми ва муаззини тайин бўлса, жамоат бирла намозни ўқуса, бир неча қавм қолса, (ўша қавм) баъзилар наздида жамоат бирла ўқур ва баъзилар наздида танҳо ўқур. Жамоатни такрор қилмоқ мубоҳ эмастур». Имом Шофеъийнинг наздида дурустдур. Аларнинг важҳи будурки, беш вақт намозни жамоат бирла ўқуса, сўнгти одамлар ҳам жамоат бўлсалар бўлур. Ва бизни имомларни важҳлари буки, Расули Худо ансорға бордилар, масжидга борсалар намозни ўқубдурлар. Расули Худо

ўз ҳарамларига бориб, аҳли байтлари бирла намоз ўқудилар. Агар масжидда ўз қавмидан ўзга одамлар намозни жамоат бирла ўқусалар, сўнгра ўз қавми келиб жамоат бўлуб ўқусалар, иттифоқ бирла дурустдур. Ва яна «Жомеъ ус-сағир»да айтур: «Агар масжидда жамоат ўтган бўлса, сўнгги одамлар беазон ва бетакбир ўқусун, зероки такрори жамоат макруҳдур». Саҳобалардин нақл қилурлар: «Ҳар кимдан жамоат тарк бўлса, намозни танҳо ўқусун». «Салоти Масъудий»да айтур: «Фатво Имоми Аъзам қавлларигадур. Такрори жамоат дуруст эмасдур». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Ҳар вақтеки ғариблар масжидда жамоат бўлуб намоз ўқуса, аҳли масжиднинг баъзиси оҳиста азон айтса, ташқаридагилар эшитмасалар, жамоат бирла намоз қилса, қолғон одамлар жамоат бирла ўқусун, зероки аввалғи жамоат суннат бирла амал қилмадилар». Агар масжиднинг муаззини бўлмаса, бориб азон айтиб, ёлғуз ўқусун. Агар муаззин бўлса, намоз вақтида ҳеч одам келмаса, ул муаззин ёлғуз азон айтиб намоз ўқусун. Агар бир маҳаллада икки масжид бўлса, қайсиси қадимий бўлса, анга борсун. Агар иккиси ҳам қадимий бўлса, қайси яқин бўлса анга борсун, токи анинг сабабидин жамоат кўп бўлғай. Агар яқинликда баробар бўлса, ул киши мухайяр (ихтиёрли)дур, хоҳлаган масжидига борсун. Лекин ул одам мулло бўлса, қайсининг жамоати оз бўлса, анга борсун. Агар мулло бўлмаса, имомга қарасун, қайси бири солиҳ бўлса, анга борсун.

«Қиннийя»да айтур: «Жомасиға миқдори тангадин кам нажосат тегса, ювай деса жамоат тарк бўлур бўлса ва қазо бўлур деб қўрқса, вақтни қўлдин бермасун, аъзоларин уч-уч мартаба ювсун, агар жа-

моатдин қолур бўлса, бир мартадин ювсун, жамоат бирла намозни ўқусун ва яна бир қавлда бордур, уч мартаба ювсун». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар киши подшоҳдин махфий бўлса, жумага чиқмаса мубоҳдур, лекин вақтидан таъхир қилмоқ мубоҳ эрмастур».

Агар кишининг уйи масжиддан йироқ бўлса, ўшал киши ёмғурдин қўрқса, уйида ўқуса зарар қилмас. Ва яна икки кўзи кўр бўлса, жамоатга бормоқ лозим эрмас, агарчандики етаклаб борур кишиси бўлса ҳам. Агар кишининг оёқ-қўли кесук бўлса ё шол бўлса жамоатга бормаса бўлур. Ва яна қул хожасидан изн тиласун, жавоб берса борсун, агар ижозат бермаса, танҳо ўқусун. Ва жумага ҳам шул ҳукмдур. «Қиннийя»да айтур: «Қор, ёмғур ва ё совуқдин, ё хавфдин қўрқунчи бўлса, жамоатга бормаса ҳам бўлур».

ИМОМАТ ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ БАЁНИ

Имом бўлмоққа авло буки, мулло бўлсун, агар муллоликда баробар бўлса, қайси бири қори бўлса, ани имом қилсун. Агар қорилиқда ҳам баробар бўлса, тақводори бўлса, ани имом қилсун. Тақвода ҳам баробар бўлса, ёши катта имом бўлсун. Агар ёшда баробар бўлса, хушрўйи имом бўлсун. Хушрўйликда баробар бўлса, насаби зиёдаси имом бўлсун. Насабда ҳам баробар бўлса, «Хулоса»да айтур: «Қуръа солсун, қайси бирининг номиға чиқса, ул имом бўлғай». Ё қавм кимни ихтиёр қилса, ул бўлғай. «Кофий»да айтур: «Яхши юзлук, деб ҳар ким кечаси намозни кўп ўқуса ани айтурлар». «Шарҳи «Аврод»да айтур: **«Расул алайҳиссалом айдилар: «Тақводор**

олимни орқасида намоз ўқуса гўёки мени орқамда ўқуғондек бўлғай». Ва яна бир ҳадисда бордур: «Муттақийни ва бадкирдорни орқасида намоз ўқуса раводур».

Неча одамларнинг имомлиғи макруҳдур. Бири бидъатчи, бири кўр бўлса ё саҳройи — беилм бўлса ва ё валади зино бўлса, ё судхўр, ё нағмагар, ё девона, ё бавли тутмаса, ё барас (махов), ё қул бўлса, ё мажнун, ё шаробхўр, ё шатранжбоз, буларнинг ҳаммасининг имомлиғи макруҳдур. «Нисоб ул-иҳтисоб»да айтур: «Агар бола расида бўлса, соқоли бўлмаса, ўзи хушрўй бўлса, хотунни ҳукмида бўлур, эркак бирла баробар турмасун».

Агар ўз имоми фосиқ бўлса ҳам ўзга масжидга бормасун. Эй дариғо, бу замонда ислом заиф бўлубдур. Кўп имомлар (Қуръонни) лаҳн бирла ўқурлар, ани уламолар ман қилмаслар. «Ниҳоя»да айтур: «Фосиқларнинг имомлиги Имом Молик наздида раво бўлмас». «Салоти Масъудий»да айтур: «Агар кишининг бир қўли бўлса, имомлиғи макруҳ бўлур. Агар ҳарфларни рост қилмоққа тараддуд қилса, дуруст қилолмаса, ўзининг намози дуруст бўлур, имомлиғи дуруст эрмас». Агар кўп йўталса, (қироатда) вақфни, васлни тузата олмаса, «Фатовий»да айтур: «Ани имомлиғи дуруст эмас». Агар киши пул олиб имом бўлса, макруҳ бўлур. Аммо бизни уламоларни наздида дуруст, деб фатво берибдурлар. Ва яна имом фарзни, вожибни ва суннатни билмай имом бўлса, раво эрмас. Бандаликнинг яхшиси намоздур, яъни роз вақти — намоздур. Ул вақтки роз айтса, қавмнинг афзалини олдиға олиб роз айтсун. Жоҳил, нодон ва дунёпараст одамларни андоғ вақтда пешво қилмоқ муно-

сиб эмасдур. Агар соҳиби хонадондин ижозат олмай имом бўлса макруҳдур. Бу ривоят «Шарҳи «Аврод»-дадур. Зероки уй эгаси имом бўлса авлодур. Агар норасида(ёш бола)га хотун (киши)га иқтидо қилса, раво бўлмас. Ва лекин Балх уламолари наздида таровеҳда норасида (бола) имом бўлса раво бўлур, дебдурлар. Аммо бизни уламолар олдида раво бўлмас. Ва яна ҳар нафл намозга ва жамиъи намозда норасида имом бўлса, баъзиларнинг наздида раво бўлур, баъзиларнинг наздида раво бўлмас. «Ҳидоя»-да дуруст эрмас, зероки норасиданинг нафл намози мард (эркак киши)нинг нафлидан камдур. Важҳи буки, норасида шуруъ қилса, яна бузса, қазо лозим бўлмайдур. Ва яна жароҳатидан қон ё йиринг оқиб турғон одам сиҳҳат (соғ) одамга имом бўлса, ярамас. Истиҳозаси бор хотун пок хотунга имом бўлса, раво бўлмас. Намозни ўлтуруб ўқур киши қоим (туруб ўқийдиғон киши)га иқтидо қилса дурустдур. Аммо Имом Муҳаммад наздида дуруст эрмас. «Абулмакорим»да «Музмарот»дан нақл қилур, таҳоратлик одам таяммумликка иқтидо қилса дурустдур, башарти сув бўлмаса. Агар сув бўлса, дуруст эрмас. Аммо бу уч имомнинг олдида сув бўлса ҳам дурустлиғиға фатводур. Агар жанозада имом бўлса, «Хулоса»да айтур: «Бехилоф дурустдур». Яланғоч киши либоси бор кишига имом бўлса, раво бўлмас. Қори (киши) уммий (саводсиз киши)га иқтидо қилиб бўлмас. Гунг (соқов)га иқтидо қилиб бўлмас. Аммо гунг (киши) уммийга иқтидо қилса бўлур. «Ҳидоя»да айтур: «Агар рукуъ, сужудга кучи етса имоликка (имо-ишора билан намоз ўқувчига) иқтидо қилса бўлмас. Имоликка иқтидо қилса бўлур, агар у ўлтуруб имо қилса.

Имом ётиб имо қилса, раво бўлмас». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Маст киши имом бўлса дуруст бўлмас». «Ҳидоя»да айтур: «Норасидага имом бўлса дурустдур». «Хулоса»да айтур: «Хунаса хотунга имом бўлса дурустдур. Хунаса хунасага имом бўлса ё хунаса эркакка имом бўлса ярамас». Нафл ўқувчи фарз ўқиёттанга иқтидо қилса дурустдур. Аммо фарз ўқиётган нафл ўқиётганга иқтидо қилса дуруст эрмас». Бир фарзни ўқийдурғон киши яна бошқа бир фарзни ўқийдургон кишига иқтидо қилса бўлмас. Оёққа масҳ тортқонга оёғин ювғон киши иқтидо қилса бўлур. Ва яна соғ одам ярага латта боғлаб масҳ тортғон кишига иқтидо қилса дурустдур. Агар киши имомнинг муқимми ё мусофир эканини билмаса, «Ҳидоя»да айтур: «Иқтидоси дуруст бўлмас». Мусофир (киши) муқимга намоз вақтида иқтидо қилса, раво бўлур, аммо вақти чиқса, раво бўлмас. (Бу масалани) далили бирла «Кофий»да баён қилур. Агар муқим мусофирга вақтида ё вақти чиққандан сўнг ҳам иқтидо қилса, раво бўлур. «Саҳифа»да шундоғ дебдур. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Имоми Аъзам мазҳабидаги киши Шофеъий мазҳабига иқтидо қилса бўлур, башартики иймонига шак келтурмаса, икки мағриб орасидан ўзгага қарамаса ва ё қон чиққондин ва қай қилғондин сўнг янги таҳорат қилғон бўлса, оби мустаъмалга таҳорат қилмаган бўлса». «Хулоса»да айтур: «Ушбу тариқа шартлар бирла иқтидо қилса бўлур». Иймонига шак келтургони улки, «Мен мўминдурман, иншаАллоҳ» деса. «Тарғиб ус-солат»да айтур: «Бу мазкур этилғон одам(лар) имом бўлса дуруст бўлмас». «Ҳидоя»да ва «Кофий»да айтур: «Муқтадий бир одам бўлса (имомнинг) ўнг ёнида турсун». Имом Аъзам ва

Имом Абу Юсуф наздида бу ривоят ҳувал азҳардур, аммо Имом Муҳаммад наздида орқасида турсун. Агар муқтадий бир одам бўлса (имомнинг) чап ёнида турса ҳам бўлур, аммо гуноҳкор бўлур. Ҳар вақтеки муқтадий икки одам бўлса, имом олдинда, ул иккиси орқада турсун. Имом Абу Юсуф наздида имом иккининг ўртасида турсун. «Ҳидоя»да айтур: «Олдида турмоғи афзалдур, ўртасида турмоғи мубоҳдур». «Хулоса»да айтур: «(Имомнинг) орқасида турмоғи ҳувал азҳардур». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Муқтадий бир норасида бола бўлса, имомнинг ўнг тарафида турсин, ва агар бир хотун бўлса, орқасида турсун. Ҳар вақт қавм зиёда бўлса, орқасида турсун». Ҳамма қавм ўнг ё чап тарафда турса, гуноҳкор бўлур. Ва яна имом сафнинг ўртасида турса, гуноҳкор бўлур. Имомнинг ўнг ёнида бир муқтадий бўлса, яна биров иқтидо қилса, чап ёнида турсун, яна биров иқтидо қилса, орқасида турсин. Аввал эркаклар, андин сўнг сабий (ёш бола)лар, андин сўнг хунасалар, андин сўнг хотунлар саф тортсун. Агар хотунлар эркаклар бирла баробар турса, эркакнинг намози бузулур. Бу масала «Муфсиди салотда» баён бўлур. «Ҳидоя»да айтур: «Ёш хотун жамоатга ҳозир бўлмоғи макруҳдур. Қари хотун хуфтонга ва намози шомга борса бўлур, Имоми Аъзамнинг наздида. Аммо Имомайн наздида (қари хотун) жамиъи намозга борса бўлур». «Фатовойи кофий»да айтур: «Жамиъи намозга бормоқ мандур». Бул вақтда (ҳозирда) фатво шунгадур ва жамиъи намозда ҳозир бўлмоқ макруҳдур. «Ҳидоя»да айтур: «Ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳо аввали исломда хотунларга имом бўлур эрдилар». «Шарҳи «Аврод»да, «Жомеъ ус-сағирхоний»дан нақл қилур: «Имом танҳо (ўзи ёлғиз)

қавмдан баланд жойда турса, макруҳ». Бу масала макруҳнинг бобида айтилди. «Таҳовий»да айтур: «Неча нимарса (бир неча нарса) иқтидони ман қилур: бир сафни хотунлар тутса ва яна орада улуғ йўл бўлса ё орада катта ариғ бўлса. Ва яна саҳрода имом бирла қавмнинг орасида икки сафча ер бўлса, иқтидоси дуруст бўлмас. Бир пора (бир гуруҳ) уламонинг наздида бир сафча ер қолса ҳам дуруст бўлмас», «Салоти Масъудий»да бир сафча ер бўлса бизни имомларни наздида дуруст бўлмас. Ва яна имомлар айтибдурлар: «Уч саф бўлса, ўртадаги сафнинг либоси ҳаром бўлса, ул сафнинг иқтидоси охири сафга дуруст бўлмас, зероки ўртада бир саф очиқ турғондек бўлур. Лекин ул ўртадаги сафнинг учини (ўртадаги сафдан уч кишининг) жома ва жойи пок бўлса, охирги сафнинг иқтидоси дуруст бўлур. Имом Сарахсий айтур: «Кичик кема юрар ариғ иқтидони ман қилур». Ва яна бир ривоятда ул ариғга кўфрук ҳожат бўлса, ирғиб ўтолмаса, иқтидони ман қилур. Агар катта ариғга кўфрук қилса, ул тарафида иқтидо қилса дуруст бўлмас, агар ул кўфрукда бир киши турса ҳам. Аммо икки киши турса Ҳазрати Яъқуб наздида ул тарафдагиларнинг иқтидоси дуруст бўлур. Ул кўфрукда уч киши турса дурустдур, жамиъи уламолар олдида.

«Тарғиб ус-солат»да айтур: «Имом Абу Юсуф наздида икки киши бир саф бўлур. Имоми Аъзам ва Имом Муҳаммад наздида учдан кам киши саф бўлмас». «Хулоса»да айтур: «Йўлда уч одам ё андин кўп одам намоз ўқуса ул тарафдагисининг иқтидоси дуруст бўлур». «Тарғиб ус-солат»да «Таҳовий»дин нақл қилур: «Масжиднинг ичкариси то эшигигача тўлса, ташқарида иқтидо қилса дуруст бўлур. Эҳтиёт бў-

линглар ул қавм бирла ташқаридаги одамлар орасида ароба ўтгудек бўлса, ташқаридагиларнинг иқтидоси дуруст бўлмас». Шунга фатводур. Магар ийд намозида йироқдан иқтидо қилса ҳам бўлур, зероки иҳота қилғон жойнинг ҳаммаси масжид ҳукмидадур. Агар намози ийд ўқур жойда фарз намозини ўқуса, саҳро ҳукмидадур. Икки сафнинг орасида бир саф сиғгудек (бўш жой) қолса, сўнгги сафнинг иқтидоси дуруст бўлмас. Агар масжиднинг устидаги одам ичидаги одамга иқтидо қилса, устидагилар имомнинг жойиға гумон қилса (имомнинг турар жойини аниқ билмаса), иқтидоси дуруст бўлмас. «Хулоса»да айтур: «Масжиднинг сиртида (масжидга) муттасил (туташган) дўкон бўлса, анда туриб масжиддаги имомга иқтидо қилса дурустдур, (муттасил) бўлмаса дуруст эмас».

Агар муқтадий аввалги такбирни имомдин бурун айтса, Имом Абу Жаъфарнинг наздида намози дуруст бўлмас. Ва агар имомни рукуъда топса, такбирни қиёмда тамом қилмай, такбирни айтиб рукуъға борса, «Фатовойи хоний»да айтур, намози дуруст бўлмас, зероки ани (такбири таҳримани) вақти қиёмдадур. Агар имом намознинг охирида «Ассалому...» деса, то «алайкум...» демай туруб бир одам анга иқтидо қилса, иқтидоси дуруст бўлмас, зероки «Ассалому...» деган ҳамон намоздин чиқар, лекин имом саждаи саҳв учун салом берса, ул вақтда иқтидо қилса бўлур. Саломни қасд бирла ё саҳв бирла айтса, анинг ҳукми муфсидот фаслида айтилди.

Ҳар вақт муқим мусофирға иқтидо қилса, мусофир икки ракат ўқуб тамом қилса, муқим туриб қолғонини беқироат тамом қилсун. Бу сўзлар «Ҳидоя»дадур, далил бирла. Ва яна «Кофий»да ҳам да-

лил бордур. Ва агар мусофирга иқтидо қилса, намознинг аввалин анинг бирла топса, лоҳиқ ҳукмида бўлур. Бас, лоҳиқга қироатни аҳли тақво ҳаром дебдурлар, гўёки ул киши имомнинг орқасидадур, бу важҳдин қироат ҳаромдур. Баъзи имомлар олдида масбуқ ҳукмида бўлур, қироат қилмоқ адабдур, зероки қироатнинг фарзлиги аввалги ракатда адо бўлди. Бир ривоятда ҳаромдур, дейди ва бир ривоятда адабдур. Қироатни қилгони эҳтиётдур. «Шарҳи «Аврод»да «Тарғиб ус-солат»дин ғариб ривоятларни битибдур. Бир ерда мусофир-муқим (одамлар аралаш) бўлса, мусофир ҳаммасига имом бўлса, икки ракат ўқуб, салом бермай учинчи ракатга ўтса, ҳамма мусофирлар мутобаат қилсун, лекин муқимлар имомга табъият қилмасун (эргашмасин). Агар мусофир нияти иқомат қилмаса, сафарда тўртни (тўрт ракатли фарзни) икки (ракат) қилиб ўқур. Агар сўнгги икки ракатни ўқуса, анинг ҳаққига нафл бўлур. Фарз ўқиғувчи нафл ўқиғувчига иқтидо қилиб бўлмас, бу важҳдин муқим анга табъият қилмай ўлтурсун. Агар мусофир, имом салом берганидан сўнг: «Эй бирадарлар, мен нияти иқомат қилиб эрдим», деса, ул муқимлар лоҳиқлардек қироатсиз тамом қилсун. Зероки сафари бирла нияти иқомат қилгонига шак қилди. Агар ул имом (нияти иқомат қилганин) унутиб, саҳв бирла икки ракат қилса, муқимлар туриб намозни тамом қилсун. Агар муқимга мусофир иқтидо қилса, имомга табъият қилиб тўрт ракат қилиб ўқусун, икки ракат ўқуғондин кейин қатъ қилмасун.

«Салоти Масъудий»да ажаб масалалар битибдур. Агар мусофир муқимга иқтидо қилса, вақтида бўлса, раво бўлур, аммо қазо бўлса, раво бўлмас,

зероки қаъдаи охир мусофирга фарздур, муқимга вожибдур. Агар муқим тўрт (ракатлик) фарзнинг иккисини ўқуғондин сўнг сўнгги икки ракатга мусофирға иқтидо қилса дуруст эмас, зероки муқимга сўнгги ракатнинг қироати фарз эмасдур, балки одобдур. Аммо мусофир шул икки ракатта қироат қилмоғи фарздур, бу важҳдин иқтидоси нодурустдур. Агар муқим аввалғи ракатга қироатни тарк қилса, сўнгги икки ракатта қироат қилса, ул ракатта иқтидо қилса дуруст бўлмас, зероки аввалги қироат ўз жойида келмади. Агар икки ё уч ракатлик намозда иқтидо қилса дурустдур, агарчандики вақтидан сўнг ҳам бўлса. Бу важҳларки, айтилди муқим мусофирга вақтидан сўнг иқтидо қилса. «Фатовойи кофий»да муқим мусофирга вақтидан сўнг иқтидо қилса дуруст бўлмас, дебдур, хоҳ икки ракат, хоҳ уч, хоҳ тўрт ракат бўлсун. Мунга далилларин ҳам таъйин қилибдур. Шариатда мусофир кимдур ва ҳукми нимадур? Буларни иншаАллоҳ мусофирнинг бобида баён қилурмиз ва яна масбуқ ва лоҳиқнинг ҳукмида айтурмиз. «Хулоса»да айтур: «Неча феъларни имом қилмаса қавм ҳам қилмасун: Агар имом қунут дуоси ўқимаса, қавм ҳам ўқимасин, агар имом ийд такбирларини тарк қилса, қавм ҳам тарк қилсун, имом қаъдаи аввални тарк қилса, қавм ҳам тарк қилсун, имом агар ояти саждани ўқуб сажда қилмаса, қавм ҳам сажда қилмасун, агар имомға саждаи саҳв вожиб бўлғон бўлса ва сажда қилмаса, қавм ҳам қилмасун».

Агар имом бир саждани зиёда қилса, қавм қилмасун, агар имом ийд такбирларини зиёда қилса, қавм сукут қилсун. Имом имомларнинг айттанидан чиқмаса, қавм табъият қилсун. Агар уламолар айтта-

нидан чиқса, қавм табъият қилмасун. Агар имом жанозада бир такбирни зиёда айтса, қавм сукут қилсун. Агар қаъдаи охирда андин саҳв бирла турса, қавм турмасун, агар имом буларнинг ҳолидан огоҳ бўлуб, сажда қилмай ўлтурса, қавм ҳам имом бирла салом берсун. Агар имом ёдиға тушмай ва булардин огоҳ бўлмай саждага муқайяд бўлса, қавм ҳам салом бериб намозин тамом қилсун. Агар ул имом қаъдаи охирда ўлтурмай бешинчи ракатга сажда қилса, ҳаммасининг намози бузилур. Аммо бешинчи ракатга сажда қилмай ёдиға тушса, ўлтурсун, «Аттаҳийёт» ўқуб саждаи саҳв қилсун. Бир неча ерда имом қилмаса, қавм ҳам қилмасун, аммо аввалғи такбирда қўл кўтармаса, қавм кўтарсун. Агар имом сано айтмаса, қавм айтсун, агар имом «Алҳамду»ни ё зам сурани ўқимаса, мунга ихтилофдур. Агар имомдин такбири интиқолот қолса, ани қавм айтсун. Агар имом «Самиъаллоҳ...»ни тарк қилса, қавм айтсун, «Аттаҳийёт»ни тарк қилса, қавм ўқусун, агар саломни тарк қилса, қавм салом берсун, такбири ташриқни тарк қилса, қавм айтсун. «Шарҳи «Аврод»да, «Хонийя»да «Захийра»дин айтур: «Муқтадий рукуъ ё сужуд тасбеҳини айтмай (айтиб бўлмай) имом бош кўтарса, бир пора имомлар олдида (муқтадий) тасбеҳни тамом қилсун, зероки баъзилар олдида тасбеҳни уч марта айтмоқ фарздур». Лекин саҳиҳ қавл буки, тасбеҳни тамом қилмай, имомга мутобаат қилсун (эргашсин), зероки тасбеҳни уч марта айтмоқ саҳиҳ ривоятда суннатдур, имомға мутобаат қилмоқ вожибдур. Суннат учун вожибни қўйса бўлмас. Ва яна «Шарҳи Аврод»да «Кабирий»дин нақл қилур: «Хонийя»да айтур: «Муқтадий» «Аттаҳийёт»ни та-

мом қилмай имом учинчи ракатга турса, муқтадий аттаҳийётни тамом қилсун ва яна қаъдаи охирда муқтадий аттаҳийётни тамом қилмай имом салом берса, муқтадий тамом қилиб салом берсун. Аммо муқтадий салавотни тамом қилмай имом салом берса, муқтадий имомга мутобаат қилсун. Муқтадий дуода ҳам ҳукми будур». Ва яна муаззин такбирнинг қайси ерига етганда имом ўрнидан турмоғи азон фаслида айтилди. Мунфарид (ёлғиз намоз ўқувчи) ва ё имомга қироат қилмоқнинг фарз, вожиб, суннат ва мустаҳаблиги ва муқтадийларга сукут қилмоқ вожиблиги қироат бобида айтилди. Агар киши имом қироат қилиб турғонда келиб иқтидо қилса, қироати паст бўлса, санони ўқумоқ суннатдур. Агар жаҳрий қироат қилса, санони ўқумасун, зероки (қироатни) эшитмаги муқтадийга лозимдур. Махфий намозда иқтидо қилса, фатво санони ўқурғадур. Агар имом рукуъда бўлса, муқтадий келса, такбирни қиёмда тамом қилиб рукуъга борса, санони ўқумай тасбеҳга машғул бўлсун. «Канз ул-ибод»да «Нисоб ул-иҳтисоб»дин нақл қилур, бу сўзни саҳиҳ ривоят дебдур. «Салоти Масъудий»да айтур: «Имом рукуъда бўлса, анга биров иқтидо қилса, то (муқтадий) рукуъга бормай имом рукуъдан қайтса, ул ракати ҳисоб бўлмас, зероки имомга рукуъда шерик бўлмади». «Канз ул-ибод»да «Захийра»дин нақл қилур: «Агар киши имомни рукуъда топса, имом бош кўтармасдан илгари орқасини боши бирла баробар қилса, агарчи тасбеҳ айтмаса ҳам рукуъга ҳисоб бўлур». «Салоти Масъудий»да айтур: «Агар имомни қаъдада ё сужудда топса баъзилар олдида сано ўқусун, зероки бу қаъда ва бу сажда ҳисоб бўлмас, ўқумоқ хўбдур». Бир пора улуғлар олдида

ўқумасун, имомга мутобаат қилсун, вожибни суннат учун тарк қилмасун. Агар имом қаъдада ўлтурғонда бир одам иқтидо қилса, ул киши «Аттаҳийёт»ни бошламай имом қиёмга турса, имом бирла турсин, зероки «Аттаҳийёт» ҳам бир зикр, бу зикрни бошламасун. Баъзилар наздида «Аттаҳийёт»ни бошлаган бўлса ҳам имомга мутобаат қилсун, бу вожибдур.

Ва яна эй намоз ўқиғувчилар, ҳар киши охиратни андеша қилса, бошини имомдин илгари кўтармасун. **Расули Худо айдилар: «Ҳар киши имомдин илгари бошини кўтарса қиёмат куни боши эшакнинг бошидек бўлғай».** Зинҳор мундоғ феълни қилманглар. Аъзоларнинг фозилроғи бошдур, агар бош кўтарганда имом саждада бўлса, яна бошини ерга қўйсун. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Бир сажда ё икки саждани саҳван зиёда қилса, иттифоқ бирла намози раво бўлур. Агар қасддан қилса, Имом Муҳаммад наздида бузулур ва яна дин улуғлари муни саҳиҳ эмас, дебдурлар». «Хулоса»да ва ўзга китобларда айтур: «Агар имомдин бурун бош кўтарса яна рукуъ ва сужудга борсун, бу иш икки рукуъ ё уч сажда бўлмас». «Салоти Масъудий»да айтур: **«Расули Худо айдилар: «Намоз ўқиғувчилар беш қисмдур. Уларнинг бир қисмига етмиш савоб берилур, бир қисмига эллик савоб берилур, бир қисмига йигирма савоб берилур, яна бир қисмига бир савоб берилур ва бир қисмга савоб йўқдур. Имомга етмиш савоб, муаззинга эллик савоб, иқтидо ва мутобаат қилғонга йигирма савоб, имомга мувофақатлик қилғонга бир савоб берилур. Имомга хилоф қилғонга эса ҳеч савоб йўқдур».** Ва яна «Салоти Масъудий»да айтур: «Агар имом тўрт ракатли намозда икки ракат ўқуб ўлтурса, муқтадийлар имом

саҳв бирла ўлтурди, деб гумон қилсалар (ва) учунчи ракатта турсалар, андин сўнг билсаларки, хато ўзларидандур, яна имомга мутобаат қилсунлар, зероки алардин икки вожиб қолди: бири қаъдаи аввал, бири мутобаати имом». Агар фарз намозда қаъдаи аввал тарк бўлса ва турғондин сўнг ёдиға келса, қаъдага қайтмасун. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Жамиъи сафдин аввалғи сафнинг савоби афзалдур, иккинчи сафнинг савоби учинчи сафдан афзалдур. Ала ҳазал қиёс (шу қиёсга асосан) то охиригача мундоғдур».

Худонинг раҳмати аввал имомга тушгай, сўнг аввалги сафга, сўнг иккинчи сафга, шу ҳолда охирги сафгача боргай. Аввалғи сафда очуқ жой бўлса, одамларға азият бермай бора олса, бориб намоз қилғай. Агар одамнинг кўплигидан аввалғи сафга бормоқда мўминларга озор етса, ул одам кейинда ўқуса, Худойи таоло унга аввалги сафнинг савобини бергай. Агар масжид тўла бўлса, аввалғи сафда бир жой қолса, анга одамларнинг устидан босиб бормоқ макруҳдур. «Шарҳи «Аврод»да «Захийра»дин нақл қилур: «Имом рукуъда бўлса, бировнинг кафшининг овози келса, анга мунтазир бўлса бўлур». Имом Абу Юсуф Имоми Аъзамдин айдилар: «Рукуъда бўлса ва кафш овозига мунтазир бўлса, хавфи ширк бўлғай». Имом Муҳаммад наздида макруҳдур. Абу Мутиъ наздида зарари йўқдур. Имом Шаъбий наздида бир-икки тасбеҳ айтқунча турса зиёни йўқдур. Абул Қосим наздида ғанийларга интизор бўлмоқ раво эрмас, аммо фақирларга интизор бўлмоқ дурустдур. Абул Лайс айтур: «Агар келувчини таниса дуруст эмасдур, аммо танимаса, зарар қилмас. Аммо андин қўрқуб интизор бўлмасун». «Хулоса»да айтур: «Пешин ва хуф-

тонни, фарзин ўқуғон замон суннатга тезроқ турсин, кўп ўлтурса, макруҳдур. Лекин жойидан ўнг ёниға бирор қадам юруб ўзга ерда ўқусун. Агар хоҳласа суннатни уйига бориб ўқусун».

Бомдод ва асрда салом бергандан кейин қиблага қараб ўлтурмоқ макруҳдур, агар кетса, жойиздур. Аммо кун чиққунча ўлтурса яхшидур, кўп савоб топар. Аммо (имом) юзини қавмга қаратиб ўлтурсун, агар орқасида (ва) баробарида масбуқ бўлмаса. Агар орқасида масбуқ бўлса, ўнг ёнини ул масбуққа қилиб ўлтурғай. «Фатовойи «Қозихон»да айтур: «Имом намозин тамом қилса ўнг тарафига ўлтирмоғи мустаҳабдур. Қибланинг ўнг тарафи улдурки, қиблага қарағонда чап тарафни айтур». «Мунийя»да айтур: «Агарчандики (масбуқ) охирғи сафда бўлса (ҳам) рўбарў бўлмоқ макруҳдур». «Салоти Масъудий»да Ибн Аббосдин нақл қилур: «Имом намозин тамом қилғон замон юзин қавмга қаратсун. Имом қарамоқни унутса, қавм бир нима бирла хабардор қилсун. Ҳар ким намозни тамом қилса, дуо қилсун». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Дуода икки қўлини кўкраги бирла баробар қилсун, кўтарсун. Бир ривоятда елкаси баробар кўтарсун». Баъзи имомлар олдида икки қўлтиғидан оқ кўрунгудек кўтарсун, кафтининг ичини осмонга қаратсун, сўл қўли бирла ўнг қўлин қовуштириб кўнглини ҳозир тутсун, икки қўлининг орасиға қараб турсун. Худодан ижобатни умид қилиб дуо қилсун. Осмонға қарамасун. Аввал «Бисмиллоҳ» бирла салавот айтсун. Дуони хоҳ жаҳр, хоҳ махфий қилсун, барибир. Сўнг зору тазарруъ қилсун. Охир яна салавот бирла тамом қилсун».

«Захийра»да истеҳсонда дуони махфий қилсун, деди. «Ҳидоя»да восифоти намозда (намознинг си-

фатларида) дуони биноси ихфодур, дебдур. Яна «Кофий»да айтур: «Икки ийдда дуони махфий қилсун». «Хизонат ул-муттақин»да айтур: «Дуонинг яхшиси хуфия дуодур». Машоҳирда (машҳур китобларда) дуоларни тайин қилибдур:

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي وَ لِوَالِدَيَّ وَ لِمَنْ دَخَلَ بَيْتِيَ وَ لِلْمُؤْمِنِينَ

وَ الْمُؤْمِنَاتِ وَ الْمُسْلِمِينَ وَ الْمُسْلِمَاتِ الْأَحْيَاءِ مِنْهُمْ وَ

الْأَمْوَاتِ إِنَّكَ مُجِيبُ الدَّعْوَاتِ وَ رَافِعُ الدَّرَجَاتِ وَ

قَاضِيَ الْحَاجَاتِ بِرَحْمَتِكَ يَا أَرْحَمَ الرَّاحِمِينَ

Парвардигорим, Ўзинг мени, ота-онамни ва менинг уйимга (мўмин ҳолда) кирганларни, (жамики) мўмин ва мўминаларни, муслим ва муслималарни, уларнинг ҳаёт бўлганларини ва вафот этганларини мағфират қилгин. Албатта Сен дуоларни ижобат қилгувчи, даражаларни кўтарувчи, ҳожатларни раво қилувчи, раҳийму раҳмон бўлган Зотсан!

«Ҳадиси «Ҳиснун ҳасийн»да бир нечта дуоларни тайин қилибдурлар. Аммо бизни имомларни ихтиёр қилғон дуолари бу турур:

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي مَا قَدَّمْتُ وَ مَا أَخَّرْتُ وَ مَا أَسْرَرْتُ وَ مَا

أَعْلَنْتُ وَ مَا أَسْرَفْتُ وَ مَا أَنْتَ أَعْلَمُ بِهِ مِنِّي أَنْتَ الْمُقَدِّمُ وَ

أَنْتَ الْمُؤَخِّرُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ

Парвардигоро! Мени аввал қилганларимни ҳам, (кейин) охир қилганларимни ҳам, яширин қилганларимни ҳам, ошкор қилганларимни ҳам, ис-

рофларимни ҳам ва Ўзинг мендан кўра яхшироқ биладиган (ишларим – гуноҳ)ларимни ҳам мағфират этгин. Аввал этгувчи ҳам, охир этгувчи ҳам Сенсан. Сендан ўзга илоҳ йўқ!

اللَّهُمَّ أَعِنِّي عَلَى ذِكْرِكَ وَ شُكْرِكَ وَ حُسْنِ عِبَادَتِكَ اللَّهُمَّ

إِنِّي أَسْأَلُكَ رِزْقاً طَيِّباً وَ عِلْماً نَافِعاً وَ عَمَلاً مُتَقَبَّلاً

Эй Аллоҳ! Сени зикр этишга, Сенга шукр қилишга ва Сенга гўзал ибодат қилишга мени мушарраф этгин – кўмак бергин. Парвардигоро! Мен Сендан ҳалол-покиза ризқ, фойдали илм ва мақбул бўладиган амал сўрайман.

Бомдод ва шом намозидан сўнг сўзламай туриб ушбу дуони ўқусун:

اللَّهُمَّ أَجِرْنِي مِنَ النَّارِ يَا مُجِيرُ

деб етти марта айтсун».

«Атвор ул-арбаъин»да саҳобалар ушбу дуони ўқур эдилар, дебдур:

اللَّهُمَّ إِنَّا نَسْأَلُكَ مِمَّا سَأَلَكَ نَبِيُّكَ مُحَمَّدٌ عَلَيْهِ

الصَّلَوَةُ وَ السَّلَامُ وَ نَسْتَعِينُكَ مِمَّا إِسْتَعَانَ نَبِيُّكَ

مُحَمَّدٌ عَلَيْهِ الصَّلَوَةُ وَالسَّلَامُ

Парвардигоро! Биз Сендан пайғамбаринг Муҳаммад алайҳиссалом сўраган нарсаларни сўраймиз ва пайғамбаринг Муҳаммад алайҳиссалом сўраган ёрдамни сўраймиз.

«Хизона»да айтур: «Фалонни ҳақида» деб дуо қилмоқ макруҳдур. «Баҳаққи наби» деса ҳам машруъ эмас».

«Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар бомдодни ўқуб офтоб чиққунча ўлтурса, **Расули Худо айдилар: «Исмоил алайҳиссаломнинг авлодидин тўрт кишини сотиб олиб озод қилғоннинг савобини топар»**.

«Ҳадиси «Ҳисн ун-ҳасийн»да айтур: «Намози асрни ўқуб, намози шомғача ўлтурса, бомдоддаги (бомдоддан кейин офтоб чиққунча ўлтиргандаги) савобни топар». Яна «Шарҳи «Аврод»да «Явоқийт»-дин нақл қилур: **«Расул алайҳиссалом айдиларким: «Бомдодни жамоат бирла ўқуса, офтоб чиққунча ўлтурса, сўнг икки ракат ё тўрт ракат намозни Худо ризолиғи учун ўқуса, Худойи таоло ани баданиға оташи дўзахни ҳаром қилғай»**. Мундин ўзга ваъдалар ҳам бордур. Агар киши имом бўлса, «Бу қавмга имом бўлдим», деб кўнглидан ўткарсун, токи бўлмағонин фазилатин ҳам топқай. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Имом бўлдум», деб ҳар ниятда ният қилсун. Агар мундоғ деб ният қилмаса ҳам муқтадийларнинг иқтидоси дуруст, савоби жамоатни топар, лекин ул имом савоби имоматдин қолур».

Аммо имом мулло бўлсун ва яна қироати покиза бўлсун ва яна тақводор бўлсун, токи фарз, вожиб, суннат ва мустаҳабларни хўб эҳтиёт қилсун. Арабда одамларнинг афзалроғини пешво қилурлар.

Ваъз. Эй биродарлар, эшитинглар, Худойи таоло оби ҳаёт(ни) зулумотға халқ қилибдур. Ул оби жовидонни талаб қилинглар. Азиз жондин умид узиб, ҳиммат камарин белга боғлаб, қўлларингни бир азизнинг қўлларига топшуруб юрунг, зероки аввал қадам қўйсанг ожизлиқдан ўзга нима йўқдур. Сўнг ҳар тарафдин бир йўл чиқар, ҳар қадамда бир чоҳ пайдо бўлур. Агар бу саҳройи жазирада раҳбаринг бўлма-

са, қудуққа йиқилурсен. Агар Хизри пешво ул гавҳари шабчироғни қўлға олса, ул ноёб гавҳар кундин равшанроқ бўлғай. Бу йўлда нима борин билурсен. «Мақсадинг мунда», деб овоз келур. Ҳар назарда Хизрдин нидо келгай: «Ҳама йўлда раҳзан бордур!» деб. Хизрдин ўзгага назар солмасанг, анинг айттанларидин ўзга иш қилмасанг оби ҳайвонға етарсен, бўлмаса қоронғуда чоҳга тушарсен. Ва яна пир улдурки, аслдин ва фуруъдин, шариатдин бир нуқта ташқари чиқмаса, сабабсиз ва адабсиз ҳеч иш қилмаса, Худодин ўзгадин тама қилмаса, Расули Худога пайрав бўлса, шариатда илми офтобдек бўлса, ҳақиқатда тамом ўзини йўқ қилса. Андоғ пир комил бўлур.

НАМОЗДА ТАҲОРАТ СИНМОҚЛИГИНИНГ БАЁНИ

«Ҳидоя»да ва ўзга китобларда айтур: «Агар киши намозда таҳорати ушалса (синса), ул таҳоратини тоза қилиб аввалдин етган еридин ўқуса бўлур. Агар имом таҳорати синса, бир одамни ўрниға тортсун, ўзи хоҳ таҳорат қилғон жойида етган еридин ўқусун ва хоҳ аввалғи жойиға келиб, ўз макониға келсун. Агар имом намозини адо қилмаган бўлса, Имом Шофеъий наздида ҳар қандай ҳолатда бўлса ҳам бино қилсун (келган еридан давом эттирсин), бизни имомларни наздида қайтадин ўқуғони хўбдур, бино қилса ҳам бўлур, башарти ўзга нимарсага машғул бўлмаса ва сўзламаса». «Салоти Масъудий»да айтур: «Ҳадас икки қисмдур. Бири самовий. Анинг бирла таҳорати синса ҳам имомларнинг учовларининг наздида етган еридин ўқусун. Яна бири сабабий. Анинг бирла синса Имом

Муҳаммад ва Имом Аъзам наздида еттан еридан ўқуса бўлмас. «Самовий» деб қай қилганни (қусганни) ва бурни қонаганини айтур. Аммо сабабий улки, биров намоз ўқиғувчини урса, андин қон чиқса ё атса (акса) урғонда бод (ел) чиқса, буларга монанд нимарса бирла таҳорати синса, намози бузулур, еттан еридин ўқуб бўлмас, жамиъи уламолар наздида. Агар намозда бурни қонаса ва либослари қон бўлса, таҳорат қилса, ани ташлаб тоза тўн кийса ё ани ювса, намози бузулмас, еттан еридин ўқуса бўлур. Лекин ўзга одамнинг қони тегса, ани намозда ювса, намозини бино қилиб ўқуб бўлмас, Имоми Аъзам ва Имом Муҳаммаднинг наздида.

Агар намозда таҳорати синса, масжиднинг ичида сув бўлса, анга таҳорат қилмай ташқари чиқиб таҳорат қилса ё ул жойда ариғ бўлса, андин ўтуб ҳавзга таҳорат қилса, яъни ҳар нечук бўлса яқин зинадан тушмай узоқ зинадан тушса, ё олдиға бир одам сув олиб келса, анга таҳорат қилмай, ўзга ерга бориб қилса, бу сувратларда бино қила олмас. Агар намозда таҳорати синса, ул одам таҳорат қилмоққа ташқари чиқса, анга бир одам обдаста берса, ул таҳорат қилиб обдастани масжидга олиб кирса, намози бузулур, зероки амали касир бўлди. Агар обдастани ул жойда қўйса, бузулмас. Агар киши намозда таҳорати синса, таҳоратнинг дуоларини саҳван ўқуса, намозни бино қила олмас. Агар қасддан ўқуса, баъзи ривоятда бино қилур, баъзи ривоятда бино қила олмас. Агар қиёмда таҳорати синса, таҳорат қилурда ё борурда Қуръон ўқуса, намози бузулур, зероки бир рукнни бетаҳорат ўқуди, бино қила олмас. Бу масала «Хулоса»дадур. Бизни имомларни наздида қайтадин ўқумоқ афзалдур. Имом Шофеъийни олдида раво эмас, ҳар ҳолат-

да истиноф қилур (бошидан ўқур). Абу Ҳафс Кабир айтур: «Бино қилмоққа фатво берурман, лекин ўзум амал қилмасман (яъни бошдан ўқийман)». Агар намозда жинни бўлса, ё эҳтилом бўлса ё беҳуш бўлса ва ё ўзи ухласа, «Ҳидоя»да айтур: «Бино қилмасун». Яна хандаи қаҳқаҳа бирла кулса, мисли сўзлагандек, намози бузулур. «Қозихон»да айтур: «Агар рукуъ қилиб ё саждада ухласа, намози бузулмас. Агар бир нимарсага суяниб ухласа ё ётиб ухласа, намози ва таҳорати бузулур. Агар намоз ичинда таҳорати синса, ул таҳорат қилиб, бино қилса, агар ул ҳолда ўзи ухласа, таҳорати синса, бино қилолмас».

Агар имомга таҳорати синмаги пайдо бўлса, бировни ўз ўрнига тортсин, деб илгари айтилди. «Канз ул-ибод»да айтур: «Ҳар киши имомликка яраса, халифаликка ҳам ярар, яъни имомнинг таҳорати синса, ўзидекни халифа қилсун (ўрнига қўйсун), агарчи ўзидан ўзга бир киши бирла бўлса, ани ҳам ўрнига тортсун. Агар тортмаса (муқтадийнинг) ўзи (имомнинг ўрнига) борсун. Агар имом намоз ўқурда бир одам иқтидо қилса, андин сўнг имомнинг таҳорати синса, ул одамни ўрниға тортса, бу одам неча ракат ўқуғонин билмаса, тўрт ракат ўқусун, эҳтиётдур». «Ҳидоя»да айтур: «Агар таҳоратим синди, деб гумон қилиб масжиддан чиқса, андин сўнг билсаки тоза экан, намозин қайтадин ўқусун. Агар имом бу гумон бирла бировни халифа қилса, сўнг билсаки таҳорати тоза экан, намози бузулур, зероки беузри шаръий амали касир бўлди». «Кофий»да айтур: «Агарчи ул имом масжидда бўлса ҳам намози бузулур». «Салоти Масъудий»да айтур: «Таҳоратим синди, деб гумон бирла ўрниға халифа қилса, сўнг билсаки покдур,

жамиъи уламоларнинг наздида халифаси эмасдур». «Ҳидоя»да айтур: «Таҳоратим йўқ, деб гумон бирла масжиддан чиқса ҳам намози бузулур». «Фатовойи кофий»да айтур: «Таяммум бирла намоз ўқуғон одам саробни кўруб сув гумон қилиб юрса ё либосида бир нимарсани қон гумон қилиб юрса, ё музаға масҳ тортқон одам: «Муддати масҳ битди», деб юрса, намози бузулур. Саҳрода намозда гумон бирла сафлардин ўтса, намози бузулур. Танҳо намоз ўқувчи бу гумон бирла саҳрода ҳар тарафдин сажда қилғудек юрса, намози бузулур». «Шарҳи «Аврод»да «Хонийя»-дин нақл қилур: «Агар имом таҳоратим синди, деб ўрниға халифа қилиб, масжиддан чиқса, сўнг таҳорати борлиғи маълум бўлса, имомни, халифани ва жамоанинг ҳаммасини намози бузулур, саҳиҳ ривоят бирла». Агар кишининг таҳорати қистаса, ул киши имом бўлса, ўрниға халифа қилса раво бўлмас, иттифоқ бирла. Агар таҳорати қистағондин зуд (тез) ўқуса, намози раво бўлмас. Агар имом ўрниға халифа қилса, имом масжиддан чиқмай ул одам кулса ё сўзласа, гуноҳкор бўлур, ўзгага зиён қилмас. «Салоти Масъудий»да айтур: «Ҳар вақтки хатиб хутбани минбарда тамом қилса, минбардан тушуб таҳорати синса, хутбани эшиттан одамнинг ўрниға халифа қилсун, эшитмаган одамни халифа қилса намози раво бўлмас. Аммо намозга киргандан сўнг таҳорати синса, хутба эшитмаганни ҳам халифа қилса раво бўлур».

«Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар хотуннинг таҳорати синса, бу ҳам эркакдек бино қилса бўлур. Лекин Имом Фахри Зоҳидий айтур: «Хотуннинг таҳорати синса, бино қилмоқчи бўлса, таҳорат қилурда аъзоларини ювғондин сўнг ёпиб, яна бирини ювсун,

оёқларини ич тўнининг ичинда ювсун, қўлини парда бирла ювсун, бошини очмай масҳ тортсун».

Шайх ул-ислом айтурлар: «Қўлин енгидан ювсун, зероки ул хотун намоз ичиндадур, токи аврати очилмасун, аврати очилса намози бузулур. Мундоғ хотунни бино қилмоғи қийиндур, қайтадин ўқусун».

Агар хотун: «Таҳоратим бор эди, синди», деб гумон юзидин юзини ўгурса, жойидин қўзғолмаса, сўнг поклиги маълум бўлса, намозин бино қилур бўлса, дуруст бўлғай. Агар жойидин қўзғолса, биноси раво бўлмас, намози бузулур. Баъзи имомларнинг наздида уй масжиднинг ҳукмида бўлур. Зоҳир қавлда ҳам шулдур. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар хотун намозда «Ҳайзим келди», деб гумон бирла юзин ўгурса, сўнг поклиги маълум бўлса, намози бузулур, бино қилса бўлмас». «Ҳидоя»да айтур: «Намоз ўқуғувчи намозини ўқиб, «Аттаҳийёт»ни ҳам ўқуб, салом бермасдан таҳорати синса, салом учун таҳорат қилсун, зероки салом вожибдур, ани бетаҳорат бермасун. Ул вақтда сўзласа ё бир иш қилса, намози тамом бўлур, зероки фарзлари тамом бўлди. Лекин имомлар айтибдурлар: «Салом вожибдур, таҳорат бирла салом берсун».

Илгари айтиб эдим, таяммум бирла намоз ўқуса, намози ичинда сувни кўрса, намози бузулур. Ва лекин миқдори аттаҳийёт ўлтуруб, андин сўнг сув кўрса ё масҳнинг муддати битса ё оз амал бирла музасини тортса ё уммий намозда Қуръонни билса, ё бараҳна (яланғоч одам) либос топса, ё имомга ҳадас етса, андин сўнг бир одамни халифа қилса, ё бомдод ўқуб турғонда кун чиқса, ё жума ўқуб турғонда намози асрнинг вақти кирса, ё яранинг латтаси яхши бўлуб тушса, ё соҳиби узр узридан халос бўлса, бу

сувратларнинг барида аттаҳийётдан кейин бўлса, Имоми Аъзам олдида аларнинг намози бузулур, зероки ўз феъли бирла чиқмади. Ўз феъли бирла чиқмоқ Имоми Аъзам наздида фарздур, аммо Имомайн олдида вожибдур, бу сабабдин ёд қилғон сувратларда Имомайн олдида намози бузулмас.

«Ҳидоя»да айтур: «Намозда имомнинг таҳорати синса масбуқни ўрниға тортмасун, зероки саломдин ожиз келур, баногоҳ масбуқни тортқон бўлса, масбуқ ул қавмнинг намозин тамом қилсун, салом берур ҳолда яна бир одамни аввалғи муқимдин тортғай, ул муқим имомнинг ўрнида туруб аввалғи ўз аҳли бирла салом берсун. Агар масбуқ мундоқ қилмаса, ўрниға тортмай ўқуса, ул қавмларнинг намози тамом бўлур, масбуқнинг намози бузулур».

МАСБУҚ ВА ЛОҲИҚНИНГ БАЁНИ

«Шарҳи Аврод»да «Захийра»дин нақл қилур: «Масбуқ» деб намознинг аввалидан қолғонни (аввалига етиша олмаганни) айтур. «Лоҳиқ» деб намозни имом бирла шуруъ қилиб (бошлаб), намозда таҳорати синса, то таҳорат қилғунча имом бир ракат ўқуса ё (намозда) ухласа, (уйғонгунча) имом бир ракатни ўқуса (шундай одам «лоҳиқ» дейилур).

Масбуқни ҳукми шулдурки, ҳар нима қолғонини имом бирла ўқусун, имом салом бергандан кейин қолғонини ўқусун. Лоҳиқни ҳукми шулдурки, аввал қолғонини ўқусун, сўнг имомга мутобаат қилсун. Масалан, бир киши имом бирла намозға кирса, сўнг уйқу элтса, имом бир ракат ё икки ракатни ўқуғондин кейин уйғонса, аввалғи ракатни ўқусун, агарчан-

дики имом сўнгти ракатда бўлса ҳам. Сўнг имомга мутобаат қилсун. Бу лоҳиқнинг имомга мунча(лик) тахаллуф қилғони сабабидин намози бузулмас. Агар масбуқ қолғонин ўқуб турғонда саждаи саҳв лозим бўлса, қилсун, зероки намозни танҳо ўқийдур. Аммо лоҳиққа қолғонин ўқуб турғонда (имомга) саждаи саҳв лозим бўлса, қилмасун, зероки танҳо намоз ўқиғувчи ҳукмида бўлуб қироат қилур, имом орқасида муқтадий ҳукмида бўлур, қолғониға қироат қилмас, саждаи саҳв ҳам қилмас. «Шарҳи «Аврод»да «Таҳовий»дин нақл қилур: «Лоҳиқни қолғон намози бўлса, (имом) саждаи саҳв қилса, лоҳиқ анга мутобаат қилмасун, қолғонини ўқусун. Сўнг саждаи саҳв лозим».

«Қозихон»да айтур: «Масбуқ қолғонин ўқурида анга биров иқтидо қилмоғи жоиз эрмас. Агар масбуқ шак қилса, «Бир ракатдин кейин қолдим», деб қасд бирла қайта ўқумоққа такбир айтса, намози бузулур. Ва яна масбуқ имом бирла саҳван салом берса ва яна «Намозим бузулур», деб гумон қилиб қайта ўқумоққа қасд қилса, намози бузулур. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Имомга саждаи саҳв лозим бўлса, масбуқ ҳам мутобаат қилсун, лекин саломга мутобаат қилса, намози бузулур, қолганини ўқий олмас».

Агар масбуқ имом бирла ёдидан чиқиб салом берса ва дунёдин сўзламаса, намози бузулмас, бино қилур, ул саҳван салом бергани учун саждаи саҳв вожиб бўлмас, аммо (имом) салом бергандин сўнг саҳв бирла (салом берса), саждаи саҳв лозим бўлур. «Хулоса»да айтур: «Намози шомда масбуқ бир ракатни топса, қолғон бир ракатни ўқуб, ўлтуруб «Аттаҳийёт»ни ўқусун, сўнг учинчи ракатга турсун. Ани ўқуб (намозини) тамом қилсун. Бу (қолган) икки

ракатга қироат қилсун. Агар бир ракатга қироат қилиб, бирига қироат қилмаса, намози бузулур. Агар пешин ё асрнинг бир ракатига етса «Алҳамду»га сура қўшиб бир ракатни ўқуб, қаъдага ўлтурсун, «Аттаҳийёт»ни ўқуб учинчи ракатга турсин, «Алҳамду»ни ва сурани ўқуб, ўлтурмай яна бир ракатин ўқуб тамом қилсун. Агар масбуқ икки ракатин топса, сўнггги икки ракатни қироат бирла тамом қилсун, ҳар ракатиға қироат қилсун. Агар бир ракатнинг қироатини тарк қилса, намози бузулур. «Ганжи Заҳирийя»дин нақл қилур: «Агар пешин ё аср, ё хуфтонни бир ракатига етса, қолғонини намози шомдек ўқусун». Фатво мунгадур. «Хулоса»да айтур: «Имом салом бериб, масбуқ қолғон намозиға турса, сўнг имомнинг ёдиға келсаки, саждаи саҳв лозимдур, анинг учун саждаи саҳв қилсун. Агар масбуқ қолғонин ўқурда бир ракатига сажда қилмаган бўлса, имомға мутобаат қилсун, яъни қайтиб имом бирла саждаи саҳв қилсун, ул қилғон қиём ва қироати ҳисоб бўлмас. Агар қайтмаса намози бузулур, охирида ўз олдиға сажда қилсун истеҳсон қавли бирла. Агар бир ракатта сажда қилғон бўлса, қайтмасун ва мутобаат қилмасун. Агар (қайтиб сажда) қилса намози бузулур. «Шарҳи «Аврод»да «Захийра»дин нақл қилур: «Агар масбуқ хато бирла салом берса, икки қўлин юзига сурса, намози бузулур». «Фатовойи ҳужжа»да айтур: «Масбуқ (киши) имом икки тарафиға салом бермасидан турмасун». «Хулоса»да ҳам шулдур. Агар масбуқ муддати масҳи ўтар, деса ё жароҳатлик бўлса, вақти чиқар, деб қўрқса ё намози жумани вақти чиқар, деб қўрқса ё бомдодда кун чиқар, деса, ё ийдда вақти ўтар, деса бу сувратларда аттаҳийётдан

сўнг турса бўлур. «Шарҳи «Аврод»да ва «Жомеъ ус-сағирхон»дин нақл қилур: «Қаъдаи охирга масбуқ имом бирла ўлтурсун. Масбуқ аттаҳийётни тамом қилса, баъзилар наздида сукут қилсун, баъзилар наздида аттаҳийётни такрор қилсун. Аммо саҳиҳ шулки, салавотни ва дуони ўқусун». «Хулоса»да айтур: «Аттаҳийёт»ни бир-бирлаб (оҳиста) ўқусун, то имом салом бергунча тамом қилсун». Бу саҳиҳ ривоятдур. «Фатовойи Қозихон»да ҳам шулдур. Яна айтур: «Агар имомнинг таҳорати синса, ўрниға халифа қилса, сўнг мундин илгари қазоси бор экани ёдиға келса, имом, қавм ва халифанинг – ҳаммасининг намози бузулур. Имомнинг қазоси масжиддан чиқиб ёдиға келса, ўз намози бузулур. Аларнинг (қавмни) намози бузулмас, зероки ул (яъни имом) танҳо намоз ўқиғувчи ҳукмида бўлур. Лекин масжидда бўлса, то чиқмагунча ул имом бул қавмга имомдур – ҳаммасининг намозлари бузулур». «Қозихон»да айтур: «Имом бирла масбуқ саждаи саҳв қилса, сўнг имомга маълум бўлсаки, саждаи саҳв лозим эмас экан, баъзиларнинг наздида дурустдур. Машҳур қавл улдурки, масбуқни намози бузулур». «Абулмакорим»да айтур: «Фатво шулки, масбуқнинг намози бузулмас». Мутааххирлар (кейинги уламолар) ҳам мунга фатво дебдурлар.

Агар имом бировни ўз ўрниға халифа қилмоқчи бўлса, яхши, тақводор одамни халифа қилсун. Агар нодонни халифа қилса, мусулмонларга зомин бўлур. Андоғ (шунингдек) тариқатда ҳам халифа комил ва мукаммал бўлсун. Шариатда амру наҳйини билгувчи бўлсун. Мундоғ бўлмаса қачон Худога дўст бўлур. Ҳар вақт халифа хом бўлса, пирни бадном қилур. Зоҳири шариатни билмасанг, ботин йўлда нечук

юрарсан. Ҳар ишнинг тарозуси шариатдур. Ҳар ким шариат тарозусиға тўғри бўлса, икки дунёда дуруст-дур. Масалан, дарбозлар аввал хўб ўйнаб машқни еткузурлар. Сўнг дорга чиқса, қўлига лангарчўп олиб чиқар. Анинг мезони бирла дорга чиқар, агар бир тарафга мойил бўлса, оёғи тойиб йиқилур. Қадимғи мардларнинг йўлиға кирсанг, гўёки бир қил устида юргандек бўлурсан, ҳар қадамни илгари қўйса хавфи ҳазор-ҳазор (минг-минглаб хавф) бўлғай. Агар шариат мезонини қўлға олсанг умид улдурки, юқори чиққайсан, бўлмаса йиқилурсен. Зоҳир ва ботинда паридек тоҳир ва пок бўлсун. Андоғ одам халифа бўлса бўлур. Ҳазрати Имоми Аъзам дарё-е эрдилар ва чироғи уммат эрдилар, дунёда бор масалани жам қилдилар. Китоблари дарёға ғарқ бўлди. Мўминлар ғамгин бўлдилар, масалаи Имом барҳам етди, деб йиғладилар. Имом Муҳаммад: «Ул китобнинг ҳаммасини ёд билурман», – деб қўлларига қалам олиб, китобат қилиб тамом қилдилар, тамом одамға нишона бўлдики, бир зарра ўзгармабдур.

САЖДАИ САҲВ БАЁНИ

«Фатовойи Абул Лайс» зикр қилибдурлар: «Ҳар киши вожибни қасддан тарк қилса, гуноҳкор бўлур, намози нуқсон бирла тамом бўлур. Агар саҳван тарк қилса, саждаи саҳв бирла дуруст бўлур». «Салоти Масъудий»да айтур: «Вожибни қасддан тарк қилса, саждаи саҳв бирла кўтарилмас, гуноҳкорлиғ боқий турур». «Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Саждаи саҳв вожиб бўлғон одам қаъдаи охирда ўлтуруб, «Аттаҳийёт»ни ўқуб, бир тарафга салом бериб, икки саж-

да қилсун». «Шарҳи «Аврод»да «Кофий»дин нақл қилур: «Оммаи бузрукларнинг қавли шулки, икки жониб (томон)га салом берса сўнг саждаи саҳв бўлмас». «Захийра»да ҳам шулдур. «Ҳидоя»да саҳиҳ ривоят шулки, икки тарафга салом бериб саждаи саҳв қилсун. «Янобеъ»да ҳам шулдур. «Сирожийя»дин эшиттим: «Агар имом бўлса, бир тарафга салом беруб, танҳо бўлса икки тарафга салом беруб, сўнг саждаи саҳв қилсун. Сўнг яна «Аттаҳийёт»ни ўқуб яна салом берсун. Лекин саҳвдин илгари «Аттаҳийёт»ни ўқусун, «Салавот»ни ўқумасун». «Шарҳи «Аврод»да, «Нисоб ул-иҳтисоб»да, «Хулоса»да ҳувал мухтордур. Ва яна «Нисоб»да масбуқ имом бирла саждаи саҳв қилғондин сўнг «Аттаҳийёт»ни ва «Салавот»ни ва дуони ўқусун, дебдур, саҳиҳ ривоят бирла. Агар масбуқ саждаи саҳвдин сўнг буларни ўқумасдин турса, макруҳ бўлур. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар саждаи саҳв қилғондин кейин ўлтурмай туруб кетса, «Хулоса»да намози дуруст дебдур, аммо макруҳ бўлур, зероки саждаи саҳв саломидин кейин ўлтурмоқ фарз эмастур». «Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Агар киши рукнни таъхир қилса ё вожибни тағйир берса (ўзгартирса), саждаи саҳв лозим бўлур. Ва яна рукнни такрор қилса ва ё тағйир берса, саждаи саҳв вожиб бўлур». Тағйир бергани булки, тартибни тарк қилса, яъни рукуъдан илгари сажда қилса, зероки риояи тартиб вожибдур». «Ҳидоя»да айтур: «Масалан, бир киши бир ракатда икки келар фарзни тартиб билан қилмоғи вожибдур. Масалан, бир сажда қилса, соний (сўнг) зоҳир бўлсаки (бир саждаси) қолғон экан, иккинчи ракатда уч сажда қилсун». «Кофий»да айтур: «Қиёмни рукуъ ва сужуддан

илгари қилмоқ лозимдур». Бу масала намознинг вожиби фаслида келиб эрди. Таъхири булки, агар аввалги қаъдада ўлтуруб, «Аттаҳийёт»ни ўқуғон замон турмай, бир нимани зиёда қилса, саждаи саҳв (вожиб) бўлур. «Шарҳи «Аврод» ва «Хулоса»да «Аттаҳийёт»дин сўнг «Аллоҳумма солли ала Муҳаммадин» деса, саждаи саҳв лозим бўлур. Ҳувал мухтордур. Имоми Аъзам айтурлар: «Икки ҳарф зиёда бўлса, саждаи саҳв вожиб бўлур». Абу Жаъфар айдилар: «Мунчалик бирла вожиб бўлмас, қиёс бирла, аммо истеҳсонда мунга фатво дебдурлар». Абул Ҳасан Мотуридий «Сирожийя»да айтур: «Салавотни «оли Муҳаммадин»ғача айтса, саждаи саҳв лозим бўлур. Мунга етмаса, лозим эмас». Аммо Саййид Имом лозим дедилар. «Шарҳи «Аврод»да «Тарғиб ус-солат»дин нақл қилур: «Асаҳ ривоят будурки, (салавотни) тамом қилмағунча саждаи саҳв вожиб бўлмас». Такрори рукн будурки, икки рукуъ қилса. Тағйири вожиб буки, жаҳрий намозни махфий ё аксини қилса. Таъхирнинг миқдори вожибнинг фаслида айтилди.

«Ҳидоя»да айтур: «Имом жаҳрни паст ўқуса, саждаи саҳв лозим бўлур. Ани миқдориға уламолар хилоф қилибдурлар. Лекин асаҳ қавл буки, мо яжузу биҳис солат (намоз у билан жойиз бўладиган қироат)ни жаҳр намозда паст ўқуса ё аксини қилса, саждаи саҳв лозимдур». «Шарҳи «Аврод»да «Хонийя»дин нақл қилур: «Жаҳрни паст (ўқуса) ё акси хоҳ кўп, хоҳ оз бўлсун, саждаи саҳв лозимдур, бу зоҳир ривоятдур. «Хулоса»да Шамс ул-аимма мунга эътимод, дебдур. «Ҳидоя»да ва «Наводир»да ҳам шулдур.

Ҳар вақтеки намоз ўқиғувчи танҳо (ёлғиз) бўлса, ихтиёрлидур — хоҳ махфий, хоҳ жаҳрий ўқусун. Аммо

«Хулоса»да айтур: «Ёлғуз бўлса, паст ўқусун». «Жомеъ ул-басотин»да айтур: «Ёлғуз ўқуғувчи махфий намозни жаҳр қилиб ўқуса, гуноҳкор бўлур». «Муҳит»да шулдур: «Кофий»да айтур: «Ёлғуз ўқуғувчи махфий намозни жаҳран ўқуса, саждаи саҳв қилсун». «Канз ул-ибод»да айтур: «Агар санода саҳван жаҳр қилса, саждаи саҳв лозим эмас, «Аттаҳийёт»-ни, рукуъ ва сажда тасбеҳларини жаҳр қилса, саждаи саҳв лозим бўлмас, агар имом «Самиъаллоҳ...»ни ва такбири интиқолларни махфий айтса, саждаи саҳв вожиб бўлмас». Ва яна суннатлардан бирини тарк қилса, лозим бўлмас. Агар вожибни саҳван тарк қилса, саждаи саҳв вожиб бўлур. Булар вожибни баёнида айтилди. «Канз ул-ибод»да «Захийра»дин нақл қилур: «Аввалғи ракатнинг бириға «Алҳамду»ни пайдар-пай икки марта ўқуса, саждаи саҳв лозим бўлур. Аммо «Алҳамду»ни бир марта ўқуса, андин сўнг сурани ўқуса ва яна «Алҳамду»ни ўқуса, саждаи саҳв лозим эмасдур, зероки бир узоқ сура ҳисобланур». «Хонийя»да айтур: «Алҳамду»нинг ярмидин кўпроғини ўқуб яна қайтадин ўқуса саждаи саҳв лозим бўлур». «Захийра»да айтур: «Алҳамду»ни ярмидан кўпроғини ўқуса, қолғони ёдиға келмаса, саждаи саҳв лозим бўлур». «Жомеъ ус-сағирхон»дин нақл қилур: «Аввалғи икки ракатга «Алҳамду»ни ўқуса, анга сура зам қилмаса, саждаи саҳв лозим бўлур. Агар аввалги ё сўнгги ракатда «Алҳамду»ни ёдидан чиқарса, сурани бошлаб хоҳ оз, хоҳ кўп ўқусун, «Алҳамду»ни ўқимагани ёдиға келса, аввал «Алҳамду»ни ўқуб, сўнг сура қўшсун, саҳв лозим бўлур». Бу ривоят «Кабийрий»-диндур. Ва агар «Алҳамду»ни ўқуб, бир қисқа оят қўшса, сўнг саҳван рукуъга борса, саждаи саҳв ло-

зимдур. Далили буки, «Захийра»да тайиндур, бир узун оят ё уч қисқа оятни «Алҳамду»га қўшмоқ вожибдур, иттифоқ бирла.

«Захийра»дин нақл қилур: «Агар «Алҳамду»га икки калта (қисқа) оят қўшса, рукуъда ёдиға келсаки, уч оят бўлмабдур, ул ҳолда яна қиёмга қайтсун, уч оятни ўқуб тамом қилсун, сўнг саждаи саҳв қилсун». Агар сура зам қилмагани рукуъда ёдиға келса, қиёмга қайтсун ва сурани ўқусун, сўнг яна рукуъ қилиб, саждаи саҳв қилсун. Бу ривоят «Салоти Масъудий»дадур.

«Хулоса»да айтур: «Ким рукуъда сурани қўшгани ё қўшмагани гумон бўлса, яна қиёмга борсун, саждаи саҳв қилмасун, зероки шакка ҳукм қилинмайдур. Бу ривоят ҳам «Салоти Масъудий»дадур». «Фатовойи ҳужжа»да айтур: «Сурани қўшмағони рукуъда ёдиға келса, иттифоқ бирла қиёмга қайтсун. Аммо «Фотиҳа»ни тарк қилғони рукуъда ёдиға келса, қайтмасун, иттифоқ бирла. Дуойи қунутни қолғони рукуъда ёдиға келса, саҳиҳ ривоятда қайтмасун». «Муҳит»да айтур: «Алҳамду»ни ўқурда сура қўшмоқ вожибдур. Қўшқондин сўнг фарз бўлур. Фарз учун витрни синдурса бўлур. «Насафий»да айтур: «Аввалғи ракатда бир сура ўқуса, иккинчи ракатда ундин илгариги сурани ўқуса, саждаи саҳв лозим бўлмас. Бир сурани ирода қилиб, ани унутиб ўзга сура ўқуса, саждаи саҳв лозим бўлмас». «Хулоса»да айтур: «Агар «Алҳамду»ни ўқуса, сўнг ҳеч сура ёдиға келмай бир рукнча (бир рукн миқдорича) таваққуф қилса, саждаи саҳв лозим бўлур. «Хулоса»да айтур: «Алҳамду»дан илгари бир калима ё бир ҳарфни ўқуса, саждаи саҳв қилсун». «Салоти Масъудий»да айтур: «Агар аввалғи ракатда «Алҳамду» ё сура тарк бўлса, сўнгги ракатда қазо қилмоқ

хусусида ихтилоф бордур. Имоми Аъзамнинг ва Имом Муҳаммаднинг наздида сурани қазо қилсун, «Алҳамду»ни қазо қилмасун».

Охирги ракатда сурани қазо қилмоқчи бўлса, ул намози махфий бўлса, махфий ўқусун, агар жаҳрий бўлса «Алҳамду»ни ва сурани жаҳрий ўқусун. Баъзи уламолар наздида зоҳир ривоятда «Алҳамду»ни, сурани жаҳрий ўқусун. Сўнгги ракатда «Алҳамду»ни ўқумоқ суннатдур, сура вожибдур.

Суннатни вожибга тобе қилурмиз, зероки жаҳру ихфо жам бўлмас. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар қиёмда қироатдин илгари «Аттаҳийёт»ни ўқуса, саждаи саҳв вожиб бўлмас, зероки санони ўрниға бўлур». «Хулоса»да ҳам шулдур. Яна «Шарҳи «Аврод»да «Сирожийя»дин нақл қилур: «Агар рукуъда ё сужудда, ё қаъдада оятни ўқуса, саждаи саҳв лозим бўлур. Ва агар рукуъда ё сужудда «Аттаҳийёт»ни ўқуса, ё рукуъда сажда тасбеҳини, ё сужудда рукуънинг тасбеҳини ўқуса, саждаи саҳв лозим бўлмас. Агар киши санони ё «омийн»ни тарк қилса ё аввалги такбирда қўл кўтарурни тарк қилса, ё ийд такбирларин, ё ийд рукуъсининг такбирларини, ё «Аузу биллаҳи...», ё «Бисмиллоҳ...»ни тарк қилса, саждаи саҳв лозим бўлмас».

Агар намоз ўқиғувчи «Мени намозимда рукуъ ва сужудим узун бўлди», деб шак қилса, саждаи саҳв лозим бўлур. «Хулоса»да айтур: «Ояти саждани ўз жойида қилмай унутса, саждаи саҳв қилсун. Агар аввалги қаъдани унутса, қаъдага яқин бўлса, ўлтурсун». «Ҳидоя»да айтур: «Мунча таъхирга саждаи саҳв лозим бўлур». Асаҳҳи шулки, то турмағунча саждаи саҳв лозим. Агар қиёмга яқин бўлса ўлтурмасун,

(қиёмга турсин) саждаи саҳв қилсун». «Ҳидоя»да шундоғ дебдур, лекин «Ниҳоя»да равшанроқ қилибдур: «Агар икки тиззин кўтармаса, қаъдага яқиндур, кўтарса қиёмга яқиндур – ўлтурса гуноҳкор бўлур». «Тоторхоний»да «Нисоб ул-иҳтисоб»дин ва «Бадоеъ»дин нақл қилур: «Қиёмга рост бўлуб, (сўнг) ўлтурса намози бузулур. Қиёмга яқин борғонда саҳв бирла ўлтурса, «Аттаҳийёт»ни ўқумай ўлтурсун». «Шамсуддин»да шул ривоят саҳиҳдур. Агар қаъдаи охирда саҳван қиёмга турса, яна ўлтурмай бир ракатга сажда қилса, намози бузулур, нафлдин ҳисоб бўлур, Имомайн олдида. «Ниҳоя»да айтур: «Имом Муҳаммад олдида асло намоз эрмас». Агар (яна) бир ракатга сажда қилмаган бўлса, ўлтурсун – тамом қилсун. Агар тўртинчи ракатни тамом қилиб, қаъдаи охирда ўлтуруб, саҳв бирла бешинчи ракатга сажда қилмаган бўлса яна ўлтурсун, салом қилсун». «Шамсуддин»да айтур: «Ул одам баъзи имомлар олдида ўқумас, лекин қиёмда салом қилмасун. Агар бешинчи ракатга сажда қилғон бўлса, яна бир ракат қўшуб, олти қилсун, тўрти фарз, иккиси нафл бўлур. Охирида истеҳсон қавли бирла саждаи саҳв қилсун. Бу икки ракат пешиннинг икки ракат суннатидан ҳисоб бўлмас. Бу саҳиҳ ривоятдур».

«Ҳидоя»да айтур: «Қаъдаи аввалда ё охирда «Аттаҳийёт»ни саҳв бирла ўқумаса, саҳиҳ ривоятда саждаи саҳв қилур». «Канз ул-ибод»да айтур: «Аттаҳийёт»нинг баъзиси (баъзи қисми) тарк бўлса, саждаи саҳв лозим бўлур». «Заҳийра»да ҳам зоҳир ривоятда шулдур. «Хулоса»да айтур: «Агар қаъдаи аввалда «Аттаҳийёт»ни икки мартаба ўқуса, саждаи саҳв лозим бўлур, аммо қаъдаи охирда икки марта ўқуса, лозим

бўлмас. Ва агар қаъдаи охирда «Аттаҳийёт»дан сўнг Қуръон ўқуса, саждаи саҳв лозим бўлмас, «Аттаҳийёт»ни тамом қилмай ўқуса, лозим бўлур». «Таҳовий»да айтур: «Агар намознинг икки ракатини ўқидимми ё уч ракатини ўқидимми, деб шак қилса, гумон бирла салом бериб ўлтурғонда ёдиға келса, бир ракатин ўқусун, саждаи саҳв қилсун».

Агар кишига саждаи саҳв лозим бўлса, ул саждаи саҳвни унутиб, намозни тугатмоқ учун салом берса, андин сўнг ёдиға келса, агар бир иш қилмаган бўлса ё сўзламаган бўлса, саждаи саҳв қилсун. Агар сўзлаган бўлса, саждаи саҳв қилмасун. Бу ривоят «Захийра»дадур. «Шарҳи «Аврод»да икки китобдин нақл қилур: «Агар жумада, икки ийдда саҳв қилса, саждаи саҳв қилмасун». Мунга фатводур. Яна ўзга китобларда бизларни машойихлар айтибдурлар: «Агар кишига саждаи саҳв лозим бўлса, саҳв учун салом бериб, кун чиққонин кўрса ё намози асрда кун ботқонин кўрса, саждаи саҳв соқит бўлур». Агар саждадин сўнг яна саждаи саҳв лозим бўлса, «Сирожийя»да саждаи саҳв лозим бўлмас, дебдур. Агар сўнгти икки ракатта «Алҳамду...»ни икки марта ўқуса, саҳв лозим бўлмас. Фатво (шунга)дур. Агар сўнгти ракатга сукут қилиб турса ҳам лозим бўлмас. «Хонийя»да айтур: «Шунга эътимоддур. Агар муқтадий саҳв лозим бўлса қилмасун».

Дуойи қунутдан бурун сано ўқуса лозим бўлмас, аммо қироат қилса лозим бўлур. «Шарҳи «Аврод»да «Муҳит»да ва «Захийра»да айтур: «Саждаи саҳв фарзда, нафлда баробардур». «Сирожийя»да айтур: «Намозда икки-уч саҳв қилса бир саждаи саҳв бирла раво бўлур». «Мухтасар»нинг шарҳларида айтур: «Агар

намозда аввал бор (неча ракат ўқиганига биринчи марта) шак қилса, салом бериб, қайта бошдин ният қилсин. Агар шакни кўп қилур бўлса, ғолиби қайсига бўлса, ани қилсун. Ва агар қаъдаи охирни ваҳми бўлса, ўлтурсун, сўнг яна бир ракат ўқусун, саждаи саҳв бирла тамом қилсун». «Музмарот»да айтур: «Агар нафлда ё суннатда қаъдаи аввални тарк қилса, учинчи ракатта сажда қилмаган бўлса, яна қаъдага ўлтурсун. Агар сажда қилган бўлса, «Кифояи Шаъбий»да айтур: «Намози бузулмас, Шайхайн наздида саҳв лозим бўлур». «Хулоса»да Имом Муҳаммад наздида намози бузулур. Агар намозда саҳв ўтса, ул саҳви учун саждаи саҳв қилур, токи анинг нуқсонларини тадорик қилғай. Валлоҳу аълам биссавоб.

САЖДАИ ТИЛОВАТ БАЁНИ

«Канз ул-ибод»да айтур: «Қуръонда ўн тўрт жойда саждаи тиловат қилур. Аввали «Аъроф»ни охирида, иккинчи сураи «Раъд»да, учинчи сураи «Наҳл»да, тўртинчи сураи «Бани Исроил»да, бешинчи сураи «Марям»да, олтинчи сураи «Фурқон»да, еттинчи сураи «Ҳаж»да, саккизинчи сураи «Алиф, лом, мим, Танзил»да, тўққизинчи сураи «Намл»да ўнинчи сураи «Ҳом, мим»да, ўн биринчи сураи «Сод»да, ўн иккинчи сураи «Иншаққат»да, ўн учинчи сураи «Иқраъ»да, ўн тўртинчи сураи «Ҳаж»да икки жойдадур. «Ҳаж»нинг охиридаги сажда Имом Шофеъий олдида вожибдур. «Ҳом, мим»даги сажда бизни имомларни наздида **«Ла ясмаъуна...»**да келса сажда қилсун. Имом Шофеъий наздида (эса) **«Таъбудуна...»**да сажда қилсун. Бизларни имомларни айттани эҳтиётдур.

Ояти саждани хоҳ эшитсун ва хоҳ ўқусун сажда вожибдур, хоҳ қасд бирла эшитсун, хоҳ баногоҳ эшитсун. Сажда қилғон одамға Худонинг раҳматидан умид бўлғай. Бу сажда намознинг шартлари бирла бўлур, яъни намозда пок сув, пок жой, қиблага юзланиш, авратни ёпиш кабилар фарздур. Саждаи тиловатда ҳам булар фарздур. Агар кишига саждаи тиловат дуруст вақтда вожиб бўлса, ани макруҳ вақтда қилмоқ дуруст эрмас, яъни офтоб чиқарда, қиёмға келганда ва офтоб ботарда. Бу вақтларнинг ўзида вожиб бўлса, хўброғи улки, мустаҳаб вақт дохил бўлғонда сажда қилсун. Агар ул вақтда сажда (қилса) ҳам раво бўлур. Лекин намози бомдоддин сўнг кун чиққунча саждаи тиловат қилса бўлур.

«Шарҳи «Аврод»да «Муҳит»дин нақл қилур: «Агар киши сажда оятини ўқуса ва охир ҳарфи ё охир калимасини ўқумаса, сажда вожиб бўлмас. Лекин сажда бор оятнинг кўпроғин, сажда ҳарфини бир ҳарф бирла (ҳарфлаб-ҳарфлаб) ўқуса, саждаи тиловат вожиб бўлур». «Захийра»да айтур: «Агар киши сажда оятини ўқуса ё эшитса филҳол (дарҳол) сажда қилмоқ вожибдур. Таъхир қилса, нусхаларда макруҳ эмас, дебдур, лекин дарҳол сажда қилмоқ мустаҳабдур».

Саждаи тиловат қилса ният қилсун. Ниятни кўнгулда қилса ҳам бўлур, лафз бирла қилмоқ авлодур. «Сирожийя»да айтур: «Саждаи тиловатнинг сурати буки, аввал такбирни ўлтуруб айтсун, икки қўлин кўтармасун. Сўнг сажда қилсун. Уч марта тасбеҳ айтсун. Агар зиёда айтса яхшидур. Ва яна такбирни айтиб бошини кўтарсун». «Шамсуддин»да айтур: «Ояти саждани ўқуғон ҳамон сажда қилсун». «Таҳовий»да айтур: «Масжидда саждаи тиловатни таъхир қилмоқ

мутлақо макруҳдур». «Ҳидоя»да ва «Виқоя»да айтур: «Саждаи тиловат бир сажда қилса тамом бўлур. Анда «Аттаҳийёт» ва салом бўлмас». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Ҳар нимарса намозни бузса, саждаи тиловатни ҳам бузар, лекин саждаи тиловатда хотун эр бирла баробар турса зарар қилмас ва қаҳқаҳа бирла кулса таҳорати синмас, зероки бу намози мутлақ эмастур». «Хулоса»да айтур: «Саждаи тиловатда ухласа ҳам баъзилар олдида таҳорати синар». Асаҳ ривоятда синмас. Агар девона ё норасида, ё ҳайз, ё нифоси бор хотун ояти саждани ўқуса, сажда вожиб бўлмас. Аммо булардан бошқа одамлар эшитса уларга вожиб бўлур. «Хулоса»да айтур: «Агар жунуб ё бетаҳорат ва ё бемор ояти сажда ўқуса, саждаи тиловат вожибдур. «Тоторхоний»да айтур: «Агар ояти саждани бир қушдин (масалан, тўтиқушдин) эшитса, сажда вожиб бўлур». Ҳувас саҳиҳдур, зероки каломи Худони эшитди. Агар киши ояти саждани ўзини ўқуб бошқа оятларини ўқумаса, зарар қилмас, лекин ўзга оятларни ҳам қўшуб ўқумоқ яхшидур. «Хулоса»да айтур: «Қуръон ўқуғонда олдида одамлар ўлтурса, ул одамлар сажда қилмоққа тайёр бўлса, жаҳр қилиб ўқусун ва лекин алар бетаҳорат бўлса ва ё коҳил (дангаса) бўлса, овозини паст қилиб ўқусун». Агар киши ояти саждани такрор қилса ва ё бир одам бир ояти саждани эшитиб бир иш қилса ё савдо қилса, ё эшиттан жойида турмаса ҳар ўқуғонда сажда лозим бўлур. Аммо сўзламак, емак-ичмак бирла бузулмас. Ва агар бир оятни ўқуб турғонда яна бир ояти саждани ўқуса, шул сажда кифоя қилур. Агар киши ояти саждани ўқуса, бир одам ҳар ерда туруб эшитса, ҳар эшиттаниға бир сажда лозим бўлур. Фатво мунгадур. Ва агар бир мар-

каб устида ояти саждани такрор қилиб ўқуса, ул маркаб йўл юрса, ҳар ерига (ҳар қадамига) бир сажда лозим бўлур. Лекин ул сура намозда бўлса, бир сажда кифоя қилур. Ва агар жума масжиди ё маҳалла масжидида, ё уйда такрор қилса, бир сажда вожиб бўлур, (чунки) бир макон ҳукмидадур. «Хонийя»да айтур: «Ул уйда юрса бўлур, бурчидан бурчига борса бўлур. Ва ё маркабда такрор қилиб ерга тушса, буларга бир сажда лозим бўлур, (зероки) бир мажлисдур».

«Баёни аҳком»да айтур: «Макони ҳукмий бирла табдил бўлса ё макони ҳақиқий бирла табдил бўлса, сажда вожиб бўлур.

Ҳақиқий улки, бир жойдан туриб, яна бир жойға ўлтурса ё ул жойдан яна бир жойға борса, муни ҳақиқий дерлар. Ҳар қайсига бир сажда лозим бўлур.

Ҳукмий улки, таом еса ё бир ишни кўп қилса, бир ерда ўлтуруб ё ётиб ухласа, уйғониб ояти саждани такрор қилса, мажлис бузулур, сажда вожиб бўлур. Аммо бир-икки луқма еса ё озроқ сўзласа, ё ўлтурғон ерида ухласа, мажлис бузулмас».

«Ҳидоя»да айтур: «Бўзни йигирурда ё дарахт устида шохдан шохга ўтуб такрор қилса, асаҳ ривоятда макони бузулур. Бир шохда ё бўзнинг бир бошида эшитса ё такрор қилса, бир сажда лозим бўлур». «Янобеъ»да айтур: «Агар ояти саждани ўқуб сажда қилса, сўнг Қуръонни узун (кўп) ўқуса, ё тасбеҳ, ё таҳлилга кўпроқ шуғл қилса, сўнг (аввал) ўқуғон ояти саждани ўқуса, сажда вожиб бўлмас».

Агар бир мажлисда Қуръонни хатм қилса, ўн тўрт сажда вожиб бўлур. Бу ривоят «Сирожийя»дадур. Ва агар намознинг сиртида Қуръон ўқуса ва ояти саждани ҳам ўқуса ва (бир) неча қавм эшитса, ҳар вақт

ўқуғувчи сажда қилса, ул қавмлар ҳам сажда қилсун. Ўқуғувчи такбирни баланд айтсун, яъни сажда қилурда ё саждадин бош кўтарурда ул сомеъларни огоҳ айламоқ учун такбирни жаҳр айтсун, яъни ул қавмлар ҳам сажда қилсун, ўқуғувчидан бошларини олдин кўтармасун. Ўқуғувчи сажда қилмаса, эшиттувчи қилсун. Бу масалалар «Таҳовий»дадур.

«Насафий», «Шарҳи «Аврод» ва «Хонийя»да айтур: «Агар ояти саждани оҳиста ўқуса, ўз нафси эшитмаса, сажда вожиб бўлмас. Агар ояти саждага етиб, ўқумаса, сажда вожиб бўлмас». «Садр ушшариа»да айтур: «Агар бир маконда ояти саждани такрор қилса, хоҳ аввалида ва хоҳ охирида бир сажда қилса кифоядур». «Хулоса»да айтур: «Сувға қодир бўлса, сажда учун таяммум қилса раво бўлмас». Агар ояти саждани намозда ўқуса, ул сажда ояти суранинг охирида бўлса ва ё охириға яқин бўлса, ул жойда (намозға) сажда қилса, ул ҳисоб бўлур. Ул жойда қилмай яна бир сураға ўтса, сўнг сажда қилса, саждаи тиловатдан ҳисоб бўлмас. Ва лекин сажда ояти сурани ўртасида бўлса, «Янобеъ»да айтур: «Масалан, сураи «Раъд»ни ўқуса, сажда бор жойда саждага борса ва яна туруб, сурани тамом қилиб, намознинг саждасини тамом қилсун ё ояти саждани ўқуғон замон саждани ният қилиб рукуъға борсун ва яна қиёмга қайтиб, қироат қилса шул рукуъ саждага ҳисоб бўлур. «Ва биҳи наъхузу», дебдур.

Ва агар намозда саждаи тиловатни сажда ё рукуъ бирла бажо қилмаса, сурани тамом қилғонда рукуъға борурда саждани ният қилса (ҳам) раво бўлмас. Намоздин сўнг қазо қилсун. Ва яна «Хулоса»да айтур: «Агар сажда ояти суранинг охирида келса,

рукуъ қилмай, сажда қилиб яна қиёмға бориб, қиёмда ҳеч нарса ўқумай, намознинг рукуъ ва сужудиға борса, намози раво бўлмас».

Агар сажда оятидан сўнг уч оят бўлса, масалан, сураи «Иншаққат»да бўлса, ўқуғувчи ихтиёр қилғай, хоҳ рукуъға борғай ва хоҳ сажда қилғай ё сурани саждадин сўнг тамом қилғай. Аммо охириға яна бир сура қўшуб ўқуса афзалдур. Агар рукуъни саждаи тиловат учун қилса, рукуъ қилғонда сурани зам қилиб рукуъға борсун. Рукуъға борурда (саждаи тиловатни) ният қилсун, бўлмаса раво бўлмас. Аммо ниятни рукуъдан бошини кўтарурда қилса, раво бўлмас.

«Шарҳи «Аврод»да ва «Хонийя»да айтур: «Намозда ояти саждани ўқуғон замон намоз учун рукуъ, сажда қилса, саждаи тиловатдин ҳисоб бўлур, агарчи саждаи тиловат ниятин қилмаса ҳам. Ва яна бир оят-икки оят саждадин сўнг ўқуб рукуъ қилса, иттифоқ бирла жоиздур». Лекин сажда оятини ўқуб, сўнг уч оят ўқуб рукуъға борса, Имом Хоҳарзода айтур: «Рукуълари саждадин ҳисоб бўлмас». «Шамс ул-аимма»да айтур: «Ул рукуъ саждаи тиловатдин ҳисоб бўлур. Уч оятдин зиёда бўлса ҳисоб бўлмас». «Ҳидоя»да айтур: «Намозда сажда вожиб бўлса, намозда адо қилмаса, намоздин фориғ бўлса, қазо қилмасун». «Хонийя»да айтур: «Ояти саждани бир ракатда такрор қилса, бир марта сажда вожиб бўлур. Қиёсда «Ва биҳи наъхузу» дебдурлар». «Сирожийя»да айтур: «(Бу) асаҳ ривоятдур». «Ҳидоя»да айтур: «Муқтадий ояти саждани ўқуса имом ва қавмға вожиб бўлмас. Аммо намознинг сиртидагилар эшитса, саҳиҳ ривоятда сажда вожиб бўлур». «Шарҳи «Аврод»да «Хулоса»дин айтур: «Агар муқтадий ё имом намоздин ташқаридоғи

одамдин ояти саждани эшитса ё шу намоз, ё ўзга намоз ўқуб турғондин кейин эшитса, намоздин сўнг имом ва муқтадийга сажда вожиб бўлур, иттифоқ бирла». Ва яна намознинг сиртида бир кишига сажда вожиб бўлса, ани намозда қилса бўлмас. Агар намозда сажда қилса Имом Муҳаммад наздида намози бузулур. Лекин саҳиҳи булки, намози бузулмас. «Таҳовий»да айтур: «Имом ояти саждани минбарда ўқуса саждани хоҳ минбарда (хоҳ минбардан тушиб) қилсун, эшитмаганга сажда вожиб бўлмас». «Хонийя»да айтур: «Агар ояти саждани махфий намозда ўқуса, ул сажда ояти суранинг охирида бўлмаса макруҳ бўлур». «Сирожийя»да айтур: «Ийд ва жумада ояти саждани ўқуса саждани қилмасун, зероки имом сажда қилса қавмга шўр-ғавғо тушар». «Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Имом намозда ояти саждани ўқуса намозни ташида бир одам эшитса, андин (сўнг ўша одам) ўзга ракатта иқтидо қилса, ул одам намоздан сўнг сажда қилсун. Агар имом ояти саждани ўқуғон ракатта иқтидо қилса, агарчи саждани имом бажо қилғондин сўнг бўлса ҳам ул муқтадийдин соқит бўлур, зероки ул ракатни бул топти. (Ўша муқтадий) имом сажда қилмай иқтидо қилса, ояти саждани бирга эшитмаса ҳам имомга эргашур». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар саждаи тиловат намозда лозим бўлса, унутиб, саломдан сўнг ёдиға келса ва сажда қилса, «Аттаҳийёт» ўқуғонча (муддат) ўлтурмай намоздин чиқса, намози бузулур». Бу ривоят ҳувал мухтордур. «Хулоса»да айтур: «Агар саждага табъият қилса (саждага эргашса) ҳам намози бузулур. Валлоҳу аълам.

ҚАЗО НАМОЗЛАРНИ ЎҚИШ ТАРТИБИ

«Ҳидоя»да ва ўзга китобларда айтур: «Агар кишининг намози қазо бўлса, (қазоси) ёдида бўлса, вақтлик (вақти кирган) намоздан илгари қазо қилсун, балки қазони адо (вақти кирган намоз)дин илгари ўқумоқ фарздур». Агар киши аввал қазони ўқуса, адоси қазо бўлур деб хавф қилса ё (қазоси) ёдидан чиқиб адони ўқуса, ё олти вақт намози тарк бўлса, бу сувратларда адони илгари ўқуса раво бўлур. Агар кишида бир неча намоз қазо бўлса, тартиби бирла қазо қилсун, яъни беш намозни қазо қилган киши аввалги фарзни аввал — тартиб бирла қазо қилсун, сўнг адони ўқусун. Аммо қазоси кўп бўлса, масалан, олти вақт намози қазо бўлса, бу вақтда хоҳ қазони ўқусун, хоҳ адони ўқусун (ихтиёрлидир)». «Фатовойи кофий»да айтур: «Агар киши намози асрга шуруъ қилса, сўнг ёдиға келсаки, намози пешин қазодур, агар қазони ўқуса намози аср қазо бўлур бўлса, Шайхайн олдида намози асрни бузуб, пешиннинг қазосини ўқусун, сўнг намози асрни ўқусун. Имом Муҳаммад наздида намози асрни бузмасун, намози асрдан сўнг пешиннинг қазосини ўқусун. «Сирожийя»да айтур: «Тартиб фарз киши намози пешинни ўқуб турғонда, бомдодни ўқудумми ё ўқумадимми, деб гумон билан пешинни тамом қилса, сўнг бомдодни қазо бўлғони маълум бўлса, аввал бомдодни қазо қилсун, сўнг пешинни ўқусун». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Жумани ўқуб турғонда бомдоднинг қазо бўлғони ёдиға келса, агар бомдодни ўқуса жумадин қолғудек бўлса, бомдодни қазо қилсун, зероки вақт нозикдур. Жума ва пешин қўлдан кетар

бўлса, жумани ўқусун. Агар бомдодни қазо қилғонда жума кетса, пешин қазо бўлмаса, Шайхайн олдида аввал бомдодни ўқусун. Имом Муҳаммад олдида жумани аввал ўқусун, (сўнг) бомдодни қазо қилсун». Бу сувратларики, баён қилинди, муқтадий бўлса. Ва агар имом бўлса, вақти тор бўлса, жумани тамом қилсун. Агар вақт кенг бўлса, бомдодни аввал қазо қилса, сўнг жумани ўқуса қавм интизор бўлғудек бўлса, бомдоднинг қазоси соқит бўлур, жумани ўқусун.

«Шарҳи «Аврод»да «Фатовойи ҳужжа»дин нақл қилур: «Агар намози жумани ўқуб турғонда бомдодни ўқидимми ё ўқимадимми, деб гумон қилса, жумани тамом қилғондин кейин ўқимағони маълум бўлса, жумаси дуруст бўлур, бомдоднинг қазосини ўқусун, пешинни иода қилсун (қайтиб ўқусун)». «Ҳидоя»да айтур: «Агар икки-уч намоз қазо бўлса, бу қазоларни ўқуғонда намоз вақти кетар бўлса, лекин баъзисини ўқуса намоз вақти турар бўлса, бир-икки намознинг қазосин камроқ қилиб (ўқуб), андин кейин вақти келган намозни ўқусун. Мундоғ қилмай адо намозни ўқуса дуруст бўлмас». «Салоти Масъудий»да айтур: «Агар кишининг намози қазо бўлғони ёдида туруб уч-тўрт намозни ўқуса, андин сўнг қазони ўқуса, бу тўрт намознинг ҳаммаси раво бўлмас». «Абдул Али»да айтур: «Агар киши намозининг қазо бўлғони ёдиға келуб туруб беш намозни ўқуса, андин сўнг қазони ўқуса, Имоми Аъзамнинг наздида бу беш намози раво бўлур. Аммо Соҳибайн наздида бу беш намознинг ҳаммасини қазо қилмоғи вожиб бўлур». «Захийра»да айтур: «Агар шул киши тартиб фарз эканин билса, тартибни тарк қилса намози вайрон бўлурини билса, ул вақтда беш вақт намозини иода қилсун (қайтиб ўқисин)».

«Тарғиб ус-солат»да айтур: «Агар киши хуфтонни ўқуса, витрнинг қазоси ёдида туруб, бомдодни ўқуса, Имоми Аъзам олдида раво бўлмас. Аммо Соҳибайн олдида фасод бўлмас (раво бўлур). Лекин фатво Имоми Аъзам қавлиғадур, саҳиҳ шулдур».

Агар хуфтонни ўқуб, андин сўнг таҳорат қилиб, суннат бирла витрни ўқуса, сўнг маълум бўлсаки, хуфтонни таҳоратсиз ўқубдур, Имомайн олдида фарзни, суннатни ва витрни қайтадин ўқусун. Лекин Имоми Аъзам олдида витри раво бўлур.

Агар киши эҳтиёт учун умридаги намозларини қазо қилса, баъзи имомлар айтур: «Шубҳалик намозни қазо қилса бўлур». Баъзиларнинг олдида шубҳа ва макруҳ учун қазо қилса бўлмас. Аммо саҳиҳ ривоятда қазо қилса бўлур, магар бомдоддин ва намози асрдин сўнг қазо қилса бўлмас.

Нақлдурки, сўфийларнинг сарвари, кўнгулларнинг парвари, беҳиштнинг гули, шариатнинг булбули, Имоми Аъзам Кўфий ва сўфий раҳматуллоҳи алайҳ таҳоратда бармоқларини бош тарафдин хилол қилур эрдилар. Сўнгра маълум бўлдики, Расули Худо бармоқларини тубидин хилол қилар эрканлар, бу важҳдин йигирма йилғи намозларини қазо қилдилар. Валлоҳу аълам.

БЕМОР НАМОЗИНИНГ БАЁНИ

«Ҳидоя»да ва неча нусхаларда айтур: «Агар киши қиёмға ожиз бўлса, намозини ўлтуруб ўқусун, рукуъ, сужуд қилсун. Агар рукуъ, сужудга ожиз бўлса, ўлтуруб имо бирла ўқусун. Сажданинг имосини рукуънинг имосидан пастроқ қилсун. Аммо бирор нимарсани сажда қилмоқ учун олдиға баланд қўюб олма-

сун. Ул нимарсани пешанага қўйса ҳам бўлмас. Агар ўлтурурга ярамаса, чалқанча ётуб, оёғин қиблага қилсун, токи сиҳҳат топса қиблага қараб турғудек бўлсун. Рукуъ ва сужудни имо бирла қилсун. Расули Худо шундоғ амр қилибдурлар. Ўнг ёни бирла ётуб, юзин қиблага қилса ҳам бўлур. Аммо аввалғиси авлодур. Агар боши бирла имо қилмоққа ожиз бўлса, кеча-кундуз яхши бўлмаса, намозни қўйсун. Агар ҳуши ўзида бўлса, намоз соқит бўлмас, қазо лозим бўлур. Агар қиёмга қодир бўлса, рукуъ ва сужудга ожиз бўлса, қиёмга турмасун, ўлтуруб имо бирла ўқусун, туруб имо қилса ҳам бўлур. Ўлтурғони хўброқдур. Ва агар баъзи намозни (намознинг бир қисмини) ўқуб касали зўр бўлса, қолғонин ўлтуруб рукуъ ва сужуд бирла адо қилсун. Рукуъ ва сужудга ожиз бўлса, имо қилсун. Агар ўлтуруб рукуъ ва сужуд бирла ўқур одам сиҳҳат топса, ура туруб (ўрнидан туриб) еттан еридин ўқусун, Имоми Аъзамнинг ва Имом Абу Юсуфнинг наздида. Аммо Имом Муҳаммаднинг наздида қайтадин ўқусун, дебдурлар. Агар намозни имо бирла ўқийдургон киши сиҳҳат топса ва рукуъ, сужудга қуввати етса, жамиъи имомларнинг олдида қайтадин ўқусун. Бу масалани «Ҳидоя»дин нақл қилурлар. Ва яна «Фусули имодий»да шундоғ ёд қилибдур: «Агар кишини қиёмга тамом турмоққа қуввати етмаса, қиёмга мажоли борича турсун, вақтики ожиз келса ўлтурсун. Агар такбири таҳримани қиёмда айтмоққа қудрати етса, қиёмда айтсун, қироатни баъзисин ўқусун, ожиз бўлғонда ўлтурсун. Агар бир нимарсага такя қилиб ўлтуруб ўқурга кучи етса, ўлтуруб ўқуса раво бўлмас. Агар (ўз) аъзосиға суяниб туруб намоз қилурга қуввати етса ё хизматкори бўл-

са, анга суяниб турарга кучи етса, бу сувратда суяниб туриб ўқусун. Агар қаъдада рост ўлтуролмаса, деворга суяниб ўлтурса бўлур. Мунга қудрати етиб туруб, чалқанча ётиб туриб намоз ўқуса раво бўлмас. Бул ерда масала кўпдур, ҳолимга яраша баён қилдим. Ва яна «Абулмакорим»да «Хулоса»дин нақл қилур: «Агар бир нимарсага суяниб туролмаса, ётиб ўқусун. Агар суяна билса, суяниб туриб ўқусун. Бўлмаса раво бўлмас». Бу ривоятни Имом Ҳалвоий саҳиҳ дебдур. «Салоти Масъудий»да бор: «Агар бемор уйда бўлса, анга ғамхўри бўлмаса, таҳорат қилдуруб Қиблага қаратмоққа киши бўлмаса, жой ва жомаси ҳаром (нопок) бўлса, ул ҳолда намоз вақти бўлса, таяммум бирла ўқусун. Кўнгул ва юзни Қиблага қилсун. Агар мундоғ қилмаса осий ва гуноҳкор бўлур. Агар бу вақтда намозни ўзига фарз билмаса, кофир бўлур». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Бир мусулмоннинг бир оёғи бўлса, туруб (намозни) бошларға қуввати етса, ўлтуруб бошласа раво бўлмас, токи қуввати еттунча туруб, сўнг ўлтуруб ўқусун». «Ҳидоя»да ва ўзга нусхаларда бордур: «Беш вақт намозни вақтида, яъни беш вақт, бир кеча-кундуз беҳуш бўлуб ётса, намоз соқит бўлмас. Мундин бир соат зиёда бўлса соқит бўлур, девона (бўлса) ҳам шундоғдур». Намозни фаслида айтилди.

«Шарҳи «Аврод»да «Музмарот»дин нақл қилур: «Жамоатға борғонда беҳол бўлса, уйда ўқусун». Ҳувал мухтордур, ва биҳи йуфто дебдур. «Абулмакорим»да айтур: «Нафлни беузр имо бирла ўқуса раво бўлур». Яна «Абулмакорим»да: «Муқим шаҳардан ташқарида маркаб устида ҳар тарафга қараб (нафл) намоз ўқуса бўлур», дебдур. Баъзи имомлар наздида қиблага қараб бошласун, сўнг ҳар тарафга қараб ўқуса

раво бўлур. Аммо фарзни беузр маркабнинг устида ўқуса раво бўлмас. Агар узри бўлса фарзни ҳам от устида ўқуса раводур. Аммо тўхтаб, Қиблага юзини қилиб ўқусун. Мунга ожиз келса ҳар тарафга қараб ўқуса бўлур. Имом Муҳаммад айтур: «Лой сабабидин ё беморлик сабабидин маркабда имо бирла ўқуса бўлур». «Кофий»да айтур: «Иттифоқ бирла бу намозларни иода қилмас (қайтиб ўқумас)».

МУСОФИР ВА УНИНГ НАМОЗИНИНГ ҲУКМИ

«Мухтасари «Виқоя»да ва яна шарҳларида айтур: «Ҳар киши уйидан жудо бўлса (уйидан чиқса), шаҳардин хориж бўлса (чиқса), уч кеча-кундузлик йўлни қасд қилса, ул ерга ўрта юриш бирла, яъни тева ё пиёда юриши бирла борса, ани «сафар» дерлар». «Абдул Али»да айтур: «Уч кеча-кундузлик йўлга қасд қилмаса, тамом оламни кезса ҳам мусофир бўлмас». «Шарҳи «Аврод»да «Захийра»дин нақл қилур: «Баъзи имомлар олдида ўн беш фарсах (1 фарсах — 5760 метр) ва баъзи имомлар олдида ўн саккиз фарсахдур». Аҳли динлар олдида мунга фатво берибдурлар. «Абулмакорим»да айтур: «Бузрук оммалар олдида фатво мунгадур». «Ҳидоя»да айтур: «Фарсах эътибор эмастур». Саҳиҳ ривоятда ва кўп нусхаларда будур. Яна «Абулмакорим»да айтур: «Шаҳардин жудо бўлгони буки, шаҳардин чиқса». Баъзилар айтурлар: «Шаҳардин бир фарсах жудо бўлса». Баъзилар айтурлар: «Шаҳардин чиққач, овозини эшитмаса». Баъзилар олдида (шаҳардин) бир ўқ отим жудо бўлса. «Ғунийя»да айтур: «Саҳиҳ ривоят буки, бир ўқ отим жудо

бўлса». «Музмарот»да айтур: «Бир фарсах мухтор ривоятдадур». «Кифоя»да айтур: «Бир ўқ отим асаҳ ривоятдур». Ғалва (ўқнинг учиш масофаси) ва милнинг ва фарсахнинг миқдори таяммум фаслида билинди. «Абдул Али»да айтур: «Шаҳардин жудо бўлишидин мурод, хоҳ шаҳар, хоҳ қишлоқ бўлса, алҳол ватанидин чиқса, тева юруши қуруқликда бўлса. Лекин кемада бўлса, ўрта шамол (юриши) билан, тоғларда ҳам ўз лойиқиғадур. Агар мусофир тўрт ракатни ўқуса, иккиси нафл бўлур. «Ҳидоя»да айтур: «Саломни таъхир қилғониға гуноҳкор бўлур». Аммо икки ракат ўқуб ўлтурмаса, намози бузулур. Имом Шофеъий олдида тўрти ҳам фарздур, қаср қилса рухсат. Ўз жойи (ватани)га келса, қасд қилмаса ҳам муқим бўлур. Агар чўп ё намат, ё қамишдан уй бўлса, ани ҳам уй дерлар. «Абдул Али»да «Аҳли сафардин мусофир уйига келса муқим бўлур ва ё бир ерда нияти иқомат қилса, муқим бўлур, намозни тўрт ракат қилиб ўқур», дебдур. «Абулмакорим»да ва «Абдулжамил»да айтур: «Имом Шофеъий олдида чиққан кундин ва кирган кундин ўзга тўрт кунни ният қилса, муқим бўлур. Бизни имомларни наздида ўн беш кунни ният қилса муқим бўлур, мундин озни ният қилса, муқим бўлмас». Бир пора (бир гуруҳ) уламолар олдида нияти иқомат қилмаса тўрт кун ўтса муқим бўлур. Ва яна бизни саҳроларда қаро овул (чодир уйлар) бўлур, анда нияти иқомат қилса дурустдур, «Ҳидоя»да айтур, «Кофий»да асаҳ ривоят шулдур. «Абулмакорим»да «Музмарот»дин нақл қилур, фатво шул ривоятгадур. Ва яна «Абдул Али»да «Захийра»да саҳиҳ деб ёд қилур. «Хизона»да ҳам фатво шунгадур. Агар саҳрода Қозоғистонда ният қилса бўлур. Мусулмонлар саҳрода тушган жойда чодир ё

ўтов тикса, анда нияти иқомат қилмаса муқим бўлмас, агарчанди ўн беш кунни қасд қилсалар ҳам. «Кофий»да айтур: «Бу сувратлар уч кун юргандин сўнг бўлса, аммо уч кун юрмай биёбонга тушса, нияти иқомат қилса дуруст бўлур». «Ҳидоя»да айтур: «Ҳар вақт лашкар дорул ҳарбга кирсалар, (лашкарнинг) нияти иқомати раво бўлмас, қаср ўқусун. Ва яна бир шаҳарни қамаса (қамал қилса), анда ҳам қаср ўқусун. Ва агар мусулмонлар боғий бўлсалар (исён қилсалар), ани (ислом аскари) қамаса (қамал қилса), агар шаҳардан ўзга жойда бўлса (ислом аскари) қаср ўқусун – Имом Зуфарнинг наздида. Агар нияти иқомат қилса, шаъни шавкатлари маҳкам бўлса, аларнинг ниятлари дуруст бўлур».

Агар мусофир шаҳарга кирса, ул шаҳарда турмоқни қасд қилмаса, «Бу ердин бугун ё эрта кетамиз», деса, бу қасд бирла бир йил турса ҳам муқим бўлмас, қаср ўқур. Ватани аслийни ватани аслийнинг мисли ботил қилур. «Абдул Али»да айтур: «Бир мусулмоннинг бир ерда ватани аслийси бўлса, яъни таваллуд қилғон ерни «ватани аслий» дерлар, яна бир жойға ватан қилиб аҳли аёлини олиб борса, ватани аслийга яна борса қаср ўқурлар, зероки аввалғида ватан ҳукми қолмади. Аммо икки юртида бола-чақаси бўлса, қайси тарафга борса ҳам муқим бўлур. Ва яна ватани аслий ватани иқоматни ботил қилур. Ватани мислий ватани иқоматни ботил қилур. «Шарҳи Аврод»да «Сирожийя»дин нақл қилур: «Ҳар вақтеки, мусофир сафар қилса йўлдин уйга қайтса, анинг бирла шаҳар ораси муддати сафардин кам бўлса, намозни муқимлардек ўқусун, қаср ўқуғонин қайта ўқумасун». «Шарҳи «Аврод»да «Янобеъ»дин

нақл қилур: «Агар муқим бир шаҳарни қасд қилса, ул борур шаҳри муддати сафардин камроқ бўлса, ул шаҳарга бориб, яна ўзга шаҳарга бормоқни қасд қилса. Бу икки шаҳар ораси муддати сафар бўлмаса, бунингдек шаҳарларга сафар қилмоқ бирла ул киши мусофир бўлмас». Агар подшоҳ ўз лашкари бирла душман учун (душманга қарши) чиқса, қайси ерда етарин билмаса, намозини муқимлардек ўқусун, агарчи уч кун юрса ҳам. Лекин қайттанда ўз юрти муддати сафар бўлса, қаср ўқусун. Агар муддати сафар бўлмаса, адо ўқусун. Бу ривоят «Хулоса»да, «Хонийя»да ва «Захийра»дадур. Ва яна «Муҳит»дан нақл қилур: «Ҳар вақтки подшоҳ сафар қилса, намозин мусофирона ўқумасун, ҳамма юрт ўзининг юртидур». «Шарҳи Аврод»да «Захийра»дин ва «Тарғиб ус-солат»дин нақл қилур: «Ҳар ерда асл нияти иқомат қилса фаръи ҳам анга тобеъдур, яъни (эри ният қилса) хотуни нияти иқомат қилмаса ҳам муқим бўлур. Норасида болалар отасига тобедур. Расида бўлғон ўғул ҳам тобе бўлур, агар атосининг қарамоғида бўлса, ани амрида бўлса, отаси нияти иқомат қилса, ўғли қилмаса ҳам муқим бўлур. Лекин бўлак бўлғон ўғул бўлса, отасининг нияти ўғлига бўлмас. Подшоҳ бирла лашкари ота-ўғулдекдур».

Имомайн наздида агар (бир киши) икки кўзи кўр бўлиб бир ерда нияти иқомат қилса, анинг хўраки ва либосини бероду́ргон асокаши (йўл бошловчиси) анга тобедур. Имоми Аъзам наздида (муқим) бўлмас. «Хонийя»да айтур: «Асирнинг ҳукми банданинг (қулни) ҳукмидадур. Агар сафарда хожа нияти иқомат қилса, қули анга ҳамма вақт тобедур». Пулни ижораға берган (киши) олғон (одам) бирла ҳамсафар бўлса, пул-

ни берганнинг нияти пул олғонға кифоядур. «Қавоид ул-ислом»да айтур: «Асли ният қилса фарҳи бехабар бўлса, фарҳи намозларин тўрт қилиб ўқуб юрса, сўнг аслининг нияти иқомат қилғони маълум бўлса, агар олти вақт намоз ўқуғон бўлса, қайта ўқусун. Агар ортуқроқ бўлса, қазо қилмоғи қийиндур, қазо қилмасун. Асли нияти иқомат қилиб, фарҳини ихтиёриға қўйса — бу сувратда фарҳининг ўзи билур». «Абулмакорим»да «Қозихон»дин нақл қилур: «Агар хожа нияти иқомат қилса, қули бехабар бўлса, намозин қаср қилғон бўлса, жамиҳи намозларин қаср ўқуғон бўлса, қайтадин ўқусун. Эр-хотин ҳам шул ҳукмда бўлур».

«Шарҳи Аврод»да «Тарғиб ус-солат»дин нақл қилур: «Мусофир эркак хотин олса, нияти иқомат қилмаса ҳам муқим бўлур». Агар кемада хотун олса, нияти иқомат қилса ҳам муқим бўлмайдур. «Шарҳи «Аврод»да «Сирожийя»дин нақл қилур: «Бомдодда, витрда, суннат (намозлар)да ва шомда қаср бўлмас». Жамиҳи китобларда шулдур. Ва яна «Шарҳи «Аврод»-да «Хонийя»дин нақл қилур: «Баъзи имомлар олдида мусофир киши суннатни қаср қилмоғиға рухсат йўқдур. Имом Сарахсий бу масалага фатво берибдурлар, магар узри бирла тарк қилса бўлур». Яна жамиҳи китобларда айтур: «Агар кишини сафарда намози қазо бўлса, муқим бўлғонда қазони ўқумоқчи бўлса, икки ракат (яъни қаср қилиб) қазо қилсун. Агар киши мусофир бўлса, бир жойда нияти иқомат қилса, анинг икки ракат фарзи тўртта айланур». «Таҳовий»да айтур: «Мусофир муқимга иқтидо қилса, икки ракат фарзи тўртга айланур, табъияти имом бирла (яъни имомга эргашиб тўрт ракат ўқийди)». Ва яна неча нусхаларда айтур: «Агар киши динга

муҳаббати бўлса, бу масалаларни билур». «Фатовий»да айтур: «Намоз вақти чиққандан сўнг мусофир муқимга иқтидо қилса ани икки ракати тўртга айланмас». Агар муқим мусофирга иқтидо қилса ё имом бўлса, бу масалалар имомат бобида баён бўлди.

Ваъз, эй азиз!

Ҳар кишининг ватани туфроғдур. Бу дунёга савдо учун келибмиз. Баъзилар савдоларин битириб, юкларин зар-зевар бирла тортиб жўнадилар. Бир пора (бир гуруҳ) савдоларин қилмади, сустлик била ғафлатда қолди. Баногоҳ карвонбоши «Ватани аслийга кўч!» деб овоз қилса, яхши мато, ё ёмон мато олибсен, хоҳ наф, хоҳ зарар қилибсен, ҳар нима бўлғони бўлғондур. Ўзга суд йўқдур. Карвонбошига: «Қўй!» деса қўймайдур. Ҳар ким савдони эртага қўйса, анинг ҳоли «Вовайло!», «Во ҳасрато!» деб, ҳайрон ва пушаймонлиғдин ўзга фойда бўлмас. Валлоҳу аълам.

ЖУМАНИНГ БАЁНИ ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ

«Шарҳи «Аврод»да ёд қилур: «Соғ, муқим, болиғ ва оқил эркакка жума намозини ўқумоқ фарздур». Беморга ва хотунга вожиб эрмас, магар қулга хожасини изни бирла вожиб бўлур. Қариларга ва чўлоққа вожиб бўлмас, агарчи кўтариб борур кишиси бўлса ҳам. Аъмо (кўр)га вожиб бўлмас, агарчи асокаши бўлса ҳам. Имомайни олдида (асокаши бўлса) вожибдур, Имоми Аъзам олдида вожиб бўлмас. Бу вожиб бўлмаган одамлар жумага ҳозир бўлсалар, (жумани) ўқусалар, фарздин воқеъ бўлур.

Жумани вужубига бир шарти мисрдур. Яна «Мухтасари «Виқоя»да «Миср» деб ани айтурки, ул юртнинг катта масжидиға (ўша юртнинг) эллари (одамлари) сиғмаса — ул юрт мисрдур. Яна «Абдул Али»да айтур, «Хизона»да бу аҳсан ривоятдур: «Баъзи уламолар олдида миср улдурки, муқим одамлар ўн минг бўлса. Яна бир қавл буки, ул ерда ҳоким бўлса ё қози бўлса, аларнинг ҳукми равон бўлса (ҳукми ўтса) ва яна ҳудудни барпо қилса (шариат белгилаган жазоларни ижро этса)», «Ҳидоя»да айтур: «Бу қавл мухтордур». Баъзи имомларнинг наздида ҳар киши бир ҳунардин авқот қилса (тирикчилик қилса), ўзга ҳунарга муҳтож бўлмаса, яъни шаҳардин ҳар ҳунар топилса, ул мисрдур. Мундин ўзга ҳам уламоларни ҳукми кўпдур. Имом Шофеъий айтурлар: «Бир қишлоқда қирқ одам бўлса мисрдур. Бу одамлар ҳаммаси озод бўлсалар ва қишда анда турсалар. Мундоғ қишлоқда намози жума ўқуса бўлур».

«Фано» деб шаҳарга муттасил ерни айтурлар, яъни ул ерни от чопар ё лашкар жам бўлур ери бўлса, ани айтур. Ё ўқ отар, ё мурдани дафн қилур, ё жаноза ўқур ери бўлса, (шаҳардин) узоқлиғи бир мил, ё икки мил, ё уч мил бўлса. Баъзиларни олдида бир ўқ отим, баъзиларни олдида муаззин овози етар ерни «фано» дерлар. Баъзиларни олдида икки фарсах бўлса. Мухтор ривоят буки, бир фарсах бўлса. «Кофий»да ҳувас саҳиҳдур. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Ҳар жойға шак бўлса, баъзи (жойларнинг) миср экани маълум бўлмаса, намози жумани ўқуғондин сўнг тўрт ракат пешиннинг фарзини ўқусун, баногоҳ ул жойга жума бўлмағон бўлса фарзи вақтий адо бўлур. «Фатовойи воқеъот»да айтур: «Пешиннинг фарзини жумада

(жума кунида эҳтиётан ўқуса) тўрт ракатнинг ҳаммасиға Фотиҳага сура зам қилсун» (чунки агар жумаси жума ҳисобланса, тўрт ракат пешин фарзи суннатга айланади). «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Жуманинг шартларидин бири подшоҳдур». Имом Шофеъийнинг наздида подшоҳ изни (шартдур), подшоҳ шарт эмасдур. «Шарҳи «Аврод»да айтур «Жумани жума деб қасд қилсун».

Жума ўн ракатдур. Аввал тўрт ракат суннат, сўнг икки ракат фарз, кейин тўрт ракат суннатни жума деб ўқурлар. Эҳтиёт учун пешиннинг тўрт ракат фарзини ўқурлар. Сўнг икки ракат суннат деб ўқурлар. Шаҳ Ҳусайн «Жомеъ ул-басотин»да андоғ тайин қилибдур. Ҳар ерда жуманинг вожиблиғиға хилоф бордур, «Шарҳи «Аврод»да тайин қилғондур. Жуманинг тўрт ракат суннатидан сўнг пешиннинг фарзини бу тариқа ния қилсун:

نَوَيْتُ أَنْ أُصَلِّيَ آخِرَ الظُّهْرِ أَدْرَكْتُ وَقْتَهُ وَ لَمْ أُصَلِّ بَعْدُ

«Ния кардам бигузорам чаҳор ракат фарзи охири пешин дар ёфтам вақташро нагузоридаам ман ҳануз рўйи овардам бажиҳати Каъба холисан лиллоҳи таоло. Аллоҳу Акбар».

«Ния қилдим вақтига етишиб, ўқимаганим — охирги пешинни ўқимоғликни. Юзимни Каъба томон бурдим. Холис Аллоҳ учун. Аллоҳу Акбар».

«Қинния»да жуманинг бир шарти вақтдур. Ани вақти пешинни вақтидур. «Ҳидоя»да айтур: «Намози жумани ўқуб турғонда вақти чиқса, пешинни қайтадин ўқусун». Жуманинг яна бир шарти хутба ўқумоқдур. Хутбанинг миқдори — бир тасбеҳ ўқуса Имоми Аъзамнинг олдида раво бўлур. Лекин Имомайн ол-

дида (хутбани) узун ўқумоқ лозимдур. «Абулмакорим»да айтур: «Агар киши (яъни имом) жумада минбарга чиқса, «Алҳамду лиллоҳ» деса ё «Субҳоналлоҳ» деб хутбани қасд қилса, Имоми Аъзамнинг олдида раво бўлур». «Захийра»да келибдур: «Хутбанинг узоғи миқдори «Аттаҳийёт»ча бўлсун». Имом Шофеъий айтурлар: «Икки хутба фарздур». Имом хутбани таҳорат бирла ўқусун. Икки хутба орасида ўлтурсун. Ва яна хутбада Худоға ҳамд айтсун, Расули Худога салавот айтсун ва тақводорлар васиятларин айтсун. Бир қавлда аввалғи хутбада оят ўқусун. «Биржандий»да «Восит»дин нақл қилур: «Хутбада, яъни хутбаи сонийда дуо ўқумоқ вожибдур, аммо аввалида ўқусун».

Жуманинг суннатлари шул фаслнинг охирида келур. Ва яна бир шарти жамоатдур. Имомдин ўзга уч одам бўлса жамоат бўлур. «Абулмакорим»да айтур: «Имом сажда қилғондин кейин (қавм) қочса, имом жумани тамом қилсун, лекин қавмлар имом сажда қилуридан илгари қочса, (имом) пешинни бошлаб (қайтадин) ўқусун». «Виқоя»да ҳам шундоғдур. «Кофий»да Имомайн олдида жумъанинг бир шарти изни омдур, яъни ҳар ким кириб-чиқар жойда ўқусун. «Абдулжамил»да айтур: «Намози жумани ўқурда андоғ ўқусунки, эшик очуқ турсун, ҳар ким кирса ман қилмасун». «Ҳидоя»да ва «Ниҳоя»да беузр жумани ва пешинни ўз жойида (ўз ватанида) жумадин илгари ўқуса, макруҳдур. Имом Зуфар наздида асло дуруст эрмас. «Хулоса»да айтур: «Бемор киши пешинни жумадин кейин ўқуса, саҳиҳ ривоятда макруҳдур. Агар жума куни пешинни ўқуб жумага борса, агар имом жумада бўлса, Имоми Аъзамнинг наз-

дида пешини бузулур, агарчи ул киши жумани топмаса ҳам. Имомайн наздида бузулмас — то жумани имом бирла топмағунча. Аммо ул борғонда имом жумани тамом қилғон бўлса, жамиъи имомларнинг олдида пешини бузилмас. Баъзиларнинг олдида пешинни ўқуб, икки-уч қадам намози жума тарафга қўйса, пешини бузулур. Ва агар жумани саломдин олдин топса, жумани тамом қилсун — Шайхайн олдиларида. Имом Муҳаммад олдиларида эса бир ракатин топса тамом қилур, агар имомни охирги ракатни рукуъсида топмаса, пешинни ўқусун.

«Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Узрли ё узрсиз кишиларнинг жума куни шаҳарда пешинни жамоат билан ўқушлари макруҳдур». Анинг шарҳлари бу мазмундаки, агар мусофир бўлса ё зиндонда бўлса жумадан илгари ё кейин пешинни жамоат бирла ўқуса, макруҳдур». Ҳар вақт аввалги азонни эшитса савдо қилмасун. «Ҳидоя»да ҳам бу асаҳ ривоятдур. «Ниҳоя»да «Мабсут»дин нақл қилур: «Қайси азонда намози жумага саъй қилур ва савдони тарк қилур? «Таҳовий»да хабар берур: «Ҳар вақт имом минбарга чиққанда азон айтса, шу азонда жумага саъй қилур, савдо-сотиқни тарк қилур. Зероки, Расул алайҳиссалом замонларида Ҳазрати Абу Бакр, ҳазрати Умар замонларида мундоқ эди. Ҳазрати Усмоннинг замонларида одамлар зиёда бўлди, аввалғи азонни амр қилдилар, яъни (аввалги) азонни айтмакка ҳеч ким мункир эмастур».

Ҳасан ибн Зиёд Имоми Аъзамдин нақл қилур: «Жумага саъй қилмоқ — савдони қўймоққа аввалғи азон мўътабардур. Жуманинг суннатини қайси ерда ўқуса, шул ерда хутбани эшитсун». «Тарғиб ус-солат»да Имоми Аъзамдин нақл қилур: «Жума масжиди

узоқ бўлса, аввалги азон мўътабардур». «Захийра»да ҳувас саҳиҳ, дебдур. «Шамсуддин»да ва «Абдулжамил»да саҳиҳ ва мўътабар аввалги азондур. «Канз ул-ибод»да айтур: «Савдо-сотиқни тарк қилсун», дегандин мурод намози жумани бир нимарса ўқумас қилса ани (яъни намози жумага моне бўладиган ҳамма нарсани) тарк қилсун». «Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Имом хутба ўқумоқ учун минбарга чиқса, (қавм) то имом хутбадин фориғ бўлмагунча хоҳ намоз бўлсун, хоҳ ўзга нимарса бўлсун, қилмасун». «Абулмакорим»да айтур: «Аммо намоздин мурод суннат ва нафлдур». Имом Шофеъий олдида таҳийяти масжидни ўқуса бўлур. «Кифоя»да айтур: «Тасбеҳ айтмак макруҳ эмас». Лекин «Музмарот»да айтур: «Агарчи тасбеҳ айтса ҳам макруҳдур ё Қуръон ўқуса, ё салавот айтса, ё хат битса ҳам макруҳдур, агарчи хутба эшитурга узоқ бўлса, ё гарон (қийин, машаққат) бўлса ҳам (жим) турмоғи афзалдур».

Илгари айтилдики, хутба тамом бўлгунча намоз ва сўз қилмоқ ҳаромдур, деб. «Хулоса»да айтур: «Намозни (жума намозини) тамом қилгунча ҳамма нарсани тарк қилсун. Эҳтиёт қилинглар». «Канз ул-ибод»да айтур: «Агар хатиб минбарда бўлса, (қавм) оз сўзласа ҳам лағв бўлур, агарчи «маҳ», «фаҳ», «саҳ» деса (яъни маъно билдирмайдиган сўзларни айтса) ҳам». Агар имом хутбада турғонда бировга биров салом берса ё бир киши овозин чиқармай «Алҳамду лиллаҳ» деса, «Фатовойи ҳужжа»да Имоми Аъзамдин нақл қилур, макруҳдур. Имом минбарда «Ё айюҳаллазийна аману» деса, эшитгувчилар оҳиста салавот айтсун. «Мухтасари «Виқоя»да айтибдур: «Асаҳ қавл шулки, сукут сақлаб турсун». «Кофурий»да

айтур: «Асаҳ қавл «Қозихон»да шулки, хутбанинг аввалидин то охириғача сукут сақласун, зероки хутбани эшитмоқ фарздур. Хутбадин сўнг салавот айтсунлар». «Нисоб ул-иҳтисоб»да айтур: «Хутбанинг вақтида сўзламасун, агарчи амри маъруф ва наҳйи мункар бўлса ҳам. Лекин бир хилофи шаръ қилғон кишини кўрса қўли бирла ё кўзи бирла ишорат қилса дурустдур. Аммо тили бирла айтмак мандур».

Ҳар вақтки имом минбарга чиқса, муаззин имомнинг икки қўли орасига туриб азон айтсун, эшитгувчилар юзларин имомга қилсун». «Абулмакорим»да «Хулоса»дин нақл қилур: «Агар имом қавмнинг олдида бўлса, имомга тўғри қарасун». «Шамсуддин»да айтур: «Агар (қавм) имомнинг ўнг ё сўл тарафида бўлса, юзин имомга ўгурсин, муни мустаҳаб дебдурлар». Имом Сарахсий айтур: «Шул вақтда юзи қиблага бўлсун. Юзин қибладин ўгурмак яхши эмастур». «Абулмакорим»да айтур: «Бизни имомларни наздида икки хутба суннатдур. Икки хутбада ҳам ҳамду сано ва салавот айтсун». Ва яна иккисида ҳам шаҳодат айтсун. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Бизни имомлар олдида икковида ҳам ҳамду сано, дуруд ва ваъз, оят ва насиҳатни айтсун. Икки хутба орасида қарор олғунча ўлтурсун». Баъзилар наздида ўлтурур жойиға тегиб турса ҳам бўлур. Яна баъзилар наздида уч оят ўқуғунча ўлтурсун. Таҳорат бирла туруб, қўлиға асо олиб, хутбани тамом қилсун. Қавмга қараб бу сувратларда ўқумоқ Расули Худонинг суннатларидан. Расули Худодин нақл қилурлар: «Хутбани қисқа ўқусун. Ҳар вақт хутбани тамом қилса, муаззин азон айтсун. Икки ракат (жуманинг фарзини) ўқуса, тўрт ракат пешиннинг фарзи соқит бўлур».

«Шамсуддин»да айтур: «Имом хутбанинг охириға етганда такбирни муттасил қилиб айтсун». «Хулоса»да айтур: «Имом меҳробга чиққанда такбирни тамом қилсун. Жумани «Фарзи ин вақт» деб ният қилмасун. Бу тариқа ният қилсун:

نَوَيْتُ اَنْ اَسْقُطَ فَرْضَ هَذَا الْوَقْتِ بِاَدَاءِ رَكْعَتَيِ الصَّلٰوةِ

الْجُمْعَةِ مُتَوَجِّهاً اِلَى جِهَةِ الْكَعْبَةِ اِقْتَدَيْتُ بِهَذَا الْاِمَامِ

خَالِصاً لِلّٰهِ تَعَالَى اَللّٰهُ اَكْبَرُ

«Ният қилдим вақти кирган фарзни (ўзимдан) соқит қилмоғликни икки ракат жума намозини адо қилиш билан. Каъба томонга юзланган ҳолда мана шу имомга иқтидо қилдим. Холис Аллоҳ учун. Аллоҳу Акбар».

«Нисоб ул-иҳтисоб»да айтур: «Хутбанинг миқдори ҳафтиякнинг икки узун сурасича бўлсун». Яна анда айтур: «Баъзи қавлларда хутбада ўз вақтининг подшоҳини ҳаддан ташқари сифатламоқ қабоҳатдур, демишлар». Имом Молик: «Молику риқоби умам (умматларнинг подшоси)» ё «Шаҳаншоҳи олам (оламнинг шоҳи)», деса андоғлардин Худодин паноҳ тилармен, зероки шаҳаншоҳи олам(лик) Худога махсусдур», демишлар. «Молики риқоби умам» демак ёлғон ва қабоҳатдур. «Молики риқоб» (дейишлик) инсу жин ва фариштага шомилдур (яъни «Молики риқоб» деганда «Инсонлар, жинлар ва фаришталарнинг подшоҳи» деган маъно чиқади).

Ё «Шоҳи арзуллоҳ (Аллоҳнинг ерининг подшоҳи)» деса ҳам ёлғондур. Андоғ пайғамбарнинг муборак жойларида ва муборак кунда ёлғон сўз номаъ-

қулдур. Агар подшоҳнинг баъзи ишлари хайр бўлса, ани одил деса, бу ҳам қабоҳатдур. Магар минбарда ё ўзга жойда подшоҳни дуои хайр қилмоқ жоиз. Ҳаддидан зиёда сифат қилмоқ на ҳожатдур?»

«Шамсуддин»да айтур: «Ўз даври подшоҳини хутбада дуо қилмоқ мустаҳабдур».

ВИТР ВОЖИБ БАЁНИ

«Ҳидоя»да ва ўзга китобларда айтур: «Витр ўқумоқ вожибдур, Имоми Аъзам олдида. Имом Муҳаммад ва Имом Абу Юсуф олдида суннатдур». «Абулмакорим»да яна «Ҳидоя»да бордур: «Агар бировдин витр фавт бўлса, иттифоқ бирла қазоси вожиб бўлур. Витрнинг вақти хуфтоннинг вақтидур, хуфтондин сўнг адо қилсун. Бизни имом олдида уч ракатдур, жамиъи ракатида «Алҳамду...»га сура зам қилсун. Учинчи ракат тамом бўлғонда, рукуъдан илгари такбир айтиб қўлини кўтарсун, қиёмда туруб дуои қунутни ўқусун, сўнг рукуъға борсун. Бизни имомлар олдида дуои қунутни витрдан ўзга жойда ўқумасун. Имом Шофеъий олдида намози бомдодга ҳам ўқурлар. **Ибн Масъуд Расули Худодин нақл қилур: «Бомдодга бир ой ўқудилар, сўнг тарк қилдилар, яъни мансух бўлди».**

Мухтор шулки, қунутни махфий ўқусун, зероки «Ҳидоя»да дуо дебдур. «Абулмакорим»да айтур: «Агар дуои қунутни билмаса, уч мартаба «Ё Рабби» десун, раво бўлур». «Хулоса»да айтур: «Раббано отино...»ни охиригача ўқуса раво бўлур». Витр вожибдур деб ният қилса раво бўлмас. «Шарҳи «Аврод»да «Фатовойи ҳужжа»дин нақл қилур: «Алҳамду...»ни ўқуса

ва сурани зам қилмай унутиб рукуъға борса, рукуъда ёдиға тушса, иттифоқ бирла қайтиб сурани ўқусун, қунутни ҳам ўқусун, зероки зам сура баъзи ривоятларда фарздур. Қунутни зам сурадин сўнг ўқусун. Ва агар витрда сурани ўқуб, Фотиҳа қолса, иттифоқ бирла қиёмға қайтмасун. Агар «Алҳамду...»ни ва сурани ўқуса, қунут қолса, баъзи ривоятда қайтсун, баъзи ривоятда қайтмасун. Саҳиҳ буки, қайтмасун, лекин рукуъдин бош кўтарганда ёдиға келса, иттифоқ бирла қайтмасун, зероки (рукуъни) тобеъи сажда дебдур, гўёки саждада ёдиға келгандек бўлур, раво бўлмас. Витрда саждаи саҳв лозим бўлса, қилсун. Буларнинг масали саждаи саҳв баёнида қилинди. «Шарҳи «Аврод»да «Муҳит»дин нақл қилур: «Аввалғи ё сўнгги ракатта қунутни ўқуса, соний ўқумасун, зероки бир намозда такрори дуруст эмас». Ва агар қунутни ўқуғони гумон бўлса, учинчи ракатда қиёмда бўлса, тезроқ мулоҳаза қилсун, агар кўнгли қарор топса, ўқусун. «Шарҳи «Аврод»да «Захийра»дин нақл қилур: «Агар витрда қиёмда туруб икки ё уч ракат ўқуғони гумон бўлса, ул қиёмда қунутни ўқусун, сўнг қаъда қилсун ё бир ракат ўқусун». Ҳувал мухтордур. Рамазонда витрни бир ракатиға етса, имом бирла қунут ўқусун, сўнгғи ракатға ўқумасун, жамиъи уламолар наздида.

Витр бирла қунутнинг баъзи масалаларини таровеҳ баёнида айтурмиз, иншаАллоҳ.

СУННАТИ МУАККАДА БАЁНИ

«Мухтасари «Виқоя»да ва «Абулмакорим»да айтур: «Бомдоддин илгари икки ракат, намози шом-

дин ва хуфтондин сўнг икки ракат (намоз ўқумоқ) суннатдур. Яна пешиндин илгари тўрт ракат, жумадин илгари ва кейин тўрт ракат суннатдур. Бу сўз ҳувал мухтордур, тарк қилмасун, деганга фатводур. Намози асрдин ва хуфтондин илгари тўрт ракат нафлдур. «Хулоса»да айтур: «Хуфтондин сўнг икки ракат ўқумоқ савобдур». Кундузги нафл намознинг тўрт ракатига, кеча намозининг саккиз ракатига бир салом бермак макруҳ. Кеча-кундуз нафлни икки ракатда бир салом бирла ўқумоқ афзалдур». «Абулмакорим»да айтур: «Кундузги нафлни икки ракат ўқумоқ авлодур». Имомайн олдида фатво шунгадур. «Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Агар нафлга шуруъ қилиб, бузса, ани қазо қилмоқ вожибдур». «Ҳидоя»да шулдур. Агар тўрт ракат нафлга шуруъ қилса, аввалғи икки ракатга қироат қилса, қаъдада намозин бузса, икки ракатин қазо қилсун. Сўнгги икки ракатига шуруъ қилғон бўлса, шуруъидин илгари бузса, сўнгги икки ракатини қазо қилмасун. Имом Абу Юсуф олдида қазо қилсун. Яна пешиннинг суннатларига ҳам ҳукм шулдур, эҳтиёт учун қазо қилсун. Агар тўрт ракат нафлнинг ҳаммасига қироат қилмаса, Имоми Аъзам ва Имом Муҳаммад олдида икки ракатин қазо қилсун. Имом Абу Юсуф олдида тўрт ракатин қазо қилсун. Имом Муҳаммад наздида имом аввалги икки ракатда қироат қилмаса, ёдиға келмаса ё аввалғи ракатнинг бирига қироат қилмаса, таҳримаси ботил бўлур. Имом Абу Юсуф наздида шафъи аввалға (аввалғи икки ракатга) қироат қилмаса адоси фосид бўлур, таҳримаси ботил бўлмас. Лекин Имоми Аъзам наздида аввалға қироат қилмаса, таҳримаси ботил бўлур. Аммо бир ра-

катта қироат қилмаса, таҳримаси ботил бўлмас. Буларни билмоқ учун «Ҳидоя»да мисолин битибдур. Агар тўрт ракатнинг ҳаммасиға қироат қилмаса, Имоми Аъзамнинг наздида ва Имом Муҳаммад наздида икки ракатни қазо қилсун. Ва агар шафъи аввалға қироат қилса, шафъи сонийға қироат қилмаса, жамиъи имомларнинг наздида охирғи икки ракатни қазо қилсун. Агар муни акси бўлса, аввалғи иккини қазо қилсун. Агар шафъи аввалнинг бир ракатига ва шафъи сонийнинг бир ракатига қироат қилса, Шайхайн наздида тўрт ракатни қазо қилсун, Имом Муҳаммад наздида икки ракатни қазо қилсун. Агар шуфъи сонийға қироат қилса, шафъи аввални бирига қироат қилса, жамиъи имомлар наздида шафъи аввалнинг қазо қилсун. Агар шафъи аввални бирига қироат қилса, шафъи сонийға қироат қилмаса, Имомайн наздида икки ракатни қазо қилсун. Имом Абу Юсуфни наздида тўрт ракатни қазо қилғай.

Яна «Ҳидоя»да айтур: «Нафлни ўлтуруб ўқуса раво бўлур, агарчи қиёмга кучи етса ҳам, аммо қиём бирла ўқуғонининг ярим савобин топар. Агар намозни ўлтуруб ўқуса, «Аттаҳийёт»га ўлтурғондек ўлтурсун». «Ҳидоя»да ҳувал мухтордур. Кўп нусхаларда фатво шунгадур. Агар нафлни туруб бошласа, сўнг ўлтуруб ўқуса, Имом Аъзамнинг наздида раво бўлур, Имомайн наздида раво бўлмас. «Кофий»да айтур: «Бомдоднинг суннатини вожибдек билсун». «Хулоса»да айтур: «Бомдоднинг суннатини беузр ўлтуруб ўқуса раво бўлмас, иттифоқ бирла». Шаҳардан ташқарида нафл ўқуса, бунинг ҳукми бемор фаслида айтилди.

ТАРОВЕҲ БАЁНИ

«Қозихон»да айтур: «Таровеҳ рамазонда суннати муаккададур». Расул алайҳиссаломдин ва имомлардин ҳақ сўз шулдур. Ва яна эркаку хотунга суннати муаккададур. Бир пора рофизийлар наздида хотунга суннат эмасдур. «Абулмакорим»да айтур: «Аввал суннатлигиға хилоф бор эрди, сўнг суннатлиги асаҳ ривоят бирла собит бўлди». «Фатовойи ҳужжа»да айтур: «Расули Худони саҳобаларини ижмои бирла суннати муаккададур. Анга ҳар киши мункир бўлса гумроҳ бўлур, мардуди шаҳодат бўлур (унинг гувоҳлиги қабул қилинмайди)». «Қозихон»да айтур: «Масжиднинг қавми ҳар тунда йигирма ракат намоз ўқусун, витрдан ва суннатдан ташқари беш тарвиҳа бирла ўқурлар. Ҳар икки ракатига бир салом бергай. «Тарвиҳа» деб роҳат топиб ўлтурмоқни айтурлар». «Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Таровеҳни витрдин илгари ё сўнг ўқуса бўлур». «Абулмакорим»да ва «Ҳидоя»да асаҳ ривоят шулдур, «Динорий»да ҳам шулдур. Бухорий уламолар олдида хуфтон бирла витрнинг ўртасида ўқусун, дебдурлар. Агар таровеҳни беш салом бирла ўқусалар, уламойи жумҳур наздида макруҳдур. Агар тўрт ракат ўқуса, яна тўрт ракат миқдори ўлтурсун. Тасбеҳ ё таҳлилни айтсун. Аммо тасбеҳ айтмак мустаҳабдур. Фатво шунгадур. «Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Таровеҳда бир мартаба хатми Қуръон қилмоқ суннатдур. Қавмнинг сустлиғи учун тарк қилмасун». Агар хатмга ожиз бўлсалар, «Абулмакорим»да айтур: «Баъзи имомлар олдида намози шомга нимани ўқуса, ани ўқусун. Баъзи имомлар хуфтонда ўқур сураларни ўқусун, (дебдур). Бир

пора уламолар йигирма ё ўттуз оят ўқусун (дебдур). Ҳусайн Имоми Аъзамдин нақл қилур: «Ўн оят кифоя қилур». «Қозихон»да айтур: «Ҳусайннинг ривоятини саҳиҳ билинглар, зероки жамиъи рамазон ойинда бир хатмча бўлур». «Абулмакорим»да «Ғунийя»дин нақл қилур: «Уч қисқа ё бир узун оят ўқуса, бизни замонда фатво шунгадур». «Қозихон»да сариҳ (очиқ) айтибдур: «Бул қавл саҳиҳ эмас». «Хулоса»да айтур: «Таровеҳда қавмға малол бўлса дуони тарк қилса бўлур, аммо салавотни тарк қилмасун, зероки Имом Шофеъийнинг наздида (салавот) фарздур». Ҳамма вақт эҳтиёт яхши.

Агар таровеҳнинг қанча ўқуғониға шак бўлса, масалан йигирмами ё ўн саккиз ракатми деб, бир пора уламоларнинг наздида яна икки ракат ўқусун, баъзиларнинг наздида ўқумасун. «Абулмакорим»да саҳиҳ ривоят шулки, мундоғ шак бўлғонда икки ракатни танҳо ўқусун, зероки жамоат била йигирмадин зиёда қилса, макруҳдур. Бизни имомларни олдида нафлни жамоат билан биргалашиб ўқумоқ макруҳдур. «Хулоса»да ва «Музмарот»да «Абулмакорим» сўзларин саҳиҳ дебдурлар. Ва яна «Қозихон»да айтур: «Таровеҳдан ўзга нафлни жамоат бирла ўқумоқ макруҳдур». Ва яна «Шамсуддин»да ва «Кофий»да айтур: «Нафлни жамоат бирла ўқумоқ макруҳ, лекин бир одамга икки одам иқтидо қилса макруҳ эмас. Агар уч киши иқтидо қилса, иттифоқ бирла макруҳдур». Аммо рамазони шарифдан ўзга вақтда витрни жамоат бирла ўқуб бўлмас. Бу — мусулмонлар ижмоидур.

«Ҳидоя»да таъйиндур, «Шарҳи «Аврод»да яхши нусхалардин ёд қилур: «Рамазонда таровеҳни, витрни жаҳр қилсун. Рамазонда витрни танҳо-танҳо ўқуса

хоҳ жаҳр, хоҳ махфий ўқуса бўлур. Имом қунут ўқуса муқтадий (ҳам) қунут ўқусун, аммо қунутни (имом ҳам, муқтадий ҳам) жаҳр қилмасун. Агар муқтадий қунутни тамом қилмай имом рукуъга борса, саҳиҳ ривоят бирла муқтадий имомга эргашсун. Агар масбуқ қунутни имом бирла ўқуса, қолғон намозин ўқурда қунут ўқумасун». «Шарҳи «Аврод»да «Кофий»дин нақл қилур: «Рамазонда, витрда имомға учинчи ракатни рукуъида биров иқтидо қилса, ул ракатни ва қунутни топқон ҳисоб бўлур». «Қиннийя»да айтур: «Агар хуфтоннинг фарзини имом бирла ўқумаса, таровеҳга ва витрга имомга иқтидо қилиб бўлмас. Агар таровеҳдин бир ё икки ракат имом бирла ўқуса, витрни имом бирла ўқуса бўлур. Бу саҳиҳ ривоятдур».

НАМОЗ БОШЛАҒОНДА ЖАМОАТ ҲОЗИР БЎЛИШИ ВА УНИНГ ҲУКМИ

Агар киши бир ракат ўқуғонда жамоат барпо бўлса, яна бир ракатни ўқуб тамом қилсун. Агар аввалғи ракатга сажда қилмай жамоат йиғилса, намозин бузуб жамоат бирла ўқусун. Агар тўрт ракатли намозда уч ракатни ўқуғонда жамоат йиғилса, намозин тамом қилсун. Агар намози шомда сажда қилмай жамоат йиғилса, намозин бузуб, жамоат бирла ўқусун. Агар кейнидин нафл ўқийдурғон намоз бўлса соний (фарзни ёлғиз ўқигандан сўнг) нафл деб иқтидо қилсун. Агар пешиннинг фарзини ўқуб бўлгач жамоат ҳозир бўлса, имомга тўрт ракат нафл деб иқтидо қилсун. Агар бомдоднинг бир ракатини ўқуғонда жамоат йиғилса, намозини бузуб, жамоат бирла ўқусун. Яна бомдодда иккинчи ракатга шуруъ

қилғонда жамоат йиғилса, бузуб жамоат бирла ўқусун, зероки бомдоддин, асрдин ва намози шомдин сўнг имомга (нафл учун) иқтидо қилмоқ дуруст эмас. Булардин кейин нафл ўқумоқ макруҳдур. Аммо «шомдин сўнг» дейишнинг важҳи буки, нафл уч ракат бўлмас. Аммо намози шомга нафл деб иқтидо қилса, тўрт ракат қилиб ўқуса имомга мухолиф бўлур.

«Шарҳи «Аврод»да ва «Ҳидоя»да айтур: «Пешиннинг суннатини ўқуб турғонда жамоат ҳозир бўлса, суннатни бузсун». Бир ривоятда тамом қилсун. Жумани суннати ҳам шул тариқадур. «Шарҳи «Аврод»-да «Равза»дин нақл қилур: «Пешиннинг суннатини бир ракат ўқумағон бўлса бузсун, агар бир ракатни ўқуғон бўлса, яна бир ракатни қўшуб тамом қилсун, бизни имомларни наздида. Яна «Захийра»дин нақл қилур: «Жумани аввалғи суннатига шуруъ қилғонда имом хутбага чиқса, саҳиҳ ривоятда тамом қилсун». «Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Масжидга кирса, намозни ўқумагон бўлса, азон айтса, (азондин сўнг) намозни ўқумай чиқса, макруҳдур». Аммо имом ё муаззин ё мунга интизор бўлатурғон одам бўлса, чиқмоғи дурустдур. Агар пешин ўқуғон бўлса, чиқса, макруҳ эмас. Аммо такбир айтиб турғонда чиқса макруҳдур, зероки мундин (яъни пешиндин) сўнг нафл деб иқтидо қилса бўлур. Агар бомдоднинг фарзини бир ракатига етурман деса, суннатини ўқусун. Агар «Аттаҳийёт»да етурман деса, суннатини ўқумасун. Агар бомдодда имомни рукуъда топса, билмасаки қайси ракатдур, суннатни тарк қилсун, иқтидо қилсун. Бомдоднинг суннатини фарздин кейин ўқумасун. Имом Муҳаммаднинг наздида офтоб кўтарилганда то тушгача ўқусун. Баъзи имомлар айдилар:

«Уч имомга хилоф йўқдур». Агар бомдоднинг суннати фарзи бирла қазо бўлса, тушгача суннатни бирга ўқуса бўлур, аммо фарзни қазо ният қилсин. Лекин тушдин сўнг суннатни қазо қилса бўлмас.

Агар масжидга борғонда жамоат пешиннинг фарзини ўқуб турғон бўлса, суннатни тарк қилиб, фарзга шуруъ қилсун, жумҳурни наздида, аммо фарздин сўнг тўрт ракат суннатни ўқусун. «Ғунийя»да ҳувал мухтордур. Ва яна Нўъмоннинг саҳиҳ ривояти ҳам шулдур. Лекин «Шарҳи «Аврод»да «Жомеъ ус-сағир»дин нақл қилур: «Шайхайн олдида тўрт ракат (суннат)ни фарздин сўнг ўқуса, баъзилар наздида қазо деб ният қилсун». Аммо зоҳир ривоятда қазо демасун, зероки ҳоло (ҳали) вақти бордур. Адо деб ҳам ният қилмасун, зероки андак (ўз) жойидин тажовуз бўлди (яъни жойи ўзгарди). «Бугунги пешин намозининг суннатини ўқурман», десун.

«Фатовойи «Кофий»да айтур: «Бомдоднинг суннатини уйда ўқумоқ авлодур. Ҳар киши уйида ўқуса, Расули Худо анга кўп савобни ваъда қилғондурлар. (Шу ваъдалардан) бири булки, иймон бирла кеттай».

Агар имом саждада бўлса, масжиднинг эшигида ё устуннинг орқасида ўқусун. Агар сафнинг орқасида беҳойил (тўсиқсиз) ўқуса, макруҳ бўлур. «Салоти Масъудий»да агар устун бўлмаса, сафнинг охирида ўқусун, дебдур. Яна айтур: «Суннатни андоғ жойда ўқусунки, имомга иқтидо қилғонда дуруст бўлмайдургон жой бўлсун. Аммо уйда ўқумоқ ҳаммасидин афзалдур». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Бомдодни суннати бирла фарзини орасида сўзласа, суннатни қайтадин ўқусун. Суннатни ўқуғондин сўнг ичмак ва емакка машғул бўлса, қайтадин ўқусун. Агар бир

луқма таом еса ё сув ичса бузулмас». Абул Фазл айтур: «Бомдоднинг суннатини масжидда ўқуса, сўнг масжиддин чиқса, Имом Фарзона айтур: «Ани суннати бузулур».

«Жавоҳир ул-фатовий»да бизни имомларни наздида пешиннинг суннатини уйда ўқуса, масжидга фарзга борса, суннати нафлдин ҳисоб бўлур, зероки Расул алайҳиссаломнинг суннатларига мувофиқ бўлмади. Расули Худо бомдоднинг суннатидин ўзга суннатни уйда ўқимадилар.

МАСЖИДНИ ҲУРМАТ ҚИЛМОҚНИНГ БАЁНИ

«Тарғиб ус-солат»да айтур: «Агар киши масжидга борур бўлса, тез югуруб бормасун, агарчи муаззин такбир айтиб турса ҳам. Агар борур бўлса, оёғини (қадамини) кичик босиб боргай, токи ҳар қадамга беҳисоб савоблар топгай. Ва яна масжидга ўнг оёғини босиб кирсун, зероки Расули Худонинг суннатларидур». Яна масжидга кирарда оёғини тоза қилиб кирсун. Ҳар кишининг ақли бўлса масжидга оёғини сурмасун, магар туфроқ тўда қилиб ё ўтун – чўп қўйган бўлса, анга пок қилса бўлур.

Ҳикоят. Ул имомлар улуғи Имоми Аъзам бир куни бир мусулмонни кўрдилар масжидга оёғини пок қилибдур. Имом айдилар: «Оёғингни масжидга сурғонингдин мени соқолимга сурсанг дурустроқ кўрармен. Агар оёғинг пок бўлса, масжидни ерин хор қилгандек бўлурсан, зероки Худо Қуръонда масжидни пок қилинглар, дебдур. На сабабдин Худонинг амрига хилоф қилдинг?!».

Имом Фахр Зоҳид Расули Худодин нақл қилур: «Ҳар ким масжидга азондин илгари борса уч савоб топар. Ва агар такбир вақтида борса, ул намозни савобини топар».

Яна ҳар ким масжидга кирса икки ракат таҳийяти масжид (намозини) ўқусун. Яна омма уламолар айтур: «Таҳийяти масжидни ўлтурмасдан аввал ўқусун. Масжидда дунёдин сўзламасун. Расули Худо ани (масжидда дунёдин сўзлашни) кўп ёмон дебдурлар». Яна бу ҳадис бордур: **«Ҳар ким масжидда дунёдин сўзласа, масжидда оҳ урар. Фаришталар айғайлар: «Худовандо, Сени бандаларинг бизни (масжиддан) қувди!» Худойи таоло айғай: «Ўз иззатим бирла аларға туркдин бир қавмни мусаллат қилғайман, аларни ҳам масжиддин чиқарғай!».**

Ва яна масжидга дарахт ўтқузмасун, экин экмасун, таом емасун, магар эътикоф ўлтурғон бўлса ё ғариб бўлса, еса дурустдур. Ва яна масжидга қовуннинг уруғини қўймасун. Агар (масжиддан қовуннинг уруғини) чиқаролмаса, бўрёнинг устига қўйсун. (Масжиднинг ери туфайли) бўрёнинг (ҳам) ҳурмати баланддур.

«Шарҳи «Аврод»да «Таҳовий»дан нақл қилур: «Ҳар ким масжидга (кирса) эътикофни ният қилиб кирсун, хоҳ оз, хоҳ кўп ўлтурса ҳам ўлтурғонға яраша савоб топар». «Қозихон»да айтур: «Масжидда ҳунар қилмоқ макруҳ, зероки бандаликка (ибодат қилишга) муҳайё қилинғон (қурилган)дур, анда ҳунар қилмоқ раво бўлмас. Масжидда сотмоқ учун хат битмоқ ва ҳақ олмоқ, мактабдорлиқ қилмоқ (дарс бериб ҳақ олмоқ) макруҳдур. Ҳақ олмай, Худо учун ўқутса, макруҳ бўлмас». Ва яна анда (масжидда) жаноза ўқумоқ макруҳдур, хоҳ ташқари ва хоҳ ичкари

бўлсун. «Шарҳи «Аврод»да «Сирожийя»дин нақл қилур: «Масжидга кафш бирла кирмасун, зероки Мусо алайҳиссаломга «Кафшингни еч!» деб амр бўлди. Ва яна суффалари пок бўлсун. Агар масжиднинг суффаси нажосат бўлса, кафш бирла кирса бўлур».

Эй азизлар! Зинҳор масжиднинг иззатини баланд қилинглар! «Захийра»да андоғ келибдур: «Бир куни Аҳмад Басрий масжидга кирарда чап оёқлари бирла кирдилар. Ани каффоратиға юз қул озод қилдилар». Фақиҳ Абул Лайс «Бўстон»да айтур: «Агар кишининг рўзада меъдаси бузулса, ёмон бўй оғзидин кетгунча масжидга кирмасун, токи андин халққа изо (озор) етмасун».

Ва яна масжидда ич елини чиқармасун.

ИЙД (ҲАЙИТ) НАМОЗИНИНГ БАЁНИ

«Ҳидоя»да айтур: «Ҳар кишига жума вожиб бўлса ийд намози ҳам вожиб бўлур». «Шарҳи «Аврод»да «Жомеъ ус-сағир»дин нақл қилур: «Ийдни вожиблиғи ҳувас саҳиҳдур». «Хулоса»да ҳувал мухтордур. Ва яна «Ҳидоя»да айтур: «Фитр куни ийдга борурдин илгари таом емоқ ва ғусл қилмоқ, ўзига хушбўй (лик)ни сурмоқ ва мисвок қилмоқ мустаҳабдур. Ва яна яхши либос киймоқ, садақаи фитрни намоздин илгари адо қилмоқ мустаҳабдур. Имоми Аъзам олдида йўлда такбир айтмасун, Имомайн олдида ийди қурбондек такбирни жаҳрий айтсун. Имоми Аъзам наздида санони жаҳр айтмоқ аслида ихфодур. Аммо қурбон ийдиға жаҳр (айтмоқ) ворид бўлубдур. Аммо фитр кунида жаҳр ворид бўлмабдур». «Шарҳи «Аврод»да саҳиҳ қавл Имоми Аъзамнинг қавлидур,

зероки зикрни махфийси хўбдур. Расули Худодин фитр ийди куни йўлда (такбирни) жаҳр айтмоқ собит бўлмабдур. Аммо қурбон ийдида жаҳр айтмоқ собит бўлубдур. Ийд кунида ийд намозидан бурун нафл ўқумоқ макруҳдур. Расули Худоки намозга кўп ҳирслари бирла бу феълни қилмабдурлар. Ийд намозининг вақти улки, офтоб найза бўйи ё икки найза бўйи кўтарилгандин сўнг то тушгача ўқуса бўлур. Мундоғ ўқумоқ керакки, аввалғи ракатнинг такбирин айтиб, сано ўқуб, қўл кўтаруб уч мартаба такбирни айтгай. Сўнг «Аузу биллаҳ...» «Бисмиллоҳ...» бирла «Адҳамду...»ни ўқуб, сура қўшгай, кейин рукуъ ва сужуд қилиб, иккинчи ракатга тургай. Анда ҳам «Алҳамду...» бирла сура ўқуғай, сўнг яна қўл кўтариб, уч мартаба такбир айтиб рукуъга боргай. Сажда ва қаъда бирла тамом қилғай, бизни имомларни наздида. «Шарҳи «Аврод»да «Жомеъ ус-сағир»дин нақл қилур: «Бу айтилган зиёда такбирларни қўл кўтариб айтсун, икки такбирнинг орасида уч тасбеҳ айттунча турғай. Андин сўнг намозни тамом қилиб икки хутба ўқуғай». «Ҳидоя»да ва жамиъи китобларда шундоғ тайин қилибдур. Ва яна хутбада фитрнинг вожиблиғи ва ҳукмини таълим берсун.

Агар кишидан ийд намози фавт бўлса, қазо лозим бўлмас. Аммо «Ойни тушдин сўнг кўрдум», деб гувоҳлик берсалар, одамлар ийдни эртасига ўқуса бўлур. Саййиди олам шундоғ буюрубдурлар. «Абулмакорим»да айтур: «Ийди фитрга чиқардин (борурдин) илгари ширин нимарса емак мустаҳабдур. Ва яна ийд намозига бир йўл бирла бориб, яна (бошқа) бир йўл бирла қайтмоқ одобдур».

ҚУРБОНЛИК ҲУКМЛАРИНИНГ БАЁНИ

«Ҳидоя»да ва ўзга китобларда бордур: «Қурбон куни савоб улки, ғусл қилиб, ўзини хушбўй қилсун, ийд намозини ўқуғунча ҳеч нимарса емасун, бу мустаҳабдур. Расул алайҳиссалом намоздин келиб, ўз қурбонлиқлари бирла ифтор қилдилар. Намозгоҳга борурда такбирни жаҳр айтиб борсун. Расули Худодин ворид бўлубдур. Икки ракат намоз ўқуб, сўнг икки хутба ўқусун. Ул хутбада қурбонлиғни таълим берсун, такбири ташриқни ҳам ёд берсун (ўргатсин). Агар ийд куни узри бўлса, икки кунгача ўқуса бўлур, аммо узрсиз таъхир қилса (кечиктирса) гуноҳкор бўлур».

«Ҳидоя»да айтур: «Арафа куни одамлар Арафотга йиғилгандек бир ерга йиғилса, раво бўлмас, зероки бул жам (бу йиғилиш) бир ерга (Арафотнинг ўзига) махсусдур, ўзга жойда раво эрмас». «Кофий»да айтур: «Маккадин ўзга ерда мустаҳабдур, зероки Басрада Ибн Аббос жам бўлубдурлар». «Кофий»да яна бордур: «(Арафотдин) ўзга ерда дуруст эмас. Агар масжиднинг атрофини тавоф қилса хавфи куфрдур (куфрнинг хавфи бордир), зероки Расули Худо Мадинада мундоғ қилмадилар. Ибн Аббос ваъз учун жам бўлуб эрдилар». «Шарҳи «Аврод»да «Сирожийя»дин нақл қилурлар: «Агар имом ийд намозини рукуъида турғонда биров келиб қиём туруб аввалғи такбирни айтса, андин сўнг иқтидо қилса (ва) яна имом саждага борур, деб қўрқмаса, зиёда (қолган) такбирларни айтиб, рукуъга борсун. Агар имом саждага борур, деб хавф қилса, зиёда такбирларни айтмасун, боқий такбирларни (қолган зиёда такбирлар-

ни) рукуъда тамом қилсун». Имом қўлини кўтармасун. Имом бошини кўтарганда бу ҳам мутобаат қилсун (эргашсин), қолғон такбирлар соқит бўлур». Бу Имоми Аъзам бирла Имом Муҳаммаднинг наздида, зероки тасбеҳ суннатдур, такбир вожибдур. Суннат учун вожибни тарк қилмасун. Имом Абу Юсуф наздида тасбеҳ айтсун, лекин сўнгги борғон одам имом бирла рукуъ қила олмаса, сўнг масбуқдек ул ракатни такбирлари бирла ўқусун. «Хонийя»да шулдур.

ТАКБИРИ ТАШРИҚ БАЁНИ

«Ҳидоя»да айтур: «Такбири ташриқни эртага ийд бўлур, деган куни (арафа куни) бомдоддин сўнг бошласун. Имоми Аъзамнинг олдида қурбонлик куни асрда тамом қилсун, яъни (фарз) намозларидан сўнг айтсун. Соҳибайн наздида ташриқ куни намози асрғача айтсун, яъни йигирма уч (маҳал) намозни кейнидан айтур. Такбири ташриқ бу турур: «Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар, ла илаҳа иллоллоҳу Валлоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар ва лиллаҳил ҳамд».

Имоми Аъзамнинг наздида ҳар муқимки, шаҳарда бўлса, жамоат била намоз ўқуса, бу такбирни айтур. Агар хотунлар жамоат бўлуб ўқуса, айтмаслар. Агар мусофир муқимга иқтидо қилса, имомга табъият қилиб (эргашиб) айтсун. Агар хотун эркакка иқтидо қилса, анга (хотинга) ҳам вожибдур. Лекин Имомайн олдида ҳар ким фарзни ўқуса вожибдур. Агар имом такбирни тарк қилса, муқтадий тамом қилсун (айтсин). «Мухтасари «Виқоя»да йигирма уч фарзни сўнгтидин айтмоққа фатводур. «Сирожийя»да ҳам шундоғдур. Хотун эркакка иқтидо қилса,

ул (яъни хотун) такбирни махфий айтсун. Зероки анинг овози авратдур. Мусофир ҳам айтсун, зероки суннатдур. «Абулмакорим»да бу такбирни вожиб, дебдур. Неча нусхаларда ҳам вожиб дебдур. Баъзи нусхада суннат дебдур. Ҳар нечук бўлса ҳам қўлдин бермасунлар. Яна «Музмарот»да айтур: «Баъзилар Қурбон ийдидан сўнг такбирни айтмоқни одат қилибдур. Бу мандур. Аммо жумани сўнггидин айтсун, зероки бу (яъни жума) ҳам фарздур».

«Шарҳи «Аврод»да «тарвийя» деб ойни сакизинчи кунини айтур, (аслида) тўққизинчи кунидур. «Наҳр» деб ўнинчи кунини айтур.

Аҳли тасаввуфнинг наздида ҳар нафаски одамдин ёди Худо бирла чиқса, ул ийддур, агар беёди Худо (Худонинг ёдисиз) чиқса, ул мотамдур. Ҳар куни чиққон нафасни (Худо) ҳисоб қилур ва ҳар сари мўйдин (ҳар бир тукдан) ҳисоб берурсен. Бир луқмани ёди Худо бирла емасанг, ҳасратни сийнага жо қилибдурсен. Ҳар қадаме ғофилона қўйса пушаймон бўлур. Ҳар киши беибрат қараса, кўзини ҳасрат ўқиға нишона қилғай. Қўли ишда, кўнгли Худо бирла бўлса, Худони йўлидин адашмаса!

Илоҳо! Баҳурмати ул марди Худолар мардлигини менга насиб ва рўзий қилғайсен. Омийн!

ИСТИСҚО (ЁМҒИР СЎРАШ) НАМОЗИ ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ

«Ҳидоя»да айтур: «Агар ёмғир ёғмаса одамлар бир ерга бориб, дуо ва истиғфор қилиб жамоат бўлуб намоз ўқусун. Танҳо-танҳо ўқуса ҳам бўлур, Имоми Аъзамнинг наздида. Имомайн олдида икки

ракат намозни имом бирла ўқусун. Аммо аслида жамоат деган Имом Муҳаммаддур, Имом Абу Юсуф наздида жамоат йўқдур. Истисқо намозининг қироатини жаҳрий ўқийди. Имом Муҳаммаднинг наздида ҳайитдек икки хутба ўқусун. Имом Абу Юсуф наздида бир хутба ўқур. Имоми Аъзамнинг наздида хутба ва жамоат йўқдур. Қиблага рўбарў бўлуб дуо қилсун. Ридосини тескари ўгурмасун. Имом Муҳаммад наздида ридосини тескари ўгурсун. Ва яна зиммийни ҳозир қилмасун».

«Шамс Муҳаммад»да ридосини тескари ўгурмасликка фатводур.

КУСУФ (ҚУЁШ ТУТИЛГАНДА ЎҚИЛАДИГАН) НАМОЗ ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ

«Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Ҳар вақтки офтоб тутилса, жумани имоми бирла жамоат бўлуб икки ракат намоз ўқусун. Имом қироатни узун қилсун. Намоздин сўнг то қуёш равшан бўлгунча дуо қилсун. Агар жума имоми ҳозир бўлмаса танҳо-танҳо ўқусун». «Абулмакорим»да айтур: «Қавм ва имом қиблага рўбарў бўлуб дуо қилсун ёки (имом) юзин одамларга қилсун». Имом Абу Юсуф наздида кун тутулғонда намозни жаҳр ўқусун. «Шамсуддин»да, Соҳибайн олдида жаҳр қилсун. Имоми Аъзам ривоятлари саҳиҳдур – бу намознинг қироати махфийдур. Яна бир ривоятда ой тутулғонда ўқулғон намозға хутба йўқдур. «Туҳфа»да айтур: «Хутба йўқдур, хилофсиз». «Назм»да айтур: «Иттифоқ бирла (хутба йўқдур)».

ХАВФ НАМОЗИ ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ

«Ҳидоя»да айтур: «Агар душмандин кўп хавф бўлса, имом халқни икки тоифа қилур. Бир тоифани душман тарафига қўйсун, бир тоифа эса имомнинг орқасида бир ракат намоз ўқуб, иккинчи саждадин бош кўтариб, душман тарафига борсун, ул тарафдагилар келиб, имомга иқтидо қилсун. Имом (улар билан) бир ракатни ўқуб, танҳо (бир ўзи) салом берсун. Бу тоифа салом бермай, душман тарафига борсун. Ул жамоа келиб, намозни қироатсиз тамом қилсун, зероки бу қавм лоҳиқ (намознинг бошига етишган)дур. Бу жамоа салом бергандин сўнг душман тарафига борсун. Ул тоифа келиб қироат бирла намозни тамом қилсун, зероки булар масбуқ (намознинг бошига етишмаган)дур. Агар имом бўлғон киши муқим бўлса, бу сифатда (яъни юқоридагидек) ўқусун.

Намози шомда аввалғи тоифа бирла имом икки ракат ўқусун, сўнгги тоифа бирла бир ракат ўқусун. Намозда кишини ўлтурмасун, агар ўлдурса намози бузулур. Уруш (жанг) вақтида намоз ўқумасун, Расул алайҳиссалом Аҳзоб куни бир фирқа кофирлар бирла уруш қилдилар, алардин тўрт намоз қазо бўлди. Уруш (жанг) вақтида намоз дуруст эмаслиги учун қазо қилдилар.

Агар хавф зиёда бўлса, от устида танҳо-танҳо (ёлғиз-ёлғиз) рукуъ ва сужудни имо бирла қилиб намоз ўқусун. Қиблага қарарга иложи бўлмаса, қайси тарафга қараб ўқуса ҳам раво бўлур. Имом Муҳамад бу вақтда жамоат буюрубдур, лекин саҳиҳ ривоятда жамоат бўлмас.

Эй биродарлар! Кўрдингизму шариати нозанин (гўзал шариат фақат) андоқ вақтда намозга рухсат бермабдур!

ЧОШТТОҲ НАМОЗИ ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ

Чоштгоҳ намози суннати муаккададур, савоблар топар, яна кўп наф бўлур. Зоҳир ривоятда тўрт ракатдур, агар мундин зиёда қилса, савоб ҳам зиёда бўлур. Авлоси буки, аввалғи ракатга «Вашшамс»ни, иккинчи ракатга «Валлайли»ни, учинчи ракатга «Ваззуҳо» ни, тўртинчи ракатга «Алам нашроҳ»ни ўқусун.

АВВОБИН НАМОЗИ ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ

«Шарҳи «Аврод»да айтур: «Ул намозики, хосиятлик дебдур, ани «аввобин» дерлар, намози шом бирла намози хуфтоннинг орасида бўлур». Йигирма ракат деган ривоятлар ҳам бордур. Аммо кўп китобларда олти ракат дебдур. Ҳар икки ракатда бир салом бергай. **Расули Худо айдилар: «Ҳар ким бу намозни ўқуса аввобин** (тавба қилувчилар) **қаторида бўлғай». Ва яна ул одамға кўпдин кўп ваъдалар қилғондурлар.**

ТАҲАЖЖУД НАМОЗИ ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ

Таҳажжуд намозини уйқудин сўнг тунни орасида ўқурлар. Агар бу намозни уйқудин илгари ўқуса, таҳажжуд бўлмас. Ҳар икки ракатда бир салом бирла ўқуса, ҳар тўрт ракатда бир салом бирла ўқуғондин афзалдур. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Жамиъи нафл-

лардин таҳажжуд авлодур». Мавлавий Яъқуб Чархий «Тафсир»ларида айтур: «Бу намозга қайси сурани ўқуса ҳам бўлур, аммо Қуръоннинг дилини ва кечанинг дилини ва ўз дилини жам қилиб ўқумоқ авлодур». Қуръоннинг дили «Ёсин»дур. Агарчи таҳажжуд нафл бўлса ҳам Худойи таоло Қуръонда ёд қилибдур. Ҳар киши Худонинг ризолиғи учун тунда туриб намоз ўқуса, Худонинг раҳмати анинг бошиға нозил бўлғай. Аммо истихора ва ишроқ аввал баён бўлди.

МЎМИНЛАРНИНГ (ЎЗАРО) МУЛОҚОТЛАРИ БАЁНИ

«Ширъат ул-ислом»да ва «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Мўминлар бир-бирига мулоқот бўлсалар (йўлиқсалар) салом берсунлар, хоҳ бир-бирини танисун ва хоҳ танимасун. Агарчи бир кунда неча мартаба йўлуқсалар ҳам салом берсунлар, зероки салом Худонинг раҳматидур, Худонинг раҳматига иккови ҳам восил бўлгай. Ҳар ким (кимки) саломни илгари бошласа, такаббурини йўқ қилур. Агар уйга кирса, салом берсун, агарчи ҳеч ким йўқ бўлса ҳам. Уйга кирганда ҳеч ким бўлмаса бул тариқа салом берсун: «Ассалому алайна ва ала ибодиллаҳис солиҳийн» (Саломатлик бўлсин бизга ва Худонинг солиҳ бандаларига). (Шунда) ростлиқ бирла улуғ фаришта анинг саломига жавоб бергай. Аммо салом вақтида қўли бирла ишорат қилмасун, бу жуҳудлар одатидур. Суннатта мос салом шулки, катта кичикка салом бергай. Отлиқ пиёдага салом бергай. Саломни таниган одамга махсус қилмасун, зероки Худонинг раҳмати омдур.

Фақиҳ Абул Лайс «Бўстон»да айтур: «Норасидага ҳам салом берсун». Ва биҳи наъхузудур. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Саломни катта бошласун. **Расули Худо айдилар: «Мен бу одобни меърож туни Худодин ўргандим, Худойи таоло менга салом берди».** «Шарҳи «Аврод»да «Захийра»дин нақл қилур: «Салом суннатдур, жавоби фарздур. Агар бир одамга салом берилса ул: «Алайкумус салом» десун. Жавоб бергувчи ҳам лафзи жам (кўплик лафзи) бирла жавоб берсун, зероки ҳар одамда неча фаришта бордур. Жавоб берурда: «Алайкумус салому ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу»ни қўшсун, мундин зиёда қилмасун.

Бир жамоа бир жамоага салом бермай кирса, ҳаммаси гуноҳкор бўлур. Ва баъзилар айтур: «Бир жамоа одамга бир киши салом берса, ҳаммасига жавоб лозим бўлур, бир киши жавоб берса, ҳаммасидан соқит бўлур. «Баёни аҳком»да, «Умдат ул-аброр»да айтур: **«Расули Худо айдилар: «Ҳар мажлисга борсанглар салом қилинглар, яна қайтарда ҳам салом қилинглар».** Мулоқот бўлгонда (йўлиққан вақтида) салом қилгон афзалдур, қайтарда қилгонга ҳам Расули Худо кўп ваъда қилдилар. Баданида ҳар мўйики бор, бирига минг савоб бергай ва минг даража бергай ва яна ул мажлис то қиёматгача ул бандани ёрлақамоқ (гуноҳини кечирмоқ)ни тилар. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар бир жойда кофир ва мусулмон бўлса, салом берсун, аммо мўминга деб ният қилсун. Ва ё «Ассалому ало манит табаъал ҳудо» (ҳидоятга эргашганларга салом бўлсин) десун». «Шарҳи «Аврод»да «Сирожийя»дин нақл қилурлар: «Бир одам бир жамоанинг олдидан ўтса, ул (жамоа) гуноҳда бўлса саломни бу ният бирла

берсунки, салом берди, деб алар гуноҳдин қайтса». «Шарҳи «Аврод»да «Умдат ул-аброр» ва «Шамс ул-аимма»дин нақл қилур: «Мусулмонлар бир-бирига йўлуқуб салом қилсалар, (саломнинг) бири илгари, иккинчиси кейин тушса, жавоби ҳам ичида бўлур. Агар баробар салом берсалар, жавоб воқеъ бўлмас». Агар саломга жавобни эшиттурмаса, «Кабирий»да айтур, жавобдин ҳисоб бўлмас. Икки лаби қимирласа ҳам бўлур. Ва яна атса (акса) урганда ҳам шулдур. Ҳар ким динга муҳаббати бўлса, муни билсунки, зиммийга салом бермасун. Баъзиларнинг наздида зарари йўқ, дебдур. Агар аҳли китоб салом берса, жавоб берсун. «Бўстон»да «Ва биҳи наъхузу» дебдур. «Сирожийя»да зарари йўқ, дебдур. Аҳли китоб саломига жавобда «Алайкум» десун, мундин зиёда қилмасун. «Шарҳи «Аврод»да «Тажнис»дин нақл қилур: «Агар масжидга кирса, қавм намозда бўлмаса, салом берсун. Аммо баъзи намозда ва баъзи намозда бўлмаса, салом бермасун». «Равза»да айтур: «Беш жойда салом бермак макруҳдур». Баъзи жойда жавоб бериб бўлмас. Намоз ўқуб турғонда салом берса, гуноҳкор бўлур, чунки намоз ўқиётган кишига жавоб лозим бўлади. Қуръонни жаҳр ўқуб турғонда салом бермасун, гуноҳкор бўлур, агарчанди биров ўқуб, ўзи эшитиб турғон бўлса ҳам. Муаззин азон ва такбир айтиб турғонда ва яна азонга жавоб айтиб турғонда салом берса, гуноҳкор бўлур.

Саломни алиф-лом бирла айтсун «Ассалому алайкум» деб. Алиф-ломсиз «салом алайкум» деб айтмасун, агар шундай айтса, жавоб лозим бўлмас. «Баёни аҳком»да айтур: «Одамлар масжидда зикр айтиб турғон бўлса, ул масжидга кирса, салом берсун». «Қози-

хон»да Имоми Аъзамдин нақл қилур: «Агар муаззинга жавоб айтиб ё Қуръон ўқуб турғонда атса сўнгидан (акса ургандан кейин) ҳамд айтса, ани эшитган одамлар кўнглида жавоб берсун. Имом Муҳаммад наздида азондин фориғ бўлуб, жавоб берсун. Имом Абу Юсуф наздида асло жавоб лозим эмастур. Саҳиҳ ривоят будур. Агар таҳорат синдурса (таҳорат ушатаёттанда) салом берса, жавоб лозим эмас. Ё дарс айтиб турғонда салом берса, жавоб лозим эмас. «Тарғиб ус-салот»да айтур: «Подшоҳларга салом берсун». «Шамсуддин»да айтур: «Подшоҳ олдида ер ўпмак ё саждаи таҳийя (улуғлаш саждаси) қилса, гуноҳи кабира бўлур. Агар таъзимни подшоҳ учун қилса куфрдур». Раҳнамолар айтурлар: «Агар саломда имо қилса, рукуъга яқин бўлса, сажда қилғондек бўлур». «Муҳит»да айтур: «Подшоҳдин ўзгага эгилмак макруҳдур». «Фусули имодий»да айтур: «Подшоҳга ё ўзгага эгилмак мажусийлар одатидур». Агар подшоҳ атса (акса) урса, олдида биров «ярҳамукаллоҳ» деса, биров: «Подшоҳга мундоғ дема» деса, ман қилғувчи гуноҳкор бўлур. «Наузу биллаҳ» ани эътиқодидин. «Салоти Масъудий»да ва яна неча нусхаларда айтур: «Салом суннатдур, аммо бир-бирин қўлларини ўпмасун, рофизийга ўхшар. Аммо подшоҳи одилнинг ё бир уламонинг қўлини ўпса жойиздур». Лекин мусулмонлар (бир-бирининг) кафтини кафтига қўюб мулойимлик бирла қимирлатса, ҳадисда бодурки, гуноҳи хазондек тўкулур. Яна бир ҳадисда мўмин мўминга кафтини қўйса ва бир маротаба салавот айтса, гуноҳдин пок бўлғай, гўё анодин янги таваллуд топғондек бўлур. Яна биров бировга йўлуққонда салом берса, юзларидан ўпса, имом

Абу Юсуф наздида раво бўлур. Имоми Аъзам ва Имом Муҳаммаднинг наздида раво бўлмасдур. Имом Абу Юсуфнинг важҳлари буки, Жаъфари Тайёр Расули Худонинг олдиға келдилар, Пайғамбар алайҳиссалом анинг икки қошини орасидин бўса қилдилар. Имоми Аъзамнинг важҳлари буки, ул ислом-нинг аввалида эрди, сўнг ул мансух бўлди. «Ширъат ул-ислом»да айтур: «Саҳобалар бир-бирига йўлуқ-қонда муонақа қилур (қучоқлашиб кўрушур) эрдилар, жудо бўлғонда мусофаҳа қилур (қўлларин сиқур) эрдилар». «Абулмакорим»да айтур: «Агар киши ҳар ким бирла муонақа қилиб (катта жамоатнинг ичида ҳамма билан қучоқлашиб) кўрушса макруҳдур, аммо икки-уч киши бирла кўрушмоқ иттифоқ бирла макруҳ эмастур». Саҳиҳ ривоят шулдур. «Салоти Масъудий»да айтур: «Қўлин бараҳна (яланғоч) айлаб кўрушсун. Ҳар ким енги бирла кўрушса, ўзига жафо қилур. Агар подшоҳи одилнинг ё бир уламонинг қўлини ўпса жойиздур. «Фусули имодий»да зарари йўқдур, дебдур. Аммо бу иккидин ўзганинг қўлин бўса қилмоқ мухтор ривоятда макруҳдур. Баъзи нодонлар ўз қўлларини ўпарлар. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Бул оташпарастлар феъли дур». «Фусули имодий»да айтур: «Бул фосиқлар феъли дур». «Хулоса»да айтур: «Хотунга эркак салом бермаги мандур. Хотун эркакка салом берса ё хотун акса уруб ҳамд айтса, эркак ичида жавоб берсун. Агар қари хотун бўлса, жаҳран жавоб берсун». Яна «Хулоса»да айтур: «Бегона хотун бирла мусофаҳа қилмоқ (қўл бериб кўрушмак) жоиз эмастур, зероки анинг юзин ва кафин ушламоқ ҳаромдур. Аммо қари хотун бирла мусофаҳа қилса, башартики шаҳватсиз бўлса, жоиздур». Бу

масала «Сатри аврат» бобида айтилда. Яна «Шарҳи Аврод»да айтур: «Зиммий бирла мусофаҳа қилса дурустдур, аммо макруҳдур. Агар таҳоратли ҳолда зиммий бирла мусофаҳа қилса, қўлини ювсун».

Баъзи жоҳиллар қизларин ўпарлар. Яна «Абулмакорим»да айтур: «Балоғатга етган қизини отаси бўса қилса, онаси ҳаром бўлур. Агарчи бешаҳват ўпса ҳам». Қози Заҳириддин фатво берибдур: «Хоҳ бешаҳват, хоҳ шаҳват бирла ўпса, онаси ҳаром бўлур. Ҳар ким юзидин ё бошидин ўпса, агарчи бошида рўмоли бўлса ҳам раво бўлмас». Агар аҳли тамиз бўлса, бул феъллардин парҳез қилсун. Бу ривоятлар китоби никоҳда бордур.

АТСА (АКСА) УРИШ ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ

Фақиҳ Абул Лайс «Бўстон»да айтур: «Расули Худонинг олдиларида икки киши акса урди. Расули Худо бирига «Ярҳамука Роббука» дедилар ва бирига жавоб бермадилар. Саҳобалар «На учун бирига жавоб бермадингиз?» деб сўрадилар. Ҳазрат: «Бири ҳамд айтди ва бири айтмади», дедилар.

Аксани паст уриш мустаҳабдур, ҳамдни баланд айтсун, токи ҳозир турғонлар эшитсунлар, зероки жавоб берурлар. Расули Худо аксани паст уриб, бошларини қуйи қилур эрдилар.

Акса урувчининг ёнидаги одам ҳам ҳамд айтса яхшидур. **Ҳадисда келур, агар киши акса ургувчидин илгари ҳамд айтса уч касалдин омон бўлгай:**

1. **Тиш оғриғидин.**
2. **Жигар оғриғидин.**
3. **Қорин оғриғидин.**

«Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар киши намознинг ташида акса урса, «Алҳамду лиллаҳи ала кулли ҳолин» (Аллоҳга ҳамма ҳолда ҳамд бўлсин) ё «Алҳамду лиллаҳи роббил оламийн» десун, ўзга нарса айтмасун. У ерда ҳозир бўлганлар «Ярҳамука роббука» (Роббинг сенга раҳм қилсин) ё «Яғфируллоҳу лано ва лакум» (Аллоҳ сизни ва бизни мағфират қилсин) десун ё «Яҳдийкумуллоҳу ва юслиҳ болакум» (Аллоҳ сизни ҳидоят қилсин ва қалбингизни ўнгласин) десун, ўзга нарса демасун». «Салоти Масъудий»да айтур: «Акса урғувчи «Афа Аллоҳу лано ва лакум (Аллоҳ бизни ва сизни афв қилсин) десун». Ва агар пайдар-пай уч марта акса урса ва уч марта ҳамд айтса, ёнидагилар уч марта жавоб айтсун. Учдан зиёда ҳамд айтса, «Кабирий»да айтур: «Ҳозирлар ҳам жавоб берурда ихтиёрлидур». «Иҳё»да айтур: «Акса урмоқ Раҳмондиндур, эснаш Шайтондиндур. Агар эснаш келса оғзини ёпсун. Ҳар киши акса урғонда «оҳ» деса, Шайтон ани ичида кулар».

АЛЛОҲНИНГ ВА РАСУЛУЛЛОҲНИНГ НОМИ ЗИКР ҚИЛИНГАНДА ЖАВОБ БЕРМАК

«Қиннийя»да айтур: «Ҳар ким Худонинг номини эшитса, таъзим бирла ёд қилмоғи вожибдур, яъни ҳар мартаба Худонинг номини эшитса, таъзимни бажо қилиб «Субҳон Аллоҳ» ё «Табарок Аллоҳу» демаги вожибдур. Бир мажлисда неча мартаба Расули Худони номларин эшитса, бир мартаба салавот айтса бўлур. Ва биҳи юфтодур.

«Таҳовий»да айтур: «Бир мартаба айтса кифоя

қилур». «Хулоса»да айтур: «Саҳобаларни номларин эшитса «розияллоҳу анҳу» десун».

ТИРНОҚ ВА СОЧ-СОҚОЛ ОЛИШ БАЁНИ

Мўйлаб ва тирноқ олмоқни бехилоф суннат дебдурлар. Соч ва тирноқни (олмоқни) ва хатна қилмоқни ва зери бағални (қўлтуқ тукини) олмоқни ҳам суннат дебдур. «Туҳфат ул-ахбор»да айтур: «Тирноқни бу тариқа олсун: Ўнг қўлини саббобасидин (кўрсаткич бармоқдан) то хинсир (жимжилоғи)гача, андин сўнг чап қўлининг жимжилоғидин бошлаб бош бармоқда тамом қилсун. Андин сўнг ўнг қўлининг бош бармоғини олсун. Мундоғ бошлағонида ўнг қўлида тирноқ олмоқ тамом бўлур. Ва яна аёғи тирноғин ўнг аёқнинг кичик бармоғидин бошлаб чап аёғини кичик бармоғида тамом қилсун. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Тирноқни тунда ва яна кундузи ҳам олса бўлур, зероки хайр ишига таъхир қилса бўлмас, хоҳ якшанба ва хоҳ шанба бўлса». Яна ҳар ким бу кунлардин парҳез қилса бегонага (бидъатчига) ўхшар. Расули Худо ҳар куни олғонға бир ваъда тайин қилибдурлар. Аммо жума куни олса афзалдур. Агар ўсғон бўлса, жумага қарамоқ ямондур. Тирноқни кўммоқ хўбдур, ташласа ҳам зарар қилмас. Яна тиши бирла олмасун, андин Расули Худо наҳий (ман) қилибдур. Соч, тирноқни жунуб вақтида олмоқни макруҳ дебдур.

Имоми Аъзам айтдилар: «Маккининг йўлида сочимни олдурғонда сартарош мандин уч хатони топти. Бири, бир тарафга қараб ўлтуруб эрдим, манга айди: «Юзунгни Қиблага қаратгил». Яна бошимни ани тарафига қилиб эдим, айди: «Аввал ўнг тарафни

келтургил», деди. Сочимни олиб бўлғондин сўнг юрумоқға туруб эдим: «Сочингни ерга кўмгил», деди.

Яна соч олмоқни наҳлари макруҳ бобида айтилди. Мўйлабни олмоқ таҳоратнинг фарзи бобида айтилди. Яна зери нофни (киндик остидаги тукларни) қирқ кунга қўймоқ макруҳдур. Зери нофни олурда киндиги остидин бошласун. Зери нофни тортиб олмоқ макруҳдур. Қўлтуқнинг мўйини тортиб олмоқ авлодур. Ҳалқ қилсалар (қириб олса) ҳам бўлур. «Хизона»да айтур: «Зери нофни, мўйлабни ва қўлтуқ мўйини ҳар ҳафтада олса хўбдур». Ўртаси ўн беш кундур. Қирқ кундин ўтса, макруҳдур». «Нисоб ул-иҳтисоб»да айтур: «Ўғул болага кокул қўймоқ ҳаромдур». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Болани хатна қилмоқ баъзилар наздида вожибдур, баъзилар наздида фарздур. Саҳиҳ ривоятда суннатдур». Хатнанинг вақти етти (ёш)дадур. Имом Аъзамнинг наздида ҳолига қарасунлар, қувватлик бўлса, еттидин то ўн икки ёшғача қилмоғи мустаҳабдур. Ҳувал мухтордур.

Агар хатна қилғонда закари терисининг ярмидан кўброқи кесилса, раво бўлур. Андин камроғи кесилса, раво бўлмас. Агар хатналик туғилса шодмон бўлсун, уламолар ани хатна қилмасун, дебдурлар.

БЕМОРДИН ХАБАР ОЛИШ, АҲВОЛИНИ СЎРАШ БАЁНИ

«Ширъат ул-ислом»да айтур: «Ҳар киши беморни сўрмоқға борса, ул беморнинг икки тиззиға яқинроқ ўлтурсун Бошида ўлтурмасун, чапу рост (ўнг)га қарамай, бемор тарафига қараб турсун. Яна беморнинг юзига қарамасун. Янги либос кийиб кирмасун.

Аччиқ бирлан қарамасун. Ва яна «ИншаАллоҳ тезроқ сиҳат топарсан. Умринг узун бўлур», десун. Бул сўзлар бирлан анинг кўнгли хурсанд бўлур. Анинг олдида кўб ўлтурмасун. Қўлини беморнинг пешанасига қўйсун ё қўлиға қўйиб, меҳрибонлик бирла «Нечуксан?» деб сўрасун. Анинг олдида ўзга сўз айтмасун. Ва дуо қилсун (дуо сўрасун)». «Ширъат ул-ислом»да айтур: «Ҳар вақт бемор сидқу ихлос бирла дуо қилса, фаришталар дуосидекдур». Сўрағучи «шифо бергай» деб дуо қилсун. Зероки, Расули Худонинг суннатларидур. (Бемор) яна гуноҳларига тавба қилсун. Худодин паноҳ тиласун. Ва яна молининг учдин бирига васият қилсун. Худонинг фарзи, Расули Худонинг суннатларини адо қилмоқға саъй қилсун. Душманларин рози қилсун». Ўлумни ҳар соат ёдиға олсун. Зероки, ҳар соғ одам ҳам ўлумни ҳар кун йигирма тўрт мартаба ёдиға олса, Худойи таоло (қалбини) зинда тирик қилғай. Китобларда айтур, ҳар киши ўлумни дўст тутса, умид борки, жони тандин жудо бўлғонда дийдорига восил қилса. Худонинг ёдидин ўзгани ёд этмасун. Агар мўъмин ўлумга яқин бўлса, бир яхши ерни хушбўй қилсунки, то фаришталар келгай. Мўъмин агар қаттиғлиқ бирла жон берса, таъна қилмасун, шоядки, гуноҳини анинг бирла ярлақаса.

«Шарҳи «Аврод»да айтур: «Ўнг ёнидин ётқузуб, юзин қиблага қилсун. Бизнинг вилоятда ҳалқа (чалқанча) ётқузмоқни ихтиёр қилибдурлар, токи жон чиқмоқ осон бўлур. Аммо аввалғи суннатдур. Яна ул ҳолда калимаи шаҳодатни талқин қилсун. Ул одамга эшиттириб айтсун, лекин «айт» демасун. Китобларда тайиндурки, бошида «Ёсин» сурасини ўқумоқ сун-

натдур. Агар жон чиқар бўлса «Қолуу инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун» десун. Анинг кўзини юмдурсун ва энгагин боғласун. Аъзоларини совимай рост қилсун.

Эй биродар, охир ҳаманинг аҳволи будур. Ҳар ким дини исломнинг ғамида бўлсун. Мундин (ўлумдин) қутулмоқға иложи йўқдур. Дунёга кўнгул берганнинг иши жафодур. Андоғ ҳабиби Илоҳга (Муҳаммад алайҳиссаломга) вафо қилмади. Қиёмат фикрида бўлунглар. Кўзунгнинг олдида ҳар замон кетарлар. Билурмусан, дунёдин молу фарзанд ҳеч ким бирла кетмади. Ҳар киши ўлса, ҳолини Худонинг ўзи билур, ўзга билмас.

Ҳикоят. «Қисас ул-анбиё»да айтур: «Бир куни ҳазрати Исо алайҳиссалом бир кўзадин сув ичтилар. Ул сув аччиғ эди. Исо алайҳиссалом забони ҳол бирла андин сўрдилар. Кўза айди: «Ман одам эрдим, аъзоларим реза-реза туфроқ бўлуб, хумдонга тушуб, кўза бўлубман. Ҳануз жон аччиғи мандин кетмабдур, анинг асари сувга таъсир қилибдур. Эй Расули Худо, уммматларингизга хабар беринг, банда бўлса, ғариб жон ғамини есун. Сўнгра пушаймон фойда бермас». Ҳар ким иймон бирла борса, ул зинда (тирик)дур».

Нақлдур, Хожа Муҳаммад Порсо бир тафсирни форсий қилибдурлар, айтдилар: «Банда жон берурда фаришталар келгайлар, айтғайларки «Эй банда, қўрқма, ғам емаки, беҳишт санга ясаниб турар. Жаннатни Худо яратибдур, санга ваъда қилибдур. Ҳар орзу қилғонинг жаннатда муҳайёдур». Мундоғ хабарни эшитса, банда жон бермак (аччиғин) қачон билур (яъни хурсанд ҳолда жон беради). Валлоҳу аълам биссавоб.

ЎЛУКНИ ЮВМОҚ БАЁНИ

«Салоти Масъудий»да айтур: «Ҳар киши ўлукни ювса, (ювган киши) гуноҳдин пок бўлур». «Кофий» да айтур: «Ўлукни ювмоқ Ҳазрати Одамдин қолди. Вақтики Ҳазрати Одам дунёдин бордилар, Жаброил алайҳиссалом кўп фаришталар бирла келиб ани ювдилар. Жамиъи мўминларга андин қолди, анга амал қилмоқ вожибдур». «Кофий»да айтур: «Ҳар вақт ўлукни ювмоқ бўлса бир тахтанинг устига олсун, авратига хирқа (мато) солсун, токи анга кўзи тушмасун». «Ҳидоя»да айтур: «Авратпўшнинг миқдори охири авратни ёпғудек бўлсун». Саҳиҳ ривоятда «Абулмакорим»да айтур: «Киндиги остидан тиззини остиғачадур». Бу қавл саҳиҳдур. «Шамсуддин»да ҳам шундоғдур. «Тарғиб ус-солат»да айтур: **«Расули Худо Ҳазрати Алига айдилар: «Тирик ва ўлукнинг сониға назар қилманглар».** Имомайн олдида ўлукни истинжо қилдурсун, Имом Абу Юсуфнинг наздида истинжо қилдурмасун. Юварда либосларин чиқарсун. Ўлукни ўз кўйлагида ювмоқ Расули Худога махсусдур. Ғуслдин илгари таҳорат қилдурсун, лекин оғиз-бурнини ювмасун, бошига масҳ тортмасун. Бунда таҳоратнинг аксини қилсун, яъни оёқдин бошласун. «Хулоса»да айтур: «Ўлукнинг аввал юзини ювсун». Яна «Ҳидоя»да айтур: «Мурдани остини ва кафтини хушбўй қилсун». «Кофий»да айтур: «Хушбўй нимарсани тахтанинг атрофига уч мартаба ё беш мартаба сурсун, зероки Расули Худо тоқ қилсун, дедилар. Сувни иссиғ (илиқ) қилсун. Агар хушбўй нимарса бўлмаса сувнинг ўзи ҳам кифоя қилур. Бошини ва соқолини гулхайри (хушбўй нарса) бирла ювсун. Сўнг

чап ёнига ётқузуб, ўнг томонига сув қуйсун, андин сўнг ўнг ёнига ётқузуб, чап ёнини ювсун. Андин сўнг мурдани ўлтурғузсун ва қорнини оз-оз мулойимлик била силасун. Ичидан ҳар нима чиқса ани ювсун, қайтадин ўлукни ювмасун. Сўнг ўлукни латта бирла суртсун (артсин), токи кафани ҳўл бўлмасун. Бошиға ва соқолиға ҳанут (хушбўй нарса) суртсун. Яна сажда аъзоларига кофур суртсун. Аммо соч-соқолини тарамасун, тирноғини олмасун, «Шамсуддин»да айтур: «Бир ёнидин ётқузуб ювғонда сувни уч мартаба қуйсун». «Қозихон»да айтур: «Мурданинг авратин яланғоч қўл бирла ювмасун, қўлиға латта ўраб ювсун». «Хулоса»да айтур: «Мурдани юварда (мурданинг) юзин Қиблага қилсун — бизни имомлар наздида». Баъзилар айдилар: «Қайси тарафга ётқузмоғи осон бўлса ўшал тарафга ётқузсун».

Юватурғонда паст-паст дуо ўқуса бўлур, бу иттифоқдур. Имоми Аъзам бир ривоятда: «Қулоғига ва бурнига пахта қўйса бўлур», дедилар. Аммо ортқи андомига пахта қўйса ёмон бўлур. «Салоти Масъудий»да айтур: «Агар эри ўлса хотуни ювсун, зероки Абу Бакр Сиддиқни хотунлари Асмо бинти Умайс ювди. Ҳазрати Оиша розияллоҳу анҳо муни кўриб шундай дедилар: «Буни илгари билсам эди, Расули Худони ўзум ювар эрдим».

Агар хотунини талоқи ражъий қилғон бўлса, ул хотун эрини ювса бўлур. Агар талоқи боин қилғон бўлса, ювуб бўлмас, Имом Шофеъий олдида ювса бўлур. Агар хожаси ўлса, чўриси юволмас, зероки хожадин қолса бировга мерос бўлур. Агар хотун эрининг ўғлини шаҳват бирла ушласа, эрини ювуб бўлмас — бизни уламолар олдида.

Агар эркак эҳром боғлаган ё эътикофда ўлса, хотуни ювуб бўлмас, зероки бул вақтда ушламоқ ҳаромдур.

Агар хунаса мушкул ўлса, баъзиларнинг наздида ани яна бир хунаса мушкул ювсун, баъзиларнинг наздида Байтул Молдин бир чўри ани ювсун. Бу зоҳир ривоятдур, зероки эҳтимоли борки эркак хотун қабиласидин эмас (яъни эркак ё хотинлиги маълум эмас). Бас, таяммум қилдуруб жаноза ўқусун.

Агар саҳрода хотун ўлса, эркакдан ўзга киши бўлмаса, баъзиларнинг наздида ул ерда норасида (ёш бола) бўлса, анга ювушни ўргатсун. Бўлмаса анинг маҳрами бўлса, қўлига латта ўрамай таяммум қилдурсун. Агар маҳрами бўлмаса, қўлига латта ўраб таяммум қилдурсун. Юзини ўгуруб ўлукнинг юзига ва қўлларига масҳ тортсун, зероки юзи ва қўллари авратдур, қараса гуноҳкор бўлур.

Агар хотун ўлук бола туғса анга кафан қилиб, от қўюб, жаноза ўқумай кўмсун. Агар тирик тушиб сўнг ўлса, кафан ва жаноза қилиб, от қўюб кўмсун.

Хотун эрини ювсун, деб илгари айтилди. Эркакни эркак ювғони яхшидур, «Шарҳи «Аврод»да шулдур. «Фатовойи «Қозихон»да айтур: «Хотун аъзоси дуруст бўлмағонни ташласа (чала туғса), мухтор ривоятда ювсун». «Янобеъ»да «Зиёдат»дин нақл қилур: «Агар ақли бор бола ўлса, болиғдек (балоғатга етган кишидек, таҳорат қилдириб)) ювсун, беақл бўлса таҳоратсиз ювсун».

Агар мурда сувға тушса ё ёмғир ёғса, ё дарёдин олса, яна уч марта ювсун. Имом Муҳаммад айдилар: «Сувдан чиқарурда ювмоқни ният қилсун, сўнг икки марта ювса бўлур. Ният қилмаса, уч марта ювсун».

Юварда мурда ҳол тили бирла шундай дегай: «Эй биродарлар! Мен сизлардек тару тоза эрдим. Аёл ва фарзандлар фикрида тараддудлар қилдим. Ҳоло, мундоғ бечора ва хароб бўлдум. Нозик йўлға борурмен, қоронғу уйга кирамен. Бу ҳама мунда қолур. Воқиф ва огоҳ бўлинглар, мендек бўлмасдин бурун ибрат олиб, ширин жонни фикрини қилинглар!»

МУРДА (ЎЛИК)НИ КАФАНЛАШ ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ

«Ҳидоя»да айтур: «Эркак ўлса уч қабат кафан қилмоқ керак: «Бири изор, бири лифофа ва яна бири қамис». Расули Худо андоғ қилиб эрдилар, зероки тирик вақтда оқ (либос)ни кўп кияр эдилар. Мурдага ҳам оқ (кафан) қилсун. Икки қават қилса ҳам кифоядур: изор ва лифофа. Аммо уч кафан суннатдур: изор, лифофа ва қамис.

Лифофанинг узунлиғи бошдин оёққача, қамис гардан (бўйин)дин қадамғача. Ҳар вақтки кафанга ўраса аввал чап тарафидин ўрагай. Аввал қамисга солсун, андин сўнг изорға, андин сўнг лифофага солиб, чап тарафидан ўрасун. Агар очилур деб гумон қилса, боғласун.

Хотунни кафани бешдур: қамис, лифофа, сийнабанд, химор, хирқа. Лифофа ва изорнинг ҳадди эркаклар кафанида айтилди. Химорнинг узунлиғи икки газдур, эни бир қарич. Хирқанинг узунлиғи уч газ, эни қўлтиқ остидан тиззагача. Агар мундин зиёда ва кам қилса зулм ва таъаддий бўлғай. Хотунга уч кафан қилса ҳам кифоя қилур, аммо беш кафан суннатдур. Уч кафан қилса изор, лифофа ва химор қил-

ғай. Хотунға учдин, эркакка бирдин кам кафан қилмасун, магар зарурат бўлса топқонин қилсун.

Хотунни аввал қамисга солсун, сочини шу қамиснинг устидан солсун. Сўнг химорни, андин сўнг лифофани, андин сўнг изорни ўрасун. Буларнинг устидан қўлтиғини остидан то тиззасиғача хирқани ўрағай, токи кафанлари очилмағай. Аммо мурдани ювганда авратпўшининг узунлиги бир ярим газ, эни икки газ бўлсун. «Кофий»да айтур: «Кўйлаги яқосиз, енгсиз ва ёнсиз бўлур». Кафанга солмасидан бурун кафанни хушбўй қилсун. Хушбўй суртишни тоқ қилғай. Расули Худо айдилар: **«Варас (сариқ рангли хушбўй дарахт) ва заъфарондин ўзга ҳар нимарса хушбўй бўлса, қилса бўлур».**

Мурдани кафан қилғондин кейин кафанни ўғри олса, ул мурда бузулмағон бўлса, мурданинг ўз молидин кафан қилғай. Агар моли тақсим қилинғон бўлса, ворислари кафан қилғай. «Мухтасар»да айтур: «Эркакка салла қилмоқ мустаҳабдур». «Абулмакорим»да айтур: «Ўлукни салласини фашини юзидин қўйсун».

Хотуннинг кафанини эри қилсун, агарчи (хотиннинг) ўз молидан бўлса ҳам. Агар моли бўлмаса, ул хотуннинг нафақаси кимга вожиб бўлса, ул қилсун. Ул ҳам бўлмаса бир одам Худо учун қилсун.

ЖАНОЗА НАМОЗИ ВА УНИНГ ҲУКМИ

«Кофий»да айтур: «Мурдага жаноза ўқумоқ фарзи кифоядур». Ул мурда мусулмон бўлса Худо ва Расули Худонинг сўзи бирла уламолар фарзи кифоялиғин иттифоқ қилибдурлар, яъни бир жамоа одамдин бир киши ўқуса, алар (қолганлар)ни гарданидин со-

қит бўлур. Ювгандин сўнг анга намоз дуруст бўлур. Агар ювмай жаноза ўқуса, ювуб қайтадин ўқусун. «Салоти Масъудий»да айтур: «Мурдани тобутга солса бошин илгари солсун, жойиға элтса, оёғин илгари чиқарсун». «Жим»га зер қилиб («жиноза» деб) тобутни айтур, «жим»га забар қилиб («жаноза» деб) мурдани айтур. «Хулоса»да айтур: «Хотунлар жинозани сўнгидан чиқмасун, қаттиқ йиғламасун, ёмондур». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Йиғламоқ ҳаромдур. Йиғлағувчини эшитиб турганлар Худонинг лаънатига гирифтор бўлғай. Яна овоз чиқармай йиғласа раводур, зероки Расули Худо ўғулларига кўз ёши қилиб эрдилар». «Ширъат ул-ислом»да айтур: «Соч ва яқо йиртиб, ўзин урмоқ замони жоҳилиятда расм эрди». Яна ул китобда айтур: «Мусибат вақтида ёниға урса савоби куяр».

Расул алайҳиссалом айдилар: «Ўлукка жаноза ўқуса андоғ ўқусунки, аввал ният қилиб, аввалги такбирни айтсун. Андин сўнг сано айтсун, сўнг яна такбир айтсун, сўнг Расули Худога салавот айтсун, сўнг яна такбир айтсун, кейин ўзига, ўлукка, барча мусулмонлар ҳаққига дуо қилсун, сўнг яна такбир айтиб салом берсун. Аввалги такбирдин ўзга такбирда қўл кўтармасун». «Фатовойи Кофий»да айтур: «Жанозада бу дуони ўқусун, жамиъи китобларда машҳурдур:

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِحَيِّنَا وَ مَيِّتِنَا وَ شَاهِدِنَا وَ غَائِبِنَا وَ صَغِيرِنَا وَ

كَبِيرِنَا وَ ذَكَرِنَا وَ أُنْثَانَا اللَّهُمَّ مَنْ أَحْيَيْتَهُ مِنَّا فَأَحْيِهِ

عَلَى الْإِسْلَامِ وَ مَنْ تَوَفَّيْتَهُ مِنَّا فَتَوَفَّهُ عَلَى الْإِيمَانِ

(Парвардигоро! Бизнинг тиригу ўликларимизни, ҳозиру ғойибларимизни, каттаю кичигимизни ҳамда эркагу аёлимизни (гуноҳларини) мағфират этгин. Эй Аллоҳ! Агар биздан бирортамизни яшатадиган бўлсанг, уни исломда яшатгин. Жонини оладиган бўлсанг, иймони билан олгин)».

Расул алайҳиссалом айдилар: «Бул дуони билмаса намоздан сўнг ўқур дуони ўқуса бўлур. Ул дуо ушбудур:

اللَّهُمَّ إِغْفِرْ لِي وَ لِوَلِدَيَّ وَ لِجَمِيعِ الْمُؤْمِنِينَ وَ الْمُؤْمِنَاتِ وَ

الْمُسْلِمِينَ وَ الْمُسْلِمَاتِ اَلْأَحْيَاءِ مِنْهُمْ وَ الْأَمْوَاتِ

(Парвардигоро, мени, ота-онамни ва барча мўмин ва мўминаларни, муслим ва муслималарни, уларнинг ҳаёт бўлганларини ҳам, вафот этганларини ҳам мағфират қилгин)».

«Абулмакорим»да айтур: «Ўзи билган дуони ўқусун». Аммо норасидани дуосида ярлақамоқ тиламасун (яъни ёш боланинг гуноҳларини мағфират қилишни Худодан сўрамасин, зероки бола гуноҳдан покдир)». Агар ўғул бўлса, бу дуони ўқусун:

اللَّهُمَّ إِجْعَلْهُ لَنَا اَجْراً وَ فَرطـًا وَ ذُخْراً وَ شَافِعاً وَ مُشَفَّعاً

(Эй Аллоҳ! Уни биз учун (охиратдаги) ажр, захира ҳамда дуоси ижобат бўладиган (шафоатчи) шафеъ қилгин).

Агар қиз бўлса, буни ўқусун:

اللَّهُمَّ إِجْعَلْهَا لَنَا اَجْراً وَ فَرطاً وَ ذُخْراً وَ شَافِعَةً وَ مُشَفَّعَةً

(Маъноси юқоридаги билан бир хил).

«Ҳидоя»да ва «Кофий»да айтур: «Масбуқ баъзи

такбирни топмаса, имом такбир айтгунча интизор бўлуб турсун, сўнг имом бирла айтсун, Имом Муҳаммад ва Имом Аъзам олдида. Ҳар вақт имом салом берса, боқий (қолган) такбирларни айтсун. Жинозани кўтармасдин бурун такбирларни тамом қилсун». Имом Абу Юсуф олдида интизор бўлмасун. Ул икки имомнинг важҳларини «Кофий»да айтур: «Жанозани ҳар такбири бир ракатдур. Бу тўрт такбирдин бири қолса, намози дуруст бўлмас. Агар киши бир ракатдин қолса, ул бирла ўқур. «Абулмакорим»да айтур: «Жанозани тўрт такбириға етмаса, ул икки имом олдида қолғони бўлур, Имом Абу Юсуф наздида (масбуқ) аввалғи такбирни айтса, имом салом бергандин сўнг бу қолган уч такбирни айтсун, ҳеч нимарсани ўқумасун. Фатво мунгадур.

Жанозада икки тарафга салом бергай, аммо овозини чиқармасун. Агар имом саҳв бирла такбирни бешта айтса, муқтадий табъият қилмасун (имомга эргашиб бешинчи такбирни айтмасин). Аммо имом салом бергунча таваққуф қилсун (кутсин). Мунга фатводур.

Имом жанозани сийнасига баробар турсун, мурда хоҳ эркак ва хоҳ хотун бўлсун. Яна бир ривоятда бизни имомлар дебдурларки, мурда эркак бўлса имом унинг боши рўбарўсида, хотун бўлса сийнаси баробарида турсун. Бу ривоят Имом Шофеъийнинг наздида. Мухтор ривоят аввалғисидур.

«Аттобийя»да айтур: «Жанозада одам қанча кўп бўлса шунча афзалдур. Имомдин ўзга олти одам бўлса, учтаси имомнинг орқасида бир саф бўлсун. Иккиси уларнинг кейнидан бир саф бўлсун. Бири охирида бир саф боғласун». «Абулмакорим»да айтур: «Жа-

нозаға имом бўлмоққа подшоҳ афзалдур, сўнг қози, сўнг маҳалла имоми афзал (ҳақли). Булардин кейин мурдани валийси, яъни отаси, ўғли ва иниси (акаукаси) афзал (ҳақли)дур». Бу масалалар «Ҳидоя»да бордур. Бизни имомлар (шуни) ахз қилибдурлар (яъни олибдилар).

Шаҳ Ҳусайн «Жомеъ ул-басотин»да айтур: «Қози, маҳаллани имоми валийдан афзалдур». «Хулоса»да ҳам шулдур. Бир қул ўлса, унинг отаси ва хожаси бўлса, хожанинг имом бўлмоғи афзалдур. Агар ҳоким, қози ё валий бировга изн берса, раводур. «Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Валийдан беизн жаноза ўқуса валий иода қилса (қайта ўқиса) бўлур, агар валий жаноза ўқуса, ўзгалар иода қилолмас».

«Шарҳи «Аврод»да айтур: «Валийдан беизн ўқуса, валий имомга мутобаат қилса, ани иода қилолмагай, магар валий маҳалла имомидин (динда) фозил бўлса, иода қилгай». «Абулмакорим»да айтур: «Ўлукни ювгандин сўнг жаноза ўқумай кўмган бўлса, агар (ўлукни) пора бўлмаган (шишиб ёрилмаган) деб гумон қилса, гўрига жаноза ўқусун». Пора бўлурнинг муддати уч кеча-кундуздур. Лекин ибрат одамни ўз кўнглигадур. Саҳиҳ қавл шулдур.

Агар туфроқ тўкмаган бўлса, гўрдин чиқариб ўқусун. Агар ўлукни ювмай кўмса, гўрни оғзиға кесак термаган бўлса, чиқариб, ювиб жаноза ўқусун. Агар маҳкам қилғон (яъни кўмган) бўлса, баъзиларнинг наздида жаноза ўқусун. Баъзиларнинг наздида ўқумасун. Ва агар ўлук «Фалон одам мени жанозамни ўқусун», деб васият қилса, мундоғ васият ботилдур. Фатво мунгадур.

Агар жанозани маркабни устида қўйса жоиз эмас,

истеҳсон ривоятда. Агар жамоатлик масжидда жаноза ўқуса, хоҳ қавм ташқарида ва хоҳ ичкарида бўлсун, макруҳдур. Бу ривоят «Қозихон»дадур. Агар ўлук масжид ичкарисида, имом ташқарида ва қавмнинг баъзиси масжидда бўлса ҳам макруҳдур. «Абулмакорим»да Имом Шаҳ Ҳусайндин «Макруҳ эмас», деб нақл қилур. Яна «Шарҳи «Аврод»да «Захийра»дин нақл қилур: «(Жанозани) туруб ўқурға қуввати етса, ўлтуруб ўқуса раво бўлмас». «Сирожийя»да айтур: «(Ўлук) маркабда ё бир одамнинг қўлида бўлса, жаноза ўқумоқ раво бўлмас». Фатво мунгадур. «Фатовойи ҳужжа»да айтур: «Намози шом вақтда жаноза тайёр бўлса, намоз (шом) ўқумай жаноза ўқуса, макруҳ бўлур». «Хулоса»да айтур: Намози шомда жаноза ҳозир бўлса аввал намози шомнинг фарзини ўқусун, сўнг жаноза, сўнг суннатини ўқусун». «Шарҳи «Аврод»да «Кабирий»дин нақл қилур: «Жанозадин сўнг дуоға овора бўлмасун». «Захийра»да айтур: «Салавотни, дуони ва санони жаҳр ўқумасун, булар зикрдур, зикрни паст айтмоқ авлодур».

Жанозани таъхир қилмоқ (кечиктирмоқ) макруҳдур, «Зиёдот»да битибдур: «Мурдаларни жам қилиб турса, хоҳ битта-битта жаноза ўқуса, хоҳ ҳаммасига бир ўқуса жойиздур. Лекин ҳаммасиға бир ўқур бўлса, эркак мурдани олдиға қўйсун, сўнг (ўғул) болаларни қўйсун. Қатор бир саф қилса ҳам бўлур».

«Фатовойи ҳужжа»да айтур: «Жанозада агар киши дуо билмаса, такбир айтса ҳам бўлур». «Захийра»да айтур: «Агар ўлукнинг боши бўлмаса ва яна ярмидан озроғи бўлса, жаноза ўқуб бўлмас. Агар боши бўлса, ўқуб бўлур. Агар бошдин аёғи тенг бўлунуб, ярми бўлса, бир тарафда ярим бош (бошнинг

ярми) бўлса, ювмасун. Жаноза ўқумасун. Агар ёлғуз бош бўлса ҳам ҳукм шулдур. Ва агар боши бўлмай, жамиъи бадани бўлса, жаноза ўқусун». «Таҳовий»да айтур: «Баданни кўпроғи ё ярим боши бўлса, ювуб, жаноза ўқусун, кафан қилсун. Агар мурдани нисфи (ярми) бўлса, хирқага ўрасун, ювмай ва намоз қилмай кўмсун».

Агар кофирнинг норасида боласи ота-онаси бирла (ё биттаси билан) асир бўлуб, ислом диёрида бола ўлса, «Ҳидоя»да жаноза ўқумасун, магар ул оқил бўлуб, динга иқрор бўлса (исломга кирса) ё онаси иймон келтурса, жаноза ўқуса бўлур, дебдур. Аммо ота-онаси (ё икковидан бири) асир бўлмаса, (болага) жаноза ўқуса бўлур.

Агар кофир ўлса, валийси мусулмон бўлса, ювуб, кафанлаб кўмсун. Ювганда (ўлукнинг) ўз кийими бирла ювсун. Гўрини бир чуқур қилиб, риоясиз ташласун. Кафанини, гўрини суннатга мувофиқ қилмасун.

ТОБУТНИ ҚАБРИСТОНГА КЎТАРИБ БОРИШ

Ҳар вақтки, мусулмонга жаноза ўқусалар, сўнг тўрт киши (тобутни) кўтарсун. Гўрга олиб борурда бу одамни жони узоқдин назар қилиб турғай ва: «Эй ёмон нафс! Менга ва ўзунгга охир ҳол мундоғ эрди. Худони амриға амал қилмадинг. Онча ҳаракатни дунё ва аҳли аёл учун қилдинг, номуродликдин бандаликни бажо қилмадинг. Эмди боргоҳи Худоға (Худони ҳузурига) на юз бирла борурсан ва бу қоронғу гўрда фаришталарга на жавоб берурсен», деб ғамгин бўлуб йиғлағай. Жон афғонда, нафс озурда бўлғай.

Одамизод мундин ғофилдурлар. Ҳар мўминнинг ақли бўлса, мундоғ ишларни борин билсун ва буларга воқиф бўлуб, ўз вақтини қўлдин бермасун. Агар умри Худо талабинда бўлмаса, ани умр дема. Андоғ умрдин ҳайвоннинг умри яхшидур.

Жанозадин сўнг тобутни тўрт одам кўтарсун. Ул вақтда жамоатнинг кўп бўлмоғи яхшидур. Мурдани тез-тез олиб борсун, аммо йўртмасун. То ерга қўйғунча ўлтурмасун. Агар ерга қўймай ўлтурса, гуноҳкор бўлур. «Ҳидоя»да макруҳ, дебдур. Жинозани шундоғ кўтармоқ керакким, аввал ўнг елкасига тобутнинг олдини қўйсун. Ўн қадам юрсун. Сўнг чап елкасига олиб, ўн қадам юрсун. Сўнг ўнг елкасига тобутнинг орқа томонини олиб ўн қадам юрсун, сўнг тобутни бу тарафини чап елкасига олиб, ўн қадам юрсун.

Ҳар вақтки навбат бирла кўтариб борса, «Шарҳи «Аврод»да «Таҳовий»дин нақл қилур: «Мурдани элтар йўлға бошини қилсун (боши олд томонда бўлсин). Мурдани маркабға ортмоқ макруҳдур». «Мифтоҳ»да айтур: «Бир мусулмон жанозани кўтарса, ҳар қадамини ризойи Ҳақ учун қўйса, Худо ҳар қадамиға бир гуноҳи кабирани бағишлағай». «Янобеъ»да айтур: «Ўлук сут эмар бола бўлса, икки қўлда кўтариб борса зарар қилмас». «Захийра»да Ибн Масъуддан нақл қилур: «Жанозанинг орқасидин пиёда юрмоқ олдида юргандин яхшидур». «Хонийя»да айтур: «Сувора (отлиқ) юрса ҳам раводур, аммо пиёда юрган авлодур. Аммо сувора жанозадин илгари юрса макруҳдур». «Ширъат ул-ислом»да айтур: «Жанозада ҳеч вақт кулмасун, дунёдин сўзламасун, зероки бу ибратдур». «Таҳовий»да айтур: «Жинозани элтарда

Қуръонни баланд ўқуса макруҳ, яна аҳли китобға ўхшар (аҳли китобға ўхшаб қолади)». «Қозихон»да айтур: «Жинозани кўрса, жойидан турсун». Жинозани маркабга ортмоқ, узоқ ер бўлса, зарар қилмас, аммо яқин бўлса, макруҳ бўлур».

МУРДАНИ ДАФН ЭТМОҚ

«Кофий»да айтур: «Бизни имомлар наздида дафннинг суннати лаҳаддур, аммо ер суст (юмшоқ) ва мулойим бўлса, шақ (лаҳадсиз, ёрма) қилса дурустдур. Қиблани тарафидан қозғонни «лаҳад» дерлар». Имом Шофеъийнинг наздида шақ (ёрма) қилмоқ дурустдур. Имом Шофеъий айдилар: «Мурдани қабрга бошдин қўюб, гўрга қўйғувчи бошдин қабрга тортиб киргузсун». Ва яна Имом Шофеъийнинг наздида мурданинг бошин жануб тарафига қўйсун. «Шамсуддин»да: «Мурдани оёғидин тортиб қабрга қўйсун», дебдур.

«Салоти Масъудий»да Шамс ул-аимма қавлин бизни имомлар(нинг ҳам) қавли дебдур. «Шарҳи «Аврод»да, «Фатовойи ҳужжа»да нақл қилур: «Қабрни узунлиғи бир одам бўйича, эни ани ярмича бўлсун», дебдур. Чуқурлиги (одамнинг) киндигича бўлсун. Баъзилар бўйниғача бўлсун, дебдурлар. Қўйғувчи хоҳ жуфт ва хоҳ тоқ бўлсун (бир киши қўйса ҳам, икки киши қўйса ҳам), «Мифтоҳ»да жоиз, дебдур. Лекин солиҳ одам ё хеши (қариндоши) қўймоғи яхшидур. Хотунни маҳрами қўйсун. Агар маҳрами бўлмаса солиҳ одам қўйсун. Хотунни хотун қўймасун, зероки тарки суннат бўлур. «Шарҳи «Аврод»да «Баёни аҳком»дан нақл қилур: «Агар маҳрами бўлмаса қари солиҳ (киши) қўйсун. Қари солиҳ бўлмаса, йигит

солиҳ қўйсун». «Ҳидоя»да айтур: «Мурдани қўйғувчи «Бисмиллаҳи ва ала миллати Расулиллаҳи» десун, (кафаннинг) тугунларини ечиб қўйсун, юзини қиблага қилсун. Хотунни қўярда жиноза устига парда тутсун. Лаҳадга кесак тергунча ани (ҳеч ким) кўрмасун. Аммо қўйғанда парда қилмасун. Хишти пухта (пишиқ ғишт) ва чўп (тахта, ёғоч) бирла қилмасун. Хишти хом (хом ғишт) бирла қилмоқ Пайғамбар алайҳиссаломдин суннатдур. «Жомеъ ус-сағирхон»да айтур: «Қамиш бирла (лаҳад оғзини) маҳкам қилса зарар қилмас. Хишти хом ва қамиш бирла мустаҳабдур, зероки Равзаи Мутаҳҳарада (Пайғамбар алайҳиссалом қабрида) бордур. Уламолар айтурлар: «Бир боғ қамишни анда қўйсун. Ҳар вақт лаҳадни маҳкам қилса (лаҳаднинг оғзини ёпгач) туфроқ тўккайлар. Қабрнинг сувратин теванинг ўркачидек қилсун. Мундоқ қилмоқ Меҳтари олам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидур. Қабрни тўрт бурчак қилмоқни наҳйи дебдур. «Хулоса»да, «Қозихон»да айтур: «Қабрнинг баландлиғи бир қарич ё зиёда бўлсун». Ва яна қабрга гач (ганж-нақш) қилмоқ мандур. «Абулмакорим»да «Изоҳ»дин ва «Туҳфа»дин нақл қилур: «Қабрнинг бошиға том қилмоқ ё бир (ҳашаматли) нишона қилмоқ макруҳдур». Имом Абу Юсуф олдида хат битмак макруҳдур. «Хулоса»да айтур: «Қабрни лой бирла шувамоқ макруҳдур». Лекин «Музмарот»да айтур: «Макруҳ эмас».

Одам қайси ерда ўлса ул ерга кўммак мустаҳабдур. Имом Муҳаммад бир ерда ўлуб, яна бир жойга олиб борса, икки мил бўлса зарар қилмас, зиёда бўлса, макруҳ бўлур, дебдур. Шайх ул-ислом айтурлар: «Агар шаҳардин шаҳарга элтса, ғарази бўлмаса,

макруҳ бўлмас». «Уюн»да айтур: «Бир ерга элтса, макруҳ эмас». «Бурҳонийя»да айтур: «Макруҳдур, зероки таъхири дафн (дафнни кечиктириш) бўлур». Ва агар тошга бир нимарсани битиб (қабрга) қўйса, баъзилар олдида зарар қилмас. Агар бўрёни ичинда бурдий бўлса, қабрга қўйса, «Шарҳи «Аврод»да ва «Муҳит»да айтур: «Макруҳдур». Ва агар бир қисм туфроқ олиб, оятлардин ўқуб, мурданинг устиға ташласа, мурдаға натижа бергай, ўқуғувчиға афзалдур. «Салоти Масъудий»да айтур: «Мурдага ул туфроғни сонича яхшилиқ бергай». Ва яна ўлукни ўз ҳовлисиға кўммак макруҳдур, агарчи кичик бўлса ҳам. «Баёни аҳком»да айтур: «Ўлукни бекафан кўмса, қабрдин чиқариб кафан қилмасун». «Кабир»да айтур: «Кўмган мурдани (қабрдан) чиқармоқ ярамас, магар узри бўлса дурустдур». Агар (қабр учун) ерни зўр бирла олғон бўлса, чиқарса бўлур. Ва ё шуфъат даъво қилса, шафиъ учун олғон бўлса, (ўлукни қабрдан) чиқарса бўлур. «Шарҳи «Аврод»да «Кабирий»дин айтур: «Ўлукка дуо қилса ё ош берса, Худованди таоло даргоҳида табақларда тўла нур бўлур, ул мурдага боргай».

Эй азиз! Бу ўлум одамни ажаб ҳолға солар. Ул танҳо қоронғу гўрга киргизгай. Ёр-жўра, бола-чақадин ғариб бўлғай. Ва тақи хокка (тупроққа) ўлукни жо қилғоч, ҳар қайси бир тарафға кетарлар. (Ўлук) бечора бўлғай, мўрча (чумоли)нинг дафъига (ҳам) қуввати келмас. Бисёр пушаймонлар қилса фойда қилмас. Ва ул ҳолда қабр ёрилғай, икки фаришта келгай, қўлларида ўтлуғ гурзи, ранглари қаро, кўзлари кўк. Сўзласа оғизларидин ўт чиқар. Агар бу сифат бирла кирса, сийналар пора-пора бўлур. Улар

Мункар, Накирдур. Худони фармони бирла келгай. Худони ва Расулни сўргай ва Пайғамбари Худони ҳамроҳ олиб келгай. Айғайлар: «Сен бу кишини (бу киши ҳақида) нима дерсан?». Агар иймони бўлмаса айғайки: «Мен ҳайронман. Бундоғ кишини танимасман». Гурзи бирла урғайлар. Ул бечора наъра урғай. Ул наърани инсу жиндин ўзга жондор эшиттай. То Қиёматғача ул уқубатға гирифтордур. Аммо мўминлардин меҳрибонлиқ бирла савол қилғайлар: «Бу одамни ҳақиға нима дерсан?» — деб. Ул банда айтур: «Бу бандаи Худо (Худонинг бандаси)дур ва Муҳаммад алайҳиссаломдурлар». Ер анда (унинг) гўрини кенг қилғай, ҳар тарафи етмиш газ бўлғай, (қабри) пурнур (нурли) бўлғай. Фаришталар айғай: «Эмди янғи уйлангандек ётқил». (Гўрига) жаннатдин дарича очур. Тириклиқдаги завқи ёдидан чиқар.

ШАҲИДЛИК ҲУКМИ

«Мухтасари виқоя»да айтур: «Шаҳид улки, мусулмон, болиғ бўлса, тез (ўткир) нимарсалар бирла ўлса, жанобат (нопок) бўлмаса, ўлмаги бирла мол вожиб бўлмаса (хун олинмаса), иртисос элтмай ўлса, бу суратда шаҳидни ювмагай». Либоси кафанидур. Жаноза ўқуғайлар. Агар урушда жароҳатлиғ ўлукни топса, бу ҳам шаҳиди аълодур. Намоз ўқуб, кўмар. Шаҳарда ўлукни топса, ким ўлдурганини билмаса, ювсун. Жароҳат бўлғондин кейин иртисос элтса, яъни ухласа ва ё бир нимарса еса-ичса ва ё маърака (жанг майдони)дан нақл қилса (олиб чиқса), ё жароҳатиға илож қилса, ё васият қилса, ва ё ани бир чодирга олиб борсалар ва ё бир вақти намоз миқдо-

рича ақли ўзига келса, буларнинг ҳаммасини ювсун ва намоз қилсун. Шаҳ Ҳусайн «Жомеъ ул-басотин»да айтур: «Агар маърака (жанг майдони)дин нақл қилиб, хоҳ манзилда ўлсун, хоҳ одамлар қўлида ўлсун, иртисос дерлар».

Агар урушда жароҳат бўлса, ани одамлар қўшға элтса, қўшда ўлса, шаҳиддур. Урушда (уруш пайти тирик) турса, агар уруш ўтгандин (тамом бўлгандин) сўнг ўлса, иртисос бўлур. «Абдул Али»да Шамс ул-аиммадин нақл қилур: «Мусулмон аҳли ўлдурса ё боғийлар ўлдурса, ё ўғри ўлдурса ювмасун». «Абулмакорим»да айтур: «Кўп сўзласа ва ё васият қилса, уламолар иртисос бўлмас, дебдурлар». Агар дунёдин васият қилса, ижмоъ бирла ювгай. Агар биёбонда бир ўлукни топса, ани яқинида иморат бўлмаса, ўлукни ювмасун. Агар шаҳарда биров ўлдурулса, қотили маълум бўлмаса, шаҳид эмасдур, қотили маълум бўлса, шаҳид бўлур.

Боғий (подшоҳга итоат қилмаган)ларни ё ўғрилар ўлдурулса, ювуб кўмсун, жаноза ўқумасун. Агар боғий ё ўғри урушдан сўнг ўлса, жаноза ўқусун.

Мусулмон одам ўзини ўзи ўлдурса, жаноза ўқурму ё йўқму? Али Саъдий айтур: «Мени олдимда асаҳҳи шулки, намоз ўқумасун». Бу сўзга Имом Марғилоний фатво берибдур. «Шарҳи «Аврод»да «Мифтоҳ»дин нақл қилур, Имом Ҳужжадин нақл: «Анга намоз ўқусун». Бу сўз саҳиҳ дебдурлар. Ва агар ота-онасини ўлдурган киши ўлса, «Жавомеъ»да айтур: «Анга намоз ўқумасунлар». Бу сўз саҳиҳдур, зероки (бу) иҳонат (хорлаш) учундур. «Захийра»да айтур: «Агар киши ўзини хато бирла ўлдурса, масалан, душманга урган қиличи баногоҳ ўзига тегса, иттифоқ бирла

ювуб, жаноза ўқусун. «Жомеъ ус-сағирхон»да айтур: «Агар кишини бўри ё шер ўлдурса ё сувға ғарқ бўлса, ё ўтға куйса ва ё томни остида қолиб ўлса ва ё қасос учун ўлдурулса, ювуб, жаноза ўқусун». «Фатовойи кофий»да айтур: «Ҳар ким иртисос этса ҳам шаҳид савобин топар, зероки ани ҳам шаҳид дерлар, андак фарқ бордур — юварлар». Ва яна ғарқ бўлғон, куйган ва дарди шикам (қорин оғриғи)дан ўлганлар ҳам шаҳид ҳукминда бўлурлар.

Ҳар киши ўлса, ани ўлук деманглар. **Агар киши ғариб бўлуб ўлса, Расули Худо сўзлари бирла шаҳид бўлур.** Ани ажрининг барини айтиб адо этиб бўлмас.

ҚАБР ЗИЁРАТИ БАЁНИ

«Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар киши зиёратға борса, уйдин чиқмасдин бурун мустаҳабдурки, икки ракат намоз ўқусун. Аввалғи ракатға «Алҳамду» бирла «Оятал Курсий»ни ўқусун. Иккинчи ракатға «Алҳамду» бирла «Ихлос» сурасини уч мартаба ўқусун. Бу намознинг савобин ул мурдага бағишласун. Худованди таоло ул мурдани қабриға раҳмат қилғай, ўқуғувчиға ҳам Вожиб таоло ўз карамидин савоблар бергай. Зиёратға деб йўлға кирса бемаъни нимарсага машғул бўлмасун. Ҳар вақтки қабрға етса, кафшини чиқарсун (ечсун).

Бир куни Расули Худо бир одамни кўрдилар мазорлар орасида кафши бирла юрар. **Меҳтари олам: «Кафшингни аёғингдин чиқар», деб буюрдилар.** Ҳар вақт қабрга борса қиблага орқасини қилиб уро (тик) турсун, юзин ўлукка қилсун. Агар мусулмон

бўлса бу лафз бирла салом берсун: **«Ассалому алайкум, ё аҳлал қубури антум лано салафун ва наҳну бил осорикум табаъун ва инно иншаАллоҳу бикум лоҳиқун».**

اَلسَّلاَمُ عَلَيْكُمْ يَا اَهْلَ الْقُبُورِ أَنْتُمْ لَنَا سَلَفٌ وَ نَحْنُ

بِالْأَثَارِ كُمْ تَبَعٌ وَ إِنَّا إِنْ شَاءَ اللَّهُ بِكُمْ لاَحِقُونَ

(Ассалому алайкум, эй қабр аҳли! Сизлар бизга салафсизлар (яъни биздан олдин ўтдингизлар). Бизлар сизлардан кейинмиз. Ва биз ҳам, Худо хоҳласа, Сизларга етамиз).

Агар қабрда шаҳидлар бўлса бу лафз бирла салом бергай:

سَلاَمٌ عَلَيْكُم بِمَا صَبَرْتُمْ فَنِعْمَ عُقْبَى الدَّارِ

«Сабр қилган нарсаларинг туфайли сизларга саломатлик бўлсин! Охират диёри нақадар яхши!» («Раъд» сураси, 24-оят).

Ва агар (мусулмон ва) кофирлар қабри аралаш бўлса, мундоғ салом берсун: «Ассалому алайкум ала аҳли «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ». **(Ассалому алайкум, эй «Ла илаҳа иллоллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ» калимасининг аҳли!**)

Агар савобни беҳисоб олай десанг «Алҳамду»ни бир марта, «Оятал курсий»ни бир марта ўқуб, савобини мурдага бағишла. Анга ваъдалар кўпдур. Қабрнинг ҳаммаси нур бўлур. Ўқиғувчи ҳам кўп савоб топар.

Зиёрат бу тариқадурки, «Алҳамду»ни бир мартаба, «Оятал Курсий»ни бир мартаба, сураи «Зилзила»ни бир мартаба, «Алҳакумут-такосур»ни бир

мартаба, сураи «Ихлос»ни бир мартаба ўқусун, аммо ўн мартаба ўқуса яхшироқдур. Худойи таоло ҳар ҳарфиға бир савоб ато қилғай. Яна Расули Худо ваъдалар қилибдурлар. Агар хоҳласа сураи «Таборак»ни ё «Ҳазрати Ёсин»ни ўқуса, бисёр савоблар ҳосил бўлур. Ва агар ҳар (қандай) сурани ўқуса ҳам савоб топар. Яна қабрга борғонда «Бисмиллоҳи ала миллати Расулиллаҳи» деса гўрнинг қоронғулиғи кўтарилгай.

«Шарҳи «Аврод»да айтур: «Ота-она қабрини ўпса бўлур». Аммо «Қиннийя»да айтур: «Қабрни масҳ қилмоқ (силамоқ) ва ўпмоқ мандур. Бу феълни насронийга монанд дебдурлар».

Эй Парвардигори олам! Фойдалик илмларни мен бечорага билдур ва жаҳлдин узоқ қил, ғуборни кўнгул оинасидин кўтарғил. Менга илмул яқийнни ато қилғил. Агар Сен қўлумни олмасанг карвондин ажраб қолурман. Ҳар тарафдин душманлар йўл топиб, ҳалок қилур. Агар меҳрибонлигинг рафиқ бўлмаса, юз жон бўлса (ҳам) омон топмас. Ҳасрат биёбониға тушубмен, раҳмат суйини бир қатра оғзимға томуз, яхшилар юзун кўргуз, токи алар бирла ризо мақомиға борай. Мени талабимни Ўзинг яхши билурсен!

ЗАКОТ КИТОБИ

ЗАКОТ МАСАЛАЛАРИ БАЁНИ

Ҳар кишига закот вожиб бўлса закот бермаги фарздур, башартики мусулмон ва болиғ ва мулки том бўлса ва моли нисобга етса зиёда бўлса танга ва тилло бирла ё ўтламоқ бирла андин бир йил ўтса ва ҳожати аслиядин зиёда бўлса, қарздин ҳам зиёда бўлса. Бу шартлар бирла закот фарз бўлур. Аммо мукотаб ва норасидаларга закот вожиб эрмас.

Неча йил моли кўмулуб, бехабар бўлса, ўтган кунлари учун закот лозим бўлмас. Агар биров (ўз) молиға мункир бўлса (яъни закот бермаслик учун ўз молидан тонса), ё зўрлиқ бирла биров олса, ё (бир) неча йил (мол) йўқолса, сўнг топилса, ўтган йиллар учун вожиб бўлмас. Аммо закот берурда ё жудо қилурда (молни закот учун ажратган пайтда «закот учун» деб) ният қилмоқ лозимдур. Аммо ҳамма молини садақа қилса, ният фарз эмас.

ТЕВА (ТУЯ)НИНГ НИСОБИ

Тевани нисоби бешдур. Агар бешдин кам бўлса закот вожиб бўлмас. Агар бешга етса бир қўй вожиб бўлур, то ўнтаға етгунча. Ўнға еттач, то ўн тўртға етгунча икки қўй вожиб бўлур. Ўн бешдин ўн тўққузғача уч қўй вожиб бўлур. Йигирмадин йигирма тўртгача тўрт қўй вожиб бўлур. Йигирма бешдин ўттуз бешғача битта бинти махоз (икки яшар урғочи туя) вожиб бўлур. Ўттуз олтидан то қирқ бешғача битта бинти лабуна (уч ёшга кирган урғочи туя) вожиб бўлур. Қирқ олтиға еттач, то олтмишғача бир ҳуққа (уч ёшдин тўрт ёшға қадам қўйган бир урғочи) туя вожиб

бўлур. Олтмиш бирга (еттач) бир жизъа (тўрт ёшдин беш ёшга қадам қўйган бир урғочи туя) вожиб бўлур. Етмиш олти(та туя)га икки яшар(лик) икки туя (бериш) вожиб бўлур, то тўқсонгача. Тўқсондин то бир юз йигирмага қадар иккита ҳуққа бермоқ вожиб бўлур. Сўнг ҳар беш (та туя)га бир қўй лозим бўлур. (Туялар сони) юз эллик бўлса, учта ҳуққа бермоқ вожиб бўлур. Сўнг аввалгидек ҳисоб қилур.

СИГИР (МОЛ)НИНГ НИСОБИ

Сигирнинг нисоби ўттуздур. Ўттизта бўлса бир яшар урғочи ё эркак (бузоқ) вожиб бўлур. Қирқта бўлса, икки ёшга тўлуб, учга қадам қўйғон (тана ё буқа) вожиб бўлур. Қирқдан олтмишгача ҳисоб қилур, яъни қирқдан зиёдин пулга баҳо қилиб, икки яшар сигирни қирқ бири (яъни икки яшар сигир баҳосининг қирқдан бири) вожиб бўлур. Сўнг ҳар ўттуз (та сигир)га бир яшар (бузоқ) вожиб бўлур. Қирққа икки яшар вожиб бўлур.

ҚЎЙНИНГ НИСОБИ

Қирқ қўйдан бир қўй вожиб бўлур, то юз йигирмагача. Агар (қўйлар сони) юз йигирма бир бўлса, икки қўй вожиб бўлур то уч юзгача. Сўнг тўрт юзгача тўрт қўй вожиб бўлур.

ОТНИНГ НИСОБИ

«Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Отлар урғочи ё аралаш бўлса, бир тилло вожиб бўлур, отни (баҳосини) қирқдан бири вожиб бўлур. «Кофий»да Имомайн олди-

да отга закот вожиб бўлмас. Ҳувал мухтордур. Вожиб бўлур, деган (қавл) Имоми Аъзам қавлидур. Ва яна анинг олдида отни нисоби йўқдур. Бир қавлда нисоби уч(та)дур. Бир ривоятда бешдур. Бир ривоятда отга закот йўқдур. «Абулмакорим»да, «Қозихон» ва «Хулоса»да «Музмарот»дин нақл қилур: «Имомайн олдида отга закот вожиб бўлмас». Фатво мунгадур.

Аммо қўй, бақар (сигир) ва туя йилни аксарин (олти ойдан кўпини яйловда) ўтласа (закот вожиб бўлур). Гўсола (бузоқ), қўзи ва улоққа вожиб бўлмас. Аммо катталариға қўшуб (ҳисоб) қилса (вожиб) бўлур. Ишлатган ҳайвонларга вожиб бўлмас. Ҳар (қандай) молдан ўртачаси вожиб бўлур.

ТИЛЛО ВА КУМУШНИНГ НИСОБИ

«Виқоя»да тиллони(нг) нисоби(ни) йигирма (мисқол) дебдур (1 мисқол – 4,68 г). Йигирма (мисқол) тиллоға ярим тилло (ярим мисқол) вожиб бўлур. Ҳар тиллонинг вазни йигирма қийрот (1 қийрот – 0,195 г) бўлур. Қийротнинг вазни беш арфа (вазнича)дур.

Кумушни нисоби икки юз танга бўлур. Икки юз тангани қирқдан бириға беш танга вожиб бўлур. Етти мисқол вазнича бўлғон ўн дирҳамлик танга хоҳ сикка (муҳр)лик ва хоҳ бесикка бўлса ва буларнинг нисобидин, нисобни бешдин бирича зиёда бўлса (зиёдасидин ҳам) ҳисоби бирла бўлур, яъни йигирма тиллодан тўрт тилло ёки (кумушдан) икки юз тангадин қирқ зиёда бўлса, қирқдан бири вожиб бўлур. Соҳибайн олдида ҳар нимарса бўлса қирқдан бири вожиб бўлур. Имом Шофеъий ҳам шундоғ дебдурлар. Тангани кумуши кўп бўлса, бунга нуқра (кумуш) ҳукмида бўлур, миси кўп бўлса мис ҳукмида бўлур, яъни

баҳоси нисобга етса закот вожиб бўлур». «Ҳидоя»да айтур: «Савдога олиб юрган матоини баҳоси нисобга етса, масалан тилло ва танга нисобиға етса закот вожиб бўлур. Агар кишини матои бўлса нуқра (кумуш)га қўшсун. «Абулмакорим»да айтур: «Ўн тилло пули бўлса, яна матои ўн тиллога етса, закот вожиб бўлур. Агар юз танга (ва) беш тилло бўлса, тиллонинг баҳоси ҳам юз танга бўлур. Имоми Аъзам олдида закот вожиб бўлур. Агар юз танга-ю ўн тилло бўлса жамиъи қавлда закот вожиб бўлур. Ҳар вақт моли нисобға етса вожиб бўлур.

Агар фитр рўза ва ё бир жондорни (ҳайвонни) назр қилса, ё каффорат ё хирож (бўлса), бизни имомлар наздида буларнинг баҳосини берса бўлур. Имом Шофеъийнинг олдида раво эрмас.

ОШУР (УШР ОЛУВИ)НИНГ БАЁНИ

«Шарҳи «Аврод»да «ошир» (ушр олувчи) деб подшоҳ йўлларга закот олмоқ ва қуттоут-тариқ (қароқчилар)ни ўлдурмоқ учун қўйғон (тайин қилган киши)ни айтур. Агар (закот берувчи) оширга (ҳали молимга) йил тамом бўлғони йўқ, деб мункир бўлса ё қарзимдан фориғ бўлғоним йўқ деса, анга қасам бирла инонса бўлур. Ва ё закотни бир фақирга бердим, деса, ул закот берган моли жонворлардин ўзга (нарса) бўлса, анда ҳам қасам бирла инонса бўлур. Агар моли ўтлар (ўтлайдиган) жониворлардан бўлса, қасам бирла (сўзи) қабул бўлмас, зероки «Ани фалон жойда закотчига бердим», деса, ул ерда закотчи борин билса, қасам бирла қабул қилсун. Хат чиқармоқ (хат ёзиб ўша закотчидан сўрамоқ) шарт эмас. Зиммийга ҳам ҳукм будур. Аммо ҳарбийга бу эмас. Мусулмон-

дан қирқдан бир, зиммийдан[9] йигирмадан бир олғай, ҳарбийдан[10] ўндан бир олғай. Агар моли нисобға етса, бизларни савдогардин кофирни(нг) ошири нечадин бирин олурин билмаса, ўндин бир олур. Агар на миқдор олурин билса, бул ҳам шул миқдор олур. Агар ҳарбий(нинг) ошири (мусулмондан) ҳеч нима олмаса, бизни оширлар ҳам (ҳарбийдан ҳеч нима) олмасун. Агар кофирдин ўндан бир олса, ул кофир шул йилни ичинда ўз юртига (дорул ҳарбга) бориб келса, (ундан) яна закот олғай. Аммо юртиға кирмай келса, закот олмасун. Фойдага шериклик олиб юрган молдан закот олмасун. Маъзун (яъни, тижорат қилишга изн-рухсат берилган) қул қарздор бўлса, ундан закот олмасун, мадюн (қарздор) бўлмаса топган моли хожасиникидур. Қул хожасига ҳамроҳ бўлса, закот олсун, ҳамроҳ бўлмаса, закот олмасун.

КОНЛАР ЗАКОТИНИНГ БАЁНИ

«Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Агар киши тилло ва нуқра (кумуш)нинг конин топса, ул ер хоҳ харожий ва хоҳ ушрий бўлсун, бировнинг мулки бўлмаса, бешдин бири (байтул молга берилиши) вожиб бўлур, боқийси (қолгани) топқувчига бўлур. Агар (ер) бировнинг мулки бўлса, қолғонин эгасиға берур. Биёбонда, эгасиз ердин топса бешдин бири(ни бериш) вожиб бўлур». Аммо Имом Шофеъий ва Имом Молик наздида (ҳеч нарса) вожиб бўлмас.

---

[9] Зиммий – мусулмонлар давлатида моли, жони, манфаатларини мусулмонлар ўз ҳимоясига олган ғайридин.

[10] Ҳарбий – кофир мамлакат кишиси, ислом ҳукми остида бўлмаган ғайридин.

«Танбеҳ»да айтур: «Агар тилло ё танга топса, ул ер мубоҳ бўлса, Имом Шофеъий наздида закот вожиб бўлур». (Бу) асаҳ қавлдур. Агар бировнинг ери бўлса, бизни мазҳаб Имом Моликнинг мазҳабидекдур. Агар (ўз) ҳовлисидан кон топса, баъзилар наздида вожиб бўлур, баъзилар наздида (ҳеч нарса) вожиб бўлмас. Имомайн наздида ҳовлидан топса бешдин бири вожиб бўлур. Агар марварид ё анбар топса, бешдин бир вожиб бўлур. (Бунга) Имом Абу Юсуф хилоф қилибдур.

Дарёдин марварид ё қимматбаҳо тош топса, бешдин бир закот вожиб бўлур. Агар феруза топса, закот вожиб бўлмас. Агар кофирларнинг хазинасидан феруза топса ҳам бешдан бир вожиб бўлур. Агар зумуррад ё ёқут топса, закот вожиб бўлмас.

Агар ердин топқон ганжда мусулмоннинг аломати бўлса, яъни «Ла илаҳа иллоллоҳ» ё сураи Ихлос бўлса, анинг ҳукми луқата (топиб олинган нарса) ҳукми(да) бўлур. Бир йилғача сақлаб, эгаси чиқса берсун. Чиқмаса (топган одам) фақир бўлса, ўзи есун ва ё бир фақирга берсун. Аммо у ганжда кофирлар аломати бўлса, яъни бут суврати бўлса, бешдан бир закот вожиб бўлур, қолғони топқон кишига бўлур.

Ернинг эгаси бўлмаса, Имомайн олдида ул ганж ул ерни аввал фатҳ қилғонда подшоҳ кимга берса (кимга берган бўлса) аникидур. Ўзи бўлмаса ворисларигадур. Имом Абу Юсуф олдида топқонга берур. Аммо ул ганжда кофирнинг ва мусулмоннинг нишонаси маълум бўлмаса, зоҳир ривоятда дорул ҳарбни биёбонидан ганж топса, мустаъман (омонат қўйган киши)га Қиёматда зомин бўлмас.

Кофирларнинг юртидин мато ганжини топса, бешдан бир вожиб бўлур.

УШРИЙ ВА ХАРОЖИЙ ЕРЛАР БАЁНИ

Боғлардан асални ё мевани топса, ўндан бир вожиб бўлур, «Қозихон»да айтур: «Агар ҳовлида дарахт бўлса, анга ҳеч нимарса вожиб бўлмас, агарчи ул ушр(ий ер) бўлса ҳам». Имом Шофеъий наздида асалдин ҳеч нимарса вожиб бўлмас. Бир ривоятда асалнинг баҳоси икки юз тангага етса, вожиб бўлур. Имоми Аъзамнинг ривоятлари эҳтиётдур. «Ҳидоя»да айтур: «Хоҳ оқар сув, хоҳ борон (ёмғир) сувидин ичсун ўтун ва қамишдин ўзга нимарсадин ўндин бир вожиб бўлур, агарчи оз бўлса ҳам. Масалан, беш ботмон бўлса, вожиб бўлмас. Шакарқамиш бўлса, бешдин бир вожиб бўлур. Лекин хурмонинг барги ва пўстига закот вожиб бўлмас».

Агар зироатга қовға (челак) бирла сув чиқарса, йигирмадин бир вожиб бўлур. «Абулмакорим»да мунга ижмоъ дебдур. Агар туя бирла сув чиқарса (ҳам) ани ҳукмидадур. Аммо баъзи харажотин бурун (олдин) берсун (яъни харажатларини олдин чиқариб ташласин). Бир ривоятда сўнгра берса, ҳам бўлур. «Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Агар ушр(ий) ерни ёмғур суви ё чашма суви бирла сув берса ушрийдур». «Абулмакорим»да айтур: «Чашма суви бирла берса, ушр бўлур. Агар харожий (хирож олинадиган) ерни чашма ё қудуқ суви бирла сув берса, харожий бўлур». «Кофий»да ҳам будур. Ажамлар[11] қозғон ариғлар харожийдур. Кўфа йўлидаги Кисронинг ариғи ва Яздижирднинг ариғи харожийдур. Ва яна тўрт ариғ харожийдур. Бири Сайҳун (Хўжанд) дарёси, бири

[11] Ажам: 1. Араблардан бошқа барча миллатлар.
2. Форслар.

Жайҳун (Термиз) дарёсидур. Ва бири Дажла (Бағдод) дарёси ва бири Фирот (Кўфа) дарёси. Булар Шайхайн олдида харожийдур, Имом Муҳаммад олдида ушрийдур.

Яна араб замини урушмай нома бирла олса ё зўр бирла олиб, подшоҳ ўз лашкариға бўлуб берса (бўлиб берган бўлса), яна Басра ерлари ушрийдур.

Ироқ замини ва ҳар вилоятни зўр бирла олиб, ўз аҳлиға қарор берса (куч билан олиб, ўша ернинг халқига яна қайтариб берса) ё ул вилоят ислом подшоҳи зўр бўлғонда сулҳ бирла ярашса, ул ерлар харожийдур.

Макка еридин ўзга ер бўлса, «Шамсуддин»да айтур, Бухоро ери харожийдур. Баъзиларнинг наздида ушрийдур, (чунки) Бухорони ҳам зўр бирла олғондур. Балх ери ҳам харожийдур. Самарқанд ери ушрийдур, агарчи Самарқандни ҳам зўр бирла олған бўлса ҳам, зероки мусулмонларни лашкарин подшоҳ очғон кунлари (фатҳ қилган кунлари) қарағони (муҳофаза қилгани) учун. «Мухтасари «Виқоя»да айтур: «Агар ўлук ерни тиргузса (ўзлаштирса), атрофидаги ер харожий бўлса харожий бўлур, ушрий бўлса ушрийдур. Агар ўлук ерни зиммий тиргузса, харожий бўлур».

Харожий (ерлар) икки қисм бўлур. Бири муқосамадур. Тўртдан бир ё учдан бир олса, ани муқосама дерлар. Хирожи муқосамани ғоятут тоқати (охирги чегараси) ярмиғача олмакдур. Подшоҳ буларнинг қайси бирин хоҳласа олур. Яна бир қисми улки, Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу Ироқ ерига тайин қилибдурлар, ҳар танобға сув бирла суғорса, ул ер зироатга яраса, ўлчови: буғдойдин бир танга

олурлар. Бедани бир танобига беш танга олурлар. Яна узумнинг ҳар танобига, дарахти муттасил (тўлиқ) бўлса, ўн танга олур. Ўзга нимарсани ҳолиға яраша олсун. Аммо бир танобни ҳар тарафи олтмиш газ, ҳар гази етти қабза (етти мушт)дур. «Кифоя»да айтур: «Ҳар шаҳарни ўз гази эътибордур. Агар зироатга сув бериб хароб қилса ва ё сувдин қолса ва ё шамол, ё малах (чигиртка) еса, хирож лозим бўлмас. Агар харож(ий) ерни мусулмон кофирдан сотиб олса, харожийдур. Ва ё харожий ерни эгаси кофир бўлса, сўнгра мусулмон бўлса, харожийдур. Агар кофир ушрий ерни сотиб олса, харожийдур. Агар кишига хирож бермоқ вожиб бўлса, подшоҳ олмаса, ул (одам) хирож ҳиссасини (хирожга бериши лозим бўлган қисмини) садақа қилсун. Аммо подшоҳ талаб қилғондин сўнг садақа қилса, гарданидин соқит бўлмас. «Фатовойи «Мажмаъул баҳрайн»да Расули Худодин нақл қилурлар: «Бир ерда ҳам ушрий, ҳам хирож жам келмасдур».

ЗАКОТ САРФ ҚИЛИНАДИГАН ЎРИНЛАР БАЁНИ

«Мухтасар»да айтур: «Масрифи закот (закот сарфланадиган ўрин) фақир(лар)дур. Фақир улки, моли нисобға етмаса. Бири мискин(лар). Мискин улки, ҳеч нимарсаси бўлмаса. Бири омили закот (закот йиғувчилар). Анга хизматига яраша бергай. Бири мукотабдур. Мукотаб улки, хожаси қулиға хат қилиб берса: «Йигирма тилло ё ўн беш тилло бериб озод бўлғил», деса, то озод бўлғунча (унга закот молидан) берса бўлур. Бири қарздор, қарзидан ўзга моли бўл-

маса. Бири мунқатиъул ғазот (моли йўқлиги учун ғазотга бора олмаган одам). Абу Юсуф наздида мунқатиъул ҳаж (моли йўқлиги учун ҳажга бора олмаган одам)дур. Имом Муҳаммаднинг наздида бири ибнус сабилдур. «Ибнус сабил» улки, моли бор, лекин ўз қўлида бўлмаса, буларнинг ҳаммасиға закот берса бўлур ё баъзисиға берса бўлур.

Хотунлар болаларига закот берса бўлмас. Дунёдор (бой одам ўз) қулиға бериб бўлмас, агарчи баъзиси озод (яъни қул маълум пул эвазига ўзини озод қилган, ўша пулнинг бир қисмини тўлаган) бўлса ҳам. Ғаний (бой киши)га ва Бани Ҳошимга бериб бўлмас, аларнинг (Бани Ҳошимнинг) улуғлиғи сабабидан. Ва яна Бани Ҳошимнинг қулларига ҳам бермасун. Ва зиммийга ҳам бермасун. Агар масриф (закот ўрни) деб гумон бирла берса, сўнг маълум бўлсаки, масриф эмас экан, қулдин ўзгалардин (қайтариб) олмасун. Закотни андоғ кишига берсунки, ҳар кун тиламай турса. Агар бир кунги қути (овқати) бўлса, анга тиланмак ҳаромдур. «Хизона»да ҳам шундоғдур. Нафл садақаларни Бани Ҳошимга берса бўлур. Ҳошимий Ҳошимийга закот берса бўлур. «Таҳовий»да ҳам бермак жоиз, дебдур. Нодурустлиғи Расули Худони замонларида эрди, зероки ул вақтда бешдин бир ғанимат молдин аларга берур эрдилар, бу сабабдин ҳаром эрди. Қарзи йўқ фақирга бир нисоб (битта нисобга етарли, яъни кўп) молни бермоқ бизни имомларни наздида макруҳдур, Имом Зуфар наздида асло дуруст эрмас. Агар закотни бир шаҳардан (бошқа) бир шаҳарга олиб борса, макруҳдур. Аммо ул шаҳарда хеш ва ақрабоси бўлса ё ул шаҳарнинг одами муҳтожроқ бўлса, дуруст бўлур.

САДАҚАИ ФИТР БАЁНИ

Садақаи фитрни буғдойдин ва яна ҳар нимарсаики андин олса, берса бўлур, мисли ун ё толқон. Имом Шофеъий наздида бу икковидин (ун ва толқондан) бериб бўлмас. Яна нондин (ҳам) бериб бўлмас. Бир қавл-да икки ботмон берса бўлур. Лекин асаҳ ривоятда баҳоси эътибордур (яъни бу нарсаларнинг баҳосини берур). «Абулмакорим»да айтур: «Баҳоси эътибордур. Тариқдин, майиздин ярим соъ, хурмодин, арпадин бир соъ бермак вожиб бўлур. Имомайн олдида майиз ҳам хурмодекдур. «Жомеъ ус-сағир»да бу ривоят саҳиҳдур. Яна «Уюн»да фатво мунгадур. Буғдойдин икки ботмон берур. «Захийра»-да айтур: «Буғдойнинг баҳосини ҳам берса бўлур». Фатво шунгадур. «Кабирий»да айтур: «Буғдойнинг ўзин бермак афзалдур, зероки хилофсиз тоат тоза (яхши) бўлур». Зероки Ҳазрати Имом Шофеъий буғдойнинг баҳоси ун ва талқонга хилофдур (дебдур).

Агар кишининг моли нисобға етса, ўсмаса ҳам фитр (садақаси унга) вожибдур. Агар мусулмон озод бўлса фитр вожиб бўлур. Ва яна нисобға моли еттан киши садақа олмоғи ҳаромдур. Андоғ кишига (моли нисобга еттан кишига) қурбонлиғ вожиб бўлур. Садақа фарз дебдурлар. Агар ўлтурғон уйидин ортуғи бир кеча-кундуз қутидин (бир кеча-кундузлик овқатидан) зиёда бўлса, Имом Шофеъий наздида (фитр садақаси) вожиб бўлур. Агар кишига фитр вожиб бўлса, норасида фақирлари ва қули учун (ҳам) вожиб бўлур, агарчи у қули мудаббар ё умми валад бўлса ҳам. Ё (вояга еттан боласи) кофир бўлса, (ўша) расийда бўлғон (ўша вояга етган кофир) фарзанди

учун вожиб бўлмас. Ё норасида бой фарзанди учун вожиб бўлмас, балки (боланинг) ўз молидан вожиб бўлур, Имом Муҳаммад олдида отасининг молидан вожиб бўлур, агар отаси ул норасиданинг молидин фитр берса, зомин бўлур. Ўзини мукотаби учун вожиб бўлмас. Аммо қулни суд (фойда) учун олиб қўйса, анинг учун вожиб бўлмас, магар Имом Шофеъий наздида вожиб бўлур. Яна шериклик қул учун Имом Шофеъий хилоф қилибдур.

Имом Аъзам фитрни ҳар вақтки ийд кунининг субҳи бўлса вожиб бўлур (деб буюрубдурлар). Агар ул кеча бола туғса (туғилса), анинг учун ҳам вожиб бўлур. Фитрни ийддан илгари берса дуруст бўлур. «Ҳидоя»да ва «Кофий»да бу сўз мутлақ саҳиҳдур. «Захийра»да айтур: «Рамазон ичинда берса жоиздур». Фатво мунгадур. Ибн Зиёд айтур: «Рамазондин илгари бермак дуруст эрмас, ийд кунидан таъхир қилса соқит бўлмас». «Шарҳи «Аврод»да «Хонийя»дин нақл қилур: «Нисобға етса, моли ўсмаса ҳам фитр вожиб бўлур». Агар моли нисобға етса ё мулки бўлса(ки), баҳоси нисобга етса, ўлтурғон уйи, рўзгори (асбоблари)дин либос, шамшир ва отдин ўзга, булардин зиёди нисобға етса, ғанийдур, анга фитр вожиб бўлур. Бир уйдин ва уч либосдин зиёди, агар ғозий бўлса икки отдин бўлаги, ғозий бўлмаса бир отдин зиёди, яна бир хизматкордин ортиғи ҳисобга кирар. Яна уламо бўлса бир нусха (китоб)дин зиёди, бир тафсир ва бир ҳадис, тиловат қилса бир Қуръондин ортиғи, (шунингдек) мушкилот китоблари ҳисобга кирар. Деҳқон бўлса қўш ҳўкузи ҳисобға кирмас. Андин зиёд қиймати икки юз танга бўлса, фитр вожиб бўлур. «Янобеъ»да ай-

тур: «Андоғ кишига қурбонлиғ ҳам вожиб бўлур». «Хизона»да айтур: «(Кишининг моли) икки юз дирҳамга етса, ғаний улдур».

ҚУРБОНЛИК БАЁНИ

Муқим ва бой кишига қурбонлиғ вожиб бўлур. Бир қўй бир одамга раво бўлур. Тева (туя) ва ҳўкуз етти одамга раво бўлур, агар бу етти киши (шерикликда) баробар бўлса. Гўштини тарозу бирла бўлуб олур, тахмин бирла бўлмас. Агар қиёс бирла бўлса, гўштининг пўстлари ё пайчалари (оёқлари) бирла қўшуб бўлса раво бўлур. «Абулмакорим»да айтур: «Қиёс бирла (бўлуб) ортуқ-камига рози бўлсалар ҳам раво бўлмас».

Киши қурбонлик учун бир ҳўкуз олса, андин сўнг олти киши шерик бўлса, истеҳсонда жойиздур. Лекин қиёс бирла жойиз эмас. Аммо сотиб олмасдин бурун шерик бўлсалар, хилофсиз (жойиз)дур. «Хулоса»да айтур: «Норасида боланинг молидин отаси ё васийси қурбонлиғ қилса, ул норасида ҳам егай, қолғонини ўзини айни бирла наф оладурғон бир нимарсага сотқай (яъни қолганини сотиб, боланинг ўзи фойдаланадиган бир нарса олур). «Абулмакорим»да саҳиҳ ривоят шулдур. Лекин «Кофий»да шубҳасиз асаҳҳи (тўғрироғи) буки, боланинг молидин вожиб бўлмас». «Хулоса»да Имом Аъзамнинг мазҳаблари-да (ҳам) вожиб бўлмас. «Ҳидоя»да ҳам жоиз эмас, дебдур. Лекин Имом Муҳаммад ва Имом Зуфар наздида отаси (боласи учун) ўз молидин (қурбонлик) қилғай. Зоҳир қавлда норасиданинг молидин вожиб эрмас, «Қозихон»да шунга фатводур.

Қурбонликнинг аввалги вақти (агар) шаҳарда бўл-

са, қурбон намозидан сўнгдур. Аммо ташқарида бўлса, ийд кунининг субҳидан сўнг бўлур. Агар шаҳар халқи ташқари(ға) юбориб забҳ қилиб келтирса, андоғ ерга юборсунки, муддати сафарча ерда бўлсун. (Қурбонликнинг) охир(ги) вақти ийд кунининг учинчи куни намози асрғача(дур). «Шарҳи «Аврод»да «Янобеъ»-дин нақл қилур: «Қурбонлиғни ўн иккинчи куни офтоб ботқунча қилса бўлур». Офтоб ботқон(дин) сўнг соқит бўлур. Бу кунлардин кейин қилса гуноҳкор бўлур. Сўнг (қурбонлиғ) вожиб бўлган одам қўйнинг баҳосини берсун (садақа қилсин). «Шарҳи «Аврод»-да «Сирожийя»дин нақл қилур: «Қурбонлиғни аввалғи куни қилғони яхшидур». «Хонийя»да айтур: «Қурбон куни гумон бирла ийд (намозини) ўқуб, қурбонлиғ қилса, сўнг маълум бўлса(ки), арафа экан, агар ийдни икки гувоҳнинг сўзи бирла ўқуғон бўлса, (қурбонлиғи) дуруст бўлур. Агар гувоҳсиз ўқуғон бўлса, қурбонлиғи дуруст эмас. «Шарҳи «Аврод»да «Ҳидоя»-дин нақл қилур: «Қурбонлиғни тунда бўғузласа (ҳам) дуруст, аммо макруҳ бўлур. (Қурбонлиғнинг эгаси) ўзи бўғузласа афзалдур. Агар ўзи билмаса, бировга амр қилсун (буюрсун), лекин ўзи ҳозир турсун. «Ширъат ул-ислом»да айтур: «(Қурбонлиғнинг) юзун қиблага қилиб (ётқузуб), бўғузлар вақтда бу дуони ўқусун:

اللَّهُمَّ مِنْكَ وَ إِلَيْكَ إِنَّ صَلاَتِي وَ نُسُكِي وَ مَحْيَايَ وَ مَمَاتِي

لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ اللَّهُمَّ تَقَبَّلْ مِنْ فُلاَنِ إِبْنِ فُلاَنٍ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Аллоҳим, (бу қурбонлик) Сендан ва Сенгадир. Парвардигоро, менинг намозим ва (бошқа) ибодатларим, тириклигим ва ўлмаклигим барча оламларнинг эгаси

бўлган Аллоҳ учундир. Аллоҳим, фалончининг ўғли фалончидан қабул қилгин.

«Шарҳи «Аврод»да, «Баёни аҳком»да («Шарҳи «Аврод»нинг «Ҳукмлар баёни» фаслида) айтур: «Агар киши қурбонликка қасд қилиб (бир) қўй олса, (сўнг) андин ўзга қўйни (қурбонлиғ) қилса, макруҳ бўлур». «Ҳидоя»да айтур: «Қурбонлиғнинг пўстини (терисини) садақа қилсун». «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Бўғузлардин илгари мўйин (юнгини) қирқмоқ, (сутини соғмоқ) зарар қилмайди, аммо буларни садақа қилсун, ўзига сарф қилмасун».

Агар бир тевани ўзи учун (қурбонлик) қилса, ўзидин вожиб бўлур, етти кишининг савобин топар. Уламолар наздида фатво мунгадур. Агар икки қўйни (қурбонлик) қилса, иккиси ҳам ўзидин (ўзи учун) бўлур, бири нафл бўлур. «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Қурбонлиғ қилур молни бўғузласун». Баъзилар наздида тирик садақа қилғай. Агар бир қўйни қурбонлиғ учун олса, ул қўй зое бўлса (ўлса), агар фақир бўлса яна қилмас (яна қўй олиб, қурбонлик қилмас, бой бўлса, бошқа қўй олиб қурбонлиғ қилар).

«Кабирий»да айтур: «Тева, сигир (ҳўкуз) ва қўйдин ўзга (си)дин Расули Худо (қурбонлиғ) қилмадилар. Саҳобалар ҳам қилмадилар».

Қўй олти (ой)га тўлуб, еттига (еттинчи ойга) қадам қўйса, (қурбонликка) раводур. Аммо ЗаҒфароний айтур: «Сигирдин икки яшар, эчкидан бир яшар, туядан беш яшар бўлса, раводур. «Ажнос»да айтур: «Қўй тўққуз ойлик бўлса, раво бўлур». Агар девона қўйни қурбонлик қилса, раво бўлур. «Хулоса»да айтур: «(Девона қўй) семиз бўлса, раво бўлур». «Ҳидоя»да айтур: «Қўй ўтласа, раво бўлур». Қўйнинг шохи бору йўқи ҳам раво бўлур. «Хулоса»да айтур: «Агар шохи

мағзи бирла синғон бўлса, раво бўлмас». Қўйнинг ахта қилингани ҳам раводур, балки Имоми Аъзам наздида авлодур. «Хулоса»да айтур: «Молнинг тиши бўлуб, ўт еёлмаса, раво бўлмас». «Қозихон»да айтур: «Бу ривоятлар Абу Юсуфдиндур». Агар тиши камкам бўлуб, ўтласа, «Ажнос»да раво бўлмас, дебдур.

Агар мол семиз (бўлиб), қулоғи кесук бўлса, раво бўлур. Агар молнинг сути беиллат чиқса, раво бўлур. Аммо иллат бирла чиқса, раво бўлмас.

Эй биродарлар! Қурбонлиққа зоҳир айби йўғини қилинглар.

Агар мол кўп ориқ бўлса (ҳам) раво бўлмас, оқсоқ(ни) ҳам ҳукми шулдур. «Хулоса»да айтур: «Оқсоқ (ҳайвон) уч оёғи бирла юрса, раво бўлмас. Агар тўрт оёғи (ҳам) ерга тегуб юрса, раво бўлур». Қулоғининг, думининг ва ё кўзининг учдан биридан кўпроғи йўқ бўлса, раво бўлмас «Абулмакорим»да ва «Қозихон»да бу ривоятга фатводур. Аммо бир ривоятда учдан бири, яна бир ривоятда тўртдан бири ва яна бир ривоятда ярмидан кўброғи йўқ бўлса, раво бўлмас. Агар қулоғи туғулғонда йўқ бўлса (ҳам) раво бўлмас.

Сотиб олур вақтидаги айб ҳам қурбонлиғни бузар. Лекин (сотиб) олғондин сўнг майиб бўлур бўлса, фақир бўлса ани қурбонлик қилсун, ғаний бўлса ўзгани (бошқасини) сотиб олиб (қурбонлиғ) қилсун. Агар бўғизлар вақтида бир ери айбдор бўлса, зарар қилмас.

Агар қурбонлиғ қилса, анинг гўштини фақир ва ғанийга берса раводур. Агар киши молни Худо учун назр қилса, бойга бермаги ва ўзи емаги раво бўлмас. Агар эгаси еса, (егани миқдоридаги) баҳосини фақирларга садақа қилсун. «Шарҳи «Аврод»да «Хо-

нийя»дин нақл қилур: «Агар молнинг қулоғи тешук ва ё тилук (тилинган) бўлса, раво бўлур. Агар кесук бўлса, раво бўлмас». «Кифояи Шаъбий»да айтур: «Қиёмат куни қурбонлиғ (қилинган ҳайвон) кўпрук (сирот)да маркаб бўлур. Шундоғ бўлса (шундай экан), молнинг катта ва семизини (қурбонлик) қилинглар».

Ва яна ҳамди беқиёс Худойи таолога ва дуруди бениҳоят Расул алайҳиссаломга бўлсунким, китоби Закот ва Фитрни ва Қурбонлиғни тарих минг юз ўн иккида[12] мужмал юзидин тамом бўлди. Моҳи муҳаррамни йигирма бири душанба куни эрди.

Худованди таоло менга тавфиқ ато қилди. Агар Худони меҳрибонлиғи ва иноятн бўлмаса, мен киму бу ишларни қилмоқ ким!

Эй бор Худоё! Зоҳиру ботинда Сенга пўшида (Сендин пинҳон) нимарса йўқ. Мендин айб қилмоқ, Сендин сатр қилмоқ (яширмоқ). Мендин нодонлиғ, Сендин раҳм қилмоқ. Ўзумга гирифтордурман, агарчи мендин ҳазор-ҳазор (минг-минг) нуқсон содир бўлса (ҳам), Раҳиму Раҳмон Сенинг сифатингдур. Ҳарчанд мен осий-у гуноҳкордурмен ул номларингдин умидим бор. Агарчи шармандаман, аммо умидлик бандаман. Маҳшар куни жамиъи халойиқлар орасинда қизил юзлук қилғайсен, агарчанди бу Оллоҳёр ноқобилу бадкирдордур, анинг айбини ёпқайсен. Омийн!

Рубоий:

Ғаффори зунуб аз ту амон металабам,
Исмат чу Ғафур аст ҳамон металабам.
Ҳар мўйи танам басад гуноҳ оғушта,
Тақсири гунаҳ ба сад забон металабам.

[12] 1700–1701 йилларга тўғри келади.

(Эй гуноҳларни кечирувчи Зот! Сендан омонлик тилайман,

Исминг Ғафур бўлгани учун ҳам омонликни (қайта-қайта) тилайман.

Танамдаги ҳар бир тук юзлаб гуноҳга қоришган,

Юз тил билан гуноҳларимга мағфират тилайман.)

РАМАЗОН РЎЗАСИ БАЁНИ

Рўзаи муборак бешак ижмоъ бирла фарздур. «Ҳидоя»да вожиб дебдур. «Вожиб» (бу ерда) «фарз» маъносидадур. «Фатовойи Кофий»да айтур: «Назр рўза фарз (ёки) вожиб эмастур. Бу ерда далили бордур». «Кофий»да айтур: «Рўзанинг фарз бўлмоғи шарти — оқил, болиғ, мусулмон, сиҳҳати бадан ва муқим (мусофир эмас) бўлмоғи, хотун(нинг) ҳайзу нифосдин пок бўлмоғидур. Бу шартлар мавжуд бўлса, рўза тутмоқ анга фарздур».

Рўзанинг маъноси Худога яқин бўлмоқ (учун) емоқ-ичмоқ (ва жимоъ)ни тарк қилмоқ(дур) субҳи содиқдан то офтоб ботғунча.

«Мухтасар»да айтур: «Рамазон рўзасини куннинг нисфи (ярми)дин илгари — чоштгоҳда ният қилса, раво бўлур». «Ҳидоя»да буни асаҳ, «Кофий»да саҳиҳ дебдур, зероки шариатда кундузни нисфи (ярми) улуғ чоштгоҳдур.

«Хизона»да айтур: «Энг авлоси (энг афзали) — вақтида (ният) этмак. Бу — хилофсиздур». Имом Шофеъий наздида тунда ният қилмоқ шартдур. Тун ярмининг охирида ният қилсун. Баъзилар наздида мутлақ тунда ният қилса (ҳам) дурустдур. Агар ният

қилғондин сўнг жимоъ қилса, қайта ният қилсун. Бу ривоят Имом Маҳбубдиндур. Лекин «Васит»да ният қилғондин сўнг емак ва ватий (жимоъ) қилмоқ ниятни ботил қилмас. «Мужаррад»да айтур: «Ниятдин сўнг ухласа дурустдур». Имом Зуфар айтур: «Тунда ният қилмоғи шартдур». Бизни имомларни наздида рамазонни нафл деб ният қилса, раво бўлур. Имом Шофеъий (бунга) хилоф қилибдурлар.

Агар бемор ё мусофир (рамазонда) нафл деб ният қилса, Имом Аъзамдин икки ривоят бордур. Асаҳ қавл дуруст бўлур. Соҳибайн қавли ҳам шулдур.

Агар «Рўзаи рамазонда (рамазон рўзасида) бўлдум», деса, тайин қилмаса, Имом Шофеъий наздида икки ривоят бордур. «Ҳидоя»да айтур: «Шаъбоннинг йигирма тўққузунчи куни ойга қарасунлар, шоядки моҳи рамазони муборак (муборак рамазон ойи)ни ўшал куни кўрсалар, рўза тутсунлар. Агар рўза ойини кўрмасалар, Шаъбоннинг ўттузини тўлдуруб, сўнг рўза тутсунлар».

Шак куни рамазон рўзасини ният қилса макруҳдур, зероки аҳли китобга ўхшаб қолур. Аммо нафл деб ният қилса (рамазон бўлса), фарздин ҳисоб бўлур. Агар рамазон бўлмаса, нафл бўлур. Ул куни рўзасини очса, қазо лозим бўлмас, зероки шакдур (гумонли кундур). Агар шак куни қазо деб ният қилса, бир ривоятда нафлдин ҳисоб бўлур. Асаҳ ривоят шуки, нима деб ният қилса, ул бўлур.

Аммо нафл деб ният қилса, бизни имомларни наздида макруҳ бўлмас. Агар шак куни одат кунига қаршу келса (шак куни рўза тутишга одатланган кунига тўғри келса), ижмоъ бирла рўза бўлмоғи афзалдур. Агар Шаъбоннинг охирғи куни рўза бўлуб,

рамазонға муттасил қилса (улаб юборса) ҳам афзалдур. Агар шак куни рўза бўлса, баъзилар ифтор қилмоқ (рўзасини очмоқ) афзал, дебдурлар. Баъзилар тутмоқ афзал, дебдурлар. Мухтор ривоят (шуки), қози ва муфтийлар шак куни рўза бўлсунлар, аммо омилар тушгача интизор бўлсунлар, токи рамазон маълум бўлса, рўзадор бўлурлар, бўлмаса очурлар.

Агар бу тариқа ния̂т қилсаки, «Эртага рўза бўлса, рўзадорман, бўлмаса очарман», деса, асло дуруст бўлмас. Агар эртага рўза бўлмаса, нафл (рўза тутаман), деб ния̂т қилса макруҳдур. Сўнг ул куни рамазон бўлса, рўзадин ҳисоб бўлур, бўлмаса (ҳеч биридан ҳисоб) бўлмас. Агар ойни танҳо (бир ўзи) кўрса, эртаси ўзи рўза тутсун, агарчи исботини ҳоким эшитмаса ҳам. Агар ул куни очса, қазо лозим бўлур, каффорат лозим бўлмас. Имом Шофеъий айтур: «Агар ул киши(нинг) рўзасини жимоъ очса, каффорат лозим бўлур».

Агар ўттуз кунни битурса, очмасун, магар ҳоким бирла очсун. Агар ўттуз кундин кейин очса, каффорат лозим бўлмас.

Агар ойни аввалида ёлғуз кўруб (рўза) тутқон киши бирла бир одам бўлса, «Ойни кўрдум», деб исбот қилса, осмон ғуборли бўлса, анинг гувоҳлиғин эшитиб рўза тутсунлар. Ул одам хоҳ қул ва хоҳ озод бўлсун, хоҳ эр ва хоҳ хотун бўлсун, сўзини қабул қилсунлар. Яна шаҳодат (яна бировнинг гувоҳлиги) шарт эмас, дебдурлар. Фосиқнинг гувоҳлигини қабул қилиб бўлмас. Яна қазф қилиб (бировга туҳмат қилиб) ҳад урулғондин (жазолангандан) кейин тавба қилғон (одам) бўлса, гувоҳлиғи қабулдур.

«Абулмакорим»да айтур: «Агар фосиқ: «Бу муборак ойни кўрдум», деб гувоҳлиқ берса, подшоҳ

анинг сўзин қабул қилиб, шул куни (рўзасини) очса, оммаи бузруклар сўзи шулки, каффорат лозим бўлур». Агар бир кишининг гувоҳлиғи бирла ўттуз кун рўза тутса, то ийд ойиға гувоҳлиқ бермагунча очиб бўлмас. Бу ривоятни Ҳасан Имоми Аъзамдин нақл қилурлар. Бу эҳтиётдур. Аммо Имом Муҳаммад наздида очса бўлур. «Ҳидоя»да айтур: «Икковиға ҳам далил бордур».

Агар икки кишининг исботи бирла ўттуз кунни битурсалар, ойни кўрмасалар ҳам очса бўлур. Агар осмонда булут бўлмаса, кўп одамлар кўрмаса, бўлмас. «Ҳидоя»да айтур: «Бир маҳалланинг одамини кўп дерлар». Имом Абу Юсуф наздида эллик кишини кўп дерлар, алар хоҳ шаҳарий (шаҳарлик) бўлсун, хоҳ саҳроий бўлсун фарқи йўқдур.

Агар ул ойни бир киши кўрса эҳтиётдур, очмасун, икки киши кўрса, очсун. Бир эркак, икки хотун бўлса ҳам (сўзлари) қабулдур. Мундин кам бўлса, осмон булут бўлса ҳам қабул қилмасунлар. Булут борида жамоатнинг гувоҳлиғи керакдур.

ҚАЗО ВА КАФФОРАТ БАЁНИ

«Шарҳи «Аврод»да айтур ва яна ўзга китобларда бордур: «Агар киши рўзасин қасддан жимоъ бирла очса ё қасддан еса, ичса, иттифоқ бирла қазо ва каффорат лозимдур». Агар қон олдурса ва рўза очилди, деб гумон бирла рўзани очса, қазо ва каффорат лозим бўлур. Агар наҳорлик ё дору учун еса, каффорат лозимдур. Аммо бу каффорат рамазоннинг рўзасини еган одамга вожиб бўлур. Рамазондин ўзга рўзаларга каффорат лозим эмасдур.

«Ҳидоя»да айтур: «Каффорат буки, бир қул озод этгай. Агар анга кучи етмаса, олтмиш кишига таом берсун. Расул алайҳиссалом айдилар: «Ўн беш соъ хурмо берсун». «Шарҳи «Аврод»да «Сирожийя»дин нақл қилур: «Ҳар бир кишини таоми буғдойдин ярим соъдур». «Хизона»да айтур: «Каффорат учун олтмиш кун пайдар-пай рўза тутсун».

Агарчи ёдидин чиқиб еса ё ичса, ё жимоъ қилса (ҳам) рўзаси бузулмас. Имом Муҳаммад ва Имом Моликнинг наздида бузулур. Бизни имомлар наздида ҳам қазо лозим бўлур. Аммо ул кунни сақласун (яъни ўша куни рўзага зид бўлган бошқа иш қилмасин). «Шарҳи «Аврод»да «Абдул Али»дин нақл қилур: «Агар хато бирла ё зўрлуғ бирла очса «Ҳидоя»да қазо лозим бўлур, дебдур». «Абулмакорим»да айтур: «Масалан, оғзиға сув олса, рўза ёдида бўлса, баногоҳ ани ҳалқи (ҳалқуми)га кетса, мухтор ривоятда қазо вожиб бўлур». «Шарҳи «Аврод»да «Жомеъ ус-сағирхон»дин нақл қилур: «Баногоҳ оғзиға сув олғонда тамоғиға кетса, сўнг қасд бирла еса, зўрлиқ бирла ё гумон бирла шак куни деб еса, сўнг рамазон экани маълум бўлса, жамиъи уламоларнинг наздида қолғон кунини (куннинг қолган қисмини) сақласун. Агар эҳтилом бўлса ё қай (қайт) қилса, рўза очилмас». Агар қайнинг ўзи равон бўлса (қусуқнинг ўзи келса), яна ютса, «Кофий»да очилмас, дебдур. Имом Абу Юсуф наздида оғзи тўла бўлса, қайни авд қилса (қусуқни қайтиб ютса) бузулмас. Агар бу қайни ўзи (зўрлаб) ютса, Имом Муҳаммаднинг наздида бузулур. Ўзга имомлар олдида қай оз-оз бўлса, бузулмас. Агар қасддан қай қилса қазо лозим бўлур, хоҳ оғзи тўла, хоҳ кам бўлса, рўза бузулур. Зоҳир ривоят

будур. Имом Абу Юсуф олдида қасд бирла оз қай қилса, бузулмас. Агар хотунини ўпса, закаридан бир нимарса чиққон бўлмаса, бузулмас. Аммо (хотунни) ушламоқ ё бўса қилмоқ бирла бир нимарса чиқса, қазо лозим бўлур, каффорат лозим бўлмас. «Ҳидоя»-да айтур: «Агар ватий қилмоқ ё (закаридан) нимарса чиқмоқдин хавфи бўлмаса, ушламоқ ва бўса қилмоқ зарар қилмас. Аммо қилмагани яхшидур. «Абулмакорим»да Имоми Аъзамдин нақл қилур: «Рўзадор хотуни бирла кўрушмак ва мусофаҳа қилмоқ (қўл ушлашмоқ) макруҳдур». Агар ҳалқумига дуд (тутун) ва гард ё пашша кирса, рўза бузулмас. Ва агар ёмғурни қатраси кирса, асаҳ ривоятда бузулур. «Шарҳи «Аврод»да «Жомеъ ус-сағирхон»дин айтур: «Ўз туфугин ютса, бузулмас. Балғам бошидин ё оғзидин келса, бузулмас, ичидин оғзиға келса, тўла келган балғамни ютса, бузулур». Агар кўзининг ёши ҳалқумига бир-икки қатра борса, бузулмас. Аммо кўз ёшин оғзиға кўп йиғса, ютғонда оғзи анинг аччиғин билса, бузулур». «Кабир»да терға ҳам ҳукм будур (шундайдур).

Агар кўзиға сурма тортса, қон олдурса бузулмас. Аммо Имом Молик хилоф қилибдурлар. Агар сўзлаганда икки лаби ҳўл бўлса, ул ҳўлни ютса, бузулмас. Агар тиш орасидан қон чиқиб, оғзин суви қонидин зиёда (кўпроқ) бўлса, таъми билинмаса, ани ютса бузулмас. Аммо қон кўп бўлса, бузулур. Эҳтиёт булдурки, бузулмоқда ҳар нимарса эҳтиётлик бўлса яхшидиндур. Агар тишни орасидаги кунжутни ютса, бузулмас. Ташқаридин кунжут ютса (ҳам) бузулмас, агар чайнаб, йўқ қилиб ютса, бузулмас. «Кабирий»-да айтур: «Агар ғуслда қулоғиға сув кирса, бегумон (аниқ) бузулмас, агар қасд бирла киритса ҳам мух-

тор ривоятда бузулмас». «Абулмакорим» ва «Қозихон»да айтур: «Асаҳҳи улки, бузулур. Агар бир кунжут донасини чайнаб ютса, таъми маълум бўлса, бузулур». «Фатовойи Кофий»да айтур: «Агар ортқи андомиға ёғ томузса ё қулоғиға ёғ томузса, иттифоқ бирла рўзаси бузулур. Агар закари бошига (ёғ) томузса, Имом Абу Юсуф олдида бузулур, Имом Аъзамнинг олдида бузулмас. Агар қорниға ё димоғиға дору кирса, қазо лозим бўлур. Аммо мўйларининг тагидан сув кирса, бузулмас». «Шарҳи «Виқоя»да «Қорниға ё думоғиға дору кирса...» деганин (шундай) шарҳ қилур: «Агар қорнида яраси бўлса, (унга) дору қўйса, ул дору қорниға васл бўлса (кирса) ё бошида жароҳати бўлса, қўйғон дору думоғиға восил бўлса (димоғига етса), Абу Ҳанифа олдида қазо лозим бўлур». «Хизона»да айтур: «Агар бармоғини андомиға дохил қилса, бир ривоятда, ҳувал мухтор, бузулмас ва ғусл ҳам вожиб бўлмас». Лекин Шайх ул-ислом «Фатовий»да айтур: «Ғусл ҳам, қазо ҳам вожибдур». Агар хотун фаржига пахта қўйса, бузулур. Агар киши истинжо қилурда ўзин бўш ушласа, андомиға сув кирса, рўза бузулур. Агар тишини орасида(ги) таом нўхатдин оз бўлса, бузулмас, нўхатдин зиёда (катта) бўлса, бузулур. Бир ривоятда каффорат (ҳам) лозим бўлур. Агар нўхатдин оз(роқ) таомни чиқариб ютса, «Шамсуддин»да бехилоф бузулур (дебдур). «Фатовойи Кофий»да айтур: «Бузулмас». Имом Зуфар олдида икки важҳ бордур. Бирида бузулур. «Абулмакорим»да «Хулоса»дин айтур: «Агар ушоқ (майда) тош ё темир ютса ё кесак ютса рўза синар. Имом Молик наздида каффорат лозим бўлур». «Шамсуддин»да айтур: «Ушоқ тошни ютса, ул тош баданга

салоҳлиғи бўлмаса (баданга фойдаси бўлмаса), «Нажм ул-аимма»да айтур: «Фатво шунгадурки, каффорат лозим бўлур». Зажр учун (мажбур қилиниб) лой еса ҳам ҳукм шулдур: «Мухтасари «Виқоя»да, «Абулмакорим»да айтур: «Агар тошни таъмин тотса, тамоғига борса бузулмас, (лекин) макруҳдур. Агар (ёш) бола учун нимарса (бирор нарса) чайнаса, макруҳ бўлмас». Агар сақич чайнаса ё ўзга нимарса чайнаса, макруҳдур. Яна мисвок қилса макруҳ бўлмас, агарчанди мисвок ҳўл бўлса ҳам. Имом Молик олдида мисвок ҳўл бўлса, макруҳ бўлур. Имом Абу Юсуф ҳам ҳўл мисвокни қабул қилмабдур. Имом Шофеъий олдида рўзадор тушдин кейин мисвок қилмасун. «Хизона»да айтур: «Агар хом гўшт еса ё хом чарби еса каффорат лозим бўлур». Ҳувал мухтордур. «Фатовойи кофий»да айтур: «Агар хотунга назар қилса ва хотунни бўса қилиб закаридан (бир) нимарса чиқса, рўза бузулмас. Агар закаридан сониға суруб чиқарса бузулур». **Расули Худо ҳадисида андоғ кишини малъун дебдур.** «Шарҳи «Аврод»да айтур: «Агар эҳтилом бўлуб, рўза(м) очилди, деб гумон бирла (рўзасини) очса, Абу Ҳанифа олдида синар (ва) каффорат лозим бўлур. Имом Абу Юсуф олдида каффорат лозим бўлмас. Имом Муҳаммад бу масалада музтарибдурлар. Имом Аъзам қавли эҳтиётдур».

Агар рўзадор қай қилса, рўза очилди, деб гумон бирла очса, бу масаладин хабардор бўлса, каффорат лозим бўлур. (Хабардор) бўлмаса эҳтилом ҳукми будур: унутиб жимоъ қилса, ул ҳолда ёдига келса ё саҳар хотунин жимоъ қилса, дарҳол ўзини тортса, рўза бузулмас. Ўзини тортмай инзол қилмоқга ҳаракат қилса, баъзилар олдида қазо лозим бўлур, баъзилар наздида

каффорат лозим бўлур. Агар ёдидан чиқиб, хотунин жимоъ қилса, аммо хотунни ёдида бўлса (ва) эридан ёшурса, «Шайбоний»да айтур: «Хотунга каффорат вожиб бўлур». «Мунийя»да агар рўзани кўра-била еса, ани жазоласа бўлур (дебдур). «Кофий»да айтур: «Агар саҳар деб гумон бирла еса, (сўнг) билсаки субҳи содиқдур, боқий кунин (куннинг қолган қисмин) сақласун. Ё офтоб ботди, деган гумон бирла еса, сўнг офтоб чиқса, боқий кунин сақласун. Бу икки сувратда қазо лозим бўлур». Ҳар вақтки саҳар гумон бўлса, сўнг субҳ (экани) зоҳир бўлса, эҳтиётдур ул кунни қазо қилур. Агар субҳга раъйи кўпроқ бўлса, қазо вожибдур. Агар офтоб ботғунча (ботганига) гумон бўлса, емасун, (емаслиги) вожибдур. Агар егандин сўнг кун чиқар бўлса, каффорат лозим бўлур. Агар кун (боттан) ботмагани маълум бўлмаса ҳам қазо лозимдур. «Фатовойи «Қозихон»да айтур: «Агар икки иши субҳ бўлди, деб айтса, (яна бошқа) икки одам саҳар, деса, ани (сўнгги икковининг сўзи) бирла таом еса, сўнг субҳ экани маълум бўлса, иттифоқ бирла каффорат лозим бўлур, балки бир одам: «Субҳ бўлди», деса, икки одам: «Саҳарлик вақти», деса, сўнг субҳ бўлғони маълум бўлса (бунда ҳам) ҳам каффорат лозим бўлур. Аммо офтоб ботғонда мундоғ эмастур».

Агар девоналик бирла ё уйқу ғалабаси бирла хотунини жимоъ қилса, қазо лозим бўлур. Хотунга ҳам ҳукм шулдур. Имом Шофеъий наздида қазо лозим бўлмас. «Виқоя»да айтур: «Рамазон куни норасида расида бўлса (бола балоғатга етса) ё кофир мусулмон бўлса, ё мусофир муқим бўлса, ё хотун ҳайздин пок бўлса, буларнинг барчаси боқий кунин сақласун (куннинг қолган қисмида рўзага зид иш қилмасин).

(Шундай қилмоқ) вожибдур. Мусулмон бўлғон кофир(га), балоғатта еттан норасидага ул куннинг қазоси лозим бўлмас».

«Абулмакорим»да айтур: «Имом Абу Юсуф олдида норасида тушдин илгари расида бўлса, ул куннинг қазосин тутсун, (бу) эҳтиётдур».

Қари одам рўза тутолмаса, ночор есун, аммо ҳар куниға фитр (фидя)ни вожиб бўлурини берсун. Қарилар ҳар қачон рўзага кучи етса, тутсун. Қуввати етиб туруб фидя берса, раво бўлмас. Яна баъзи китобларда айтур: «Ҳомиладор хотун, бола эмизадурғон хотун рўза тутса ўзига ё боласиға зарар қилур бўлса, рўзани есун, кучи етганда қазо қилсун. Аммо сут бергувчиға хоҳ зарар қилсун, хоҳ зарар қилмасун очса бўлур. Аммо «Захийра»да айтур: «Сут бергувчи»дан мурод бировни боласин ҳақ олиб эмизса, ани айтур, зероки ужра (ҳақ) олғони учун сут бермаги вожибдур». Аммо ўз онасиға сут бермаги вожиб бўлмас, магар отаси сут бергувчи доя топмаса, онасиға (болага) сут бермаги вожиб бўлур.

Агар бемор (касаллиги) зиёда бўлур, деб қўрқса, ифтор қилса (рўзани очса) бўлур. Ё мусофир бўлса, ифтор қилса бўлур. Жамиъи китобларда (бу ҳолда) қазо лозим бўлур, каффорат лозим бўлмас. Бузруклар битибдурлар, касали зиёда бўлурин ўзи билса ё табиб айтса (ҳам бўлур). Имом Аъзам наздида бир ривоят бордурки, намозни ўлтуруб ўқур киши рўзани очса бўлур. Аввалғи зоҳир ривоятдур.

Мусулмон уруш вақтида душмандин заифлашмоқ хавфи бўлса, рўзани есун, сўнгра қазо қилсун. Агар мусофир уйидин чиқса, бир нимарса ёдидин чиқиб қайтса, анинг учун (унуттан нарсаси учун) уйига кир-

са, сўнг еса каффорат лозим бўлур, зероки еган вақтида муқимдур. «Қозихон»да «Ва биҳи наъхузу» («Биз шу ҳукмни оламиз») дебдур. Агар мусофирға сафарда рўза зиён қилмаса, бизни имомларни наздида тутмоғи афзалдур. Имом Шофеъий олдида емак афзалдур. «Хулоса»да айтур: «Агар заъфарон ё кофур, ё ғолия, ё мушк ва ҳалила еса, каффорат лозим бўлур, яъни буларнинг ҳукми еган-ичган ҳукмидадур. Агар буғдой еса, каффорат лозим бўлур. Ун еса, мунга икки ривоят бордур. Яна одатда ток баргидек ейиладурғон ҳар бир баргни еса, каффорат лозим бўлур.

САҲАРЛИК БАЁНИ

«Ширъат ул-ислом»да айтур: «Расул алайҳиссаломнинг суннати улки, саҳар таом есун». «Шарҳи «Аврод»да «Баёни аҳкомий»дин айтур: «Агарчи бир луқма ё бир оз сув ичса ҳам саҳар(лик)дин ҳисоб бўлур». Нисфи шаб (кечанинг ярми)дин субҳгача саҳар дерлар. Хўброғи охири саҳардур. Аммо субҳгача шак қилиб емасун, макрўҳдур. «Ҳидоя»да айтур: «Агар мундоғ еса, гуноҳкор бўлур». «Шарҳи «Аврод»да «Ширъа»дин нақл қилур: «(Рўзани шом) намозидин илгари очсун». «Аворифф»да айтур: «Шомдин илгари очмоқ суннатдур». «Баёни аҳком»да айтур: «Рўзани кун ботса, тез очғани хўбдур, аммо кун ботғониға шак бўлса тез очмасун, яъни булут бўлса ё қоронғу ерда бўлса таъхир қилсун (кечроқ очсин). (Бу) вожибдур». «Ширъат ул-ислом»да айтур: «Рўзани хурмо бирла очмоқ авлодур, агар (хурмо) бўлмаса, тоза сув бирла очсун ё ҳар нима ўт (олов) емаган бўлса, анинг бирла очсун».

ҲАЖ КИТОБИНИНГ ТАСНИФ ЭТИЛМАГАНЛИГИ ЗИКРИ

Эй азизлар! Мен бечораи ноком китоби ҳажга қалам урмоққа орзум бор эрди. Худони меҳрибонлиғи(дин) кўнглумга муҳаббати ҳаж бор эрди. Ул сафари муборакни ирода қилиб, сўнг бу китобни (яъни ҳаж китобини) ибтидо қилсам, деб баён қилдим. Ва яна бу вилоятлар (халқининг) нодонлиғидин ислом заиф бўлубдур, ўз-ўзлариға шайх от қўюб, ўзини улуғ — бузрук дерлар. Расул алайҳиссалом суннатларин қўюб, янги пайдо бўлғон йўлға юз қўюбдур. Баъзи уламолар авомларга фитна ўргатурлар. Анинг сўзин писанд қилиб, моли мардумни беибо егайлар ва номаҳрам бирла суҳбат қилғайлар. Ва яна лўлини мастура деб тиззаларига олғайлар. Агар ҳоким мундоғ қилса, раъияти нечук дин ривожини қилғайлар?!

(Ё) Расул алайҳиссалом! Бизларни арзимизни Худоға еткурунг ва айтингки, чандон умматларим мени остоним туфроғига муҳаббат қилурлар, зод ва роҳиладин холидурлар. Бовужуд фикри ва зикри ва кўзи йўлдадур. Умидим борки, Худони меҳрибонлиғи бирла бу ғамлиқ жойдин чиқсам. Ажаб ҳолдурки, бу бодияи даштда нотавон бўлуб, юзин туфроқға қўюб, ташна бўлуб ётур. Ажаб эмасдурки, карам булутидин сув берсанг ва аларга қувват берсанг ва юзларини мен тарафга қилсанг ва туфроғимга восил қилсанг. Мажнундек нодон бўлса, эй яхшилар раҳнамолари, аларни ул орзуларига еткургул. Молу жон сенга фидо бўлсун.

Ҳар киши умматлик даъвоси бўлса мисли гадодек эшигингизни кезмаса, орзу қилмаса, даъвоси бекордур. Биз гуноҳликлар учун кўзунгузни ёшини ёмғурдек

оқузуб, дунёда ҳузур ва ором олмадингиз, «Умматим, умматим», дерсиз. Вақти охирда Қиёмат кунида бошни гўрдин кўтарганда. «Вой умматим», деб меҳрибонлиғингиз мундоғ бўлса, бу умматлар ани билса керакдур. Қайси юз бирла ул сарони завқ қилмас. Ҳар машаққатики, йўлда (бордур), дўзах ўтининг пардаси бўлғай, умматларнинг ҳиммати мундоғ бўлса керак эрди: Агар равзанг осмонда бўлса эрди, киши умри борича турубон поя қилиб, осмонға чиқиб бу сариғ юзларин Сизнинг равзангизга суртар эрди. Бовужуд бу жисми покингиз ерда бўлубдур. Муборак туфроғингиз ер юзида туруб, ул шоҳи меърож, подшоҳи кавнайн ва Расули сақалайнни қасди зиёрат қилмасам ва Сизнинг учун бошимни оёқ қилмасам, Қиёмат куни жамоли муборагингизга нечук боқарман!

Ҳикоят. Эй соликлар! Худони раҳмати ва меҳрибонлиғидин бир ҳикояти дилписанд чун қанд эшитинглар. Расули Худо шариатнинг ривожи, анбиёларнинг тожи, жаннатнинг гули ва пайғамбарларнинг булбули, расуллар сарвари ва кўнгуллар сурури, меърож туни арз қилдилар: «Қиёмат куни жамиъи бандалар аввали ва охири тирилса, мен уммат учун кабобдурман. Умматимнинг ҳисобини ўз қўлумга бергайсен, токи аларнинг аҳволидин илгариги пайғамбарлар умматлари хабардор бўлмагай, зероки менинг умматларим ажаб паришон ҳолдурлар, сар то по ғарқи гуноҳдурлар!»

Худойи азза ва жалла айғай: «Эй Аҳмад ва эй Муҳаммад! Умматларим ҳолини ҳеч киши билмасун, дерсан! Мен хоҳларманки, Сен ҳам аларни ҳолидин огоҳ бўлмасанг!» — деб меҳрибон бўлғай.

Илоҳо! Жамиъи уммати Муҳаммадни, хусусан,

каминаи фақиру ҳақир котибга охир дамда иймон рўзи (насиб) қилғайсен. Омийн ё Раббал оламийн! Бироҳматика ё Арҳамар роҳимийн!

Аллоҳумма иғфир лий ва ливалидайя ва лижамийъил мўминийна вал мўминот вал муслимийна вал муслимот ал-аҳяи минҳум вал-амвот, иннака мужийбуд-даъвоти ва мунзилул баракоти ва қозиёл ҳожоти!

Байт:

Ҳар ки хонад дуо тамаъ дорам,
З-онки, ман бандаи гуноҳкорам.

(Кимки бу китобни ўқиса, ундан дуо умид қиламан, зеро мен гуноҳкор бандаман).

Байт:

Хатти тақдир аст берун аз ғалат,
Аз ғалат холи набошад ҳеч хат.

(Фақат тақдир хати хатодан холи, бошқа ҳар қандай хат хатодан холи эмасдир).

Байт:

Шуд батавфиқи Худойи ло яном,
Ин китоб рўзи жумъа шуд тамом.

(Ухламайдиган (ҳар доим огоҳ) Худонинг тавфиқи билан бу китоб жума куни тамом бўлди).

Байт:

Эй карамат беҳадду, ман бенаво,
Даст тиҳи боз магардон маро.

(Эй карами беҳад (Аллоҳ), мен — бенавоман (фақирман), Караминг умидида чўзилган қўлимни қуруқ қайтарма).

ИЛОВАЛАР

«МАСЛАК УЛ-МУТТАҚИН»ДА НОМЛАРИ ЗИКР ЭТИЛГАН АСАРЛАР

«Абдул Али». Муаллиф номи билан асарининг аталиши. Абдул Али ибн Муҳаммад бин Ҳусайн ал-Биржандий асари. Қаранг: «Абдул Али».

«Абулмакорим». Муаллиф номи билан асарининг аталиши. У Мавлавий Абулмакорим бин Абдуллоҳ бин Муҳаммад бўлиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483 – 1530 милодий йиллар) даврида Самарқандда таниқли фақиҳлардан бири ҳисобланган. Шайбонийхон (1500–1510 милодий йиллар Мовароуннаҳр хони бўлган) Самарқандни эгаллаган пайтда уни қатл қилдирган. Мавлавий Абулмакоримнинг яккаю ягона асари «Мухтасар ал-Виқоя»га ёзган уч жузъли шарҳидир. Сўфи Оллоҳёр ана шу шарҳдан фойдаланган. Абулмакорим 907 ҳижрий йилда вафот қилган.

«Аворифф». У Шаҳобиддин ас-Суҳравардийнинг машҳур асаридир. Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар бин Муҳаммад ал-Бакрий ас-Суҳравардий Абу Бакр Сиддиқнинг авлодидан. Тасаввуфда нисбаси амакиси Абуннажиб ас-Суҳравардий (ваф. ҳ.563)га боғланган. Уни яна бир Шаҳобиддин Мақтул ас-Суҳравардий (ваф. ҳ.587) соҳиби «Ишроқ» билан адаштирмаслик керак. Ас-Суҳравардий кўпгина машойихларни кўрган, суҳбатида бўлган. Унинг «Аворифф», «Рашҳ ан-насойиҳ», «Иълом ат-туқо», «Матни Аврод» каби асарлари бор. «Аворифф»да тасаввуфнинг асл қоидалари ҳамда ақоиди ислом муфассал ёритилган бўлиб, Маккада Масжиди Ҳаромда ёзилган. Шаҳобиддин Суҳравардий ҳижрий 539 йил ражаб ойида туғилиб, 632 йил вафот қилган.

«Аврод». Бу асар ҳам Шаҳобиддин ас-Суҳравардийга тегишли. Қаранг: «Аворифф».

«Ажнос». Мазҳабимизда учта «Ажнос» номли асар борлиги маълум. Шулардан энг машҳури Имом Абул Аббос Аҳмад бин Муҳаммад ан-Нотифий ал-Ҳанафий (ваф. ҳ.446)нинг «Ажнос фил-фуруъ»сидир. Кейингиси Ҳисомуддин Умар бин Абдулазиз Садр уш-шаҳид (ваф. ҳ.-536)нинг «Ажнос ал-Воқеот» асаридир. Кейингиси Абу Ҳафс Умар бин Муҳаммад ан-Насафий (ваф. ҳ.537)нинг «Ажнос ал-фиқҳ» асаридир. Сўфи Оллоҳёр кейинги «Ажнос»ни назарда тутган.

«Ақоид». Бу номдаги асарлар жуда кўпдир. Асосийлари Қози Азудиддин Абдурраҳмон бин Аҳмад ал-Ийжий (ваф. ҳ.756) ҳамда Шайх Нажмуддин Абу Ҳафс Умар бин Муҳаммад ан-Насафий (ваф. ҳ.537)ларнинг ақида борасида тузган мухтасар матн китобларидир. Сўфи Оллоҳёр ана шу икки китобдан унумли фойдаланган. Яна Имоми Аъзам (ваф. ҳ.150)нинг «Фиқҳ ул-акбар» ҳамда Сирожиддин ал-Ўшийнинг «Бадъ ул-амолий» асарларидан ҳам кенг истифода қилган. Имом Аҳмад бин Муҳаммад ат-Таҳовий (ваф. ҳ.321)нинг ақида китобини ўқиш Мовароуннаҳрда одат бўлмаган.

«Аминийя». Ушбу фатво китобнинг муаллифи Муҳаммад Амин бин Абдуллоҳ ал-Мўъминободий. Мўъминобод — Бухорога қарашли қишлоқ номи. Унинг яна «Фатово», «Жунг», «Шарҳи Фиқҳи Кайдоний» номли асарлари бор. XVI аср охирларида яшаб ўтган.

«Асл». Мазҳабимиз фиқҳий масалалари бир қанча табақага бўлиб ўрганилади. Шулардан биринчиси «Асл масалалари» дейилади ва унда зоҳири ривоят тушунилади. Унинг энг асосийси «Ал-Мабсут»дир. Унинг энг машҳур нусхаларидан бири Абу Сулаймон ал-Жузжо-

ний (ваф. ҳ.200)га тегишли ва у «Ал-Асл» деб аталади. «Мабсут»нинг бир қанча нусхалари мавжуд. Шайх ул-ислом Абу Бакр Хоҳарзода (ваф. ҳ.483)ники «Мабсути Шайх ул-ислом» ёки «Катта Мабсут» дейилади. Шамс ул-аимма ас-Сарахсий (ваф. ҳ.500) ва устози Шамс ул-аимма ал-Ҳалвоий (ваф. ҳ.456) нусхалари мавжуд. Зоҳири ривоят масалаларини жамлаб, Ҳоким аш-Шаҳид (ваф. ҳ.334) «Китоб ал-Кофий» асарини ёзган ва у ҳам «Ал-Асл» деб аталади. Унинг Шамс ул-аимма ас-Сарахсий, Шайх ул-ислом ал-Исбижобий (ваф. ҳ.535) шарҳлари мавжуд.

«Осор». Улуғ имомларимизнинг баҳсли масалаларни, уларнинг дин йўлида қилган хизматларини жамлаб тузилган тўпламлардир.

«Атвор ул-арбаъийн». Бизнингча, бу асар Шайх Абу Бакр Муҳаммад бин Иброҳим ал-Калободий ал-Бухорий (ваф. ҳ.380)нинг асари.

«Аттобийя». Муаллиф номига нисбатан аталган китоб номи. Абу Наср Аҳмад бин Муҳаммад бин Умар Зоҳидуддин ал-Аттобий: «айн»нинг фатҳаси, «то»нинг ташдиди билан айтиладиган Бухоронинг Аттобиййа маҳалласидан бўлган. Зоҳид уламолардан, замонасининг тенгсиз алломаларидан. Асарларидан «Шарҳ аз-Зиёдот», «Жомеъ ал-кабийр» ва «Жомеъ ас-сағийр»га ёзган шарҳлари, Қуръони Каримга ёзган тафсири ҳамда машҳур фатовоси «Фатовойи ал-Аттобиййа»си бор. Уни «Жавомеъ ул-фиқҳ» ҳам дейилади. Ҳижрий 586 (ёки 582) йил вафот этган.

«Бадойеъ». Фиқҳга оид ушбу машҳур асар муаллифи Абу Бакр ибн Масъуд бин Аҳмад Малик ал-уламо Алоуддин ал-Косонийдир. «Бадойеъ» Алоуддин ас-Самарқандий ёзган «Туҳфат ал-фуқаҳо» асарининг шар-

ҳидир. Ал-Косонийнинг яна «Ас-Султон ал-мубин фий усул ад-дин» номли китоби бўлган. У ҳижрий 587 йил ражаб ойида Ҳалабда вафот қилган. Ҳалаб ташқарисида Алоуддин Самарқандийнинг қизи олима, фақиҳа Фотима ёнига дафн қилинган.

«Биржандий». Муаллиф нисбаси билан аталган асар. Сўфи Оллоҳёр уни муаллиф номи билан Абдул Али (ваф. ҳ.935) ҳам деб зикр қилади. Қаранг: «Абдул Али».

«Бурҳонийя». Бунда Бурҳониддин Маҳмуд ибн Садр ус-саъид Аҳмад ибн Садр ул-кабийр Абдулазиз ал-Бухорий (ваф. ҳ. 544)нинг асари назарда тутилган. Қаранг: «Муҳит».

«Бўстон». Абул Лайс Самарқандийнинг машҳур асарининг қисқартириб аталиши.

«Бўстон ул-орифийн». Машҳур фақиҳ Абул Лайс ас-Самарқандий асари. Абул Лайс Самарқандий ҳижрий 376 йилда вафот қилган. Яна қаранг: Абул Лайс.

«Бўстон уш-шариат». Абул Лайс ас-Самарқандийнинг машҳур асарининг бошқача аталиши.

«Виқоя». Ушбу асар «Мухтасари «Виқоя» соҳибининг бобоси Тож уш-шариа Маҳмуд ибн Садр уш-шариа Аҳмад ал-Маҳбубий (ваф. ҳ.630) қаламига мансубдир. У Бухородан чиққан етук ҳанафий мазҳаб фақиҳларидан бўлиб, ал-Кафавий (ваф. ҳ.990)нинг айтишига қараганда, «Ал-Ҳидоя», «Ал-Фатово», «Ал-Воқеот» масаларларини интихоб (танлаб) қилиб таълиф қилган. Уни ўғлининг ўғли Садр уш-шариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Маҳбубий (ваф. ҳ.747)га бағишлаган.

«Воқеот». Мазҳабимиз фиқҳий масаларларининг табақасида учинчи ўринда турадиган китоблар мажмуининг номланиши. Бундай китоблар учта имом – Имоми Аъзам (ваф. ҳ.150), Имом Абу Юсуф (ваф. ҳ.183) ва Имом

Муҳаммад (ваф. ҳ.189)дан ривоят қилинмаган, лекин уларнинг энг охирги асҳоблари ёки асҳобларининг шогирдлари тартиб берган фатволардир. Улардан энг аввалгиси Абул Лайс Самарқандий (ваф. ҳ.376)га тегишли, дейилади. У ўз «Воқеот»ида устозлари, устозларининг шайхлари Муҳаммад ибн Муқотил (ваф. ҳ.248), Муҳаммад ибн Салама (ваф. ҳ.233.), Наср ибн Яҳё (ваф. ҳ.268) каби зотларнинг фатоволарини жамлашга ҳаракат қилган. Кейинчалик шундай асарлардан ан-Нотифий (ваф. ҳ.442)нинг ва Садр уш-шаҳид (ваф. ҳ.536)нинг асарлари пайдо бўлди. Фиқҳий асарларимизда мутлақ «Воқеот»дан деб келтирилган масаларлар ан-Нотифийнинг асаридан олинган бўлади.

«Ғарибур ривоя». Бу фиқҳга оид асар бўлиб, асли номи «Ғариб ур-ривоя фий фуруъ ал-ҳанафиййа» деб аталади. Уни Имом Муҳаммад бин Абу Шужоъ ал-Алавий (ваф. ҳ.491) таълиф қилган. Асарни Абу Ҳафс ал-Фокардий қисқартирган. «Ғарибур-ривоя» Мовароуннаҳрда маълум ва маъмул бўлган асарлардан ҳисобланади. Қаранг: «Саййид Шужоъ».

«Ғуниййа». Ушбу фатво китоби Маҳмуд бин Аҳмад ал-Қўнавий қаламига мансуб. Ҳанафий мазҳаби фатово китоблари ичида унинг ҳам муносиб ўрни бор. Муаллифи Маҳмуд бин Аҳмад бин Масъуд бин Абдурраҳмон Абуссано Жамолуддин ал-Қўнавий таниқли олим, ақлий ва нақлий илмларда донг таратган. Илмни отасидан олган. Кейинчалик Дамашқда қози бўлган. Унинг яна «Ал-Мунтаҳий шарҳ ал-Муғний», «Ат-Тақрир», «Таҳзибу аҳком ал-Қуръон», «Ал-Мўътамад мухтасари муснади Абу Ҳанифа» сингари асарлари бор. У ҳижрий 777 йил Дамашқда вафот эттан.

«Динорий». Бу Абдулкарим бин Юсуф бин Муҳам-

мад бин Аббос Абу Наср Алоуддин ад-Динорий (517 – 590)нинг машҳур фатво асарининг муаллиф нисбаси билан аталишидир. Динор – Астробод яқинидаги қишлоқ номи. Унинг ўғли Абдулжаббор Динорий ҳам машҳур фақиҳлардан бўлган.

«Жавомиъ». Имом ал-Аттобий (ваф. ҳ.586)нинг «Фатово»сининг бошқа номи – «Жавоме-ал-фиқҳ» деб аталган. Бу ерда ана шу асар назарда тутилмоқда.

«Жавоҳир ул-фатово». Абу Бакр Муҳаммад бин ал-Кирмоний (ваф. ҳ.543)нинг асари. Ушбу мўътабар фатво китоби Мовароуннаҳр, Хуросон, Бухоро ва Кирмон фақиҳларининг фатволари асосида тузилган ва у каттакатта олти бобдан иборатдир.

«Жомеъ ул-басотин». Ушбу асар, бизнингча, ал-Ҳусайн бин Али Абулқосим Имодуддин ал-Ломиший қаламига мансуб. Ломиш – Фарғона қишлоқларидан бирининг номи бўлган. У машҳур фақиҳ, олим, етук воиз сифатида танилган. Унинг 515 йилда Бағдодга борганлиги ривоят қилинади. Унинг «Ал-Воқеот», «Ал-Фатово» номли асарлари бор.

«Жомеъ ус-сағир». Имом Муҳаммад (ваф. ҳ.189)нинг зоҳири ривоят деб аталадиган олтита асарнинг бири. «Кашф уз-зунун»да айтилишича, унда 1532 та фиқҳий масалар баён этилган, 170 та ихтилофли масалар, борйўғи иккитагина қиёс ва истиҳсон масаласи зикр қилинган. «Кимки ушбу китобни ўқимаса, фатво беришга ҳаққи йўқ», деб уни мадҳ қилганлар. Шунинг учун ҳам унга кўп шарҳлар битилган. Имом ат-Таҳовий (ваф. ҳ.321), Абу Бакр ал-Жассос (ваф. ҳ.370), Абул Лайс ас-Самарқандий (ваф. ҳ.373), Абулқосим ар-Розий (ваф. ҳ.474), Шамс ул-аимма ас-Сарахсий (ваф. ҳ.490), Садр ул-ислом Ал-Паздавий (ваф. ҳ.493), Абул Муин ан-Насафий

(ваф. ҳ.508), Абу Бакр ал-Балхий (553), Абу Наср ал-Аттобий (ваф. ҳ.586), Имом Қозийхон (ваф. ҳ.592) каби маълуму машҳур жуда кўп фақиҳларимизнинг шарҳлари шулар жумласидандир.

«Захира». Бу «Муҳит» китобининг соҳибига тегишли. У Бурҳониддин Маҳмуд ибн Садр ус-саъид Аҳмад ибн Садр ул-кабийр Абдулазиз ал-Бухорий бўлиб, 544 йил вафот этган. Унинг «Аз-Захира», «Шарҳ ал-Жомеъ ас-сағийр», «Шарҳ аз-Зиёдот», «Шарҳ Адаб ал-қози лил-Хассоф», «Ал-Воқеот» каби асарлари бор. Унинг «Захира» асари «Муҳити Бурҳоний» китобининг мулаххаси — танланган масаларлари ҳисобланади.

«Заҳирийя». Заҳируддин ал-Бухорий (ваф. ҳ.619)нинг мўътабар фатвоси назарда тутилади. Қаранг: Заҳируддин.

«Заҳируддин». У Заҳируддин Муҳаммад ибн Аҳмад бин Умар ал-Бухорий асаридир. Бухоро муфтийси бўлган бу зот «Фавойиди Заҳирийя», «Фатовойи аз-Заҳирийя» сингари асарлар таълиф қилган. Абдулҳай Лакнавий унинг фатвосини мўътабар фатволар сирасидан санайди. Ул зот ҳижрий 619 йилда вафот этган.

«Зиёдот». Аслида номи «Аз-Зиёдот фий фуруъ ал-ҳанафиййа» бўлиб, Имом Муҳаммад (ваф. ҳ.189)нинг асари. Унинг яна етти боб (талоқ, савдо, намоз боблари масаларлари)дан иборат «Зиёдат аз-Зиёдот» асари бўлган. «Зиёдот» («Зиёда масалалар») дейилишига сабаб «Жомеъ ал-кабир»ни ёзиб бўлгандан сўнг унда келтирилмаган масаларларни «Зиёдот»да беради ва кейинчалик унда ҳам келмаган масаларларни «Зиёдотнинг зиёдаси»да жамлаган. «Зиёдот»га кўплаб шарҳлар ёзилган. Имом Қозийхон (ваф. ҳ.592), Абу Ҳафс Сирожиддин ал-Ҳиндий (ваф. ҳ.773), Имом ал-Баздавий (ваф. ҳ.484), Шамс

ул-аимма ал-Ҳалвоий (ваф. ҳ.456), Имом Абулқосим ал-Аттобий (ваф. ҳ.586) шарҳ ёзганлар. Ҳоким аш-Шаҳид (ваф. ҳ.334)нинг ҳам шарҳи бор. Шамс ул-аимма ас-Сарахсий (ваф. ҳ.409) маҳбусликда ёттанида «Зиёдат аз-Зиёдот»ни шогирдларига ёддан айтиб ёздирган. Яна «Зиёдот» номли Шофеъий мазҳаби фиқҳига оид Абу Осим Муҳаммад бин Аҳмад ал-Аббодий (ваф. ҳ.458)нинг асари ҳам мавжуд.

«Зоҳидий». Мухтор ибн Маҳмуд бин Муҳаммад Абурражоъ Нажмуддин аз-Зоҳидий ал-Ғазминий (ваф. ҳ.658)нинг нисбаси билан аталган фиқҳга оид асари. «Қунийййа» асари назарда тутилган бўлади. Қаранг: «Қунийййа».

Изоҳ. Ҳанафий мазҳабида, асосан, иккита «Изоҳ» асари маълум. Биринчисини Ҳожи Халифа (ваф. ҳ.1067) кўрсатишига қараганда, Имом Абул Фазл Абдурраҳмон бин Муҳаммад ал-Кирмоний ал-Ҳанафий (ваф. ҳ.543) ёзган. Кейингисини эса Ибн Камол Пошшо (ваф. ҳ.940) Тож уш-шариа Маҳмуд ибн Садр уш-шариа Аҳмад ал-Маҳбубий (ваф. ҳ.630)нинг «Виқоя» китоби асосида тартиб бериб шарҳлаган асаридир. Сўфи Оллоҳёр биринчи «Изоҳ»дан фойдаланган.

«Инжил». Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломга нозил қилган китобнинг номи. Мусулмонлар бунга имон келтирадилар. Қуръони каримда бу ҳақда бир қанча оятлар нозил қилинган. Лекин ҳозирда Инжилнинг асл нусхаси йўқ бўлиб кеттан.

«Иҳё». Ислом оламининг машҳур зотларидан Ҳужжат ул-ислом Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий (ваф. ҳ.505)нинг «Иҳё ал-улум ад-дийн» асари назарда тутилмоқда. Бундан ташқари унинг «Иҳё»нинг қисқартмаси форсий «Кимёи саодат» асари ҳам бор.

«Ихтисори Хизона». Бу «Хизонат ал-фиқҳ» бўлиб, Абул Лайс ас-Самарқандий (ваф. ҳ.383)га тегишли. У «Хизона»лар ичида энг мухтасари бўлганлиги учун шу ном билан ҳам аталади.

«Кабирий». Ушбу фатво китоби Мавлоно Кабийр бин Кабийр ад-Диззақийнинг ҳижрий 1005 йилда ёзган фатво китоби. Кабируддин ас-Самарқандий номи билан танилган.

«Қавоид ул-ислом». Муаллифи номаълум кичик рисола.

«Канз ул-ибод». Машҳур асар бўлган бу китоб Шаҳобиддин ас-Суҳравардийнинг «Аврод» асарига ёзилган шарҳдир. Муаллифи Али ибн Аҳмад ал-Ғурий бўлиб, араб ва форс тилида битилган. Шориҳ фатово, матн китобларидан олиб турли-туман масалаларни келтирган.

«Кашф». Ушбу асар машҳур фақиҳ Абу Жаъфар ал-Ҳиндувоний (ваф. ҳ.963)га тегишли бўлиб, асарнинг тўлиқ номи «Кашф ал-ғавомиз фил-фуруъ» деб аталади. Абдулазиз ал-Бухорий (ваф. ҳ.730)нинг «Кашф ул-асрор» номли машҳур асари бор.

«Кашфи мактум». Ҳожи Халифа (ваф. ҳ.1067) «Кашф уз-зуннун»да айтишича, бу ҳанафийлар фиқҳига оид асар.

«Кашф ул-маоний». Шу номдаги икки асар маълум. Биринчиси, тафсирга оид «Кашф ул-маоний ан муташобиҳ ал-масоний» деб аталади. У Қози Бадриддин Муҳаммад бин Жамол асаридир. Иккинчиси, калом илмига оид бўлиб, унинг муаллифи Шайх Бадриддин Муҳаммад аз-Заркаший (ваф. ҳ.794)дир.

«Кифоя». Ушбу фиқҳга доир машҳур асар «Ҳидоя»нинг шарҳи бўлиб, уни Саййид Жалолиддин ибн Шамсиддин ал-Гурлоний ал-Хоразмий таълиф қилган. У

илмни Ҳисомиддин ас-Сиғноқий (ваф. ҳ.714) ҳамда Абдулазиз ал-Бухорий (ваф. ҳ.730)лардан олган.

«Кифояи Шаъбий». Бу Абу Жаъфар Муҳаммад бин Амр Қозининг фиқҳга оид асаридир.

«Кофий». «Кофий»лар ҳам бир нечта. Ҳанафийларда иккита «Кофий» бор. Биттаси, Ҳоким аш-Шаҳидники бўлиб, у зоҳири ривоят масаларларини ўзида тўплаган. Яъни Имом Муҳаммаднинг 6 та асари тўпланмасидир. Ҳоким аш-шаҳид Муҳаммад бин Муҳаммад бин Аҳмад бин Абдуллоҳ бўлиб, Бухорода қози, кейинчалик Хуросонда вазир ҳам бўлган. Унинг ёзган «Ал-Кофий» асари усул китобларининг энг машҳур ва энг эътимодлиларидан бирига айланган. У ҳижрий 334 йил сажда қилаётганида қатл этилган. Бу ердаги «Кофий» эса кейингиси ҳисобланади. Бу китоб мутлақ зикр қилинганда ана шу кейинги «Кофий» назарда тутилган бўлади. Бу «Кофий»нинг муаллифи Абдуллоҳ бин Аҳмад бин Маҳмуд Абулбаракот Ҳофизуддин ан-Насафийдир. У ўз даврининг етук ва кўзга кўринган фақиҳларидан бўлган. Шамс ул-аимма ал-Кардарий, Ҳамидуддин аз-Зарийр, Бадриддин Хоҳарзодаларда ўқиган. «Ал-Вофий» ва унинг шарҳи «Ал-Кофий»ни у ёзган. Бундан ташқари «Канз уддақойиқ» номли машҳур фиқҳий матн китоби ҳам бор. Шунингдек, «Ал-Мусаффо шарҳ ал-манзума ан-насафиййа», «Ал-Мустасфо шарҳ ал-фиқҳ ан-нофиъ», «Манор фил-усул», унинг шарҳи «Кашф ал-асрор», «Ал-Эътимод шарҳ ал-Умда» асарларини таълиф қилган. Ҳижрий 710 йил Бағдодда вафот қилган. Тафсир бўйича машҳур «Тафсири Мадорик»ни ана шу зот ёзган. Бундан бошқа аруз, наҳв ва мусиқага оид «Кофий» номли асарлар ҳам бор. Ундан ташқари шофеъий ва моликийларнинг ҳам «Кофий» номли мўътабар асарлари бор.

«Кофурий». Бу асар Муҳаммад бин Ҳожи Муҳаммад бин ал-Ҳасан ас-Самарқандийнинг «Фатовойи Кофурийя» номли фатво китоби.

«Қунийя». Ушбу асар Мухтор ибн Маҳмуд бин Муҳаммад Абурражоъ Нажмуддин аз-Зоҳидий ал-Ғазминийнинг асаридир. У Хоразмнинг «Ғазмин» деган қишлоғидан бўлган. «Шарҳи Мухтасар ал-Қудурий», «Китоб ал-Ҳовий», «Ар-Рисолат ан-Носириийя» сингари асарлари бор. Замонасининг донғи кеттан уламоларидан дарс олган. Бағдод ва Румда дарс ҳам берган. Вафоти ҳижрий 658 йил. Фиқҳий асарларимизда «Зоҳидий»дан деб келтирилган масаларлар шул зотнинг асарларидан олинган бўлади. Тўлиқ номи «Қунийийат ул-Мунийя литатмимил Ғунийя» бўлган ушбу асар Ҳанафий мазҳабига биноан ёзилган. Гарчи муаллиф эътиқодда мўътазилий бўлса-да, келтирган фиқҳий масаларлари ўзидан аввал ўтган аҳли суннат вал-жамоат ҳанафийларининг фатволарига мутлақо уйғун ва шуларга асосланганлиги учун эътиборлидир.

«Қуръон». *Мусулмонларнинг муқаддас китоби.* Аллоҳ таоло тарафидан Пайғамбаримиз алайҳиссаломга йигирма уч йил мобайнида нозил қилинган. 114 сурадан иборат. Қуръонга имон келтириш фарзи айндир. Уни ўқиш ибодат ҳисобланади.

«Мабсут». Ушбу китобни Имом Муҳаммад (ваф. ҳ.189) ёзган дейилса-да, асл нусхалари йўқолиб кетган. Ул зотдан ривоят қилинган «Мабсут»лар бир нечтадир. Энг зоҳири Абу Сулаймон ал-Жузжоний (ваф. ҳ.200)ники ҳисобланади. «Мабсут»га ёзилган шарҳлар ҳам жуда кўпдир. Шайх ул-ислом Хоҳарзода (ваф. ҳ.483)нинг асари «Мабсути кабийр» дейилади. Шамс ул-аимма ал-Ҳалвоий (ваф. ҳ.456), Шамс ул-аимма ас-Сарахсий (ваф. ҳ.500),

Абулъуср ал-Паздавий (ваф. ҳ.484), Абулюср ал-Паздавий (ваф. ҳ.493), Носируддин ас-Самарқандий (ваф. ҳ.556), Абул Лайс ас-Самарқандий(ваф. ҳ.376)ларнинг «Мабсут»лари бор. «Мабсут» асари мутлақ келганда «Мабсут ас-Сарахсий» тушунилади. Бу аслида Ҳоким аш-Шаҳид (ваф. ҳ.334)нинг «Кофий» асарига ёзилган шарҳдир. Умуман олганда, барча «Мабсут»лар ҳақиқатида шарҳдир. «Мабсут ас-Сарахсий» ҳақида Аллома Имодуддин Тарсусий (ваф. ҳ.727) «Бу китобнинг хилофига амал қилинмайди, бунгагина суянилади, бундаги масалалардан ўзгасига фатво берилмайди», деган.

«Мафотиҳ». Шу номда илмнинг турли соҳаларига оид асарлар мавжуд. Имом Халил бин Аҳмад ал-Ҳанафий (ваф. ҳ.368)нинг фиққга оид «Мафотиҳ ал-фуруъ» асари, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий (ваф. милодий 997)нинг қомусий «Мафотиҳ ал-улум» асари, Фахриддин Розий (ваф. милодий 1210 м.)нинг тафсирга оид «Мафотиҳ ал-ғайб» асари мавжуд. Ҳадисга оид машҳур «Масобиҳ ас-сунна» асари мавжуд. Уни Имом Ҳусайн бин Масъуд ал-Фарро ал-Бағавий аш-Шофеъий (ваф. ҳ.516) ёзган. Ушбу асарга ўнлаб шарҳлар битилган. Шулардан бири «Мафотиҳ» деб аталади. Уни Мазҳаруддин Ҳусайн бин Маҳмуд бин Ҳасан аз-Зайдоний (ваф. ҳ.727) ёзган. Яна бир «Мафотиҳ ал-жинон» асари бўлиб, уни Яъқуб бин Саййид Али ёзган. У Бурсада мударрис бўлган. Мелодий 931 йил вафот қилган. Ушбу асари «Ширъат ал-ислом»нинг ажойиб шарҳи ҳисобланади. У яна Саъдийнинг «Гулистон» асарига араб тилида шарҳ ёзган. Сўфи Оллоҳёр биринчи ва охирги «Мафотиҳ»дан фойдаланган.

«Мифтоҳ». Бу номдаги асарлар жуда кўп. Машҳурлари Саъдуддин ат-Тафтазоний (ваф. ҳ.791)нинг «Мифтоҳ ул-фиқҳ» асари, Садриддин ал-Қўнавий (ваф.

ҳ.673)нинг «Мифтоҳ ал-ғайб фит-тасаввуф» асари, Сирожиддин ас-Саккокий (ваф. ҳ.626)нинг «Мифтоҳ ал-улум» асари, Камолиддин аш-Ширвонийнинг «Мифтоҳ ас-саодат» асари, Шайх Маҳмуд ал-Ускудорий (ваф. ҳ.1040)нинг «Мифтоҳ ас-солат» асарларидир. Бундан бошқа шу номдаги наҳв, луғат, тафсир, адабиётга оид асарлар ҳам кўпдир.

«Мишкот». Ҳадисга оид бу машҳур асар Имом Ҳусайн бин Масъуд ал-Фарро ал-Бағавий аш-Шофеъий (ваф. ҳ.516)нинг «Масобиҳ ас-сунна» китобининг такмиласи ҳисобланади. Уни Валийуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Абдуллоҳ Хатиб ат-Табризий «Мишкот ал-Масобиҳ» номи билан ҳижрий 737 йил Рамазоннинг охирги жума куни ёзиб тугатган. «Мишкот»га кўплаб шарҳлар ёзилган. Машҳурлари Аллома Ҳасан бин Муҳаммад ат-Тийбий (ваф. ҳ.743)нинг «Ал-Кашф ан ҳақойиқ ас-сунан» деган шарҳидир. Яна Абулҳасан Али бин Муҳаммад Илмуддин ас-Саховий (ваф. ҳ.643) ҳамда Абдулазиз бин Муҳаммад ал-Абҳарий (ваф. ҳ.895) шарҳлари мавжуд. «Мишкот»га энг машҳур ҳошияни Аллома Саййид Шариф Журжоний (ваф. ҳ.816) ёзганлар. «Мишкот»нинг энг машҳур шарҳларидан бири, бизнинг юртларимизда маъмул бўлгани, шубҳасиз, Нуриддин Али бин Султон ал-Қори ал-Ҳаравий ал-Маккий (ваф. ҳ.1014)нинг «Мирқот ал-мафотиҳ» номли асаридир.

«Мужаррад». Имоми Аъзамнинг шогирди Ҳасан ибн Зиёд (ваф. ҳ.204)нинг асари ҳисобланади. Қаранг: Ҳасан ибн Зиёд.

«Музмарот». Асли номи «Жомеъ ал-Музмарот вал-мушкилот» бўлган ушбу асар Юсуф бин Умар бин Юсуф ас-Сўфий ал-Кодурий (ваф. ҳ.832) қаламига мансуб. Бу Абул Ҳусайн Аҳмад бин Муҳаммад ал-Қудурий ал-Баг-

додий (ваф. ҳ.428)нинг машҳур «Мухтасар» асарининг ўнлаб шарҳларидан биридир. «Музмарот»нинг муҳим жиҳатларидан бири унинг аввалида фатво беришдаги мўъламе аломатлари, фиқҳнинг фазилати, айрим фақиҳлар зикри, аҳли суннат вал-жамоат зикри, фатво бериш ва олиш одоблари, мужтаҳид ва муқаллидлар ҳақидаги фасллар мавжудлигидир.

«Мулла Хаёлий». У Аҳмад бин Мусо Мавло Хаёлий асарининг муаллиф номи билан аталиши. Бу зот «Шарҳи Ақоиди Насафийя»нинг энг машҳур ҳошиясини ёзган. Отаси қози бўлган. Мулла Хаёлий Султон Муҳаммадхон даврида Туркиянинг энг машҳур мударрисларидан бўлган. Ҳижрий 860 йилда вафот қилган.

«Мулла Шамсиддин». Муаллиф номи асар номи сифатида зикр қилинган. Мулла Шамсиддин Кўҳистоний (ваф. ҳ.952)нинг «Жомеъ ур-румуз» асари назарда тутилмоқда. Қаранг: Шамсиддин.

«Мултақит». Аслида асар «Ал-Мултақит фил-фатово ал-ҳанафиййа» деб аталади. Унинг яна бир номи «Маол ал-фатово»дир. Ҳанафий мазҳабда мўътабар саналган ушбу асарни Имом Носируддин Абулқосим Муҳаммад бин Юсуф ал-Ҳусайний ас-Самарқандий ал-Ҳанафий (ваф. ҳ.556) ёзган. У «Мултақит»ни 549 йилда ёзиб тугаттан. Гарчи шу номдаги бошқа асарлар ҳам бўлса-да, лекин Сўфи Оллоҳёр ана шу «Мултақит»ни назарда тутган.

«Мунийя». Китобнинг тўлиқ номи «Мунийяат ал-мусоллий ва ғунийяат ал-мубтадий» деб аталади. Уни Шайх Садидуддин ал-Кошғарий Муҳаммад бин Муҳаммад (ваф. ҳ.705) ёзган. Ҳанафийлар орасида маълуму машҳур асарлардан бири. Унга кўплаб шарҳлар ёзилган. Энг аввал Ибн Амир Ҳожж номи билан танилган аллома Му-

ҳаммад бин Муҳаммад бин Муҳаммад бин Аҳмад ал-Ҳанафий (ваф. ҳ.959) икки жилдлик катта ҳажмда шарҳ ёзган. Унинг шарҳи «Ҳулиййат ал-мужаллий ва буғиййат ал-муҳтадий» деб аталади. Кейин Шайх Иброҳим бин Муҳаммад ал-Ҳалабий (ваф. ҳ.956) икки марта шарҳ ёзган. Катта шарҳи «Ҳалабийи кабийр», кичиги — мухтасари эса «Ҳалабийи сағийр» ҳам дейилади. Сўнг Умар бин Сулаймон ҳам 1075 йилда битта шарҳ ёзиб тугатган. Гарчи мазҳабимизда бундан бошқа «Мунийя» деб аталган асарлар бўлса-да, лекин Сўфи Оллоҳёр ана шу «Мунийя»-ни назарда тутган.

«Мусаффо». Бу Абу Ҳафс Умар бин Муҳаммад ан-Насафий (ваф. ҳ.537)нинг «Манзума» асарига ёзилган шарҳдир. Уни Абул Баракот Ҳофизуддин ан-Насафий (ваф. ҳ.710) «Мусаффо» номида қисқача шарҳ қилган. Сўфи Оллоҳёр ана шу шарҳдан ҳам фойдаланган.

«Мусҳаф». Қаранг: «Қуръон».

«Муҳаррар». Ушбу номда бир қанча асарлар бор. Биринчиси, «Ал-Муҳаррар фил-хилоф» деб аталади. Уни Абу Али Ҳусайн бин Қосим ат-Табарий (ваф. ҳ.530) ёзган. Иккинчиси, Шофеъий мазҳабининг машҳур асаридир. У «Ал-Муҳаррар фий фуруъ аш-Шофеъиййа», деб аталади. Уни Имом Абулқосим ар-Рофиъий ал-Қазвиний (ваф. ҳ.629) ёзган. Бу Шофеъийларнинг машҳур ва мўътабар китобларидан саналади. Шунинг учун унга жуда кўп шарҳлар битилган, мухтасар шакллари юзага келган. Кейинги «Муҳаррар» тафсирга оид бўлиб, «Ал-Муҳаррар ал-важиз фий тафсир ал-Китоб ал-азиз» деб аталади. Уни Имом Абу Муҳаммад Абдулҳақ бин Абу Бакр бин Ғолиб бин Атиййа ал-Ғарнотий (ваф. ҳ.546) ёзган. Унинг китоби тафсир китоблари ичида мўътабарларидан саналади.

«Муҳиммот ул-муслимийн». Кичик ёшдаги болалар

учун ёзилган рисола. Муаллифи номаълум. Ана шу китоб асосида «Фарзи айн» рисоласи тартиб берилган. Сўфи Оллоҳёр ушбу китобдан ҳам унумли фойдаланган.

«Муҳит». «Муҳит» китоби мутлақ келганда «Захира» асари муаллифининг китоби кўзда тутилади ва у баъзида «Муҳити Бурҳоний» деб аталади. Чунки ҳанафий мазҳабида 4 та «Муҳит» борлиги маълум. Ушбу «Муҳит» борасида унинг асл нусхалари йўқ бўлиб кетган дейилса-да, аслида ундан бошқа кўп жилдли «Муҳит»лар кўзда тутилишини олимларимиз таъкидлашган. Қаранг: «Захира»; «Бурҳонийя».

«Мухтасари Виқоя». «Мухтасар ул-Виқоя» асари жумлаи жаҳонга машҳур. Уни Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож уш-шариа ал-Бухорий (ваф. ҳ.747) ёзган. «Мухтасар» асари Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг бобоси ёзган «Виқоя»нинг қисқартмасидир. У эса «Ҳидоя»нинг фақат фиқҳий масаларлари жамланмасидир. «Мухтасар»нинг асл номи «Ниқоя» ҳисобланади. «Мухтасар» эса унинг лақабидир. Баъзи толиби илмлар «Ниқоя»ни янглиш ҳолда Мавлоно Алий ал-Қори (ваф. ҳ.1014)нинг шарҳига нисбат берадилар. Яна «Виқоя» ҳамда «Шарҳи Виқоя» асарлари изоҳига қаранг.

«Наводир». Ҳанафий мазҳаби масаларлари табақасида иккинчи ўринда турадиган масаларлар мажмуига айтилади. Бу номдаги асарлар кўпдир. Наводир масаларлари Имоми Аъзам (ваф. ҳ.150) ва унинг катта шогирдларидан ривоят қилинган, аммо зоҳири ривоят деб аталадиган китобларга киритилмаган масаларлар тушунилади. Имом Муҳаммад (ваф. ҳ.189)нинг «Кайсониёт», «Журжониёт», «Ҳоруниёт» асарлари, Имом Абу Юсуф (ваф. ҳ.183)нинг «Ал-Амолий» асари, Ҳасан ибн Зиёд (ваф. ҳ.204)нинг «Ал-Мужаррад» асаридан олинган

масаларлар наводир масаларлари, дейилади. Ибн Симоъа (ваф. ҳ.233), Ҳишом бин Абдуллоҳ ар-Розий, Ибн Рустам (ваф. ҳ.211) сингари зотлар «Наводир» асарларини тасниф қилишган.

«Навозил». Асли номи «Ан-Навозил фил-фуруъ» бўлган бу асар муаллифи машҳур фақиҳ Абул Лайс ас-Самарқандий (ваф. ҳ.376)дир. Асарини вафот қиладиган йили ёзиб тугаттан. Ушбу мўътабар асарда Имоми Аъзамнинг Ибн Шужоъ, Ибн Муқотил, Ибн Салама каби асҳобларидан қилинган фиқҳий ривоятлар жамланган.

«Нажмуддин». Бунда Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ан-Насафий кўзда тутилади. У Муфтий ас-сақалайн Умар бин Муҳаммад бин Аҳмад бин Исмоил бин Муҳаммад бин Луқмон ан-Насафий бўлиб, машҳури жаҳон бўлган аллома. Садр ул-ислом ал-Паздавий (ваф. ҳ.493)нинг шогирди. «Муфтий ас-сақалайн» дейилишига сабаб инсу жинга илм ўргатар эди. Унинг «Ақида» рисоласи машҳур. Бундан бошқа кўплаб асарлари бор. Жумладан, «Талабат ат-талаба», «Манзумат ал-фиқҳ», «Ат-Тайсир фит-тафсир», 20 жилдлик «Китоб ал-Қанд» сингари юзга яқин асарлари бор. Нажмуддин Насафий ҳижрий 461 йил Насафда туғилиб, 537 йил Самарқандда вафот қилган.

«Нажм ул-аимма». Шу номда ҳанафийларда икки зот машҳур бўлган. Бири, Нажм ул-аимма ал-Бухорий бўлиб, Фахруддин Бадиъ ал-Қазвинийнинг устозидир. У Бурҳониддин Кабийр (ҳижрий 495 йилларда Бухорода садр мансабига ўтирган)га замондош бўлган. Бухоро ва Хоразмда ушбу Нажм ул-аимма ўз фатволари билан машҳур бўлган. Яна бир Нажм ул-аимма ал-Ҳакимий бўлиб, Ҳасан бин Мансур Қозийхон (ваф. ҳ.592)нинг шогирди бўлган. Сўфи Оллоҳёр биринчи келтирган зотни назарда тутган.

«Назм». Имом Зандависатий ал-Ҳанафий асари. У Шайх Абу Али Ҳусайн бин Яҳё ал-Бухорий аз-Зандависатий ал-Ҳанафий бўлиб, замонасининг таниқли зоҳид, имом ва фақиҳларидан бўлган. Абдуллоҳ бин ал-Фазл ал-Хизохизий шогирди ҳисобланади. «Назм» унинг машҳур фатво асари бўлиб, назм билан ёзганлиги боис шундай ном билан танилган. Сўфи Оллоҳёр кўпинча «Назм» деганда, ўз асари «Маслак ул-муттақин»ни назарда тутади.

«Нисоб». Бу асар «Хулосат ул-фатово» соҳиби Тоҳир бин Аҳмад бин Абдуррашид бин Ҳусайн Ифтихоруддин ал-Бухорий (ваф. ҳ.542) асаридир. Яна қаранг: Хулоса. Лекин Сўфи Оллоҳёр бунда кўпинча «Нисоб ул-иҳтисоб» асарини назарда тутади.

«Нисоб ул-иҳтисоб». Бу асар фиқҳга доир бўлиб, Умар бин Муҳаммад бин Аваз аш-Шомий ал-Ҳанафий қаламига мансуб. Китобнинг асл номи «Нисоб ал-иҳтисоб фил-фатово» деб аталади. Маҳаллий халқ орасида машҳур бўлган бу асар олтмиш тўртта бобдан иборат. Асарда мўътабар китоблардан уларнинг даражаларига қараб тартиби билан иқтибослар олинган.

«Ниҳоя». Бу «Ҳидоя»нинг шарҳи бўлиб, муаллифи Ҳисомиддин Ҳусайн бин Али бин Ҳажжож бин Али ас-Сиғноқийдир. Сиғноқ – Туркистон шаҳарларидан бири бўлган. Ҳафизуддин Кабийр – Бухорий (ваф. ҳ.693)дан дарс олган ва фатво бериш даражасига етган. «Ҳидоя»га «Ниҳоя» номли шарҳ ёзган ва уни ҳижрий 700 йил ёзиб тугатган. Сўфи Оллоҳёр ана шу шарҳдан унумли фойдаланган. Унинг яна «Шарҳ ат-Тажрид фий қавоид ат-тавҳид», «Кофий шарҳи усул ал-Паздавий», «Ан-Нажоҳ фис-сарф» номли асарлари бор. У ҳижрий 714 (ёки 710) йил вафот этган.

«Нур ул-мавъиза». Бу китоб ҳақида маълумот топа олмадик.

«Равза». Шайх Абу Али Ҳусайн бин Яҳё ал-Бухорий аз-Зандависатий ал-Ҳанафийнинг «Равзат ал-уламо» асари назарда тутилади. Муаллиф уни қисқача ёзилган «Равзат ал-музаккирийн» асари асосида кенгайтириб ишлаган. Унда илм-ирфон фазилати, айрим фиқҳий масаларлар ояту ҳадислар асосида чиройли тарзда баён қилинган. «Равза»ни Мавлоно Муҳаммад Айший (ваф. ҳ.1016) мухтасар ҳам қилган.

«Садр уш-шариа». Бу лақаб билан бир қанча ҳанафийлар танилган. Асосийси, «Мухтасар ал-Виқоя» ва «Шарҳ ал-Виқоя»ни таълиф қилган зот Убайдуллоҳ ибн Масъуд (ваф. ҳ.747) бўлиб, уни «Садр уш-шариати ал-асғар» ёки «Садр уш-шариъати ас-соний» деб улуғланади. Иккинчиси, унинг боболаридан бири Шамсуддин Аҳмад ибн Жамолуддин ал-Маҳбубийдир. У ҳам Бухорода фақоҳат даражасига етган зот бўлган. Унинг «Талқиҳ ал-уқул фил-фуруқ», деб номланган китоби мавжуд. Мазҳабимиз китобларида Садр уш-шариа деб мутлақ айтилганда, биринчиси назарда тутилган бўлади. Агар Сўфи Оллоҳёр бобомиз сингари китоб номи ўрнида келтирилса, унинг «Шарҳ ал-Виқоя» асари назарда тутилади.

«Садр уш-шаҳид». Муаллиф лақаби китоб номи сифатида ишлатилган. Бу Ҳисомуддин Умар бин Абдулазиз бин Умар бин Моза ал-Бухорий бўлиб, фуруъ ва усул илмларида машҳур зотлардан бири. Ҳусомиддин аш-шаҳид ҳам дейилади. Мовароуннаҳрнинг энг таниқли фақиҳларидан. Отаси Бурҳониддин Кабийрдан илм олган. Ҳижрий 483 йил туғилиб, 536 йил сафар ойида шаҳид бўлган. Аждодию авлодлари бир неча асрлар садр-

лик мансабида бўлишган. Унинг катта ва кичик «Фатово», «Шарҳ Адаб ал-қози лил-Хассоф», «Шарҳ Жомеъ ас-сағийр» номли асарлари бор.

«Салоти Масъудий». Бу асар Фақиҳ Масъуд бин Маҳмуд бин Юсуф ас-Самарқандий (XIII–XIV асрлар) қаламига мансуб. Фиқҳга оид 3 жузли форс тилидаги асар. Бизнинг диёрларда машҳур ва маъмул бўлган.

«Саҳифа». Агар бунда китоб номи назарда тутилган бўлса, у Абдулкарим бин Юсуф бин Муҳаммад бин Аббос Абу Наср Алоуддин ад-Динорий (ҳ.517 – 590)нинг машҳур фатво асари зикр қилинади. Қаранг: Динорий. Ёки Сўфи Оллоҳёр маълум бир фатвонинг фойдаланган саҳифаларини ҳам назарда тутган ўринлари бор.

«Сирожийя». Бу асар Алий бин Усмон бин Муҳаммад Сирожуддин ал-Ўшийнинг фатово асари бўлиб, уни ҳижрий 569 йил ёзиб тугаттан. Яна бу зот ўзининг «Қасидату бадъ ал-амолий» номли калом илмига бағишланган назмий асари билан ҳам машҳурдир.

«Таврот». Аллоҳ таолонинг Мусо алайҳиссаломга нозил қилган китоби. Ушбу китоб ҳақида Қуръони каримда хабар берилган. Мусулмонларнинг унга имон келтиришлари фарз. Лекин ҳозирда унинг асл нусхаси йўқ бўлиб кетган.

«Тағйир». Садр уш-шариа Убайдуллоҳ бин Масъуд ал-Маҳбубий ал-Бухорий (ваф. ҳ.747)нинг усул ал-фиқҳ соҳасига оид «Танқиҳ ал-усул» номли асари жуда машҳур. Унга муаллифдан тортиб, ҳанафий мазҳаби олимларининг жуда кўпчилиги шарҳ, ҳошия, таълиқотлар ёзганлар. Шулардан бири «Ат-тағйир» деб аталади. Уни Туркиянинг улуғ ва машҳур олимларидан бири Аллома Шамсуддин Аҳмад бин Сулаймон ибн Камол Пошшо (ваф. ҳ.940) ёзган бўлиб, асарини 931 йилда тугаттан. Унда Садр

уш-шарианинг баъзи фикрларига раддиялар бериб, ўзгартиришлар қилингани учун Ибн Камол Пошшо асари унча шуҳрат топмаган.

«Тажнис». Бу номда Ҳанафийларнинг, асосан, учта асари бор. Имом Хоҳарзода (ваф. ҳ.483), Абу Зайд ад-Дабусий (ваф. ҳ.430) ва Бурҳониддин ал-Марғилоний (ваф. ҳ.593)нинг «Тажнис»лари бор. Марғилоний ўз асарида ўзидан аввалги фатво китобларида келмаган ёки нодир бўлган масаларларни келтиради.

«Тажрид». Бу номдаги асарлар жуда кўп. Машҳурлари Абулҳасан ал-Қудурий (ваф. ҳ.428)нинг «Тажрид ал-Қудурий» асари, Рукниддин Абдурраҳмон ал-Кирмоний ал-Ҳанафий (ваф. ҳ.543)нинг «Ат-Тажрид фил-фуруъ» асари ҳамда Аллома Носируддин ат-Тусий (ваф. ҳ.672)нинг каломга оид «Тажрид ал-калом» асаридир.

«Танбиҳ». Бундан Абулҳасан Ишқийнинг «Танбиҳ аз-золлийн» асари кўзда тутилади.

«Танбиҳ уз-золлийн». Бу Абул Ҳасан Ишқий асаридир.

«Тарғиб ус-солат». Бу номдаги иккита машҳур асар бор. Биринчиси форс тилида бўлиб, уни Муҳаммад бин Аҳмад аз-Зоҳид юзга яқин асарлардан олиб тузган ва уч қисмга — намоз фарзияти, таҳорат ва таҳоратни синдирадиган амалларга бўлиб баён этган. Иккинчиси Имом Аҳмад ал-Байҳақийга тегишлидир. Сўфи Оллоҳёр биринчисидан фойдаланган.

«Таҳзиб». Бу номда ҳам кўпгина асарлар бор. Абу Закариё Яҳё бин Али ат-Табризий (ваф. ҳ.502)нинг мантиққа оид асари, Имом Заҳабий (ваф. ҳ.748) ва Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. ҳ.852)нинг тарихга оид асарлари, Абулҳасан ал-Аббодий (ваф. ҳ.559)нинг давлат бошқарувига оид асари, Имом Фахруддин Розий (ваф. ҳ.606) ва Саъдуддин Тафтазоний (ваф. ҳ.792)нинг каломга оид

асари, Абу Мансур Муҳаммад бин Аҳмад ал-Азҳарий (ваф. ҳ.370)нинг луғатта оид асари, Абулбақо Абдуллоҳ бин Ҳусайн ал-Абкарий (ваф. ҳ.538)нинг луғатта оид асари, шофиъийлар фуруъ ал-фиқҳига оид Абу Али Ҳасан бин Муҳаммад аз-Зажжожий ва Муҳиддин Ҳусайн бин Суъуд ал-Бағавий (ваф. ҳ.516)нинг асарлари, Абу Саъд Муҳсин бин Карома ал-Байҳақийнинг тафсирга оид асари, Шайх Аҳмад ал-Қалонусийнинг ҳанафийлар фиқҳига оид асарлари шулар жумласидандир. Яна ҳанафийлар фиқҳига оид «Ҳайрат ал-фуқаҳо» номи билан танилган «Ат-таҳзиб ли-зеҳн ал-лабиб» номли асар ҳам бор. Сўфи Оллоҳёр охиргисини назарда тутган.

«Таҳовий». Муаллиф номи — куняси билан аталиб кетган асар. У Аҳмад бин Муҳаммад бин Салома ал-Аздий (ваф. ҳ.321) бўлиб, Мисрда ҳанафийларнинг раисларидан бўлган. Таҳо ёки Таҳтута — Миср қишлоқларидан бирининг номи. Аввал Шофиий мазҳабида бўлиб, кейинчалик мазҳабини тарк қилиб, бизнинг мазҳабимизга ўтган. Унинг «Аҳком ал-Қуръон», «Ихтилоф ал-уламо», «Шарҳи маоний ал-осор» сингари фойдали асарлари бор. Унинг аҳли суннат вал-жамоат ақидаси баён этилган асари машҳур.

«Темуртош». Аслида «Тумуртоший» муаллифи нисбатидан олинган фатво асар. Аввалги «то» ва «мим»нинг заммаси, «ро»нинг сукуни билан ўқилади. Хоразмда туғилган Шамсиддин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Ғаззий кейинчалик Фаластиннинг Ғазза шаҳрида яшаб қолган. 1004 ҳижрий йилда 65 ёшида вафот этган. Ҳанафий мазҳабининг машҳур фақиҳларидан бўлиб, фатволари, «Танвир ул-абсор» деган машҳур асари каби китоб ва рисолалари маълум. «Баҳр ур-ройиқ» «соҳиби унга шогирд бўлган.

«Тоторхоний». Ушбу шаъни улуғ фатво соҳиби Олим бин Аъло ал-Ҳанафий (ваф. ҳ. 956) бўлиб, Тоторхон деган подшоҳ амри билан ўз фатвосини тартиб берган. Асли номи «Зод ал-мусофир фил-фуруъ» деб аталган. Фатво «Муҳити Бурҳоний», «Захира», «Хония» ва «Заҳирийя» асарларидан фойдаланиб тузилган. Иброҳим бин Муҳаммад ал-Ҳалабий уни қисқартириб, интихобини тузган.

«Туҳфа». Бундан «Туҳфат ал-мулук» асари назарда тутилади.

«Туҳфат ул-ахбор». Бу китоб ҳақида маълумот топа олмадик.

«Туҳфат ул-ахёр». Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муайяд асаридир. Тўлиқ номи «Туҳфат ал-ахёр фий ақсом ал-ахбор» деб аталади.

«Туҳфат ул-мулук». Бу асар Муҳаммад бин Абу Бакр бин Абдул Муҳсин китоби бўлиб, асар ўн бобдан иборат. Ибодат қисмидан сўнг жиҳод, сайд, забойиҳ, кароҳият, фаройиз, касб боблари бор.

«Умда». Бу ном билан бошланадиган асарлар жуда кўпдир. Бизнинг мазҳабимизда ижод қилган алломаларнинг қуйидаги асарлари машҳур: Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ал-Басрий Ибн Жубайр ал-Ҳанафий (ваф. ҳ.380)нинг «Умдат ал-адилла фил-калом» асари, Абдулазиз ал-Бухорий (ваф. ҳ.730)нинг форс тилидаги «Умдат ал-ислом фил аркон ал-хамс» асари, Қози Нажмуддин Иброҳим бин Али ат-Тарсусий ал-Ҳанафий (ваф. ҳ.758)нинг «Умдат ал-ҳукком фий мо ло юнфазу мин ал-аҳком» асари, Муҳаммад бин Абдурраҳмон ас-Самарқандий ас-Санжорий (ваф. ҳ.721) асари, Имом Ҳофизуддин Абдуллоҳ бин Аҳмад ан-Насафий (ваф. ҳ.710)нинг «Умдат ал-ақоид» асари ва Садр уш-шаҳиднинг «Умдат

ал-фатово» асаридир. Сўфи Оллоҳёрдан кейин ҳам шу номдаги асарлар таълиф қилинган. Масалан, Абдулҳай Лакнавий (ваф. ҳ.1304)нинг «Умдат ар-риоя» асари. Сўфи Оллоҳёр Садр уш-шаҳид асаридан фойдаланган.

«Фасиҳуддин». Асар муаллиф номи билан аталган. У Фасиҳуддин бин Абдулкарим ан-Низомий ал-Ҳаравийдир. Унинг «Мажмаъ ал-айнайн», «Мифтоҳ бист боб», «Одоб ас-савм», «Шарҳи Фиқҳи Кайдоний» ва 875 йил ёзган «Матлаъ ал-анвор» номли асарлари бор. Унга шуҳрат келтирган асари «Фасиҳиййа шарҳи «Виқоя» номли асардир. У икки жилдли бўлиб, «Виқоя» муаллифига баъзи эътирозлари ҳам бор. Сўфи Оллоҳёр унинг мана шу асаридан фойдаланган.

«Фатово». Мазҳабимиз масаларлари табақасида охирги ўринда турадиган масаларлар мажмуи шу ном билан аталади. Унда асҳоби тахриж ва таржиҳ даражасига етган уламолар тартиб берган асарлар тушунилади. «Фатовойи Қозийхон», «Хулосат ул-фатово» сингари юзлаб асарлар шулар жумласидандир.

«Фатовойи «Воқеот». Қаранг: «Воқеот».

«Фатовойи «Кофий». Аслида фатво китоби эмас, балки «Вофий» номли матн китобига ёзилган шарҳдир. Қаранг: «Кофий».

«Фатовойи «Мажмаъ ул-баҳрайн». Аслида фатво китоби эмас, балки фиқҳий матн китобдир. Тўлиқ номи «Мажмаъ ал-баҳрайн ва мултақий ан-наҳрайн фий фуруъ ал-ҳанафиййа». Уни Музаффаруд-дин Аҳмад ибн Али бин Саълаб ибн ас-Саотий ал-Бағдодий ал-Баълабаккий ал-Ҳанафий (ваф. ҳ. 694) ёзган. Отаси Бағдодда Мустансириййа қалъаси дарвозасига ўрнатилган соатни ясаганлиги учун шу нисбани олган. Музаффаруддин ал-Ҳанафий шаръий илмларда улуғ мартабаларга етган

зот. Унинг «Ал-Бадиъ фий усул ал-фиқҳ» номли асари ҳам бор. У ҳижрий 694 йил вафот этган. Унинг Фотима номли қизи отасидан илм ўрганиб, отасининг ушбу «Мажмаъ ал-баҳрайн» асарига чиройли таълиқот қилган. Асар ал-Қудурий (ваф. ҳ.428) асарлари асосида тартиб берилган мазҳабимизда мўътабар фиқҳий матн китоби ҳисобланади. Содда, мўъжаз, ёдлашга осон бўлганлиги учун унга аҳли илмлар катта эътибор бераділар. Унга ўнлаб шарҳлар ёзилган. Шамсуддин Муҳаммад бин Юсуф ал-Қўнавий (ваф. ҳ.788) 10 жилдлик шарҳ ёзган. Бундан ташқари унинг Аҳмад бин Муҳаммад бин Шаъбон ат-Тароблусий (ваф. ҳ.1002)нинг «Ташниф ал-масмаъ» номида 2 жилдлик шарҳи, Бадриддин Маҳмуд бин Аҳмад ал-Айний (ваф. ҳ.855)нинг «Ал-Мустажмаъ» номли шарҳи, Шаҳобиддин Абул Аббос Аҳмад бин Иброҳим ал-Айнтобий (ваф. ҳ.767)нинг «Ал-Манбаъ фий шарҳ ал-Мажмаъ» номли 6 жилдлик шарҳи, Абулбақо Муҳаммад бин Аҳмад ал-Маккий (ваф. ҳ.854)нинг «Ал-Машраъ» номли 5 жилдлик шарҳлари каби кўплаб шарҳлари бор.

«Фатовойи «Салоти Масъудий». Бу ҳақда тўлароқ маълумот олиш учун қаранг: «Салоти Масъудий».

«Фатовойи «Ширъа». Аслида бу фатво асари эмас, балки Рукн ул-ислом Имомзода (ваф. ҳ.573)нинг «Ширъат ул-ислом» номли фиқҳий ва исломий одоб-ахлоқ масалаларлари ёритилган машҳур асаридир. Қаранг: Ширъат ал-ислом.

«Фатовойи Зубда». Бу асар аслида «Зубдат ал-аҳком фий ихтилофи мазоҳиб ал-аиммат ал-арбаъат ал-аълом» деб аталган бўлиб, уни Сирожиддин Абу Ҳафс Умар бин Исҳоқ ал-Ҳиндий ал-Ғазнавий ал-Ҳанафий (ваф. ҳ.773) ёзган.

«Фатовойи Қозийхон». Бу улуғ имом Ҳасан ибн Мансур ал-Ўзжандий ал-Фарғонийнинг машҳур «Ал-Фатово» китобидир. Ушбу фатво асар Ҳанафий мазҳабнинг энг мўътабар фатво асарларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари Имом Қозийхон «Шарҳ ал-Жомеъ ас-сағийр», «Шарҳ аз-Зиёдот» сингари йирик асарлар таълиф қилган. У ҳижрий 592 йил вафот этган.

«Фатовойи Ҳужжа». Фиқҳ китобларимизда кўп зикр қилинадиган машҳур китоб. Афсуски, биз у ҳақда маълумот топа олмадик.

«Фахруддин». Бу Ҳасан ибн Мансур Қозихон (ваф. ҳ.592)нинг фатво асарининг муаллиф номи билан аталиши. Ёки Мавлавий Маҳмуд бин Илёс ар-Румий асарига ишора. У «Мухтасар ал-Виқоя»га ҳижрий 851 йил шарҳ ёзган.

«Фиқҳи Кайдоний». Фозил Кайдоний номи билан танилган Лутфуллоҳ ан-Насафий (XIV аср)нинг асари. Намоз ҳақида бирламчи маълумотлар берадиган мухтасар рисола. Гарчи муаллифи ҳақида маълумотлар йўқ бўлсада, асарига баъзи алломаларнинг айрим эътирозлари бўлса-да, Мовароуннаҳрда жуда машҳур бўлган. Талабалар ўқиган, ёд олишган. Намоз масаларларини саккиз бобга – фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, мубоҳ, ҳаром, макруҳ ва муфсидга бўлиб тушунтирилади. Араб тилида ёзилган. Унга жуда кўплаб шарҳлар араб, форс, туркий тилларида битилган.

«Фусули Имодий». Ушбу асар «Ҳидоя» соҳибининг невараси Абдурраҳим Абулфатҳ Зайниддин бин Абу Бакр Имодиддин номли зотга тегишли. Фиқҳга оид Ушбу «Фусули Имодийя»ни ҳижрий 651 йили шаъбон ойида Самарқандда ёзиб тугатган.

«Ҳайрат ул-фатово». Бизнингча, «Ҳайрат ул-фуқаҳо»нинг бошқача аталиши.

«Ҳайрат ул-фуқаҳо». Абумафохир Абдулғафур Али ал-Ахсикатийнинг асари.

«Ҳидоя». Ислом оламида машҳур асар. У имом, аллома Али бин Абу Бакр бин Абдулжалил ал-Фарғоний ал-Марғилоний (ваф. ҳ.593) асаридир. Бу зот ҳанафий мазҳабининг буюк фақиҳларидан саналади. «Ал-Мунтақий», «Нашр ул-мазҳаб», «Мухторот ан-Навозил» каби асарлари, «Ҳидоя»нинг бошланиши ҳисобланган «Ал-Бидоят ал-мубтадий» ва «Ал-Кифоят ал-мунтаҳий» асарлари бор.

«Хизона». Мазҳабимиз фиққига оид ушбу номдаги асарлар жуда кўп. Улардан биринчиси «Хизонат ал-акмал фил-фуруъ» деб аталади. У Абу Яъқуб Юсуф ибн Али ал-Журжонийнинг асаридир. Асарнинг ёзилиши ҳижрий 522 йили бошланган. Кейингиси «Хизонат ар-Ривоёт фил-фуруъ» деб аталади ва у Қози Жакан ал-Ҳанафий ал-Ҳиндийга тегишли. Сўфи Оллоҳёр асарларида мана шу «Хизона» назарда тутилган. Кейингиси «Хизонат ал-Фатово» деб аталиб, «Хулоса»нинг соҳиби Тоҳир Аҳмад бин Абдуррашид ал-Бухорий (ваф. ҳ.542)га тегишли. Кейингиси «Хизонат ал-фиқҳ» бўлиб, Абул Лайс ас-Самарқандий (ваф. ҳ.383) тегишли. Кейингиси «Хизонат ал-Воқеот фил-фуруъ» бўлиб, у Аҳмад бин Муҳаммад ан-Нотифий (ваф. ҳ. 442)га тегишли. Кейингиси «Хизонат ал-муфтиййин фил-фуруъ» бўлиб, Ҳусайн бин Муҳаммад ал-Ҳанафийга тегишли бўлиб, асарини ҳижрий 704 йил ёзиб тугатган. Охиргиси Абу Зайд Убайдуллоҳ бин Умар ад-Дабусий (ваф. ҳ.420)нинг «Хизонат ал-ҳудо» деб аталган асаридир.

«Хизонат ул-муттақийн». Бу китоб ҳақида ҳам маълумот топа олмадик.

«Хизонат ул-фатово». Бу асар «Хулоса»нинг соҳиби Тоҳир Аҳмад бин Абдуррашид ал-Бухорий (ваф. ҳ.542)га тегишли. Қаранг: «Хулоса».

«Хонийя». Бу китоб ҳам фиқҳий асарларда жуда кўп тилга олинади. Афсуски, у ҳақда маълумот топа олмадик.

«Хулоса». Бу машҳур фатво китоби Тоҳир бин Аҳмад бин Абдуррашид бин Ҳусайн Ифтихоруддин ал-Бухорийга тегишли. У яна «Нисоб» асарининг ҳамда «Хизонат ул-Воқеот» асарларининг муаллифидир. Ифтихоруддин Бухорий ҳижрий 542 йилда вафот эттан. Сўфи Оллоҳёр унинг ушбу «Хулоса» асарини фатво китоблар ичида энг зўри, деб қайд қилган.

«Ҳусомиййа». Бу улуғ олим, таниқли фақиҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Умар Ҳусомиддин ал-Ахсикатий қаламига мансуб усул ал-фиқҳга доир асаридир. Ҳусомиддин ал-Ахсикатий ҳижрий 644 йилда вафот қилган. Ушбу асар «Ал-Мунтахаб ал-Ҳусомий» номи билан машҳур. Ушбу мухтасар матн китобига жуда кўплаб шарҳлар ёзилган. Энг машҳури Абдулазиз ал-Бухорий (ваф. ҳ.730)нинг «Ат-таҳқиқ» деб аталадиган шарҳидир.

«Шайбоний». Муаллиф номи асар номи сифатида зикр қилинган. Бу ерда Сўфи Оллоҳёр икки зотнинг асарини кўзлаган. Бири мазҳабимизнинг буюк имоми Муҳаммад Шайбоний асарларидир. Иккинчиси, «Фатовойи Шайбоний» ёки «Фатовойи Алиййа» деб аталадиган фатво асаридир. Бизнинг диёрларимизда маълум бўлган фатво асарларидан. Муаллифи Алий бин Муҳаммад бин Али ал-Хоразмий (ваф. ҳ.930) бўлиб, уни Шайбонийхон (1500 – 1510)га атаб ёзган. Асар ҳижрий 910 йилларда ёзилган.

«Шамс Муҳаммад». Муаллиф номи асар номи сифатида зикр қилинган. Мулла Шамсиддин Кўҳистоний (ваф. ҳ.962)нинг «Жомеъ ур-румуз» асари назарда тутилмоқда. Қаранг: «Шамсуддин».

«Шамсуддин». Муаллиф номи асар номи сифатида зикр қилинган. Мулла Шамсиддин Кўҳистонийнинг «Жомеъ ур-румуз» асари назарда тутилмоқда. «Жомеъ ар-румуз» машҳур «Мухтасар ал-Виқоя»нинг араб тилида ёзилган 2 жилдлик шарҳидир. У Шамсиддин Муҳаммад Кўҳистоний бўлиб, бизнинг ўлкаларда машҳур ва маъмул асар «Жомеъ ар-румуз»нинг муаллифидир. У Бухоро муфтийси бўлган. 962 (ёки 950) ҳижрий йилда вафот қилган. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг ёнларига дафн қилинган. Унинг «Шарҳи Фиққи Кайдоний» номли асари ҳам бор. Баъзи олимлар унинг асарларига эътироз билдирганлар.

«Шамс ул-аимма». Мазҳабимиз имомларидан кўпчилиги бу «Имомлар қуёши» лақабини олишга муяссар бўлганлар. Шамс ул-аимма ал-Ҳалвоий (ваф. ҳ.456), Шамс ул-аимма ас-Сарахсий, Шамс ул-аимма ал-Кардарий (ваф. ҳ.642), Шамс ул-аимма Бакр бин Муҳаммад аз-Заранжарий (ваф. ҳ.516), Шамс ул-аимма Имодуддин Умар аз-Заранжарий (ваф. ҳ.584), каби ўнга яқин фақиҳларимиз бор. Фиқҳ китобларимизда «Шамс ул-аимма» атамаси мутлақ келганда Шамс ул-аимма ас-Сарахсий ирода қилинган бўлади. Бошқа зотлар эса нисбатлари ила қайд қилинади. Шамс ул-аимма Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл Абу Бакр ас-Сарахсий ҳижрий 500 йилда вафот эттан зот. Шамс ул-аимма ал-Ҳалвоийнинг шогирди бўлган. Замонасининг ягона фақиҳларидан бири. «Шарҳ ас-Сияр ал-кабийр», «Шарҳ ал-Мабсут» сингари асарлар таълиф қилган.

«Шарҳи «Аврод». Бу ерда «Аврод»нинг шарҳи «Канз ул-ибод» асари назарда тутилмоқда. Қаранг: «Канз ул-ибод».

«Шарҳи «Виқоя». Садр уш-шариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд бин Тож уш-шариа Маҳмуд бин Садр уш-шариа ал-акбар Аҳмад бин Жамолуддин ал-Маҳбубий ал-Бухорийнинг шарҳи бўлиб, бобоси Тож уш-шариа Маҳмуд ал-Бухорий (ваф. ҳ.630) ёзган «Виқоя»га изоҳлардан иборатдир. Ал-Маҳбубийлар авлоди саҳобий Уббода ибн Сомит ал-Ансорий (ваф. ҳ.34) авлодидан бўлган. Убайдуллоҳ ибн Масъуд бундан ташқари «Виқоя»ни қисқартириб, «Ан-ниқоя» номида мухтасар асар ёзган ва у «Мухтасар ал-Виқоя» номи билан шуҳрат қозонган. Яна у усул ал-фиқҳга оид «Ат-танқиҳ» ва унинг шарҳи «Ат-тавзиҳ», «Ал-муқаддамот ал-арбаъа», «Таъдил ал-улум», «Аш-шурут», «Ал-муҳозир» каби асарлар таълиф қилган. Убайдуллоҳ ибн Масъуд ҳижрий 747 йил вафот қилган. Ота-боболари ва авлодларининг қабрлари бир пайтлар Бухоронинг Шаръобод мавзесида машҳур зиёратгоҳлардан бўлган.

«Шарҳи Фиқҳи Кайдоний». Мовароуннаҳрда машҳур ва маъмул бўлган «Фиқҳи Кайдоний» асарига жуда кўплаб шарҳлар ёзилган. Улардан машҳури Шамсиддин Кўҳистоний (ваф. ҳ.962)га тегишли. Сўфи Оллоҳёр ана шу шарҳдан унумли фойдаланган.

«Ширъат ул-ислом». Фиқҳга оид бизнинг диёрларимизда машҳур ушбу асарнинг муаллифи Рукн ул-ислом Имомзода номи билан танилган зот Муҳаммад бин Абу Бакр ал-Чўғийдир. Чўғ — Самарқанд яқинидаги қишлоқ номи бўлган. У Шамс ул-аимма аз-Заранжарий (ваф. ҳ.584)нинг шогирди бўлган. Рукн ул-ислом Имомзода ҳижрий 491 йил туғилиб, 573 йил вафот этган.

«Янобиъ». Бу асар Муҳаммад бин Абдуллоҳ Бадруддин аш-Шалбий (ҳижрий 712—769 йиллар)га тегишли. У Абулҳасан ал-Қудурий (ваф. ҳ.428)нинг машҳур асарига ёзилган шарҳ бўлиб, асли номи «Ал-янобиъ фий маърифат ал-усул ват-тафориъ» деб аталади. Яна «Ал-янобиъ фил-усул» деган асар ҳам бор бўлиб, унинг муаллифи Абулқосим Аҳмад бин ал-Ҳусайн Ал-Байҳақий Ал-Ҳанафий (ваф. ҳ.458)дир. Сўфи Оллоҳёр биринчи «Янобиъ»дан фойдаланган.

Явоқит. Бу номдаги асарлар ислом оламида жуда кўпдир. Имом Ғаззолий (ваф. ҳ.505)нинг «Явоқит ал-улум» асари, Имом ас-Суютийнинг «Ал-явоқит ас-самина» асари, Абул Фараж ибн ал-Жавзийнинг «Ал-явоқит фил-хутаб» асари, Имом Абдулваҳҳоб аш-Шаъроний (ваф. ҳ.976)нинг «Ал-явоқит вал-жавоҳир» каби асарлар шулар жумласидандир. Сўфи Оллоҳёр фойдаланган фуруъ ал-фиқҳга оид асар ҳанафийларнинг машҳур фатво китоби «Тоторхонийя»да ҳам тилга олинган. Афсуски, у ҳақда маълумот топа олмадик.

«МАСЛАК УЛ-МУТТАҚИН» АСАРИДАГИ ШАХС НОМЛАРИ

Абдул Али. У Абдул Али ибн Муҳаммад бин Ҳусайн ал-Биржандий ал-Ҳанафий бўлиб, риёзиёт илмларида «яди туло» («узун қўлли») бўлган. «Шарҳ ал-Мажистий»ни ҳижрий 931 йил ёзиб тугатган. «Шарҳи рисола ат-Тусий фил-устурлоб», «Шарҳ ал-Мулаххас» ҳошиясини, «Шарҳ рисола ал-азудиййа»ни ёзган. Фиқҳда «Шарҳ ан-Ниқоя»ни таълиф қилган. Уни ҳижрий 932 йил ёзиб тамомлаган. Сўфи Оллоҳёр унинг ушбу «Мухтасар»га ёзган шарҳидан фойдаланган. Абдул Али ал-Биржандий ҳижрий 935 йил вафот қилган.

Абдураҳмон. ибн Авф номли бу зот ашараи мубашшарадандир. Илк мусулмонларнинг бешинчиси. Икки марта ҳижрат қилган зотлардан бири. Бадр, Уҳуд ва бошқа ғазотларда Пайғамбаримиз билан бирга қатнашган. 654 милодий йили вафот қилган.

Абу Амр. Машҳур етти қорининг бири. Бу зотнинг исми борасида ихтилоф қилишган. Куняси исмидир, деганлар ҳам бор. Исми Забон деганлар ҳам бор. У Забон бин ал Аъло бин Аммор бин ал-Араён Абу Амр ат-Тамимий ал-Мозиний ал-Басрийдир. Ҳижрий 68 йил туғилган. Макка, Мадина, Кўфа ва Басра шаҳарларида ўқиган. Етти қорининг ичида энг кўп шайхи бор зот шудир. Анас ибн Молик (93 йил 103 ёшида вафот эттан)дан ҳам илм олган. Ҳар уч кунда Қуръонни хатм қилиш одати бўлган. Абу Амр Кўфада ҳижрий 154 йил вафот эттан. Унинг қироатини Дурий (ваф. ҳ.246) ҳамда Сусий (ваф. ҳ.261)лар ривоят қилишган.

Абу Бакр. Имом Осимнинг биринчи ровийси. У Шуъ-

ба бин Иёш бин Солим Абу Бакр ал-Ҳаннот ал-Асадий ал-Кўфийдир. Исми борасида жуда кўп ихтилофлар бор. Ҳижрий 95 йил туғилган. Қуръонни Имом Осимга уч бора ўқиб берган. Ўзи Қуръонни ўн саккиз минг марта хатм қилгани ривоят қилинган. Ҳижрий 193 йил жумодий ал-аввал ойида вафот қилган.

Абу Жаъфар. У Абу Жаъфар ал-Ҳиндувоний бўлиб, ҳанафийларнинг машҳур фақиҳларидан. Тўлиқ номи Муҳаммад бин Абдуллоҳ бин Муҳаммад ал-Балхийдир. Балхнинг Ҳиндувон маҳалласидан бўлган. Абу Ҳанифаи сағир ҳам дейилади. У ҳижрий 362 йил вафот этган.

Абу Исҳоқ. Ушбу ном (куня) билан мазҳабимизда уч нафар имом танилган. Бири Абу Исҳоқ Иброҳим бин Муҳаммад ал-Хатиб ал-Муҳаллабийдир. У устоз Абдуллоҳ ас-Сабзамуний (ваф. ҳ.340)дан таълим олган, Абу Бакр Муҳаммад бин Фазл Бухорий (ваф. ҳ.381) табақасидан бўлмиш улуғ зотлардан бири. Иккинчиси, Абу Исҳоқ ан-Навқадий Муҳаммад бин Мансур бин Махлас ан-Насафий бўлиб, Абу Жаъфар ал-Ҳиндувоний (ваф. ҳ.362)дан илм олган. Самарқандда муфтий ва мударрис бўлган ва у ерда ҳижрий 434 йилда рамазон ойида вафот қилган. Охиргиси Иброҳим бин Исмоил бин Аҳмад бин Исҳоқ бин Шис бин ал-Ҳакам Абу Исҳоқ Рукн ул-ислом ас-Саффор бўлиб, ота-боболари билан бирга ҳанафий мазҳаби ривожига улуғ ҳисса қўшган зотлардан. Бухорода ҳижрий 543 йилда рабиъ ал-аввал ойида вафот этган. Унинг «Тахлис аз-зоҳид», «Китоб ас-сунна вал-жамоат» сингари асарлари бор. Машҳур фақиҳ Ҳасан бин Мансур Қозийхон унинг шогирдидир. Сўфи Оллоҳёр мана шу охирги Абу Исҳоқнинг асарларидан фойдаланган.

Абу Лаҳаб. Бу бадбахт Пайғамбаримизнинг амакиси, лекин ёвуз душмани. «Таббат» сурасида уни Аллоҳ лаънатлаган.

Абу Мутиъ. Бу зот ал-Ҳакам бин Абдуллоҳ бин Маслама бин Абдурраҳмон қози Абу Мутиъ ал-Балхийдир. У Имоми Аъзамдан «Фиқҳ ул-акбар» асарини ривоят қилган. Ул зот намозда рукуъ ва сужуд тасбиҳларини уч марта айтиш фарз, дер эканлар. Абу Мутиъ ал-Балхий Балхда қози бўлган. Ҳижрий 199 йилда вафот қилган. Ҳадис ривоятида ишончсиз деб топилган. Эътиқоди борасида ҳам гап-сўзлар бор.

Абу Наср. Ушбу куняда ҳам ҳанафийлардан бир қанча олимлар танилган. Улардан бири Абу Наср Аҳмад бин Муҳаммад ал-Аттобий (ваф. ҳ.586)дир. Кейингиси Абу Наср Али бин Абдурраҳмон бин Исҳоқ қози Жамолуддин ар-Риғадмунийдир. Риғадмун – Бухоро қишлоқларидан бирининг номи. Қози Абу Зайд ад-Дабусий (ваф. ҳ.430)дан илм ўрганган. Бухорода Риғадмуний ҳам қози, ҳам хатиб бўлган. Ҳижрий 414–493 йилларда яшаб ўтган.

Абу Убайда. У машҳур саҳобий бўлиб, тўлиқ номи Омир бин Абдуллоҳ бин ал-Жарроҳ бин Ҳилоб ал-Қураший ал-Фиҳрийдир. Абу Убайда ибн Жарроҳ номи билан шуҳрат қозонган. Ориқ, сийрак соқол, узун бўйли зот бўлган. Энг аввал мусулмон бўлган ўнта одамнинг бири. Пайғамбаримиз билан барча ғазотларда иштирок этган. У ашараи мубашшара жумласидан бўлган бахтли инсон. Ҳижрий 18 йилда 58 ёшида вафот қилган.

Абу Ҳанифа. Қаранг: Имоми Аъзам.

Абу Ҳафси Кабийр. У Аҳмад бин Ҳафс ал-Бухорий бўлиб, фиқҳни Имоми Аъзамнинг шогирди Имом Му-

ҳаммад (ваф. ҳ.189)дан ўрганган. Ўғли Абу Ҳафси Сағийр номи билан шуҳрат қозонган. Абу Ҳафси Кабийр ҳанафий мазҳабининг Мовароуннаҳрда тарқалишига буюк ҳисса қўшган. У билан Имом ал-Бухорий (ваф. ҳ.256) ўртасида юз берган мунозаралар тазкираларда зикр қилинади. Абу Ҳафси Кабийрнинг «Китоб ал-аҳво вал-ихтилоф» номли китоби ҳам бўлган.

Абул Қосим. Сўфи Оллоҳёр асарида бир жойда бу Пайғамбаримизнинг кунялари бўлиб келган. Ҳанафийларнинг бу куня билан танилган ўнга яқин олимлари бор. Улардан бири Абулқосим ас-Саффор Аҳмад бин Исмат бўлиб, Имом Абу Юсуф (ваф. ҳ.183)нинг чевара шогирдидир. Балхнинг таниқли имомларидан. Ҳижрий 336 (ёки 326) йилда вафот қилган. Яна бир Абулқосим куняси билан танилган зот Али бин Муҳаммад бин Аҳмад ас-Симнонийдир. Қози ал-қуззот Абу Абдуллоҳ ад-Дамғоний (ваф. ҳ.478)дан илм олган. Абулқосим ас-Симнониий ҳижрий 499 йилда вафот қилган. Унинг «Равзат ал-қуззот», «Тариқ ан-нажот» сингари асарлари бор. Фиқҳ ва тарихга оид бошқа асарлари ҳам бўлган.

Абул Лайс. У Фақиҳ Наср бин Муҳаммад бин Аҳмад ас-Самарқандий бўлиб, Имоми ҳудо, яъни ҳидоят имоми номи билан танилган. Абу Жаъфар ал-Ҳиндувоний (ваф. ҳ.362)нинг шогирди бўлган. «Танбиҳ ал-ғофилин», «Бўстон ал-орифийн», «Шарҳи «Жомеъ ас-сағийр», «Ан-Навозил», «Ал-Фатово», «Ал-Хизонат ал-фиқҳ» сингари фойдали асарлари бор. Абул Лайс Самарқандий ҳижрий 376 йилда вафот қилган.

Абул Фазл. Бу куня билан, асосан, икки зот машҳур бўлган. У Абдурраҳмон бин Муҳаммад бин Амируя ал-Кирмоний бўлиб, Абул Фазл ал-Кирмоний номи билан

танилган. Хуросонда таниқли ҳанафий фақиҳларидан. Кирмонда ҳижрий 457 йил шаввол ойида таваллуд топган. «Ат-Тажрид фил-фиқҳ», «Ал-Ийзоҳ» ва унга ёзган уч жилдли шарҳи, «Шарҳ Жомеъ ал-кабийр», «Ал-Фатово», «Ал-Ишорот» асарлари бор. Марвда ҳижрий 543 йил вафот қилган. Яна бир зот Абдуллоҳ бин Маҳмуд бин Мавдуд бин Маждиддин Абул Фазл ал-Мавсилий бўлиб, ҳижрий 599 йилда шаввол ойида таваллуд топган. Мазҳабимизнинг кўзга кўринган имомларидан. Кўфада қози бўлган. Кейин Бағдодга бориб, Имоми Аъзам мақбараси ёнидаги масжидда дарс берган. Ҳижрий 683 йил муҳаррам ойида вафот қилган. Фиқҳий матн китоби «Мухтор» ва унинг шарҳи «Ихтиёр» ниҳоятда машҳур. Бундан бошқа асарлари ҳам бор. Гарчи шу куняда бошқа олимлар бўлса-да, лекин Сўфи Оллоҳёр биринчи зотни назарда тутган.

Абул Ҳасан. Бу зот Абул Ҳасан ал-Кархий (ваф. ҳ.340)дир. Қаранг: Кархий.

Абул Ҳорис. Имом Кисоийнинг энг улуғ асҳобларидан ва унинг биринчи ровийси. У Лайс бин Холид Абул Ҳорис ал-Бағдодийдир. Қироат бўйича ишончли имомлардан. У ҳижрий 240 йилда вафот қилган.

Айюний. Бу исмдаги зотни аниқлашга муваффақ бўлмадик.

Али ибн Абу Толиб. Хулафойи рошидийннинг охиргиси, исломда одамларнинг аввалгисидир. Пайғамбаримиз уни «Илм дарвозаси» деб мадҳ қилганлар. Унинг халифалик даври фитналар авж олган даврига тўғри келади. Бир бадбахт хорижий тарафидан Кўфада ҳижрий 40 йили шаҳид қилинган.

Али Саъдий. У Шайх ул-ислом Абулҳасан Али бин

Ҳусайн бин Муҳаммад ас-Саъдий бўлиб, Бухорода яшаган. Фақиҳ ва ҳадисшунос бўлган. Ундан Шайх ул-ислом ас-Сарахсий Имом Муҳаммаднинг «Ас-Сияр ал-Кабийр» асарини ривоят қилган. Али Саъдий Бухорода 461 ҳижрий йилда вафот қилган. «Ан-Натф» ҳамда «Шарҳ ас-Сияр ал-Кабийр» унинг қаламига мансуб, дейилади.

Аттобий. У Абу Наср Аҳмад бин Муҳаммад бин Умар Зоҳидуддин ал-Аттобий бўлиб, «айн»нинг фатҳаси, «то»нинг ташдиди билан айтиладиган Бухоронинг Аттобиййа маҳалласидан бўлган. Зоҳид уламолардан, замонасининг тенгсиз алломаларидан. Асарларидан «Шарҳ аз-Зиёдот», «Жомеъ ал-Кабийр» ва «Жомеъ ас-Сағийр»га ёзган шарҳлари, Қуръони каримга ёзган тафсири ҳамда машҳур фатовоси «Фатовойи ал-Аттобиййа»си бор. Уни «Жавомеъ ул-фиқҳ» ҳам дейилади. Ҳижрий 586 (ёки 582) йил вафот эттан.

Аҳмад. Бу зот Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал ибн Ҳилол аш-Шайбоний бўлиб, ҳанбалиййа мазҳабининг буюк имоми, фақиҳ ва таниқли муҳаддисдирлар. Энг машҳур асари «Муснад»дир. Ул зот Бағдодда яшаган бўлиб, Аббосийларнинг Маъмун, Муътасим ва Восиқ даврида (813—847 милодий йиллар) мўътазилийлар хуруж қилган замонда уларга қарши чиққан ва суннийликка улуғ юксаклик бағишлаган зотдирлар. Ул зот ҳижрий 164 йилда туғилиб, 241 йил ражаб ойида вафот қилганлар.

Аҳмад Басрий. Бу зот ҳақида маълумот топа олмадик.

Базий. Имом Ибн Касирнинг биринчи ровийси. У Абулҳасан Аҳмад бин Абдуллоҳ бин Қосим бин Нофиъ бин Абу Базза. Бани Махзумлик хўжасига нисбат бе-

рилган. Базий ҳадис ҳам ривоят қилган. У Икрима бин Сулаймондан ва Шайх бин Абboддан Ибн Касир қироатини ривоят қилган. Базий Макка қориларидан ҳисобланади. Ҳижрий 170 йил туғилган.

Байҳақий. Бу, асосан учта буюк имомнинг нисбати. Иккитаси ҳанафий, биттаси эса шофеъий мазҳабда. Ҳанафий мазҳабида бўлганларидан биринчиси Исмоил бин ал-Ҳусайн бўлиб, «Китоб аш-Шомил» асарини ёзган. Кейингиси шофеъий мазҳаб бўлиб, «Сунан» соҳибидирлар. У Аҳмад бин Ҳасандир. Ҳижрий 458 йилда вафот қилган. Яна бир Байҳақий нисбатли зот Жаъфарак номи билан танилган «Тож ал-масодир фил-луғат» асари муаллифи Аҳмад бин Али бин Муҳаммаддир. У ҳижрий 544 йилда вафот қилган.

Бухорий. У Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Исмоил бин Иброҳим ал-Бухорий бўлиб, муҳаддислар султонидир. Унинг машҳур асари «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» деб аталади. Бундан бошқа ҳадис ва ҳадисшуносликка оид ўнлаб асарлари мавжуд. У ҳижрий 256 йилда вафот этган.

Вараш. Имом Нофиънинг иккинчи ровийси. У Абу Саид Усмон бин Саид бўлиб, Вараш дейилишига сабаб унинг ранги ғоятда оқ бўлган ва Имом Нофиъ шундай лақаб берган. Устози уни Варашон (ёввойи каптар) лақаби билан ҳам атаган. Вараш мисрликдир. У ҳижрий 155 йилда Мадинага бориб, Имом Нофиъга тўрт марта Қуръонни тўлиқ ўқиб берган. Араб тилшунослигида, тажвид илмида унга тенг келадигани бўлмаган. Чиройли овоз соҳиби эди. Вараш ҳижрий 120 йилда туғилиб, 197 йилда вафот қилган.

Дурий. Имом Абу Амрнинг биринчи ҳамда Имом Кисоийнинг иккинчи ровийси ҳисобланади. У Абу Амр

Ҳафс бин Умар бин Абдулазиз бин Саҳбон ад-Дурий бўлиб, Дур – Бағдод шарқидаги бир маҳалла номидир. Қироат турларини тўла билган ишончли зотлардан бири. Ҳижрий 150 йилда туғилиб, 246 йилда шаввол ойида вафот қилган.

Ғаззолий. Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолийни бутун дунё билади. Юзлаб асарлар муаллифи бўлмиш бу зот исломий илмлар тараққиётига буюк ҳисса қўшган зотдирлар. Васфига қалам ожиздир. Унинг «Иҳё ал-улум ад-дийн» асари жуда машҳур. У ҳижрий 505 йилда вафот қилган.

Зайёт. Етти қорининг бири бўлган зотнинг лақаби. Қаранг: Ҳамза.

Заъфароний. Бу нисба билан учта олим танилган. Иккитаси Ҳанафий. Бири Муҳаммад бин Аҳмад бин Аҳмад бин Муҳаммад бин Абдус бўлиб, ҳанафиййа мазҳаби олимларидан. Шофеъий мазҳабидагиси Ҳасан бин Муҳаммад бин ас-Саббоҳ ҳадисшунос бўлган. Ундан Имом Абу Довуд ва ат-Термизийлар ривоят қилишган. У ҳижрий 249 йил вафот этган. Яна бири ҳанафийлардан бўлиб, Ҳасан бин Аҳмад бин Молик Абу Абдуллоҳ аз-Заъфароний ишончли имомларимиздан. Имом Муҳаммаднинг «Жомеъ ас-сағийр» асарини қайтадан чиройли тарзда тартиб берган зот. Унинг яна «Китоб ал-Узоҳий» номли асари бўлган.

Зоҳиди Фахр. Бу зот ҳақида маълумот топа олмадик.

Зубайр. У Абу Абдуллоҳ Зубайр ибн Аввом ибн Хувайлид ал-Асадий ал-Қурашийдир. Ашараи мубашшарадан бирлари. Оиша онамизнинг опалари Асмога уйланган. Бола пайтиданоқ исломга кирган. Сиффин жангида ўлдирилган.

Ибн Аббос. Пайғамбаримизнинг амакиси Аббос ибн Абдулмутталибнинг ўғли Абдуллоҳ назарда тутилади. Уни муфассирлар султони ҳам дейишади. Пайғамбаримиз унинг фақиҳ ва муфассир бўлишига дуои хайр қилганлар. Ибн Аббос Тоифда ҳижрий 73 йилда вафот қилган.

Ибн Айюб. У Муҳаммад бин Айюб бин Абдулқодир бин Баракот ал-Ҳалабий ал-Муқиррий бўлиб, Бадриддин лақаби билан танилган. Ҳанафий мазҳабининг фақиҳларидан ҳисобланади. Жомеъ ал-Азҳарда Имом Таҳовий (ваф. ҳ.321)нинг «Ақида» китобини ўқитиш билан шуғулланган. Ҳижрий 705 йилда рамазонда вафот қилган.

Ибн Заквон. Имом Ибн Омирнинг иккинчи ровийси. Уни Абдуллоҳ бин Аҳмад бин Бишр деганлар бор. У Башир ибн Заквон ибн Амр бин Ҳисон бин Довуд Абу Амр (ёки Абу Муҳаммад) ал-Қураший ал-Фиҳрий ад-Димишқий бўлиб, Дамашқ жомеъсида имом бўлган. У ҳижрий 242 йили шаввол ойида вафот қилган.

Ибн Касир. Машҳур етти қорининг бири. У Абу Маъбад (ёки Айёд ёки Мутталиб) Абдуллоҳ бин Кассир ад-Дорий бўлиб, Баҳрайнда Дорайн мавзесидан бўлган. (Тафсир ёзган Ибн Касир бошқа одам.) Маккининг қироат имоми. Халил ибн Аҳмад, Имом Шофиъийлар ундан ривоят қилишган. Ибн Касир фасоҳатли, жуссали, оқ рангли зот бўлган. Саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Зубайр, Абу Айюб Ансорий, Анас бин Моликларни кўрган. Ибн Касир ҳижрий 45 йилда туғилиб, 120 йилда вафот қилган. Унинг қироатини ал-Базий (ҳижрий 170 йил туғилган) ҳамда Қанбал (ваф. ҳ.291)лар ривоят қилишган.

Ибн Масъуд. Саҳобаларнинг улуғларидан. У Абдуллоҳ ибн Масъуд бин Ғофил ибн Ҳабиб ал-Ҳузалий бў-

либ, Абу Абдурраҳмон кунялиқдир. Пайғамбаримизнинг хос ходимларидан бўлган. Қуръон илмида саҳобаларнинг энг аълами сифатида мадҳ қилинади. Ҳижрий 33 йили Мадинада вафот қилган.

Ибн Муборак. У Абдуллоҳ ибн ал-Муборак бин Возиҳ ал-Марвазийдир. Отаси турк, онаси хоразмлик бўлган. Имоми Аъзам шогирдларидан бири. Ҳижрий 118 йили туғилган. Ҳаж, жиҳод ва тижорат билан узлуксиз шуғулланган. Имоми Аҳмад ибн Ҳанбал у ҳақда: «Унинг замонида ундан ўтадиган илм талабгори йўқ эди», деган. Ҳадис, фиқҳ, араб адабиётида моҳир бўлган. Ҳижрий 181 йил рамазон ойида вафот этган.

Ибн Мукаддар. Бу зот ҳақида маълумот топа олмадик.

Ибн Муқотил. У Муҳаммад бин Муқотил ар-Розий (ваф. 248/862) бўлиб, Имом Муҳаммад аш-Шайбонийнинг шогирдларидандир. Ҳадис ҳам ривоят қилган.

Ибн Омир. Машҳур етти қорининг бири. У Абдуллоҳ бин Омир бин Язид бин Тамим ал-Яҳсубий бўлиб, Шом аҳлининг имоми. Дамашқда қози ҳам бўлган. Улуғ тобиъинлардан ҳисобланади. Ҳижрий 21 йилда туғилган. Ҳижрий 118 йилнинг Ашуро куни Дамашқда вафот қилган. Унинг қироатини Ҳишом (ваф. ҳ.245) ҳамда Ибн Заквон (ваф. ҳ.242)лар ривоят қилишган.

Ибн Сийрин. У Абу Бакр Муҳаммад ибн Сийрин бўлиб, Анас ибн Моликнинг ходимларидан бўлган. 77 ёшида 110 йилда вафот қилган. Тушларни таъбир қилиши билан донг таратган. Исломнинг улуғ фақиҳлари қаторида саналади.

Ибн Увайс. Бу кунялик ном билан танилган зотлар кўп. Абу Зайд Саид бин Увайс Авс ал-Ансорий (ваф.

ҳ.215) деган зот бўлиб, унинг «Ал-Масодир» номли асари бор. Мавлоно Аҳмад бин Увайс ал-Қаромоний (ваф. ҳ.924)нинг Юсуф Саккокий (ваф. ҳ.626)нинг «Мифтоҳ ал-улум» асарига ёзган ҳошияси бор. Учинчиси, Қозизода Кабир ибн Увайс ал-Латифий эса Султон Салимхон (1512–1520 милодий йиллар) даврида яшаб ўтган. Ибн Халликон (ваф. ҳ.681) асарини таржима қилган.

Ибн Умар. Улуғ саҳобалардан бири бўлмиш бу зот Абдуллоҳ ибн Умар бин Хаттобдир. Илму ирфонда саҳобалар орасида ажралиб турадилар. Ҳижрий 73 йилда Ҳажжожи золим зулми сабабли вафот қилган.

Ибн Фазл. У Абу Бакр Муҳаммад бин ал-Фазл ал-Фазлий ал-Куморий ал-Бухорийдир. Ривоятда эътимодли, улуғ имомлардан. Фиқҳни Абдуллоҳ ас-Сабзамуниийдан ўрганган. Ҳижрий 381 (ёки 371) йилда вафот қилган. Авлодларидан бир қанча уламолар ҳам Фазлийлар сулоласининг таниқли давомчилари сифатида фаолият юритганлар.

Ибн Ҳасан. Қаранг: Имом Муҳаммад.

Имом Абдуллоҳ. Аслида Имом Абу Абдуллоҳ бўлиб, Имом ал-Журжоний (ваф. ҳ.397)нинг кунясидир. Қаранг: Имом Журжоний.

Имом Абу Юсуф. У Қози Яъқуб ибн Иброҳим ал-Кўфий бўлиб, Ислом дини тарихида биринчи марта Қози ал-қуззот деб аталган. Имоми Аъзамнинг илмини биринчилардан бўлиб тарқатган. Ҳорун ар-Рашид (786–809 милодий йиллар) унга жуда икром кўрсаттан. Унинг «Китоб ал-хирож», «Ал-амолий», «Ал-осор» каби асарлари борлиги маълум. Имом Абу Юсуф 183 йил вафот қилган. Унинг Юсуф номли ўғли ҳам бўлган. Отаси даврида қози бўлган. У ҳижрий 192 йил вафот этган.

Имом Жаъфар. Имом Жаъфар номи билан саҳобий Пайғамбаримизнинг амакиваччаси Жаъфар ибн Абу Толиб Абу Абдуллоҳ ат-Тайёр танилган. Ул зот Ҳабашистонга ҳижрат қилган. Пайғамбаримиз у ҳақда «Унинг фаришталар билан учиб юрганини кўрдим», деганлар. Яна бир Имом Жаъфар бўлиб, у Жаъфари Содиқ номи билан машҳур бўлган. У Абу Абдуллоҳ Жаъфар бин Муҳаммад ас-Содиқ бўлиб, ҳижрий 80—148 йилларда яшаб ўтганлар. Гўзал ахлоқли, Қуръонни тушунишда даврининг ягоналаридан бири ҳисобланган. Аслида бу ерда Сўфи Оллоҳёр Имом Абу Жаъфар деганда Абу Жаъфар ал-Ҳиндувоний (ваф. ҳ.362)ни назарда тутади. Қаранг: Абу Жаъфар.

Имом Журжоний. У Муҳаммад бин Яҳё бин Маҳдий Абу Абдуллоҳ ал-Фақиҳ ал-Журжонийдир. «Ҳидоя» соҳиби уни тахриж асҳобларидан бири сифатида санаган. Имом Журжоний умрининг охирида фалаж бўлиб қолган ва ҳижрий 397 (ёки 398) йил вафот қилган. Имоми Аъзам мақбараси ёнига дафн қилинган. Унинг «Хизонат ал-акмал» номли олти мужалладлик асари, шунингдек, «Шарҳ аз-Зиёдот», «Шарҳ Жомеъ ал-кабир», «Кархий асарининг мухтасари» каби асарлари бор.

Имом Зуфар. Имом Аъзамнинг улуғ асҳобларидан. У Зуфар ибн ал-Ҳузайл бин қайс ал-Анборий ал-Басрий ал-Кўфий бўлиб, Абул Ҳузайл куняли зотдир. Отаси аслан Исфаҳон аҳлидан бўлган. Имом Зуфар ҳижрий 110 йилда туғилган. Ҳанафий мазҳабида илмий қиёсни камолга етказган зотлардан биридир. Имом Зуфар Басрада 158 йили вафот қилган.

Имом Қозийхон. Қаранг: Фатовойи Қозийхон.

Имом Муҳаммад. Бу зот Имом Аъзамнинг улуғ шо-

гирдларидан Муҳаммад бин Ҳасан бин Фарқад аш-Шайбонийдир. У Восит шаҳрида туғилган, Кўфада нашъу намо топган. Билими дарё мисол бўлган бу зотдан Имом Шофеъий (ваф. ҳ.204), Абу Ҳафси Кабийр, Абу Сулаймон ал-Жузжоний (ваф. ҳ.200), Абу Саҳл Мусо бин Наср ар-Розий, Муҳаммад ибн Самоъа (ваф. ҳ.233), Иброҳим ибн Рустам (ваф. ҳ.211) сингари олиму фузалолар таълим олишган. Имом Муҳаммад 900 дан зиёд китоблар ёзган, деган гаплар бор. Асосийлари «Зоҳири ривоя» номи билан юритиладиган 6 та китобдир. Зоҳири мазҳабни зоҳири ривоят, ривояти усул ҳам дейилади. Зоҳири ривоят билан ривояти усулни баъзи уламолар ажратиб ҳам кўрсаттанлар. Шу исм билан келган масалаларлар Имом Муҳаммаднинг зоҳири ривоят китоблари деб аталадиган олтита асаридан олинган бўлади. Улар «Алмабсут», «Аз-зиёдот», «Ал-жомеъ ал-кабийр», «Ал-жомеъ ас-сағийр», «Ас-сияр ал-кабийр» ва «Ас-сияр ас-сағийр»дир. Баъзи уламолар «Сияри сағийр»ни ҳисобламаганлар, баъзилар эса иккита «Сияр»ни зоҳири ривоятдан санамаганлар. Саййид Шариф Журжоний (ваф. ҳ.816) наздида эса зоҳири ривоят асарлари «Мабсут», иккита «Жомеъ» ва «Сияри кабийр»дир. «Зоҳири ривоят» мўъламаси билан келган масаларларга мухолиф бўлиш, мазҳабимизда мумкин эмас. Имом Муҳаммаднинг вафоти Рай шаҳрида ҳижрий 189 йили рўй берган.

Имом Тархоний. У Абу Бакр Абдуллоҳ бин Муҳаммад бин Али бин Тархон ал-Балхийдир. У ҳижрий 333 йилда вафот этган. Қабри Бухорода ҳозиргача машҳур. Чор Бакр мажмуасида дафн этилган.

Имом Фазл. Қаранг: Ибн Фазл.

Имом Ҳалвоий. Шамс ул-аимма Абу Муҳаммад Абду-

лазиз бин Аҳмад бин Наср бин Солиҳ ал-Бухорий ал-Ҳалвоий ўз асрида ҳанафийларнинг раиси бўлган. Баъзилар адашиб, Ҳалвоний, Ҳулвоний ёки Ҳилвоний ҳам дейдилар. У Ҳалвоий бўлиб, отаси ҳалвофуруш бўлган. Шамс ул-аимма ал-Ҳалвоий катта фақиҳ, ҳадисшунос бўлган. У ҳижрий 456 (ёки 469) йилда вафот қилган.

Имом Хоҳарзода. Бу мазҳабимиздаги кўпгина уламоларнинг лақабидир. Фиқҳ китобларида мутлақ келадигани иккитадир. Биринчиси Муҳаммад бин Ҳусайн ал-Бухорий бўлиб, «Бакр Хоҳарзода» номи билан ҳам танилган. Мовароуннаҳрнинг таниқли фақиҳларидан саналади. «Мухтасар», «Ат-тажнис», «Ал-мабсут» сингари асарлар муаллифи. У ҳижрий 483 йили жумодий ал-аввал ойида вафот қилган. У Қози Абу Собит Муҳаммад бин Аҳмад ал-Бухорийнинг опасининг ўғлидир. Сўфи Оллоҳёр Имом Хоҳарзода деганда мана шу Бакр Хоҳарзодани назарда тутган. Иккинчи Имом Хоҳарзода Шамс ул-аимма Муҳаммад бин Абдуссаттор ал-Кардарийнинг (ваф. ҳ.642) опасининг ўғли бўлиб, Бадруддин Муҳаммад бин Маҳмуддир. Бу зот ҳижрий 651 йили вафот қилган.

Имом Шофеъий. Улуғ тўрт мазҳабдан бирининг соҳиби бўлмиш бу зоти шариф Муҳаммад бин Идрис бин ал-Аббос бин Усмон бин Шофиъ ал-Қураший ал-Муталлабий ал-Маккийдир. Шеър, луғат, фиқҳ ва ҳадис илмларида жуда моҳир бўлган. Бир рамазон ойида Қуръони каримни олтмиш маротаба хатм қилар эканлар. У зот ҳижрий 199 йили Мисрга бориб, у ерда 204 йилда вафот қилганлар. Ҳижрий 150 йилда Имоми Аъзам вафот қилган йили туғилганлар. Ул зотнинг ҳадисга оид муснади, фиқҳга оид «Китоб ал-Умм» асари машҳурдир.

Имом Яъқуб. Бу Имоми Аъзамнинг энг улуғ шогирди Абу Юсуфнинг номидир. Қаранг: Имом Абу Юсуф.

Имоми Аъзам. Исломнинг буюк шахсларидан бири Абу Ҳанифа Нўъмон бин Собит бин Зуто ал-Кўфийдир. Ҳижрий 80 йилда туғилиб, 150 йилда вафот қилганлар. Васфига қалам ожизлик қиладиган бул зот тўрт ҳақ мазҳабнинг энг улуғи, энг қулайи, энг халқчили бўлган бизнинг мазҳаббошимиздир. Бир қанча асарлари бор, дейилади. Шулардан энг машҳури калом илмига бағишланган «Фиқҳ ул-акбар» деб аталади.

Кархий. Ҳанафийлар шайхи бўлган бул зот Убайдуллоҳ ибн Ҳусайн ибн Даллол ал-Кархий бўлиб, Карх — Ироқ қишлоқларидан биридир. Кўп рўза тутувчи, кўп намоз ўқувчи зоҳид зотлардан бўлган. Машҳур «Мухтасар» китоби, «Шарҳ ал-Жомеъ ал-кабийр», «Шарҳ ал-Жомеъ ас-сағийр» асарлари бор. Унинг «Мухтасар» асарига жуда кўп олимлар шарҳ ёзганлар. Ул зот ҳижрий 260—340 йилларда яшаб ўтган.

Кисоий. Машҳур етти қорининг бири. У Али бин Ҳамза бин Абдуллоҳ бин Баҳман бин Феруз ал-Асадий бўлиб, Абулҳасан ал-Кисоий номи билан танилган. Кўфада Имом Ҳамза аз-Зайётдан сўнг қорилар раиси, айни пайтда наҳв олими ҳамдир. Унинг бир қанча китоблари ҳам бор. «Маоний ал-Қуръон», «Китоб ал-қироат», «Китоб ан-Наводир», «Китоб ал-Масодир ал-ҳуруф» сингари наҳв, қироат ва тажвид илмларига оид асарлари кўп. У ҳижрий 189 йили етмиш ёшида Рай шаҳрида Имом Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний билан бир кунда вафот қилган. Имом Кисоийнинг қироатдаги ровийлари Абул Ҳорис (ваф. ҳ.240) ҳамда ад-Дурий (ваф. ҳ.246)лар ҳисобланади.

Қанбал. Имом Ибн Касирнинг иккинчи ровийси. У Муҳаммад бин Абдурраҳмон бин Холид ал-Маккийдир. Қироатда ишончли имомлардан. Ҳижозда қироат шайхи. Турли томондан одамлар ундан қироат ўрганиш учун келишарди. Ҳижрий 195 йилда туғилган. Аҳмад бин Муҳаммад ва ал-Базийдан Ибн Касир қироатини ривоят қилган. У ҳижрий 291 йил 96 ёшида вафот қилган.

Қози Абу Али Насафий. У Ҳусайн бин Хизр ан-Насафий бўлиб, Абу Бакр Муҳаммад бин Фазл Бухорий (ваф. ҳ.381)дан дарс олган. Ўз навбатида Шамс ул-аимма ал-Ҳалвоий (ваф. ҳ.456)га устозлик қилган. Қози Абу Али Насафийнинг «Ал-Фавоид», «Ал-Фатово» номли асарлари бор. У ҳижрий 424 йили вафот этган.

Қозихон. Қаранг: Имом Қозихон.

Қолун. Имом Нофиънинг биринчи ровийси. Абу Мусо Исо бин Мийно бин Вардон бин Исо аз-Зарқий Қолундир. Қолун рум тилида «янги» деган маънода. У кар бўлган. Қизиғи, фақат Қуръон ўқилганини эшитадиган бўлган. Ҳатто ўқувчининг лаби қимирлашидан унинг тўғри ёки хато ўқиётганини биладиган бўлган. Имом Нофиъга бир неча марта Қуръонни ўқиб берган ва ундан сабоқ олган. У ҳижрий 120 йилда туғилиб, 220 йилда вафот қилган.

Қудурий. Бу зотнинг тўлиқ номи Абулҳасан Аҳмад бин Муҳаммад бин Жаъфар бин Ҳамид ал-Қудурий бўлиб, ҳижрий 362–428 йилларда яшаб ўтган. Қозонфурушлик касби билан шуғуллангани учун шу нисбани олган. Унинг машҳур «Мухтасар» асари бор. Яна «Ат-тажрид», «Ат-тақриб», «Шарҳ Мухтасар ал-Кархий» каби асарлар таълиф қилган.

Мавлавий Яъқуб. Қаранг: Яъқуб Чархий

Молик. Тўрт мазҳабнинг бирининг буюк имоми Молик ибн Анас ал-Асбаҳийдир. «Муватто» номли машҳури жаҳон бўлмиш асарнинг муаллифи. Моликий мазҳаби кўп ўринларда ҳанафий мазҳаби билан уйғун келади. Бу зот ҳижрий 179 йил вафот қилган.

Мулла Шамсиддин. У Шамсиддин Муҳаммад Кўҳистоний бўлиб, бизнинг ўлкаларда машҳур ва маъмул асар «Жомеъ ар-румуз»нинг муаллифидир. У Бухоро муфтийси бўлган. Ҳижрий 962 (ёки 950) йилда вафот қилган. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг ёнларига дафн қилинган. Унинг «Шарҳи Фиқҳи Кайдоний» номли асари ҳам бор. Баъзи олимлар унинг асарларига эътироз билдирганлар.

Муовия. Пайғамбаримизнинг улуғ саҳобаларидан бири бу зот котиби ваҳий бўлиш шарафига мушарраф бўлган. Узоқ йиллар Шомга волий бўлган. Ибн Аббос унинг фақиҳлигига гувоҳлик берган. Ҳижрий 60 йилда вафот қилган.

Муоз. Улуғ саҳобийлардан бўлмиш бу зот Муоз ибн Жабал бин Амр бин Авс Абу Абдурраҳмон ал-Хазражий ал-Ансорий ал-Маданийдир. Ўн саккиз ёшида мусулмон бўлган. Иккинчи Ақаба байъатида ҳамда Бадр, Уҳуд ва бошқа ғазотларда иштирок қилган. У ҳалол ва ҳаром илмида энг олими, Пайғамбаримиз давридаёқ Қуръонни ўзида жамлаган зотлардан биридир. Ҳижрий 18 йилда Шомда вабога йўлиқиб вафот қилган.

Мустафо. Севимли Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг лақаблари.

Муҳаммад Арабий. Суюклимиз, саййидимиз, ҳабибимиз, шафиъимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. Ул зот ҳижратларидан ўн йил ўт-

гандан сўнг Мадинаи мунаввара да вафот қилганлар. Ул зот шак-шубҳа йўқки, оламларга раҳматдир!

Муҳаммад Ғазлий. Сўфи Оллоҳёрнинг устозларидан бири. Лекин у ҳақда тўла маълумотни қўлга кирита олмадик.

Насафий. Бу нисбадаги зот Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад бин Аҳмад бин Исмоил бин Муҳаммад бин Луқмон Муфтий ас-сақалайн Нажмуддин ан-Насафий (ваф. ҳ.537)дир. Қаранг: Нажмуддин.

Нахаъий. У Абу Абдуллоҳ Иброҳим ан-Нахаъий бўлиб, Халифа Маҳдий замонида (775—785 милодий йиллар) Кўфа қозиси бўлган. Тобиъинларнинг улуғларидан ҳисобланади. Халифа Ҳодий (785—786 милодий йиллар) уни мансабидан туширган. Иброҳим Нахаъий мазҳабимиз йўлбошчиси Имоми Аъзамнинг бобо устози ҳисобланади.

Носируддин. У Имом Носируддин Абулқосим Муҳаммад бин Юсуф ал-Ҳусайний ас-Самарқандий ал-Ҳанафий бўлиб, улуғ қадрга эга олимлардан. Самарқандда қатл этилганлиги учун уни «Аш-шаҳид» ҳам дейдилар. Ҳижрий 556 йилда вафот қилган. Унинг «Ан-нофиъ», «Ал-мултақит фил-фатово», «Хулосат ал-муфтий», «Масобиҳ ас-субул» номли асарлари бор. У «Мултақит»ни ҳижрий 549 йилда ёзиб тугатган.

Нотифий. Ҳанафий мазҳабининг машҳур имомларидан. У Абул Аббос Аҳмад бин Муҳаммад бин Умар ан-Нотифий бўлиб, қиём сотиш билан шуғуллангани учун шу нисбани олган. Унинг «Ажнос», «Фуруқ«, «Воқеъот» сингари китоблари машҳур. Райда ҳижрий 446 йилда вафот қилган.

Нофиъ. Машҳур етти қорининг бири. У Нофиъ бин

Абдурраҳмон бин Абу Нуайм ал-Лайсийдир. Унинг куняси Абу Абдурраҳмон, Абу Рувайм, Абул Ҳасан ҳам дейилади. Қора рангли киши бўлган. Қироатларнинг барча жиҳатларини билгувчи, араб адабиёти ва тилини тўла эгаллаган Мадина имомларидан. Етмиш йилча одамларга қироатдан дарс бериш билан шуғулланган. У ҳижрий 70 йил туғилиб, 169 йил вафот қилган. Унинг қироатини Қолун (ваф. ҳ.220) ҳамда Вараш (ҳ.197)лар ривоят қилишган.

Нўъмон. Имом Аъзамнинг исмлари. Қаранг: Имоми Аъзам.

Оиша. У мўъминлар онаси Оиша бинти Абу Бакр Сиддиқдир. Саҳобалар орасида энг фақиҳа ва раъйи гўзал асҳоблардан саналарди. Хадича онамиз вафотидан сўнг Пайғамбаримиз уни етти ёшида никоҳлаб олдилар ва Мадинада тўққиз ёшида уйларига олиб келдилар. У 57 йили рамазон ойида вафот қилган.

Осим. Машҳур етти қорининг бири. У Осим ибн Баҳдала Абу ан-Нажуд («нун» ҳарфи фатҳали) Абу Бакр ал-Асадийдир. Кўфада қироат имоми. Тажвид, фасоҳатни ўзида жамлаган, чиройли овозли зот бўлган. Тобиъинлардан ҳисобланади. Ҳижрий 127 йил охирида вафот қилган. Унинг қироати ровийлари Абу Бакр (ваф. ҳ.193) ҳамда Ҳафс (ваф. ҳ.180)лардир.

Садр ул-ислом. У Муҳаммад бин Муҳаммад бин Абдулкарим бин Мусо Абулюср Садр ул-ислом ал-Паздавий бўлиб, замонасида ҳанафийларнинг Мовароуннаҳрдаги боши бўлган. Мутлақ имомлар имоми сифатида тан олинган. У осон ва содда китоблари билан машҳур бўлган. Акаси Фахр ул-ислом ал-Паздавий (ваф. ҳ.484) эса қийин, тушуниш оғир бўлган китоблари билан машҳур

бўлган ва шунинг учун «Абулъуср» куняси билан танилган. Абулюср Паздавий усул ал-фиқҳ соҳасига оид «Усул ал-Паздавий» асари билан шуҳрат қозонган бўлиб, ҳижрий 493 йил вафот қилган.

Саид. Ибн Зайд бўлган бу зот илк мусулмон бўлганлардан. Ашараи мубашшара жумласидандир. Ҳазрати Умарнинг синглисининг эри. Икки марта ҳижрат қилганлардан. Зоҳидлиги билан танилган. 671 милодий йилда вафот қилган.

Саййид Шужоъ. Аслида Саййид Абу Шужоъ бўлиб, бу ном билан танилган зот Муҳаммад бин Аҳмад бин Ҳамза бин Ҳусайндир. Рукн ул-ислом Али бин Ҳусайн ас-Сўғдий замонида Самарқандда яшаган. Абу Мансур ал-Мотуридий (ваф. ҳ.333) билан замондош бўлган бу зотнинг «Фатово» асари машҳур.

Сарахсий. Шамс ул-аимма Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл Абу Бакр ас-Сарахсий ҳижрий 500 йилда вафот этган зот. Шамс ул-аимма ал-Ҳалвоийнинг шогирди бўлган. Замонасининг ягона фақиҳларидан бири. «Шарҳ ас-Сияр ал-кабийр», «Шарҳ ал-Мабсут» сингари асарлар таълиф қилган. Фиқҳ китобларимизда «Шамс ул-аимма» атамаси мутлақ келганда ана шу Шамс ул-аимма ас-Сарахсий ҳазратлари ирода қилинган бўлади. Бошқа зотлар эса нисбатлари ила қайд қилинади. Зеро, ҳанафийларнинг ўнга яқин Шамс ул-аиммалари бор.

Саъд. Ашараи мубашшара жумласидан бўлмиш бул зот Саъд ибн Абу Ваққос Молик ибн Ваҳб ал-Қурайший аз-Зуҳрийдир. Ашараи мубашшара жумласидан. Пайғамбаримизнинг қўриқчиларидан бири бўлган. Машҳур Қодисия жангида Рустами достонни енгган. 674 милодий йил вафот қилган.

Саъдуддин. Аллома Саъдуддин Тафтазоний ҳ. 722/1322 м. йилда Нисо шаҳрининг яқинида Тафтазон қишлоғида туғилган. Қутбиддин ар-Розий ат-Тахтоний (1290–1365 милодий йиллар)дан илм олган. Темурийлар даврининг етук алломаси. Калом, мантиқ, тафсир ва бадиат масаларларига оид элликка яқин асарлари бор. «Мақосид фий илм ал-калом», «Таҳзиб ал-мантиқ вал-калом», «Мухтасар ал-маоний» каби асарларининг донғи кетган. У 792/1392 йилда вафот қилган. Сўфи Оллоҳёр унинг ақидага оид китобларидан фойдаланган.

Сусий. Имом Абу Амрнинг иккинчи ровийси. У Абу Шуайб Солиҳ бин Зиёд бин Абдуллоҳ бин Исмоил бин Иброҳим ар-Рустабий ас-Сависий ар-Раққийдир. Қироат борасида ишончли имомлардан. Ҳижрий 261 йилда етмиш ёшига яқинлашганда вафот қилган.

Талҳа. Ашараи мубашшарадан бўлган бу зот Талҳа ибн Убайдуллоҳдир. Бадр ва кейинги жангларда Пайғамбаримиз билан бирга иштирок қилган. Машҳур Жамал воқеаси пайтида вафот қилган.

Умар ибн Абдулазиз. Умавийлар сулоласидан чиққан тақводор халифалардан бири. Унинг адолати ҳақида жуда кўп ривоятлар юради. 720 милодий йилда вафот қилган.

Умар ибн Хаттоб. Хулафойи рошидинларнинг иккинчиси, жаннат башоратини олган зот. Давлат бошқарувида энг комил зот бўлиб, бу зот вақтида ислом тарихининг энг гуллаган даври сифатида таърифланади. Ҳижрий 23 йили зулҳижжа ойида шаҳид этилган.

Усмон ибн Аффон. Икки нур соҳиби бўлмиш бу зот Чаҳорёри изомнинг бири, жаннат башорати берилган зотдир. У илк мусулмон бўлганлардан, икки марта ҳиж-

рат шарафига мушарраф бўлганлардан бири. Аввал Пайғамбаримизнинг Руқия исмли қизларини олганлар. У ҳижратнинг иккинчи йили вафот қилганидан сўнг, Пайғамбаримизнинг иккинчи қизлари Умму Кулсумни никоҳлаб олганлар ва шу сабабли Зуннурайн деб аталган. Афсуски, бу шарифа аёли ҳам ҳижратнинг тўққизинчи йили вафот қилади. Усмон ибн Аффон ҳижрий 35 йили хаворижлар хуружи пайтида шаҳид қилинган.

Фахр ул-ислом. У Алий ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим бин Мусо ал-Баздавий (Паздавий) бўлиб, ақлий ва нақлий илмларда донг таратган ҳанафий мазҳабининг етук имомларидандир. Унинг кўпгина асарлари мавжуд. «Мабсут» асари ўн бир жилддан иборат бўлган. «Шарҳи Жомеъ ал-кабийр», «Шаҳри Жомеъ ас-сағийр», шунингдек, 120 жузъдан иборат катта тафсири ҳам бўлган. Унинг «Китоб ал-Кабийр фий усул ал-фиқҳ» асари жуда машҳур, жуда мўътабар асарлардан ҳисобланади. У ҳижрий 400 йилларда туғилиб, 482 йил ражаб ойида вафот қилган. Унинг асарларини тушуниш анча мушкил бўлганлигидан Абулъуср лақабини олган.

Фиръавн. Қадимги Миср подшоҳларининг номи. Уларнинг ўттиздан зиёд сулоласи маълум. Мусо алайҳиссалом давридаги Фиръавн худолик даъво қилган. Фиръавн имонсизлик, золимлик тимсоли бўлиб қолган. Охирида Фиръавн сувга ғарқ бўлиб ўлган.

Фотима. Пайғамбаримизнинг севимли кенжа қизлари. Ҳазрати Али уни Бадр жангидан икки йил ўтиб ўз никоҳига олган. Улардан Ҳасан, Ҳусайн, Муҳсин ҳамда Руқия, Умму Кулсум ва Зайнаб деган фарзандлар бўлган. Фотима Пайғамбаримиздан кейин беш ойгина яшаган. 29 ёшида вафот қилган.

Ҳабибуллоҳ. «Тазкираи Абдулазиз хўжа» деган асарда бу зот Сўфи Оллоҳёрнинг тариқатдаги устози кешлик Мулла Наврўзнинг муршиди, дейилган. У 1111 йилда вафот қилган. Марқадлари Хиёбон деган мавзедадир. Сўфи Оллоҳёр унинг вафот тарихини бундай ифодалаган экан: «Дар зуҳуру бутуну қолу ҳол. Раҳмати бувад аз Худой таол. Раҳмати бувад ғарқи раҳмат бод. З-ин сабаб нақли он дуруст ниҳод. Пири таърих аз камоли жуд. *«Раҳмати Кирдикори ҳайй»* фармуд».

Ҳавво. Одам Атонинг хотини, биринчи аёл, умуман, инсон зотининг онаси. Одам Атонинг қовурғасидан яратилган, дейилади. Ерга тушганларидан сўнг Одам Ато билан Макка яқинида учрашадилар. Одам Ато вафотидан кейин оламдан ўтади ва унинг ёнига дафн қилинади.

Хадича. У мўминлар онаси бўлмиш Хадича бинти Хувайлид бин Асад ал-Қурашиййа ал-Асадиййадир. Энг аввал Пайғамбаримизга имон келтирган. Пайғамбаримизнинг энг биринчи аёлларидир, ул зотнинг барча қиз, ўғил фарзандлари — Иброҳимдан бошқалари Хадича онамиздандир. Ҳижратдан уч йил аввал вафот қилган.

Ҳазрати Аббос. У Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг амакиси Аббос бин Абдулмутталибдир. Пайғамбаримиздан уч ёш катта эди. Қариндошларига оқибатли, ниҳоятда саховатли зот сифатида таърифланади. Бадр жангида мусулмонлар қўлига асир тушган пайтида мусулмон бўлган. Вафотлари ҳижрий 34 йилда рамазон ойида юз беради.

Ҳазрати Салмон. У Салмон ал-Форсий бўлиб, аввалига мажусий бўлган. Кейинчалик роҳибдан роҳибга ўтиб юриб, Мадинада Пайғамбаримиз суҳбатига мушарраф бўлган. Мусулмон бўлиш қиссаси узундир, гўзалдир.

Салмони Форсий Хандақ ғазотида ва кейинги ғазотларда иштирок қилган. Ҳижрий 35 йили вафот қилган. Умри ниҳоятда узун бўлган дейишади.

Ҳайдар. Қаранг: Али ибн Абу Толиб.

Ҳалвоий. У Шамс ул-аимма Абу Муҳаммад Абдулазиз бин Аҳмад бин Наср бин Солиҳ ал-Бухорий ал-Ҳалвоий бўлиб, ўз даврида ҳанафийлар раисидир. Отаси ҳалвофуруш бўлганлиги учун шундай нисбани олган. Шамс ул-аимма ас-Сарахсий, Фахр ул-ислом ал-Паздавий сингари зотлар ундан таълим олишган. Ҳижрий 445 ёки 449 йил вафот қилган.

Ҳамза. Машҳур етти қорининг бири. У Ҳамза бин Ҳабиб бин Аммора бин Исмоил аз-Зайёт ал-Кўфий ат-Таймий бўлиб, тобиъинлардан. Ҳижрий 80 йилда туғилган. Ҳар ойда 25 марта Қуръонни хатм қилиши ривоят қилинган. Ҳижрий 156 йилда вафот этган. Унинг қироати ровийлари Халаф (ваф. ҳ.229) ҳамда Халлод (ваф. ҳ.220)лар ҳисобланади.

Ҳасан Басрий. У Абу Саид ал-Ҳасан бин Абул Ҳасан ал-Басрий бўлиб, Ҳазрати Умар хилофати даврида туғилган. Басрада ҳижрий 110 йилда 80 ёшида вафот қилган. Унинг онаси Умму Салама онамиз (Пайғамбаримиз аёллари)нинг хизматкори бўлган. Умму Салама онамиз бир куни гўдак Ҳасан Басрийни эмизган эканлар. Басрада қозилик қилган пайтида Ҳасан Басрий исломий илмлар ривожига буюк ҳисса қўшган.

Ҳасан. Бу Имоми Аъзамнинг шогирди Ҳасан ибн Зиёд (ваф. ҳ.204)нинг исмидир. Ёки баъзан Ҳасан Басрий назарда тутилган.

Ҳасан ва Ҳусайн. Ҳазрати Али ва Фотима разийаллоҳу анҳумоларнинг ўғиллари Пайғамбаримиз алай-

ҳиссаломнинг севимли невараларидир. Пайғамбаримиз бу икки зотни жаннат райҳонларидир, деганлар. Ҳасан ва Ҳусайн фитналар қурбони бўлдилар. Ҳасан 669 милодий йилда заҳарлаб ўлдирилди, Ҳусайн эса 680 милодий йилда шаҳид бўлди.

Ҳасан ибн Зиёд. У Ҳасан ал-Лўълуий ал-Кўфий бўлиб, Имоми Аъзамнинг энг улуғ шогирдларидан бири. Суннатларни яхши кўрган, ҳадис ҳофизларидан бўлган. Ҳижрий 204 санада вафот қилган. Икки юзинчи аср бошининг уммат учун чиққан мужаддиди сифатида улуғланган.

Ҳафс. Имом Осимнинг иккинчи ровийсидир. У Ҳафс бин Сулаймон бин Муғийра Абу Амр бин Абу Довуд ал-Асадий ал-Кўфийдир. Бағдодда, Маккада ҳам ўқиган. Ҳижрий 90 йилда туғилган. Имом Осимга Қуръонни бир неча марта ўқиб берган. Ҳижрий 180 йил вафот қилган.

Ҳишом. Имом Ибн Омирнинг биринчи ровийсидир. У Ҳишом бин Аммор бин Насир бин Майсара Абул Валид ас-Сулламий бўлиб, Дамашқ аҳлининг имоми. Қори, муҳаддис, муфтий сифатида танилган. Ҳижрий 173 йилда туғилган ва 245 йил вафот қилган.

Ҳусомиддин Шаҳид. Қаранг: Садр уш-шаҳид.

Халаф. Имом Ҳамзанинг биринчи ровийси. У Халаф бин Ҳишом бин Саълаб бин Халаф ал-Баззор Абу Муҳаммад ал-Асадийдир. Ҳижрий 150 йилда туғилган. Ўн яшарлигида Қуръонни ёд олган. 229 йилда жумодий ал-охир ойида Бағдодда вафот этган. Қироат борасида ишончли имомлардан ҳисобланади.

Халлод. Имом Ҳамзанинг иккинчи ровийси. Халлод бин Холид Абу Исо (ёки Абу Абдуллоҳ) аш-Шайбо-

ний ал-Кўфийдир. Ишончли қироат имомларидан. Ҳижрий 130 йилда ражаб ойида туғилган. 220 йил вафот қилган.

Хожа Муин. Сўфи Оллоҳёрнинг устозларидан бири. Афсуски, бу зот ҳақида маълумот топа олмадик.

Хожа Порсо. У Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорий бўлиб, Хожам Муҳаммад Порсо номи билан танилган. Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаси. Порсо номини ул зот берганлар. У нақшбандиййа тариқатига буюк ҳисса қўшган мутасаввифлардан ҳисобланади. «Рисолаи қудсиййа», «Эътиқодот», «Фусули ситта» ва машҳур асари «Фасл ул-хитоб» каби ўндан ортиқ асарлари мавжуд. Хожа Порсо 1419 милодий йили ҳаж зиёратига борганда 72 ёшида вафот қилган ва Ҳазрати Аббос мақбараси ёнига дафн этилган.

Шайх Журжоний. Имом Абу Абдуллоҳ ал-Журжоний (ваф. ҳ.397)нинг номи. Қаранг: Имом Журжоний.

Шайх ул-ислом. Бу ном билан бир қанча уламолар танилган. Фатво ва қозилик мансабига эришган, асосан, 5—6 ҳижрий асрда ўтган уламоларга нисбатан ишлатилган. Улардан баъзиси Шайх ул-ислом Абулҳасан Али ас-Саъдий (ваф. ҳ.461), Шайх ул-ислом Ато бин Ҳамза ас-Сўғдий, Шайх ул-ислом Али бин Муҳаммад ал-Исбижобий (ваф. ҳ.535), Шайх ул-ислом Бурҳониддин ал-Марғилоний (ваф. ҳ.593), Шайх ул-ислом Маҳмуд ал-Ўзжандий (ваф. ҳ.680) ва бошқалар.

Шаъбий. У тобиъинларнинг улуғларидан бўлиб, Омир бин Шароҳил ал-Кўфийдир. Беш юзга яқин саҳобалардан таълим олган. Ўз даврининг энг етук уламоларидан ҳисобланади. Имоми Аъзам ундан ҳам дарс олган. Ҳижрий 104 йили вафот қилган.

Шориҳи «Аврод». Бу ерда Сўфи Оллоҳёр «Канз ул-ибод» соҳибини назарда тутган. Қаранг: Канз ул-ибод.

Шотибий. Муаллиф нисбаси билан аталган асар номи. Аслида «Ҳирз ул-амоний» номли бу асарни Шайх Абулқосим бин Файра аш-Шотибий аз-Зарийр ёзган бўлиб, тажвид бобида энг мўътабар ва машҳур асарлар сирасидан ҳисобланади. Муаллиф аъмо бўлса-да, ушбу машҳур қасидаси 1137 та байтдан иборат. Асарнинг жуда кўп шарҳлари ва мухтасар шакллари мавжуд. Шотибий Қоҳирада ҳижрий 590 йилда вафот этган.

Шофиъий. Қаранг: Имом Шофиъий.

Шоҳ Ҳусайн. Сўфи Оллоҳёр китобида кўп тилга олган бу зот ҳақида биз маълумот топиш шарафига муяссар бўлмадик.

Яъқуб. Имом Абу Юсуфнинг исмлари. Қаранг: Имом Абу Юсуф.

Яъқуби Чархий. Баҳоуддин Нақшбанд (1318—1389 милодий йиллар)нинг муриди, Хожа Аҳрор Валий (1404-1490 милодий йиллар)нинг муршиди бўлган бу зот Ғазна шаҳрининг қишлоқларидан бири Чархда туғилган. Кейинчалик Чағониёнда фаолият юритган. Тафсир, фароиз, тасаввуфга оид ўнлаб асарлари бор. У 1447 милодий йили вафот этган. Қабри ҳозирги Тожикистондаги Мавлоно Яъқуби Чархий масжиди ёнида.

«МАСЛАК УЛ-МУТТАҚИН»НИНГ ТОШБОСМА НУСХАЛАРИДАН НАМУНАЛАР

بسم الله الرحمن الرحيم

مسلک المتقین
ولایت تاشکند

خذوا هذا بقيمة غالية
هذا كتاب مسمى بـ
المتقين
مسلك
مطبع علاء الدين محمد
ЛИТОГРАФІЯ

فرضست آنکه از طعام و آب ها — هل نکل و جوه وارد پس
ورنه تو از اهل تیمم حال نه — هل کدا از اهل حل و قال نه
خبث باطن ترا کند طلب — تو که اشی بطلب طلب
بلکه از شوی کسافت نیست — طالبا ذکر در طلب شده است

در بیان فرایض غسل

در هدایه نهایه غیر هما — در جمیع کتابهای ما
آب اندر دهان و در بینی — هست در غسل فرض حینی
در هدایه ست شافعی هندو — گفت هست علی الفیاض وضو
رای مالک نظر حنفی اینست — خواه در غسل هست خواه وضو
قول اصحاب ما بیست — فرض در غسل و در وضو نیست
آب راندن بباز عضا — فرض گفتند جمله علما
در کتاب خلاصه حسین است — نیز در چند نسخه چون این است
ساز دادن آب استنجا — تا سر حلق ای برادر من
تا دماغ ست حد استنشاق — تا شعب با جمیع قول اتفاق
قرطعامی میان دندان — آب جاری نکشت در ته آن
گفت از منتقی خزانه چون — نیست جایز نکرد وارد بیرون
بعد بیرون شدن ان کند جاری — آبرا بر هما تحمل باری
چون ز تجنیس ذکر کرد جواز — نکذاری تو بر خلاف نماز
رجلی غسل ساخته بودان — مضمضه نه دست از ان
در کتاب خلاصه آورده — آب بر دو دست از خورده
نبود خارج جنابت او — در بیدعت خورد بر پایه کو
لیک از واقعات گفت حسین — غیر سنت خورد اگر چه این

من هستی خواهم ای شه ذوالجلال
حمد بحد بحضرت غفار
ختم شد بثنای سبحانه

هم تو که بنا شی از نجال
گشت اتمام قول الله بار
بدعا یاد کن تو بر خود نے

بحمد الله وکرمه

وصلی الله علی خیر خلقه محمد

وآله واصحابه اجمعین

تمت بعون الله الملک الوهاب والصلوة والسلام علی محمد
خیر الانام واصحابه الکرام قد وقع الفراغ فی نصف شهر ذی الحجة
کتبه الفقیر یوسف بن ملا ذاکر جان شاهی حلی جلالی [illegible]

در تاشکند

مشکر این نسخه بپایان رسید
بخیر این نسخه بدا امان رسید

در مطبع آزیا مزین گردید

«ҲИДОЯТ УЛ-МУТТАҚИН»НИНГ ҚЎЛЁЗМА НУСХАСИДАН НАМУНАЛАР

494

بولسون یوزین قبله دین اوکورماک یخشی ایکن در
ابو المکارم ده ایتور بزنه امام لارنه نزدیده ایکی خطبه
سنت دور ایکی خطبه ده هم حمد ثنا و صلوات اولتورسن
دینه ایکی بسیده شهادت ایتسون مشرح ادا اوده ایتور
بزنه امام لارنه الدیده ایکاویده هم حمد ثنا و درود و وعظ
و آیت و نصیحت نه ایتسون ایکی خطبه ارا بسیده قرار ایتوب
اولتورسون یعنی لار الدیده جابه تکبیر تورسه هم بولورسه
یعنی لار الدیده اوچ آیت اوقوغونچه اولتورسون
طهارت برله تورب قولیغه عصا آلیب خطبه نه تا قیلسون
قوم کا قراب بوصورتلارده اوقوق رسول خدا ایشلاری
دور رسول خدادین نقل قیلور لار خطبه نه قسقه اوقوسون
بر وقت خطبه نه تمام قیلسه مؤذن اقامت ایتسون ایکی
رکعت فرض جمعه نه اوقوسه تورت رکعت فرض دین
ساقط بولور شمس الدین ده ایتور امام خطبه نه اخریغه
یتکانده تکبیر نه متصل قیلسه ایتسون خلاصه ده ایتور امام

МУНДАРИЖА

Мўътабар манба (Усмонхон Алимов) 3
"Маслак ул-муттақин" асари ҳақида
(С. Сайфуллоҳ, А. Деҳқон) 5
"Маслак ул-муттақин" асарининг таржимаси 22

МАСЛАК УЛ-МУТТАҚИН

Мутаржим муқаддимаси 30
Наъти онҳазрат алайҳиссалом 40
Муножот ба даргоҳи Қозиял ҳожот 41

АҚИДА КИТОБИ

Худойи таолонинг бирлиги баёнида 44
Иймоннинг баёни 46
Фаришталарга ва китобларга ва анбиёларга
иймон келтирмакнинг баёни 47
Чорёрларнинг сифатлари ҳақида 49
Авлиёларнинг кароматлари баёни 50
Ҳазрат Эшони Сўфининг пирлари таърифида 52
Қабр азоби ва қайта тирилмоқ ва Мункару Накир саво-
ли ва Ҳавз ва шафоат ва Беҳишт ва Дўзах баёни 54
Эътиқоднинг мухтасар баёни 57
Ҳазрат Эшони Сўфининг шикасталиклари баёни 58
Эшони Сўфининг нури чашми — фарзанди
аржумандларига қилгон насиҳатлари турур 59
Ҳазрат Эшони Сўфи норасолиғларини
баён қилгонлар 60
ФИҚҲИЙ МАСАЛАЛАР 61
Ислом биноси беш қисмдур, анинг баёни 61
Намозда ўн икки фарзи муттафақун алайҳ бордур,
анинг баёни 62
Муъулама (фатво лафзлари)нинг баёни 63

ТАҲОРАТ КИТОБИ

Таҳорат суннатларининг баёни 68
Таҳорат мустаҳабларининг баёни 73
Таҳоратнинг наҳйи ва макруҳлари баёни 74
Таҳоратни синдирур нимарсаларнинг баёни 76
Эшони Сўфининг муридларига шикастанафслик
қилғонлари бу турур 83
Қазойи ҳожат (ҳожат ушатиш)
одобларининг баёни 83
Қазойи ҳожатдаги наҳйиларнинг баёни 84
Кесак бирла истинжо қилмоқнинг баёни 85
Истибронинг баёни 86
Истинжо сувининг баёни 87
Дуруст ва нодуруст сувларнинг баёни 91
Оқар сувнинг баёни 92
Ҳовузнинг ҳукми ва анинг меъёрининг баёни 92
Қудуқнинг баёни 96
Мустаъмал сувнинг баёни 102
Ҳайвонотлар сарқитининг баёни 105
ҒУСЛНИНГ ФАРЗЛАРИ БАЁНИ 108
Ғуслнинг суннатлари баёни 110
Ғуслни вожиб қилур нимарсаларнинг баёни 110
Муножот бадаргоҳи Қозиёл ҳожот 114
Илми ҳайз ва унинг хусусиятлари 115
ҲАЙЗ ВОҚЕАЛАРИНИНГ БАЁНИ 116
Туҳр (ҳайздан пок кунлар)нинг баёни 116
Ҳайз рангларининг баёни 117
Ҳайз ҳукмининг баёни 117
Нифоснинг баёни 120
Истиҳозанинг баёни 120
Ҳайзи мутафаррақанинг баёни 121
ТАЯММУМНИНГ БАЁНИ 123
Таяммум қилмоқнинг баёни 125
Таяммум неча нарса билан дуруст
бўлурининг баёни 126

Таяммум ноқизотлари (синдирувчилари)нинг баёни 128
Муножот бадаргоҳи Қозиял ҳожот 132
Таяммум ҳукмларининг баёни 134
МАҲСИҒА МАСҲ ТОРТМОҚ ВА УНИНГ ҲУКМИ 137
ПОК СУВ ВА ЛИБОС ПОКЛИГИНИНГ БАЁНИ 145
Нажосати ғализа ва хафифанинг баёни 147
Жой поклигининг баёни 152
Нажосатни ювмоқнинг баёни 155
Дибоғот (терини ошлаш)нинг баёни 162

ЗАБОИҲ (ҲАЙВОНЛАРНИ БЎҒИЗЛАМОҚ) КИТОБИ

Ҳайвонотни бўғузламоқ (сўймоқ) баёни 166

САЙД (ОВ) КИТОБИ

Бу китобда забҳ (бўғизлаш)ни айтур 172

МУТАФАРРАҚОТ (ТУРЛИ ХИЛ МАСАЛАЛАР) КИТОБИ

Бу китобда жониворнинг ҳалол ва ҳаромлиғини айтур 176

САЛОТ (НАМОЗ) КИТОБИ

Намознинг мустаҳаб (вақт)лари баёни 183
Баъзи вақтларда намоз раво бўлмаслигининг баёни 185
Азон ҳукмининг баёни 189
Авратни ёпмоқ баёни 195
Либос киймакнинг баёни 204
Ният баёни 211
Қибланинг баёни ва ҳукмлари 215
Намоз ичидаги фарзлар баёни 219

Такбири таҳрима ва унинг ҳукмлари баёни 219
Қиём ва унинг ҳукмлари баёни 211
Қироат ва унинг ҳукмлари баёни 211
Рукуъ ва унинг ҳукмлари баёни 225
Сажда ва унинг ҳукмлари баёни 225
Қаъдаи охир ва унинг ҳукмлари баёни 227
Намоз вожибларининг баёни 229
Намознинг суннат ва мустаҳаблари баёни 232
Қироат баёни 244
Қироатда бир ҳарфнинг бошқа ҳарфга ўзгариши 249
Қироатда ҳарфни зиёда қилиш ва унинг ҳукми 253
Қироатда ҳарфни кам қилиш ва унинг ҳукми 254
Қироатда васл, ташдид ва маддларда хато қилиш ва уларнинг ҳукми 254
Эъроб (зер ва забар)да хато қилиш ва унинг ҳукми 255
Қироатда сўзнинг (бошқа) сўзга алмашиб қолиши ва унинг ҳукми 256
Қироатда сўз ўрнининг алмашиб қолиши ва унинг ҳукми 257
Баъзи жойда вақфнинг нодуруст бўлиши ва унинг ҳукми 257
Қуръонни лаҳн билан ўқиш ва унинг ҳукми 258
Намозни бузадиган нимарсаларнинг баёни 259
Намознинг ҳаромлари ва уларнинг ҳукми 266
Намоз макруҳларининг баёни 267
Жамоат намозининг баёни 277
Имомат ва унинг ҳукмлари баёни 280
Намозда таҳорат синмоқлигининг баёни 297
Масбуқ ва лоҳиқнинг баёни 302
Саждаи саҳв баёни 306
Саждаи тиловат баёни 314
Қазо намозларни ўқиш тартиби 321
Бемор намозининг баёни 323

Мусофир ва унинг намозининг ҳукми 326
Жуманинг баёни ва унинг ҳукмлари 331
Витр вожиб баёни 339
Суннати муаккада баёни 340
Таровеҳ баёни 343
Намоз бошлаганда жамоат ҳозир бўлиши ва
унинг ҳукми 345
Масжидни ҳурмат қилмоқнинг баёни 348
Ийд (ҳайит) намозининг баёни 350
Қурбонлик ҳукмларининг баёни 352
Такбири ташриқ баёни 353
Истисқо (ёмғир сўраш) намози ва
унинг ҳукмлари 354
Кусуф (қуёш тутилганда ўқиладиган) намоз ва
унинг ҳукмлари 355
Хавф намози ва унинг ҳукмлари 356
Чоштгоҳ намози ва унинг ҳукмлари 357
Аввобин намози ва унинг ҳукмлари 357
Таҳажжуд намози ва унинг ҳукмлари 357
МЎМИНЛАРНИНГ (ЎЗАРО) МУЛОҚОТЛАРИ БАЁНИ 358
Атса (акса) уриш ва унинг ҳукмлари 363
Аллоҳнинг ва расулуллоҳнинг номи зикр
қилинганда жавоб бермак 364
Тирноқ ва соч-соқол олиш баёни 365
Бемордин хабар олиш, аҳволини сўраш баёни 366
Ўлукни ювмоқ баёни 369
Мурда (ўлик)ни кафанлаш ва унинг ҳукмлари 372
Жаноза намози ва унинг ҳукми 373
Тобутни қабристонга кўтариб бориш 379
Мурдани дафн этмоқ 381
Шаҳидлик ҳукми 384
Қабр зиёрати баёни 386

ЗАКОТ КИТОБИ

Закот масалалари баёни 390
Тева (туя)нинг нисоби 390
Сигир (мол)нинг нисоби 391
Қўйнинг нисоби 391
Отнинг нисоби 391
Тилло ва кумушнинг нисоби 392
Ошур (ушр олуви)нинг баёни 393
Конлар закотининг баёни 394
Ушрий ва харожий ерлар баёни 396
Закот сарф қилинадиган ўринлар баёни 398
Садақаи фитр баёни 400
Қурбонлик баёни 402
РАМАЗОН РЎЗАСИ БАЁНИ 407
Қазо ва каффорат баёни 410
Саҳарлик баёни 417
Ҳаж китобининг тасниф этилмаганлиги зикри 418

ИЛОВАЛАР

"Маслак ул-муттақин"да номлари зикр этилган асарлар 422
"Маслак ул-муттақин" асаридаги шахс номлари 453
"Маслак ул-муттақин"нинг тошбосма нусхаларидан намуналар 480
"Ҳидоят ул-муттақин"нинг қўлёзма нусхасидан намуналар 487

Сўфи Оллоҳёр

МАСЛАК УЛ-МУТТАҚИН

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2012

Нашр учун масъул *Эркин Малик*

Ношир: *Санжар Назаров*
Муҳаррир: *Нигора Ўролова*
Мусаввир: *Феруза Файзуллоҳ*
Бадиий муҳаррир *Толиб Қаноатов*
Техник муҳаррирлар: *Ихтиёр Саидов, Раъно Бобохонова*
Саҳифаловчи: *Мастура Атхамова*

Ушбу китоб юзасидан фикр ва мулоҳазаларингизни ушбу e-mail адресига юборишингизни сўраймиз:

alfaqir@list.ru
sayfiddin.sayfulloh@gmail.com

Нашр лицензияси № 201, 28.08.2011

Тайёр диапозитивдан босишга рухсат этилди 30.05.2012. Бичими: 60x90 $^{1}/_{16}$. «Baltica» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 29,9. Нашриёт-ҳисоб табоғи 31,0. Адади 5 000 нусха. Буюртма № 2402. Баҳоси келишилган нархда.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.